

Душанба оқшомидаги дарслар

**Муаллиф
Андижон жомеъ масжиди имоми
Абдували қори Ашурали ўғли
Мирзаев**

**3
Жузъ**

**Нашрга тайёрловчи
Саҳвий
2022 йил**

Кириш:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу китоб, Андижон жомеъ масжиди имоми Абдували қори, Ашурали ўғли Мирзаевнинг, Душанба оқшомидаги дарсларининг, учинчи жузъидир.

Бу қисмда, аввалги китобдаги каби, дарсда айтилган оят ва ҳадисларнинг арабчаси, тўла жамлаб қўйилди. Баъзи асарлар топилмади. Баъзи ҳадислар муҳаддислар томонидан заиф ва ҳатто орасида мавзуъ (тўқима) деб, танилган ҳадислар ҳам учради. Буларни тагига, шу ҳадисни муҳаддислар заиф ва мавзуъ дейишган, деб, эслатма тарзида, қўшиб кетилди.

Дарслар охиридаги, беш ўн минутлик, турли мавзулардаги савол жавоблар, одатга кўра, китобга киритилмади. Дарсларнинг тўлиқ матни, арабчаси ва ўзбекчаси мукаммал жамланди. Тўпламнинг биринчи жузъи 20 та дарсни ўз ичига олган эди. Иккинчи жузъда 19 та дарс жамланди. (28 дарс қори акани, ўзи қилмагани учун, киритилмади) Бу учинчи жузъида ҳам, жами 19 та дарс бўлди. 54 дарс қори аканинг шогирди қилган ва бу китобга ундан кейинги дарс шу рақамда кирган. Битта рақам сурилгани учун, ва 60 дарс, гуноҳи кабиралар ҳақидаги, силсилавий дарсларнинг боши бўлгани учун, китобнинг тўртинчи қисмига киритилди. Шу сабабли, бу тўпламда жами 19 та дарс бўлди.

Тўртинчи жилди ҳам, иншааллоҳ, 19 та дарс бўлади. Чунки, баъзи дарслар, қори ака йўқлигида у кишининг шогирдлари томонидан қилингани учун, бу тўпламга кирмайди. Шунда, шу тўртта тўпламда, жами, 87 та дарс жамланади. Бу дарслар, ўзбек тилидаги исломий дарсларнинг, жавоҳирлари десак муболаға бўлмайди. Бу киши даражасида, дарс қиладиган шахсият, ҳали бу миллатда, ҳозирча мавжуд эмас. Валлоҳу аълам!

Аллоҳу таоло, устознинг бу хизматларини, охиратда, лойиқ ажр билан мукофотласин! Бу тўпламни ҳам, ўқувчиларга ва муаллифига ҳам дунё ва охиратда манфаатли қилсин! Китобдаги баъзи, имловий нуқсон хатолар бўлса, олдиндан узр сўрайман. Китоб ҳақидаги фикр мулоҳазаларингизни, кутиб қоламан.

Саҳвий

15 январь 2022 йил

41 Дарс

Имон ҳаловатини топган уч тоифа ва Қиёмат кунида сояда турувчи етти тоифа ҳақида

(Бу дарс аавалида, имон ҳаловатини топган уч тоифа ва дарс охирида, қиёмат кунида сояда турувчи етти тоифа ҳақида сўз боради. Дарс охирида баъзи, фикҳий саволларга жавоблар берилади. Бу мавзудаги дарслар, олдинги дарсларда ҳам ўтгандир. (2 жуз 39 дарсда) Бу ерда яна такрорланади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, агар имон сифати бўлмаса, мутлақо эътиборга олмаслигини баён қилиб айтади.

قُلْ مَا يَعْجَبُ بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ يَكُونُ لِزَامًا
Фурқон сураси 77 оят

Айтинг, эй Муҳаммад алайҳиссалом, Роббим сизларни мутлақо эътиборга олмайди, агар дуоинглар, яъни, имонинглар бўлмаса. Агар инсонда имон сифати бўлмаса. У ҳеч қандай мўътабар кишимас. Одамлар наздида эътиборлик бўлган бўлсада, у Аллоҳнинг ҳузурида, мутлақо эътиборга олинмайди. Ким бўлишлигидан қатъий назар. Халқлар наздида қанча. Сохта обрўлар топган бўлишлигидан қатъий назар. Демак, одамларнинг эътибори, Аллоҳ ҳузурида, имон билан бўлади.

قُلْ مَا يَعْجَبُ بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ يَكُونُ لِزَامًا
Фурқон сураси 77 оят

قُلْ مَا يَعْجَبُ بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ

Сўзини, ҳамма муфассирлар, имон деб, тафсир қилишганлар. Демак, биз имон сифатига эга бўлмоғимиз керак. Имонимизни зиёда қилмоғимиз керак. Шу имонни ҳаловатини татимоғимиз керак. Ҳаётда кўп нарсаларнинг лаззатини татиб кўрганмиз. Имоннинг ҳам ҳаловати бор.

Рум ҳукмдори Ҳирақл, жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хабарини эшитгандан кейин, Маккадан савдогарлар жамоаси келганини эшитиб, уларни ҳузурига чақиртирди. Улар орасида Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, насабда қариндош бўлиб, маслақда ашаддий душман бўлган, Абу Суфён бор эди. Ҳирақл ундан савол сўрашлик учун, олдига яқин ўтқазди. Қолганларни орқасидан кетма кет ўтқазди. Таржимони орқалик уларга айтдики, мен бу кишидан, бир неча савол сўрайман.

Агар, у ёлғон гапирса, ортидагилар мени огоҳлантирсин, деди. Уларни кетма кет ўтқазганлигининг сабаби, кимдир ишора қилиб, ёлғон гапирмасин деб, қилган. Шунда, ўнта савол берган. Абу Суфён айтадики, агар ёлғон гапириш имкони бўлганда, Муҳаммадга тухмат қилиш имкони бўлганда, шу ерда қилардим. Лекин, Рум ҳукмдори олдидан ёлғончи бўлиб, чиқиб кетишдан қўрқиб, қилмадим. Имон келтирганидан кейин, бунини ўзи ривоят қилган. Шу саволлардан бири,

هل يرتدو احد منهم عن دينه

Бу кишининг динига кирганлардан бирон киши, динидан қайтиб кетаяпдими? деб сўради. Абу Суфён йўқ, деди. Шунда, Ҳирақл,

وذلك الإيمان حين تخالط بشائنه القلوب

Имоннинг башошати, нури, қалбларга кирганда, у бир лаззат топадики, дунёнинг ҳамма лаззати билан, бу одамни алдаб бўлмайди. Дунёнинг ҳамма азобу уқубати билан, бу имон нури ва ҳаловати қалбига кирган одамни алдаб бўлмайди деб, Ислом динидан беҳабар бўлган, Ҳирақл ҳам билди. Демак, бу имон нури ва ҳаловати, кишининг қалбига кирса, ҳар қандай азобу уқубати билан, ҳар қандай алдов ва сохталиклар билан, бу диндан чиқариб бўлмайди, биродарлар.

Мана бу нарсани диндорлар билмаса ҳам, динсизлар яхши билади. Шунинг учун, саҳиҳ исломни, одамлар қалбига киришига, ниҳоят даражада, бор кучи билан қаршилиқ қилади. Ва пайғамбар олиб келган йўл билан, инсонлар чиқарган йўлни, омукта қилиб, аралаштириб, яшашни орзу қилади. Қачон Ислом инқирозга учраган? Одамлар тарафидан ўзларининг ноқис фикрлари, динга олиб кирилган кундан бошлаб, инқирозга учраган! Шунинг учун, биз, фақат Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўлни дин деб, билишимиз керак. У киши Расул.

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ

Оли Имрон сураси 144 оят

Муҳаммад алайҳиссалом, Аллоҳ тарафидан элчи халос. Ундан олдин ҳам элчилар ўтган. У киши, Аллоҳ билан инсонлар ўртасида элчидир. Бошқа табиатда, башарий табиатлиқдир. У киши, бирор бир нарсада, хиёнат қилмаган суратда, соф Исломни етказиб кетдилар.

Кимда ким, Муҳаммад алайҳиссалом, олиб келган йўлга, бирон нарса қўшса, бу Муҳаммад алайҳиссалом, олиб келган йўл, ноқис экан, дейишлиқдан бошқа нарсамас, наузан биллоҳ. Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бидъат ҳақида, қаттиқ гапирдилар. Оламдаги нарсаларнинг энг ёмони, зино, фаҳш ва йўлтўсарлик ва бошқа демадилар. Оламдаги нарсаларнинг энг ёмони, шариатга олиб кирилган бидъат нарсалар, дедилар. Ҳар бир олиб киритилган нарса, бидъатдир, Ҳар бир бидъат, залолатдир. Ҳар бир залолат, жаҳаннам ўтига олиб боради, дедилар. Нима учун шундай?

Биз шуни билмоғимиз керакки, шариатга қаршилиқ бўлиши билан, у иншааллоҳ, фақат ривожланади. Буни билган маккор душман, шариатга, одамлар тарафидан чиқарилган нарсаларни олиб кирадида, шариатнинг шаффофлик нуруни йўқотади. Шу билан одамлар, шариатдаги нуқсонни кўра бошлашади. Шу одамлар тарафидан қўшилган нарсалардаги нуқсонни кўришади. Аллоҳ тарафидан келган Ислом, Инсонларни яратган Зот тарафидан келгани учун, у енгил ва мулойим бўлади ва одамлар соф исломни эшитсалар, қабул қилиб кетаверадилар. Ана шу қабул қилишлари, Ислом душманлари учун хатардир, биродарлар.

Шунинг учун, исломга одамлар тарафидан ўйлаб топилган нарсаларни киритишга уринишади. Баъзилар, яхши ният билан бидъатларни киритишади. Инсонлар шариатга яхши ният билан бидъатларни киритиб хато қилишади. Дин эргашмоқликдир! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, эргашишлиқ Диндир! Ихтиро қилишлиқ, динда мутлақо мумкин эмасдир. Ихтиро майдони, моддий оламдир. Ихтиро учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, моддий оламини яратиб берди. Мусулмонларнинг аввалги аждодлари, моддий оламда, жуда кўп ихтироларни қилишганди. Шаръиятда ихтиро қилишдан сақланишганди.

Аммо, кейингилар, динда ихтиро қилишдилару, дунёвий нарсаларда ихтиро қилишлиқда, бошқалардан орқада қолиб кетишдилар. Ўзи аслида, ихтиро учун, дунё майдони бор эди. Бизнинг аждодларимиз, моддий оламда, ҳамма соҳада ихтиро қилишдиларда, ҳамма соҳада юқори ўринга чиқдилар. Нима учун? Исломнинг кўрсатмаси асосида! Биз ҳам имоннинг ҳаловатини татиноқлигимиз керакки, бу ҳаловатни, татиган одамни, ҳеч қачон бу диндан чиқариб бўлмайди, биродарлар. Худди, саҳобалар ва аждодларимизнинг мустаҳкам бўлганига ўхшаган.

أَخْرَجَ الْبُخَارِيُّ مِنْ حَدِيثِ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ثَلَاثٌ مَنْ كُنَ فِيهِ وَجَدَ حُلَاوَةَ الْإِيمَانِ أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا، وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ، وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يَقْذَفَ فِي النَّارِ

Уч нарса борки, бу уч нарса қайси бир кишида бўлса, имоннинг ҳаловатини татийди.

Биринчиси: Аллоҳ ва расули мўмин кишига, бошқа ҳамма нарсадан суюли бўлмоқлиги керак. Ота онадан, ҳовли жойидан, қилиб турган савдо ишларидан, фарзандларидан ва оиласидан ва ҳамма нарсадан суюли бўлмоқлиги керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Аллоҳдан ва Унинг Расулидан ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан, қайтарадиган нарсаларни тарозининг бир палласига қўйди.

قُلْ إِنْ كَانَ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِنُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ

Тавба сураси 24 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонда, мўминларга қарата айтинг, Эй Муҳаммад алайҳиссалом, деб буюради: Айтинг, Эй Муҳаммад алайҳиссалом, агар, ота, онанглар, ва фарзандинглар, ака уканглар, аёлинглар, ва қариндош уруғинглар, касб қилган молу давлатинглар, ва ўзинглар рози бўлиб, ихтиёр қилган ҳовли жойинглар, инсон ўзининг ҳовли жойига кирганда, яйрайди, ва сизлар касод бўлиб қолармикан деб, ташвиш қилиб турган тижоратинглар, Аллоҳдан ва Унинг Расулидан ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан, суюлироқ бўлса, Аллоҳнинг буйруғи, яъни, ўлим келгунча кутиб туринглар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло «Бундай фосиқларни тўғри йўлга ҳидоят қилмайди,» деди. Тарозининг бир палласига, Аллоҳни, ва Унинг Расули ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодни, қўйяпти. Инсон яхши кўрадиган ва ғариза билан интиладиган нарсаларни, тарозининг иккинчи палласига, қўйяпти.

Аллоҳни, ва Унинг Расули ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодни, муҳаббати баланд бўлмаса, уни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло фосиқ деб, атаяпти. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бунӣ саҳобалар даврида, воқеъий имтиҳон қилди. Биринчи, баъзи хонадонларда, фарзанд мусулмон эди. Ота ёки, она ёки, ота она мусулмон эмас, эди.

Баъзи хонадонларда, ака укаси мусулмонмас, эди. Баъзи хонадонларда, қариндошлар мусулмонмас, эди. Баъзи хонадонларда, аёли мусулмонмас, эди. Баъзи хонадонларда, эри мусулмонмас, эди. Аллоҳу таоло, уларни қаттиқ имтиҳон қилди. Маккадаги кишилар бир бирлари билан савдо алоқасини қилишарди. Мусулмон бўлишганидан кейин, агар Муҳаммадга кофир бўлмасанг, сен билан савдо алоқасини узаман, дейдиганлар бўлди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уларни ҳижрат билан имтиҳон қилди. Улар ҳаммалари Аллоҳнинг буйруғи билан, аввалда Ҳабашистонга ва кейин, Мадинага ҳижрат қилишдилар. Улар ўзларининг ҳаётларида, Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатини устун қўйиб, бу имтиҳондан ўтдилар. Мадинага ҳижрат қилишаётганда, улар ўзларини Мадинада, мусулмон биродарлари кутиб туришганини билардилар.

Агарчи, саҳрода ўлимни хатари бўлса ҳам. Лекин, Ҳабашистонда, бирорта мусулмон, уларни кутиб турмаганди. Фақат, Ҳабашистон подшоси Нажошийнинг, мазлумларга ёрдам беришлик ваъдаси бор эди, халос. Уларга ҳижратни шу икки тури, дуч бўлди. Улар Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатини устун қўйиб, ватанларини ва ақраболарини тарк этиб, ҳижрат қилдилар. Бизлар ҳам бир, имонимизни синаб кўрайлик! Биз жуда кўп нарсаларда, Аллоҳнинг буйруғига бўйсунамиз, агар ҳозирги айтилиган нарсаларнинг бирортасига, зарар етмаса?! Биз ҳафтасига бир соатлик дарсимизни ҳам, тижорат ишларимиз юриб турсагина ўрганамиз.

Бу аҳволда биз, имоннинг ҳаловатини билолмиймиз, биродарлар! Бунда биз, дунёнинг ҳаловатини тотиб бораверамиз. Агар, биз имоннинг ҳаловатини бир татисак, дунёнинг ҳаловатини эсдан чиқарамиз. Шунинг учун, саҳобалар бу биз биладиган лаззатларни, эсдан чиқардилар. Ислом, бу лаззатлардан фойдаланмасликка буюргани йўқ. Раҳбонийликни йўқотган ислом бўлди. Ота онага ва фарзандларга муҳаббат қилишликка, Ислом буюрди.

Лекин, Аллоҳу Расулининг муҳаббатини, булардан устун қўйган ҳолатда, буларга муҳаббат қилишга буюрди. Агар бир кишига, имоннинг ҳаловати насиб бўлса, у саҳобалар татиган лаззатдан баҳраманд бўлади. Нима учун саҳобалар, молу мулкни тамоми, Аллоҳнинг йўлига тика олдилар?! Чунки, Аллоҳу Расулининг муҳаббати афзал эди. Шунинг учун саҳобалар, молу мулкни тамоми, Аллоҳнинг йўлига тика олдилар! Абу Бакр разияллоҳу анҳу Табук ғазотида, ҳамма молларини Аллоҳ йўлида бериб юбордилар.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ярим молларини Аллоҳ йўлида бериб юбордилар. Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу. Уч юзта мужоҳидни, туялари ва ҳамма жиҳозлари билан таъминладилар. Бу ҳозирги вақтдаги энг фахрли сайёра билан, уч юзтаси билан жиҳозлади дегани бу. Ҳали биз бирор одамни, битта сайёра миқдорича мол билан, битта муҳтожни таъминлаганини, бу яқин тарихда эшитганимиз йўқ!

Абдурахмон ибн Авф карвони, кўп мол билан келганида, савдогарлар, бу қарвондаги молни, катта фойдага олишмоқчи бўлдилар. Икки баробар берамиз дедилар. Йўқ, мен каттароқ савдога сотиб қўйдим, дедилар. Уч баробар берамиз дедилар. Йўқ, мен каттароқ савдога сотиб қўйдим, дедилар. Мен ўн баробардан, етти юз баробаргача берадиган Зотга, сотдим дедилар. Мана. Катта карвонни, барча молу жиҳози билан, Аллоҳ йўлида бериб юбордилар. Аллоҳу Расулининг муҳаббати, бу фақат тил билан айтиладиган нарсамас, биродарлар!

Фарзандлар муҳаббатини олиб кўрсак. Абу Бакр разияллоҳу анҳу Бадр ғазотида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан бирга турганларида, ўғли ҳали имон келтирмаган эди. У яккама якка мубориза қилишликка мушриклар тарафидан чиқди. Ва ўзига қарши курашга чиқишни талаб қилди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу, Аллоҳ, ва Унинг Расули муҳаббати устун бўлиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга қараб, мен чиқаман, дедилар. Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, маттеъно, ё Або Бакр, дедилар. Маслаҳатингиз билан бизни, фойдалантириб туринг. Сизни бу ерда шаҳид бўлишингиздан кўрқаман, дедилар. Ака укалар ва қариндош уруғлар мисолини айтишга ҳожат йўқ, биродарлар, бунинг мисоли кўп бўлди. Бунга мисол ҳар бир саҳобадан келтиришлик мумкин.

Аёллар томонидан олиб кўрсангиз, Ҳанзала разияллоҳу анҳу жиҳодга эълон бўлганда, ғусл қилмасдан чиқиб кетдилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жангдан кейин, унинг жасади, фалон қудукни олдида, олиб келинглари дедилар. Бориб қарашса, ҳамма кийимлари ҳўл эди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уни малоикалар ювиб қўйганлигини, хабарини бердилар. Оилаларидан сўраганда, Жиҳодга қақриқ бўлганда, ғусл қилсам таъхир бўлади, деб, ювинмасдан чиқиб кетганлигини, хабар берди. Ҳамма саҳобалар, уй жойларини ва молу мулкларини, Аллоҳ, ва Унинг Расулининг муҳаббатини устун қўйиб, ташлаб кетдилар. Бу нарса уларга қийин бўлмади, биродарлар.

Имон ҳаловатини тотган кишига бу нарса қийинмас. Худди, дунё топишлик учун, ҳар қанча хорликни тортиш бизга қийин бўлмаётганидек, уларга ҳам, буларни ташлаб кетишлик қийин бўлмади. Одамларнинг дунё топишлик учун тортаётган хорлигини бир кузатиб кўрсангиз, имон йўлидаги ҳар қандай хорлик, бу азизликдир! Биз дунёнинг лаззатини татидик. Имоннинг лаззатини татимаганимиз учун, мана шу лаззатдан маҳрум бўлиб яшайпмиз, биродарлар!

Икинчиси:

وَأَنْ يَحِبَّ الْمَرْءُ لَا يَحِبُّهُ إِلَّا اللَّهُ،

Бировни яхши кўрмайди. Магар яхши кўрса, Аллоҳ учун яхши кўради. Аллоҳ учун яхши кўриш сифати кимда топилса, уни нуқсонини айтишлик, ҳам осон. Уни яхшилигига ёрдам беришлигимиз ҳам осон. Ундан ажралиб кетишлигимиз ҳам осон! Аллоҳ учун дўст тутиш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш! Неччи йил, қадрдон дўст бўлган бўлсак, агар уни шариатга зид ишини кўрсак, Ундан ажралиб кетишлигимиз ҳам осон бўлади, чунки, бизнинг муҳаббатимиз, Аллоҳ учун эди. Аллоҳ учун яхши кўриш сифати, кимда топилса, Аллоҳ учун ёмон кўришлик ҳам осон бўлаверади.

وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يَقْذِفَ فِي النَّارِ

Учинчиси: Аллоҳу таоло куфрдан қутқаргандан кейин, куфрга қайтишни ёмон кўрса. Худди, ўтга улоқтирилишликни ёмон кўргандек. Ўтга улоқтирилишликни қанчалик ёмон кўради, инсон ўзи билади. Инсон ўтга улоқтирилишликни ёмон кўришлиги, бу ниҳоятда юқори даражада бўлади. Жоҳилийятга ва куфр ҳаётига қайтишлиги хаёлидан ўтса, ниҳоят даражада жирканади.

وعن عمر بن الخطاب رضي الله عنه: (إنما تنقض عرى الإسلام عروة عروة إذا نشأ في الإسلام من لا يعرف الجاهلية)

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу «Исломни бирма бир қадрлай олмайди, жоҳилийятда яшамаган одам, деган эканлар. (матн мазмуни, Ислом арқонини, бўлак бўлак узиб кетаверади, Исломда яшаб, жоҳилийятни билмаган одам) Жоҳилийят ичидан чиққан одам, нажаснинг ичидан чиққандек ҳис қилади ўзини, соф Ислом ҳаётига ўтса. Лекин, минг афсуски, баъзан қулоққа чалиниб қоладики, менга ҳадеб, бу сўзларни айтаверма! Жинниликимга қайтиб кетаман, агар айтверсанг, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бу сўз, имонинг ҳаловати мутлақо насиб бўлмаган, одамларнинг сўзидир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳузурида, такрор айтаман, бизни, мутлақо эътиборимиз бўлмади, агар имон сифатимиз бўлмаса, биродарлар! Мана шу имон сифати билан биз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳузурида, мўътабармиз. Бу имоннинг ҳаловатини тоттирмаётган нарсалар эса, шу оятда зикр қилинган нарсалардир. Ҳамма одамни текшириб кўринг, бизга имоннинг ҳаловатини тоттирмаётган нарсалар, бизнинг душманимиз, шу ҳозирги айтган нарсалардир. Такрор айтаман, Ислом бу нарсаларни ёмон нарса демайди. Шу нарсаларга боғланиб қолишни, ёмон нарса дейди. Бу нарсалар учун инсон яратилмаган. Бу нарсалар ҳаммаси, инсон учун яратилгандир.

Қиёматда сояда турувчи етти тоифа ҳақида

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида, етти тоифа одамни, қиёматда Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сояда қўйишини, баён қилдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтдилар:

أَخْرَجَ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ - رَحِمَهُ اللَّهُ - فِي صَحِيحِهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ: (سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمْ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي ظِلِّهِ، يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ: إِمَامٌ عَادِلٌ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ فِي خَلَاءٍ فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسْجِدِ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ، وَرَجُلٌ دَعَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالَ إِلَى نَفْسِهَا، قَالَ: إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا صَنَعَتْ يَمِينُهُ

Етти тоифа борки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларни соялантиради. Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда, Ўзининг соясида соялантиради. Аллоҳ бу сояни, Ўзига изофа қилаяпти. Агарчи, бир киши бир жазирамада қолгса, шунда, ҳурматлик бир киши, унинг бошида бир соябонни ушлаб турса, агарчи бу соябон оддий бўлса ҳам, унга нисбатан қалбида бир ҳурмат пайдо бўлади. Хижолат ҳам бўладик, дунёда бу соядан афзал соя, бор деб билмайди. Чунки, уни соялантириб турган бир ҳурматлик Одам. Ким бўлишидан қатъий назар, бир инсон у ҳам. Агар шундай жазирама иссиқда қолган вақтида, ниҳоятда ҳурматлик одам унга ёрдам қилди, у умрбод бунга гапириб ўтади. Мени шундай одам, шундай қилди, дейди.

Бу ерда Аллоҳу Роббил оламин, соялантиради. Ўзининг соясида, Аллоҳ бу сояни, Ўзига изофа қилаяпти. Аллоҳу Роббил оламин, шундай заиф банданинг хизматида бўлиб, соялантириб туради. Ўзининг соясида соялантиради. Биз дарахтларнинг соясида, қанчалик лаззатланамиз?! Бу соядан бошқа соя йўқ кунда, биродарлар! Бошқа бир номига бўлсада соя йўқ! Инсон ўзининг гуноҳидан хижолат бўлганидан, қулоғининг юмшоғига, фарқ бўлиб турган соатда, бутун ҳаётида кўрмаган жазирамада, бундай сояни ҳаётида ўйламаган. Уни соялантириб турган, Аллоҳу Роббил оламин, бутун оламни яратган Зот, соялантиради!

Биринчи бахтлиқ тоифа, адолатлик имомлардир. Имом бу Масжиднинг имомимас, биродарлар. Имом, Аллоҳнинг ҳудудларини жорий қилига қодир бўлган Волий, имомдир. Яъни, бир ўғри қўлга тушган бўлса, уни қўлини кесишликка қодир бўлган. Ва турмуш қурган зинокорни, тошбўрон қилишликка қодир бўлган, унга шариат ҳукмини жорий қилишга қодир бўлган кишини, Имом дейилади, ислом истилоҳида. Адолатлик деганнинг маъноси, ўзининг ҳавосигамас, Ислом кўрсатмасига биноангина амал қилади. Қўлида ҳар қандай иш қилишга ҳуқуқи бўлгандагина, инсоннинг адолати маълум бўлади. Қўлида ҳуқуқ бор. У ўз нафси ҳавосидан ҳукм қилишга, имкони бор. Лекин, ноилож мажбур бўлиб, адолат қилишлик бошқа. Имомнинг адолат қилишлиги бошқа. Масалан, бир одам, ўзи заиф. Адолат қилмасликка иложи ҳам йўқ. Бу одамнинг адолат қилишлиги бошқа. Имомнинг адолат қилишлиги бошқа.

У зулм қилишликка ҳам қодир. Лекин, зулм қилмай, адолат қилишлиги, бу ҳақиқий Аллоҳдан қўрққанлигига далолат қилади.

Хуллас, Аллоҳнинг ҳудудларини жорий қилишга қодир бўлган киши, Имомдир! Адолат нима?! Аллоҳнинг ҳукминигина жорий қилган одам, адолатлик кишидир. Ер куррасида ҳеч кимнинг қонунини жорий қилмаган, ва ҳеч кимнинг раъйига қарамасдан, фақат, Аллоҳнинг ҳукминигина жорий қилган Имом, Аллоҳнинг соясида бўлади. Ҳеч ким жазм билан айтолмайди, лекин, Ислом тарихидаги, Умар ибн Хаттобдек, адолатлик имомлар Аллоҳнинг соясида бўлади, валлоху аълам?!

Чунки. Исломни қабул қилганларидан тортиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларида заррача чиқмадилар. Ҳамма ҳаётлари адолатга тўла бўлди. (шу ерда форсча байт ўқийдилар) Тавозеъ, кичик кўнгиллик, катта одамлардан бўлиши гўзалдир. Яъни, катта одам, кичик кўнгиллик қилса, буни мутавозеъ одам деймиз. Гадо кичиккўнгиллик қилса, бу уни феълида, кичиккўнгиллик қилмасдан бошқа чораси ҳам йўқ уни. Унинг иши шу кичик кўнгиллик қилиш. Одамларга камтарлик қилиш билан юради.

Гадони бировларга эгилиб юришлигини кўриб, бу жуда камтар гадой экан, дейилмайди. Аммо, ўзи ҳурматлик бўлиб туриб, ўзини камтар ололса, мана бу одамни, камтар одам, дейилади. Адолат қилмасдан бошқа иложи йўқ одамни, адолатлик одам, дейилмайди. Қўлида ҳуқуқ бор. Истаган ишини қила оладиган киши, адолат қила олса, Аллоҳнинг соясида туради. Аллоҳ соялантириб туради уни.

Иккинчи бахтлик тоифа, Аллоҳ азза ва Жалланинг Ибодатида улғайган йигит. Шоббун калимаси, ўғил ва қизга ишлатилади. Яъни, йигитлар ва қизлар.

Ҳамма ҳавасга берилган, бутун нафси ҳавога берилган вақтда, Аллоҳнинг ибодатида Аллоҳнинг буйруғи билан ўзини машғул қилган йигит ва қизлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг соясида бўлади. Аллоҳ уларни, соялантириб туради. Қариганда кўп одам Аллоҳнинг ибодатига хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, бурилиб қолади. Қабр кўзга кўриниб қолади. Қабр кўринмаса, маҳалладаги Худойилар кўзига кўриниб, намоз ўқиб қолади. Маҳаллада, зиёфатларда, хижолат бўлмаслик учун, ибодат қила бошлайди. Аммо, ёшлик давридан, Аллоҳнинг ибодатида бўлишлик, Ширкдан пок бўлган ҳолда ибодат бўлишлик, Фи ибодатуллоҳ, калимасидан биз тушунамизки, фақат Аллоҳгагина ибодатда бўлган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон ва жинни, фақат Ўзига ибодат қилишлик учун, яратган эди.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ
Зориёт сураси 56 оят

Мана шу мақсад йўлига, ёшлиқдан ўз ҳаёт йўлини тўғрилаб олган, ҳар хил сафсаталарга ва залолатларга берилмаган, якка Аллоҳнинг ибодатида суяги қотган йигит ва қизлар, Аллоҳнинг соясида бўлади.

Учинчи бахтлик тоифа, Қалби масжидга боғланган одам. Масжид тавҳидни таълим берадиган жой бўлганлиги учун, биродарлар, масжидда жамоат намозига эътибор бериб, қалбини боғлаган кишиларни, Аллоҳнинг соясида бўладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари, Абу Бакр разияллоҳу анҳудек, Умар ибн Хаттобдек кишиларни, Абу Убайдадек омонатлик кўмондонларни, Абуд Дардоъдек, ҳаким кишиларни ва Абдуллоҳ ибн Аббосдек, қуръон муфассирларини тарбиялаган, шу оддий кичкина масжидлари эди. Масжидлар мусулмон ҳаётида катта ўрин тутди.

Буни мусулмонлар тушунишмаса ҳам, душманлари яхши тушунишган. Улар масжидлардаги ҳақиқий Исломий таълимни йўқотишган. Шу сабаблик, Исломни билмайдиган авлод вужудга келган. Масжиддан безийдиган авлод, вужудга келган.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳеч бошқа жойлари йўқ эди. Шу кичкина, оддий масжидлари бор эди. Саҳобалар Мадинага ҳижрат қилишганидан кейин, Масжиддан чеккароқ жойларга ҳам жойлашиб қолгандилар. Умар ибн Хаттоб ҳам, шунақа бўлганди. У киши, дунёвий ишлари ҳам бўлгани сабаблик, ўзларининг ансорий биродари билан, навбатма навбат, Масжидга қатнаб, дарсни ўрганиб юардилар. Мана Имоми Бухорий ривоят қилган, бир куни Ансорий бориб, бир кун Умар ибн Хаттоб бориб, шу кун олган дарсларини бир бирларига ўргатиб туришарди. Демак, қалби мана шундай, қалби (тавҳид) масжидига боғланиб турган кишилар, Аллоҳнинг соясида бўладиган кишилардандир.

Энди, масжидлар бузилиб, ичидаги ақидалар бузилиб, ҳақиқатни йўқолиб кетишлиги, масжидларнинг айби эмас, биродарлар. Бу ичидаги кишиларнинг айбидир. Шунинг учун, агар биз, масжиддаги айбни билсак, уни ислоҳ қилишимиз керак. Ислоҳ деганида, у бу ерини, деворини тузатиш деб, тушунилмасин. Ислоҳ дегани, бу ерда Аллоҳу Расулининг сўзини гапиришлик керак. Шариатга мувофиқ бўлиши керак.

Биров бировдан шахсий ғаразини, ўчини оладиган ер эмас бу. Шунинг учун, масжидга боғланиб турган кишилар, Аллоҳнинг соясида бўладиган кишилардир.

Тўртинчи бахтлик тоифа, Аллоҳ йўлида дўстлашган икки киши. Шу муҳаббат асосида бирлашган ва шу муҳаббат билан тарқалишган. Мана бу иккала киши ҳам, еттита бахтлик тоифанинг тўртинчисидирлар. Аллоҳ йўлида дўстлашлик, бу ҳаммага насиб бўладиган неъматмас, биродарлар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳуга бир киши келиб, сизни Аллоҳ учун яхши кўраман, деди. Унзур мозо такул, нима деяётганингни, бир ўйлаб кўр, дедилар. Сиз билан, Аллоҳ йўлида дўстлашмоқчиман, деди. Бўлмасам, шу соатдан бошлаб, ўзингни молинга, мендан кўра ҳақли эмассан, дедилар. Шунда, у киши, мен ҳали бунга тайёр эмас эканман, деди.

Бешинчи бахтлик тоифа, Мансаби ва жамоли бор бўлган, аёл. Уни бузук ишга таклиф қилди. Одатда, аёлнинг ҳаёси баланд бўлади. Аёл киши бўла туриб, бузук ишга таклиф қилди. Шунда, у эркак, мен Аллоҳдан кўрқаман, деди. Бошқа сабаби йўқ эди. Бу гуноҳдан қайтишлигига. Бирор бир жиноятчи бўлиб қолишлик сабабликмас, эди. Бирор қонунга зид бўлгани учун эмас эди. Фақат, Аллоҳдан кўрқаман, деди. Бу гуноҳни қилишқдан, Аллоҳдан кўрқаман, деди. Аллоҳнинг ҳузурида туришқдан кўрқиб, қайтган. Мана шулар, Аллоҳнинг соясида туради.

وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ عَنِ الْهَوَىٰ
فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَىٰ

Нозиёт сураси 40,41 оятлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ким Роббиси ҳузурида туришидан кўрқиб, нафсини тийган бўлса, жаннат унинг ҳақиқий қароргоҳидир, дейди. Тарихда, бундай сифатга эга бўлган кишилар кўп ўтган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръони каримда, Юсуф алайҳиссаломнинг поклигини исботлаб, хабар берган.

وَرَوَدَتْهُ الْمَلَأَىٰ فِي بَيْتِهَا عَنْ نَفْسِهِ ۖ وَغُلِقَتِ الْأَبْوَابُ وَقَالَتْ هَيْتَ لَكَ ۖ قَالَ مَعَاذَ اللَّهِ إِنَّهُ رَبِّي أَحْسَنَ مَثْوَايَ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الظَّالِمُونَ

Юсуф сураси 23 оят

Юсуфни бузуқ ишга таклиф қилди, Юсуф уйида турган аёл, деяпди. Яъни, бир киши, бир аёл кишининг уйида бўлса, у ўз уйининг шароитини яхши тушунади. Қуръони карим, дақиқ иборалар билан ифодаляпди. Ўзи аёл кишининг уйида бўлса, у ўз уйининг шароитини яхши билса, бу мусофир киши бўлса, аёлни ўзи таклиф қилган вақтда, бундан тўхташлик, энг покизаликни ва Аллоҳдан қўрқишликни белгисидир.

وَعَلَقَتِ الْأَبْيُوبَ وَقَالَتْ هَيْتَ لَكَ

Юсуф сураси 23 оят

Аёл, уйидаги битта эмас, бир неча дарвозаларни бекитдики, шу бузуқ ишга шундай шароитни яратди. Ҳеч ким билмайдиган қилди. Ва талаб қилди, аёл киши. Мана шу соатда,

قَالَ مَعَاذَ اللَّهِ

Юсуф сураси 23 оят

Аллоҳ сақласин! Деди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Юсуф алайҳиссаломни, солиҳлар жумласидан деб, мақтаяпди.

Мана бу бузуқ ишга шундай шароит бўлганда, Аллоҳдан қўрқаман деб, ўзини тийган кишиларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи, Ўзининг соясида соялантиради.

Олтинчи бахтлик тоифа, Махфий садақа қилган киши. Бир киши бир садақа бердида, уни махфий қилди. Ҳаттоинки, чап қўли, ўнг қўли берганини, билмади. Махфий садақа қилиш ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзи насиб қилган кишиларга насиб бўлади. Шу ерда ўтирганлар ҳар бири, ўзига савол қилиб кўрсин. Бирорта садақани махфий қилганманми? Деб. Мабодо, махфий қилган бўлса, ҳозиргача, махфий сақлаганманми? десин. Ҳозиргача, махфий сақлаган бўлса, бу ёиғига ҳам, махфий сақлай олармикан? Мана бу ҳам даҳшатдир, биродарлар! Мабодо, махфий қилган бўлсак, гуноҳларни махфий қиламиз. Ўзимизнинг шаънимизга доғ бўладиган нарсаларнигига, махфий сақлаймиз. Садақот одатда мискинга бериладиган нарса. Инфоқ калимасини, ҳаммага истеъмол қилинаверади. Лекин, садақот калимасини, фақат, мискинга истеъмол қилинади. Яъни, ҳеч ким танимайдиган, кўримсиз, биров мақтамайдиган жой.

وعن أبي هريرة قال: قال رسول الله ﷺ: دينارٌ أنفقته في سبيل الله، ودينارٌ أنفقته في رغبة، ودينارٌ تصدقت به على مسكين، ودينارٌ أنفقته على أهلِكَ، أعظمها أجرًا الذي أنفقته على أهلِكَ رواه مسلم

Мана садақа инфоқ қилишни зикр қилганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Аллоҳ йўлида сарф қилган инфоқ қилган пулинг. Қулларни озод қилиш учун инфоқ қилиб, сарф қилган пулинг. Учинчисида, мискинларга сарф қилган садақа пулинг, деб, садақа калимасини, мискинга берилган пулга нисбатан қўлланиляпди. Яна кейингисида, ўзингни оиланга сарф қилган инфоқ қилган пулинг, дейиляпди. (Бу ҳадис охирида, булар ичида энг ажри кўпроғи, аҳлингга берган пулингдир, дейилади.)

Одатда, садақа мискинга бериларди. Бечора ҳол одамга бериларди. Мана буни аввало беришлик қийин. Чунки, шуҳратлик жойга ҳамма беради, биродарлар. Берса ҳам, махфий ҳолатда сақлаб юриш, жуда ҳам қийин, биродарлар. Бу саҳобаларга насиб бўлган неъматлардандир. Шу ерда келтиришлик ўринлик деб, биламан. Абу Бакр Сиддиқ Халифалик вақтларида, бир кўзи кўр, тул қари аёлни, уларини супуриб, овқатларини қилиб берар эканлар. Умар ибн Ҳаттоб ҳам, шунақа ерлар бўлса, хизмат қилишга, истаб юрар эканлар. Бу кампирни уйига хизматга келсалар, доим уйлари супурилган ва овқатлари тайёр бўлар экан. Шу нарсани ким қилар экан, деб, кузатсалар, бу киши, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, ер куррасидаги мусулмонларнинг Халифаси эканлар.

Аввал у аёлдан сўраганда, бир одам келиб, хизматимни қилади. Менинг кўзим аъмо бўлгани учун, кимлигини билмийман. Сўрасам ҳам, у ўзини танитмаган, деганди, бу аёл. Шунда, Умар ибн Хаттоб, бу сизмидингиз, эй Расулуллоҳнинг Халифаси?! дедилар.

يقول عمر بن الخطاب رضي الله عنه : ما سبقتُ أبا بكرٍ إلى خيرٍ قط إلا سبقتني إليه

Қайси бир яхшилиқда Абу Бакр билан мусобақа ўйнасам, доим мендан илгари юрди, деган эканлар. Мана бу нарсалар, уларнинг махфий қилган садақотлари, биродарлар. Булар бизга маълум бўлиб қолган. Аллоҳ билади, яна бизга маълум бўлмаганлари қанча?!

Еттинчи бахтлик тоифа, Холи ҳолда, Аллоҳни ёд қилди. Кўзидан ёш оқди. Еттинчи бахтли инсон, Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, раҳматини умид қилиб, кўп йиғлаган. Мана шу одам ҳам, Аллоҳнинг соясида, Аллоҳ соялантирадиган кишилар жумласидандир.

Бу сифатларни текшириб кўрар эканмиз, биринчиси, пешволарга тааллуқлик. Иккинчиси, йигит ва қизларга тааллуқлик. Учинчи қисми, масжидга қалби боғланган, халқ оммасига тааллуқлик. Тўртинчи қисми, ижтимоий ҳолатда, Аллоҳ йўлида дўстлашганларга тааллуқлик. Бешинчи қисми, фахш гуноҳлардан ўзини тия олганларга тааллуқлик. Жамиятда пок бўлиб, яшаган инсонлар. Олтинчиси, бу махфий садақотлар бера олганларга, тааллуқлик. Еттинчи қисми, ўзи билан Аллоҳнинг орасини тузата олган одамларга, тааллуқлик. Агар текшириб кўрсангиз, шу сифатларни вужудга келтиришликка ҳаракат бошланишлиги билан, жамиятдаги жуда кўп ҳайъатлар, бекор бўлиб қолади, биродарлар. Шу айтилинган нарсалар, саҳобалар ва тобеинлар тарафидан амалда рўёбга чиқарилгани сабаблик, жамиятда, алоҳида, муассасалар ташкил этишга ҳожат бўлмайди.

Касалхоналар қуришликка ҳожат бўлмайди. Бу етимпарварлик деб, аталган жойларни қуришликка ҳожат бўлмайди. Қариялар уйини ташкил қилишга ҳожат бўлмайди. Бу нарсалар, комил суратда бўлмасада, мусулмонлар ўртасида қисман, сақланиб қолган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни ҳам, шу еттита тоифанинг биттасидан бўлишликка тавфиқ берсин.

Шу ерда ёшлар кўп бўлганлиги учун, мен Аллоҳнинг ибодатида улғайган йигит ва қизлар деган, жойига яна бир, қисқа тўхталмоқчиман. Йигитлик шундай даврки, умуман қиз болаю, ўғил болага нисбатан бу шундай даврки, тарихдаги ҳамма катта ишларни қилиб кетган одамларни текширсангиз, улар сиздан биздан бошқача одам бўлганмас, биродарлар. Фақат, ёшлик даврида, Аллоҳнинг ибодатида улғайган кишилар бўлишган халос. Улар шу ёшда, ўзларининг ҳаёт йўналишларини тўғри топиб олганлар. Шу сабаб, дунёда шундай катта ишларни қила олганлар. Иншааллоҳ, улар охиратда, Аллоҳнинг сояси билан, соялантириладиган кишилар жумласидан бўлишади.

Бу ёшлик, биродарлар, укалар, қайтиб келмайди. Аллоҳ нимага буюрган бўлса қилиб, Аллоҳнинг ибодатида улғаймоқ керак. Шу вақтда улар соф инсонлар бўла олишади дунёда. Шунинг учун, бу даврни қўлдан бериб қўймаслик керак, биродарлар. Такрор айтаман, ҳеч бир бошқача одам бўлганмас, тарихдаги одамлар. Фақат шу даврда, ўзларининг ҳаёт йўналишларини, тўғри топиб олган одамлар бўлишган.

روت السيدة عائشة رضي الله عنها « كَانَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَمَرَ الْأَمْرَ يَسْرُهُ، قَالَ: (الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي بِنِعْمَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ)، وَإِذَا أَمَرَ الْأَمْرَ يَكْرَهُهُ، قَالَ: (الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлланмаларидан (ҳадисларидан) баъзиларини айтиб берамиз. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, хурсанд бўладиган бирор иш содир бўлса,

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي بِنِعْمَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ

Аллоҳнинг неъмати билангина, ҳамма солиҳ ишлар камол топади, деб, қўяр эканлар. Бирорта ёқимсиз нарса бўлса,

الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ

Аллоҳга ҳамд бўлсин, ҳамма ҳолатга ҳам, деб, қўяр эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, хурсанд бўладиган нарса бўлиб қолса, дарров йиқилиб, Аллоҳга шукр қилар эканлар.

عن أبي موسى الأشعري : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ إِذَا خَافَ قَوْمًا قَالَ: اللَّهُمَّ إِنَّا نَجْعَلُكَ فِي نُحُورِهِمْ، وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شُرُورِهِمْ رواه أبو داود والنسائي بإسنادٍ صحيحٍ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, халқдан хавф хатар ва ташвиш кўпайиб кетса, Эй Аллоҳ, Сени уларнинг рўбарўларига қўямиз. Ва уларнинг ёмонликларидан паноҳ иштаймиз, дер эканлар. Аллоҳ, агар бирорта душманга рўбарў бўлса, унинг ҳолига вой бўлади, биродарлар.

عن أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه؛ قال: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِفَاطِمَةَ: ((مَا يَمْنَعُكَ أَنْ تَسْمَعِي مَا أَوْصِيكَ بِهِ، أَنْ تَقُولِي إِذَا أَصْبَحْتَ وَإِذَا أَمْسَيْتِ: يَا حَيُّ يَا قَيُّوْمُ بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغِيْثُ، أَصْلِحْ لِيْ شَأْنِيْ كُلَّهُ، وَلَا تَكُنْ لِيْ فِيْ نَفْسِيْ طَرْفَةٌ عَيْنٍ

Қизлари Фотимага насиҳат қилиб, эрталаб ва кечқурун «Ё ҳайю, ё қайюм, би роҳматика астағис. Аслиҳли шаъни куллаҳу, валло тақилни ила нафсий турфата айн» деб айтгил деганлар. (Мазмуни, Эй доимо тирик бўлган ва қоим бўлган Зот, менга ёрдам бер. Ҳамма ишларимни ислоҳ қил. Ўзим ҳолимга ташлаб қўймагил.)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, оғир машаққатдан, ва бахтсизликдан, ва ёмон қазодан ва душманларга кулгу бўладиган ҳолатлардан ҳам паноҳ истар эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам,

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ Бақара сураси 201 оят

Мана бу дуони кўп айтар эканлар. (Мазмуни, Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик бергил ва охирада ҳам, яхшилик бергил, ва бизни жаҳаннам оловидан сақлагил.)

عَنْ نَافِعِ بْنِ جُبَيْرٍ بْنِ مُطْعِمٍ، عَنْ أَبِيهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ قَالَ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ، فَقَالَهَا فِي مَجْلِسٍ ذَكَرَ كَانَ كَالطَّابَعِ يُطْبَعُ عَلَيْهِ، وَمَنْ قَالَهَا فِي مَجْلِسٍ لَعُو، كَانَتْ كَفَّارَةً لَهُ. أَخْرَجَهُ: النَّسَائِيُّ فِي "الكبرى"

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бирор суҳбатни тамомлаганларида,

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ

Шу дуони ўқир эканлар. Ва ким шу калимани бирор мажлисдан кейин, айтса, шу мажлисдаги хатоларига, каффорат бўлади, деган эканлар.

(Шу ерда баъзи саволларга қисқача жавоблар берилади.)

Улардан биттасини китобга киритдим.

Савол бўлибдики, хулқи гўзал одам, имони комил одамдир, деган ҳадисни зоҳирини тушунтириб беринг. Шарҳламанг, дебди. Бунинг зоҳири шуки, қуръондаги буюрган нарсаларни қилса, ва қайтарган нарсалардан қайтса, ҳадиси шарифлардаги, буюрган нарсаларни қилса, ва қайтарган нарсалардан қайтса, шу хулқи гўзал одамдир. Шу одамни имони комилдир. У ҳаром ишлар бўлаётган мажлисларда ҳам ўтириб, кулиб, дуо қилиб ўтирадиганлар, мунофиқларни хулқи гўзал, дейилмайди.

Хулқи гўзал одам, юмшаш керак бўлганда, ипақдан ҳам юмшоқ бўлган ва қаттиқ бўлиш керак бўлганда, темирдан ҳам қаттиқ бўлган одамдир. Абу Бакр разияллоҳу анҳу, ўғли мушриклар тарафидан жанга чиққанида, унга қарши, мен чиқаман деганида, хулқлари гўзал бўлган.

Мушриклар билан жиҳод қилган саҳобаларнинг хулқи гўзал бўлган. Ўзларинг шахсига етган азиятларга сабр қилган, саҳобаларнинг хулқи гўзал бўлган.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло фарзанди йўқларга солиҳ, солиҳа фарзандлар берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дардмандларга шифо берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, толиби илмларга амал қиладиган, илм берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўтган аجدодларимизни мағфират қилсин! Қабрларини жаннат боғларидан бир боғчага айлантисин! Ҳаммамизни гуноҳларимизни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилиб, оиламиз билан, Дини Исломга хизмат қиладиган кишилардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга зарар етказаётганларга кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мустазъфинларга, Ўзи нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

41 дарс тугади.

42 Дарс

Кабира гуноҳлар ҳақида

(Бу дарсда, катта гуноҳлар ҳақида қисқача дарс қилинади. Аммо, 60 дарсдан бошлаб, то 67 дарсгача, Имоми Заҳабийнинг Кабоир китобидан Кабира гуноҳлар ҳақида туркум дарслар қилинган. Бу дарс ҳам ўша мавзудаги дарслар жумласидандир. Бу ерда қисқароқ баён қилинади. Банда гуноҳ қилмай иложи йўқ. Асосийси, гуноҳда давом этмаслик ва тавба қилиб, ўзини ўнглашликдир. Аллоҳнинг раҳматидан умид узиш куфрдир. Умидни ҳеч қанон узмаслик ва доим қалбда хавф ва умид билан яшаб кетмоқлик керак. Бу дарс шу ҳақидадир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

إِنْ تَجْتَبِئُوا كِبَارَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ تُكْفَرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَتُدْخِلَكُمْ مُنْخَلًا كَرِيمًا
Нисо сураси 31 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, огоҳлантириб айтадики, қайтарилган нарсаларнинг катталаридан ижтиноб қилсанглар. Биз сизларни бошқа хатоларингизни кечирамиз ва улуғ даргоҳларга киритамиз, дейди. Демак, мўминлар гуноҳи кабирадан тийилишликка маъмурдирлар. (бюрилганлар) Бу маъмур бўлган вазифани ўташликлари билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларни майда гуноҳларини кечириб, улуғ даргоҳларга киритишни, ваъда қиляпти. Одам ҳеч қачон майда гуноҳлардан холи бўлолмайди.

"كل بني آدم خطاء، وخير الخطائين التوابون
الترمذي وابن ماجه والحاكم وصححه

Ҳар бир одам фарзанди хато қилувчидир. Яъни, кўп хато қилувчидир. Кўп хато қилувчиларнинг энг яхшиси, тавба қилувчилардир. Тавба, қилган хатони, қайтиб қилмасликка, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога аҳд бериш ва шу хатони қайтиб қилмасликдир. Агар бу катта гуноҳлардан тийилса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, инсонни бошқа майда гуноҳларини каффорат қилишни, ваъда қиляпти.

Абу Толиб ал Маккий гуноҳи кабираларни жамлаб, бошқа уламолар ҳам, бу ҳақида кўп китоб ёзганлар. Шу киши, мен тўртта гуноҳи кабирани, қалбда топдим, дейдилар. Шулардан биринчиси, Аллоҳга ширк келтиришлик. Ширк бу авал қалбда вужудга келади.

Кейин, бу амалда зоҳир бўлади. Ва гуноҳда давомат. Яъни, гуноҳи сағирани доим қилишда давом этишлик билан, бу энди гуноҳи кабирага айланади. Аллоҳни раҳматидан умидсиз бўлишлик.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, раҳматидан умид узишликдан қайтарган.

قُلْ يُعْبَادِي الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ
Зумар сураси 53 оят

Аллоҳнинг раҳматидан умид узишлик инсонни, Исломга амал қилиш йўлини тўсиб қўяди. Исломга кирмаган одам, кўп гуноҳларни қилиб, кейин, Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиб, Исломга кирса, ва жиддий бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларини хоҳласа кечади. Ҳадислар мазмуни, кечишликка далолат қилади. Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлишлик мумкинмас. Умидсиз бўлса нима бўлади? Энди мени гуноҳим кечирилмайди, дейдида, аввалгидан баттар гуноҳларни қилишликка, сабаб бўлади. Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлишлик. Биз уммати Муҳаммадмиз, бизга ҳеч нарса бўлмайди, деб, юришлик, бу гуноҳи кабирадир, биродарлар.

Шулардан тўрттасини, тилда топдим, дейдилар. Ёлғон гувоҳлик беришлик. Покиза аёлга, зинода айблаб, бўҳтон қилишлик. Ёлғон қасам ичишлик ва сеҳр қилишлик. Булар одатда, тил воситаси билан бажарилади.

Учтасини қоринда топдим, дейдилар. Маст қилувчи ичимлик ичиш, етим молини ейиш, ва судхўрлик қилиш.

Иккитаси инсоннинг авратида. Биттаси зино, иккинчиси ливотагарлик. (Бачабозлик) Булар гуноҳи кабиралардандир.

Иккитаси қўлда. Биттаси одамни ноҳақ қатл қилишлик ва ўғирлик қилишлик. Булар ҳам, гуноҳи кабиралардандир.

Биттаси оёқда, Жиҳод майдонидан қочишлиқдир.

Биттаси, ҳамма жасадга таллуқли бўлиб, бу ота онага оқ бўлишлиқдир. Инсон ҳамма жасади билан, ота онага яхшилик қилмоқлиги керак эди. Шариатга мувофиқ бўлган буйруғига ота онага, ҳамма аъзоси итоат қилиши керак эди. Бунда итоат қилмаслик, бу гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Абу Толиб ал Маккийнинг, гуноҳи кабиралар ҳақидаги фикрларини баён қилдик.

Баъзилар, еттита ҳалок қилувчи гуноҳдан сақланинглари, деган ҳадисни ҳужжат қилиб, гуноҳи кабиралар еттита, дейишган. Баъзилар, бу еттитаси асосийси, аммо, улар сони етмиштага яқиндир, дейишган экан. Инсон бу гуноҳи кабиралардан тийилиш учун, охиратдаги қаттиқ азобни, билмагунча, бундан тийилмайди.

Гуноҳи кабира учун бериладиган жазолар ҳақида

كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى صَلَاةَ أَقْبَلِ عَلَيْنَا بَوَّجْهَهُ فَقَالَ: مَنْ رَأَى مِنْكُمْ اللَّيْلَةَ رُؤْيَا؟ قَالَ: فَإِنْ رَأَى أَحَدٌ قَصَصَهَا، فَيَقُولُ: مَا شَاءَ اللَّهُ فَسَأَلْنَا يَوْمًا فَقَالَ: هَلْ رَأَى أَحَدٌ مِنْكُمْ رُؤْيَا؟ قُلْنَا: لَا، قَالَ: لَكُنِي رَأَيْتُ اللَّيْلَةَ رَجُلَيْنِ أَتَيْنِي فَأَخَذَا بِيَدِي، فَأَخْرَجَانِي إِلَى الْأَرْضِ الْمُقَدَّسَةِ، فَإِذَا رَجُلٌ جَالِسٌ، وَرَجُلٌ قَائِمٌ، بِيَدِهِ كَلْبٌ مِنْ حَدِيدٍ قَالَ بَعْضُ أَصْحَابِنَا عَنْ مُوسَى: إِنَّهُ يَدْخُلُ ذَلِكَ الْكَلْبُ فِي شِدْقِهِ حَتَّى يَبْلُغَ قَفَاهُ، ثُمَّ يَفْعَلُ بِشِدْقِهِ الْآخَرَ مِثْلَ ذَلِكَ، وَيَلْتَمِسُ شِدْقَهُ هَذَا، فَيَعُوذُ فَيَصْنَعُ مِثْلَهُ، قُلْتُ: مَا هَذَا؟ قَالَا: انْطَلِقْ، فَانْطَلَقْنَا حَتَّى أَتَيْنَا عَلَى رَجُلٍ مُضْطَجِعٍ عَلَى قَفَاهُ وَرَجُلٌ قَائِمٌ عَلَى رَأْسِهِ بِفَهْرٍ - أَوْ صَخْرَةٍ - فَيَشْدُقُ بِهِ رَأْسَهُ، فَإِذَا ضَرْبُهُ تَدَهَّدَ الْحَجَرُ، فَانْطَلَقَ إِلَيْهِ لِيَأْخُذَهُ، فَلَا يَزِجُ إِلَى هَذَا حَتَّى يَلْتَمِسَ

رَأْسُهُ وَعَادَ رَأْسُهُ كَمَا هُوَ، فَعَادَ إِلَيْهِ، فَضَرَبَهُ، قُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَا: انْطَلِقْ فَأَنْطَلِقْنَا إِلَى ثَقَبٍ مِثْلِ الثَّنُورِ، أَغْلَاهُ ضَيْقٌ وَأَسْفَلُهُ وَاسِعٌ يَتَوَقَّدُ تَحْتَهُ نَارًا، فَإِذَا اقْتَرَبَ ارْتَفَعُوا حَتَّى كَادَ أَنْ يَخْرُجُوا، فَإِذَا خَمَدَتْ رَجَعُوا فِيهَا، وَفِيهَا رَجَالٌ وَنِسَاءٌ عَرَاءٌ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ قَالَا: انْطَلِقْ فَأَنْطَلِقْنَا حَتَّى آتَيْنَا عَلَى نَهْرٍ مِنْ دَمٍ فِيهِ رَجُلٌ قَانِمٌ عَلَى وَسْطِ النَّهْرِ - قَالَ يَزِيدُ، وَوَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ: عَنْ جَرِيرِ بْنِ حَازِمٍ - وَعَلَى شَطِّ النَّهْرِ رَجُلٌ بَيْنَ يَدَيْهِ حِجَارَةٌ، فَأَقْبَلَ الرَّجُلَ الَّذِي فِي النَّهْرِ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَخْرُجَ رَمَى الرَّجُلُ بِحَجَرٍ فِي فِيهِ، فَرَدَّهُ حَيْثُ كَانَ، فَجَعَلَ كُلَّمَا جَاءَ لِيَخْرُجَ رَمَى فِي فِيهِ بِحَجَرٍ، فَيَرْجِعُ كَمَا كَانَ، فَقُلْتُ: مَا هَذَا؟ قَالَا: انْطَلِقْ، فَأَنْطَلِقْنَا حَتَّى انْتَهَيْنَا إِلَى رَوْضَةٍ خَضِرَاءَ، فِيهَا شَجَرَةٌ عَظِيمَةٌ، وَفِي أَصْلِهَا شَيْخٌ وَصَبِيَّانَ، وَإِذَا رَجُلٌ قَرِيبٌ مِنَ الشَّجَرَةِ بَيْنَ يَدَيْهِ نَارٌ يُوقِدُهَا، فَصَعِدَا بِي فِي الشَّجَرَةِ، وَأَدْخَلَانِي دَارًا لَمْ أَرِ قَطُّ أَحْسَنَ مِنْهَا، فِيهَا رَجَالٌ شَبُوحٌ وَشَبَابٌ، وَنِسَاءٌ، وَصَبِيَّانَ، ثُمَّ أَخْرَجَانِي مِنْهَا فَصَعِدَا بِي الشَّجَرَةَ، فَأَدْخَلَانِي دَارًا هِيَ أَحْسَنُ وَأَفْضَلُ فِيهَا شُبُوحٌ، وَشَبَابٌ، قُلْتُ: طَوَفْتُمَانِي اللَّيْلَةَ، فَأَخْبِرَانِي عَمَّا رَأَيْتُ، قَالَا: نَعَمْ، أَمَّا الَّذِي رَأَيْتَهُ يُشَقُّ شِدْقُهُ، فَكَذَّابٌ يُحَدِّثُ بِالْكَذِبَةِ، فَتُحْمَلُ عَنْهُ حَتَّى تَبْلُغَ الْإِفَاقَ، فَيُصْنَعُ بِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَالَّذِي رَأَيْتَهُ يُشْدَخُ رَأْسُهُ، فَرجُلٌ عَلِمَهُ اللَّهُ الْفَرَانَ، فَنَامَ عَنْهُ بِاللَّيْلِ وَلَمْ يَعْمَلْ فِيهِ بِالنَّهَارِ يُفْعَلُ بِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَالَّذِي رَأَيْتَهُ فِي الثَّقَبِ فَهُوَ الزَّنَاةُ، وَالَّذِي رَأَيْتَهُ فِي النَّهْرِ أَكَلُوا الرِّبَا، وَالشَّيْخُ فِي أَصْلِ الشَّجَرَةِ إِبْرَاهِيمُ عَلَيْهِ السَّلَامُ، وَالصَّبِيَّانَ، حَوْلُهُ، فَأَوْلَادُ النَّاسِ وَالَّذِي يُوقِدُ النَّارَ مَالِكُ خَازِنِ النَّارِ، وَالِدَارُ الْأُولَى الَّتِي دَخَلْتُ دَارَ عَامَّةِ الْمُؤْمِنِينَ، وَأَمَّا هَذِهِ الدَّارُ فَدَارُ الشُّهَدَاءِ، وَأَنَا جَبْرِيلُ، وَهَذَا مِيكَائِيلُ، فَارْفَعْ رَأْسَكَ، فَرفَعْتُ رَأْسِي، فَإِذَا فَوْقِي مِثْلُ السَّحَابِ، قَالَا: ذَاكَ مَنْزِلُكَ، قُلْتُ: دَعَانِي ادْخُلْ مَنْزِلِي، قَالَا: إِنَّهُ بَقِيَ لَكَ عُمْرٌ لَمْ تَسْتَغْمِلْهُ فَلَوْ اسْتَغْمَلْتَ أَتَيْتَ مَنْزِلَكَ

الراوي : سمرة بن جندب | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 1386 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Сумрата ибн Жундуб разияллоху анху ривоят қиладилар. Расулulloх саллоллоху алайхи васаллам бизларга, айтардиларки: Сизлардан ким бугун нима туш кўрди, тушини айтсин, дердилар. Баъзилар кўрган тушини айтиб берардилар. Шу одати шарифалари, асҳоблардан ким нима туш кўрганини сўрардилар. Сафарга кетганлар қайтиб келганида, олдига ўтқазиб, сафардаги воқеаларни бирма бир сўрардилар. Сийрат китобларида, шу одати шарифалари, зикр қилинади. Шундай кунлардан бирида, ким туш кўрди? деб, сўраганларида, ҳеч ким кўрдим, демади. Шунда, мен туш кўрдим, деб, ўзларини тушларини айтдилар. «шу кечада иккита киши келиб, менга юринг, дейишди. Мен улар билан кетдим.

Бир жойга келдик. Бир киши чалқанчасига ётибди. Бошқаси тепасида турибди. Қўлида сарха, сарха деб, харсанг тошдан учирилган бир бўлакни айтади. Бу билан бировни урса, уни албатта, жароҳатлайдиган катта бир тош бўлагини айтади. У қўлидаги тош билан, ётганни бошига уриб, ёриб ташлаяпти. Тош анча жойга думалаб кетаяпти. У одам бориб, тошни олиб келгунча, боши тузалиб қолаяпти. У яна ураяпти. Боши яна ёрилиб кетаяпти. Яна тошни олиб келгунча, боши тузалиб қолаяпти. Мен, Субҳоналлох, ким булар? деб, сўрадим. Мени олиб келганлар, юринг юринг деб, олиб кетишди. Биз юриб кетдик.

Бир жойда бўйнини ерга қўйиб ётган одамга дуч бўлдик. Иккинчиси, қўлида темирдан бўлган чангак билан унинг устида турибди. Чангакни мана кўрганмиз. Шу гўштарни осиб кўядиган чангак. Шу чангакни оғзига солиб, юзини ярмини, иягига, майдалаб қирқиб ташлаяпти. Димоғига ҳам солиб, бўйнигача, майда майда қилиб ташлаяпти. Кўзига чангакни ботириб, бўйнигача майда майда қилиб ташлаяпти. Кейин, юзининг иккинчи ярмига ўтиб, биринчи ярмида нима қилаётган бўлса, шуни қилаяпти. Мен ажабланиб, кимлар булар? Деб, сўрадим. Мени олиб келганлар, юринг юринг деб, олиб кетишди. Биз юриб кетдик.

Биз бир таннурга ўхшаган нарсани ёнига келдик. Уни ичидан шовқин сурон кўтарилди, деб, айтдилар, деб гумон қиламан, дейдилар, ровий. Биз таннурга қарадик. Ичида яланғоч эркаклар ва яланғоч аёллар турибди. Таннурни тагидан аланга келса, дод фарёд кўтарилиб кетаяпти. Мен сўрадимки, булар кимлар? Менга, қани, юринг юринг деб, олиб кетишди. Биз юриб кетдик.

Бир анҳор устига келдик. Мен гумон қиламан, дейдилар, ровий. Бу анҳорни устини қонга ўхшаган қизил нарса қоплаганди, деб, айтдилар. Анҳорда бир одам сузиб юрибди. Қирғоқда, бир одам, олдига кўп тош тўплаб олган бир киши турибди. Бу сузиб бораётган одам, сузганича сузиб, қирғоққа чиқиш учун, бу одамни ёнига қайтпади. Бу одам тош билан уриб, тошни оғзига киритиб юбораяпти. Бу сузиб, у ёққа чекинаяпти. Кейин, яна қайтиб келишга мажбур бўлаяпти. Қачон қайтиб келса, оғзини очаяпти.

Оғзига тош билан уриб, киргизиб юбораяпди. Мен бу икковлари кимлар? Деб, сўрадим. Менга, юринг юринг деб, олиб кетишди. Биз юриб кетдик.

Бир кўриниши ниҳоятда хунук бўлган одамнинг, олдига келдик. Ровий айтганки, ҳаётда кўрган нарсангни энг хунуки қанақа бўлса, шунақа одамни олдига келдик. Уни олдида бир ўт ёниб турибди. У ўтни ёндириб, атрофида чопиб юрибди. Мен айтдимки, бу ким? Деб, сўрадим. Менга, юринг юринг дейишди. Биз юриб кетдик.

Биз ўсимликлари кўп бўлган, бир боққа келдик. Боғда гулларнинг ҳамма туридан бор. Боғнинг ўртасида, узун бўйлик бир киши турибдики, Узунлигидан бошини кўришликка, имкон йўқ. Бу кишининг атрофида кўп болалар турибди. Мен бунча кўп болани, ҳечам кўрмаганман. Булар ким десам, юринг юринг деб, тақоррлашди. Биз юриб кетдик.

Бир дарахт олдига келиб тўхтадик. Мен бунақа гўзал ва катта дарахтни кўрмаганман. Шу дарахтга чиқинг дейишди. Биз дарахтга чиқдик. Шу ерда, уйлариинг ғишлари олтин ва кумушдан бўлган, бир шаҳарни кўрдик. Шу шаҳарнинг дарвозасига келдик. Очишликни талаб қилдик, очилди. Бу ерда баъзи кишилар турибди, буларнинг ярми энг чиройли суратда ва ярми, энг хунук суратдаги одамлар. Икковлари уларга, боринглар бу анҳорга тушинглар дейишди. Улар сувга тушдилар. Бу анҳорнинг сувининг оқлиги, худди сутга ўхшайди.

Улар бориб, анҳорга тушиб қайтиб келишди. Улардаги хунук ҳолатлари, йўқолган ҳолатда келишди. Менга мана бу, саккизта жаннатнинг биттаси, жаннатул Адн дейишди. Мана бу сизни манзилингиз деб, бир манзилни кўрсатишди. Кўзим, тепага қараб қолди. Қарасам, худди оқ булутга ўхшаган қаср. Икковлари менга, мана шу сизни қасрингиз дейишди. Мен уларга, Аллоҳ икковингизга баракот берсин! Мени ўз ҳолимга қўйинглар, манзилимга кирай, дедим. Менга, бу ҳозир мумкинмас. Албатта, сиз бу манзилга кирасиз, дейишди. Мен уларга бу кечада қизиқ нарсаларни кўрдим. Бу кўрганларим кимлар ва нималар, дедим. Биз сизни хабардор қиламиз, бу кўрган нарсаларингиздан, дейишди.

Аввалги боши тош билан ёрилиб турган одам, бу қуръондан баъзи сураларни олганда, кейин, воз кечган. Фарз намозларидан бепарво бўлиб, ухлаб қолган одам. Боши тош билан ёрилиб турган одам, Фарз намозларидан бепарво бўлиб, ўқимаган одам. Қуръонни ўрганиб, кейин ташлаб юборган.

Аммо, ияги томоғигача, майда майда қилиб қирқилаётган, димоғи бўйнигача, майда майда қилиб қирқилаётган, кўзи бўйнигача, майда майда қилиб қирқилаётган одам. Уйидан чиқиб, ҳамма атрофга етадиган, ёлғон сўзни гапириб юрган одамдир.

Аммо, тандирга ўхшаган ерда турган эркаклар ва аёллар, булар зинокор эркаклар ва зинокор хотинлардир, дедилар.

Аммо, қонга ўхшаган анҳорда сузиб, қирғоққа келганда, оғзига тош билан уриб, киритилаётган одам, судхўрлик билан шуғулланган одамдир.

Аммо, ўтни ёндираётган ва уни атрофида юриб айланаётган, ниҳоятда хунук одам, жаҳаннам посбони, Молиқдир, дедилар. Молиқ, қуръонда зикр қилинган, жаҳаннам посбони. Кўринишлиги ўзи, азоб.

وَنَادُوا يٰمَلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رَبُّكَ فَقَالَ اَنْتُمْ مُّكْثُوْنَ
Зухруф сураси 77 оят

Эй Молиқ, Роббингизга хитоб қилинг, бизни ҳалок қилиб ташласин, дейди, аҳли жаҳаннам.

قَالَ إِنَّكُمْ مُكْشُونَ

Сизлар ҳали турасизлар бу ерда, дейди, Молик.

Аммо, боғдаги узун бўйлик киши, Иброҳим алайҳиссалом ва атрофидаги болалар, фитрат билан ўлган болалардир. Яъни, гўдаклик вақтида, гуноҳга оғушта бўлмасдан ўлиб кетган болалар. Шунда асҳоблар кўрашдики, Ё Расулulloҳ, мушрикларнинг фарзандлари ҳамми? Яъни, ҳали таклифот бўлмасдан, гўдаклик вақтида ўлиб кетади, мушрикларнинг болалари ҳам. Шулар ҳамми? деганларида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки, Ҳа, мушрикларнинг болалари ҳам, дедилар.

Аммо, ярми чиройли ва ярми хунук одамлар, биз юқорида изоҳлаб айтолмадик, шундай инсонлар турибдики, ярим тарафи чиройлик. Ярим тарафи хунук. Булар яхши амал ҳам қилган ва гуноҳлар ҳам қилган одамлар. Баъзи бир кишилар, намоз ўқишади. Гуноҳи кабираларни ҳам, қилишаверади. Мана бу одамлар, ярми чиройли ва ярми хунук одамлардир. Аллоҳ буларни гуноҳини кечирган бўлса, шу анҳорга тушинглар дейиладиди, чиройлик бўлиб чиқишади. Лекин, шу нарсани азобини тортишига ишорат бўлаяпди, бу ҳадиси шариф. Имоми Бухорий ривоят қилганлар.

Баъзи ривоятларда, бунданда узунроқ ҳадисларни ривоят қилишган. Меърожга чиққан вақтларида, Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

لَمَّا عُرِجَ بِي مَرَرْتُ بِقَوْمٍ لَهُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نُحَاسٍ ، يَخْمُسُونَ وُجُوهَهُمْ وَصُدُورَهُمْ ، فَقُلْتُ : مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جَبْرِيلُ ؟ قَالَ : هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ -
لُحُومَ النَّاسِ ، وَيَقْعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ .
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Меърожга чиққанимда бир тоифа одамлар олдидан ўтдимки, уларнинг тирноқлари мисдан ва юзларини тирнаб таталашяпди. Кўксиларини таталашяпди. Бу ихтиёрлари биланмас. Мажбур қилиб қўйган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Мана бундай қилиб, ўзларига ўзлари азоб беришяпди. Мен, Эй Жибрил, булар кимлар? деб, сўрадим. Булар одамларнинг гўштини еб, ғийбат қилган кишилар ва уларнинг обрўларига туҳматлар қилиб, гапириб юрган одамлар, дедилар.

Шунинг учун бизнинг ҳаққимизда туҳмат қилишса ҳам, биз улар ҳаққида туҳмат қилмаслигимиз керак. Мана бу ҳадислар, гуноҳи кабираларни қилган кишилар, қаттиқ азобларга дучор бўлишига, ишора бўлаяпди. Кофир бўлган кишилар ҳам қаттиқ азобларга дучор бўлишига, ишора бўлаяпди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисларни саҳобаларга айтиб бердилар, бу уларга қаттиқ таъсир қилди. У даврда, бутун фаҳш ривожланганди. Рибо, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлишидан илгариги даврдаги каби, рибо ривожланган давр, башарийят тарихида йўқ, биродарлар! Зино ва маст қилувчи ичимлик ичишлик ривожлангандақа, давр йўқ. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тарбиялари сабаблик, шу жамият, шундай покиза жамиятга айландики, Қиёматгача бўлган башарийятга, ахлоқда ва бошқа соҳаларда ҳам, ўрнатилган бўлиб қолди.

إِنْ تَجْتَنِبُوا كِبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلَكُمْ مُدْخَلَ كَرِيمٍ

Нисо сураси 31 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, огоҳлантириб айтадики, қайтарилган нарсаларнинг катталаридан ижтиноб қилсанглар. Биз сизларни бошқа хатоларингизни кечирамиз ва улуғ даргоҳларга киритамиз, дейди.

Инсон кичкина гуноҳларни, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, қилиб қўяди. Хатоларни қилиб қўяди. Бу гуноҳда давомий бўлишлик, агарчи гуноҳи сағира бўлса ҳам, кабирага айланади.

عن ابن عباس أنه قال : لا صغيرة مع الإصرار، ولا كبيرة مع الاستغفار
خلاصة حكم المحدث : لا يصح
(Муҳаддислар бу сўзни, саҳиҳмас дейишган)

Истиғфор айтса, гуноҳи кабира йўқ. Яъни, гуноҳи кабирани қилиб, қаттиқ тавба қилиб қайтса, гуноҳи кабира қилди, дейилмайди. Давомий қилишлик билан, гуноҳи сағира дейилмайди. Бизда кашандалик ривожланган учун, шунга ишора қилиб ўтамиз.

Кашандалик ҳақида

Баъзилар, кашандалик қуръонда ва ҳадисда йўқ, дейишади. Тўғри, ажнабий миллатлар тилидаги сўз, қуръонда ва ҳадисда йўқ. Шу билан бирга, ҳозирги замондаги, маст қилувчи ичимликнинг турлари ҳам, қуръонда ва ҳадисда йўқ, биродарлар.

Лекин, маст қилувчи ичимликлар, бизга ҳаромдир. Унинг номи нима бўлишидан қатъий назар ҳаромдир! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бизни хабардор қилдилар. Маст қилувчи ичимликни номини ўзгартириб, ҳалол қилиб ичувчи тоифалар келади, дедилар. Мана бугун қўнғироқлик номларни қўйиб, маст қилувчи ичимликка фарқ бўлган, одамлар бор. Кашандалик ҳам, худди шунга ўхшаган.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни исрофдан маън қилди. Ҳадиси шарифда,

عن أبي سعيد سعد بن سنان الخدري رضي الله عنه: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال
لا ضرر ولا ضرار ؛ حديث حسن، رواه ابن ماجه

Зарар кўриш ва зарарлантириш мумкинмас. Ундан ташқари қуръонда,

وَيَجْلُ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيَحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ
Аъроф сураси 157 оят

Пок нарсалар бизга ҳалол қилинди. Ҳабис нарсалар, бизга ҳаром қилинди. Биз савол қиламизки, шу кашандалик қилинаётган нарса нима? Тоййиботми? Ҳеч қачон ақли бор одам, бунга тоййибот, демайди. Яхудлар, шу кашандаликни қўлида ушлаб турган нарсани, олтидан қимматлироқ нарса, каби, кўрсатиб, суратга олади. Кашандалик солинган нарсани, (сигарет қутисини) энг чиройлик суратда қилишлиги, бу яхудларнинг макр ва найрангидир, биродарлар. Дунёнинг фасод жойларига қарасангиз, шу кашандаликни қўлида ушлаб турган нарсани, шундай тасвирлашадики, Бир болани, умрида кашандаликни кўрсатмасдан катта қилсангиз, У бола кўрганда, дунёдаги энг фойдалиқ нарса, шу бўлса керак, деб, ўйлайдиган, расмни олади. Нима учун, бошқа нарсаларнинг суратини, бунақа қилиб кўрсатилмайди.

Дунёда покиза нарсалар кўп. Лекин, уларни бундай қилиб кўрсатилинмайди. Бундай нарсаларни қаерга борсангиз шундай қилиб, кўрсатилиши, инсонларни бузишлик учундир, биродарлар. Бу нарсани кофирлар, динсизлар айтса, ажабмас. Улар бутун гуноҳларни қилишлари керак. Жаҳаннамга ўтин бўлишга таёриланишлари керак. Жамиятда бузуқ ва фоҳиша нарсаларни тарқалишини яхши кўрадиганлар мушриклар кофирлардир. Лекин, мусулмонлар шунақа қилишлари, бу мусибатдир. Сағира бўлмайди, кўп такрорланса. Бунга тоййибот эмаслиги, муттафақун алайҳ бўлса. Агар кичкина гуноҳ бўладиган бўлса ҳам, оламда энг давомли бўладиган кичкина гуноҳ, мана шу кашандаликдир, биродарлар.

Кечаю кундуз шу билан шуғулланишади. Бу нарса, мабодо, гуноҳи сағира бўлганда, давомли қилишлик билан, гуноҳи кабирага айланади. Динсизлар айтса, ажабмас. Албатта, улар гуноҳ нарсани мақташлари керак. Бўлмаса, улар динсиз бўлолмайди, биродарлар. Лекин, бу нарсани, диндорман деб, Ислом номидан айтишлик, бу хатардир, бу!

Қиёматнинг аломатлари ҳақида

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қиёматнинг баъзи аломатларига ишора қилиб ўтдилар.

بَيْنَ يَدَيِ السَّاعَةِ : تَسْلِيمُ الْخَاصَّةِ ، وَفُشُّوُ النَّجَارَةِ حَتَّى تُعَيَّنَ الْمَرْأَةُ زَوْجَهَا عَلَى النَّجَارَةِ ، وَ قَطْعُ الْأَرْحَامِ ، وَ فُشُّوُ الْقَلَمِ ، وَ ظُهُورُ
الشَّهَادَةِ بِالزُّوَرِ ، وَ كَيْثْمَانُ شَهَادَةِ الْحَقِّ
الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الأدب المفرد
الصفحة أو الرقم: 801 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Қиёмат олдидан ўзига хос аломатлар бўлади. Шулардан биттаси, саломни хослаш, дедилар.

1. Саломни таниган одамига беради. (Ёки, хос одамларгагина беришади)

Исломни қайсиси афзал деган саволга, таниган ва танимаганга, салом беришлик, деганлар. Саломни хос одамларга берилмайди, биродарлар. Оммавий бериш керак. Бу қиёматдан илгари бошланадиган амаллардандир, деганлар. Бошқа ривоятда, бошқача лафзлар билан келади. Ҳамма нарса таниш асосида бўлганга ўхшаган, салом алик ҳам, танишлар орасида бўлади. Ҳамма яхшиликлар танишга. Бир нарса бериш ҳам танишга. Салом ҳам, танишга бўлиб кетади. Таниш одам учраб қолувди, салом бериб қўйдим, дейдиган бўлиб қолади.

2. Тижоратни фош бўлиши. Ҳаммани тижоратга боғланиб қолишлиги, бу халқнинг ҳунар бобида, қолоқлигига сабаб бўлади. Бу хатардир, биродарлар. Бу дегани, тижоратни бир миллатда фош бўлиши, оғзини олдида турсагина, ея оладиган бўлиб қолишидир бу. Бир халқда ҳунардандчилик қолиб, тижоратни кўпайиб кетиши, бориб бориб, тижрат асбоби, (сабаби) ҳам йўқолиб кетиб, бу миллат йўқ бўлиб кетади. Қайис миллатни йўқотишни истасалар, Ислом душманлари, ёки, ўзининг миллатини ҳоким қилишни ўйлаган миллатлар, бошқа миллатларда, тижоратни фош қилиб ташлайди. Бу миллатнинг ҳунармандчилиги, йўқ бўлиб кетади. Бу қиёматдан олдин бўлади. Бу миллатнинг қиёмати, шу бўлади ўзи.

Ҳеч кимда сабр тоқат ва қобилият қолмайди. Йўқолиб бораверади. Бундан мурод, тижорат ёмон деганимас, биродарлар. Тижоратни фош бўлиши ҳунар майдонида, ҳаммадан орқада қолиб кетишига, сабаб бўлади. Ҳатто, тижорат шундай фош бўлиб кетадики, аёл киши эрига тижоратда ёрдам берадиган даражага чиқиб кетади, дедилар. Ҳозир бунақамас биродарлар, ҳозир, эр киши, аёлига ёрдам берадиган даражага чиқди. Ҳозир, асосий тижоратни аёл киши қилиб, эри унга ёрдам берадиган, ёки уйида, пойлаб ўтирадиган бўлиб қолди. Мана бу қиёматнинг белгиси биродарлар. Шундай бўлади деса, саҳобалар бунга ажабланишган.

Аёл киши эрига, тижоратда ёрдам берадиган даражага чиқади, дедилар. Мана бу қиёматнинг белгисидир, биродарлар. Биз қайси соатга кетаётганимизни билиб қўймоғимиз керак. Динсизлар билан бизнинг ишимиз йўқ. Лекин, мусулмонлар, бу ҳақда ўйлаб қўймоқликлари керак.

3. Қариндошлар билан алоқалар узилиши.

4. Ёлғон гувоҳлик беришлик кўпайиши.

5. Ҳақ гувоҳликни бекитишлик.

Қаерга борсангиз, ёлғон гувоҳлик беради, Ҳақ гувоҳликни бекитади. Шу нарсани шу одам қилганми? деса, мен шу ерда йўқ эдимми?, деб, бошқа гап излаб бошлайди. Ҳақ гувоҳликни бекитишлик. Булар бир минг тўрт юз йил илгари, берилган хабарлардир, биродарлар. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, бизнинг шундай пайғамбаримиз бор. Бизларни қиёматгача бўладиган, ҳамма нарсадан огоҳлантирганлар. Мана бу ҳадислари ҳам, шулар жумласидандир.

Замон охирлашганда, зулм кўпаяди. Ҳатто, шу даражага етадики, зулмга қарши тайинланган одамлар зулм қилади, дедилар.

يَكُونُ فِي هَذِهِ الْأَمَّةِ فِي آخِرِ الزَّمَانِ رَجَالٌ مَعَهُمْ سَيَاطٌ كَأَنَّهُمْ أَذْنَابُ الْبَقَرِ يَغْدُونَ فِي سَخَطِ اللَّهِ وَيَرْوَحُونَ فِي غَضَبِهِ
خلاصة حكم المحدث : سنده وسط

Қиёмат яқинлашганда, одамлар бўладики, қўлларида сигирнинг думига ўхшаган, қамчи бўлади. Улар эрталаб уйдан Аллоҳнинг ғазаби билан чиқиб кетишади. Кечқурунда Аллоҳнинг ғазаби билан, қайтиб келади, дедилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтадиларки:

ن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: صنفان من أهل النار لم أرهما: قوم معهم سياط كأذناب البقر يضربون بها الناس، ونساء كاسيات عاريات، مميلات مائلات، رؤوسهن كأسنمة البخت المائلة، لا يدخلن الجنة، ولا يجدن ريحها، وإن ريحها ليوجد من مسيرة كذا وكذا؛ رواه مسلم

Жаҳаннам аҳлидан бўлган икки тоифа борки, буларни мен кўрмадим. Яъни, мен ўз давримда кўрмадим. Ёинки, валлоҳу аълам, бунақа қаттиқ азобланадиган, жаҳаннам аҳлини кўрмадим, дедилар. Биринчиси, қўлларида сигирнинг думига ўхшаган, қамчиси бор одамларки, у билан одамларни уришади.

Иккинчиси, тоифаси ярим яланғоч аёллар. Кийими бор десангиз, яланғоч, кийими йўқ десангиз, кийими бор. Кийими бор деса ҳам, йўқ деса ҳам, бўлаверади. Булар одамларни ўзига мойил қилишликка ҳаракат қилишади. Ўзлари ҳам, юриш туришида, мақом қилиб, юришади. Бошлари, туяларнинг ўркачига ўхшайди. Булар жаннатга кирмайди. Жаннатнинг ҳидини ҳам топишмайди. Жаннатнинг ҳиди, шунча масофадан келиб туради. Баъзи ривоятда, беш юз йиллик масофадан келиб туради. Булар эса, Жаннатнинг ҳидини ҳам тополмайди, дедилар. Мана булар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бизга берган огоҳлантиришлари, биродарлар!

Ҳозир биз охират ҳақида ўйлашимиз керак бўлиб қолган. Бу дегани, ҳаётни эсдан чиқаринг, дегани эмас. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизни, қиёматгача бўладиган нарсалардан огоҳлантирганлар. Аёллар ҳам, шундайлардан бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлмоқликлари керак. Эркаклар ўзининг тижоратига, аёллари ёрдам берадиган бўлиб қолишликдан, паноҳ исташлиги керак! Ҳозирги вақтда, аёлининг тижорат қилиши билан фахрланадиган, «эркак» исмли одамлар ҳам бор, биродарлар! Фақат тижорат билан машғул бўлишлик, бу миллатни йўқотади.

Бу Миллат ичидаги ҳунармандчилик ва қобилиятлар ўлиб боради. Қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, бўш миллатга айланиб қолади, биродарлар! Бу дегани тижорат, ёмон нарса деганимас, биродарлар!

Лекин, уни фош бўлиб кетишлиги ва ҳамма шу билан шуғулланиши ва ҳатто, аёллари ҳам, тижоратда ёрдамчи бўлиб кетишлари ҳалокатдир. Мана аёли тижоратда ёрдам бермагани учун, аёлини сўкишади, одамлар. Аммо, беш вақт намоз ўқимагани учун, сўкишмайди. Шу тижорат деб, аталган нарсадаги, вазифасини бажармагани учун жанг бўлади. Текшириб кўринг, мусулмон деб, аталган оилаларда, диний хусумат бўлдимиди? Аксарини текшириб кўрсангиз, дунёвий хусуматлар, биродарлар! Мана булар бизга бир огоҳлантиришлиқдир. Буни билмоғимиз керак!

Шу ерда фикҳий саволларга қисқа жавоблар берилади.

Субҳонаҳу ва таоло, беморларга шифо берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, илм талабларга амал қиладиган, илм берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло фарзандларни камолотини кўрсатсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло фарзанди илм ўқийман деяётганда, унамаётганларга инсоф берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомлик қилсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло балою офатларидан сақласин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга зарар етказётганларга кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жаҳондаги мустаъфинларга, Ўзи нажот берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

42 дарс тугади.

43 Дарс

Шаръий ҳукмлар турлари

(Бу дарс, исломдаги шаръий ҳукмлар турлари, эътиқодий ва ахлоқий ва амалий ҳукмлар баён қилинади. Ва бандалар устидаги ҳақлар, Аллоҳнинг ҳаққи, бандаларнинг бир бири устидаги ҳақлари, инсоннинг жасадини ҳаққи ва бошқа ҳақлар тушунтирилади. Ва дарс охирида, ёмон хотимадан эҳтиёт бўлишга, даъват қилинади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

إِنْ تَجْتَنِبُوا كِبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ تُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَتُدْخِلَكُمْ مُدْخَلًا كَرِيمًا
Нисо сураси 31 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ер юзига инсонни яратар экан, инсон ҳаётини икки қисмдан иборат қилди. Ҳаётининг бир қисми, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган борлиқ билан, бирга яшайдиган, мажбурий ҳаётдир. Бу қисмда инсон, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, Аллоҳ яратган аъзосида, мажбурий ҳаёт кечиради. Ҳаётининг иккинчи қисми, бу ихтиёрий ҳаётдир. Бу билан у, бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Шу ихтиёрий ҳаёти билан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, инсонни мукаррам қилди. Шу ихтиёрий ҳаёти билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, инсонни мукаллаф қилди. (Шаръий амалларга буюрди)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, унга шариат юборди. Баъзи нарсаларга буюрди ва баъзи нарсалардан қайтарди. У қилишлиги ҳам ихтиёри билан қилади ва қайтишлиги ҳам ихтиёри билан қайтади. Шу ихтиёри билан, яхши ишларни қиладида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, мислсиз мукофот, жаннатга сазовор бўлади. Шу ихтиёри билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қайтарган маъсиятларни қиладида, жаҳаннамга ўтин бўлади. Шариат тааллуқ топадиган ўрин, мана шу ихтиёрий ҳаётидадир. Мана бу нарсани, яхши тушунмоқлигимиз керак!

Уламолар шаръий ҳукмларни уч қисмга бўлишган.

1. Ўзбекистон ҳукмлари.
2. Ахлоқий ҳукмлари.
3. Амалий ҳукмлари.

1. Ўзбекистон ҳукмлари

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни, ягона Ўзига ибодат қилишга ва Унга ҳеч бир нарсани шарик қилмасликка буюрган. Ибодатнинг асоси, тавҳиддир. Тавҳид бизнинг устимиздаги ўзбекистон ҳукмлари жумласига киради. Ўзбекистон ҳукмлари биз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг қуръони ва шу қуръонни изоҳ қилган, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан оламиз. Қуръони карим баён қилган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг сифатларини тасдиқ қиламиз. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида баён қилган, ўзбекистон ҳукмлари қабул қиламиз. Ўзбекистон ҳукмлари шариатдаги барча ҳукмларнинг, асос пойдеворидир. Бу пойдевор барпо бўлмагунча, инсоннинг қилган Ахлоқий ҳукмлари ва Амалий ҳукмлари барбод бўлади. Ҳаётининг ҳаммасини зоҳидлик ва нафл ибодатлар билан ўтказган бўлсин, буларнинг ҳаммаси ҳабата бўлади.

Ўзбекистон ҳукмларнинг биринчиси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ягона Ўзига ибодат қилишдир. Такрор айтамиз, ибодат асоси тавҳиддир. Шунинг учун, бизнинг хонадонларимизда ва биродарлар орасидаги баҳс, мана шу тавҳид ҳақида бўлмоқлиги керак.

إنما بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : السلسلة الصحيحة
الصفحة أو الرقم: 45 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, олий хулқларни, камолига етказишлик учун, пайғамбар қилиб жўнатилдим, дедилар. Мен олий хулқларни, одамларга етказиш учун, пайғамбар қилиб жўнатилдим, демадилар.

Чунки, олий хулқлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг илгариги жўнатган, пайғамбарлари тарафидан, одамларга етказилган эди. Башарият ҳаёти гўёки, гўдаклик босқичидан, камолотга етишлиги билан, бу хулқларни комил қилувчи Расулни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жўнатди. Бу зот Муҳаммад алайҳиссалом бўлди. Демак, макоримул ахлоқ, ҳаётда давом этиб келаётган эди. Бу макоримул ахлоқни, камолига етказишлик учун, пайғамбар қилиб жўнатилдим, дедилар.

إنما بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ

Деб, итмом калимаси билан ўзларининг муборак ҳадисларини айтдилар. Бу кишининг вафоти билан, рисолатга муҳр босилди. Энди қиёматгача, пайғамбар бўлмайди. Шунинг учун, олий хулқларни, камолига етказишлик учун, пайғамбар қилиб жўнатилдим, дедилар.

2. Ахлоқий ҳукмлари

Ахлоқий ҳукмлари мана, биринчи асоси содиқлик. Сўзда ва муомилада содиқ бўлишлик, ахлоқий ҳукмлардир. Аҳдларга ва ваъдаларга вафо қилишлик ва омонатларни ўташлик. Бу

ахлоқлар жуда кўп ҳолда қуръони каримда, муфрад сиғада, келган бўлса, омонат калимаси, жам сиғада келган.

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا

Нисо сураси 53 оят

Омонатларни ўз аҳлига ўташликка Аллоҳ буюради. Биринчи фитрат омонати. Инсонни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, пок фитрат билан яратди. Тавҳидни қабул қиладиган фитрат билан яратди. Мана бу тавҳидни қабул қилиб олишлик, фитрат омонатига хиёнат қилмасликдир. Илмни билган кишилар, бошқаларга етказиш омонати. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мана бу омонатни етказишга аҳли илмлардан, аҳд олди. Пайғамбарлардан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳақни етказасизлар ва яширмайсизлар деб, аҳд олди. Бу аҳдни бузган умматларни ҳалок қилди. Буни қуръони каримда, бизга баён қилди.

Оталарга фарзандлар омонатдир. Буларни ҳақ йўлда тарбия қилишлик, омонати бор. Аёллар эрлари қўлилдаги омонатдир. Булар билан шариатга мувофиқ ҳаёт қуришлик, омонати юкланади. Қари ота оналар фарзандга омонатдир. Ота онани ҳаққини ўташлик, фарзандга юклатилади. Иқтисодий омонат ҳам, омонатдир. Бу омонатларни эгасига беришлик, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган омонатдир. Ахлоқий ҳукмларни қилишлик билан, ажрга эга бўламиз. Қилмасак, Аллоҳга осий бўламиз. Бизлар моддий фалсафа ҳукм сурган, ҳаётда яшаганимиз учун, омонат маъносини ҳам, иқтисодий маънога чеклаб қўйганмиз. Хусусан, қизлар омонатдир. Уларни Исломга мувофиқ тарбия қилиш ва жойига узатиш, оталар ва оналар устидаги омонатдир. Мана бу омонатларга хиёнат қилишлик жабрини, хоин бўлган шахсни ўзигина тортмайди, биродарлар! Тамоми жамият, бунинг зараридан бир четда қолмайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аъзоимизни яратди. Бу аъзолар учун манфаатлик бўлган нарсаларни ҳалол қилди. Ва бу аъзолар учун зарарлик бўлган нарсаларни, ҳаром қилди. Мана шу жасадга ҳалол нарсаларни едириш, омонатни ўташликдир. Ҳаром нарсаларни едириш, омонатга хиёнатдир. Онага қорнидаги бола омонатдир. Бу омонатни асраши ва ҳаётини, мувозанат билан ўтказишлиги, омонатни ўташликдир. Мувозанатсиз, яъни, исломга зид ҳаёт кечиришлиги, бу омонатга хиёнатдир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир ҳомиладор аёлни юриб кетаётганини кўриб, айтадиларки: оҳиста юргин. Мувозанатингни йўқотмагил, юришдаги. Сен қиёматда, қорнингдаги боладан сўралсан, Дедилар. Ислом биродарлар, биз ҳали туғилмасимиздан олдин, оналаримиз бизга меҳрибонликни унутиб қолдирган пайтида, бизга меҳрибонлик қилишни, оналаримиз зиимасига юклади.

Сақланишлик, бу Ислом аҳолиқий ҳукмларининг иккинчи қисмидир. Кизб, ёлғон сўзлаш, ваъдаларга хилоф қилиш, бу нарсалардан Ислом бизни маън қилди.

3. Амалий ҳукмлар

Одамлар билан муомилаларни ислоҳ қилиш ва ибодатлар учун зарур бўлган нарсаларни барпо қилиш, булар амалий ҳукмлар жумласига киради. Биз бу дарсимизда, буларни тафсилий баён қилиш мақсадимиз йўқ. Биз баъзи, исломий ҳуқуқларни баён қилиб кетамиз.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни яратиб, ер юзига Ўзининг Халифаси бўлишдек, катта вазифани юклади. Шунинг учун, Ўзининг тарафидан руҳ киргизди. Бу лой, ажиб бир махлуққа айланди. Бу махлуқ, Аллоҳ буюрган ишларни қилиб, Халифа бўлишлиги учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг ўзгармас низомини, Пайғамбарлар воситасида юборди. Охириги Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом бўлди. Бу низом, қуръон низоми бўлди. Расулуллоҳ

саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси мубораклари, шу қуръоннинг изоҳидан бошқа нарсамас, биродарлар!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулига қуръонни бердида, уни тафсир қилишлик учун, қуръонча илм берди. (Бу илм ҳадислардир) Бу инсон деб, аталган махлуқ зиммасига, катта вазифа юклатилди. Бу такрор айтамиз, хилофат вазифаси эди. Борлиқдаги ҳамма нарса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўйсунди. Буни кофирлару даҳрийлар ҳам, тан олади. Бирорта даҳрий, башарийят тарихидан, то қиёматгача, бирорта қонунни ўзгартирганлигини, даъво қила олмайди. Бунчалик нодонликка ҳали етиб боришгани йўқ.

Ҳар қандай даҳрий, буни даъво қилса, ўзларининг орасида, нодон деган сифатни, шу вақтда олади. Инсоннинг ҳаётининг ҳар бир босқичи, ўзгармас қонунга бўйсунди. (Яъни, кавний иродада, инсону ҳайвон, ихтиёрликмас) Хилофат вазифаси, бу қонунга боғланганмас. Агар инсон, ихтиёрий ҳаётида, Аллоҳнинг ўзгармас, саодатга олиб боровчи қонунига бўйсунса, (Шаръий иродага бўйсунса) ўзининг шахсий ҳаёти билан ҳам, ва бутун борлиқ билан ҳам, қарама қарши бўлиб яшамайди. Чунки, икки тарафдан, ўзининг шахсида ва борлиқдаги қонунга бўйсунган одам, ихтиёрий ҳаётида ҳам, бўйсунлиқ билан, роҳат топади, биродарлар.

Дунёдаги ҳаётнинг ҳамма соҳасида қийин вазиятга тушишининг сабаби, ихтиёрий ҳаётида, Аллоҳнинг ўзгармас қонунига бўйсунмаслик натижасида, қарама қаршилиқ вужудга келаяпти. Биринчи ўзи билан ва ўзи яшаб турган борлиқ билан, қарама қаршилиқ вужудга келаяпти. Шунинг учун, шарияти Исломиёйя ҳақларни баён қилди.

Ислом шариатидаги ҳақлар тўрттага бўлинади:

1. Аллоҳнинг ҳаққи.
2. Жасаднинг ҳаққи.
3. Бандаларнинг ҳаққи.
4. Қўл остидагилар ҳаққи.

1. Аллоҳнинг ҳаққи.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бандалар устида ҳаққи бор.

Албатта, инсоннинг вояга етишида, ота онанинг ҳаққи катта деб, билинади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳаққи. Албатта каттадир. Бу ҳақ нима?

حَقُّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ أَنْ يَعْبُدُوهُ وَلَا يُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا، وَحَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ أَنْ لَا يُعَذِّبَ مَنْ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا
أَخْرَجَاهُ فِي "الصَّحِيحِينَ"

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нинг бандалар устидаги ҳаққи, бандалар Унга ибодат қилишлиги, ҳеч бир нарсани шарик қилмаган ҳолатда. Демак, бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бизнинг устимиздаги ҳаққидир.

Бу ҳақ тўртта нарсани ўз ичига олади.

1. Аллоҳга қатъий имон келтирмоқлик. Ва бирор нарсани шарик қилмаслик. Яъни, ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, холис қалбдан тасдиқламоқликдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қатъий имон келтирмоқлик. Ва қуфрга қайтишликни, худди, ўтқа улоқтирилмоқни ёмон кўргандек, ёмон кўрмоқлик. Ва ҳеч бир нарсани, хоҳ фаришта, хоҳ жин, хоҳ пайғамбар, хоҳ,

инсон, хоҳ тоғ, хоҳ дарахат, хоҳ тоғ, хоҳ офтоб, хоҳ ой, хоҳ қабр бўлсин, бирор бир нарсани, Аллоҳга бирор нарсани шарик қилмасдан ибодат қилишлик, Аллоҳнинг ҳаққидир. Бу ҳақ, ҳамма ҳақларнинг пойдеворидир. Агар шу ҳақ бўлмаса, шариат биноси вужудга келмайди, биродарлар.

2. Расулуллоҳга имон келтирмоқлик. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз хоҳишларидан гапирмайдилар. У киши шариат хусусида гапирган сўзлари ваҳидир. У киши олиб келган ҳукмларни, розилик билан қабул қилишлик керак. Муҳаммадан Расулуллоҳ, деган сўзни, тан олишнинг маъноси шудир. Яъни, бу киши Аллоҳнинг элчиси, Аллоҳ тарафидан ҳукми олиб келади, деган маъно, Муҳаммадан Расулуллоҳ, калимаси маъносидир.

3. Аллоҳга итоат қилишлик. Аллоҳга итоат қилиш бу, Аллоҳ буюрган нарсани қилмоқ ва қайтарган нарсадан, қайтишлик билан бўлади. Бу дегани, Аллоҳнинг китоби ва Расулининг суннатига амал қилишлик билан, Аллоҳнинг ҳаққини ўтай оламиз, биродарлар!

4. Аллоҳга ибодат қилишлик. Аллоҳга ибодат қилишлик бу, фарзларни бажаришлик билан бўлади. Кимда ким, шу тўртта ҳақни адо қилмаётган бўлса, у дунёдаги ҳамма ҳақларни ўташлигининг, заррача эътибори бўлмайди. Ота оналарнинг ҳаққини ўтаётган одамлар, агар Аллоҳнинг ҳаққини ўтамасдан, ўтаётган бўлса, у ҳеч қандай, ҳақни ўтаяпман деб, даъво қилишга ҳаққи йўқ! Аллоҳнинг ҳаққини ўташлик, бутун ҳақларнинг пойдевори деб, билмоғимиз керак. Бу ҳақни ўтамасдан туриб, ўзининг истилоҳидаги яхшиликлар билан, биз уни яхшилик деб, билмаймиз, ўзининг истилоҳидаги яхшиликлар билан, дунёни тўлдириб юборган бўлса ҳам, биз бу одамни, ҳеч бир ҳақни ўтамаётган одам деб, биламиз.

Мисол келтиришни иложи йўқ. Лекин, бир оз фикримизга яқинроқ бўлгани учун, айтамиз. Бир одам ўзининг дадасига бирорта яхшилик қилмасдан туриб, дадасининг душмани бўлган бир яхудийга, ҳамма яхшиликни қилса, ва мен яхшилик қилиб юрибман, деса, бу гапини шу яхудий тасдиқлайди халос, биродарлар. Ҳатто, яхудий ҳам, бу ўзи алданиб қолиб, менга яхшилик қилиб юрибди, деб билади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаққини ўтамаётган, бошқа ҳаққларни ўтаётган одамлар, мисоли шунга ўхшайди. Бу одамнинг бошқа ҳақларни ўташлигининг, ҳеч қандай эътибори бўлмайди.

Баъзи кишилар бор, масалан етимпарвар. Баъзилар, кўчаларни ислоҳ қиладилар. Лекин, Аллоҳнинг ҳаққини ўтамайдилар. Аллоҳнинг ҳаққини ўтамай, бошқа ҳаққларни ўтаётган одамларни, биз ҳеч қандай эътиборга олмаймиз, биродарлар. Исло, эътиборга олмайди ва шунинг учун, биз ҳам, эътиборга олмаймиз.

2. Жасаднинг ҳаққи.

Инсоннинг жасадининг ҳаққи, шариат баён қилган ҳақлардир. Эркаклар ҳам ва аёллар ҳам, ўзларининг авратларини бекитишга маъмур бўлганлар. Эркак киши учун, аврат, аксар уламолар наздида, киндик билан тизза орасидаги масофадир. Аёл киши жасадини бекитиши, бу жасаднинг ҳаққидир. Покланадиган ўринларни поклашлик, ҳафтада бир марта ғусл қилишлик, ухлашлик ва овқатланишлик, булар ҳаммаси жасаднинг ҳақларидир. Жасаднинг бу ҳақлари борлигини, динсизлар ҳам баён қилишган. Исло бу ҳақларни, одамлар бу ҳақда ўйлашликдан, бир минг тўрт юз йил илгари, баён қилган. Тирноқ олиш, махфий тукларни тозалаш, бу амалларни, ўнта нарса фитратдандир, деган ҳадисларида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам баён қилдилар. Булар ҳаммаси жасаднинг ҳақларидир. Бу ҳақларни ўташга, биз маъмурмиз.

3. Бандаларнинг ҳаққи.

Эркакнинг аёлдаги ва аёлнинг эркакдаги ҳаққи. Фарзандларнинг оталар устидаги ва отанинг фарзандлар устидаги ҳаққи. Қариндошларнинг ҳақлари. Ён қўшнилари, қариндош қўшнилари ва бегона қўшнилари ҳаққи. Етимлар ва мусофирлар ҳаққи. Фуқаролар ҳаққи. Мискинлар ҳаққи. Буларни барини Ислом баён қилди. Ҳали, биров бу ҳақларни ўйлаб, кўрмаган вақтда. Бир мусофир агар бир шаҳарга келса, шу шаҳар аҳли, уни зиёфат қилмаса, шу шаҳар аҳли, ҳаммаси гуноҳкор бўлади. Уч кун зиёфат қилишлик, бу мусофирнинг ҳаққи. Шунинг учун, Ислом диёрларида, шаҳарнинг кириш қисмида, ихтиёрий равишда, бу ҳақни ўташлик учун, одамлар ўзлари, мусофирхоналар қуришган. Даҳрийлар айтишадики, илгариги даврларда, меҳмонхоналар бўлмаган деб, бизни масҳара қилади. Меҳмонхоналар бўлишлиги, фахрмас, биродарлар. Булар ҳаммаси пуллик меҳмонхоналар.

Меҳмонхоналар бўлишлиги, жамиятдаги одамлар, меҳмонни кутишликка тайёрмаслигига далолат қилади. Меҳмонни кутишликка тайёр бўлган жамиятда, меҳмонхонага ҳожат бўлмайди, биродарлар. Биз айтамызки, алҳамдулиллоҳ, бизда бу каби, меҳмонни келиб кетганини билмайдиган, меҳмонхоналар қуришликка эҳтиёж бўлмаган, деймиз. Ҳар бир одамнинг хонадонида, меҳмонхона бўлган. Нима учун? Мусофирнинг ҳаққи бор, деб, билган мусулмонлар. Танимаган одамига, шунчалик яхшилик қилишганки, мана ёши катталар билишади. Исломнинг бир озроқ, нури қолган пайтларда ҳам, меҳмонхоналари, ичкари уйдан яхшироқ бўлган. Мусулмонлар ўзларининг ҳақларини ўташлик, жамиятда, жуда кўп тармоқларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади, биродарлар.

4. Қўл остидагилар ҳаққи

Биринчи, қўл остидаги хизмат қилиб турган кишилар ҳаққи. Буларнинг ҳаққини, Ислом ҳимоя қилган каби, бирор йўл, ҳимоя қилганмас. Бу қўл остидаги хизмат қилиб турган кишиларнинг ҳаққини, Ислом ҳимоя қилганлигига бир мисол. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Абу Зарр Ғифорийни кўрдим. Хизматкори билан, бир хил либос кийиб олишибди. Сабабини сўраганимда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтадиларки: сизларнинг биродаринглар бу, қўл остидаги хизмат қилиб турган кишилар, кимни, биродарини хизмат қилдириб қўйган бўлса, нима кийган бўлса, шундан кийдирсин. Нима еган бўлса, шундан едирсин, дедилар, деди.

Ўзи ходим бўлсангиз, саййидингиз билан бир хил либос кийсангиз. Бир хил таом есангиз. Бўлиб ҳам, бу сиз кияётган кийим ва еяётган овқат, Хожангизнинг зиммасида бўлса, бундай хизматкор бўлишликдан, ким бош тортади?! Бундай хизматкор бўлишликда, ҳеч қандай ҳақоратни сезмайди, одам. Исломда, одамлар катта мансабларга ўзини урмаслигини сири ҳам шу бўлган, биродарлар. Чунки, улар оддий хизматларни қилишликда, ҳақоратни сезишмаган.

Иккинчиси, ҳайвонлар ҳаққи. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳайвонларни, бизга бўйсундириб қўйди. Буларни едириш ва ичириш, биздаги ҳаққидир. Юк тортадиган бўлса, тоқатидан ташқари юк юкламаслик ҳам, уларнинг биздаги ҳаққидир. Гўшти ҳалол бўлган ҳайвонни, гўштини ейиш мақсадидан бошқа мақсадда, ўлдирмаслик. Яъни, буни қатл қилиб, ўйин қилиш мумкинмас. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга буни сўйиб, гўштини ейишликни ҳалол қилди. Ҳатто, сўйганда ҳам, эҳсонга маъмур бўлдик. Яхши муносабатда бўлишга. Сўядиган асбобни, ўтқир қилиб, ён тарафидан олиб келишликка, маъмур бўлдик, биродарлар!

Жамиятимизда муаммо бўлиб турган бир масалага, тўхтаб ўтмоқчиман.

وَالْوَلَدُ يُرْضَعْنَ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَمَّ الرِّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا لَا تَضَارَّ وَلَدَةٌ بَوْلِدَهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ بِوَلَدِهِ وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ

Бақара сураси 233 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни, гўдаклик вақтимиздан ҳаққимизни риоя қилишликни, ота онага юклаб қўйган. Ота она иттифоқ бўлганда, боланинг ҳаққини ўтаб юришади. Қонун иттифоқлик пайти, керак бўлмайди. Мана бу оят, шу ўртадаги иттифоқлик бузилган ҳолатига ишора қилаяпти. Фарзанд туғилгандан кейин, ота она орасида ажралиш вужудга келди. Қуръони карим, қандай қилиб ҳақни ўташликни ўрагатяпти. Оналар фарзандларни икки йил эмизишга мажбур. Ихтиёрликмас.

Ажралишни ҳаётда мана, биз кўриб турибмиз. Энг кўп ажралиш бўлаётган давр. Фарзандни керак бўлса, боқиб ол, деб, ташлаб қўяди. Ота она ташлаб қўяди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, онани икки йил болага сут беришга мажбур қилди. Мўмина бўлса аёл, мажбур икки йил қарашга. Икки йил, тўла сут беришга мажбурдир. Ота учун фарзанднинг онасини, ўртача миқдорда, едириш ва кийдириш вазифаси бордир. Ихтиёрликмас.

Ажралганидан кейин ҳам, ўртача миқдорда, нафақасини бериб туради. Ҳар ким, ўзи қодир бўлган нарсага таклиф қилинади. Ислом отага эмизишликни буюрмайди. Онага ишлаб нафақа бериб туришни буюрмайди. Икковигаям қодир бўлган нарсани буюраяпти. Баъзи оналар, агарчи, отаси едириб кийдирмаса ҳам, болага меҳрибонлигидан, ўзи қараши мумкин? Бу ҳаётда топиладиган сурат. Шундай меҳрни берган онага, ҳеч нарса олиб бормаса ҳам, боқаверади. Лекин, ота буни билиб, ўртачадан пастроқ миқдордаги нарсани, олиб бормасин. Ейдиган ва киядиган нарсаси, ўртачадан паст бўлмаслигини шарт қилди. Баъзи, оналар, отани фарзандга меҳрини билиб, фойдаланиб олай деб, кўп нарса талаб қилиб қолиши ҳам мумкин? Ислом буни олдини олиб қўйди. Боласи туфайлик, отани ҳам, онани ҳам зарарлантирилмайди. Энди ота вафот этиб кетган бўлсаю, бола онаси қўлида қолган бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, ота онамиздан ҳам, меҳрибонлиги шуки, отанинг меросхўрига, отанинг зиммасидаги вазифани юклайди. Отадан каттагина фойда қолганда олармиди, шу меросхўр? Фақат фойдага меросхўр бўлмасин! Вазифага ҳам меросхўр бўлсин!

Бизнинг ота оналаримиз ташлаб юборадиган соатда ҳам, Аллоҳ ҳимоя қилаяпти. Аллоҳ бизга, ота оналаримиз қалбидан меҳр кўтарилган вақтида ҳам, Ўзининг меҳрибонлигини кўрсатаяпти. Ҳали бошқа нозу неъматларни қўяйлик. Мана шундай меҳрибон Аллоҳнинг ҳаққини бажармаяпти, одамлар! Бизнинг ота оналаримиз ташлаб юборадиган соатда ҳам, Ўзининг меҳрибонлигини кўрсатган Аллоҳ, ҳамду сано айтишга лойиқмасмиди? Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳаққи, ҳамманинг ҳаққидан устун туради. Бу ҳаққ, Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиш, Унга ҳеч нарсани, шарик қилмаган ҳолатда.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандалар Унинг ҳаққини ўтасалар, уларнинг ҳам, Аллоҳ зиммасида ҳаққи борлигини, Расули воситасида баён қилди. Агар буни, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари айтмаганда, бирор инсонни буни айтишга журъат қилишга, ҳаққи йўқ эди. Наҳотки, шу заиф бандаларнинг Аллоҳда ҳаққи бўладими? деб. Бу ҳақ нима?!

Агар бандалар Аллоҳнинг ҳаққини ўтасалар, уларнинг ҳам, Аллоҳ зиммасида ҳаққлари бордир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаққини ўтаган бандаларга, Аллоҳ азоб бермайди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки:

فَإِنَّ لِحَسَدِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ لِعَيْنِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ لِرَوْحِكَ عَلَيْكَ حَقًّا

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Жасадингни сенда ҳаққи бор. Кўзингни сенда ҳаққи бор. Аёлингни сенда ҳаққи бор, дедилар.

Салмони Форсий билан, Абуд Дардоъ разияллоҳу анҳумо икковлари, Аллоҳ йўлида дўст бўлишганлар.

آخى رسول الله صلى الله عليه وسلم بين سلمان وبين أبي الدرداء، فزار سلمان أبا الدرداء، فرأى أم الدرداء متبذلة، فقال: ما شأنك متبذلة؟! قالت: إن أخاك أبا الدرداء ليس له حاجة في الدنيا. قال: فلما جاء أبو الدرداء، قَرَّبَ إليه طعامًا، فقال: كُلْ، فأتى صائمًا. قال: ما أنا بأكل حتى تأكل. قال: فأكل، فلما كان الليل ذهب أبو الدرداء ليقوم، فقال له سلمان: نَمْ، فنام، ثم ذهب يقوم، فقال له: نَمْ، فنام، فلما كان عند الصُّبح، قال له سلمان: قُمْ الآن، فقاما فصليًا. فقال: إن لنفسك عليك حقًا، ولربك عليك حقًا، ولضيفك عليك حقًا، وإن لأهلك عليك حقًا، فأعط كل ذي حق حقه، فاتيا النبي صلى الله عليه وسلم، فذكرَا ذلك؟ فقال له: صدق سلمان

المصدر : صحيح الترمذي

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Салмони Форсий, ҳижоб фарз бўлишидан илгари, Абуд Дардоъ биродарини зиёратига бордилар. Умму Дардоъ Абуд Дардоънинг аёллари, ниҳоятда ўзига қарамаган ҳолда, юрганлигини кўрдилар. Нима гаплигини суриштирганда, биродарингиз дунёдан юз ўгирди, дегандек, гап қилдилар. У уйдас, масжидда дедилар. Салмони Форсий бориб, уни уйига олиб келди. Шунда овқат қўйилганда, Абуд Дардоъ мен рўзаман, деди. Салмони Форсий разияллоҳу анҳу, Абуд Дардоъни, овқат ейишга, мажбур қилдилар. Рўзасини очтирдилар. Нафл рўза эди. Дам олиш вақти бўлганда, Абуд Дардоъ сиз дам олинг, мен дам олмайман деди. Салмони Форсий, ётинг, дедилар. Турмоқчи бўлганида тургизмадилар. Кечанинг учдан бири қолганда тургиздилар. Эрталаб унга айтдиларки,

فقال: إن لنفسك عليك حقًا، ولربك عليك حقًا، ولضيفك عليك حقًا، وإن لأهلك عليك حقًا، فأعط كل ذي حق حقه،

Роббингни сенда ҳаққи бор. Бу жасадингни ҳам ҳаққи бор. Меҳмонинги ҳам сенда ҳаққи бор. Ва сени кўргани келган меҳмонларнинг ҳам, сенда ҳаққи бор, Аҳлингни ҳам сенда ҳаққи бор. Ҳамма ҳақдорларни ҳаққини бериб юргин, дедилар.

فاتيا النبي صلى الله عليه وسلم، فذكرَا ذلك؟ فقال له: صدق سلمان

Абуд Дардоъ разияллоҳу анҳу бориб, буни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга айтганда, Салмон тўғри айтибди, дедилар.

Ислом йўли, ҳамма ҳақларни жойида ўташлик йўлидир. Ислом йўли, таркидунёчилик йўлимас, биродарлар. Ислом йўлидан қўрқаётган кишилар, Исломни тушунмаган кишилар ёки, исломга ғарази бор, кишилардир. Агар исломни қабул қилсалар, улар кўплаб муаммоларни, ечишга бош қотиришга, ҳожатлари бўлмайдир. Ислом йўли, энг покиза йўлдир. Биз одамларга, Исломни энг пок йўл деб, билдирамыз. Саодат йўли деб, тушунтирамыз. Улар кўрмаган бўлса, биз буни ўзимизда ва тарихимизда кўрдик, деймиз. Исломни, биз, мажбурлаб тушунтирмаймиз. Ким хоҳаласа, қабул қилиб, жаннат йўлига ўтсин. Ким хоҳламаса, рад қилиб, жаҳаннамга ўтин бўлишга тайёрлансин!

Шариати Исломийдаги ҳақларни ўташлик билан биз, биродарлар, бошқаларга намуна бўлмоғимиз керак! Мана бу намуна, биз ўзимизда барпо қилишимиз билан, иншаллоҳ, одамлар Исломни қабул қилишадилар. Ёши катта кишиларнинг Исломни тушунмаётганлигининг сабаби, улар узоқ вақт, Исломни эшитишдан бебаҳра қолишганлигидир. Биз оз нарсга алданиб қолмасдан, Исломни бошқаларга ўргатмоқлигимиз ва ҳаётимизни, пок ўтказмоқлигимиз керак.

Оқибатда, дунёдан кетаётганимизда, ёмон оқибат билан кетиб қолмаслигимизга, ҳозирги ҳаётимизда, ҳаракат қилмоқлигимиз керак. Ўлим соати келганда, шайтон, инсонга қарши

васваса қилади. У умри бўйи курашган инсонни, охирги соатида, энди у билан, бошқа курашмаслигини билади. У курашадиган майдон йўқолишини билади.

Шунинг учун, бечора инсонни, дунёдан имонсиз кетиши учун, ҳаракат қилади. Инсон шайтонлари, залолатда фақат ўзи юрмасдан, бошқалар ҳам бу залолатда юришлигини хоҳлагандек, мисоли шунга ўхшайди. Шайтон ҳам, шу инсон туфайли адашган эди. Шу инсонни у, жаҳаннамда ўзи билан бирга бўлишига, ҳарис бўлади, биродарлар.

Ёмон хотимадан эҳтиёт бўлишга даъват

إِنَّ الشَّيْطَانَ يَحْضُرُ أَحَدَكُمْ عِنْدَ كُلِّ شَيْءٍ مِنْ شَأْنِهِ حَتَّى يَحْضُرَهُ عِنْدَ طَعَامِهِ ، فَإِذَا سَقَطَتْ مِنْ أَحَدِكُمْ اللَّقْمَةُ فَلْيُمِطْ مَا كَانَ بِهَا مِنْ أَدَى ، ثُمَّ لْيَأْكُلْهَا وَ لَا يَدْعُهَا لِلشَّيْطَانِ ، فَإِذَا فَرَّغَ فَلْيَلْعَقْ أَصَابِعَهُ ، فَإِنَّهُ لَا يَدْرِي فِي أَيِّ طَعَامِهِ تَكُونُ الْبَرَكَةُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Шайтон сизларга ҳар бир ҳолатда, ҳозир бўлади. Ҳамма ҳолатда, бирга бўлишга ҳаракат қилади. Ҳатто, овқат еяётганда ҳам. Кимники, лўқмаси қўлидан тушиб кетса, уни тозалаб есин. Уни шайтонга қўйиб қўймасин, дедилар. Шунинг учун биз, дастурхон солиб овқатланамиз. Форуғбол бўлса, (овқат еб бўлса) қўлларини бармоқларини ялаб, тозаласин. Чунки, инсон таомини қайсисида баракот борлигини, билмайди, дедилар. Яъни, инсон таомдаги баракотни, қўлдан бермасликка, ҳаракат қилмоқлиги керак. Шайтон инсонга, (ўлим олдидан) энг яқинлари суратида кўриниб, яҳудий ва насроний динига эргашишликка, жонини борица тарғиб қилади, биродарлар.

رَبَّنَا لَا تَزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ
Оли Имрон сураси 8 оят

Шунинг учун доим, ҳидоят насиб қилганингдан кейин, қалбларимизни тойдириб қўймагин, деб, дуо қилиб юришликка маъмурмиз, биродарлар.

Ёмон оқибатнинг сабаблари, эътиқоддаги фасоддир, биродарлар. Саҳиҳ эътиқодда бўлмаган кишиларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга, яхши хотимани ҳам, насиб қилмайди, биродарлар!

وَبَدَأَ لَهُمْ مِنَ اللَّهِ مَا لَمْ يَكُونُوا يَحْتَسِبُونَ
Зумар сураси 47 оят

Уларга, Аллоҳ тарафидан, улар кутмаган нарсалар етади.

Эътиқоди саҳиҳ бўлмаган кишиларга, охирги кетар вақтида, ёмон хотима билан кетиш, хавфи кўпроқдир. Аллоҳ сақласин! Ҳаёти бўйи, осийлик ва гуноҳга мойиллик билан ўтган одамлар ҳаммаси, кетар вақтида, шайтонга итоат қилиб қолишлик, хавфи бор.

ما من ميت يموت حتى يمثل له جلساؤه عند موته ، إن كانوا أهل لهو فأهل لهو ، وإن كانوا أهل ذكر فأهل ذكر

Қайси бир одамнинг ўлими яқинлашса, унинг бирга суҳбатлашиб юрган, ҳамнишинлари мажлисида ўтиргани, кўзи олдида гавдаланади. Лаҳв аҳлидан бўлса, лаҳв аҳлидан бўлган мажлисда ўтирган бўлади. Зикр аҳлидан бўлса, зикр аҳлидан бўлган, мажлисда ўтирган бўлади. (Юқоридаги арабча матннинг, мазмуни ёзилди. Қори ака буни айтиб, кейин, бошқа бир ҳикояни келтирадилар.)

Уламолардан бири, Шайтон одамга лаҳв ўйнайдиган дўстлари суратида кўринишига, бир мисол келтирадилар. Бир кишига ўлим ҳозир бўлганда, лаҳв ўйнаб юрган ошналари ҳозир бўлиб, шайтон шу шаклда кўриниб турганига, далолат қиладиган воқеъани зикр қиладилар.

Яъни, ла илоҳа иллоллоҳ дегин, десалар, у бутун ҳаёти бўйи, шатранж ўйнаб ўтган таниши қиёфасида шайтон кўриниб, ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтмасдан, шатранж ўйнаганда ишлатадиган калимани айтиб, шоҳ мот деб, жон берганлигини, ҳикоя қиладилар.

Биродарлар, инсон ҳушидан кетиб қолган пайтда, қалби мойил бўлган нарсани, такрорлайди. Инсон туш кўрса, кўпроқ қайси касбни қилса, ҳамкасабларини, шу касбни кўпроқ тушида кўради. Зоҳирда юрган нарса бўлмайди, қалби мойил бўлган нарсани, тушида кўради. Имоми Заҳабий ўзларининг Кабоир деган, китобларида ҳикоя қиладиларки, бир киши жон бераётганда, биров келиб, Ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳ, дегин, десалар, у «ўзинг ҳам ич ва мени ҳам суғоргин, деб, жон берганини, ҳикоя қилади.

Ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳ, биродарлар, инсоннинг маъсиятларга ўрганиши, умрининг охирида, ёмон оқибат билан кетишлигига, сабаб бўлади. Кечалари ухламасдан, маъносиз лаҳвларни кўриб, тамошо қиладиганлар, Кечалари ухламасдан, на динга ва дунёга фойдаси йўқ нарсаларга, умрини бағишлаётган йигитлар ва қизлар, қалби шунга мойил бўлиб қолади, биродарлар. Ёшлик шундай нарсаки, бир нарсага қизиқиши билан, шунга қалби банд бўлиб қолади, одамни. Мана қариб букчайиб қолган одамларни кўрамизки, икки ракат нафл намоз ўқишликка ярамайдию, лекин, кечалари ухламасдан, маъносиз лаҳвларни кўриб, тамошо қилиб вақтини ўтказаётганлигини кўрамиз. Нима учун?

Улар ёшлигидан, шу маъсиятга ўрганиб қолишган. Истиқоматдан, тўғри йўлдан бош тортишлиқдир. Ла илоҳа иллоллоҳ, калимаси тўғри сўздир. Тўғри йўлдан бош тортишга ўрганганлар, бу калимани айт, десалар, бош тортиб қолиши мумкин, биродарлар! Ҳақ сўзни айтганда, қабул қилмайдиган одам, ҳозир бунақалар жуда кўп. Ҳақ сўзни айтганда, қабул қилмайдиган одам, Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасини айт, десалар, бош тортиб қолиши мумкин, биродарлар! Аллоҳ сақласин! Мўмин киши, ёмон оқибатдан доим, эҳтиёт бўлмоқлиги керак. Инсоннинг узоқ йиллик ҳаракатлари, шу охириги ҳал қилувчи, бир неча дақиқа учун бўлади, биродарлар.

Дунёвий ишларда ҳам шундай бўлади, биродарлар. Мусобақада ғолиб бўламан деган, одам, кечалари ухламасдан, кундузлари тинмасдан, шу мусобақага тайёргарлик кўрадики, шу бир дақиқада ғолиб бўлишлик учун! Шунинг учун, неччи йиллар, сарф қилади. Бизнинг ҳал қилувчи дақиқамиз, дунёдан кўз юмаётган вақтимиздир, биродарлар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи мадад берсин! Нажот берсин! Биз курашга чиққанмиз. Шайтон бизнинг рақибимиз. Кечасию кундузи у, биз билан курашади. Ана шу охириги, ҳал қилувчи дақиқада, бизни йиқитишга, у тайёргарлик кўради. Биз ҳам, шу охириги дақиқада, уни йиқитишга тайёргарлик кўрмоғимиз керакки, бу дақиқа, бизнинг ҳал қилувчи дақиқамиздир!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳаққини ўташлик билан, бошқа ҳаққларни ўташлик билан, маъсиятлардан сақланишлик билан, ўзимизни пок тутмоғимиз керакки, ана шу ҳал қилувчи дақиқада, шайтони малъунга ғолиб бўламиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу соатда, ҳаммамизга нажот берсин!

(Шу ерда баъзи саволларга жавоблар берилади.)

Шулардан биттасини, китобга киритишни маъқул топдим.

Менга шу ихтилофли масалалардан савол берилишини истамасдим. Лекин, беришибди, майли. Рафъул ядайн қилишга саҳиҳ ҳадис борми? Қилмасликкачи? деб, сўрашибди. Биродарлар, сиҳоҳи ситтада, ўн олтита саҳиҳ ҳадислар бу Рафъул ядайн қилишга. Кўтармасликка, Авзоий ривоятидан, Абу Ҳанифа, қўлларини кўтармадилар, деб ривоят қилган. Биз бу ижтиҳодий масъалаларга аралашмаймиз, биродарлар.

Рафъул ядайн қилган одамни, биз бу ҳадисга биноан иш қилаяпди, деймиз. Қўлини кўтармаган одамни, агар далилини билса, биз уни, қўлини кўтаришга мажбур қилмаймиз. Биз бу мавзуда минбардан туриб гапирмасдик. Савол бўлгани учун, жавоб беришга мажбур бўлдик.

Дуо қилинг дебдилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло касалларга, шифо берсин. Илм талабидагиларга, манфаатлик илм берсин. Ҳаммамизни гуноҳларимизни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Фарзанд талабидагиларга фарзанд солиҳ ва солиҳа фарзандлар берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

43 дарс тугади.

44 Дарс

Жоҳилий феъллар ҳақида

(Бу дарс аввалида, жоҳилийят давридаги одатлар зикр қилинади ва уларнинг бугунги кунда ҳам мавжудлиги, мисоллар билан тушунтирилади. Ва дарс охирида, вақф китобларини Жомеъ олдида сотиб ўтирилгани ҳақидаги саволга жавоб берилади. Шу жавобда, Қори ака ўзининг тутган манҳажини, зўравонлик йўли эмаслигини ва унинг иши одамларни динга чақиришдан иборатлигини ва шу йўлда мустаҳкам турганлигини мисоллар билан гапириб, ўша саволга жавоб беради. Ўша саволга жавоби, у кишининг умри давомида тутган мавқеъини кўрсатувчи ҳужжатдир)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا ضَلِيلَ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, пайғамбар қилиб, жўнатган вақтда, халқлар ўзларининг ҳаётларидаги кўп нарсаларни ўлчашликка, ўзларининг жоҳилий ўлчовларини қуриб олишган эди. Худди, ўтган пайғамбарлар келган вақтда, ўша пайтдаги халқлар ҳам, ўзига хос ўлчовлар қуриб олишганга ўхшаган. Биз асосан, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам рисолатлари ҳақида баҳс юритамиз. У кишининг рисолатлари, охириги рисолат бўлган. Шу билан рисолатга муҳр босилган. Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин, рисолат қиёматгача бўлмайди. Кимда ким, у кишидан кейин, пайғамбарликни даъво қилса, каззоблиги маълум бўлган. Бундан кейин ҳам, пайғамбарликни даъво қилганлар чиқадиган бўлса, уларнинг муттаҳам ва каззоблиги маълум бўлиб бораверади. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлиб келган вақтда, умматлар билан келишмаган масъалаларни, биз асосий нарсаси деб, Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси ҳақида, баҳс юритдик.

Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини, араблар яхши тушунишарди. Бу калима уларнинг яшаётган оқимини тубдан ўзгартириб юбориши ва сохта ўлчовларни барбод қилишини, яхши тушунишарди. Шунинг учун, улар бутун вужуди билан, Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган йўл, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасига, қарши чиқишган эди. Илоҳ калимаси, Маъбуд маъносида эканлигини ва ибодат маънолари қайси нарсаларни ўз ичига олишини, улар яхши тушунишарди. Бу калимани қабул қилишса, сиғиналадиган Зот, ягона Аллоҳ эканлигини ва сохта ясаб олган маъбудларини, барбод бўлишини, яхши билишарди. Шунинг учун улар қаттиқ суратда қарши чиқишди. Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини қабул қилсалар, ўзлари ясаб олган сохта илоҳлар, барбод бўлишлигини билардилар.

Уларнинг ўлчовлари қандай бўлган? Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлиб келганда, одамларнинг жоҳилий ўлчовлари қанақа бўлганди? Биз шуни билмоқлигимиз керак! Нима учун?

Токи, зарарни билмасангиз, ундан сақланолмайсиз. Шунингдек, бизнинг ҳозирги ҳаётимизда, ҳақиқий ислом айтилган вақтда, бўлаётган қаршиликларни кўриб ажабланмаймиз. Чунки, бу жоҳилий ўлчовлар, ҳақиқий исломга қиёматгача, муқобил бўлиб, (қаршида туриб) бораверади. Биз жаннат ва жаҳаннамнинг барҳақ эканлигига, имон келтирдик. Жаннатга борадиган кишилар, жаннатга лойиқ, яхши амаллар қилиб, жаннатга боришлигига имон келтирдик. Жаҳаннамдаги қаттиқ азобларга бориш учун ҳам, одамлар ҳаракат қилиб, ўзини шу жаҳаннамга лойиқ қилиб бораверади. Мен шу бугунги дарсда, жоҳилият одамлари, қандай қилиб, ҳақни ўлчашарди? Ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, уларнинг қайси ишларига қарши чиққанлар, шуларга қисқача суратда, тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчиси, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, олиб келган йўлга, қалбнинг имон келтирмаслигидир. Энди бунга жоҳилиятда қилиб юрган нарсани яхши санаб, яхши кўришлиги қўшилса, энди унга зиён, ниҳоятда комил суратда топилади.

Ўзи асли, Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган нарсага биз, тўла имон келтиришимиз керак! Бу имоннинг асосидир. Бу киши олиб келган нарсага, имон келтирмасдан, яна унга қўшиб, бошқа жоҳилият йўлини ҳам, бунга қўшиб олса, унда бунинг зиёнини, гапириб тамомлаб бўлмайди. Жоҳилият аҳли, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, олиб келган йўлга, имон келтирмасди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл, ҳозир бизда борми, йўқми?! У киши олиб келган йўл, нима? Биз биламизки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбар қилиб жўнатди. У кишига қуръони каримни нозил қилди. Қуръони каримни сақлашликка, Аллоҳ қафил бўлди.

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ
Ҳижр сураси 9 оят

Қуръонни Биз тушурдик ва Биз сақловчимиз, деб, таъкидлаб айтяпди.

Демак, Қуръони каримни бирор ҳарфига путур етмаган ҳолда, сақланиб қолишликка Аллоҳ қафил бўлди. Бу ҳақда биз, бош қотирмаймиз. Қуръонни сақлашлиқдан, бирор ҳарфига путур етиб қолмасин деб, сақлашлиқдан, Аллоҳу таоло бизни озод қилди. Қуръони ёқиб, йўқотиб ташлашга ҳарис бўлган бўлган душманларнинг, бир минг тўрт юз йилдан бери, кўп бўлишига қарамасдан, дунёдаги энг кўп сонли китоб, қуръони каримдир, биродарлар. Бирор бир китобга душманлик, бу даражада бўлганмас. Агар душманлик бўлган бўлса, бирор миллат душманлик қилган. Аммо, қуръони каримга, ҳамма миллатдан душман бордир. Лекин, қуръони каримни дўст тутган кишилар заиф бўлишига қарамасдан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръони каримни сақлаб келди. Ва бирор ҳарфига путур етмаган ҳолда, сақлади. Албата, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ! Қиёматгача сақлайди.

Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган йўл, қуръони каримдир ва у кишининг суннатларидир. Суннатларни такрор айтамыз, биринчиси, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидир. Суннатлар ичида буюрганлари бор. Биз бу буюрганларини қилишликка мажбурмиз биродарлар.

فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ
Нур сураси 63 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг буйруғига қарама қарши иш қилган кишилар эҳтиёт бўлсин, ё уларга фитна етади, ё аламлантирувчи азоб етади.

Буни кўпроқ ҳаётда ҳам, билдик, биродарлар. Аксар юмшоқ гапирган кишилар, аламлантирувчи азоб етиши эҳтимоли бор, деб қўйишган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига хилоф иш қилувчиларга, мана юмшоқ гапирган кишилар, аламлантирувчи азоб етиши эҳтимоли бор, деб қўйишган. Бўлмасам, фитна ё аламлантирувчи азоб етиши, ҳукми оmdир биродарлар. (умумийдир) Шунинг учун, буюрилган суннатларга, ниҳоятда эҳтиёт бўлмоғимиз керак.

Суннатлар баён қилинган осорлар бор. (саҳобалар сўзлари осор дейилади) Ўзларининг ахлоқларини, Менинг хулқим шу, деб, баён қилганлари бор. Ва амалий суннатлари бор. Саҳобалар ўзларининг осорларида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ундай эдилар ва бундай эдилар деб, сақлаб қолишган. Бу амалий суннатлари. Ва баъзи нарсаларни, олдиларида қилганларида, инкор қилмаганлар. Инкор қилмаслик билан биродарлар, шу нарсага рухсат бўлиб қолади. Мубоҳлигини билдиради. Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган нарсага биз, қалбимиздан имон келтирмоғимиз керак!

Макка мушриклари, Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган нарсага имон келтиришмади. Ва яна ўзларининг, жоҳилий ишларини афзал санади.

وَالَّذِينَ آمَنُوا بِالْبَطْلِ وَكَفَرُوا بِاللَّهِ أُولَٰئِكَ هُمُ الْخٰسِرُونَ
Анкабут сураси 52 оят

Ботилга имон келтирган кишилар, Аллоҳга кофир бўлишган.

Аллоҳга кофир бўлишган, деганда, Аллоҳни инкор қилишган деган, маънода эмас. Улар Аллоҳни ягона Маъбудлигини, инкор қилишган. Аллоҳга ибодат ҳам қилишган ва бошқа нарсаларга ҳам ибодат қилишган. Аллоҳ билан ўзлари орасида, восита қилганлари учун, Аллоҳга кофир бўлишган, деб, саналган. Бу нарса, билишимиз энг муҳим бўлган нарсадир.

Жоҳилийятдаги кишилар, дуо қилишликда ва ибодат қилишликда, бу воситалар (бутлар) бизни, шафоат қилиб олади, деган мақсадда ибодат қилишарди. Бу бизни яратган деб, ё ризқ беради деб, ибодат қилишмасди. Ё коиноту ерни, бошқариб туради, деб, ибодат қилишмасди. Аллоҳнинг ҳузурида, бизни, шафоат қилиб олади, деб, ибодат қилишарди.

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْصُرُهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ يَقُولُونَ هٰؤَآءِ شَفَعَاؤُنَا عِنْدَ اللَّهِ
Юнус сураси 18 оят

Аллоҳдан бошқа, уларга зарар ҳам, манфаат ҳам, етказмайдиган нарсага ибодат қилишади. Аллоҳнинг ҳузурида, бизни, шафоат қилиб олади, булар, деб қўйишарди.

Ҳозирги вақтга ҳам назар ташлайлик биродарлар.

Сизлар нима учун бу мазорларга ибодат қиласизлар? Нима учун бу тошларга ибодат қиласизлар? Нима учун бу булоқларга, ибодат қиласизлар? Ибодат қилиб, у ерга бориб, сиғиниб, сажда қилишмайди. Лекин, сажда қиладиганлари ҳам бор. Лекин, шу ерларга қасд қилиб бориб, назрлар атаб..., назр ибодат, биродарлар! Бирор бир сўйиладиган нарсани олиб бориб, сўйишлик, бу ибодат, биродарлар!

قُلْ إِن صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ
Анъом сураси 162 оят

Нусук яъни, бир нарсани қурбон қилиб, сўйишлик билан, намозни ёнма ён келтириляпди. Иккови ҳам ибодат, биродарлар. Мен у ерга қараб, намоз ўқиётганим йўқ, дейишлик билан қутулмайди. Баъзи бир солиҳ кишилардан мадад сўрашиб, уларга назрлар атаб, юрган кишилар мисоли шуки,

وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ

Зумар сураси 3 оят

Аллоҳдан бошқа, авлиёларга ибодат қилаётганлар, улар айтишадики, биз уларга ибодат қилишлигимиздан мақсад, бизларни Аллоҳга яқин қилади деб, ибодат қиламиз, дейишади.

Шуларни мушрик деяпди, Аллоҳу Таоло! Шулар билан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам келишмаганлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам келишмаган кишилар, шулар. Яъни, бизларни Аллоҳга яқин қилади, дейишган кишилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръони каримда,

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ

Қоф сураси 16 оят

Биз унга (инсонга) бўйин томиридан кўра яқинроқмиз, Деди.

Юракдан чиққан асосий иккита қон томиридан биттасини, валид дейилади. (Шу томир бўйинга уланиб, бошга қон улашиб туради. Шунга уни бўйин томири дейилади) Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз, деяпди Аллоҳу таоло. Ҳақиқий мўмин билан, Аллоҳнинг ўртасига, ҳеч қандай восита сиғмайди. Аллоҳ унга шунақа даражада яқин.

Агар у мушрик бўлган бўлса, Аллоҳ билан унинг ўртасини яқинлаштириш мумкин бўлмайдиган даражада, шунақа узоқ бўлиб кетгандир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унинг ширкидан безор. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло (агар тавбасиз кетса) уни кечирмайди. Мана бундай тушунмоқлигимиз керак.

Аллоҳдан бошқага ибодат қилаётганлар, айтишадики, Аллоҳнинг ҳузурида бизни шафоат қилувчи деб, баъзилари, Аллоҳга бизни яқин қилади, дейишади. Мана шу, Аллоҳга бизни яқин қилади, деган масъала, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қарама қарши бўлиб, курашган мушриклар ушлаган масъала, шудир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ихлосни олиб келдилар. Бандаларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ибодатни, холис бўлган ҳолда қилишликни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан олиб келдилар.

وَمَا أَمْرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ خُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقَيِّمَةِ

Баййина сураси 5 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ким, Аллоҳга мени яқин қилади, деб, нима бўлишлигидан қатъий назар, ё пайғамбар, ё фаришта, ё жин, ё дарахт, ё ойни, шуларга, мени Аллоҳга яқин қилади, деб, ибодат қилган бўлса, шуларни мушрик бўлганлигини хабарини олиб келдилар. Бу мушрикларга жаннат ҳаром бўлганлигини ва уларнинг жойи жаҳаннам эканлигини, хабарини олиб келдилар. Ва уларнинг амаллари ҳабата бўлганлигини, хабарини олиб келдилар.

وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحَبِطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

Анъом сураси 88 оят

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ

Моид сураси 72 оят

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг асосий келишмаган нарсалари, мана шундан иборат эди. Жоҳилият аҳли, ўзларининг сохта динларида ҳам, тарқоқ эдилар.

كُلُّ حَرْبٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمْ فِرْحُونَ
Рус сураси 32 оят

Ҳамма жамоа, ўзининг фикри билан қувонган эди. Ҳозирги вақтга бундай бир қарасангиз, бирор бир мусулмон киши, бирор диёрга борса, шу ердаги мусулмонлар билан учрашса, ва ўзининг шаҳарида қилиб юрган нарсани кўрмай қолса, эй, ўзимизни урф одатимизга, йўлимизга, тўғри келмас экан, деб, келади. Ўзининг шаҳаридаги тўғрими нотўғрими, у шаҳардаги ҳам тўғрими нотўғрими, бундан қатъий назар, ўзимизни диёримиздаги урф одатга ҳеч нарса, етмас экан, деб келади. Ҳатто, бу нарсани Ҳарамда кўриб келса ҳам, биродарлар! Биз Ҳарамда дейишлик билан, ҳаво билан кўриб келишни айтаяпмиз.

Ҳарамда мустаҳкам уламолар, китобу суннат билан иш қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳадиси муборакларида, Мадинаи Мунавварга имон тўпланади, худди, илон ўзининг инида, кулча бўлиб, тўплангандек, дедилар. Дажжол Мадинага киролмайди, дедилар.

إِنَّ الْإِيمَانَ لَيَأْتِرُ إِلَى الْمَدِينَةِ كَمَا تَأْتِرُ الْحَيَّةُ إِلَى جُحْرِهَا
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мана бу ҳадисдан кейин, Мадинадаги намоз ўқилишини кўриб келиб, умрида бир марта қилинадиган Ҳажни, нафси ҳаводан воз кечиб, лаббайка Аллоҳумма лаббака деб, Эй Роббим, сенинг буйруғинга тайёрман, деб, Сенинг буйруғингни қабул қилишликка тайёрман, деб, либосини ечиб, эҳромни боғлаб олиб, ўзининг молини ва жонини фидо қилиб, бориб келган киши ҳам, у ерда суннатга мувофиқ бўлган ва ўзининг диёрида кўрмаган бир нарсани кўрса, ўзининг аҳли илм деб, санаган ва сохта уламо бўлган одамнинг фикрига, тўғри келмай қолса, бизни ўзимизнинг диёримиздаги динга етмас экан, деб, ҳаёсизлик билан, мана бу сўзни айтади. Бу лаббака айтаётган вақтидаги каззоб одамдир, биродарлар!

Чунки, лаббайка калимасини билиши керак. У ихтиёри билан айтувди, у нарсани. Ҳамма одам ўзининг фикри билан қувониб яшашлиги, жоҳилият давридаги, жоҳилларнинг урф одатидандир. Шунинг учун, ҳар бир одам, ўзининг фикрини, китобу суннатга таққосласин! Аллоҳнинг каломи ва Расулининг суннати, яъни, сўзлари ва амаллари ва тақририй суннатларидир. Мана буларга таққосласин ва тўғри бўлса, қувонсин!

قُلْ بِفَضْلِ اللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِ فَبِذَلِكَ فَلْيَفْرَحُوا هُوَ خَيْرٌ مِمَّا يَجْمَعُونَ
Юнус сураси 58 оят

Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила қувонинглар, денг. Мана бу сизлар тўплаган нарсалардан яхшироқдир!

Биродарлар, Ҳажга бориб, қабулийят бўлиши белгилари ҳам, инсонда пайдо бўлиб қолади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам динда ижтимоъни, олиб келдилар. Бу сўз ҳаммамизга ҳам мусибатдир, биродарлар. Динда ижтимоъ, жамланишлик.

" خالفوا الناس بأخلاقهم، وخالفوهم بأعمالهم " - 1187
ضعيف
سلسلة الأحاديث الضعيفة للألباني (334 - 337)
(Албоний бу ҳадисни заиф деган)

Одамларнинг баъзи, мижозий хулқларида аралашинглар. Аммо, амалларида қарама қарши бўлинглар, деяпдилар. Яъни, ахлоқда, бир одам тез, бир одам, секин, бир одам юмшоқ, бу нарсаларда биз, бир биримизни мубоҳаса қилиб, кечиришликка маъмурмиз. Аммо, амал шариатга зид бўлса, биз унга қарама қаршимиз. Жамланишлик, биродарлар, динда жамланмоқлигимиз керак. Жамланиш маъноси, ҳавода жамланишмас.

Пайғамбарлар, ўзларининг ҳавосида жамланишликни олиб келганлари йўқ. Улар динда жамланишликни олиб келдилар. Биз, исломнинг буйруғи нима? деб, текширишимиз керак. Ислонинг буйруғи шу деса, биз ҳаммамиз шу фикрда жамланмоқлигимиз керак. Агарчи у, биз неччи йилдан бери қилиб келаётган, урф одатимизга зид бўлса ҳам! Ислонинг маъноси, бўйсуншлик ва таслим бўлишлиқдир. Шунинг учун биз, Ислон йўлида жамланамиз. Бошқа нарсада жамланиш бу ҳеч мумкинмас, биродарлар. Ҳамма миллатнинг ўзига хос урф одати бор. Бу нарса билан жамланиб бўлмайди, ҳеч қачон!

Ҳамма урф одатли кишилар, мумкинмас уларни камситишлик. Лекин, дин, Аллоҳу Расули тарафидан келган нарсани қилмаслик билан, пастлайди. Қилишлик билан, олий бўлади. Асли биз, Ислонни таслим бўлиш, бўйсунуш деб, тушунмоқлигимиз керак!

Қуръони каримда, ижтимоъга буюрилган ва тарқалишдан қайтарилган буйруқлар, жуда кўп келган.

تَنَزَّلَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ
Шўро сураси 13 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Муҳаммад алайҳиссаломга, хитобан, сизларга биринчи пайғамбар Нух алайҳиссаломга васият қилинган, йўлни тузиб бердик, деяпди. Сизга ваҳй қилган нарса, ва Иброҳим, Мусо ва Исо алайҳимуссаломларга васият қилган нарсамиз, динни барпо қилинглари. Динда тарқалманглари!

Баъзи бир мижозий хулқларимизда, фарқли бўлаверамиз, биродарлар! Аммо, динда тарқалманглари, динни барпо қилинглари, дейилди.

إِنَّ الدِّينَ فَरَقُّوْا دِينَهُمْ وَكَانُوا شَيْعًا لَّسْتُ مِنْهُمْ فِي شَيْءٍ
Анъом сураси 159 оят

Динларини бўлиб ташлаган одамлар, тоифа тоифа бўлиб кетган одамлар, сизни буларга ҳеч қандай алоқангиз йўқ, деяпди, Аллоҳу таоло.

Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган йўл, биродарлар, мана шу бўлган. Энди, ҳозирги Ислон умматига бир қаранг! Дин душманларининг миллатчилик фикри ҳаммага тарқалди. Инсонлар миллатчиликка шунчалик киришиб кетдики, бу жоҳилият масалаларидан бу. Агар бир одам, ўзбек бўлса, динда йўқ бўлса, Аллоҳни инкор қилиб турган бўлса, бошқа миллатдаги одам, динни исботлаб, ислон арконларини ва имон арконларини бажариб турган бўлса, ундан кўра, ҳалиги ўзбекка муҳаббати баланд бўлади. Биродарлар, ўзбек бўлиши билан, мусулмон бўлиб қолмайди, одамлар. Агар одамларнинг раъйига қўйиб берсангиз, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни, секин олиб бориб, ўзбек бўлганлар деб, юборса?! Ўзбек халқига қулоқ солиб турсангиз, бу киши Андижонлик бўлган эканлари, У ерга бориб турган эканлар, деворишади. Шу миллатчилик ва ватания руҳи, шу даражада таъсир қилган. Одамлар ҳаё қилишади, бўлмасам, ҳамма пайғамбарларни ўзбек бўлган, деб юборишарди.

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَاخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ
Оли Имрон сураси 105 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тафарруқдан маън қилган. Ихтилофдан маън қилган.

وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا
Оли Имрон сураси 103 оят

Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушланглар. Бўлинманглар.

Бундан мурод биродарлар, баъзиларда, нима учун биз жамланмаяпмиз? деган суол бўлиб қолиши мумкин? Лекин, бу ерда эътисом, (боғланишлик) Аллоҳнинг арқонига биродарлар. Аллоҳнинг арқони қуръони каримдир. Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушланглар. Қуръон олиб келган ҳукми, маҳкам ушламоқлик керак. Вало тафаррақу деяпди, Аллоҳу таоло. Ажралиб кетманглар! Ижтимоъга буюргандан кейин, тарқалишликдан алоҳида қайтаряпди, Аллоҳу таоло. Жоҳилият даврида, миллатчилик ва ватанийя руҳи ривожланган эди.

انصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا

Бу калима жоҳилиятда машҳур эди. Яъни, **ўзингни биродаринга ёрдам бер. Золим бўладими, мазлум бўладими**, фарқи йўқ, дейишарди. Яъни, золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам, биродарингни ёнини ол, деган, фикр ҳукм сурарди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу фикрни йўқотдилар. Шу калимани такрорлаган вақтида ҳам, ўзгача маъно бердилар.

انصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا

Маъноси, жоҳилиятда, биродаринга ёрдам бер, соддароқ қилиб айтсак, ҳам шаҳаринга ёрдам бер. Золим бўладими, мазлум бўладими, ҳам шаҳаринга ёрдам бер. Сенга шундан фойда, деган, маънода тушуниларди. Мана бу жоҳилий ўлчов эди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл, ҳаққа ёрдам беришликни ўргатди. Ким бўлишлигидан қатъий назар, ҳақ томондагига ёрдам бер, деди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا قَوَّامِينَ بِٱلْقِسْطِ شُهَدَآءَ لِلّٰهِ وَلَوْ عَلَىٰ أَنفُسِكُمْ أَوِ ٱلْوَلَدَيْنِ وَٱلْأَقْرَبِينَ ؕ إِن يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَٱللَّهُ أَوَّلَىٰ بِهِمَا ؕ فَلَا تَتَّبِعُوا ٱلْهَوَىٰٓ أَن تَعْدِلُوا ؕ وَإِن تَلَوْاْ أَوْ نَعِضُواْ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

Нисо сураси 135 оят

Эй имон келтирган кишилар, адолатни барпо қилувчи бўлинглар! Аллоҳ учун гувоҳлик берувчи бўлинглар, агарчи бу гувоҳлик, ўзингларни зарарингизга бўлса ҳам, ота онангларни зарарига бўлса ҳам, қариндошингларни зарарига бўлса ҳам, деди.

Бу йўлни, Ислом олиб келди, биродарлар! Бу бошқа йўллар ҳам, шундай дейди. Лекин, ҳаётга ҳеч қачон татбиқ қилинмади. Магар Исломда татбиқ қилинди, биродарлар. Ислом тарихи билан шуғулланган одам, бунга жуда кўп мисоллар топади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бунни, биринчи ўзларида татбиқ қилдилар. Ўзларининг хаёлларидан ўтган манҳажий бир камчилик учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан итоб эшитдилар.

Аъмо киши келганида, малолланганларида, малоланишлари чарчаганликлариданмас, Макканинг мушрикларининг катталарини, Исломга киришидан умид қилиб қолганларида, Исломга кирсалар, ислом ривожланиши ва азоб тортаётган бечораларга ёрдам бўлиб қолиши умидида бўлса ҳам, Абдуллоҳ ибн Умми Мактумни сўзига, қулоқ солишликдан малолланган вақтларида, қиёматгача, ўзларининг Аллоҳ тарафидан эшитган итоблари, тиловат қилиниб қолди, биродарлар! Агар Аллоҳ тарафидан келган ҳақ бўлмаганда бу қуръон, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламдек буюк инсон, ўзларига итоб қилинган оятни, ўқиб бермаган бўлардилар.

Мана бу нарсдан биз билайликки, Ислом адолатни барпо қилишликни, таълим берди. Бу вақтда биз, саҳобалар ўртасида бўлган адолатларни, ота оналарини зарарига бўлса ҳам, ҳақда турганларини мисолларини, ўтган дарсларимизда келтирдик. Абдуллоҳ ибн Убай мунофиқ эди. Унинг ўғли саҳоба эди. Фарзанд отага ёрдам бермади. Ҳаққа ёрдам берди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг нозил қилган оятларининг мисолини, воқеъликда кўрсатди. Булар сийрат китобларида сақланиб қолди. Бундан биламизки, Ислом келган вақтда одамлар, ҳақиқий ўлчов билан ўлчашмасди. Балки, ёрдамни биродарига беришарди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам, бир вақтда

انْصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا

дедилар. Жоҳилиятда яшаган саҳобалар, Исломга киргач, бу

انْصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا

калимасини истеъмол қилмай қўйдилар. Лекин, тўсатдан Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдек, адолатлик зотдан, бу сўзни эшитган вақтларида, ҳайрон қолишди. Аввалига шу сўзга тарғиб қилиб юрган кишилар, энди шу сўзни

انْصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитган вақтларида, ҳайрон қолишди. Ё Расулulloҳ, мазлум бўлганидаку ёрдам берамиз, золим бўлганида қандай ёрдам берамиз? Биродаримизга, дейишди. Ислом уларни бошқача тарбия қилган эди. Мазлум бўлганда қандай ёрдам беришни ўзинглар биласизлар. Золим бўлганда ёрдам беришлик, уни зулмдан тийиб қўйишлиқдир, дедилар.

Саҳобаларнинг Исломни қабул қилганидан кейинги, ўзгаришини қаранг! Бизнинг давримизда, бир одам, исломни қабул қилишлик билан, беш вақт намоз ўқиш ва бир йилда бир ой рўза тутиши кўринадия, унинг вужудида ислом кўринмайди, биродарлар! Аввалгидек, бир хилда юраверади. Маст қилувчи ичимлик ичувчи улфатлар бирга. Мабодо бир кўпроқ пул топиб қолса, бутун бидъатлар билан, аввалгидан баттар бўлса бўладики, уни намози ва рўзаси учун, мусулмон деб айтмасангиз, унда исломдан ҳеч нарса бўлмайди, биродарлар! Саҳобалар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан

انْصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا

эшитган вақтларида, ҳайрон қолишди. Ўзлари бир умр гапириб юрган сўзни, эшитган вақтларида, ҳайрон қолишди. У сўзнинг маъносини, тўғрилаб бердилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. Золимга ёрдам бер дегани, зулмдан тийиб қўйишинг, дедилар. Ҳақиқатда ҳам, ёрдамдир шу. Золим зулмда давом этса, зарарланаверади. Унга ёрдам беришлик, уни зулмдан тийиб қўйишлиқдир. Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтдиларки:

مَنْ قُتِلَ دُونَ مَالِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ، وَمَنْ قُتِلَ دُونَ دِمِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ، وَمَنْ قُتِلَ دُونَ دِينِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ، وَمَنْ قُتِلَ دُونَ أَهْلِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ.
رواه أبو داود، والترمذي وقال: حديث حسن صحيح

Инсон ажабланиши мумкин? Моли учун инсон ҳаётидан жудо бўладими? деб. Йўқ, одамлар шу молини, жон бериш даражасида ҳимоя қилганидан кейин, золимлар ўзи тийилиб қолади, биродарлар. Агар золим сўраса, молини чиқариб бераверадиган бўлиб қолса, унда зулмга йўл очиб бераётган бўлади. У зоҳиран молини ҳимоя қилаётган билан, аслида, ноҳақликни дунёга кириб келиш йўлини, тўсаётган бўлади. Шунинг учун шаҳид бўлади. Баъзи одамлар борки, биродарлар, ухласа, зулмдан тўхтайди.

Яъни, унинг уйғоқлигидан уйқуси афзалроқдир. Энди бир одамнинг уйғоқлигидан уйқуси афзал бўлса, уни яшаганидан ўлгани ҳам, афзалроқдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам келажакда шундай қавмлар бўладикки, қўлларида сигирнинг думига ўхшаган нарса бўлади. Улар у билан одамларни урадилар. Улар эрталабдан Аллоҳнинг ғазаби билан чиқиб кетишади ва кечқурун ҳам, Аллоҳнинг ғазаби билан қайтиб келади, дедилар. Ухлашганда тийилиб қолишади халос. Лекин, зулм қилишликка қувват ҳосил қилиш мақсадида ухлашса, бу ухлаш учун ҳам, гуноҳ ҳосил бўлаверади. Бундай золимларнинг тириклигидан кўра, ўлгани уларга фойдалироқдир.

Шундай тушунишлик керак. Демак, биз Аллоҳнинг арқонига боғланишимиз керак. Ижтимоъ, жамланишлик, Аллоҳнинг ҳукмида жамланамиз ва Аллоҳнинг ҳукмини қилмаслик билан ажраламиз. Жамланиш дегани, бир давлатманд одам қўй сўйиб берса, шу ерда тўпланиб, иттифоқ бўлайлик, деган нарсамас, биродарлар. Ё диндан беҳабар ва динни масҳара қилиб юрган одамлар билан, бир ерга тўпланиб қолишликмас.

Ўзининг пешвосига, Ислом ҳукмини ижро қилиб турган вақтда итоат қилмаслик, бу ҳам мусибатлардандир. Пешвога итоат қилмаслик билан, бу жамоадан файз кўтарилади, биродарлар. Намознинг жамоат билан ўқишликдан мақсад ижтимоъдир. Сафларни баробар қилишликдан мақсад, ижтимоъдир. Волий тарафидан баъзи хатолар содир бўлганда, сабр қилишлик, Исломнинг буйруғи эди. Шунинг учун саҳобалар волийларига, итоат қилишдилар. Жоҳилият асосларидан бири, тақлид эди. Кўр кўрона эргашишлик эди. Бу ҳамма даврда кофирларга асос бўлган. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги мусулмонман дейдиган кишиларнинг асослари, ҳам шу тақлид бўлиб қолган. Кўр кўрона эргашишлик, бўлиб қолган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўлни, мушриклар қабул қилишмасди. Шунда, ғамгин бўлардилар. Шунда мана шунга ўхшаган, оятлар тушарди.

وَكَذَلِكَ مَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ فِي قَرْيَةٍ مِّنْ نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَا إِنَّا وَجَدْنَا آبَاءَنَا عَلَىٰ أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰ آثَارِهِم مُّقْتَدُونَ
Зухруф сураси 23 оят

Бунга ажабланманг! Сиздан илгари ҳам, бирор бир шаҳарга пайғамбар жўнатган бўлсак, шу шаҳардаги, мутрафуҳо, маишатпарастлар ҳаммаси, биз аждодларимизни бир йўлда топганмиз. Биз ана шуларнинг йўлидан кетамиз, дейишарди.

Аксар ҳолда, ҳаққа қарши чиқувчилар, шаҳарларда маишатпараст бўлган ва кўпроқ пул топган, дунёдор ва маишатпараст одамлар бўлади. Ҳамма шаҳарни текширинг! Ҳамма шаҳарда олимларни қўлида кўғирчоқ қилиб олган, аҳли давлат ва ҳаққа унамаган кишилар бўлади. Уларга уларнинг ишини қувватлаб турадиган, олим керак. Ҳақни айтадиган олим, керак эмас. Чунки, Ҳақ уларни ларзага келтиради. Мана бу тақлид, биз ўтган аждодларга эргашамиз, дейди. Лекин, бу сўзда ҳам, кўпи каззоб бўлади, биродарлар. Ўтган аждодларнинг, ҳавосига тўғри келиб қолган ишларига эргашади.

Мен савол қиламан ва бошқалар ҳам савол қилсин, аждодларимизни йўлини маҳкам ушлаймиз, деганларга. Аждодингиз шундай, маст қилувчи ичимликлар билан, тўй қилувдими? денг. Йўқ, у нарса йўқ! Аждодларнинг йўлини ушлаймиз деган, сўзида ҳам каззоб! Аждодингиз шу сиз кийиб турган либосни, қайсинисини кийган? денг. Йўқ, у нарса йўқ! Аждодлари, шу булар оилада қилаётган ишларни биронтасини қилмаган, биродарлар!

Улар ҳар пайшанба куни ош қилиб ейишликда, аждодларига эргашадилар. Аждоди билан, ўзининг ҳавоси бир бўлганда, у албатта, бу нарсани маҳкам ушлайди. Аждодлари ўн икки ёшидан намоз ўқиган. Бу гуноҳга кучи қолмаганда, кейин намозни бошлайди. Маст қилувчи ичимликни то шунгача ичадики, энди унга бир табиб, у ҳам мусулмон табибмас, кофир табиб, энди ичсанг ўласан, дейиши керак. Шунда ичишни ташлайди.

Аждоди бундай бўлганмас, биродарлар. Шунинг учун ҳам, ҳавосига тўғри келиб қолганида, аждодига тақлид қилади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга айтмаганлар аждодингизга эргашинглари, деб.

إِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسِيرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ مَنْ بَعْدِي تَمَسَّكُوا بِهَا وَعُصُوا عَلَيْهَا
بِالنَّوَاجِذِ وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّ كُلَّ بَدْعَةٍ ضَلَالَةٌ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Сизлардан мендан кейин яшаганлар, кўп ихтилофларни кўради. Шунда хулафоларни деб, қўймадилар, рошид ва маҳдий бўлган хулафолар йўлини ушланглар, дедилар. Демак, ким хулафолик даъво қилган, бўлса, шунинг йўлини ушланглар, демадилар. Рошид ва маҳдий бўлган хулафолар йўлини ушланглар, дедилар. Улар кимлар?!

Кимнинг отаси Халифа бўлиб ўтган? Опоқ дадаси халифа бўлганми? Демак, бу киши, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг насиҳатларини қабул қилмасдан, (Хулафои рошидинга эргашмасдан, ота боболаримга эргашаман дейди.) гўёки, Макка мушрикларининг мижози бунга ўтган, биродарлар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوَلَوْ كَانَ الشَّيْطَانُ يَدْعُوهُمْ إِلَى عَذَابِ السَّعِيرِ
Луқмон сураси 21 оят

Биз ота боболаримиз йўлига эргашамиз, дейишликни, шайтоннинг даъвати деяпди, Аллоҳу таоло. Агар уларга, Аллоҳ туширган нарсага эргашинглари, дейилса, Аллоҳ туширган нарса нима?! Бу қуръон ва Расулининг ҳадисларики, бу қуръоннинг изоҳи. Мана бунга эргашинглари дейилса, Биз ота боболаримиз йўлига эргашамиз, дейишади. Яна тақрор айтаман, бу сўзида қаззоб улар. Аллоҳу таоло, шайтон уларни жаҳаннамга чақираётган бўлса ҳам, шу сўзни айтишадими? деяпди.

إِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوَلَوْ كَانَ آبَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ
Бақара сураси 170 оят

(Оят мазмунини тепада айтилди)

Агар биз аждодларга эргашадиган бўлсак, унда пайғамбарларнинг нима ҳожати бор?! Имоми Молик раҳимахуллоҳ,

كُلُّ يُوْخَذُ مِنْ كَلَامِهِ وَيُرَدُّ إِلَّا صَاحِبَ هَذَا الْقَبْرِ

(Бу сўзни Ибн Аббосдан ривоят қилинган ва Мужоҳиддан ҳам ривоят қилинган. Лекин, имоми Молик айтгани ҳақидаги, манба топилмади)

Ҳар қандай кишини сўзи олинадиган ҳам ва ташланадиган ҳам, магар бу қабр соҳиби сўзи, албатта олинадиган, деб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларига ишора қилдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам маъсумдирлар, хатодан сақланганлар. Бошқа ҳар қандай инсон, хатодан холи эмас.

Жоҳилият одатларидандир, кўпчилик бўлгани билан мағрурланишлик. Яъни, биз кўпчиликмиз, дейишарди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўн уч йил даъват қилишлари натижасида, етмиш киши мусулмон бўлди, биродарлар. Бизга ўхшаб, зиёфат устида даъват қилганлари йўқ. Қон, алам ва озорнинг ичиди, даъват қилдилар. Мушриклар биз кўпчиликмиз, дейишарди.

وَلَكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ
Юнус сураси 55 оят

Одамларнинг кўпи билмайди.

وَلَكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ
Юнус сураси 60 оят

Одамларнинг кўпи шукр қилмайди.

بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ
Анкабут сураси 63 оят

Одамларнинг кўпи ақл юргизмайди.

Кўпчиликни ақли биродарлар, ўткир бўлмайди. Чунки, унчалик ўткир ақлга, кўпчиликни ҳожати бўлмайди. Халқларни етакловчи кишиларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ақлини ўткир қилиб яратади. Жамият шундай кишиларнинг, озроғига муҳтождир.

وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّكُورُ
Сабо сураси 13 оят

Бандаларим ичида, шакур бандалар оздир, деяпди, Аллоҳу таоло.

Бу жоҳилий нарсадир. Бу гапни ҳаммангиз эшитгансиз. Булар бир, уч тўртта тирранча, дейишади. Ҳамма, улуғ ёшдаги мўйсафидлар шу фикрда мана! дейишади. Аммо, малол келса ҳам, айтаман, аксар мўйсафидлар, Аллоҳ сақлаганлар мустасно, шу болалар ёшида, ибодатда бўлганми?! Бир текшириб кўришсин! Аллоҳдан қўрқишсин, бу сўзларни айтишга! Ундан ташқари, фиръавн келтирган сўзни келтиришади.

قَالَ فَمَا بَالُ الْقُرُونِ الْأُولَىٰ
Тоҳо сураси 51 оят

(Бу ерда оятни умумий маъносини зикр қилинган пастда)

Сен бу гапни айтяпсан. Агар сени бу айтганларингни қилган одамлар мушрик бўлса, ўтган одамлар мушрик бўлиб кетадию?! Кўп одамлар ўзимга айтди, биродарлар. Қуръон ўқиб пул олишликни маън қилинган вақтда, «биз оламингиз, ўқиймиз, еймиз, агар шуни қилмасак, ўтган аجدодларимизни, ҳаром еган деб, тан олишлигимиз керак,» дейишди. «Биз шу йўлдан кетамиз» дейишди. Мана бу нарса, биродарлар, жоҳилий ҳужжатлардир. Қуръони карим бундан огоҳлантиряпди. Шунда инсон, ҳаким бўлишлиги керак. Ўтган аجدодлар нима бўлади? деганда,

قَالَ عَلَّمَهَا عِنْدَ رَبِّي فِي كِتَابٍ لَا يَضِلُّ رَبِّي وَلَا يَنسَىٰ
Тоҳо сураси 52 оят

Дедилар, Мусо алайҳиссалом. (Оят, мазмуни пастда келади) Фиръавн шундай деди, енгилиб қолган вақтида. Ҳаммамиз ҳам, ўтган аждодимизни ёмонламаймиз, биродарлар. Ўтган аждодини ёмонлаяпди дейиш, бу маккор душманлар хийласидир. Фиръавн Мусо алайҳиссаломдан енгилиб қолган вақтида, **Ўтган аждодлар ҳоли нима бўлади?** деди. Бу киши ҳаким эдилар. Аллоҳнинг пайғамбари. Мусо калимуллоҳ.

Бу киши айтдиларки, **унинг илми роббимнинг ҳузурида. Роббим билади. Роббим адашмайди ва эсдан ҳам чиқармайди**, деди. Биз ҳам, ўтган аждодларни Аллоҳ раҳмат қилсин! У масъалани қўйинг. Биз ҳозир ўзимизни масъалани ҳал қилайлик, демоқлигимиз керак.

Баъзилар, амалларда қувват берилганлиги билан, фахрланишади. Макка мушриклари бизнинг фаҳмимиз ўткир, бу Муҳаммадга эргашган одамлар, фаҳми йўқ одамлар булар, деб масхара қилишганда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

وَلَقَدْ مَكَّنَّهُمْ فِيْمَا إِنْ مَكَّنَّا لَهُمْ سَمْعًا وَأَبْصَرًا وَأَفْئِدَةً فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُمْ سَمْعُهُمْ وَلَا أَبْصَرُهُمْ وَلَا أَفْئِدَتُهُمْ مِنْ شَيْءٍ إِذْ كَانُوا يَجْحَدُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ

Аҳқоф сураси 26 оят

Биз булардан илгариги умматларга, шундай имкониятлар бердикки, ҳали бу имкониятларни, Макка мушрикларига берганмас эдик. Уларга эшитадиган аъзолар, кўрадиган кўзлар, ва фикрлайдиган қалблар бердикки, уларнинг бу фаросатлари уларга заррача фойда бермади, деяпди, Аллоҳу таоло.

Ҳақиқатда ҳам, ҳаётга назар ташласангиз, гапларни ўнг тескарисини ажратадиган ақллик инсонлар, қадди қомати келишган инсонлар ва фикрда, сиз билан бизнинг нечтамизга баробар бўладиган, фикрлик инсонлар, кўзлари билан бир ҳақиқатни кўрганда, шуни тушуниб ажратиб берадиган инсонлар борки, улар Аллоҳ билади, шу ҳолатларида кетсалар, жаҳаннамга ўтин бўлишади. Мана бу нарсалар уларга заррача фойда беролмайди. Аллоҳнинг ҳукмини қабул қилишмаса, фойда беролмайди.

إِذْ كَانُوا يَجْحَدُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ

Аҳқоф сураси 26 оят

Аллоҳнинг оятларини инкор қилишиб, масхара қилишганда, бу ақллар ва бу фаҳмлар уларга заррача фойда беролмайди, дейди, Аллоҳу таоло. Ҳақиқатда, баъзи ёш йигитларга, камол топган йигитларга қараб туриб, ундаги ақлу фаросатни кўриб туриб, шу ажойиб жасадлар, жаҳаннамга ўтин бўлишга тайёрланыпди, деб, ҳайрон қоласиз. Агар шундай кетса, шундай бўлади, биродарлар. Чунки, Аллоҳнинг оятларини инкор қилади. Ва имон келтирган кишиларни пастга уришади. Баъзи имон келтирган кишилар содда ва фикрда оддий бўлишлиги, уларни масхара қилишликка сабаб бўлади. Уларни масхара қилади, баъзи, ўзини ақллик санаган, Аллоҳнинг оятларини инкор қилганлар. Шу йўл ҳақ бўлса, шулар қабул қилиб, биз қолармидик? дейди. Шунчалик, ақли фаросати йўқ одамлар, қабул қилиб, биз қолармидик? дейди. Ҳаётда бунинг мисоли кўпдир, биродарлар.

Шунақа ақллик ўғрилар борки, бир неча ақллимани деган, инсонлардан ақлдир. Лекин, ўғри. Ҳамма ақлини ўғирликка ишлатади. Шунчалик ақллик илмлик инсонлар борки, фан илмида, кечасию кундузи заҳар устида ишлаб, башарийят устида вабо булути пайдо бўлишига, сабаб бўлади. Агар шу одамлар оддий бўлганда, илмсиз ва ақлсиз бўлганда, жуда яхши амаллар қилиб юриши мумкин эди? Шунақа оддий инсонлар борки, ақллари содда бўлганлиги билан, ҳаётдаги энг яхши амалларни қилиб юришади. Ва керилмасликларига сабаб бўлади. Мабодо, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга ақлни бердимиз? Бу имтиҳон учун.

Оддий ақлли киши билан, ақли кўп бўлган одамни ва моли кўп бўлган киши билан моли кам бўлган одамнинг, савол жавоби бир хил бўлмайди, биродарлар! Бу берилган нарсалар биз фахрланиб юришлимиз учунмас, балки, имтиҳон учундир. Мажнун бўлган одамлардан савол жавоб бўлмайди, биродарлар. Бизга ибрат бу. Ақлимиз бўлмаса, қандай кулгуга қолишимизга. Бизнинг Исломи таълимотида, зуафоларни камситиш бўлмайди.

هل تَصْرُونَ وَتَرْزُقُونَ إِلَّا بضعفانكم
خرجه البخاري (2896)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам зуафоларинг сабаблик, сизларга ёрдам ва ризқ келиб туради, дедилар.

Биз ўзимиздаги қувватни шукронасини, зуафоларга ёрдам беришлик билан ўтамоқлигимиз керак.

Жоҳилийят масъалаларидан бири қабрларни масжид қилишликдир. Солиҳ одам вафот қилса, улар дарров унинг устига, ибодатхона қуриб олишарди. Устига чироқлар осиб қўйишлик ва сайлгоҳлар уюштиришлик, булар жоҳилий амаллардандир. Навҳагарлик, овоз чиқариб, дод фарёд солиб йиғлашлик, жоҳилийят фелларидандир, биродарлар. Насаблар билан фахрланиш, жоҳилийят фелларидандир.

Агар шу ердаги жамоа бошласа, бир чеккадан аждоди биланг фахрланишни ва айтганларидан, ўндан бири рост бўлиб чиққанида, биз жуда бу, бугунгидек, заиф ҳолда қолмаган бўлардик. Исломни тўғри тушунган бўлганларида, биз анча, фазилатлик инсонлар бўлиб, тарбияланиб қолардик, биродарлар. Аждодларни гапираётганда, Аллоҳ мағфират қилсин, деб ва бировни мақтаётганда гумон қиламанки, яхши одам деб, қўшиб қўймоқлигимиз керак.

Баъзи одамлар борки, улар ўзларининг аждодларини ажойиб қилиб тасвирлашади. Ҳаммалари ошни устидаги мушукни тирилтирган бўлиб чиқади. Шунча қуввати бўлса, тузукроқ бир, жамиятга фойдалиқ иш қилса бўлмасмиди? Бир мушук ўлса, ўлиб кетибдида энди, мисол?! Мана бу нарса, ҳамма шундай бўлиб чиқади. Менинг аждодим ҳам, сизники ҳам, шундай бўлиб чиқади. Бир фойдалиқ иш қилишгани, маъқулроқ эди. Уни ўрнига битта одамга, исломни таълим бериб қўйилганда, битта одам, икки баробар кўпайиб қолган бўларди.

(Шу ерда баъзи қисқа саволларга жавоблар берилади.)

Дарс охирида бир саволга жавоб бераётиб, ўзларининг тутган манҳажларини баён қилиб, узоқ гапирганлар. Шу қисмини оққа туширдим.

Бизнинг йўлимиз

Бизнинг йўлимиз даъват қилиш. Ҳаққа чақириш. Бизнинг ишимиз одамларга зўравонлик қилишликмас. Масжидимиз олдида бўлаётган нарсаларга биз жавоб бермаймиз, биродарлар. Вақф китобини сотаётганлар бўлса, ўзлари жавоб беради қиёматда. Вақф китобини сотиш мумкинмас деб, айтишлик, бизга кифоя қилади. Бизнинг кучимиз бўлганида, уларнинг жазосини бериб қўйган бўлардик. Кучи бор одамларнинг, бу сотувчилар билан иши йўқ. Чалғимаслик керак, биродарлар. Бизнинг йўлимиз. Исломга даъват қилиш. Одамларга ҳақ нима эканлигини, билдиришлик. Одамлар буни ўзларига ва оилаларига ва биродарларига татбиқ қилиб, жаннат томонига йўлга чиқсинлар. Бўлмасам, қабул қилмасдан, жаҳаннамга ўтин бўлишга тайёргарлик кўраверсин! Бизнинг қўлимизда, шундан бошқа ҳуқуқимиз йўқ, биродарлар.

Биз одамларни, Исломга даъват қиламиз. Хоҳлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам. Биз исломни яхшилигини билдик ўзимизда. Ва оиламизда кўрдик шу нарсани, шуни кўрганимиз учун, уларга ҳам, шу нарсани илинамиз. Хоҳласин одамлар бизни мақташсин. Хоҳласин озор беришсин. Биз Аллоҳнинг йўлига чақирувчи кишилармиз.

Агар Аллоҳнинг йўлини қабул қилишсалар, Аллоҳга ҳамд айтамыз. Алҳамдулиллоҳ, булар Аллоҳнинг йўлини қабул қилди, деб. Қабул қилишмасдан озор берсалар, биз сабр қиламыз. Биз одамларни, мусулмон бўлишлигини хоҳлаймиз. Ҳамма одамларни мусулмон бўлишлигини хоҳлаймиз. Одамларнинг жасадлари ва руҳлари покиза бўлишлигини хоҳлаймиз. Буни қабул қилишмасалар, биз ҳужжатни барпо қилган бўламиз. Аллоҳнинг йўлини айтдик, сизларга деймиз. Эртага улар жаҳаннамда фарёд чекаётган вақтида, сизлар бу йўлни, бизга айтмагансизлар, дея олмайдилар.

Агарки, бизнинг дадаларимиз қабул қилмасалар ҳам, эртага биз билан, дадаларимиз ўртасида меҳр кўтарилади, биродарлар. Эртага улар жаҳаннамда куяётган бўлса, Аллоҳ сақласин, бизни қалбимиз ачинмайди. Фарзандларимизга ҳам қалбимиз ачинмайди. Бизни қалбимизни Аллоҳу таоло, доимо хушнуд қилиб қўяди. Биз Машриқда яшасак, Мағрибдаги бир мусулмон билан, жаннатга кириб бирга яшасак, уни кўриб қувонадиган табиатни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга беради. Бизга туҳматлар қилаётганлар ҳам, билиб қўйишсинки, биз очиқмиз. Исломига одамларни чақирамиз. Уларнинг мусулмон бўлишлигини, орзу қиламыз. Биз уларни Исломига чақиришликдан ғаразимиз йўқ. Биз одам кўпайтиришлик учунмас. Уларни ўзимизга эргаштириб, уммат қилиб олмоқчимасмиз Биз! Биз уларни яхши кўрамиз. Уларнинг жаҳаннам ўтини бўлишларига қалбимиз ачинади. Шунинг учун, биз даъват қиламыз. Улардан бирор нарса, биз умид қилмаймиз. Улардан мукофот умид қилмаймиз. Пайғамбарлар умматларига айтган сўзни айтамыз.

قُلْ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْعَالَمِينَ
Анъом сураси 90 оят

Биз сизлардан хизмат ҳаққи, ё тўрга ўтқазинингларни, ёинки, бир молу давлат, бизга тўплаб беришларингни орзу қилмаймиз. Молу давлатингиз, ўзингизга насиб бўлсин. Агар бизда ортиқча, бўлса, бизни молу давлатимизни олинглар, деймиз, уларга. Уларни тарбия қиламыз. Қодир бўлсак, ёрдам берамиз. Қодир бўлмасак, узр айтамыз, мен қодирмасман бунга, деймиз. Бошқа нарса йўқ. Бизни агарчи, майда майда қилиб, жасадимизни поралаб юборса ҳам, биз уларни, шунча озор берса ҳам, яхши кўрамиз. Чунки, жаҳаннамга ўтин бўлиб кетаётганига чидолмаймиз деймиз, ана!

Мен сизни ҳаққа чақиришликдан мақсадим, фақат сизга ачинишлик, деймиз. Бизни масхара қилиб, наҳотки, сен жаннатга кириб, мен жаҳаннамга кираманми? деса, биз унга, сиз бизни масхара қилаяпсиз.

إِنْ تَسْخَرُوا مِنَّا فَإِنَّا نَسْخَرُ مِنْكُمْ كَمَا تَسْخَرُونَ
Худ сураси 38 оят

Агар бугун бизни масхара қилсангиз, эртага бизга масхара навбати келиб қолади, деймиз унга. Биз шундай гапиришимиз керак. Биз, гапимизни бекитмаслигимиз керак. Ҳар бир одамга, агар мени меҳрибонлигимни билганингизда, сизни дадангиз, менинг меҳрибонлигимча меҳрибонликни, сизга қилгани йўқ эди, деймиз, мана! Қўшнилариимизга ҳам шуни етказамиз. Ўзимизни ҳамма одамларимизга етказамиз. Хоҳласин бизни сўкишсин, хоҳласин уришсин! Мана шундай ўзимизни силжимас эътиқодимизда, собит бўлиб кетмоғимиз керак.

Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, тарихни баён қилди. Асҳобул Уҳдудни баён қилди. Лаҳжа чўғга, мусулмон бўлгани учун, ташлайдиган золимлар, тарихда кўп ўтган биродарлар. Бу нарса қиёматгача такрорланишлиги мумкин?! Лекин имонли кишилар, лаҳжа чўғга, ташланаётган вақтида ҳам, имонида содиқ бўлиб қолмоқликлари керак! Чунки, улар яқин кунда, эни осмон билан ерча бўлган, жаннатга киришга тайёргарлик кўришадилар. Шунинг учун, бу йўлларида содиқ бўлмоқликлари керак.

Дунёда одамлар, мукофот олишлик учун, ўзининг ойлигини олишлик учун, ўзининг халқига қарата ўқ узаяпди, ер юзида биродарлар. Ўзининг аждодларига ўқ узаяпди. Нима учун?! Яқин кунда чириб, қуртларга ем бўладиган жасадини, тарбия қилишлик учун! Ана шундай бўлиб қолганимизга, Аллоҳга ҳамдлар айтмоқлигимиз керак! Агар шундай бўлиб қолганимизда, биз ҳам, жаҳаннамга ўтин бўлишлик йўлига, тушиб қолган бўлардик. Шунинг учун, барибир, ўзларининг имонларида содиқ қолмоқликлари керак.

Хоҳласин дунёда, яхши яшашсин фаровон бўлиб, хоҳласин, азоб билан яшашсин! Бу имон, бизни, ер юзини, тамоми башариятни, коиноту ерни яратган Зотга, бизни мўътабар бўлишимизга сабаб бўладиган, ягона қимматбаҳо нарсадир. Агар шу имонда содиқ бўлмасак, Аллоҳнинг ҳузурида биз, бирор нарсамиз билан, мўътабар бўлолмаймиз! Бошқа нарсалар, шу имондан кейинги навбатда туради. Бўлмасам, бизнинг қадди қоматимиздан чиройли кофирлар кўп, биродарлар. Бизнинг молу давлатимизга неччи минг баробар, моли давлати бор, кофирлар кўп дунёда. Ҳозирда ҳам, тарихда ҳам кўп бўлган, биродарлар. Шунинг учун, имон масъаласи, бу жиддий масъаладир. Биз одамларга зўравонлик қилмаймиз. Шу масъала сабаблик, мен гапириб қўяяпман. Биз одамларни Исломга чақирамиз. Бизни хоҳласин улар сўкишсин, хоҳласин уришсин! Такрор айтамыз, хоҳлаган азобини беришсин!

Улар бизни, боладик буни деб ўйлашмасин! Хотиржам бўлишсин! Улар ниҳоятда бопланган одамлардир!

Ҳозир билишмасалар, яқин кунда, ҳали бошлари ёстиққа тегишлигидан илгари, нима учун мен, шу озгина ҳаётим учун, шу динимни сотувдим экан?! дейди. Динга жосуслик қилиб, зарар етказётганлар, яқин кунда, шу қурт ейдиган жасадимга, энди бугун, шундай касалга дучор бўлдимки, суяк билан терим қолди. Бу семиртирган жасадлар, озгина вақтда, бир ойда, йўқ бўлиб кетди. Мен нима учун, шу динга зарар етказишда, жосуслик қилувдим экан, деб, минг афсуслар чекади! Боши ёстиққа тегиши насиб бўлса?

Бўлмасам, узоқ тарих ҳам, яқин тарих ҳам, шуни исботлайдики, дин билан курашган одам, албатта хор бўлган. У авлодига катта иснодлар қўйиб кетган. Мана бу нарсани билишимиз керак. Биз Аллоҳга ҳамд айтишимиз керакки, золим бўлмасдан, мазлум бўлиб қолганимизга. Шунинг учун, ҳар бир одам, ўзининг ҳаракатида ҳикмат билан иш қилмоқлиги керакки, бирор бир зўравонлик кўчасига ўтмаслиги керак. Ўзининг исломий ахлоқини тузатмоқлиги керак. Ўзининг маслакида доводирамаслиги керак. У хурсандликда ҳам, ғамгинликда ҳам, бир хил бўлмоқлиги керак! Бу нарса биродарлар, ҳар биримизнинг қалбимиздан жилмаслиги керак.

Озгина фурсат. Умр, аксар умрлар саксонга бормасдан кетиляпди. Умримизнинг ўн беш йигирма йили, болалик билан ўтиб кетади. Яна, беш олти йили, йигитлик билан ўтиб кетади. Сафсаталар билан ўтиб кетади. Энди, ақлимиз кириб, озми кўпми Аллоҳни таниган маълум бир даврда, ўзимизни тўғрилашлик билан, Аллоҳнинг катта мукофотига сазовор бўламиз. Шунинг учун, биз бу йўлда иккиланмаслигимиз керак. Худди, тарихдаги ҳақиқий исломда барқарор бўлган кишилар, иккиланмаганга ўхшаган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан доим қадамимизни собит қилишлигини сўрамоқлигимиз керак. Жаннат йўлига чиққан, ҳақиқий мўмин кишилар сифати шундай бўлади.

Кўпчилик Исломга қаршилиқ қилади. Мана маҳаллаларда кўпчилик, Исломга қаршилиқ қилади. Булар исломни билмайди, биродарлар. Бу қилаётган ишлари, ўзларини жаҳаннамга судраётганини билмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳақиқатни билдирсин ўшаларга ҳам. Одамлар Исломни билмасдан, ўзининг кўп ҳаётини барбод қилишига қарамасдан, кейинги қолганини ҳам, барбод қилишга уринаётган одамлар, жуда кўп, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шулардан қилиб қўямасин!

Мен такрор айтаман, ҳаётдаги гўдаклик пайтида гапирган учта одам, эсинглардан чиқмасин. Битталари Исо алайҳиссалом. Битталари бировга тухмат бўлган вақтда, шу тухматни йўқотишлик учун гапирган гўдак. Учинчиси, бир она ўзининг гўдагини кўтариб ўтирганда, ажойиб қадди қоматлик инсон, отлар билан дабдабалик ўтган вақтда, ҳар қандай ота она ҳам, ўзининг фарзанди бахт саодатлик ва дунёси кўп бўлишини орзу қилади. Лекин, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам фарзандларининг, дунёси кўп бўлишини орзу қилмаганлар. Менинг аҳлимни ризқини, кунма кун қилгин, деганлар. Фақат, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар.

Ота она, ўзининг фарзанди бахт саодатлик ва дунёси кўп бўлсин, дейди. Она шу одамни қадди қоматини ва дабдабасини кўриб, Худоё менинг ўғлимни ҳам, шундай қилгин, деса, фарзанддан, Худоё, шунга ўхшаган қилиб қўймагин, деган товуш чиқди. Бу учунчи гапирган гўдақдир. Она ҳайрон бўлди. Шунда бир кишини ушлаб, калтак билан уриб олиб кетишаётганини кўрди. Шунда, Худоё, боламини шунга ўхшаган қилиб қўймагин, деганда, боладан, Худоё, Мени ҳам шунга ўхшаган қилгин, деган, овоз чиқди. Шу вақтнинг Пайғамбарига ваҳй келдики, мана Имоми Бухорийда, шу ҳадис бор. У аввалгиси мушрик эди. Дабдаба билан ўтиб кетган. Кейингиси, Ислом йўлида калтакланиб, ўтиб кетаётган эди. Биз ҳам биродарлар, Аллоҳ йўлида собитқадам бўлишликни, Аллоҳдан сўрамоқлигимиз керак!

Ҳаммамизни гуноҳларимизни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилиб, оиламиз билан, Дини Исломга хизмат қиладиган кишилардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга зарар етказаётганларга кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мустаъфинларга, Ўзи нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

44 дарс тугади.

45 Дарс

Ғариблар ҳақида

(Бу дарс аввалида, ғариблар кимлиги ҳақида, бир неча ҳадислардан мисоллар келтирилиб, уларнинг сифатлари муфасссал суратда шарҳланади. Ислом йўлидаги кишиларнинг, ғариб бўлишлиги ва бу улуғ даража эканлиги тушунтирилади. 34 дарс ҳам ғариблар мавзусида эди. Бу дарс уни янада тўлдиради ва мукамаллаштиради. Иккала дарсни бирга ўқишлик тавсия қилинади. Иккинчи қисмда, Пайғамбар алайҳиссаломнинг васиятлари зикр қилинади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонларни ҳаётда, ўзларининг саодат йўлларини топишда, ҳайрон ҳолатда қўйиб қўймади. Уларга пайғамбарлар жўнатди. Бу Аллоҳнинг ҳақиқий адолатига тўғри келадики, оддий нарсаларда ҳам, инсонга йўлланма берган Зот, дунё ва охирада саодат топишда, албатта, уларга йўлланма беришлиги, ўз ўзидан маълумдир. Дунё ва охирадаги саодат йўли, Ислом йўли эди. Аллоҳнинг пайғамбарлари, ўзларининг рисолат вазифасини ўташда, қайси бир нарса уммат учун яхши бўлса, шунга йўлладилар. Қайси бир нарса уммат учун, зарар бўлса, шундан огоҳлантириб, қайтардилар. Қиёматгача бўладиган зарарлардан огоҳлантиришди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бу умматни, қиёматгача бўладиган, кўп зарарлардан огоҳлантирдилар. Булар қиёматнинг аломатлари бобида, зикр қилинган. Биз бу мавзуда, аввалги дарсларда, қисқача тўхталганмиз. Бугун ҳам, шу мавзуда кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Ғариблар кимлар?

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Исломни ғариб бўлиб бошланганлигини айтиб, ва яна, шу ғарибликка қайтишидан, огоҳлантирдилар.

إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيبًا وَسَيَعُودُ غَرِيبًا كَمَا بَدَأَ ، وَهُوَ يَأْرُزُ بَيْنَ الْمَسْجِدَيْنِ ، كَمَا تَأْرُزُ الْحَيَّةُ فِي جُحْرِهَا
الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم
[الصفحة أو الرقم: 146 | خلاصة حكم المحدث : صحيح]

Шу ғурбат ҳадисини, йигирматадан кўп саҳоба ривоят қилди. Бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: Ислом ғариб бўлиб бошланган ва яна шу ғарибликка қайтади, бошидаги каби. Ислом икки масжидни ўртасига тўпланиб қолади, худди илон инига тўплангандек, дедилар.

Ғурбат ҳадисини, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ҳам, ривоят қилганлар.

يَدَّ الْإِسْلَامُ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ -
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ислом ғариб бўлиб бошланган ва яна ғарибликка қайтади, ва ғарибларга жаннат бўлсин! дедилар.

Ислом дини, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келганида, одамларга, ажабланарлик бўлган. Бу қандай йўл? Бу ўтган аждодларнинг йўлини ташлашқу? деб, уларга ғариб (хайратланарлик) бўлиб кўринган. Ғарибнинг биттаси маъноси, нотаниш бўлиб кўринган. Яна бир маъноси, исломга амал қилган одамлар, бошқа одамлар орасида, ғариб бўлиб, яшашган. Шу ғарибларнинг ким эканлигига, баъзи ҳадисларда, ишора қилинган.

قيل يا رسول الله : مَنْ الغريب؟ قال : الذين يصلحون إذا فسد الناس، وفي لفظ آخر قال : هم الذين يُصلحون ما أفسد الناس من سنتي
الراوي : - | المحدث : ابن باز | المصدر : مجموع فتاوى ابن باز | الصفحة أو الرقم : 158/3 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ғариблар кимлар? Ғариблар, мендан кейин, бузилган суннатимни, ислоҳ қилиб, ўнглаган кишилардир, дедилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Ҳамма одам, ожиз бўлиб қолганда, «Бу ғарибларга жаннат бўлсин! дегани, менинг ҳаққимда,» дейишликка, ҳаққи йўқ! Магар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг баёнларига тушса, шунда буни умид қилиши мумкин?! Яъни, одамлар бузган суннатимни, ислоҳ қилиб, ўнглаган кишилар, дедилар.

Абуд Дардоъ ва Абу Умома ва Восила ибн Асқаъ ва Анас ибн Молик ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ислом ғариб бўлиб бошланган ва яна ғарибликка қайтади, ва ғарибларга жаннат бўлсин! деганларида, саҳобалар сўрашдики, Ё Расулуллоҳ, ғариблар кимлар?! Шунда айтдиларки, Одамлар бузилганда, улар салоҳиятда қолишади.

إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيبًا وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَنْ الْغُرَبَاءُ قَالَ الَّذِينَ يَصْلَحُونَ إِذَا فَسَدَ النَّاسُ وَلَا يَمَارُونَ فِي دِينِ اللَّهِ وَلَا يَكْفُرُونَ أَحَدًا مِنْ أَهْلِ التَّوْحِيدِ بِذَنْبِ
الراوي : أبو الدرداء وأبو أمامة الباهلي وأنس بن مالك ووائل بن الأسقع | المحدث : ابن حبان
منكر الحديث جدا لا يجوز الاحتجاج به
توضيح حكم المحدث : إسناده لا يصح

(Тўрта саҳоба ривоят қилган Ибн Ҳуббон келтирган бу ҳадисни, муҳаддислар мункар ва буни ҳужжат қилиш жоиз эмас, дейишган.)

(Унинг ўрнига, қори ака айтган сўзни, деярли тасдиқловчи, Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган саҳиҳ ҳадис, қўшимча тарзда илова қилинди)

إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيبًا، وَإِنَّهُ سَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ، قَالُوا: وَمَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الَّذِينَ يَصْحَوْنَ حِينَ يَفْسُدُ النَّاسُ،
خلاصة حكم المحدث : صحيح لغيره
الراوي : جابر بن عبدالله

Бошқа бир ҳадисда, Ғариблар кимлар? деган саволга,

طوبى للغرباء قيل: من الغرباء؟ قال: ناسٌ صالحون قليلٌ في ناسٍ سوءٍ كثيرٍ من يعصيهم أكثرُ ممن يطيعهم.
الراوي : عبدالله بن عمرو خلاصة حكم المحدث : إسناده جيد | التخریج : أخرجه أحمد

Кўп ёмон одамлар ичидаги, салоҳийятлик одамлар. Уларга итоат қилмайдиганлар, итоат қиладиганлардан кўра, кўпроқ, дедилар. Шунинг ҳам билиб қўйишлигимиз керакки, биродарлар, кўпчиликмиз деб, мақтанишга ҳаққимиз йўқ! Жамоа, деб кимни айтамыз?!

Аввал жамоа сўзи келмаяпти. Аҳли сунна вал жамоа. Яъни, суннат аҳли бўлишлик керак олдин. Аввал жамоа ташкил қилинмайди, биродарлар. Аввал аҳли сунна, бўлишлик керак. Яъни, суннат аҳли бўлишлик керак. Кейин, вов билан атф қиламиз. (Боғлаймиз) Суннат аҳлидан ташкил топган, жамоа деймиз. Бу калимани ўзига диққат қилсангиз ҳам, шу маъно ўзи чиқаверади, биродарлар. Сиз аҳли сунна бўлинг олдин, сизга итоат қиладиган одамлар камайиб кетади. Ҳар бир суннатни ҳаётга татбиқ қилганингизда, жамоанинг бир қисми тушиб қолаверади, биродарлар.

Ўзингиз бир жамоани етакланг. Биринчи суннатни татбиқ қилишликни бошланг! Ўзингизда ва ўзгаларда. Шунда, аста секин, суннат аҳли озайиб бораверади. Жамоа ҳам озгина бўлиб қолади. У кўпчилик деган маъно, бидъатми, куфрми, ширкми, кўпчилик жамоани, қўпол қилиб айтганимизда, туёқ ҳисобида, сони кўп бўлган одамни, Аҳли сунна вал жамоа, дейилмайди, биродарлар! Бу бир туёқ ҳисобидаги кўпчилик, таъбир жоиз бўлса?!

Агар аҳли сунна бўлсангиз, жамоа бўлиши қийин бўлиб қолади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, аҳли сунна вал жамоани барпо қилиш йўллари, шундай бўлган. Аввал ҳар бир одамни, аҳли сунна қилганлар. Ўзларининг йўллари эргаштирганлар. Шундан кейин, жамоа ташкил бўлган.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «ғарибларга жаннат бўлсин!» деб, ғарибларга жаннатни ваъда қилдилар. Уларга жаннат бўлишини тилаб, дуои хайр қилдилар. Демак, биз ғариблар кимлиги ҳақида, ғарибларга жаннат бўлсин! деган зотдан тафсири олишимиз керак! У кишининг тафсирлари, шу баён қилинган тафсирлардир.

أحبُّ شيءٍ إلى الله تعالى الغرباء ، قيل : ومن الغرباء ؟ قال : الفرّارونَ بدينهم ، يبعثُهم الله يومَ القيامةِ معَ عيسى ابنِ مريمَ عليهما السلام
الراوي : عبدالله بن عمرو | المحدث : الألباني | المصدر : السلسلة الضعيفة
(Бу ҳадисни Албоний заиф санаган)

Баъзи бир ҳадисда, Ғариблар кимлар? деган саволга, динларини олиб қочганлар, деб жавоб берганлар. Кўп одам, дунёсини олиб қочади. Баъзилари, саломатлигини олиб қочади. Бу ерни ҳавоси, менга муносиб бўлмаяпти, дейдида, тандурустлигини олиб қочади. Ёинки, бу ерда турсам, молимга путур етаяпти, деб, молини олиб қочади. Ёинки, фарзандларини олиб қочади. Бу ғарибларики, динларини олиб қочган. Мана асҳоблар ғариб бўлишди. Уларнинг баъзилари, бадавлат эди. Баъзилари, ўрта ҳол эди. Камбағаллари ҳам бор эди. Лекин, умуман ҳаммалари, динларини олиб, Мадинага қочишдилар. Молларини қўйиб кетишдилар ҳаммалари. Ғариблар шулар.

Бир одам динини ҳам, молини ҳам қўйиб кетган бўлса, у ғариб бўлмайди, биродарлар. Мўмин одам, ҳамма нарсани қўйишга рози бўлса ҳам, динини қўймайди. Динини ўзи билан олади. Бу деган сўз, уйида ҳам дини бирга бўлади. Кўчада ҳам, дини бирга бўлади. Бошқа шаҳарга борса ҳам, дини билан боради. Ҳатто, маҳбус бўлиб қамалиб қолса ҳам, дини билан бўлади. Динини олиб қочиб юради, доим. Ҳамма нарсасини қўйишга рози бўлади. Аммо, динини қўймайди. Мана бу одам, ғарибдир! Ҳозирги вақтда, жуда ғариб бундай одам.

Одамлар айтади, эй нодон дейди. Ахир, бир мураса қилсанг, шунча молинга путур етмасди, дейди. У ўзининг қалбида, жуда қимматбаҳо нарсаси билан, бирга кетаётганини билмайди. Унинг учун, шу одамга ўхшаган, бир ғариб бўлмоқлиги керак!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам динларини олиб қочганлар ҳақида айтдиларки, Аллоҳу таоло уларни қиёматда, Исо ибн Марям алайҳимо салом билан бирга турғизади. Исо алайҳиссалом ғариб эдилар. У киши доим, динларини олиб қочиб юрардилар. У кишини масканлари бўлмаган. Қаерда кеч кирса, шу ерда тунаганлар. Доим қувғинда юрганлар. Динлари аммо, доим у киши билан, бирга бўлган. Бакр ибн Амр ал Маъофурий ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, ғариблар кимлар деганларида, айтдиларки:

وعن بكر بن عمر المعافري قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: طوبى للغرباء الذين يمسكون بكتاب الله حين يترك ويعملون بالسنة حين تطفأ.. رواه ابن وضاح

Ғариблар, Аллоҳнинг китобидан воз кечилганда, маҳкам ушлаган кишилар ва суннатнинг нури ўчаётганда, суннатга амал қилган кишилар, дедилар. Мана бу ҳадиси шарифларга диққат қилар эканмиз, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қиёматгача келадиған умматни аввалидаги ғариблар билан, охиридаги ғариблар боғланишлигини ва шулар билан бирга бўлишлигини, башоратини бердилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга, кўп васиятлар қилдилар. Уларни ҳаммасига назар солсангиз, китобу суннатни маҳкам ушлашликка келиб тўхтайди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларини, биз биродарлар, ўзимизнинг қадрдон одамимиз қилган васиятни ушлаганча, ушламаймиз.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан

تركتُ فيكم أمرين لن تضلّوا بعدهما: كتابَ الله جلَّ وعزَّ، وسُنَّةَ نبيِّه صَلَّى الله عليه وسلَّم
أُخرجه بخُشَل في ((تاريخ واسط)) (ص50)، وفي سنده مجهول [إسناده ضعيف]
(Бу ҳадисни муҳаддислар заиф дейишган)

Одамлар васият қилганда, фалон молимни, фалон ерга беринг. Фалон нарсам, бу фарзандимга бўлсин, деган, нарсаларни васият қиладилар. Пайғамбаримиз олтин ва кумуш қолдирмадилар. Қуръон ва ҳадисларни мусулмонларнинг қалбларида ва баъзи бир қисмларини, баъзи бир вараққа ёзилган суратда, қўйиб кетдилар. Қуръони каримга Аллоҳ кафил бўлдики, бирор ҳарфига путур етмаган ҳолатда сақлашликка. Ҳадис илмида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу ҳадисларни сақлаб қоладиган уламоларни, тарихда ҳеч қачон узмади. Мана булар билан, ҳадиси муборақлар сақланиб қолди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари, Аллоҳнинг билдиргани сабаблик, бу сақланиб қолишлигини хабарини бердилар. Мен сизларга икки нарса қўйиб кетаяпманки, агар буларни маҳкам ушласанглар, ҳаргиз адашмайсизлар, дедилар. Аллоҳнинг китоби ва пайғамбарининг суннати, деб, қўйдилар. Суннат дегани, айтган ҳадислари, ва ўзлари қилган амаллари, ва олдиларида бошқалар қилганида, ундан қайтармаган амаллари, мана бу нарсалар суннат дейилади.

فعليكم بسنتي وسنة الخلفاء الراشدين المهديين من بعدي تمسكوا بها
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Менинг йўлимни, яъни, суннатимни, суннат маъноси тушунарли бўлди, биродарлар. Менинг суннатимни маҳкам ушланглар. Ва хулафолар суннати демадилар. Хулафо калимасини, рошидин ва маҳдийинга уладилар. Рошид ва ҳидоятда бўлган яъни, китобу суннат билан ҳидоятланган ва китобу суннат билан, одамларга ҳукм қилган хулафоларнинг йўлини ушланглар, дедилар. Хилофат исломнинг ашаддий душманлари тарафидан 1924 йил, мелодий санада, барбод қилинди, биродарлар. Лекин, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бу ерда, ҳамма хулафоларни суннати маҳкам ушланг, демадилар. Рошидин ва маҳдийинларнинг йўлини ушланг, дедилар. Майли, у кейинги хулафоларнинг даврида, китобу суннатни, ҳақиқий ҳаётга татбиқ қилишлик бўлмаса ҳам, 1924 йилгача давом этди. Хулафои Рошидинлар Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу ва Али ибн Абутолиб разияллоҳу анҳу ва Умар ибн Абдулазиз бу киши ҳам, Хулафои Рошидинлардан саналади.

Баъзи ҳадисларда, менинг йўлимни тутинглар, ва асҳобларимни йўлини тутинглар ва асҳобларимга эргашган кишиларнинг йўлини тутинглар ва уларга эргашган кишилар, йўлини тутинглар деб, даврларни ҳам, айтиб қўйганлар.

Мендан кейин яшаган одамлар, кўп қарама қаршиликларни кўради, дедилар. Мана бу калималарни биз диққат билан, кўрар эканмиз, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг рисолат вазифаларини тўла ўтаб, ҳамма нарсани баён қилиб қўйдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга,

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ

Шуаро сураси 214 оят

Ўзингизни яқин қариндошларингизни, Аллоҳнинг азобидан огоҳлантиринг, деган оят, хоссатан тушди. Бу нарса бизнинг ҳаммамизга ибрат бўлишлиги керакки, хонадонларидан уламолар ва ёки, ҳурматли кишилар чиққан одамлар, мана бу оятдан ўзлари ҳам, бир ибратланмоқликлари керак. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, бу оят нозил бўлгач, яқин қариндошларини чақириб, Исломга даъват қилдилар. Қурайшнинг ҳамма қабилаларини, Аллоҳнинг азобидан огоҳлантирдилар. Шу билан бирга, хоссатан ҳам, огоҳлантирдилар. Қурайшнинг ҳамма қабилаларини, алоҳида огоҳлантирганларидан кейин, ўзларининг яқинларини, шу даражада огоҳлантирдиларки,

يَا مَعْشَرَ قُرَيْشٍ ! اسْتَرَوْا أَنْفُسَكُمْ مِنَ اللَّهِ ، لَا أُغْنِي عَنْكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا ، يَا بَنِي عَبْدِ مَنَافٍ ! اسْتَرَوْا أَنْفُسَكُمْ مِنَ اللَّهِ ، لَا أُغْنِي عَنْكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا ، يَا عَبَّاسُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ! لَا أُغْنِي عَنْكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا ، يَا صَفِيَّةَ عَمَّةَ رَسُولِ اللَّهِ ! لَا أُغْنِي عَنْكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا ، يَا فَاطِمَةَ بِنْتَ مُحَمَّدٍ ! سَلِّينِي مِنْ مَالِي مَا شِئْتِ لَا أُغْنِي عَنْكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا

الراوي : عائشة وأبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع | الصفحة أو الرقم : 7982 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Эй Муҳаммаднинг қизи Фотима, хоҳлаган молимни сўранг, мен бераман. Аммо, Аллоҳ тарафидан юборилган нарсани, қайтара олмайман. Яъни, азоб бўлса, мен буни қайтаришликка қодирмасман, дедилар. Бу ҳаммамизга бир ибрат бўлмоқлиги керак. Бу оятда, эй Пайғамбар, Ўзингизни яқин қариндошларингизни, Аллоҳнинг азобидан огоҳлантиринг! Ичимиздан пайғамбар чиқди, деб, Аллоҳнинг азобидан бепарво бўлиб қолмасин, деган, маъно бор эди.

Бу нарса ҳаммамизга ибрат бўлмоқлиги керакки, ҳаммамиз ўзимизни оила аъзоларига айтишимиз керакки, мендаги бор молни сўрагин. Бу нарсани беришлик менда имконияти бор. Аммо, исломга амал қилмасанг, мен сенга қиёмат куни, манфаат етказолмайман, деб, огоҳлантириб қўймоқлигимиз керак! Ўзимни ҳолим қанақа бўлади, мен буни билмайман, демоқлигимиз керак.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан

مَنْ أَطَاعَنِي فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ عَصَى اللَّهَ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : ابن حبان | المصدر : صحيح ابن حبان

Мана бу ҳадис, бизга жуда катта бир огоҳлантириш, бўлмоқлиги керак. Менга ким итоат қилса, Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга осий бўлса, Аллоҳга осий бўлибди, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг буюрган суннатларида, Биз ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқлигимиз керак!

فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ
Нур сураси 63 оят

Расулининг буйруғига қарама қарши иш қилган одамлар, ё фитна етишидан ё, аламлантирувчи азоб етишидан эҳтиёт бўлишсин, деди, Аллоҳу таоло.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан

لا تطروني كما أطرت النصارى عيسى بن مريم ، وقولوا : عبدُ الله ورسولُهُ
الراوي : - | المحدث : القرطبي المفسر | المصدر : تفسير القرطبي | الصفحة أو الرقم : 6/409 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мени насоролар Исо ибн Марямни мақтаганга ўхшаб, мақтаманглар. Яъни, улар ҳаддан ташқари мақтаб, юборгани каби, мени ундай ҳурмат қилманглар дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, биз ҳурмат қиламиз. Муҳаббат қиламиз. У кишига бўлган муҳаббат, мажозий масъаламас, имон масъаласидир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, ота онамиздан. Фарзандларимиздан ва ҳамма қаришдош уруғ ва ёру биродарларимиздан яхши кўрамиз. Шундай яхши кўрмасак, имонимиз бўлмайди, биродарлар. Имон шунга қайд қилинган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, муҳаббат қилишлик, имон масаласидир. Мажозий масъала эмас. Хоҳласа қиладиган ва хоҳласа қилмайдиган масаламас бу. Насоролар Исо ибн Марямни, ҳаддан ташқари мақтаб, Аллоҳнинг ўғли дейишди. Мана бундай, мени Аллоҳга шарик қилиб қўядиган даражада ҳаддан ташқари мақтаманглар, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятлари бу. Мени Аллоҳнинг бандаси ва Расули деб, атанглар, дедилар.

Ҳозирги вақтда биродарлар, Муҳаммад алайҳиссаломнимас. Баъзи бир одамларни шунақа мақташадик, ширкга олиб бориб қўйишади. Бир мўмин киши, бировни мақтамоқчи бўлса, мен шу одамни, яхши одам деб, гумон қиламан, десин.

فَلَا تَرْكُوا أَنْفُسَكُمْ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ اتَّقَى
Нажм сураси 32 оят

Ўзларингизни поклаб, мақтаб, шундай қилманглар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ким тақво қилишини билувчидир, деди, Аллоҳу таоло.

Бошида бу нарсалар бизда йўқ эди. Бошқа маслаклардан шу нарса, бизга ўтиб қолди. Асҳобларни номлари, ҳаддан ташқари, узунмас эди. Уларни узундан узун, номлари бўлганмас. Умар, Али, Усмон деб, хитоб қилишарди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу Халифа бўлганларида, Ё Халифати Расулulloҳ дейишди.

У кишидан кейингилар, Амирул Муъминин деб, аталди. Абу Бакр разияллоху анху Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламнинг халифалари, ёрдамчилари эди. Кейингиларни, Халифати, халифати Расулуллоҳ дейишса, чўзилиб кетади деб, Амирул Муъминин дейишди. Амирул Муъминин Умар, дейишарди. Бу узундан узун номлар, асҳоблар даврида бўлмади. Бу мақташлик, ҳеч қандай фойда бермади.

إِذَا رَأَيْتُمُ الْمَذَاحِينَ فَاحْتُوا فِي وُجُوهِهِمُ التُّرَابَ
الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : ابن حبان | المصدر : صحيح ابن حبان

Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам, Маддоҳларнинг юзларига ва баъзи ривоятларда оғзиларига тупроқ сочинглар, дедилар. Асҳоблар шу ҳадисни зоҳирига амал қилиб, мақтаган одамларга тупроқ олиб сепишдилар. Аммо, кейинги пайтда, бировни мақтаб ҳам, қутулолмай қолдик, биродарлар. Мақтасангиз ҳам, сен менга ҳасад қилиб, ҳамма сифатларимни айтмаяпсан, дейдиган бўлиб қолди, биродарлар.

Бу мақтовлар инсонни бузади. Мақтовлар фойда бермади ва бермаган. Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам мени мақтаманглар, деганлар. Баъзи одамларга бу ҳадисни айтилса, бу тадбир, мени мақтаманглар деса, одамлар уни мақташади. Шу учун айтилган дейишади. Хўп, шундай экан, улар ҳам, «Мени мақтаманглар,» деб, кўрсинчи?! Шу усталикни қилсин, улар ҳам. Лекин, улар буни қилолмайди.

Мақташликка мукофот олмаса, биров бировни мақтамайди, биродарлар. Менга кўп хатлар келади. Мен бунга минбардан жавоб бермоқчимасдим. Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламни кўп одамлар, мавлуд ўқиб, у кишининг номлари зикр қилинганда, ўрнидан туришлик билан, ҳурмат қилмоқчи бўлишади. Зиёфатни есангиз, уни ҳазм қилиб туриб, яна тугун олсангиз, мана шу нарса билан, Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламга, муҳаббатни кўрсатсангиз, жуда осон бўларди унда муҳаббат қилиш. Муҳаббат бу билан исботланмайди. Муҳаббатни Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишлик билан, исботлаш керак. Бу қийин нарса бу. Шунинг учун, бундан ҳамма воз кечадида, оддий нарсалар билан, Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламга, ҳурмат кўрсатмоқчи бўлишади.

Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламнинг васиятларидан

Ҳамма васиятлари поймол қилинганга ўхшаган, мана бу васиятлари ҳам, поймол қилинган.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: قاتل الله اليهود اتخذوا قبور أنبيائهم مساجد

Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олган яҳудларни, Аллоҳ қатл қилсин! дедилар.

(Бошқа ҳадисда, Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олган, яҳуд ва насороларга лаънат эълон қилинган.

لَعَنَ اللَّهُ الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى، اتَّخَذُوا قُبُورَ أَنْبِيَائِهِمْ مَسَاجِدَ -
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Яҳуд ва насороларни Аллоҳ лаънатласин. Пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олишди, дедилар.)

Биродарлар, Ислом умматига нима бўлди? Ислом уммати, пайғамбарларнимас, кимлиги номаълум бўлган одамларнинг қабрларини ҳам, масжид қилиб олдилар. Расулининг васиятини, поймол қилдишди. Яна бу масжидда намоз ўқишни, афзал деб, санашди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг огоҳлантирган васиятларига, ҳеч қулоқ солмади, бу уммат биродарлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан

من تقول علي ما لم أقل، فليتبوأ مقعده في النار
رواه البخاري

Мен айтмаган сўзни, мени айтди деб, ким айтган бўлса, жойини жаҳаннам ўтидан ҳозирлаб олиб, кейин айтсин, дедилар.

Мана бу васиятлари ҳам поймол қилинди, биродарлар. Ислом оламига, Мавзу кизб ҳадисларни, Ислом душманлари, олиб киришди. Мана шулар билан, Ислом динини булғашди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ҳамдлар бўлсинки, Ўзининг динини, ҳақиқий муҳаддис уламолар билан, ҳимоя қилди. Саҳиҳ ҳадислар сақланиб қолди. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, кўп китоблар, ёлғон ҳадислар билан тўлди, биродарлар.

Шунинг учун доим, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан кўрқанимиздан, Ҳадисларни, бирор ҳарфини туширмасдан, китобга қараб ўқиб беришликни одат қилганмизни, сири ҳам шу, биродарлар. Чунки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзларни, айтдилар деб, айтилса, жойини жаҳаннам ўтидан ҳозирлаб олсин, шу одам! Чунки, бировга ёлғонни тўхмат қилишлик билан, пайғамбарга ёлғонни тўхмат қилишлик баробар бўлмайди. Чунки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шариат илмини, ўзгармас қонунни олиб келганлар. Бунга банда тарафидан қўшиб қўйилинган нарсаси, ниҳоятда катта хатардир. Ислом манҳажини булғаб қўяди.

Алиюл Қори, ибн Таймийя, Жалолиддин Суютий, мавзуотларни тўплаб, мана булар одамлар тарафидан тўқилган, ҳадис деб, аталган сўзлар деб, булар Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзлар деб, эълон қилганлар. Шу китоблар мана сақланиб қолди. Буни уламолар ҳаммаси билишади, биродарлар. Аллоҳнинг ризоси бўлсинки, мана ҳозирги вақтда тирик бўлган, Носируддин Албоний, (Қори ака гапирган вақтлар 1995 йилда, у киши тирик эдилар. 1999 йилда вафот этганлар) Бу киши, ҳадис илмидаги, энг мутахассис бўлган, олимлардан саналади. Носируддин Албоний, заиф ва мавзу бўлган ҳадисларни, силсилаларини кўрсатиб, китобларида ёритиб берганлар. Мана бу билан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳ ҳадислари, сақланиб қолган.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан

إني لا أصافح النساء
الراوي : أميمة بنت رقيقة
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мен аёллар билан қўл бериб, кўришмайман, дедилар. Яъни, бу аёлларга хос. Номаҳрам аёллар билан, қўл бериб, кўришмайман, дедилар. Мана бу нарсани ҳам, билиб қўйишимиз керакки, Исломдан бошқаларнинг, бизларга олиб келган йўллари булар.

فَمَنْ رَغِبَ عَنْ سِتْنِي فَلَيْسَ مِنِّي
أَخْرَجَهُ: البخاري 5063

Суннатимдан юз ўгирган менданмас, дедилар. Муттафақун алайҳ ҳадис бу, биродарлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, Имоми Муслимнинг жомеъус саҳиҳларида келтирилган. Мазмунини айтамин. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир Қабристонга кирдилар.

أتى المقبرة فسلم على المقبرة ، فقال : السّلام عليكم دار قوم مؤمنين ، وإنّا إن شاء الله تعالى بكم لاحقون ، ثم قال : لودينا أنا قد رأينا إخواننا ، قالوا : يا رسول الله أولسنا إخوانك ؟ قال : أنتم أصحابي ، وإخواني الذين يأتون من بعدي ، وأنا فرطكم على الحوض ، قالوا : يا رسول الله كيف تعرف من لم يأت من أمّتك ؟ قال : رأيتم لو أن رجلاً له خيل غرّ محبّلة بين ظهري خيل ذمّ بهم ، ألم يكن يعرفها ؟ قالوا : بلى ، قال : فإنهم يأتون يوم القيامة غرّاً محبّلين ، من أثر الوضوء ، قال : أنا فرطكم على الحوض ، ثم قال : ليدادن رجال عن حوضي ، كما يذاذ البعير الضالّ ، فأناديهم : ألا هلمّوا فيقال : إنهم قد بدّلوا بعدك ، ولم يزالوا يرجعون على أعقابهم ، فأقول : ألا سحقاً سحقاً

الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح ابن ماجه
(Ҳадиснинг арабчаси ҳам илова қилинди.)

Сизларга биз ҳам оз муддатдан кейин боғланамиз, дедилар. Суннат шуки, қабрларни зиёрат қилганда, мўминлар қавмига салом бердилар. Ҳамма қабрга салом берилмайди. Мўминлар қабрига салом берилади. Салом Аллоҳнинг раҳматидир, биродарлар.

مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولَىٰ قُرْبَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ
Тавба сураси 113 оят

Пайғамбар учун ва у киши билан бирга имон келтирган кишилар учун мумкинмас, мағфират талаб қилишликлари, қариндошлари учун, уларнинг жаҳаннамнинг ўтини эканлиги маълум бўлганидан кейин, уларнинг ҳаққига истиғфор айтишлари мумкинмас, дейди, Аллоҳу таоло.

Истиғфор айтган билан, уларга фойдаси бўлмайди. Лекин, айтган одам, Аллоҳнинг маън қилган ишини, қилган бўлиб, гуноҳкор бўлгани қолади, халос. Шунинг учун, мана, калималарга диққат берилса, (ҳадисда) мўмин кишилар диёрига, салом сизларга дедилар. Биз ҳам сизларга, оз муддатдан кейин боғланамиз, дедилар. Шунда айтдиларки:

ثُمَّ قَالَ : لودينا أنا قد رأينا إخواننا

Қанийди, бир биродаримизни кўрганимизда, шуни хоҳлагандим, дедилар.

قالوا : يا رسول الله أولسنا إخوانك ؟ قال : أنتم أصحابي

Шунда асҳоблар, ёнларида эдилар, сўрашдиларки, биз сизнинг биродарларингиз эмасми? дейишди. Шунда, сизлар менинг асҳобларимизлар, дедилар. Асҳоб, яъни, бирга юрган ва бирга турган дўстларни соҳиб дейди. Аммо, ахи бўлса, кўришишлиги шартмас. Маслақда бир бўлган кишиларни, ихвон, яъни, биродарлар, дейди. Шунинг учун ҳам, қуръонда,

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ
Ҳужурот сураси 10 оят

дейилди.

انما المؤمنون اصحاب

дейилмади. Мўминлар асҳоблар дейилмади. Мўминлар, биродарлардир. Шунинг учун ҳам,

ربنا اغفر لنا ولإخواننا الذين سبقونا بالإيمان ولا تجعل في قلوبنا غلا للذين آمنوا ربنا إنك رؤوف رحيم
Ҳашр сураси 10 оят

Худоё, биздан илгариги имон билан ўтган биродарларимизни, гуноҳини кечиргил, деб, дуо қилишликка, маъмур бўлдик. Демак, кўришмаган, имондаги кишиларни биз, биродар деймиз. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам биродарларимизни, бир кўрганимизда эди, деб, орзу қилдилар. Шунда асҳоблар, биз сизнинг биродарларингиз эмасми? дейишди. Шунда, сизлар менинг асҳобларимизлар, дедилар.

وإخواني الَّذِينَ يَأْتُونَ مِن بَعْدِي

Биродарларим мендан кейин келадилар. Ҳали келишгани йўқ, дедилар.

قالوا : يا رسول الله كيف تعرف من لم يأت من أمّتك ؟ قال : أرايتُم لو أنّ رجلاً له خيلٌ غرٌّ محجّلةٌ بينَ ظَهْراني خيلٌ دُهمٌ بهمٍ ، ألم يكن يعرفُها ؟ قالوا : بلى ، قال : فإنّهم يأتونَ يومَ القيامةِ غرّاً محجّلينَ ، من أثرِ الوضوءِ

Шунда, ё Расулуллоҳ, ҳали дунёга келмаган биродарларингизни, қандай танийсиз? деб сўрашди. Шунда айтдиларки, бир кишини, пешанаси ва оёғида, оқ қашқаси бўлган отлари бўлса, ва пешанасидаям, оёғида ҳам қашқаси йўқ, тим қора отларни ичига кириб, кетса, таниб оладими? дедилар. Ҳа, албатта, таниб олади, дедилар. Ундай бўлса, менинг биродарларим, таҳоратни натижасида, таҳорат қилган ерлари, нур сочиб, кўриниб туради, дедилар. Яъни, таҳорат қилмаган одамлар, тим қора бўлиб турсалар, булар таҳорат қилган ерлари, нурдан бўлган қашқа каби, кўриниб туради, дедилар. Шундан таниб оламан, дедилар. Мен уларни Ҳавзи Кавсарда, кутиб турувчи кишисиман, дедилар.

: ثُمَّ قَالَ : لِيُذَادَنَّ رِجَالٌ عَنْ حَوْضِي ، كَمَا يَذَاذُ الْبَعِيرُ الضَّالَّ ، فَأَنَادِيهِمْ : أَلَا هَلُمُّوا فَيَقَالُ إِنَّهُمْ قَدْ بَدَلُوا بَعْدَكَ ، وَلَمْ يَزَالُوا يَرْجِعُونَ عَلَى أَعْقَابِهِمْ

Айтдиларки, Ҳавзи Кавсардан кўп кишиларни қувиб ҳайдалади, худди, адашган туяларни ҳайдалгандек. Шунда, мен уларга, нидо қилиб, қани бу ёққа келинглар деб, чақираман, дедилар. Шунда менга хитоб қилинадик,

إِنَّهُمْ قَدْ بَدَلُوا بَعْدَكَ

Сиздан кейин, динларини ўзгартириб юборган бу одамлар, дейилади. Мен айтаманки,

فَأَقُولُ : أَلَا سَحَقًا ، سَحَقًا

الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح ابن ماجه

Йўқ бўлсинлар бу одамлар деб, Ҳавзи Кавсардан узоққа кетишсин деб, дуои бад қиламан, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳали дунёга келмаган, (Келганидан кейин, умри давомида) ўзларининг суннатларини ушлаган кишиларни, биродарларим, дедилар.

Биз минг марта, тилларимизда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам деб, у кишининг номларини эшитганда, саловотлар айтсагу, у киши умматим демаса, бизга фойдаси йўқ, буни! У киши, биродарларим, дедилар. Кимни айтяпдилар?

Суннатларини маҳкам ушлаган кишиларни, айтяпдилар. Шу ўринда шу нарсани келтиришлик жоизки, Умар ибн Хаттоб, умрага чиқиб кетаётганларида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Эй биродар, дуода эсдан чиқариб қўйманг, дедилар. Умар ибн Хаттоб, иккинчи халифамиз, Аллоҳ Ўзи билади, мартабалари қанчалик баландлигини, Исломда адолат қилган, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан заррача силжимаган киши, шу мени биродар деб, атаганлари, дунёнинг ҳаммаси меники бўлганлигидан кўра, шу сўзлари менга, қимматлик туради, дедилар. Мени биродар дедилар, дедилар.

Биродарлар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатларини ушлаб, ҳали дунёга келмаган кишиларни, Умар ибн Хаттобни қаторига қўйиб туриб, биродарларимни бир кўрсам эди, дедилар. Мана бу нарсани биз ҳам, ҳис қилишимиз керак. Биз қаерга кетаётганимизни билишимиз керак, мана бу сўз билан?! **Биродарларимни бир кўрсам эди, дедилар.** Биз учун ҳам, бутун дунёнинг мулки, бизники бўлганидан кўра, бу сўзлари қимматбаҳо бўлиши керак эди. Лекин, бизнинг қалбимиз ўлганлиги учун, очиқ бўлмаганлиги учун, ҳис қилолмаймиз. Умар ибн Хаттобни қаблари очиқ бўлганлиги учун, Эй биродар, дуода эсдан чиқариб қўйманг, деган сўзларини, дунёнинг ҳаммаси меники бўлганидан кўра, шу сўзлари қимматбаҳо дедилар.

Бу ерда айтилдики, уларни мен Ҳавзи Кавсарда кутиб, тураман. Шунда уларни ҳайдалади. Менга айтиладики,

إِنَّهُمْ قَدْ بَدَّلُوا بَعْدَكَ

Сиздан кейин, динларини ўзгартириб юборди, бу одамлар дейилганда,

فَأَقُولُ : أَلَا سَحَقًا ، سَحَقًا

Йўқолсин бу одамлар, дейман, дедилар. Инсон шундай жойда, Ҳавзи Кавсарни бўйида, Раҳматан лил оламин, Саййидул башарийя, Саййидул Анбиё, чақираётганда, у ердан ҳайдалишини эсига келтириб қўйсинлар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг динини ўзгартираётганлар, бошқача талқин қилаётган одамлар!

Ҳеч бўлмаганда, Ислом нимага буюраётган бўлса, шуни очиқ айтишликни, сақлаб қолишлигимиз керак.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, шу қабристонда турганларида, Аллоҳу таоло илми азалийси билан билдирдида, мана бу билим билан у киши, дуои бад қилиб қўйдилар шу ерда. Мен ғурабо ҳадисига, шуни боғлаб гапираётганим сабаби шуки, мумкин, баъзи кишилар, Ҳали биз ғурабо бўлганимиз йўқ, биродарлар. Ислом йўлида ҳеч қийинчилик тортганимиз йўқ, бизлар. Бизни одамлар ҳурмат қилаяпди. Биз ҳали хорликни тортганимиз йўқ. Суннатни ихё қилиш йўлида, калтаклар ва сўқишлар бирортасини биз, ҳали эшитганимиз йўқ, биродарлар.

Аммо, шу динни ўзгартирган одамлар, ниҳоят даражада хорланади. Жаҳаннамда хорланади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Расули тарафидан дуои бад қилинган кишилар булар. Буларга гап таъсир қилмайди, ҳеч қачон! Чунки, Расулнинг дуои бадига учраган одамлардир.

Динни ўзгартирган одамларга, гапириб оввора бўлманг, гапириб тушунтираман деб. Улар ҳеч қачон ўнганмайди. Улар Расулининг сўзи билан, Ҳавзи Кавсардан ҳайдалган одамлардир. Худди, адашган туяларни ҳайдашганидек.

فَمَنْ رَغِبَ عَنْ سُنَّتِي فَلَيْسَ مِنِّي
أَخْرَجَهُ: البخاري 5063

Менинг суннатимдан юз ўгирган, менданмас, дедилар. Ана ўша «Менданмас,» деган сўзларини, ҳозир тушунмаса, яқин келажакда тушуниб қолади. Бизларни ҳам, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган, ғариблардан қилсин! Ўзимизча, у ғарибман, деб олмайлик. Мен аввалги дарсимизда қисқача айтиб ўтдим. Ҳақиқатда, бу суннатни ихё қилган одам, курашган одам, ғариблик лаззатини татийди. Лекин, бу ғариблик, аслида, азизликдир, бу!

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мўмин киши ғурбатда вафот қилса, йиғлайдиганлари бўлмаган ерда вафот қилса, унга осмону ер йиғлайди, дедилар.

فَمَا بَكَتْ عَلَيْهِمُ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ وَمَا كَانُوا مُنظَرِينَ
Духон сураси 29 оят

шу оятни ўқидилар. Осмону ер кофирлар ўлса, йиғламайди.

Яъни, мўмин одам, ғурбат ерида вафот қилса, уни ғамгин бўлиб, йиғлайдиган ҳеч кими йўқ ерда турган вақтда, вафот этса, осмону ер унга йиғлайди, биродарлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларидир бу. Шунинг учун, ғурбат, бу иззатдир! Ибн Таймийя, ўзларининг ҳаётларида, ҳаммаси бўлиб, йигирма тўққиз йил, маҳбус бўлиб яшаганлар. Бу кишининг ҳибсхонага кириб кетаётганлигини одамлар кўришиб, бу кишини, у уйдан, бу уйга кириб кетаётгандек, тасаввур қилишар экан. У киши ҳеч бир, ҳибсхонага кирганларини ҳисоб қилмас эканлар. Шу билан биродарлар, намоз ўқиган ва рўза тутган одамлар, уни ҳибс қилган. Суннатни ихё қилиш учун, ҳаётини фидо қилган зотлардан биттаси, Ибн Таймийя, ҳисобланади. Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! У киши Ислом оламига қилиб кетган хизматларини, мисли йўқдир, биродарлар! Йигирма тўққиз йил, маҳбус бўлиб ўтирганлар ва вафотлари ҳам, ҳибсхонада бўлган. У киши ҳибсхонага кирибоқ, шу оятни ўқир эканлар.

فَضْرِبَ بَيْنَهُمْ بِسُورٍ لَهُ بَابٌ بَاطِنُهُ فِيهِ الرَّحْمَةُ وَظَاهَرُهُ مِنْ قِبَلِهِ الْعَذَابُ
Ҳадид сураси 13 оят

Асли бу оят маъноси шуки, қиёмат куни, мунофиқ кишилар ва мунофиқа аёллар, зулматда қолган вақтда, ҳаётда ҳам, мўминлар Ислом нури билан йўл тутган учун, қиёматда ҳам, нур билан кетаётган вақтларида, охиратда ҳам, уларнинг олдиларида, нур турар экан. Шунда, мунофиқлар мўминларни кўриб, эй сизлар билан бирга юрардик. Нуриглардан озгина беринглар деса, йўқ, сизлар биз билан юрганинглар билан, қалбинглар бошқа эди, деб, хитоб қилинар экан. Зоҳирда улар билан бирга бўлган билан, бошқа одам бўлгансизлар деб. Шунда улар ўртасига тўсиқ урилар экан. Унинг ичи мўминлар турган тарафи раҳмату, ташқариси азоб бўлар экан.

Бу киши ҳибсхонага кирибоқ, шу оятни ўқир эканлар.

بَاطِنُهُ فِيهِ الرَّحْمَةُ وَظَاهَرُهُ مِنْ قِبَلِهِ الْعَذَابُ
Ҳадид сураси 13 оят

Раҳмат мавқеъига кирдим. Ўртамиз тўсилди. Мунофиқлар ташқарида қолди, деб қўяр эканлар. Ана у киши, Аллоҳнинг зикри билан, Аллоҳнинг буйруғи билан, шундай яшаган эканларки, ўртага бир девор урилдида, ичи раҳмату, ташқариси азоб, деб, қўяр эканлар. Яъни, мунофиқлар қолди ташқарида. Аллоҳ мени мунофиқлар билан бирга яшатиб қўймади. Аллоҳ мени бахтли қилди, деб қўяр эканлар. Энг катта бир роҳат, Аллоҳнинг зикридир, биродарлар. Зикр дегани, ҳар бир ишни Аллоҳ буюргандек қилишликдир. Бу лаззатлик зикрдир. Бу лаззат бизга ҳам насиб бўлсин! Инсон бу лаззатни татигандан кейин, бошқа нарсаларнинг ҳаммасини, унутди. Ўзи билан бошқалар ўртасида тўсиқ борлигини билиб қолади, биродарлар.

(Шу ерда қатор қисқа саволларга жавоблар берилади.)

Шулардан биттасини келтиришни маъқул кўрдим.

Бир киши бир ҳадисни сўрабдилар. Бир ҳадис борки,

إِنَّ مِنْ شِرَارِ النَّاسِ مَنْ تُدْرِكُهُمُ السَّاعَةُ وَهُمْ أَحْيَاءُ وَالَّذِينَ يَتَخَذُونَ الْقُبُورَ مَسَاجِدَ
الراوي : [عبدالله بن مسعود] | المحدث : ابن القيم | المصدر : الجواب الكافي | الصفحة أو الرقم : 101 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни шуки, энг ёмон одамлар, икки тоифа одамлардир. Бири қиёмат бўлганда тирик қолган одамлар. Иккинчиси, қабрларни масжид қилиб олган одамлардир, дейилган. Яъни, Худоё қиёмат бўлмасдан, менинг жонимни олгин деб, дуо қилиб юришлик керак. Қиёмат вақтида, ерда Аллоҳни зикр қиладиган ва Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ калимасини айтадиган одам қолмайди. Аллоҳу таоло покиза одамларни вафот топтиради. Кейин, қиёмат бўлади. Қиёмат бўлганда тирик қолган одамлар, энг ёмон одамлар бўлади. Қабрлар устига масжид қурган одамлар ҳам, энг ёмон одамлар бўлади. Биз буни айтсак, олдинги олимлар айтмаганку, дейишади бизга.

Энди олдинги олимлар айтмаган бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом айтганлар. Биз энди, Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ деб, имон келтириб қўйибмиз. Шунинг учун, шу кишининг сўзларини айтяпмиз. Энди биз ҳам айтмасак, фалончи олим ҳам, буни айтмаган дейишади. Шунинг учун, биз айтиб қўяверайлик. Бу ҳозирги тириклар қилмасаям, бизни ҳозир ҳурматимиз бўлмасаям, биз ўтиб кетгандан кейин, бир ҳурмат қиладиган одамлар чиқиб, шу сўзни қабул қилиб, шунга амал қилиб қолишар?! Мана ҳозир ҳам, ҳурмат қилинаётган олимларни, тириклик вақтида, биронта сўзи, олинганмас. Тирикликда айтганини қилмагану, ўтиб кетганидан кейин, айтмагану, деб, туришади. У олимларнинг айтганларини қилганда, анча тузук бўлиб қоларди, бизнинг миллатимиз ҳам. Қабристондаги масжид, қабристондан алоҳида ихота қилиб ўралмаган бўлса, унда намоз ўқиб бўлмайди. Ҳадислар мазмуни шунга далолат қилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам ҳақ йўлда барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломи ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломи зарар етказётганларга кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам суннат йўлларига йўлласин ва бидъат йўлларида саломат қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбихи ажмаъин! Омин!

.....

45 дарс тугади.

46 Дарс

Саломлашиш тартиблари ҳақида

(Бу дарс аввалида, ҳар доимгидек, қисқача тавҳид ҳақида гапирилиб, мушрикларнинг айнан ақидада, нима хато қилганлиги ва пайғамбарлар улар билан нимада келишмаганлиги тушунтирилади. Бу қисми, аввалги кўплаб ақидавий дарсларга мазмунда ўхшаш бўлиб, яна такрорланади. Кейин, мўминлар орасида ўзаро саломлашиш қоидалари ўргатилади. Саломнинг мусулмонлар ўртасидаги муҳим аҳамияти ва у ҳатто жаннатга киришга сабаб бўлувчи омиллардан бири эканлиги тушунтирилади. Дарснинг асосий мавзуси саломни фотиҳ қилишлик ҳақидадир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحَمُّدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شُرُورِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Мўмин кишининг эътиқодидаги, баъзи бир зарурий илмларга, ишора қилиб ўтаман. Мўмин киши қуръони каримдаги ҳар бир оят ҳақ, ботилмас деб, эътиқод қилмоқлиги керак. Қуръони каримдаги ҳар бир Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ояти, бу сидқ ва кизбмас деб, эътиқод қилмоқлиги керак. Аллоҳнинг каломи ҳидоят ва залолатмас деб, эътиқод қилмоқлиги керак. Ва шубҳасиз бўлган, яқин деб, билмоқлиги керак. Мўмин кишининг, билишлиги зарурий бўлган илмлардан биттаси шудир!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳамма Пайғамбарлари, аввалидан то охиригача, Аллоҳнинг бандаларини тавҳидга чақиришлик учун, Пайғамбар бўлишганлар. Бу тавҳид, тавҳидул ибода эканлигини, яхши билмоқлигимиз керак. Чунки, ҳар бир Пайғамбар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, халқларга

أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ
Худ сураси 84 оят

أَنْ لَا تَعْبُدُوا إِلَّا اللَّهَ
Худ сураси 26 оят

Мана бу калималарни айтишга маъмур бўлишдилар. Яъни, тавҳид асоси бўлган, тавҳидул ибода, ибодатни фақат Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қилишликни ўргатишдилар.

Аввалги пайғамбардан тортиб, то Муҳаммад алайҳиссаломгача, ҳаммаси олиб келган йўл, Ислом йўли эди. Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиш, йўлини олиб келишганини эълон қилдилар. Пайғамбарлар билан халқлар ўртасидаги хусумат, Аллоҳнинг рубубийятида бўлгани йўқ. Аллоҳнинг розиқ сифатида бўлгани йўқ. Аллоҳнинг розиқ эканлигини, холиқ эканлигини, ва коиноту ерни бошқарувчиси эканлигини, мушриклар ҳаммаси тан олишарди. Қуръон оятлари бунга очиқ ойдин далолат қилади. Биз бу оятларни аввалги дарсларимизда, ҳаммасини айтиб ўтдик.

قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدِيرُ الْأَمْرَ ۚ
فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ ۚ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ
Юнус сураси 31 оят

Мана бу оят, мушрикларнинг, Аллоҳнинг розиқ сифатини, Муҳйи ва Мумит, ўлдирувчи ва тирилтирувчи сифатини тан олганлигини, ва Аллоҳнинг Роббил оламин эканлигини тан олишганлигини ва коиноту ерни, Аллоҳ яратганлигини тан олишганига, далолат қилади.

وَلَيْنِ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ
Зумар сураси 38 оят

Демак, Пайғамбарлар билан халқлар ўртасидаги хусумат, тавҳидул ибодада бўлган. Улар ибодатни Аллоҳга ҳам қилишарди. Ва бошқа тош ва ҳайкалларга ҳам қилишарди. Бу ҳайкаллар ҳаммаси, ўтган умматлардаги, солиҳ кишиларнинг рамзи эди. Уларга ибодат қилишарди, бизларни Аллоҳга яқин қилади, деб. Шулар Аллоҳнинг ҳузурида, бизни шафоат қилади деб, эътиқод қилишарди. Шу билан, улар билан пайғамбарлар ўртасида, хусумат пайдо бўлди. Пайғамбарлар уларни, бу нарсалардан воз кечишликка буюрдилар. Улар ўртасидаги хусумат, фақат имон ва ширк масаласида бўлди, биродарлар.

Чунки, Аллоҳни инкор қиладиган кофир, яқин тарихда вужудга келди. Демак, ибодатни фақат Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига қилишлик, мўмин кишининг, бирламчи ҳақиқати бўлмоқлиги керак! Бу нарса, ҳеч қачон унинг ёдидан кўтарилмаслиги керак!

Биз бугунги дарсимизни мавзусини ўзгартирамиз. Ислом калимаси маъноси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳукмига бўйсунмоқлик маъносини билдиради. Силм маъносини билдиради.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السِّلْمِ كَافَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا خُطَوَاتِ الشَّيْطَانِ ۚ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُبِينٌ
Бақара сураси 208 оят

Эй имон келтирган кишилар, силм, саломатликка киришлар. Эътиқодда ширкдан саломатлик. Ҳаётда, итминони қалбий, хотиржамлик саломатлигига киришлар. Мўмин кишининг эътиқоди, уни хотиржам қилиб қўяди. Мўмин киши, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган коиноти билан, Аллоҳнинг Ўзи юборган низоми орасида, қарама қаршилиқ бўлган ҳолатда яшамайди. Коиноту ерни Аллоҳ яратган. Инсонни Аллоҳ яратган. Шу инсоннинг саодат низомини ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жўнатган. Шунинг учун, мўмин одам, қарама қаршилиқ машаққатида яшамайди. Бошқаларчи?!

Аллоҳнинг яратган коинотида, одамлар тарафидан тузилган низомда яшашлик билан, қарама қаршилиқ бўлган ҳолатда яшайдилар. Қандайдир бир бахтсизликни ҳис қилиб яшайди. Бу бахтсизликнинг қаердан келаётганини билмайди. Бу бахтсизлик Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган ерда, Аллоҳ яратган инсоннинг, одамлар тарафидан тузилган низомда яшашликдан, бу бахтсизлик келиб чиқади. Мана бу сирни, имонсиз кишилар билмасдан яшайдилар.

Биз бугунги дарсимизда, Ислом шиорларидан бири бўлган мўмин одамнинг мўмин одам устидаги ҳаққи, салом ҳақида, сўз юритамиз.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّى تَسْتَأْذِنُوا وَتَسَلِّمُوا عَلَىٰ أَهْلِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ
Нур сураси 27 оят

فَإِذَا دَخَلْتُمْ بُيُوتًا فَسَلِّمُوا عَلَىٰ أَنْفُسِكُمْ تَحِيَّةً مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ مُبَارَكَةً طَيِّبَةً ۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ
Нур сураси 24 оят

وَإِذَا حُيِّيتُمْ بِتَحِيَّةٍ فَحَيُّوا بِأَحْسَنَ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا
Нисо сураси 86 оят

Мана бу оятларда салом ҳақида, одоблар баён қилинган. Учинчи оятда, кишига салом берилса, унга жавоб беришликка маъмур бўлиши айтилди. Ё ундан афзалроқ салом билан жавоб беришга, ё шу берилган саломни қайтаришликка, маъмур бўлаяпти.

أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْإِسْلَامِ خَيْرٌ ؟ قَالَ : تَطْعَمُ الطَّعَامَ ، وَتَقْرَأُ السَّلَامَ ، عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ (12) وَمُسْلِمٌ (39) بِمِثْلِهِ . خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан бир киши савол қилдики, исломдаги амалларнинг қайси бири яхши?! Таом едирмоқлигинг ва таниган ва танимаган кишига, салом беришинг, дедилар. Демак, таом едириш ва таниган ва танимаган кишига, салом беришни, Исломнинг яхшиси деб, атадилар.

خَلَقَ اللَّهُ آدَمَ عَلَىٰ صُورَتِهِ ، طَوَّلَهُ سِتُونَ ذِرَاعًا ، فَلَمَّا خَلَقَهُ قَالَ : أَذْهَبَ فَسَلِّمْ عَلَىٰ أَوْلِيَّكَ النَّفَرِ مِنَ الْمَلَائِكَةِ ، جُلُوسًا ، فَاسْتَمَعَ مَا يُحْيَوْنَكَ ؛ فَإِنَّهَا تَحِيَّتُكَ وَتَحِيَّةُ ذُرِّيَّتِكَ ، فَقَالَ : السَّلَامُ عَلَيْكُمْ ، فَقَالُوا : السَّلَامُ عَلَيْكَ وَرَحْمَةُ اللَّهِ ، فَرَادَوْهُ : وَرَحْمَةُ اللَّهِ ، فَقُلْ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ عَلَىٰ صُورَةِ آدَمَ ، فَلَمْ يَزَلِ الْخَلْقُ يَنْقُصُ بَعْدَ حَتَّى الْآنَ .

الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 6227 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]
التخريج : أخرجه البخاري (6227)، ومسلم (2841)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Одам алайҳиссаломни яратган вақтида, унга буюрдики, Боринг, бир тоифа Малоикаларга салом беринг. Улар нима жавоб қилишади кулоқ солинг. Чунки, бу калима сизнинг ва зурриётингизнинг саломи бўлади, деди. Одам алайҳиссалом «ассалому алейкум» деб, Малоикаларга салом бердилар. Малоикалар «валекум ассалом ва раҳматуллоҳ» деб, жавоб бердилар. Раҳматуллоҳни зиёда қилдилар. Мана шу салом, биродарлар, Ислом олиб келган йўлдир. Ислом, салом йўли. Мўмин одам, мўмин одамга учраганда, салом беради. Яъни, «ассалому алейкум» деб, бу унинг имонлик киши эканига далолат қилса, у кишига ҳам, ўзи тарафидан саломатлик, омонлик эълон қилади. У томон ҳам, бунга саломатлик ва ўзи тарафидан омонлик эълон қилади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, Бароъ ибн Озиб ривоят қилиб айтадиларки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бизларни, етти нарсага буюрдилар.

1. Касални кўришликка.
2. Жанозаларга эргашишликка.
3. Акса урган одамга жавоб беришликка.
4. Заифларга ёрдам беришликка.
5. Мазлумга ёрдам беришликка.
6. Саломни фош қилишликка.
7. Қасамни бажаришликка.

Муттафақун алайҳ ҳадис. Имоми Бухорий ва Имоми Муслимнинг Жомеъус саҳиҳларида келтирилган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадиси шарифда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам саломни, жаннатга дохил бўлишга сабаб эканлигини, баён қилдилар.

أبي هريرة قال: قال رسول الله ﷺ: لا تدخلوا الجنة حتى تؤمنوا، ولا تؤمنوا حتى تحابوا، أولا أدلكم على شيء إذا فعلتموه تحاببتم؟
أفشوا السلام بينكم
أخرجه مسلم، كتاب الإيمان

Имон сифатига эга бўлмасанглар, жаннатга киролмайсизлар. Имон сифатига эга бўлмоқлик учун, муҳаббатлашмоқликларинг керак, дедилар.

Минг афсус, мўминлар ўртасида, мана бу сифат йўқолиб қолди, биродарлар. Муҳаббатлашиш сифатига эга бўлмагунча, имон сифатига эга бўлолмайсиз, дедилар. Яъни, инсонларга, бу Исломи йўлида, муҳаббатлашиш насиб бўлмагунча, инсонлар имон сифатига эга бўлолмайдилар, деб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, огоҳлантиряпдилар. Агар қилсанглар, муҳаббатлашадиган бир йўлга сизларни йўллаб қўйями? Саломни ўртангларда фош қилинглар! Дедилар. Яъни, салом беринглар деб, қўймадилар. Саломни фош қилинглар! дедилар.

Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтдилар:

أَيُّهَا النَّاسُ أَفْشُوا السَّلَامَ وَأَطْعِمُوا الطَّعَامَ وَصَلُّوا بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامٌ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ
رواهُ الترمذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ

Эй одамлар, саломни ўртада фош қилинглар. Таом едиринглар ва қариндошлик алоқасини боғланглар ва одамлар уйкуда пайти, намозда бўлинглар, яъни, таҳажжуд намозига ишора бўлаяпди. Шунда, жаннатга саломатлик билан кирасизлар.

Бу ҳадиси шариф далолат қиладик, шунчалик, таҳажжудга буюришдан, силаи раҳмга буюришдан, ва таом едиришга буюришларидан илгари, саломни фош қилишликка буюряпдилар.

Туфайл ибн Убай ибн Каъб айтадиларки, Абдуллоҳ ибн Умарни олдида, бир кун келдим.

Бу киши билан бирга бозорга бордик. Бу киши, савдо қилиб турган одамларнинг олдидан ўтсалар ҳам, кимнинг олдидан ўтсалар ҳам, салом бериб ўтардилар. (Ҳеч нарса савдо қилмасдан, шу салом бериб, қайтиб келдик.) Кейин, Абдуллоҳ ибн Умарни олдида яна, бошқа бир кун келдим. У киши мендан яна, бозорга бирга эргашиб боришни, талаб қилдилар. Мен айтдимки, бозорда нима қиласиз? Бозорда бир, олди сотди қилмасангиз. Доим келсам, мени бозорга бирга чиқишга мажбур қиласиз, деганларида, Ё, Або Батн дедилар. Қоринлик киши эканлар. Биз салом учун чиқамиз. Одамлардан, шу суннат йўқолиб бораяпди. Одамлар олди сотди билан оввора бўлиб, шу суннат йўқолиб бораяпди. Шу суннатни ихё қилиб, олди сотди билан машғул бўлиб, шу суннатни эсидан чиқариб қўйган одамларга, салом бериб келамиз, дедилар. Абдуллоҳ ибн Умар улуғ саҳобалардандир. Бу кишини бозорга, фақат шу саломни фош қилиш учун чиқишлиги ҳам, диққатга сазовордир, биродарлар.

Саломни кайфияти қандай бўлади? деган савол бўлади.

Ҳамма уламолар иттифоқи билан, салом берувчига мустаҳабки, Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху, дейишлиги. Агарчи, салом берилаётган одам битта бўлса ҳам, салом калимасини, жамъ сиғада келтиришлик, мустаҳаб деганлар. Жавоб берувчи ҳам, валеюму салому ва роҳматуллоҳи ва баракотуху, дейишлиги бу мустаҳаб, дейишган.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Оиша разияллоҳу анҳога,

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ لَهَا: يَا عَائِشَةُ هَذَا جِبْرِيلُ يَقْرَأُ عَلَيْكَ السَّلَامَ، فَقَالَتْ: وَعَلَيْهِ السَّلَامُ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهَا
لراوي : عائشة أم المؤمنين خلاصة حكم المحدث : صحيح

Бу Жибрил, сизга салом бераяпди, дедилар. Шунда, Жибрилга ҳам, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин, дедим, дедилар. Яъни, Аллоҳнинг барча Пайғамбарларига ваҳй олиб келган Жибрил алайҳиссаломни, Оиша разияллоҳу анҳога, салом берганликларини, Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васаллам эълон қилаяпдилар. Салом, шунчалик муҳим нарса эканлигини билдираяпдилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

أَنَّهُ كَانَ إِذَا تَكَلَّمَ بِكَلِمَةٍ أَعَادَهَا ثَلَاثًا، حَتَّى تُفْهَمَ عَنْهُ، وَإِذَا أَتَى عَلَى قَوْمٍ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ، سَلَّمَ عَلَيْهِمْ ثَلَاثًا
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 95 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Бирор нарса гапирсалар, халқларга уч бора гапирардилар. Токи, улар тушуниб олишлари учун. Агар бирор жамоа олдига келсалар, уларга уч бора салом берардилар. Имоми Нававий бу ҳадисни шарҳлаб, кўп одам бўлса, ўнг тарафига ва чап тарафига ва рўбарўсига салом берганлар, деб айтганлар.

. أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ فِي الْمَسْجِدِ يَوْمًا وَعَصَبَةٌ مِنَ النِّسَاءِ قَعُودٌ فَأَلَوَى بِيَدِهِ بِالتَّسْلِيمِ
الراوي : أسماء بنت يزيد أم سلمة الأنصارية | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي
الصفحة أو الرقم: 2697 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам масжид ёнидан ўтиб қолдилар. Масжидда аёллардан бир жамоа ўтирган эди. Шунда уларга қараб, қўллари билан саломга ишора қилиб ўтдилар. Яъни, салом бериб ўтдилар. Узоқроқда бўлгани учун, лафз билан ишорани жамладилар. Шунинг учун, узоқдаги кишига салом беришликда, саломни эшитмай қолишлиги учун, қўл билан ишора қилиш мумкинлигига, мана бу ҳадис ҳужжат бўлади, биродарлар. Киши ўзининг маҳрамларига салом беришлиги, мутлақо мумкин. Маҳрам бўлмаган аёлларга, фитнадан саломат бўлиш шарти билан, салом беришлик мумкин.

وذكر حديث سهل بن سعد قال: كانت فينا امرأة، وفي رواية: كانت لنا عجوز، تأخذ من أصول السِّلَقِ، فتطرحه في القدر وتكرّر حبات من شعير فإذا صلينا الجمعة وانصرفنا نسلم عليها فتقدمه لنا [1]رواه البخاري. قوله: تكرّر، أي: تطحن

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Мадинада бир кампир бор эди. Усули силқ, Силқнинг усули, деб, ернинг тагида бўладиган, мана бизларда, шолғом, турп ва шунга ўхшаган, бир Силқ деб номланган, ўсимлик илдизидан қозонга ташлаб, арпа унидан қўшиб, қайнатиб, овқат ҳозирлаб келарди. Жума намозини ўқиб келиб, у аёлга салом берардик. У бизга, шу овқатни тақдим қиларди. Баъзи ривоятларда, жума кунини соғиниб қолардик. Шу овқатни шу кампир пишириб келганлиги учун, деган ривоят ҳам бор. Асҳобларда нифоқ бўлмаган. Бизлар биродарлар, қалбимиздаги нарсани бирор дақиқасини айтадиган бўлсак, анча хунук нарсалар чиқиб кетади. Инсоннинг табиати, улар борини очик айтишарди. Фитнадан хотиржам бўлса, аёлга салом беришлик мумкинлигига, мана шу ҳадис ҳужжат бўлади.

Умму Ҳониъ разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар.

ذَهَبْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْفَتْحِ، فَوَجَدْتُهُ يَغْتَسِلُ وَفَاطِمَةُ ابْنَتُهُ تَسْتُرُهُ، قَالَتْ: فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَقَالَ: مَنْ هَذِهِ، فَقُلْتُ: أَنَا أُمُّ هَانِي بِنْتُ أَبِي طَالِبٍ فَقَالَ: مَرْحَبًا بِأُمِّ هَانِي، فَلَمَّا فَرَغَ مِنْ غَسَلِهِ، قَامَ فَصَلَّى ثَمَانِي رَكَعَاتٍ مُتَّحِفًا فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ، فَلَمَّا انْصَرَفَ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، رَزَعَمَ ابْنُ أُمِّي أَنَّهُ قَاتِلٌ رَجُلًا قَدْ أَجْرَتْهُ، فَلَانَ ابْنُ هُبَيْرَةَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قَدْ أَجَرْنَا مَنْ أَجَرْتَ يَا أُمُّ هَانِي قَالَتْ أُمُّ هَانِي: وَذَاكَ ضُحَى
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мен Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида, Макка фатҳи кунида келдим. У киши ҳусл қилаётган эканлар. Қизлари Фотима, разияллоҳу анҳо у кишини, бир нарса билан тўсиб турган эканлар. Салом бердим, дейдилар. Бу кишининг кимлигини билгач, марҳабо, эй Умму Ҳониъ дедилар. (Умму Ҳониъ, амакилари Абу Толибнинг қизи эди) Кейин, у киши бир кишига омонлик бердим дейди. Шунда, Умми Ҳониъ бир кишига омонлик берган бўлса..., омонлик деб шуни айтиладики, бирор бир киши, Исломига душманлик қилган бўлса, уни биров омонлик бериб қўйган бўлса, сизга ҳеч нарса бўлмайди, деб, қўйган бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг марҳамати билан, Исломида оддий бир мўмин, бировга омонлик берса, шу омонликка ўтади. Баъзи бир кишилар, Умми Ҳониъ омонлик берса ҳам, буни қатл қиламан, деганлари учун, шу амакимни ўғли эди. Шуни шикоят билан келдим, деганларида...., сиз омонлик берганга, биз омонлик бердик, дедилар.

Умми Ҳониъ бир аёл, омонлик берган ҳукмини, тамоми омонликка ўтказдилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. Шу ерда салом берганликлари (Номаҳрам аёлни, агар фитна эҳтимоли бўлмаса, номаҳрам эркакка салом бериши, мумкинлигига,) бизга ҳужжат бўлади. Демак, бизни саломимизни эшитмайдиган узоқда бўлса, сайёраларда кетаётган вақтда, салом лафзини айтиб, қўл билан ишора қилиб, ўтишлик, суннатга мувофиқ бўлади.

أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ عَلَيْكَ السَّلَامُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ لَا تَقُلْ عَلَيْكَ السَّلَامُ، فَإِنَّ عَلَيْكَ السَّلَامَ تَحِيَّةَ الْمَوْتَى
الراوي : جابر بن سليم أبو جري الهجيمي | المحدث : الألباني
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Жобир ибн Салим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб, Алайкассалом, ё Расулulloҳ дедим. Менга, Алайкассалом деманг, бу ўликларнинг саломидир, дедилар. Яъни, ўлганларга шундай салом берилади, дедилар.

عن أبي هريرة - رضي الله عنه - قال: قال رسول الله - صلى الله عليه وسلم -: يُسَلِّمُ الرَّاَكِبُ عَلَى الْمَاشِي، وَالْمَاشِي عَلَى الْقَاعِدِ، وَالْقَلِيلُ عَلَى الْكَثِيرِ؛ مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, айтдиларки: Маркабга минган одам, пиёдага салом беради. Пиёда юрган одам, ўтирганга салом беради. Озчилик кўпчиликка салом беради.

إِنْ أَوَّلَى النَّاسِ بِاللَّهِ مِنْ بَدَأَهُمُ بِالسَّلَامِ
الراوي : أبو أمامة الباهلي | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود
الصفحة أو الرقم: 5197 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Абу Умома разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Аллоҳга одамларнинг энг ҳақлироғи, саломни аввал берганлари, дедилар. Бу ҳадис шу кишидан бошқа турда ҳам ривоят қилинган.

قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ! الرَّجُلَانِ يَلْتَقِيَانِ ، أَيُّهُمَا يَبْدَأُ بِالسَّلَامِ ؟ فَقَالَ : أَوَّلَاهُمَا بِاللَّهِ
الراوي : أبو أمامة الباهلي | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Икки киши учрашиб қолса, қайсиниси аввал салом беради? деганларида, Аллоҳга энг ҳақлироғи, саломни бошлайди, дедилар. Яъни, саломни берган одамни, афзалроқ одам эканига ишора бўлаяпти.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Бир киши намозни рукуъ ва сужудларини қоим қилмасдан, тез тез қилиб, намозни тамом қилиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиға келиб, салом берди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам унга жавоб бердилар.

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالَ ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تَصَلِّ فَارْجِعْ الرَّجُلُ فَصَلَّى كَمَا كَانَ صَلَّى ثُمَّ جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَيْكَ السَّلَامُ ثُمَّ قَالَ ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تَصَلِّ حَتَّىٰ تَعْمَلَ ذَلِكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ فَقَالَ الرَّجُلُ وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا أَحْسَنَ غَيْرَ هَذَا فَعَلِمَنِي قَالَ إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ ثُمَّ اقْرَأْ مَا تَيَسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّىٰ تَطْمَئِنَّ رَاكِعًا ثُمَّ اِرْفَعْ حَتَّىٰ تَعْتَدِلَ قَائِمًا ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّىٰ تَطْمَئِنَّ سَاجِدًا ثُمَّ اجْلِسْ حَتَّىٰ تَطْمَئِنَّ جَالِسًا ثُمَّ افْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا فَإِذَا فَعَلْتَ هَذَا فَقَدْ تَمَّتْ صَلَاتُكَ وَمَا انْتَقَصَتْ مِنْ هَذَا شَيْئًا فَإِنَّمَا انْتَقَصَتْهُ مِنْ صَلَاتِكَ وَقَالَ فِيهِ إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَأَسْبِغِ الْوُضُوءَ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : أبو داود

Қайт, намозингни қайтадан ўқи. Сен намоз ўқимадинг, дедилар. У киши кетиб, яна шу суратда намоз ўқиб, қайтиб келди. Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уч марта, шу сўзни такрорладилар. Уламолар шу ҳадисни ҳужжат қилиб, таъдилу аркон фарз дейишадилар. Чунки, Сен намоз ўқимадинг, дедилар. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ буни, комил намоз ўқимадинг, деб, таъвил қилиб, таъдилу аркон вожиб дейдилар. Демак, энг енгил айтилган сўз, таъдилу аркон вожиб биродарлар. Биз бу ерда саломни далил қилаяпмиз. Ҳар сафар келиб, салом бердилар. Демак, бир киши эшикни очиб, ташқарига чиқса, қайтиб кирганда, яна салом беради. Яна қайтиб, ташқарига чиқса, яна қайтиб кирганда, яна салом бериши суннатдир, биродарлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

عن أبي هريرة قال : إذا لقي أحدكم أخاه فليسلم عليه، فإن حالت بينهما شجرة أو جدار أو حجر ثم لقيه فليسلم عليه
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود

Абу Довуд ривоят қилган. Сизлардан битталаринг биродарини кўрса, салом берсин. Кейин, иккаласи кетаётганда, бирорта бир дарахт ўрталарини ажратиб юборса, ёки бирорта девор, ёки каттароқ тош чиқдида, иккалаларини орасини ажратди. Шунда, улар яна қайтиб бирлашиб кетишса, шунда қайта салом берсин, дедилар. Яъни, саломни фош бўлишилиги учун. Шунчалик тарғиб бўлди. Мўминлар ўртасида салом, ниҳоятда фош бўлишлиги керак. Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Бу киши ёшлиқдан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, жуда кўп одобларни ўрганганлар.

قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا بَنِي إِدَا دَخَلْتَ عَلَىٰ أَهْلِكَ فَسَلِّمْ يَكُنْ بَرَكََةً عَلَيْكَ وَعَلَىٰ أَهْلِ بَيْتِكَ

Имоми Термизий ривоят қилган. Эй ўғилчам, агар аҳли байтингиз олдиға кирсангиз, салом беринг. Сизга ва оила аъзоларингизга баракот бўлади, дедилар. Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

أَنَّهُ مَرَّ عَلَى صَبْيَانٍ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ وَقَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُهُ
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 6247 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Асҳоблардан Аллоҳ рози бўлсин. Уларнинг қилган амалларининг ҳар бирига, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан ҳужжат бор. Улар ҳар бир нарсани қилиб туриб, кейин, шуни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қилганлар, дейишарди. Анас разияллоҳу анҳу гўдак болалар олдидан ўтиб, уларга салом бердилар ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай қилардилар. Мен шунинг учун шундай қилдим, дедилар.

Салом, Аллоҳнинг раҳмати, биродарлар. Бу саломни мўмин кишига айтилади. Агар бир кишининг кофирлиги аниқ бўлса, унга биз салом бермаймиз. Чунки, Салом Аллоҳнинг раҳматидир. Аллоҳнинг раҳмати, фақат мўминларга бўлади. Савол бўладики, агар кофирлиги аниқ бўлган одам, сизга салом берса, унга нима дейсиз? Мана бу ҳадис шунга жавоб бўлади.

إِذَا سَلَّمَ عَلَيْكُمْ أَهْلُ الْكِتَابِ فَقُولُوا وَعَلَيْكُمْ
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Агар аҳли китоблар сизларга салом берса, валеюм деб, қўйинглар. Яҳудлар кўплари мўминларга, асому алайка, деб, салом беришарди. Сом араб тилида ўлим дегани. Яъни, ўлим сенга бўлсин, дегани. Шунда ваалайка деб, қўйилса, нима деган бўлсанг, ўзинга бўлсин! дегани бўлади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир ҳадислари, бизга йўлланмадир.

Бирор бир қавмнинг олдидан ўтиб қолсак. Ичида мўминлар ҳам, кофирлар ҳам бўлса, саломни беришлик қандай бўлади? деган савол берилган вақтда, Усома разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис, бунга жавоб бўлади.

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَكِبَ عَلَى حِمَارٍ عَلَيْهِ إِكَاثٌ عَلَى قَطِيفَةٍ فَذَكِّيَّةٌ وَأَرْدَفَ أَسَامَةَ بْنَ زَيْدٍ وَرَاءَهُ يَعُودُ سَعْدُ بْنُ عُبادَةَ حَتَّى مَرَّ بِمَجْلِسٍ فِيهِ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي بَنْ سُلَولٍ وَذَلِكَ قَبْلَ أَنْ يُسَلِّمَ عَبْدُ اللَّهِ فَإِذَا فِي الْمَجْلِسِ أَخْلَاطٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُشْرِكِينَ وَعَبْدَةُ الْأَوْثَانِ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ
الراوي : أسامة بن زيد | المحدث : الألباني | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Бир мажлисдан ўтдилар ва бунда мусулмонлар ва мушриклар бор эди. Яъни, яҳудлар ва бутга сиғинувчи, мушриклар бор эди. Шунда, мусулмонларни ҳисобга олиб, салом бериб ўтдилар. Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Рум ҳукмдори Ҳирақлга ёзган мактубларида, ассалому алайка, демадилар. Ассалому ала ман иттабал худо, дедилар. Ҳидоятга эргашган одамга, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, дедилар. Ҳирақл мусулмон бўлмаган эди. Ҳирақлни динга даъват қилган вақтларида, шундай ҳассос бўлганларки, ассалому алайка, демадилар. Ассалому ала ман иттабал худо, дедилар. Ҳидоятга эргашган одамга, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, дедилар. Мана булар ҳаммаси бизга таълимдир, биродарлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

حديث أبي هريرة قال: قال رسول الله ﷺ: إذا انتهى أحدكم إلى المجلس فليسلم، فإذا أراد أن يقوم فليسلم؛ فليست الأولى بأحق من الآخرة، وفي رواية: فإذا قام فليسلم، فليست الأولى بأحق من الآخرة رواه أبو داود والترمذي، وقال: حديث حسن.

Сизларнинг битталаринглар мажлисга етиб келса, салом берсин. Ва мажлисдан турмоқчи бўлса, салом берсин. Аввалги салом кейингисидан ҳақлироқмас, дедилар.

Яъни, Аввалгиси афзал бўлиб, кейингиси пастроқмас. Келган вақтидаги салом билан, кетаётган вақтидаги саломнинг суннатлиги баробардир, биродарлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдига бир киши келиб, кираверайми? деди. Ҳозирги вақтда ҳам, бу сурат кўп топилади, биродарлар.

وَعَنْ رَبِيعٍ قَالَ : حَدَّثَنَا رَجُلٌ مِنْ بَنِي عَامِرٍ أَنَّهُ اسْتَأْذَنَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ فِي بَيْتٍ فَقَالَ : أَلَيْحَ ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِخَادِمِهِ : " أَخْرِجْ إِلَى هَذَا فَعَلِمَهُ الْإِسْتِئْذَانَ ، فَقَالَ لَهُ : قُلْ : السَّلَامُ عَلَيْكُمْ ، أَدْخُلْ " ، فَسَمِعَهُ الرَّجُلُ فَقَالَ : السَّلَامُ عَلَيْكُمْ ، أَدْخُلْ ؟ فَأَذِنَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَدَخَلَ " أَخْرَجَهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَهُوَ حَدِيثٌ صَحِيحٌ ، صَحَّحَهُ الْأَلْبَانِيُّ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ходималарига, чиқ, бунга изн сўраш одобини ўргатгил, дедилар. Аввал салом бериб, кейин, кирайми? десин, дедилар. У одам бу сўзни эшитди. Ва, Ассалому алайкум, кирайми? деди. Рухсат бердилар, кирди. Чунки, изн сўраш, кўз учун бўлади, биродарлар.

اُطْلِعَ رَجُلٌ مِنْ جُحْرِ فِي حُجْرِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَذْرَى يَحْكُ بِه رَأْسَهُ، فَقَالَ: لَوْ أَعْلَمْتُ أَنَّكَ تَنْتَظِرُ، لَطَعْتُ بِه فِي عَيْنِكَ، إِنَّمَا جُعِلَ الْإِسْتِئْذَانُ مِنْ أَجْلِ الْبَصَرِ.
الراوي : سهل بن سعد الساعدي | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Рухсат сўрашлик кўз учун қилинган. Бир одам эшикни очиб, кирсам бўладими? деса, у энди демасдан кирсаям бўлаверади. Чунки, кўз учун рухсат сўралади. Энди у ҳовлини ичига қараб бўлгач, рухсат сўраганини ва сўрамаганини фарқи йўқ, биродарлар. Изн, кўз учун бўлган.

Шунинг учун Исломда, мабодо бир киши, эшикни очиб, ичкарига қараб турса, ичкаридан биров тош отиб, уни кўзи ўйилиб тушса, шунга қасос олинмайди, биродарлар. Чунки, Исломнинг одобига зид иш қилган.

وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ سَكَنًا
Нахл сураси 80 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уйни ором қилди. Энди уйида, инсон оромда бўлиши керак. Бу ерда, ўзининг маҳрамлари бўлиши керак. Хотиржам юриши керак. Шунинг учун, Ислом изнни қаттиқ олди. Ҳатто, фарзандларни ҳам таълим бердики, ота оналарнинг уйига, учта вақтда, изн билан киришни таълим берди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لِيَسْتَأْذِنَكُمْ الَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ وَالَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا الْحُلُمَ مِنْكُمْ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ۚ مِنْ قَبْلِ صَلَوةِ الْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُمْ مِنَ الظَّهِيرَةِ وَمِنْ بَعْدِ صَلَوةِ الْعِشَاءِ ۚ ثَلَاثُ عَوْرَاتٍ لَكُمْ ۚ لَيْسَ عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ جُنَاحٌ بَعْدَهُنَّ طَوْفُونَ عَلَيْكُمْ بَعْضُكُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ ۚ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ ءَايَاتِهِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ
Нур сураси 58 оят

Учта вақтда изн сўралади. Субҳдан илгариги вақтда, изн сўраб, ота оналар олдида киришга таълим берди. Иссиқ соатда, баъзан инсон, либосини енгиллаб ўтирган вақтда ҳам, изн сўраб, киришга таълим берди. Хуфтон намозидан кейин ҳам, изн сўраб киришга таълим берди. Нима учун? Фарзанднинг кўзи, бирор бир хунук ҳолатга тушиб қолса, шу билан, ё дадасига ё, волидасига эҳтиром йўқолиб қолиши мумкин?! Биз бунинг ҳикматларини текширмаймиз. Аллоҳнинг бизга берган таълими, кифоя қилади.

Бугунги дарсимиздан, кўпчилик ажабланишлиги мумкин? Салом беришлик каби, оддий масала ҳақида, жуда кўп нарсалар айтилди, деб қолишлари мумкин? Лекин, бу оддий масала, демаслигимиз керак. Саломни фош қилиш, жаннатга киришга сабаб, дедилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Имон, муҳаббатлашиш ва жаннат. Шунинг асоси, саломни фош қилишлик дедилар. Шунинг учун мўминлар жамоасида, салом фош бўлган. Шу билан улар муҳаббатлашган. Ва иншааллоҳ, шу билан Жаннатга дохил бўлишади. Биз ислом динини, қадрига етишимиз керак. Йигирма уч йил муддатда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳамма йўлланмани, бизга бердилар. Шунинг учун бу йўлланмаларни қадрлашимиз керак. Салом ҳақида, биз бошқаларнинг таълимига муҳтож эмасмиз, биродарлар.

Уларнинг ҳаётда учрашганда айтадиган калималари ҳам йўқ. Улар ҳам, исломдан шу калимани олишганлар. Биз бир биримизга ажнабий миллатларнинг саломини, бермаслигимиз керак. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, янги исломни қабул қилган бир киши, сабоҳул хойр деб, салом берди. Шунда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бунинизга, асسالому алейкум саломига алмаштириб қўйган, дедилар. Яъни, ажнабий миллатларнинг учрашган вақтидаги калимани айтишликдан, ҳазар қилдилар. Мўминлар ўртасидаги саломни олиб, озгина ўзгартиришадида, шуни ишлатишади. Бошқалар бизга муҳтождир шу нарсани ҳам, билсангизлар. Биз ҳайрон миллат эмасмиз. Бизни ҳайрон ҳолатда қўймади, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Бизларга пайғамбар жўнатди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам комил тарбияни, олиб келдилар.

إِنَّمَا بُعِثَ لِتَتَمَّ مَكَارِمُ الْأَخْلَاقِ
 الراوي :- | المحدث : الزرقاني | المصدر : مختصر المقاصد
 الصفحة أو الرقم : 184 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Олий хулқларни камолига етказиш учун, пайғамбар бўлиб жўнатилдим, дедилар. Одам алайҳиссаломдан то, Муҳаммад алайҳиссаломгача, ахлоқ таълими бўлиб келди. Бу киши тамомига етказдилар мана. Бизнинг давримиздаги кишилар, агар улар Исломга кирсалар, истаган нарсаларини, қуръони каримдан ва ҳадиси шарифдан топа олишади. Сўзимизнинг аввали, қуръони каримдаги баён қилинган нарсани ҳақ деб, эътиқод қилмоқлик керак. Қуръони каримда ҳамма, бизнинг саодатманд бўлишимизга, зарур нарсалар, баён қилинган. Ва бадбахт бўлишимизга сабаб бўладиган нарсалардан, огоҳлантирилган. Аллоҳ буюрган нарсаларнинг энг каттаси, тавҳид бўлса, Аллоҳ қайтарган нарсаларнинг энг каттаси, ширкдир, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни тавҳид йўлига йўлласин ва ширкдан сақласин!

(Шу ерда қатор саволларга жавоблар берилади.) Шулардан биттасини ёзишни маъқул кўрдим.

Бу ерда салом беришни сўрабдилар, агар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам буюрган суннатларни қилмайдиган одамлар бўлса, бидъатчилар бўлса, уларга салом бермаса ҳам бўлаверади, биродарлар. Саломни фош қилишга буюрилди. Бу суннат аҳли бўлган мўминларга хосдир. Шунга эътибор беришимиз керак.

Баъзилар илм олаётган эканлар, илм олишликка тавфиқ берсин. Амал қилишликка, тавфиқ берсин. Баъзилар, ота оналарига ҳидоят сўрабдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ота оналарига ҳидоят берсин. Баъзилар, дарсга биринчи келиши экан, дуо сўрабдилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шуларни собитқадам қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беморларга шифо берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Суннат йўлига ҳаммамизни йўлласин. Меҳмонлар ҳам бор экан, меҳмонларнинг қадамларини баракотлик қилсин. Ҳаммамизга ҳам, Аллоҳу таоло ажри азим берсин!

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ
 Фотиҳа сураси 6,7 оятлар

اللهم أعز الإسلام والمسلمين؛ اللهم أعز الإسلام والمسلمين
 اللهم عليك بأعدائك أعداء الدين

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

46 дарс тугади.

47 Дарс

Жаноза намози ҳақида

(Бу дарс ҳам, тавҳидга чақириқ билан бошланади ва асосий мавзусига ўтади. Даср мавзуси жаноза намози ҳақидадир. Дарсда жаноза намозини ўқишлик фазилати ва уни ўқишликни суннатда кўрсатилган шакллари ва дуолари, батафсил баён этилади. Шунингдек, вафот этган мўминларга нима қилса, манфаат етиши мумкинлиги, садакаи жория турлари, турли далиллар билан кўрсатилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ер юзида, мавжудотларни яратди. Бу мавжудотлар ўзига берилган маълум муддатини тамомлаганидан кейин, бу дунёдан кўз юмади. Аммо, инсоннинг ҳаёти, бошқа тирик мавжудотлар ҳаёти билан, тугашликда фарқ қилади. Бошқа тирик мавжудотлар, ҳаёти тугагандан кейин, ўзига берилган маълум муддатини ўтагандан кейин, улар тупроққа айланиб кетадилар. Инсон эса, вафот топиши билан, абадий ҳаётга киради. Бу ҳаёт, икки қисмдан иборатдир. Ё абадий шақоват, ё абадий саодатдир.

Мўмин кишилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғига мувофиқ, ширкдан саломат бўлиб, ўтишган бўлсалар, булар ҳам икки тоифа бўлади. Баъзилар, вафот топиши билан, абадий саодатга шу вақтда эришади. Баъзилари гуноҳлари кўплиги сабаблик, ширкдан саломат ўтишган бўлсада, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло хоҳлаганча, маълум муддат азобда бўлишади. Гуноҳига яраша жазоланганидан кейин, улар ҳам, абадий саодатга эришадилар.

Абадий шақоқатга эришганлари ҳам, мана оят ва ҳадислар мазмуни шуни кўрсатадики, баъзилари қаттиқ азобда ва баъзилари енгил азобда бўладилар. Бунга битта далилни мисол қиламиз. Охиратда, жаҳаннам аҳлининг ичидаги азобни энг енгили, оёғини тагига чўғ қўйиб қўйилади. Бу чўғни таъсирида мияси қайнаб туради. Мана бу жаҳаннамдаги азобни энг енгилдир, биродарлар. У ерда шундай посбонлар борки, қуръони карим уларнинг сифатини, филозун шидод деб, атаган. Яъни, қаттиққўл қўпол, баъзи муфассирлар бунинг маъносини, улар жаҳаннам аҳлини қанча азобласа, шунча роҳатланадиган табиат билан яратилган, дейишади. Мўмин кишилар, мана бу абадий кунни ҳисобга олиб, иш қилишади. Мўминлар шундай бахтлики, улар қиёмат кунида, ўлганидан кейин тирилиш ҳақ деган, эътиқод билан, ҳаётларини пок ўтказишади. Шу кундаги, азобдан қўрқишади.

Шу кундаги, Аллоҳнинг ваъда қилган мукофотини, умид қилиб яшашади. Мана бу, бошқа миллатларда топилмайдиган сифатдир. Охиратга бўлган имон, инсонни қилиб тарбиялайди. Охиратга имон келтирмаслик, инсонни ҳайвонлар ҳам хижолат қиладиган ҳолатга, солиб қўйишликка сабаб бўлади, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло башарийят тарихида, инсонларга, биринчи пайғамбар Нух алайҳиссаломдан тортиб, охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломгача, ҳамма инсониятга, Ислом асосида яшашликни таълим берган. Қуръон ва ҳадисдаги маънолар шуни кўрсатади. Ҳаёт бошлангандан тортиб, Ислом бошланган, биродарлар. Аллоҳнинг йўли, Ислом бўлган. Бу Аллоҳга ва қиёмат кунига бўлган эътиқоддир.

Энди башарийят камолот ёшига етгач, комил рисолат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келган. Бу рисолатнинг эгаси, жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдирлар. Бу кишига комил муқаддас китоб нозил бўлди. Бу қуръони каримдир. Қуръони каримда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, инсоннинг бахт саодатга насиб бўладиган қайси яхшилик бўлса, йўллади. Қайси ёмонлик бўлса, огоҳлантирди. Йўллаган нарсаларининг энг яхшиси, тавҳиддир. Қайтарган нарсаларининг энг хатарлиси, ширкдир, биродарлар. Бизнинг эътиқодимиз шундай бўлмоқлиги керак. Бугунги дарсимизда, инсон ҳаётдан кўз юмганда, нима қилишлик лозимлигини ўрганамиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, йигирма уч йил муддатда, инсоннинг қайси ҳолатда, нима қилиши кераклигини, ҳаммасини баён қилди. Саодат йўлидаги бирор нарсани қолдирмасдан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни, бахтли саодатлик қилди. Лекин, шундай баёнга ҳамма эргашдими? Имон келтирган кишиларнинг ҳаммаси эргашдими?

وَمَا يُؤْمِنُ أَكْثَرُهُمْ بِاللَّهِ إِلَّا وَهُمْ مُشْرِكُونَ
Юсуф сураси 106 оят

Одамларнинг кўпи, Аллоҳга мушрик бўлган ҳолатда, имон келтиришади.

Уларнинг бу имонлари фойда бермайди. Ширкдан саломат бўлмаган имон, фойда бермайди, биродарлар. Инсон вафот этиши билан, охират сари йўл олади. Энди уни кузатишлик, тириклар устидаги вазифа бўлади. Инсон жанозасиз кўмилган бўлса, қиёмат кунини, сен нима учун, жанозасиз кўмилдинг? деган савол бўлмайди. Сен нима учун, жанозасини ўқимадинг? деган савол бўлади. Жаноза намози, фарзи кифоядир. Бир миқдордаги одам ўқиса, бошқа ўқимаганлар устидан соқит бўлади. Агар, бирорта шаҳар, ноҳия, қишлоқ, бирор бир маконда, бир киши вафот қилсаю, жаноза намози ўқилмай қолган бўлса, шу ердаги одамларнинг ҳаммаси гуноҳкор бўлади. Бир қисм одамлар жанозасини ўқиб қўйган бўлса, бошқалардан соқит бўлади. Шу майитга намоз ўқиш ва уни охират сафарига ҳозирлаш ва дафнига ҳозир бўлиш каби, масалаларда, бу дарсимизда тўхталиб ўтаемиз. Ҳар бирига ҳужжат, далилни ҳадиси шарифлардан келтираемиз.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, ривоят қиладилар.

مَنْ شَهِدَ الْجَنَازَةَ حَتَّى يُصَلِّيَ، فَلَهُ قِيرَاطٌ، وَمَنْ شَهِدَ حَتَّى تُدْفَنَ كَانَ لَهُ قِيرَاطَانِ، قِيلَ: وَمَا الْقِيرَاطَانِ؟ قَالَ: مِثْلُ الْجَبَلَيْنِ الْعَظِيمَيْنِ.
الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 1325 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]
التخريج : أخرجه البخاري (1325)، ومسلم (945)

Ким жаноза намозида иштирок этган бўлса, унга бир улуш дедилар. Агар жанозада ҳам ҳозир бўлиб, дафнда ҳам иштирок этган бўлса, унга икки улуш, дедилар. Шунда, бу иккита улуш нима? деб, сўралганда, катта иккита тоғ мисолича савоб, дедилар. Демак, жаноза намозида иштирок этган бўлсак, битта тоғ мисолича савоб олишга сабаб бўлади.

Агар жанозада ҳам, дафнда ҳам иштирок этган бўлсак, унда иккита тоғ мисолича, савоб олишликга сабаб бўлади. Бу ҳадиси шариф мутлақ келаяпти. Биз ҳам мутлақ тушунишимиз керак. (Ҳадис мазмунида, жанозага борган одамга савоб берилиши айтилган. Кимнинг жанозасига экани, аниқ айтилмаган)

مَنْ اتَّبَعَ جَنَازَةَ مُسْلِمٍ، إِيْمَانًا وَاحْتِسَابًا، وَكَانَ مَعَهُ حَتَّى يُصَلَّى عَلَيْهَا وَيُفْرَغَ مِنْ دَفْنِهَا، فَإِنَّهُ يَرْجِعُ مِنَ الْأَجْرِ بِقِيرَاطَيْنِ، كُلُّ قِيرَاطٍ مِثْلُ أُخْذٍ، وَمَنْ صَلَّى عَلَيْهَا ثُمَّ رَجَعَ قَبْلَ أَنْ تُدْفَنَ، فَإِنَّهُ يَرْجِعُ بِقِيرَاطٍ
 الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Мана бу ҳадисда, мусулмоннинг жанозасига эргашган бўлса, дейилган. Демак, мусулмон одамнинг жанозасига эргашишлик қайд қилиняпти. Аввалги ҳадисда, мутлақ жанозага эргашса, дейилляпти. Бунда, мусулмон одамнинг жанозасига эргашган бўлса, дейилган. Мутлақмас. Ҳамма киши ихлос билан бормаиди, жанозага биродарлар. Ҳар хил риё, бормасам бўлмаиди, деган фикрлар билан боришлиги ҳам мумкин? Имонан ваҳтисобан, Аллоҳдан ажр талаб қилиб, мўминнинг устидаги ҳақдир бу, деб, имон билан, ажр умид қилиб борса, шу жаноза намози ўқилгунча ва дафн қилиб бўлгунча бирга бўлса, икки улуш билан қайтади. Ким намозни ўқиб қайтса, бир улуш билан қайтади. Улуш катта бир тоғ мисолидаги савобдир. Кейинги ҳадис билан аввалгини муқайяд қиламиз. Фикримиз билан эмас.

Демак, жаноза, мусулмон одамнинг жанозаси бўлишлиги шарт. Имонан ваҳтисобан, боришлиги шарт. Яъни, боровчи ҳам мўмин бўлишлиги қайд қилиняпти. Баъзи бир мусулмон бўлмаган одамларга, жанозадан ажр бўлмаслиги тушунилади. Мўмин бўлса, ажрни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан талаб қилиб борса, шу мукофотни олади. Биз мусулмон киши ва муслима аёлнинг жанозасини ўқишликка маъмурмиз. Агар биз мусулмон киши ва муслима аёлнинг жанозасини, ажрни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан талаб қилиб ўқисак, шу мукофотни оламиз. Суол бўладики, аёлларни ҳам, жанозага эргашишлиги мумкинми?!

كُنَّا نُنْهَى عَنْ اتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ، وَلَمْ يُعْزَمْ عَلَيْنَا
 الراوي : أم عطية نسيبة بنت كعب | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Умму Атиия разияллоҳу анҳо айтадилар: жанозаларга эргашишлиқдан биз қайтарилдик. Лекин, бизларга бу ҳақда, қаттиқ гапирилмади. Жанозага эргашишдан маъно, тобутни орқасидан қабристонга боришлик. Ёинки, аввалги ҳадисдан тушунамизки, бу жаноза намозига боришлик. Аёл кишилар жанозаларга эргашишлиқдан, биз қайтарилдик, деяпдилар. Уламолар бу ҳадисдан, бу ҳаром деб, қайтарилганмас. Бу кароҳият эканига ишора, дейишади. Жума намозига келган аёллар, жаноза намозида иштирок этиб қолса, албатта, жанозани ўқишлари мумкин!

مَا مِنْ مَيِّتٍ يُصَلَّى عَلَيْهِ أُمَّةٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ ، يَتْلُوْنَ أَنْ يَكُونُوا مِائَةً ، فَيُشْفَعُونَ لَهُ ، إِلَّا شَفَعُوا فِيهِ
 الراوي : عائشة وأنس بن مالك | المحدث : الألباني

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Бир маййит вафот қилган бўлса, унга мусулмонлардан бир жамоа намоз ўқиган бўлса, уммат деб, сони юздан ошган жамоани айтади. Шу юздан ошган киши, жаноза ўқиса, ва ҳаммалари шу маййитга шафоат талаб қилган бўлсалар, унинг ҳаққида шу шафоатлари қабул қилинади, дедилар.

ما من رجلٍ مسلمٍ يموتُ ، فيقومُ على جنازته أربعون رجلاً ، لا يشركون بالله شيئاً ، إلا شفّعهم الله فيه
 الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : الألباني

Мана бу ҳадис, намоз ўқувчиларнинг ким бўлишлигини ҳам, бизга баён қиляпти. Мусулмон киши ёки, аёл вафот қилган бўлса, жанозасида қирқта одам турган бўлса, мутлақ қирқта одаммас, Аллоҳга ҳеч бир нарсани шарик қилмаган, ширк амалидан пок бўлган, қирқта одам, шу жанозада иштирок этган бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларнинг дуоларини ижобат қилиб, шафоат қилади. Мана буниси ҳар биримиз учун муҳимдир, биродарлар. Биз ҳар биримиз ширк нима эканлигини, мўминликни даъво қилган кишиларга, ўргатиб кетмоқлигимиз керак. Ибодатда йўқ одамларнинг дуоси, мутлақ ижобат қилинмайди, биродарлар. Истисқо, ёмғир талаб қилиб, дуо қилинадиган вақтда, қаҳатчиликда, мусулмонлар пешвоси, ҳамма билан бирга саҳрога чиқиб, ёлвориб кўп дуо қилади. Мухтасарул виқоя деган, фикҳ китобида айтилганки, вало юҳзарул зиммиюн. Мусулмон диёрида рухсат билан яшовчи, ўзининг ботил эътиқодида бўлган кишини, зиммий дейди. Зиммий сўзи, Аллоҳга ишонадию, Исломга унамаган ва Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, унамаган киши, мана бундайларни ҳозир қилинмайди, шу дуода дейилган.

Нима учун? Дуо ижобат бўлмай қолади. Шунинг учун, дуо ижобат бўлиши учун, жанозада ҳозир бўладиган кишилар сони, қирқ кишига қайд қилинапти. Аллоҳга ҳеч бир нарсани шарик қилмаган, қирқта одам, шу жанозада иштирок этган бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларнинг дуоларини ижобат қилиб, шафоат қилади, дейилляпти. Биз ҳадисларни, бир бирига боғлаган ҳолатда, тушунмоқлигимиз керак.

Мана бу ҳадис сафларни қандай қилишликни бизга таълим беради.

عن مرثد بن عبد الله الزني، قال: كان مالك بن هبيرة -رضي الله عنه- إذا صلى على الجنّاة فتَقَالَ النَّاسُ عَلَيْهَا جَزَاءُ ثَلَاثَةِ أَجْزَاءٍ، ثم قال: قال رسول الله -صلى الله عليه وسلم-: «من صلى عليه ثلاثة صفوف فقد أوجب

Марсад ибн Абдуллоҳ айтадиларки, Молик ибн Хубайра разияллоҳу анҳу жаноза намозини ўқиганларида, одамларни оз деб, санасалар, шунда уч сафга қўйиб, намоз ўқир эканлар. Мисол қилсак, тўққизта одам бўлса, учтадан қўйиб, уч саф қилар эканлар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, деб тасдиқлаб қўяр эканларки, қайси маййитга уч саф одам жаноза ўқиса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга, жаннатни вожиб қилади, деганлар, дер эканлар. Бошқа шартларни юқоридаги ҳадислардан тушуниб оламиз. Демак, одам оз бўлса ҳам, сафни учта қилишга ҳаракат қилмоқлик керак. Тўққиз одамни бир саф қилса ҳам бўлади. Лекин, уч саф бўлгани афзал. Бу фақат жаноза намозиди, биродарлар. Хўп, жаноза намозини ажрларини билдик. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам жаноза намозини, қандай ўқиганлар?!

فمن ذلك ما جاء عن أبي هريرة قال: كان رسول الله ﷺ إذا صَلَّى على جنازة يقول: اللهم اغفر لحينا وميتنا، وشاهدنا وغائبنا، وصغيرنا وكبيرنا، وذكرنا وأنتانا، اللهم من أحييته منا فأحيه على الإسلام، ومن توفيته منا فتوفّه على الإيمان، اللهم لا تحرمنا أجره، ولا تُلْزِمنا بعده
أخرجه أبو داود ، وابن ماجه ، والإمام أحمد

Бу ҳадисда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг жаноза намози охиридаги, ўқиган дуолари келтирилган. Бошқа ривоятларда, бошқа дуолар ҳам келтирилади. Бу нарса шуни кўрсатадики, битта дуога чекланиб қолишга, ҳожат йўқ. Мана шу кўпчилик биладиган дуо. Мазмуни, Эй Аллоҳ, тирикларимизни ва ўликларимизни, кичикларимизни ва катталаримизни, эркалар ва аёлларни ва ҳозир шу ерда бор бўлганлар ва бор бўлмаганларни гуноҳини кечиргин! Биздан кимга ҳаёт берсанг, Исломда яшатгин. Биздан кимни вафот топдирсанг, имонда вафот топтиргин! Эй Аллоҳ шу одамни ажридан маҳрум қилмагин, бизни. Яъни, жаноза намози ажридан маҳрум қилмагин. Ва бундан кейин, бизларни фитнага гирифтор қилмагин! Деб, дуо қилганлар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда, бошқа дуони ўқиганлари ривоят қилинади.

سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصَلِّي عَلَى مَيِّتٍ فَسَمِعْتُ فِي دَعَائِهِ وَهَوَّ يَقُولُ : اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ وَارْحَمْهُ ، وَعَافِهِ وَاعْفُ عَنْهُ ، وَأَكْرِمْ نُزُلَهُ ، وَوَسِّعْ مَدْخَلَهُ ، وَاغْسِلْهُ بِالْمَاءِ وَالتَّلْجِ وَالْبَرَدِ ، وَنَقِّهِ مِنَ الْخَطَايَا كَمَا نَقَّيْتَ الثَّوْبَ الْأَبْيَضَ مِنَ الدَّنَسِ ، وَأَبْدِلْهُ دَارًا خَيْرًا مِنْ دَارِهِ ، وَأَهْلًا خَيْرًا مِنْ أَهْلِهِ ، وَزَوْجًا خَيْرًا مِنْ زَوْجِهِ ، وَأَدْخِلْهُ الْجَنَّةَ وَنَجِّهِ مِنَ النَّارِ - أَوْ قَالَ - : وَأَعِذْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ
الراوي : عوف بن مالك الأشجعي | المحدث : الألباني
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларининг мазмуни шуки, Эй Аллоҳ, буни мағфират қилгин. Раҳматинга олгин. Офийатлик қилгин. Уни афу қилгин. Уни тушадиган ўрнини мукаррам қилгин. Уни кирадиган жойини кенг қилгин. Сув билан, қор билан, дўл билан поклагин. Хатоларидан тозалагин. Худди, оқ кийимни кирдан покиза қилганингдек. Дунёда қолдириб кетган уйидан яхшироқ уй бергин. Аҳлларида яхшироқ аҳллар бергин. Жуфтидан кўра, яхшироқ жуфтларни бергин. Жаннатга киргизгин. Азоби қабрдан сақлагин ва азоби нордан сақлагин, дедилар. Ровий айтадиларки, шу ўлган одам мен бўлсам эди, деб, орзу қилдим, дейдилар.

Биродарлар азоби қабр ҳақидаги ҳадислар, саҳиҳ ҳадислар. Сиҳоҳи ситтада зикр қилинган. Жумхур уламо сўзики, саҳиҳ ҳадисларни ақида бобида инкор қилишлик, бу хатарга олиб боради. Манҳажда хатарга олиб боради. Бу саҳиҳ ҳадисда келтирилган, мана азоби қабрдан сақлагин, деб, дуо қилганлар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган бир ҳадисда.

عن أبي هريرة -رضي الله عنه- عن النبي -صلى الله عليه وسلم- في الصلاة على الجنازة: «اللهم أنت ربها، وأنت خلقتها، وأنت هديتها للإسلام، وأنت قبضت روحها، وأنت أعلم بسرّها وعلانيّتها، وقد جنّناك شفعا له، فاغفر له
(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Мазмуни, Эй Аллоҳ, сен бу майитни Роббисан. Буни Ўзинг яратгансан. Исломга Ўзинг йўллагансан. Руҳини Ўзинг олдинг. Бунинг ичию ташини, Ўзинг билувчиоқ Сан. Биз бунга дуо қилгани келдик. Сен гуноҳларини мағфират қилгин! Деб, дуо қилганлар.

Жаноза намозида нечта такбир айтилинади? Бу масала, уламолар орасида ихтилоф бўлиб қолган. Имоми Нававий ҳам, тўрт такбир айтади, деганлар. Биринчи такбирни айтиб, кейин, сураи фотиҳани ўқийди, деганлар. Кейин, иккинчи такбирни айтади. Кейин, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, саловот айтади. (Намоздаги саловотни айтади) Кейин, учинчи такбирни айтиб, майитга дуо қилади. (Юқоридаги ҳадислардаги дуолардан бирини айтади) Дуоларни баъзиларига биз ишора қилиб ўтдикки, шуларни қайсинисини ўқиса, унга рухсатдир. Тўртинчи такбир билан, намозни тамомлайди, салом беради. Баъзилар, шу жанозада саловот айтади. Ва

إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا
Аҳзоб сураси 56 оят

Оятини ўқийди, деган гап айтишади. Бу, ҳеч қандай ҳадисларда йўқ. Бу дурустмас бу нарсас. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган нарсани, қилмоқлик керак. Баъзилар,

لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَفْرَأْ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ.
الراوي : عبادة بن الصامت | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Деган ҳадисни ҳужжат қилишиб, Имоми Нававий ҳам келтирганларки, жанозада сураи фотиҳани ўқишлик керак, деганлар. Сураи фотиҳани ўқимайдиганлар, жанозани намозми ёки, намоз эмасми, шунда ихтилоф қилишган. Улар жаноза дуо, намоз эмас, дейишган. Рукуъ сужуд бўлмагандан кейин, намоз эмас. Шунинг учун, сано айтса, бўлди, дейишган.

Лекин, сураи фотиҳани ўқимоқлик афзал, биродарлар. Чунки, аксар уламолар иттифоқ қилган нарсa, сураи фотиҳани ўқишлик ва жами тўрт такбир айтишлиқдир. Кўпроқ ҳадислар шунга далолат қилади. Жаноза ўқилгандан кейин, уни тезроқ дафн қилишлик керак. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис, шунга далолат қилади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

أَسْرِعُوا بِالْجَنَازَةِ ، فَإِنْ تَكُ صَالِحَةً فَخَيْرٌ تُقَدِّمُونَهَا إِلَيْهِ ، وَإِنْ تَكُ سَيِّئَةً فَشَرٌّ تَضَعُونَهُ عَنْ رِقَابِكُمْ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع

Жанозани тазлаштиринглар. Тез олиб боринглар. Чунки, солиҳ одам бўлса, тезроқ шу яхшиликка олиб боринглар. Албатта, яхшиликка ҳаммамиз шошиламиз. Энди бу солиҳ одам бўлганидан кейин, бундай ҳасад дунёсидан, покиза дунёга, тезроқ олиб боринглар. Агар бундай бўлмаса, елканглардан тезроқ ташланглар. Шунинг учун тезлаштирилади.

إِذَا وُضِعَتِ الْجَنَازَةُ وَاحْتَمَلَهَا الرَّجَالُ عَلَى أَعْنَاقِهِمْ فَإِنْ كَانَتْ صَالِحَةً قَالَتْ: قَدِّمُونِي وَإِنْ كَانَتْ غَيْرَ صَالِحَةٍ قَالَتْ: يَا وَيْلَهَا أَيْنَ يَذْهَبُونَ بِهَا
يَسْمَعُ صَوْتَهَا كُلَّ شَيْءٍ إِلَّا الْإِنْسَانَ وَلَوْ سَمِعَهَا الْإِنْسَانُ لَصَنِعَ
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : ابن حبان | المصدر : صحيح ابن حبان

Абу Саид ал Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Одамлар жанозани кўтаришса, солиҳ одам бўлса, тезроқ олиб боринглар, жойимга дер, экан. Солиҳ киши бўлмаса, фарёд чекиб, қаерга олиб кетаяпсизлар мени? дер, экан. Унинг овозини ҳамма нарсa эшитади. Магар инсон эшитмайди, биродарлар. Агар инсон эшитса, беҳуш бўлиб қолади. Жанозани ўқишдан олдин, нима қилиш керак, биродарлар?

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

نَفْسُ الْمُؤْمِنِ مَعْلُوقَةٌ بِدِينِهِ حَتَّى يُقْضَى عَنْهُ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي
الصفحة أو الرقم: 1078 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мўмин одамнинг руҳи, қарзига боғланган бўлади. Ҳатто, шу қарз ундан ўталгунча. Яъни, биринчи бўлиб, қарзи ўталиниши керак. Вафот топишлиги билан, қарзи ўталиниши керак. Мана шу масала, ҳозирги вақтда, бепарво бўлинган масаладир. Одамлар қарздан қўрқмай қолган даврда яшаяпмиз, биродарлар. Шаҳидни ҳамма гуноҳи кечирилади. Аммо, қарзи кечирилмайди. Чунки, қарз бировнинг ҳаққидир. Шунинг учун, руҳи қарзига боғланиб туради. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг одати шарифалари, киши вафот топишлиги билан, қарзини сўрардилар. Бор бўлса, ким ўтаб қўяди? дердилар. Биров ўтаб қўяман демаса, жанозаларини ўқимасдан, бошқа одам ўқирди.

Чунки, бу ҳозирги кундаги, фарзандлари тарафидан, мен ўтаб қўяман, деб, қуруқ гапирадиган сўзмас бу. Мўмин одамнинг сўзи, жуда баланд туради. Мўмин одамнинг қарзи бўладиган бўлса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жанозаларини ўқимаганлар. Бу сиёсат бу. Бировни бировдан қарзи бўладиган бўлса, албатта, ўрни бўлган ҳолатда қарз бўларди. Шунинг учун, жаноза намозидан илгари, қарзини ким ўтайди? деб, сўрашлик, одат бўлганининг, сири ҳам шунда. Кимдир мен ўтайман, дейишлиги билан, шу қарздан қутулади, шу одам.

Ҳусайн ибн Ваҳваҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Талҳа ибн Бароъ касал бўлганида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кўргани келдилар.

عن خُصَيْنِ بْنِ وَخُوحٍ -رضي الله عنه-: أن طلحة بن البراء -رضي الله عنه- مَرَضَ، فَأَتَاهُ النَّبِيُّ -صلى الله عليه وسلم- يَغُودُهُ، فَقَالَ: «إِنِّي لَا أَرَى طَلْحَةَ إِلَّا قَدْ حَدَّثَ فِيهِ الْمَوْتَ، فَأَذِّنُونِي بِهِ وَعَجِّلُوا بِهِ، فَإِنَّهُ لَا يَنْبَغِي لِجِيفَةِ مُسْلِمٍ أَنْ تُحْبَسَ بَيْنَ ظَهْرَانِي أَهْلَهُ

Абу Довуд сунанларида келтирганлар. Кўргани келдиларда, айтдиларки, ўлими яқинлашиб қолибди, деб, биламан, дедилар. Вафот қилса, менга эълон қилинглр. Ва тезлаштиринглр. Чунки, мусулмоннинг жасадини ўзининг аҳлида, узоқ туришлиги яхшимас, дедилар. Демак, мусулмоннинг вафот қилиши билан, унинг дафн қилишни тезлаштириш керак экан. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам маййитни дафн қилгандан кейин, озгина турар эканлар. Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, маййитни дафн қилгандан кейин,

كَانَ النَّبِيُّ إِذَا فَرَّغَ مِنْ دَفْنِ الْمَيِّتِ وَقَفَ عَلَيْهِ ، فَقَالَ : اسْتَغْفِرُوا لِأَخِيكُمْ ، وَاسْأَلُوا لَهُ بِالتَّائِبِ ، فَإِنَّهُ الْآنَ يَسْأَلُ
الراوي : عثمان بن عفان خلاصة حكم المحدث : حسن : أخرجه أبو داود

Биродарларинга истиғфор айтинглр. Ва унга савол жавобдаги мустаҳкамликни сўранглр. Ҳозир сўраляпди, биродаринглр, дер эканлар. Амр ибн ал Осс мана, улуғ саҳобалардан. У киши айтган эканлар,

وعن عمرو بن العاص رضي الله عنه قال: إذا دفنتموني فأقيموا حول قبري قدر ما تحرر جزور ويقسم لحمها حتى أستأنس بكم وأعلم ماذا أراجع به رسل ربي، رواه مسلم

Мени дафн қилсанглр, қабримни атрофида, бир туяни сўйиб, гўштини тақсим қилгунча миқдорда туринглр. Шунда, сизлар билан унс бўлиб турай. Роббимнинг элчиларига нима деб, мурожаат қиламан, деб турган пайтимда, сизлар билан, унс бўлиб турай, деб васият қилган эканлар. Демак, маййитни дафн қилгандан кейин, бир оз туриб. Уни дуо қилиб туришлик, мустаҳаб яхши амаллардан экан.

Маййитнинг номидан садақалар қилишлик ҳақида, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки,

إذا مات ابن آدم انقطع عمله إلا من ثلاث : صدقة جارية ، وعلم ينتفع به ، وولد صالح يدعو له
الراوي : - | المحدث : ابن تيمية | المصدر : مجموع الفتاوى | الصفحة أو الرقم : 1/191 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Инсон вафот қилса, амали тўхтайдди. Лекин, уч тарафдан амали тўхтамайди. Биринчиси, юриб турган садақот. Бу кўп нарсаларни ўз ичига олади. Масалан, бир киши, бир кишига бир либос олиб берди. У киши ўтиб кетса ҳам, то бу либос йўқолиб кетгунча, шуни ажри бориб туради. Ёки, бир масжидга ёрдам берди. Ёинки, бирор кишига тополмаётган китобини, топиб олиб берди. Мана шулар садақаи жория, юриб турган садақалардир. Ёки, фойдаланиб турадиган илм қўйиб кетди. Масалан, бир кишига шариат илмини, ўргатиб қўйган эди. Шу илмдан манфаат бориб туради. Чунки, бу илм давом этаверади. Бошқалар ўрганаверади. Учинчиси, солиҳ фарзанд қолган бўлса, дуо қилиб турадиган, бунинг дуосидан ҳам манфаат бориб туради.

Мана бу ҳадисга диққат қилиб қарасак, савоб бориб турадиган учта амалнинг биринчиси, садақатун жория, юриб турган садақа бўлиши керак. Бизнинг аксар мусулмонлар, юриб турадиган садақот қилишмайди. Шу вафот топишлиги билан, қўрадаги қўйни сўйишдан бошлашади. Бу нарса юрмайди, биродарлар. Бунни ейди тамом, туғаб кетади.

Юриб кетадиган садақа бўлсин. Ислон бу ерда садақага эътибор қилганки, ҳам маййитга манфаати бўлади. Ҳам тирикка манфаати бўлади. Бизларнинг ҳозирги вақтда қилаётган кўп садақотларнинг маййитга фойдаси йўқ. Тирикка ҳам зарардир. Аксар зиёфатларни текширсангиз, мусулмонларнинг вақтини олади. Уларнинг вақтлари шуларга кетади.

Бу доим бир вақтда қилинганлигидан, бир маҳаллада бир вақтда, уч тўртта бўлиб қолиши мумкин? Бу вақтини олишдан ташқари, саломатлигига ҳам зарардир. (Уч, етти, пайшанбалик каби, бидъат маросимлар кўзда тутилмоқда) Агар бунга мерос молдан сарфланган бўлса, қиёмат куни жавоб беради, биродарлар. Етим бўлиб қолган одамнинг молини еган, кабидир. Бу овқатмас биродарлар, бу жаҳаннам ўти бу.

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا ۖ وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا
Нисо сураси 10 оят

Етимларнинг молини зулман еяётганлар, қоринларида ўтни еяётган одамлардир. Яқинда шу ўтга киришади, деяпди, Аллоҳу таоло.

Биз етимни моли бўлмаганда, тўғри бўлгандаги, зарарни айтяпмиз, биродарлар. Шу одамлар, ҳақиқий садақот қилмоқчи бўлсалар, мана ҳадисларга мурожаат қилишсин. Саъд ибн Аби Ваққосни волидалари вафот қилди. Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, онам вафот қилдилар. Унга қандай манфаат қилсам бўлади? деганларида, сув дедилар. Бир қудуқни кавлаб, ҳаза ли умми Саъд, яъни, онамга бўлсин савоби, дедилар. Шу садақаи жориядир. Ҳозирги вақтда ҳам, одамлар муҳтож бўлиб турган нарсага, биринчи қариндошлари ичидан, муҳтож одамга, бир яхшиликни қилиб, нима бўлишлигидан қатъий назар, бирор бир эҳтиёжини бажариб, албатта, шаръий эҳтиёжини қондириб, шунинг савоби, фалончига бўлсин деб қўйса, дилидан ўтказиб қўйса, шу садақаи жория бўлади, биродарлар.

Иккинчиси, манфаатлик илм. Мутлақ илм дейилмаяпди. Манфаатланадиган илм бўлсин. Шариат илмидан манфаатланади. Бошқа илмлар, шариатга боғланмаган илмлар ҳаммаси, ҳозирги вақтда башарийат устида, вабо булут бўлиб турибди, биродарлар. Инсон ўзи ихтиро қилганига афсус чекапди, ҳозир. Илм манфаатлик бўлмайди, магар шариатга боғланса, манфаатлик бўлади. Бундан келиб чиқмайдик, фан илмини манфаати йўқ, деган маъно. Лекин, бу илмлар имонга боғланмаса, Аллоҳга ва қиёматга боғланмаса, у илм қандай бўлишидан қатъий назар, ҳатто шаръий илм бўлса ҳам, ҳатто, қуръон ўқиш ҳам, фойда бермайди, биродарлар. Агар қуръон Аллоҳнинг ризоси учун ўқилмас экан, бу қуръон унга манфаат бермайди, биродарлар. Кўп қуръон ўқувчилар борки, қуръон унга лаънат айтиб туради.

رُبَّ قَارِيٍّ لِلْقُرْآنِ وَالْقُرْآنِ يَلْعَنُهُ
الدرجة: ليس بحديث
(Бу сўзни ҳадисмас дейишган)

Қуръони каримда, Аллоҳу таоло, маст қилувчи ичимликни, ҳаром деган. Шу оятларни, маст қилувчи ичимлик қўйиб, зиёфат берувчи одамларнинг мажлисида ўқилса, қуръон лаънат айтиб туради. Илм бўлса бўлди, манфаат бўлади деб ўйламаслик керак. Манфаатланиб турадиган илм, қўйиб кетган бўлса, шундагина маййитга манфаат бўлади.

Маййитга савоби бориб турадиган учта амалнинг учинчисида, иккита сифат бор. Аввалги иккитасида биттадан сифат бор эди. Юриб турган садақа. Манфаатлик илм. Валадун калимаси, араб тилида ўғил ё қиз фарзандга айтилади. Лекин, Фақат ўғил ё қиз, қолдириб кетган одамга савоб бормайди. Баъзи ўғил ва қизлар қўйиб кетган одамлар борки, агар шуларни, ҳақиқат йўлида тарбияламасдан, ноҳақ ишига рози бўлиб, ёрдам бериб кетган бўлса, фарзандларининг амалларидан гуноҳ бориб туради.

مَنْ يَشْفَعْ شَفْعَةً حَسَنَةً يَكُنْ لَهُ نَصِيبٌ مِّنْهَا وَمَنْ يَشْفَعْ شَفْعَةً سَيِّئَةً يَكُنْ لَهُ كِفْلٌ مِّنْهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ مُّقِيتًا

Нисо сураси 85 оят

Ким бир яхшиликка ёрдам берган бўлса, унга яхшиликдан насиба бориб туради. Ким бир ёмонликка ёрдам берган бўлса, унга шу ёмонликдан улуш бориб туради, дейди, Аллоху таоло.

Демак, ўғил қиз қўйиб кетса, бўлди эмас. Солиҳ ўғил қиз бўлсин. Солиҳ ким? Шариат буюрган нарсаларни қилган ва шариат қайтарган нарсалардан қайтган фарзанд, солиҳдир. Демак, солиҳ фарзанд ўзи бўлса, ҳам бўлди эмас. Солиҳ бўлсин ва ота онасига, дуо қилиб турадиган бўлсин. Шарти иккита. Солиҳлик ва дуо қилишлиги шарт қилиняпти. Мўминлар бахти шуки, фарзандларига намоз ўқишни ўргатиб кетганда, беш вақт намозда, ота оналарига, дуо қилади улар.

Баъзилар бизга айтишадики, сизлар маййитдан кейинги, бўлган нарсаларнинг савоби йўқ деб, айтасизлар экан, дейишади. Бу бизни шаънимизда тухмат, биродарлар. Биз маййитдан кейин, савоб бўладиган нарсани, раъйимиз билан олмиймиз. Биз Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг ҳадиси муборакларида келтирилган, савоб бўладиган нарсаларни савоб бўлади, деймиз. (Шу ерда, нонвой ҳақида узун дунёвий бир мисол келтирилган, унинг матни ёзилмади) Маййитдан кейинги садақотни, ажри бўлади, деймиз. Лекин, бу садақани бидъат бўлмаслиги шарти билан, қилмоқлик керак деймиз. Ихлос билан, ва шариатга мувофиқ қилмоқлик керак. Биз айтаётган садақот, одамлар ўртасида риё бўлмайди. Биз маййитга садақот савоби етади, дейдиганларнинг биринчисимиз. Аммо, сиз қилаётган бидъат садақаларнинг савоби етмаслиги аниқроқдир. СИЗ УНДАН САЛОМАТ ҚОЛСАНГИЗ ҲАМ, КАТТА ГАП.

Мен шу бидъатларни қилаётган одамларга айтаманки, Сизлар буни ислом номидан қилманглар. Исломга зид бўлган садақотларни, ислом исми билан қилманглар! Сизлар буни мажбур бўлиб қилаяпмиз, денглар. Шариатга зид бўлган амалга, шариатда бериладиган мукофотни талаб қилиш, бу мутлақо тўғримас, биродарлар. Биз садақотни қаердан ўргандик? Агар Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам ўргатмаганида, биз билмаган бўлардик. Демак, у киши ўргатганига қўшмасдан ва олиб ташламасдан қилмоқлигимиз керак. Амал шариатга тўғри бўлиб, Аллоҳ ризоси талаб қилиб, бажарилгандагина амал мақбул бўлади. Кўп одамлар динга тухматлар қилишади. Бу тухматлар ўзларининг ёқаларига ёпишишдан бошқа нарса бўлмайди, биродарлар. Тўғри йўлга қайтишлик бундан яхшироқдир.

Биз бу қилаётган (бидъат) нарсаларни, Исломга тўнкамайлик. Бу қаердан келиб чиққан? Ислом душманлари, исломга зид бўлган нарсаларни, исломга киритишган. Бу ақлга ҳам зид бўлади. Буларни кўрган ёшлар, Исломдан қайта бошлайди. Масалан ҳозирги айтилган сўзни, динсиз одамга айтинг, маъқул дейди. Динсиз одам ҳам, ақлига солиб, бу Ислом ҳақ экану, исломга киришимиз керак, дейди.

Уларни исломга киришдан тўсаётган нарса, Исломга зид нарсаларни, ислом номидан қилишлигидир. Бунинг мисоли шунга ўхшайдики, кўчадаги тиламчилик қилиб юрган одамлар, ислом либосини ечиб, бошқа ажнабийлар либосини кийиб, тиламчилик қилсалар, маъқул бўларди. Ҳозир тиламчиликнинг турлари кўпайиб кетган. Ислом либосини кийиб туриб, Аллоҳ ҳаққи деб, Ислом номидан, тиламчилик қилувчилар, Исломни бузадиган кимсалардир. Чунки, исломда, бир кунлик емоқ, ичмоғи бор одамнинг, тиламчилик қилмоғи мумкин эмас, биродарлар. Бошига салла ўраб тиламчилик қилганидан, бошига ажнабийлар либосини кийиб, тиламчилик қилсалар, маъқул бўларди. Чунки, Исломни булғамайди шунда. Акс ҳолда, у ҳам тиламчиликнинг гуноҳини ва Исломни булғашликнинг гуноҳини олади. Кўп қилинаётган амалларнинг мисоли, шунга ўхшайди, биродарлар.

Исломда бор нарсани, Ислом номидан қилишлик керак. Исломда йўқ нарсани, Ислом номидан қилмаслик керак. Исломда йўқ нарсани, ислом буюрган дейишлик, қаттиқ хато ва ислом шаънига, доғ тушуришлиқдир.

Шунинг учун, бизлар шу каби бидъат нарсаларга рўбарў бўлиб қолганимизда айтайликки, Исломнинг асоси бор. Бу қуръон ва ҳадис. Шу қуръон ва ҳадисда бор нарсани, бизга пеш қилинг. Одамлар қилган нарсани, бизга пеш қилманг, демоклигимиз керак!

(Шу ерда баъзи, кичик савол жавоблар бўлади.)

Битта саволга жавобни ёзишни маъқул топдим.

Маййитни жанозасини имом ўқиши шартми? деб сўрабдилар. Аслида жаноза намози учун энг ҳақли киши, маййит эгасидир. Жаноза намозини ўқишни биладиганлар йўқолиб кетгани учун, имом ўқийдиган бўлиб қолди. Бунга имомларга пул ҳам беришади. Биродарлар, жаноза намози пул оладиган нарса эмас бу. Ҳаммамиз ҳам ўламиз бир кун. Бу маййитнинг бизнинг устимиздаги, ҳаққи бўлади. Даромад бошқа ерга кетиб қолмаслиги учун, (Диний Бошқарма тарафидан) жанозани масжид имоми ўқисин деб, тайинланган. Бу мутлақо хато ишдир. На Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ва на саҳобалар ва тобеъинлар, бу жаноза ўқиб, хизмат ҳаққи олмаганлар.

Жаноза ўқийдиган одам йўқолиб кетгач, битта одам, жанозама жаноза, юрадиган бўлиб кетган. Бундан масжид имоми, фақат ўлгандан кейингина керак бўлади, деган ҳақорат ҳам бор, бу гапда, биродарлар. Мабодо маййит бировга васият қилган бўлса, шу одам ўтади. Бўлмасам, ҳамма ўтаверади. Мухтасарул виқояда, бир масала бор. Жаноза ҳозир бўлиб қолса, ҳамма таҳорат қилгунча кутиб турсин, дейишга бировнинг ҳаққи йўқ. Таяммум билан жанозани ўқийверади. Ҳамма шундай қилади. Маййитнинг эгаси, тўхтаб туринглари, дейишга ҳақлидир! Сабаби, жаноза ўқишлик, унинг ҳаққи бўлганлиги учун! Тўхтаб туринглари, мен таҳорат қилиб олай, дейди.

Маййитга таҳлил айтишлик, исломда асли йўқ нарса, биродарлар. Буни Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар қилган эмаслар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаққа йўлласин.

Дуо талаб қилибдилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аҳли ислом беморларга шифо берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизга амал қилишликка тавфиқ берсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга зарар етказётганларга кифоя қилсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Меҳмонларнинг қадамларига ҳасанотлар берсин. Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

47 дарс тугади.

48 Дарс

Аҳлус сунна вал жамоанинг ғариблиги ҳақида

(Дарс аввалида, Пайғамбар алайҳиссаломнинг даъват ишида ғариб бўлганлари зикр қилинади. Шунингдек, кейин ҳам, қиёматгача, у кишига эргашган суннатга амал қилувчи кишилар, шу каби, ғариб бўлишлари айтилади. Ғариблар кимлар эканлиги қатор ҳадислар билан муфассал тушунтирилади. Исломдаги амаллар ғариблиги ва замон ва мкакондаги ғарибликлар айтилади. Суннат аҳли бўлиш, тўғри йўл эканлиги ва айна дамда, шу йўлдагилар ғариблар эканлиги уқтирилади. Дарс мавзуси суннат йўлида қийинчиликларга бардош бериб, тура олишлик ҳақидадир)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Наби саллоллоҳу алайҳи васалламни, пайғамбар қилиб жўнатган вақтларида, ғариб ҳолатларида, бутун ширку хурофот ва бутпарастлик билан тўлган оламга, пайғамбар қилиб жўнатди. Фасод билан тўлган оламга, пайғамбар қилиб жўнатди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу кишининг динини, ҳамма динларга олий қилишлик учун, жўнатган эди. Агар кишиларга, Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган Дин, чорак аср ичида, бутун оламини, ярмисини эгаллаб, Дини Исломнинг нури, шу ерларга тарқалади деса, буни ҳеч ким тасдиқламасди. Худди, у кишининг даврларидаги, жоҳил кишилар тасдиқламаганга ўхшаган.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга тоза фитрат эгаларидан, бир жамоа имон келтирди. У кишининг атрофига покиза асҳоблар жамланишдилар. Уларнинг кўпчилиги Маккаликлар эди. Баъзи бир, Макканинг атрофидаги қабилалардан бўлган кишилар ҳам, бор эди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида жамланган кишилар, Имон келтирган кунидан бошлаб, ғариб бўлишган эди.

Улар уйларида ғариб эдилар. Қабилаларида ғариб эдилар. Улар тухмат ва масхаранинг ва мусибатнинг, ҳамма турига гирифтор бўлишган эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шуни ирода қилди. Бу динни қабул қилган кишилар, бирор бир мартаба, ёки молу дунё ва ёинки, бирор бир дунёвий мақсадлар учун, қабул қилмайдиган зотларни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг атрофида жамлашликни, ирода қилган эди.

Шундай зотлар имонни қабул қилишлари билан, уларга мусибатларнинг ҳамма тури кучайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шуни ирода қилган эди. Чунки, келажақда, бу имонни қабул қилган кишиларга, қиёматгача бўлган башарийятнинг омонат юки, юкланарди. Бу омонат, ниҳоят даражада оғир, омонат эди.

Бу даврда имонни қабул қилган кишилар, қиёматгача бўлган башарийятнинг, имон қабул қиладиган кишиларига, намуна бўлиб қолишлари керак эди. Ва Исломнинг йўли нима эканлиги, маълум бўлиб қолишлиги, керак эди. Уларни доим сабрга чақиришди. Кофирларга қарши бирор бир зарарлик иш қилишдан, маън қилинишди. Валлоҳу аълам, яна бир сири, ақида инсоннинг қалбига ўрнашган вақтида, у ҳамма нарсадан қимматбаҳо нарса эканлиги, у ақиданинг душманларига, кўринишлиги керак эди. Ҳақиқатда ҳам, шундай бўлди.

Ақидани қабул қилган кишилар, ўзларининг хонадонларида ғариб бўлишди. Тазйиқнинг ҳамма суратига, дучор бўлишди. Бу ақидани қабул қилган кишилардан баъзилари, қатл қилинди. Баъзилари хонадонларидан ҳайдалди. Саҳиҳ ақидани қабул қилган кишилар қабиласи билан, бошқа қабилалар, алоқаларини узишди. Бу ақида душманларига, шунчалик азоб уқубатга қарамасдан, буларнинг бу ақидада мустаҳкам тураётгани сабаби ҳам, маълум бўлиб қолди. Шунинг учун, баъзи бир, ақиданинг ашаддий душманлари ҳам, бун текширишга мажбур бўлишди. Ҳамма тарафдан ҳурматда бўлиб турган одам, дунёвий жиҳатдан яхши шароитда турган одам, ақидани қабул қилганидан кейин, у нарсалардан маҳрум бўлсада, ақидасини мустаҳкам ушлаб турганини кўрса, ҳар қандай одам ўйлаб кўрадики, бу дунёдаги роҳату лаззатларидан ширинроқ нарсани топганга ўхшайди, деб, ақидани ўрганишликка сабаб бўларди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана шуни, ирода қилди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тобеълари кўпайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларни Маккадан Мадинага ҳижрат қилишга буюрди. Ҳаммалари ҳижрат қилишдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Мадиналик ансорлар қалбига, шундай бир муҳаббат солдики, башарийят тарихида бундай муҳаббат, қайта такрорланмади, биродарлар. Бу муҳаббат, молини беришлик, ёки жойини беришлик ва ёки бошқа нарсаларини беришлик билангина чегараланмаган эди. Бу ийсор эди. Ийсор, муҳаббатнинг энг юқори босқичидир. Ийсор, ўзи муҳтож бўлиб туриб, бировга беришликдир. Ансорлар қалбида топилган ийсор, қайтиб, башарийят тарихида, бунчалик кўп жамоа ичида, такрорланмади. Фардий суратда топилган бўлса ҳам, бунчалик жамоавий шаклда, такрорланмади.

Ҳамма муҳожирлар, Мадинадаги ансорлар уйига, чек билан тушдилар. Яъни, Муҳожирларни уйига олиб кетишга тайёр турган ансорларнинг кўплигидан, бирор бир муҳожир, ансорлар уйига, чексиз тушмади. Чек ташлаб, кимни чекига тушса, шу олиб кетарди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, Макка фатҳини берди. Шу билан, кўп одамлар мусулмон бўлишди. Кўп одамлар, Муҳаммад алайҳиссалом, ўзлари ҳайдаб чиқарилган Маккага, ғолиб бўлишини кутарди. Ғолиб бўлса, ҳақиқий пайғамбар ва ғолиб бўлмаса, ҳақиқий пайғамбар эмас, деб, кутишарди. Шунинг учун, Макка фатҳ бўлганидан кейин, Исломни сон саноқсиз одамлар қабул қилди.

Улар орасида Исломнинг шавкатини кўриб, қабул қилганлар ҳам кўп эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Муҳаммад алайҳиссаломга, Ўзининг катта неъматини берди. Бутпарастлик ва ширк, араб Жазираасидан йўқолди. Муҳаммад алайҳиссаломдаги шахсият, бошқа ҳеч кимда йўқ эди. У кишининг вафотларидан кейин, Абу Бакр Сиддиқ Халифа бўлдилар. Шу киши халифа бўлиши жараёнида, баъзи воқеалар бўлдида, Исломда, биринчи учуқ (парчаланиш) пайдо бўлди. Абу Бакр Сиддикдан кейин, Умар ибн Хаттоб, Халифа бўлдилар. Олами адолатга тўлдирдилар. Бу кишининг хилофат муддатлари ўн йилдан кўпроқ муддат бўлди. Бу даврда бошқа миллатлар ҳам, Ислом адолатидан баҳраманд бўлдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам келажақдаги фитналар ҳақида, баъзи саҳобаларни хабардор қилгандилар.

Умар ибн Хаттоб, хаворижийлардан бўлган, бир малъун томонидан шаҳид қилинди. Учинчи, Усмон разияллоҳу анҳу Халифа бўлдилар. Бу кишининг ҳаётлари ҳам, самаралик бўлди. Бу кишининг ҳаётининг охирида, баъзи бир, исломнинг туб мағзини тушунмаган, Аҳли Макка тарафидан имонга келган, имонлари қалбида барқарор бўлмаган, баъзи бир оғир босқичларни босиб ўтмаган, кимсалар тарафидан фитна чиқарилди. Охир оқибатда, бу фитна, Усмон разияллоҳу анҳунинг шаҳид бўлиши билан, тамом бўлди.

Кейин, Али разияллоҳу анҳу Қуръон ва ҳадис олимларидан бўлган киши, Халифа бўлдилар. Бу кишининг ҳаётлари ҳам, шаҳодат билан тамом бўлди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин, ҳақиқий хулафоликни ўттиз йил давом этишини, хабар берган эдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Хузайфа ибн Яманийга, келажакда бўладиган кўп нарсаларни айтган эдилар. Умар ибн Хаттоб Халифалик даврида, баъзи фитналар ҳақида, у кишидан сўрадилар. Катта фитналар ҳақида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан нима эшитгансиз? деганларида, У киши, фитнанинг олдида дарвоза бор, дедилар. Дарвоза очиладими, ё синдириладими? дедилар. Хузайфа ибн Яманий, дарвоза синдирилади, дедилар. Бу нарса, Умар ибн Хаттобнинг шаҳид бўлишларига ишора эди. Дарвоза, Умар ибн Хаттоб эдилар.

Бу киши шаҳид бўлганидан сўнг, асҳоблар Хузайфа ибн Яманийдан, дарвозани кимлигини, Умар ибн Хаттоб билармидилар? Деганларида, кечаги куннинг ўтганлиги қанчалик аниқ бўлса, Умарга шунчалик аниқ эди, деганлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, мендан кейин яшаганинглар, кўп ихтилофларни кўради. Шунда менинг суннатимни озиқ тишлар билан маҳкам ушланглар, деган, эдилар. Ва ўзларининг суннатларини ғариб бўлиб қолишлигини ҳам, айтган эдилар. Мен агарчи, ғариблар ҳақида, аввалги дарсларимизда айтган бўлсам ҳам, бугунги дарсимда, яна шунга тўхталмоқчиман. Ғариблар кимлар? Уларга қандай башоратлар берилган? Мен шу ҳақида, бир икки сўз айтмоқчиман. Ҳозирги вақтда, суннат ушлаб, ғариб бўлган одамлар имонлари янада мустаҳкам бўлсин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, имонларини мустаҳкам ушласинларки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг башоратларига, сазовор бўлишсалар ажабмас?!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан ғариблик ҳақидаги ҳадисни, йигирматадан кўпроқ саҳобалар ривоят қилишган.

إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيبًا وَسَيَعُودُ غَرِيبًا كَمَا بَدَأَ، وَهُوَ يَأْرُزُ بَيْنَ الْمَسْجِدَيْنِ، كَمَا تَأْرُزُ الْحَيَّةُ فِي جُحْرِهَا.
الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم
الصفحة أو الرقم: 146 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтдиларки: Ислом ғариб бўлиб бошланган ва яна шу ғарибликка қайтади, бошидаги каби.

Расулуллоҳ ўзлари бошладилар, исломни ғариб бўлиб, буни дарсимиз аввалида айтиб ўтдик, биродарлар. У кишининг йўлларини қабул қилган одамлар, дунёдаги ҳамма мартабадан маҳрум бўлишдилар. Магар Аллоҳнинг ҳузуридаги мартабалари ошди. Такрор айтамин, Исломни қабул қилган одамнинг ороми йўқолади. У ўзи билан Аллоҳнинг орасини тузатишлиги билан, одамлар ундан бегона бўлиб, ётсираш бошланади. Диндан бегона одамлар ичида, Исломнинг ҳақиқатини айтишлик, мисоли шунга ўхшайдики, ҳамма ёғи думалоқ тўнкани олдида, болта кўтариб, қаеридан урсам экан деб, турган одамга ўхшайди. Ҳақиқатни айтган сари, унинг жаҳолати кучайиб бораверади. Мана бу соатда инсон ҳайрон бўлиб қолади. Масхарага дуч бўлади. Шу вақтда ғурбатни ҳис қилади. Шу вақтда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ғарибларга берган башоратини эслашлик, унга қувват беради.

Ислом икки масжидни ўртасига, яъни, Макка ва Мадина орасига тўпланиб қолади, худди илон инига тўпланиб қолгандек, дедилар.

بَدَأَ الْإِسْلَامَ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ -
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ислом ғариб бўлиб бошланган ва яна ғарибликка қайтади, ва ғарибларга жаннат бўлсин! дедилар.

إن الدين يأرز إلى الحجاز كما تأرز الحية إلى جحرها ، وليعقلن الدين من الحجاز معقل الأروية من الجبل ، إن الدين بدأ غريباً وسيعود غريباً كما بدأ ، فطوبى للغرباء ، وهم الذين يصلحون ما أفسد الناس من بعدي من سنتي » رواه الترمذي

Дин Ҳижозга жойлашади, худди Илон инига жойлашгандек, дедилар. Илон инига ниҳоятда ихчам бўлиб ўрнашади. Дин Ҳижозга худди, Тоғнинг тепасига урғочи эчки ўрнашган каби, ўрнашади. Эчкининг урғочиси, инсон чиқа олмайдиган жойга чиқиб жойлашади. Дин ғариб бўлиб бошланган ва яна ғарибликка қайтади, ва ғарибларга жаннат бўлсин! Дедилар. Ким у ғариблар? Деб, сўрашди. Менинг суннатларимни одамлар бузганидан кейин, ўнглаганлар, дедилар. Мендан кейин одамлар суннатимни бузади. Мана шу суннатларимни ислоҳ қилиб, ўнглаганлар, ғариблар дедилар.

Ўзингизни синаб кўринг. Бугундан суннатларни ихё қилишликни бошланг, ғариб бўлиб қоласиз. Якка қоласиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини, ҳозирги халққа, ҳеч қандай қадри қолмаган, биродарлар. Мендан кейин, одамлар бузган суннатларимни, ислоҳ қилган кишилар, ғариблар, дедилар. Биродарлар, ота онасидан ажраб қолган одам ҳам, ғурбатни сезади. Лекин, кофирлар ҳам ажралади, биродарлар. Яҳудлар ҳам, ота онасидан ажралади. Эшаклар ҳам ажралади. Бунда биз ғарибман деб, фахрланишликка ҳаққимиз йўқ. Ғариб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, суннатни ўнглаган одамдир. Одамлар йўқотиб ташлаган суннатларни, ихё қилиб, вужудга келтирган кишилар, ғариблардир.

Имоми Термизий ўзларининг жомеъус саҳиҳларида келтирганлар. Абдуллоҳ ибн Масуддан ривоят қилинади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ислом ғариб бўлиб бошланган ва қандай бошланган бўлса, шундай яна ғарибликка қайтади, ва ғарибларга жаннат бўлсин! дедилар.

Абуд Дардоъ ва Абу Умома ва Восила ибн Асқаъ ва Анас ибн Молик тўртта улуғ саҳобалардан ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ислом ғариб бўлиб бошланган ва яна ғарибликка қайтади, ва ғарибларга жаннат бўлсин! деганларида, саҳобалар сўрашдики, Ё Расулulloҳ, ғариблар кимлар? Шунда айтдиларки, Одамлар бузилганда, улар салоҳиятда қолишади. Улар динда жанжал қилишмайди. Аҳли тавҳидлардан бировни, гуноҳи учун кофир демайди. Ғариблар шулар дедилар.

إنَّ الْإِسْلَامَ بدأ غريباً وسيعودُ كما بدأ فطوبى للغرباء قالوا يا رسول الله ومن الغرباء قال الذين يصلحون إذا فسد الناس ولا يمارون في دين الله ولا يكفرون أحداً من أهل التوحيد بذنب الراوي : أبو الدرداء وأبو أمامة الباهلي وأنس بن مالك ووائلة بن الأسقع | المحدث : ابن حبان منكر الحديث جدا لا يجوز الاحتجاج به توضيح حكم المحدث : إسناده لا يصح

(Тўрта саҳоба ривоят қилган Ибн Ҳуббон ҳадис китобида келтирган бу ҳадисни муҳаддислар мункар ва буни ҳужжат қилиш жоизмас, дейишган.)

Анас ибн Моликдан ривоят қилинган, Ибн Можжа сунанларида келтирилганлар.

بَدَأَ الْإِسْلَامُ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ -

Шу юқоридаги ҳадис маъноси ривоят қилинган.

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда,

إِنَّ الْإِيمَانَ بَدَأَ غَرِيبًا وَسَيَعُودُ غَرِيبًا كَمَا بَدَأَ فَطُوبَى يَوْمَئِذٍ لِلْغُرَبَاءِ إِذَا فَسَدَ النَّاسُ وَالَّذِي نَفْسُ أَبِي الْقَاسِمِ بِيَدِهِ لَيَأْرِزَنَّ الْإِيمَانُ إِلَى بَيْنِ هَذَيْنِ الْمَسْجِدَيْنِ كَمَا تَأْرِزُ الْحَيَّةُ إِلَى جُحْرِهَا
الراوي : سعد بن أبي وقاص

Имон ғариб бўлиб бошланган ва ғарибликка қайтади. Шу кунда, ғарибликка қайтган кундаги ғарибларга, жаннат бўлсин, дедилар. Одамлар бузилганда, улар салоҳиятлик бўлади, дедилар. Абулқосимни руҳи қўлида бўлган Зотга қасам ичаманки, имон бу иккала масжид ўртасида, илон инига жамлангандек, жамланади, дедилар. Баъзи ривоятларда, Ислоҳ ва баъзисида Имон деб келади. Иккала масжид, Бу Масжидул Ҳаром ва Масжидун Набавийдир.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки:

إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيبًا، وَإِنَّهُ سَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ، قالوا: وَمَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قال: الَّذِينَ يَصْحَوْنَ حِينَ يَفْسُدُ النَّاسُ، خلاصة حكم المحدث : صحيح لغيره،
الراوي : جابر بن عبد الله

Ғариблар кимлар деганда, одамлар бузилганда, ўнганган одамлар, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал Осс айтдилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ғарибларга жаннат бўлсин, дедилар. Кимлар ғариблар, ё Расулуллоҳ деб, сўралганда,

طوبى للغرباء قيل: من الغرباء؟ قال: ناسٌ صالحون قليلٌ في ناسٍ سوءٍ كثيرٍ من يعصيهم أكثرُ ممن يطيعهم.
الراوي : عبد الله بن عمرو خلاصة حكم المحدث : إسناده جيد | التخریج : أخرجه أحمد

Кўп ёмон одамлар ичида қолган, салоҳиятлик одамлар. Уларга итоат қилмайдиганлар, итоат қиладиганлардан кўра, кўп бўлади, дедилар.

Суннатни гапирсангиз, итоат қилмайдиган одам кўпаяди. Суннатни қилишлик уларга қийинга ўхшаб кўринади. Аслида қийинмас суннатни қилишлик. Лекин, бузилган одамлар ичида, суннатни қилишлик қийиндир. Кўп одам сизга итоат қилмай қўяди. Шунга чидамайдида, суннатдан воз кечади. Шуниси енгилроқ деб, йўл топиб, иш қиладиган кишилар кўп. У ғарибмас у. Ғариб шуки, суннатни ихё қилган вақтида, унинг атрофида, одам озайиб қолади, биродарлар. Кўксига ураётган одамлар, бирдан йўқ бўлиб кетади.

عبد الله بن عمرو -رضي الله عنه- عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: إن أحب شيء إلى الله الغرباء قيل ومن الغرباء؟ قال: الفرارون بدينهم يجتمعون إلى عيسى ابن مريم عليه السلام يوم القيامة. ضعفه الألباني بهذا اللفظ في السلسلة الضعيفة 1859
(Албоний бу ҳадисни заиф деган)

Аллоҳга энг севимли нарсаси, ғариблар дедилар. Ғариблар кимлар? дейишганда, динларини олиб қочганлар, дедилар. Молини олиб қочганмас. Моли билан дини турибди, шунда динини олиб қочган, молини қўйиб кетаверган. Ҳамма нарсасидан, дини азиз бўлган. Динини доим олиб қочиб юрган. Улар Исо алайҳиссалом билан бирга, Маҳшарда тириладилар. Чунки, Исо алайҳиссалом доим динини олиб қочиб юрган.

У киши кечаси қаерда кун ботса, шу ерда ухлаганлар. У киши ниҳоятда, ғариб бўлганлар. Аллоҳнинг буюк пайғамбари ва бандаси. Ҳозирги насоролар уни, Аллоҳнинг ўғли деб, ибодат қилаётганларнинг аждодлари, у кишини ўлдирамиз деб, қувиб юришган.

Саҳл ибн ас Соидийдан ривоят қилинган ҳадисда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ғарибларга жаннат бўлсин, дедилар. Кимлар ғариблар, ё Расулуллоҳ деб сўралганда,

قال : الذين يصلحون إذا فسد الناس

Одамлар бузилганда, ислоҳ қилган одамлар, дедилар.

Салмони Форсийдан ривоят қилинган ҳадисда ҳам, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, Ислоннинг ғариб бўлиб бошлангани ва яна ғарибликка қайтиши ривоят қилинган. Имоми Табароний ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда ҳам, худди мазмун зикр қилинган. Абу Саид ал Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда ҳам, худди мазмун бўлиб, Ҳайсамий мажмаъасида, буни зикр қилган.

Абу Мусо ал Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, қиёмат бўлмайди, дедилар, ер қон билан сероб бўлмагунча, ва Ислон қайта ғариб бўлмагунча, дедилар. Яъни, қиёматга яқин, урушлар кўп бўлишини хабарини бердилар. Ва Ислон ғариб бўлади ва кейин, қиёмат бўлади.

وعن بكر بن عمر المعافري قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: طوبى للغرباء الذين يمسون بكتاب الله حين يترك ويعملون • بالسنة حين تطفأ.. رواه ابن وضاح

Ғариблар, Аллоҳнинг китобидан воз кечилганда, маҳкам ушлаган кишилар ва суннатнинг нури ўчаётганда, суннатга амал қилган кишилар, дедилар.

Аллоҳнинг китобига биродарлар, бугун ҳеч ким қарамай қўйди. Шунда Аллоҳнинг китобини маҳкам ушлашади. Суннатнинг нури ўчирилганда, суннатга амал қиладилар ёки, бошқа ривоятда, суннатни одамларга ўргатадилар, дейилган.

أحبُّ شيءٍ إلى الله تعالى الغُرباءُ ، قيل : وَمَنْ الغُرباءُ ؟ قال : الفرَّارونَ بدينهم ، يبعثُهُمُ اللهُ يومَ القيامةِ مع عيسى ابنِ مريمَ عليهما السلامُ

الراوي : عبدالله بن عمرو | المحدث : الألباني | المصدر : السلسلة الضعيفة
(Бу ҳадисни Албоний заиф санаган)

Мана бу ҳадисда, Аллоҳу таоло, ғарибларни яхши кўришлигини айтаяпди. Нима учун?

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Оли Имрон сураси 31 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, Аллоҳни яхши кўраман деган, одамларга, менга эргашинг, деб, айтинг, деяпди, Аллоҳу таоло, Муҳаммад алайҳиссаломга. Бир киши Расулига эргашса, Аллоҳ уни яхши кўради. Аллоҳни яхши кўраман деган даъво, ҳаммамизда бор. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашсак, бу даъвода содиқ бўламиз. Агар бу даъвода содиқ бўлсак, Аллоҳни бизни яхши кўради. Аллоҳ яхши кўрганидан кейин, ҳеч ким бизга зарар етказа олмайди. Ким Расулига эргашса, у Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг валийси бўлади. (Дўсти бўлади) Валийларнинг устози, Муҳаммад алайҳиссаломдирлар.

Қуръону ҳадисни ушлаган киши, Расулига эргашган бўлади. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن أبي هريرة -رضي الله عنه- قال: قال رسول الله -صلى الله عليه وسلم-: «إنَّ الله قال: مَنْ عادى لي ولياً فقد آذنته بالحرب، وما تقرب إليَّ عبدي بشيء أحب إليَّ مما افترضْتُ عليه، وما يزال عبدي يتقرب إليَّ بالنوافل حتى أحبه، فإذا أحببته: كنتُ سمعَهُ الذي يسمع به، وبصرَهُ الذي يبصر به، ويده التي يبطش بها، ورجله التي يمشي بها، وإن سألني لأعطينه، ولنن استعاذني لأعيذنه، وما ترددتُ عن شيء أنا فاعله ترددي عن نفس المؤمن، يكره الموت وأنا أكره مساءته

Аллоҳу таоло ҳадиси қудсийда айтадики, Ким Менинг дўстимни душман тутса, унга жанг эълон қиламан, дейди.

Агар бир киши Аллоҳни яхши кўрдим деб, Расулига мустаҳкам эргашса, бунга душманлик қилган кишига, Аллоҳ жанг эълон қилади. Аллоҳнинг дўстига ким душман бўлса, Аллоҳ унга жанг эълон қилади. Демак, биз душманни мағлуб қилишликни хоҳласак, расулига эргашмоқлигимиз керак! Ҳар бир амалда Расулига эргашмоқлигимиз керак. Аллоҳнинг ҳимоясига ўтамиз, биродарлар. Албатта, одам баъзида, одамлар ичида муҳаббат қозонишликни хоҳлайди. Аллоҳнинг мўмин бандаларини, сизга муҳаббат қилишини орзу қилишлик айбмас. Одамларнинг муҳаббатини қозонишни, битта йўли бор. Агар одам ўзича муҳаббат қозонаман деса, тўқсон кун одамлар кўнглини олиб, бир кун бепарво бўлса, шу куни, ундан хафа бўлади. Инсонларнинг муҳаббатини, уларга қараб, уларнинг розилиги билан, олиб бўлмайди.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар.

أبي هريرة ، عن النبي ﷺ قال: إن الله تعالى إذا أحب عبدا دعا جبريل، فقال: إني أحب فلانا فأحبه، فيحبه جبريل، ثم ينادي في السماء، فيقول: إن الله يحب فلانا فأحبوه، فيحبه أهل السماء، ثم يوضع له القبول في الأرض، وإذا أبغض عبدا دعا جبريل، فيقول: إني أبغض فلانا فأبغضه. فيبغضه جبريل، ثم ينادي في أهل السماء: إن الله يبغض فلانا فأبغضوه، ثم توضع له البغضاء في الأرض، رواه البخاري،

Аллоҳу таоло бир бандани яхши кўрса, Жибрилга нидо қилади. Аллоҳ фалончини яхши кўради. Сиз ҳам яхши кўринг, дейди. Жибрил алайҳиссалом уни яхши кўради ва осмон аҳлига нидо қилади. Аллоҳу таоло фалончини яхши кўрди, сизлар ҳам яхши кўринглар, дейди. Уни осмон аҳли яхши кўради. Кейин, ерда қабулият вужудга келади. Демак, ердаги одамларга мақбул бўлишлик учун, Аллоҳ яхши кўришлиги керак. Аллоҳ бизни яхши кўришлиги учун, нима қилиш керак?

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ ۗ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Оли Имрон сураси 31 оят

Айтинг, деяпди, Аллоҳу таоло, Муҳаммад алайҳиссаломга, Аллоҳни яхши кўраман деган одамларга, менга эргашинг, деб, айтинг. Аллоҳ сизни яхши кўради.

Аллоҳни яхши кўргандан кейин, Жибрил алайҳиссалом уни яхши кўради. Жибрил алайҳиссалом яхши кўргандан кейин, осмон аҳли яхши кўради. Осмон аҳли яхши кўргандан кейин, ердаги одамлар яхши кўради. Демак, расулига эргашиш, тамоми ер куррасидаги муҳаббатга эришишликдир. Саҳоба разияллоҳу анҳум ажмаинни, қиёматгача, Ҳамма одамлар дуо қилишади. Улар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашган эдилар. Улар Расулига эргашиб, молу давлатидан воз кечиб, Мадинага ҳижрат қилиб кетдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларнинг қалбида, Расулининг муҳаббатини, бошқа ҳамма нарсанинг муҳаббатидан, афзал қилган эди. Улар Расулига бор вужудлари билан эргашдилар.

Улар ҳатто, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, жаннатда бирга бўлолмай қолишни ўйлаб, ўзгариб қолишардилар. У кишининг мартабалари баланд ва бизники паст деб, шунчалик муҳаббат қилишардилар.

ولا يحب رجل قوما إلا خسر معهم” وروى أحمد مثله

Ҳадисини эшитиб хурсанд бўлишдилар. Ким бир қавмни яхши кўрса, уларнинг жамоасида Маҳшарда туради, дедилар.

أبي موسى الأشعري : أن النبي ﷺ قال: المرء مع من أحب متفق عليه

Киши яхши кўргани билан, бирга бўлади, дедилар.

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

Тавба сураси 100 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, биринчи Муҳожирлар ва уларни қабул қилиб олган Ансорлар ва уларга қиёматгача, эҳсон, Аллоҳни кўриб тургандек, ё Аллоҳ мени кўриб турибди, деган эътиқод билан эргашган кишилардан, Аллоҳ рози бўлди. Улар Аллоҳдан рози бўлишди. Демак, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашишликка, буюрилди.

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Оли Имрон сураси 31 оят

Кейин, бошқа оятда, وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَنٍ оятидаги замири, Муҳожирларга ва Ансорларга боради. Демак, Муҳожир ва Ансорларга эргашувчиларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг ризосини, ваъда қилаяпти. Улар ҳам Аллоҳдан рози бўлишади, деб, ваъда қилаяпти. Демак, бу эргашишда, Аввало, Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлишлик ва одамларнинг ҳам муҳаббатига сазовор бўламиз. Қиёматгача, саҳобаларнинг ҳаққига дуо қилинади. Ниманинг натижаси? Улар Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлишганди.

Аммо, бир киши, одамларни рози қиламан деб, туриб, Аллоҳнинг ғазабини келтирса, Аллоҳ унга, шу одамларни ғазабланидиган қилиб қўяди. Мана, ҳаётда кўринг, бировни кўнглини оламан деб, шариатдан чиқинг. Наузан биллоҳ, шариатга хилоф иш қилинг. Аллоҳ сизга ана шу одамни ғазаблантириб қўяди. Биринчи, Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлсак, биз Аллоҳнинг ҳимоясига кирамиз, биродарлар. Суннат аҳлини муҳаббат қилишлик ва уларни дўст тутишлик ҳақида, саҳобалар ва тобеъинлар ва ўтган уламолардан ҳам, кўп асарлар қолган.

Суфёни Саврий айтган эканларки,

قال الإمام سفيان الثوري: استنصوا بأهل السنة خيرا، فإنهم غرباء

حكم الأثر: صحيح

Аҳли суннага, яъни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилган кишиларга яхшилик қилинглари. Чунки, улар ғариблардир, деган эканлар.

قال سفيان الثوري: (إذا بلغك عن رجل بالمشرق صاحب سنة وآخر بالمغرب فابحث إليهما بالسلام وادع لهما ما أقل أهل السنة والجماعة

Машриқда турган бир киши ҳақида у соҳиби сунна, суннат эгаси, деган хабар етиб келган бўлса, Бошқаси Мағрибда бўлса, у ҳақида у соҳиби сунна, суннат эгаси, деган хабар етиб келган бўлса, сен уларга салом йўлла ва дуо қилгинки, аҳли сунна қандаям кам? Деган эканлар. Жамоалар бор, биродарлар. Мана, масжидларда жамоалар бор. Лекин, аввал суннат аҳли бўлиши керак. Кейин, шулардан жамоа ташкил бўлиши керак. Ана шу жамоа, ғариблар жамоасидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нусратини берадиган жамоа шудир. Ҳозирги вақтда, масжидларда жамоалар бор. Лекин, улар аҳли жамоа фақат. Аҳли сунна эмас. Аввал аҳли сунна бўлиб, кейин, шу аҳли суннадан, жамоа ташкил топиши керак.

Ғарибликнинг баъзи турларига ишора қилиб ўтаман.

Биринчиси, шариатнинг баъзи йўллари, ғариб бўлиб қолади. Одамларга нотаниш бўлиб қолади. Маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш, ҳозирги вақтда, ғариб бўлиб қолган, биродарлар. Маъруф нима? Шариат буюрган ишлар. Мункар нима? Шариат қайтарган нарсалар. Шариат буюрган нарсага буюриш ва Шариат қайтарган нарсадан қайтариш, йўқ бўлиб қолган. Ўзимизни олиб кўрсак, намозга буюрамиз. Рўзага буюрамиз. Аммо, шариатнинг бошқа томонларини баён қилолмаймиз, биродарлар. Одамлар орасида шариатнинг тўла баён қилишлик, ғариб бўлиб қолган биродарлар.

Бир киши бир нарсага амал қилади. Шунга кифояланиб қолган. Бир томондан ўзи бир суннатни қилади. Унга бир бошқа суннатни айтсангиз, қабул қилмайди биродарлар. Балки, у ҳавосига тўғри келиб қолган суннатга, жуда амал қилади. Мана шу сабаб, бизларнинг диёримизда, жуда кўп суннатлар ғариб бўлган. Аҳли сунна, суннатга амал қилувчи кишилар, табиатан ғариб бўлиб қолади.

Иккинчиси, макондаги ғариблик. Ислом баъзи ўринларда ғарибдир, биродарлар. Бир киши бир диёрга борса, ўзининг масжидидаги ҳолатни тополмайди. Баъзи, маҳалларда ниҳоятда ислом ғарибдир. Исломдан гапирсангиз, бошлади яна, охиратдан гапиришни дейди. Қўрқитавурасанми бизни? дейди. Улар Исломни қайси ҳукмини айтсангиз ҳам тушунмайди. Гапирсангиз, исломни тушунадиган одамни бўлишлиги ҳам, бахтдир, биродарлар. Баъзи жойларда Исломни гапирсангиз, Ислом у ерда, ғариб бўлади.

Учинчиси, Замондаги ғариблик. Баъзи замонларда Ислом ғариб бўлади, биродарлар. Даврлар ўтиши билан, одамлар Исломни тушуниб тан олади. Ҳақиқат билан, суннатга амал қилиб ўтган уламолар, Аллоҳ раҳмат қилсин, шу замонларда, жуда ғариб бўлдилар. Ҳақиқатни гапирсалар, ҳеч бир қабул қилмайдиган одамлар билан, бирга яшашди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати бўлсин уларга. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам меърожга чиққанида, баъзи пайғамбарларнинг уммати жуда оз. Баъзи пайғамбарларнинг уммати, бармоқ билан санарлик. Баъзи пайғамбарларнинг уммати иккита. Баъзи пайғамбарларнинг уммати битта. Баъзи пайғамбарларни кўрдим, уммати йўқ эди, дейдилар. Шунчалик даъват натижасида, бирор бир киши, динни қабул қилмаган кишилар ҳам бўлган. Жуда ҳам ғариб бўлишган пайғамбарлар. Аллоҳнинг ризоси бўлсин, ҳаммаларига. Улар ғурбатнинг энг юқори қисмини, кўриб ўтишди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг иродаси шу бўлди. Уларга эргашган кишилар, бошларига ғариблик тушган вақтида, Пайғамбарлар, Аллоҳнинг яқин дўстлари, шунчалик ғарибликни босиб ўтганлигини кўриб, ўзини, сен кимсан? Сен албатта, ҳақ йўлда бўлиб, ҳеч нарса бошингдан кечирмаяпсан? деб, ўзига ўзи, таскин беришлик учун бўлса керак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шундай ирода қилди. Пайғамбарлар йўли, барҳақ бўлиб қолди. Бошқаларнинг йўли, йўқ бўлиб кетди. Юнон давлати минг йил ҳукм сурди. Улардан ҳозирги одамлардан сўрасангиз, ҳеч қандай асар қолмади. Фахрланган Абу Жаҳллар ҳаммаси, малъун бўлиб, тарихда қолди. Ҳақ йўлдаги кишилар, агарчи ўз даврида заиф кишилар бўлса ҳам, булар келажак даврларда, одамларнинг суюмлик кишисига айланди.

Булар тўхтамасдан кўз ёши билан, дуо қиладиган, кишиларга айландилар. Умайя ибн Халаф, малъун бўлиб қолди. Унинг қўлида қул бўлган Билол, қиёматгача бўлган муаззинларнинг устозига айланди. Билоли Ҳабашийни билмаган хонадон қолмади, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг иззати, мана бу тарафда. Инсоннинг бошига тушган ғурбат қанчалик қаттиқ бўлса, Аллоҳ тарафидан бериладиган иззат ҳам, шунчалик катта бўлади. Бу дунёда бировнинг номини эсладик нимаю, эсламадик нима? Бизни эслашимиз билан, улар улуғ бўлиб қолмайди. Бизнинг эсламаслигимиз билан, уларнинг иззати камайиб қолмайди.

Лекин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг мукофоти, уларни кутиб турибди. Кўплари мукофотларнинг, бир қисмини олишди. Бошқа кўп мукофотлари, уларни кутиб турибди. Шундай ғариблар борки, ҳаётда уларнинг номлари ҳам қолмади. Аммо, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг мезонида, улар улуғ зотлар бўлиб қолди. Умар ибн Хаттоб, Форс ҳукмдорига қарши Қодисийяга лашкар жўнатганларида, у ердаги жанг жуда қаттиқ бўлди. Чунки, ер юзидаги энг кучлик ҳукмдор, Форс ҳукмдори эди. Қодисийя жанги деб, аталади. Шунга Нуъмон ибн Муқаррин номлик киши бошчилигида лашкар жўнатгандилар. У ерда кўп воқеъалар бўлди. Оғир шаҳидлар бўлди. Нуъмон ибн Муқаррин ҳам шаҳид бўлди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга зафар бердида, Форс ҳукмдорлиги тугатилди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг халифалари, Умар ибн Хаттоб ҳар куни Мадинанинг ташқарисига чиқиб, хабар кутиб турардилар. Жазирама иссиққа чидолмай, қайтиб кириб кетардилар. Шунда элчи келди. Нима хабар эй элчи? деб сўраганларида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Исломга зафар берди. Нуъмон ибн Муқаррин ҳам шаҳид бўлди. Деганларида, у киши Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун деб, йиғладилар. Бошлари ерга етадиган даражада, қаттиқ йиғи тутди, у кишини. Шунда, бу кишини Умар ибн Хаттоб эканлигини, у элчи билмасди. Шунда кириб, Амирул Муъминин қани деб, сўраганларида, у кишини кўрсатганида, мени хабардор қилмабсизда, ё Амирул Муъминин деди. Шунда, унга зарари йўқ, дедилар.

Элчи у кишини кўп йиғлаётганини кўриб, машҳур кишилардан Нуъмон ибн Муқарриндан бошқалари шаҳид бўлгани йўқ, кўп ғамгин бўлманг, деганида, Умар ибн Хаттоб у элчига қараб айтдиларки, эй нодон, Умарнинг танишлигини, уларга нима манфаати бор? дедилар. Уларни шаҳидлик билан мукаррам қилган Зот, уларни яхши танийди, дедилар. Уларнинг насабларини ҳам танийди. Номларини ҳам билади. Шаҳидлик билан мукаррам қилган Зот, Ўзи охиратда, мукаррам қилишлигини ҳам билади. Мени танишлигимни ва танимаслигимни нима аҳамияти бор? дедилар.

Ҳақиқатда ҳам биродарлар, мен шуни кўп эслатгим келадики, бизнинг жамоамизда ҳам, кўп Исломга хизмат қиладиган кишилар борки, уларни шуҳратлик одамлар билмайди. Номини ҳам билмайди. Нима қилганлигини ҳам билмайди. Билишлигини ҳеч манфаати ҳам йўқ, биродарлар ўзи! Уларни Исломни хизматини қилишлик билан, мукаррам қилган Зот, Ўзи уларни, ниҳоятда яхши танийди. Мукофотни беришликда, Ўзи яхши танийди. Уларни махфий қилишликка йўллаган Зот, ўзи яхши танийди. Шундай жамоалардаги ғарибларга, жаннат бўлсин! Чунки, бу ғариблар, ўзларининг риёкор бўлишлигини хоҳламайдилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу дарсимизга, амал қилишликка тавфиқ берсин! Ғариблар ҳақидаги аввалги дарсимиз, ғарибликни бир қисмига чекланган эди. Бугунги дарсимизни шунга боғлаган бўлдик. Ғариблар кимлигини ҳаммамиз, яхши билиб олишимиз керак. Ҳаммамиз ғарибман дейишликка, ҳаққимиз йўқ. Модомики, одамлар бузган суннатларни, ихё қилолган кишилар бўлсак, шунда Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган, жаннат бўлсин деган, ғариблардан, шунда бўламиз, биродарлар.

(Шу ерда қатор саволларга жавоб берилади.)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўтган гуноҳларимизни, мағфират қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломига хизмат қиладиган, кишилардан қилсин! Ҳақ йўлга ёрдам берадиганлардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳақни билмайдиганларга ҳам билдирсин! Биродарлар шуларнинг ҳаққига дуо қилайликки, ҳақни кўп одам билмай юрибди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шуларга ҳам, ҳақни билдирсин! Жаҳаннам йўлидан чиқарсин ва жаннат йўлига олиб ўтиб қўйсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

48 дарс тугади.

49 Дарс

Дин ва Муроқаба қилиш ҳақида

(Бу дарс аввалида, Жибрил ҳадиси деб, ном олган машҳур ҳадис келтирилади. Кейин, ундаги эҳсон калимасига тўхталиб, шуни кенг суратда шарҳланади. Шу мавзуга доир, бошқа ҳадислар ҳам илова қилинади. Аллоҳ мени кўриб турибди, деган фикрни мўмин кишида доимо бўлиши, ундаги амалларга катта таъсир қилиши қатор мисоллар билан тушунтирилади. Дарс мавзуси, муроқабани муфассал тушунтиришликдан иборатдир.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Наби саллоллоҳу алайҳи васалламни, Пайғамбар қилиб жўнатишдан илгари, сони Ўзигагина маълум бўлган кўплаб Пайғамбарларни жўнатган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, рисолатга муҳр босилди. Энди қиёматгача Пайғамбарлик дарвозаси бекилди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган қуръони каримни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёматгача, бирор ҳарфига путур етмаган ҳолда сақлашликка, Ўзи кафил бўлди.

Шунинг учун, биз имон ва ислом асосларини, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг баёнларидан олишимиз керак. Бизга шу баён кифоя қилишлиги керак. Модомики, қуръон ва ҳадисда очиқ баён бўлар экан, биз унга қарши бўладиган баён қилишга, ҳаққимиз йўқ! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтади:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُبِينًا

Аҳзоб сураси 36 оят

Мўмин киши ва мўмина аёл учун, Аллоҳ ва Расули бир ҳукмни қилгандан кейин, ихтиёри бўлиши мумкин эмас.

وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُبِينًا

Аҳзоб сураси 36 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ким Аллоҳга ва Расулига осийлик қилса, ҳақиқатдан узоқ жойларга, адашиб кетибди, деди.

Дин маъноси ҳам, шундай бўлмоқлиги керак. Дин нима?

Биз бу саволга, қуйидаги ҳадис билан жавоб берамиз.

عن عمر -رضي الله عنه- قال: «بينما نحن جلوسٌ عند رسول الله -صلى الله عليه وسلم- ذات يوم إذ طَلَعَ علينا رجلٌ شديد بياض الثياب، شديد سواد الشعر، لا يرى عليه أثر السفر ولا يعرفه منا أحدٌ، حتى جلس إلى النبي -صلى الله عليه وسلم-، فأسند ركبتيه إلى ركبتيه، ووضع كفيه على فخذيه، وقال: يا محمد أخبرني عن الإسلام؟

Умар ибн Хаттоб ривоят қиладиларки, биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида ўтирган эдик. Кийими ниҳоят даражада оқ бўлган ва сочининг қоралиги жуда ҳам қора бўлган бир киши, олдимизга кириб келди. Бу кишининг устида сафар аломати кўринмасди. Уни ичимизда биров танимасди. Яъни, бу кишини мусофир десак, сафар аломати йўқ эди. Мусофир бўлмаса, биз танишимиз керак эди. Биз ҳам уни танимаймиз. Наби саллоллоҳу алайҳи васалламни олдиларига ўтирдиларда, иккита тиззаларини тиззаларига суяди. Ва иккита қўлларини, сонларини устига қўйди. Яъни, ўзини ўтириш одоб қоидаси билан ўтирдилар. Ва айтдиларки, ё Муҳаммад, мени Исломдан хабардор қилинг, деди.

فقال رسول الله -صلى الله عليه وسلم-: الإسلام أن تشهد أن لا إله إلا الله وأن محمداً رسول الله، وتقيم الصلاة، وتؤتي الزكاة، وتصوم رمضان، وتحج البيت إن استطعت إليه سبيلاً، قال: صدقت، فعجبنا له يسأله ويصدقّه

1. Ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳга шаҳодат бермоқлик

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ислом, ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳга шаҳодат бермоқлигинг, дедилар. Яъни, ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳ деб, айтиш, демадилар. Шаҳодат бермоқлигинг, дедилар. Шоҳид деб, гувоҳни айтамиз. Яъни, ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулуллоҳ деб, гувоҳлик беришни маъноси нима бўлади? Бир одамнинг ичидаги адоватига, унинг рангининг ўзгаришлиги гувоҳлик беради. Ла илоҳа иллоллоҳ калимаси, сиғиниладиган Маъбуд ягона, Муҳаммад алайҳиссалом, Аллоҳнинг элчиси деган, сўзимизга биз, гувоҳлик бермоқлигимиз керак. Қилаётган ишларимиз ва гапираётган сўзларимиз ҳаммаси, Аллоҳни ягона Маъбуд деб, тан олишликка далолат қилишлиги керак. Аммо, сўзимизда, Аллоҳни ягона Маъбуд деб, Ла илоҳа иллоллоҳ, десаю, қилаётган ишларимиз ширк бўлса, у Аллоҳни ягона Маъбуд деб, айтган сўзимизга, биз гувоҳлик бермаган бўламиз.

Демак, ислом деганда, биз тушунишимиз керакки, дақиқ ибора, Аллоҳни ягона Маъбуд эканига, гувоҳлик беришлик, дедилар. Гувоҳлик, бу исбот бўлишлиги керак. Демак, биз Аллоҳни ягона Маъбуд деган, сўзимизга, қилаётган амалларимиз, гувоҳлик бериши керак. Агар кимда ким, ўзи билан Аллоҳнинг ўртасига восита қўйган бўлса, Ла илоҳа иллоллоҳ, десаю, бу сўзига гувоҳлик берадиган амали, бунинг акси бўлса, яъни, Аллоҳ билан ўзининг ўртасидаги воситаларга ибодат қилса, бу нарсa гувоҳликмас, биродарлар. Ибодат деб, аталган нарсаларни, Аллоҳдан бошқага қиладиган бўлса, бу Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасига гувоҳлик бўлмайди, биродарлар.

Аллоҳдан бошқа воситага сиғинаётган кишилар ва Аллоҳдан бошқадан ёрдам сўраётган кишилар, Аллоҳдан бошқадан сўраётган кишилар, сўраш маъносини тушунайликки, ғайбий қувватлардан сўрашлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзидан сўрамоғимиз керак. У сабабларга боғланган нарсаларни, бир киши иккинчи кишидан сўрашлик, бу шаръий буюриқдир. (Мумкиндир) Аллоҳдан бошқага таваккул қилаётган кишилар, Аллоҳдан бошқага назр қилаётган кишилар, Аллоҳдан бошқага бирор ҳайвонни сўйиб, қурбон қилаётган кишилар, Ла илоҳа иллоллоҳ, калимасининг аксига, гувоҳлик бераётган кишилардир! Уларнинг қилаётган амаллари, Ла илоҳа иллоллоҳни, яъни, сиғиниладиган ягона Маъбуд фақат Аллоҳ эканлигини, инкор қилишликдир!

Муҳаммадур Расулulloҳ калимасининг маъноси, Муҳаммад алайҳиссалом, Аллоҳнинг элчисидир. У кишини Аллоҳнинг элчиси, амин, омонатлик одам, деб, билган одам, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафидан бир сўз келганда,

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ
Нажм сураси 3 оят

Бу киши Аллоҳнинг элчиси. Ҳавосидан гапирмайдилар. Хоҳишларидан гапирмайдилар.

إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ
Нажм сураси 4 оят

Бу киши гапираётган сўзлар, Аллоҳ тарафидан ваҳй қилинган сўзлар деб, тан олишлик, бунга гувоҳлик беришлик, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафидан бир ҳукм келганда, уни қабул қилмоқликдир! Мана бу гувоҳликнинг маъносидир, биродарлар.

2. Намоз ўқишлик.

Намозни барпо қилишлик. Намозни ўқишлик, демадилар. Намозни ўқишликни ўзигина, кифоя қилмайди, биродарлар. Намозни барпо қилишлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг каломида, намозни ўқимайдиганларга, катта ваъидларни баён қилган. Жаҳаннам посбонлари, аҳли дўзахлардан, сизларни жаҳаннамга нима киритди? деб, сўрар эканлар.

مَا سَلَكَكُمْ فِي سَقَرٍ
Муддассир сураси 42 оят

قَالُوا لَمْ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ
Муддассир сураси 43 оят

Намоз ўқувчилардан бўлмадик, шунинг учун, дейишади. Кейин бошқа сабабларни ҳам айтишади.

وَلَمْ تَكُ نَظْعُمُ الْمُسَكِّينَ وَكُنَّا نَخُوضُ مَعَ الْخَاصِصِينَ وَكُنَّا نَكْذِبُ بَيَّومِ الدِّينِ
Муддассир сураси 44,45,46 оятлар

Мана бу сифатларнинг биринчисида, намоз ўқимабмиз, деган сифат келади. Шу билан бирга, қуръони каримда, намозига бепарво бўлган одамлар ҳолига вой деб, эълон қилинди.

فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ . الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ
Моун сураси 4, 5 оят

Намозлардан бепарво бўлган одамлар ҳолига вой бўлсин. Вайл, жаҳаннам дейилган, баъзи тафсирларда. Намозни барпо қилишлик, исломдир, биродарлар. Намозни барпо қилишлик, нима дегани? Намозни барпо қилувчиларнинг устози, Муҳаммад алайҳиссаломдан, намозни ўрганишлик керак. Бу киши қандай ўқиган бўлсалар, шундай ўқишга ҳаракат қилмоқлик керак.

أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أَصْلِي
رواه البخاري في الصحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам намозни, мен ўқиганим каби, ўқинглар, дедилар.

Ўзинглар хоҳлагандек, ўқинглар, демадилар. Мен ўқиганим каби, ўқинглар, дедилар. Намозни барпо қилишни, бошқа маъноси йўқ, биродарлар. Намозни барпо қилишлик, бу Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан келган, муттафақун алайҳ бўлган, саҳиҳ ҳадисларда айтилган, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг намози каби, намоз ўқишликдир!

3. Закот беришлик.

4. Рўза тутишлик. Рамазонда рўза тутишлик.

5. Байтуллоҳни Ҳаж қилишлик.

Агар йўлга қодир бўлсанг. Байтуллоҳни Ҳаж қилишлик, дедилар. Йўлга қодир бўлишлик нима? деб сўрашдилар. Зод ва Роҳила, дедилар. Йўлга бориб келгунча етадиган миқдордаги маблағ ва маркаб, дедилар. Ҳозирги вақтда шу маркабга етадиган маблағга, қодир бўлинса, Ҳаж фарз бўлади.

Биз Ислом деганда, шу бешта нарсани тушунмоқлигимиз керак. Шу билан Ислом барпо бўлади. Шундай деб, жавоб берганларида, савол қилган киши, тўғри айтдингиз, деди. Биз ажабландик, дейди, Умар ибн Хаттоб. Чунки, саҳобалар, у кишига тўғри айтдингиз, деган сўзни айтишмасди. Албатта, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари тўғри бўлади. Яна савол қилиб, кейин тасдиқлашлиги ҳам, ажабланарлиқдир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни синаётгандек, ҳолат бўлди. Шунинг учун ажабландик, ўзи сўраб, ўзи тасдиқлаб қўяпди, дейди. Кейин, Имонни айтиб беринг, деди.

قال: فأخبرني عن الإيمان؟

Демак, Исломни биз тушундик. Имонни айтиб беринг, деганларида, Пайғамбар алайҳиссалом

قال: أن تؤمن بالله وملائكته وكتبه ورسله واليوم الآخر، وتؤمن بالقدر خيره وشره

Аллоҳга, имон келтиришлик. Аллоҳу Роббил оламин, Ҳақ Зот. Аллоҳу Роббил оламин, ягона Маъбуд. Аллоҳнинг барча сифатларига имон келтиришлик.

Аллоҳнинг фаришталарига имон келтиришлик. Аллоҳнинг малоика деб, аталган махлуқлари бор. Буларнинг сифатларини танишда, қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келган сифатлардан, ташқарига чиқмаймиз. Уларнинг сифатларидан биттаси, улар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг амрини қилишади ва Аллоҳга ҳеч осийлик қилишмайди. Уларнинг катталари, Кироман Котибин, киром деб, ҳурматли деб, Аллоҳу таоло мақтаяпди. Малоикаларнинг қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келган сифатларини биз тасдиқлаймиз.

Аллоҳнинг китобларига имон келтиришлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўтган Пайғамбарларнинг баъзиларига, китоблар нозил қилган. Булардан бизга хабар берилганлари саҳифалардан ташқари, Таврот, Инжил, Забур, Қуръони каримдир.

Аллоҳнинг Пайғамбарларга имон келтиришлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кўп Пайғамбарлар жўнатди. Биз буларни тасдиқ қиламиз. Буларни башарийятнинг ҳидоятига сабаб бўлиши учун, жўнатилинган, Аллоҳнинг улуғ бандалари деб, биламиз.

Қиёмат кунига имон келтиришлик. Яъни, бу ҳаёт умрининг охири эмас. Бу ҳаётдан кейин, абадий ҳаёт бошланади. Унда ҳамма инсонлар, ўзларининг бу ҳаётлари учун, ҳисоб берадилар. Инсон қадами силжимасдан туриб, умридан сўралади. Йигитлигидан алоҳида сўралади. Молини қаердан топган ва қаерга сарфлаганидан сўралади. Буларнинг ҳақлигини тан оламиз. Китобу суннатда баён қилинган қиёмат кунда бўладиган воқеаларни тасдиқлашлик, имон рукнларидан биттасидир.

Қадарга имон келтиришлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаётда, яхшилик ва ёмонликни яратди. Ва яхшилик нима эканлигини ва ёмонлик нима эканлигини, инсонга билдириб қўйди.

وَهْدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ

Балад сураси 10 оят

فَأَلْهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا

Шамс сураси 8 оят

Инсонга тақво ва гуноҳ нима эканлигини, билдириб қўйди. Инсон яхшилик қилишликка буюрилди ва ёмонлик қилишликдан қайтарилди. Қадарга имон келтиришлик, имон рукнларидан биттасидир. Ҳадиси шарифларда келадики, Қадарга имон келтирмаган киши, Уҳуд тоғича олтинни, садақа қилса ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қабул қилмайди, агар Қадарга имон келтирмаган бўлса. Бу жавобларни берганида, у киши, тўғри айтдингиз, деди. Ва яна

قال: صدقت، فأخبرني عن الإحسان؟

Эҳсон ҳақида хабар беринг, деди. Эҳсон нима? Биз иқтисод фалсафасини, "илоҳ" қилиб олган ҳаётда ўсганлигимиз учун, ҳамма нарсани иқтисодга боғлаб тушанамиз. Эҳсон деганда, биз ейдиган нарсани беришни тушунамиз. Тизза бўйи нонлар қўйилган зиёфатларни эҳсон деб, атадик. Эҳсон деганда, зиёфатдан бошқа нарсани, тушунмай қолдик. Эҳсон нима? деб, савол қилинишидан, бу зарур масала эканлиги билиняпти. Эҳсон нима? деганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам

قال: أن تعبدَ اللهَ كأنَّك تراه، فإن لم تكن تراه فإنه يراك

Аллоҳни кўриб тургандек, ибодат қилишлигингиз, дедилар. Яъни, Аллоҳга кўриб тургандек, сиғинишлик. Агар Аллоҳни кўриб турибман, деган тасаввурни сиғдирилмасангиз, Аллоҳ мени кўриб турибди, деган эътиқод билан, ибодат қилишингиздир, дедилар.

قال: فأخبرني عن الساعة؟

Қиёматни айтиб беринг, деди.

قال: ما المسؤول عنها بأعلم من السائل

Сўралувчи, сўровчидан олимроқ эмас, дедилар.

قال: فأخبرني عن أماراتها؟ قال: أن تُلدَ الأمةُ ربَّتها

Аломатларидан хабардор қилинг, деганларида, Чўри ўзининг хожасини туғиши, аломатларидан, дедилар.

وَأَنْ تَرَى الْخِفَاءَ الْغُرَاةَ رِعَاءَ الشَّاءِ يَتَطَاوَلُونَ فِي الْبُنْيَانِ

Яланг оёқ, яланғоч, камбағал чўпонларни, биноларда фахрланишлигини кўришлигини, қиёматнинг аломатларидан, дедилар. Яъни, чўпон одамлар, қўйининг бир ердан бошқа ерга ўтиб, кетгунча, бир муддат бир ерда туради. Шундай одамларнинг озгина муддатга, шундай фахрланадиган бинолар қуриши, қиёматнинг аломатларидан, дедилар. Чўри ўзининг хожасини туғиши ҳақидаги ҳадисга, уламолар кўп маъно берганлар. Шулардан биттаси, қиёматга яқин, бир даврлар бўладики, оналар фарзандининг хизматкорига айланиб қолади. Фарзандининг хизматкорига айланиб қолиш даври, валлоху аълам, келиб қолди. Текшириб кўрилса, аксар одамлар ота онасининг тириклигига хурсанд. Нима учун?

Уйни пойлаб ўтирадиган одам борлиги учун. Ёинки, фарзандларини тарбияхонага, (боғчага) олиб бориб берадиган, бир хизматкор борлиги учун. Уни тарбияхона дейсизми, ё тарбиясини бузадиган жой дейсизми, бу ўзингларга ҳавола. Ана шунинг учун, ота онаси борлигига хурсанд, биродарлар. Демак, аёл ўзининг буйруқ қиладиган хожасини, туғиб қўйган экан. Мана буни қиёматнинг аломатларидан, дедилар.

ثُمَّ انْطَلِقْ فَلَيْتَ مَلِيًّا

Кейин, бу савол берувчи киши кетди. Биз озгина турдик, дейдилар, Умар ибн Хаттоб разияллоху анху.

ثُمَّ قَالَ: يَا عَمْرُؤُتَدْرِي مَنْ السَّائِلُ؟

Кейин, Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам, Эй Умар, бу савол қилган киши, кимлигини биласизми? Дедилар.

قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ.

Аллоҳ ва Расули билувчироқ, дедим.

قَالَ: فَإِنَّهُ جَبْرِيلُ أَتَاكُمْ بِعِلْمِكُمْ دِينَكُمْ

Бу Жибрил, сизларнинг олдингларга келди. Мен билан савол жавоб қилиш учун келгани йўқ! Сизларга динингларни таълим беришлик учун, келди, дедилар.

Демак, Дин нима?

Дин нима? деган саволга, ўзимизча жавоб берамизми? Йўқ!

Дин нима? деган савол шунчалик муҳим бўлдики, Аллоҳ Субҳонаху ва таоло, тамоми Пайғамбарларнинг хизматкори бўлиб, Аллоҳ тарафидан ваҳйни олиб келган, малиокаларнинг энг улуғларидан бўлган, Жибрил алайҳиссаломни, башарийятнинг саййиди, ҳамма пайғамбарларнинг улуғи бўлган, Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдида туширди. Дин нима эканлиги, инсонларга аниқ бўлишлиги учун, Ўзининг энг улуғ фариштасини, энг улуғ инсонга, инсоният тарихида, Муҳаммад алайҳиссаломдан улуғ зот бўлган эмас. Мана шундай улуғ зотга савол бериб, бу улуғ зот жавоб бериб турадиган, мана шу шаклда, билдиришликка муҳтож бўлди.

Демак, Дин нималигини билишликда, биз бу ҳадисга, қаттиқ муқайяд бўлмоғимиз керак. Бу ҳадисга муқайяд бўлсак, қандай натижа чиқади? Натижа шуки, Исломни биз, Жибрил алайҳиссаломни саволига, Муҳаммад алайҳиссалом қандай жавоб берган бўлсалар, шундай жавоб билан, тушунтирмоғимиз керак. Имон нима? Деганда, қандай тушунтирган бўлсалар, шундай тушунтирмоғимиз керак. Дин деганда, имон ва исломни ўзига чекланишимиз хатодир, биродарлар. Дин деганда биз, эҳсонни ҳам тушунмоғимиз керак.

Қиёмат қачон бўлади, деган саволга ҳам, биз диндорликни даъво қилар эканмиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи билади, демоқлигимиз керак. Қиёматнинг аломатлари ҳақидаги ҳадисларни, тасдиқлашимиз керак. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, Қиёматнинг аломатлари ҳақидаги саҳиҳ ҳадисларини, тасдиқлашимиз керак. Қиёматнинг аломатлари ҳақида, гапиришга ҳаққимиз бор. Модомики, ҳадис саҳиҳ бўлиши шарт билан. Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги савол жавобларнинг ҳаммасини, Дин деб, атадилар. Мен шу Эҳсонни ҳам Дин, деган, калимада, тўхталиб ўтмоқчиман.

Эҳсон, мана Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг таърифларида,

قال: أن تعبد الله كأنك تراه، فإن لم تكن تراه فإنه يراك

Аллоҳни кўриб тургандек, ибодат қилишлигингиз, дедилар. Яъни, Аллоҳга кўриб тургандек, сиғинишлик. Агар Аллоҳни кўриб турибман, деган тасаввурни сиғдирилмасангиз, Аллоҳ мени кўриб турибди, деган эътиқод билан, сиғинишлигингиз, дедилар. Демак, муножабат, ҳар бир амалда, Аллоҳ кўриб турибди, деган муножабатни бўлишлиги, Дин маъноларининг биттасидир. Модомики, инсонда мана шу сифат топилмас экан, Дин маъноси, комил суратда мужассам бўлмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда,

يَعْلَمُ خَائِنَةَ الْأَعْيُنِ وَمَا تُخْفِي الصُّدُورُ
Ғофир сураси 19 оят

Хиёнатлик кўзларни, Аллоҳ билиб туради. Қалблар бекитган нарсани, билиб туради, деди.

إِنَّ رَبَّكَ لَبَاْلِمْرَصَادِ
Ғажр сураси 14 оят

Роббингиз назорат қиладиган ўриндадир. Мирсод бу ниҳоят даражада дақиқ назорат қилиб туриладиган ўринни, ҳатто кичик ҳаракатларни ҳам, жиҳозлар билан кузатиб туриладиган ўринни, луғавий маъносидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳеч қандай жиҳозга муҳтожмас. Инсонни ниҳоятда дақиқ даражада, кузатиб туради.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَخْفَىٰ عَلَيْهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ
Оли Имрон сураси 5 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, еру осмонда ҳеч нарсаси, махфий эмас.

وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ
Ҳадид сураси 4 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизлар билан биргадир, қаерда бўлсанглар ҳам.

Инсон агар ўзи билан, фарзанди доим бирга юрса, у амалларини анча тўғрилаб, юрган бўларди. Чунки, фарзанди борида ёки, ўзини тенгдошлари боридаги, ҳаракатини эҳтиётлик билан, кузатиб боради.

وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ
Ҳадид сураси 4 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизлар билан биргадир, қаерда бўлсанглар ҳам деяпти. Инсон мана бу муножабатни, доим Аллоҳнинг ўзи билан бирга эканлигини, ўзига мужассамлаштирмаса, Дин маъноси, комил суратда, унда мужассамлашмайди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Имон ва Исломи ёнида, Эҳсонни ҳам баён қилдилар. Буларни барини Дин деб, атадилар. Жибрил алайҳиссалом Динни таълими учун келдилар, деб, баён қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар. Бу киши, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларида, ёш эдилар.

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال: كنت خلف النبي صلى الله عليه وآله وسلم يوماً فقال: (يا غلام إني أعلمك كلمات

Бир кун Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида турган эдим. Эй ўғлим, мен бир неча сўзларни, сизга таълим бераман, дедилар.

احفظ الله تجده تجاهك

Аллоҳни доим муҳофаза қилинг. Аллоҳ сизни сақлайди.

Биз мана шу таълимларини ўзимизга мужассамлаштириб олсак, Аллоҳни сақланг, яъни, Аллоҳни буйруқларга риоя қилинг. Аллоҳ сизни сақлайди. Биз, Аллоҳнинг буйруқларини риоя қилмаймиз. Аллоҳ бизни сақламайди, биродарлар. Аллоҳни риояси бўлмагандан кейин, бизни ҳам, ҳеч қандай риоямиз бўлмайди. Мана бу мувожабадир бу. Аллоҳни доим бор деб, бирга турибди биз билан, бизни назорат қилиб, кўриб турибди, деган, эътиқоднинг маъноларининг биттаси бу.

، احفظ الله تجده تجاهك

Аллоҳни риоя қилинг. Аллоҳнинг буйруқларини риоя қилинг. Қайтарган нарсаларидан қайтинг. Аллоҳни рўбарўнгизда топасиз.

Ё, Аллоҳ, дейишингиз билан, сизни, Рўбарўнгизда жавоб қилади. Аллоҳнинг риоя қилинг. Аллоҳни рўбарўнгизда топасиз деб, Муҳаммад алайҳиссалом айтяпдилар. Биз бошимизга мусибат тушгандагина, Аллоҳни эслаймиз. Бошқа вақтда эсдан чиқарамиз. Бошимизга мусибатлар тушганида, фарёдлар чекамиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, риоя қилмайди.

إذا سألت فاسأل الله

Бир нарсa сўрасангиз, Аллоҳдан сўранг, дедилар.

وإذا استعنت فاستعن بالله

Ёрдам, мадад сўрасангиз, Аллоҳдан ёрдам сўранг, дедилар.

، واعلم أن الأمة لو اجتمعت على أن ينفعوك بشيء لم ينفعوك إلا بشيء قد كتبه الله تعالى لك
وإن اجتمعوا على أن يضروك بشيء لم يضروك إلا بشيء قد كتبه الله تعالى عليك، رفعت الأقلام وجفت الصحف
رواه الترمذي وقال حديث حسن صحيح

Шуни ҳам билингки, дедилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, болани қандай тарбия қилардилар? Билингки, дедилар, агар барча умматлар сизга манфаат етказишга жамланишса, Аллоҳ китобат қилганидан бошқа манфаат етказишолмайди. Агар умматлар ҳаммаси, сизга бирор зарар етказишга тўпланишса, ҳамма кучларию, молларини бир жойга жамлашиб, шу иттифоқ қилишса, зарар етказишга, Аллоҳ китобат қилганидан бошқа зарар етказишолмайди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам йигирма уч йил муддат, энг ашаддий душманлари ичида, ҳаёт кечирдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана шу оятни нозил қилганда,

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ ۚ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ ۚ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ ۚ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ
Моида сураси 67 оят

Эй Расул, Аллоҳ тарафидан сизга туширилган ҳукмларни етказинг. Агар етказмасангиз, Аллоҳнинг рисолат омонатини етказмаган бўласиз. Аллоҳ сизни, одамлардан сақлайди.

Муҳаммад ибн Маслама, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳимоя қилиб юрарди. Шу оят нозил бўлиши билан, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, жавоб сизга дедилар. Аллоҳ мени ҳимоясига олди, дедилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам йигирма уч йил муддат яшадилар. Аллоҳ китобат қилиб қўйган бўлса, уни биров қайтаролмайди, биродарлар. Аллоҳ китобат қилмаган бўлса, ҳеч ким бу зарарни олиб келолмайди. Имон, эътиқод, шундай бўлиши керак.

رفعت الأقلام وجفت الصحف

Бу ҳақда қаламлар кўтарилган. Ёзиб бўлинган. Саҳифалар қуриган. Сиёҳи қуриб бўлган, дедилар.

عن أبي ذرٍّ جُنْدَبِ بْنِ جُنَادَةَ، وأبي عَبْدِ الرَّحْمَنِ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، قَالَ: اتَّقِ اللَّهَ حَيْثُمَا كُنْتَ وَأَتِّعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمْحُهَا، وَخَالِقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ
رواهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Қаерда бўлсангиз Аллоҳдан тақво қилинг. Одамлар орасида ҳам, махфий ўринда ҳам, тақво қилинг, дедилар. Ёмонликка яхшиликни эргаштиринг, дедилар. Одамлар билан яхши хулқ билан хулқлашинг, яъни, аралашинг, дедилар.

Эҳсон маъноси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ни ҳар бир ўринда ҳозир деб, эътиқод қилишлик. Агар шу эътиқод инсонда комил суратда, мужассамлашмас экан. Дин маъноси, комил суратда мужассамлашмайди.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят ҳадиси шарифни, мазмунини айтиб ўтаман. Бани Исроилдан уч кишини, битталари баданига оқ тушган эди. Иккинчиси сочи тўкилиб, ўзбек тилида, кал деймиз, шундай бўлиб қолган эди. Яъни, бу жирканч одам бўлиб қолганди. Учинчиси, кўзи аъмо бўлган, уч кишини, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хабар бериб айтдиларки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларни имтихон қилишликни хоҳлади. Уларга бир фариштани жўнатди. Фаришта баданига оқ тушган одамни олдига келиб, сенга энг суюмли нарса нима? деб, савол қилганда, менга шу баданим чиройли бўлиб қолса. Одамлар жирканган нарса, мендан кетса, деди. Фаришта уни силаб қўйиши билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг мадади билан, бу зарар ундан кетиб, чиройли терилик бўлиб қолди. Молнинг қайсиниси сенга суюли деганда, туя деди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга, бўғоз туялар берди. Ва баракот ҳам берди.

Кейин, Фаришта иккинчи кишини олдига келиб, сенга энг суюмли нарса нима? деб, савол қилганда, менга шу чиройли сочим бўлса, деди. Шунда фаришта силаб қўйди. Аллоҳнинг қудрати билан, бунинг жирканч ҳолати кетди. Молларнинг қайсини истайсан? деганда, молим бўлса эди, деди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга, бўғоз қорамоллар берди. Аллоҳу таоло унга, баракот ҳам берди.

Кейин, Фаришта, Аъмнинг олдига келиб, сенга энг суюмли нарсa нима? деб, савол қилганда, менга шу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кўзимни қайтариб берса. Бир одамларни кўрсам, деди. Нима учун, аъмо одам, одамларни кўришликни орзу қилади? Одамларни кўрганидан кейин, одамлардан кўнгли айланиб кетади, биродарлар. Нима учун, аъмо одам, одамларни кўришликни орзу қилади? Чунки, қаерга борса, одамлардан аъмо киши, ёмонлик кўрмайди, биродарлар. Аъмо одамни кўриши билан, уни бир еталаб қўйсам, дейди. Унга бир яхшилик қилсам, дейди. Шунга, у бу одамларни бир кўрсам, булар қанақа одам экан, деб, орзу қилса керак?

Бу ҳаётдаги ҳақни айтганда, қарши чиқишларини, суратлари ўзгаришларини кўрмайди. Бир одамларни кўрсам, деди. Ҳақиқатда ҳам, одамларни яхшисини кўришликни, одам бир орзу қилади. Бу одамлар бир бирига, кўп озор беришлигини, бу аъмо одамлар кўрмайди. Буларни кўрганда, у бир томондан махфий неъматда яшаётганини ҳам, билган бўларди. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, кўзимни қайтариб берса. Бир одамларни кўрсам, деди. Фаришта бир силади ва Аллоҳу таоло кўзини қайтариб берди. Молни сўраганда, қўй деди. Унга болалайдиган қўйлар берилди. Туялар, моллар ва қўйлар баракотли бўлди. Бир неча водий қўй, мол ва туялар вужудга келди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларни имтиҳон қилган эди.

Кейин, Баданига оқ тушган одамни олдига, Фаришта одам суратида келдида, мен бир мискин одамман. манзилга етишга имкон бўлмай қолди. Энди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мадад берсагина етаман. Кейин, сенинг ёрдамнинг билан етаман, деди. Сенга чиройли ранг берган ва молу давлатлар берган Зотни, восита қилиб сўрайманки, менинг сафаримда, манзилимга етадиган бир ёрдам берсанг, деди. Жавобига нима деди? Ҳой сен бу молларни кўп кўриб турганинг билан, ҳаммасини ўрни бор, деди. Шунда Фаришта айтдики, мен сени таниганга ўхшайман, деди. Сен одамлар жирканиб юрган, баданига оқ тушган одаммасмидинг?! Аллоҳ сени баданингни чиройли қилиб қўйганди, деди. Эй, бу моллар, аждодма аждод мерос қилиб олинган бу моллар, деди. Фаришта, Агар сен каззоб бўлсанг, Аллоҳу таоло, илгариги ҳолатинга қайтаради, дедида, кетди.

Боши кал бўлиб, тузалган одамнинг олдига келди. Шу сўзларни унга ҳам айтди. Унинг жавоби, баданига оқ тушганнинг жавобидан бошқача бўлмади. Фаришта, Агар сен каззоб бўлсанг, Аллоҳу таоло, илгариги ҳолатинга қайтаради, дедида, кетди.

Кейин, Аъмнинг олдига келди. Мискинман, мусофирман. Йўл мени анча қийнади. Энди манзилимга Аллоҳнинг ёрдами билан кейин, сенинг ёрдамнинг билан, етаман, деди. Баъзилар шу калимада иштибоҳ бўлиб қолмасинлар. Агар Аллоҳ хоҳласа, ва сиз хоҳласангиз деса, ширк бўлади, биродарлар. Аллоҳ хоҳласа, кейин сиз хоҳласангиз деса, мумкин бўлади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ма шааллоҳу ва шиъта, деган калимани рад қилдилар. Ма шааллоҳу сумма шиътани рад қилмадилар. Сумма (кейин) билан айтинг, дедилар. Мана бу ерда ҳам, сумма (кейин) билан айтиляпти. Бу дарсни эшитаётган кишилар, шу ерига савол қилиб қолишмасинлар деб, тўхталиб ўтдим.

Фаришта аъмо бўлган кишига айтдики, сизга кўзни қайтариб берган Зотни восита қилиб сўрайманки, шу қўйлардан биттасини берсангиз, мен манзилимга етиб олсам, деди. У айтдики, мен бир аъмо эдим. Аллоҳу таоло менга кўзимни қайтариб берди. Камбағал эдим. Бу қўйларни ҳаммасини, Аллоҳ менга берди. Хоҳлаганингни ол, хоҳлаганингни қўй, деди. Бирортасини меҳнат қилиб, топмагандим, деди. Аллоҳу таоло баракоти билан берди, деди. Шунда Фаришта, молинг ўзинга бўлсин. Сизлар имтиҳонландинглар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сендан рози бўлди. Иккита шеригинга, ғазаб қилди, деди. (Иккала шериги, молу мулкдан жудо бўлиб, яна пес ва калга айландилар)

Инсоннинг мувоқабаси мувоҳожлик вақтида бўлади. Ҳатто, динга қарши турган одамлар ҳам, мувоҳожлик ва касаллик вақтида, ўнгланиб қолади. Жуда кўп одамларни кўрасиз, баданига оқ тушганидан кейин, намоз бошлайди. Жуда кўп одамларни кўрасиз, қаттиқ бир дардга чалингандан кейин, ибодат қила бошлайди. Жуда кўп одамларни кўрасиз, давлатманд вақтида ибодат қилмайди. Давлатидан маҳрум бўлгандан кейин, ибодат қила бошлайди. Жуда кўп одамларни кўрасиз, динга қарши қурашиб юради. Аммо, мартабасидан маҳрум бўлиб, мувоҳож бўлиб, лавозимларидан маҳрум бўлиб қолган пайтида, улар у ишлаган жойларига бориб туриб, тиланчилик қилмайди. Масжиддан тиламчилик қилади. Улар яхшилик қиладиган одамлар мусулмонлар бўлишини ва бошқа одамлар, раҳмсиз шафқатсиз эканлигини яхши англашади. Агар биз, бошимизга мусибат тушгандагина, Аллоҳни мувоқабаси қиладиган бўлсак, бизни бошқалардан фарқимиз бўлмайди, биродарлар. Жуда кўп одамларни кўрасиз, гуноҳга баданида қувват қолмаганидагина, гуноҳдан тийилади.

Аллоҳдан мувоқабаси қилмайди. Жуда кўп одамларни кўрасиз, маст қилувчи ичимликдан тийилмайди. Магар шуни ичсанг, эртага ўласан деган кун, тийилади. Шунда ҳам қалбида, ичсам, энди ўлмайдиган бўлдиммикин деб, истаб туради. Биз бошимизга мусибат тушган вақтдагина, мувоқабаси қилмайлик. Инсон ҳаётда, иккита имтиҳон бочқичини босиб ўтади. Ёшлик вақтида, куч қуввати бор вақтида, ёшлиқдан ибодатда ўлғайган ўғил ва қизлар, ҳавас пайтида Аллоҳ нимага буюрган бўлса қилиб, нимадан қайтарган бўлса қайтиб, ибодат қилса, ибодатнинг лаззати, мана бу вақтда бўлади, биродарлар. Мувоқабаси Диндир. Аллоҳ доим бизни кўриб турибди, деган эътиқод, Диндир! Дин маъноси шу бўлмаса, ҳаётимиздаги йўналишларнинг, ҳаммасига путур етади.

Мен ёши ўтганидан кейин, Аллоҳнинг йўлига қайтган одамларни, камситмоқчи эмасман. Аллоҳнинг ҳузурига кетаётганда, ҳақ йўлга қайтганлиги муборак бўлсин, у одамларга! Лекин, қариган вақтидаги мувоқабасида ҳам, уларда ихлос кўринсинки, қуввати қолмаганда гуноҳдан тийилиш билан, ихлос билан Аллоҳнинг йўлига қайтишликни, фарқи бўлмоқлиги керак! Жуда кўп суннат амалларни текшириб кўрадиган бўлсак, одамлар йигитлик даврида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашмайди. Мана бу вақтимизни зоеъ қилиб қўямиз, биродарлар. Мана бу вақтда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, қайси нарсалар эканига, эътибор бермоқлигимиз керак! Чунки, Исломининг аввалги рукни, Ла илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадан Расулulloҳ деб, гувоҳлик бериш билан деяпмиз. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг элчиси бўлсалар, бу киши ҳаводан гапирмасалар, у киши гапирган сўз фақат ваҳй бўладиган бўлса, биз у кишининг суннатларига эргашмоқлигимиз керак! Мана бу нарсаси биродарлар, мувоқабасининг маъносини баъзиларидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни кўриб турибди. Ҳар бир амалимизни билиб турибди. Амал қилаётган вақтимизда, Аллоҳнинг мувоқабатини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётдаги мувозанатимиз, ўнгланиб қолади, биродарлар.

Ислом ўзининг хилофатини, ҳаётда қуришдан илгари, ҳар бир кишининг қалбига қурди. Биринчи, қалбини назорат қиладиган, Иломий Халифалик, вужудга келди. Қалби инсоннинг ҳар бир ҳаракатини, кузатиб турди. Жиноятларга жазолар қўлланилган вақтларни, эслар эканмиз, мана шунда биламиз, инсонлар қалбида, бу мувоқабаси қанчалик қаттиқ бўлганлигини?! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига, исломни қабул қилганларидан кейин, зино қилган эркаклар ва аёллар ўзлари келишдиларки, бу гуноҳ ишни мен қилиб қўйдим, деб. Очиқ ойдин, ҳозир шуни жазосини олишликни хоҳлайман деб, ўзлари айтишди. Ҳатто, уларнинг қалбларидаги ўзгаришларни ҳам, ўзлари тан олиб айтишган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга келиб, сизни олдингизда бўлсак, худди жаннатни кўриб тургандек, жаҳаннамни кўриб тургандек, бўлиб турамиз. Сизни олдингиздан чиққандан кейин, бошқача бўлиб кетамиз. Мунофиқ бўлдим. Мунофиқни жазосини менга беринг деб, келишдилар.

Бу муроқаба бутун дунё маҳрум бўлган неъматдир, биродарлар. Магар мусулмонларгина, бу неъмат билан, неъматланишган. Бирор бир йўлда, Аллоҳ кўриб турибди, деб, гуноҳдан тийилишлик йўқ. Магар жазонинг қаттиқлигидан тийилади, халос. Мана шу неъмат билан, биз фарқлик бўлмоқлигимиз керак. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шу муроқабани, ўзларининг тилида айтсак, Эҳсонни, ҳар бир кишининг қалбига, буни Дин деб, олиб кирдилар. Агар бу эҳсон, инсон қалбида ихлос сифати мужассамлашмаса, у дини мукаммал бўлмайди, деган маънони олиб кирдилар.

Шундан кейин, мусулмонлар дунёси, шундай ҳолатга тушдики, уларнинг устидан назоратни кучайтиришликка ҳожат қолмади. Чунки, уларнинг назоратлари, қалбида ўрнашган эди. Ҳаттоинки, ихлосда улар шу даражага етишдиларки, қилаётган амалини биров билмаслигини хоҳладилар. Томошабин бўлиб турган одамлар билан, Аллоҳ кузатиб туришини, фарқини билишдилар улар! Бир амал қилаётган одамни, Аллоҳ кузатиб туриши қаердаю, уни заиф одамлар томошабин бўлиб туриши қаерда?! Улар инсонлар тамошобин бўлиб туришига, Аллоҳу Роббил оламинни, кўриб туришини алмаштирмадилар. Аллоҳу Роббил оламинни, кўриб туриши кифоя қилади, деб туришдилар. Шунинг учун, замони саодатда бўлган баъзи амалларни, хусусан ҳозирги даврда эсласа, наҳотки, шундай бўлганмикан? дейди. Мўмин одамлар, ўзларининг қалбидаги муроқабадан бўлган, озгина улуш билан, буни бўлганлигини тасдиқлашадилар.

Умар ибн Хаттоб доим Абу Бакр билан мусобақа қилар эканлар. Дунё ишидами? Йўқ!

وَفِي ذَلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ الْمُتَنَافِسُونَ
Мутоффифин сураси 26 оят

Охират ишида мусобақа қилишлик, инсонга манфаат беришлигини билишардилар. Қуръони каримни буйруғи эди бу. Инсон қалбига, кўп ғаризаларни ўрнатган Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, мусобақа ғаризасини ҳам ўрнатган. Дунёдаги ҳамма мусобақалар, одамлар ўртасида адоват, гина ва кудуратни ўрнатган ва ўрнатиб келмоқда биродарлар. Дунёдаги ҳамма мусобақаларга қаранг, ўйин мусобақаларига қаранг, меҳнат мусобақаларига қаранг, ҳаммаси бир бирига нисбатан, адоватлик бўлишган. Мисол учун, меҳнат мусобақасини олайлик. Бошқадан ўтиб кетишлиги учун, унинг меҳнат майдонларига зарар етишини, инсон ўзи хоҳлаб қолаверади. Бу мусобақалар инсонларга адоват уруғини ўрнатади. Шунинг учун Ислом, бирон бир дунё мусобақасини, таълим бермади.

فَوَاللَّهِ مَا الْفَقْرُ أَخْشَىٰ عَلَيْكُمْ، وَلِكِنِّي أَخْشَىٰ أَنْ تُبْسِطَ عَلَيْكُمُ الدُّنْيَا كَمَا بُسِطَتْ عَلَىٰ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ، فَتَنَافَسُوهَا كَمَا تَنَافَسُوهَا، وَتُهْلِكُكُمُ كَمَا أَهْلَكْتُهُمْ.
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам мен сизларни, камбағал муҳтож бўлиб қолишинглардан қўрқмайман, дедилар. Балки, сизларда дунё кўпайиб кетишидан ва шу дунё топишда, мусобақа ўйнашларингдан қўрқаман, дедилар. Бу нарса ўтган умматларни ҳалок қилган. Сизларни ҳам ҳалок қилишидан қўрқаман, дедилар.

Ҳақиқатда, дунё мусобақаси, ҳаммани бир бирига, адоватлик қилиб ташлади. Охират мусобақаси, инсонларга муҳаббат бағишлайди.

Умар ибн Хаттоб доим Абу Бакр билан охират ишида, мусобақа қилар эдилар. Шу кишидан доим олдинда бўлишини, хоҳлардилар. Умар ибн Хаттоб Мадинада бир аъмо кампирни борлигини эшитиб, шуни хизматини қилиб келаман деб, бордилар. Қарасалар, уйлари тозаланган. Овқатлари муҳайё турган экан. Бир неча марта борсалар, шундай ҳамма нарсаси муҳайё суратда топдилар. Бу ишни ким қилади? деб сўраганларида, у кампир, бир киши келади. Уйларни тозалаб, овқатларни тайёрлаб кетади. Номини сўрасам айтмайди, деди. Шунда Умар ибн Хаттоб кузатдилар. Ким қилаяпди экан бу ишни, деб, кузатдилар.

Қарасалар, ер куррасининг мусулмонларининг Халифаси, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу экан.

والله ما سبقت أبا بكر الصديق إلى خير قط إلا سبقتي إليه

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу билан, бирор яхшилиқда мусобақа қилсам, доим илгари бўлди мендан, деган эканлар. Бу мусобақа ўртада, муҳаббатни зиёда қилади. Бу мусобақа ғаризаси, биздан ажралмайди. Хоҳласак, охират ишида мусобақа ўйнайлик, у бизларни покласин. Хоҳлайлик дунё ишида, мусобақа ўйнайлик, у бизларни орамизда, ҳасад ва адоватларни пайдо қилсин. Мусобақа иштиёқи ҳам биродарлар, мулоқабати натижасида пайдо бўлади. Аллоҳ мени кўриб турибди, деган эътиқод мулоқабатини, биз ўзимизга жойласак, шундагина, бу ғариза ишга тушади.

عَنْ أَنَسٍ قَالَ: "إِنَّكُمْ لَتَعْمَلُونَ أَعْمَالًا هِيَ أَدَقُّ فِي أَعْيُنِكُمْ مِنَ الشَّعْرِ، كُنَّا نَعُدُّهَا عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ مِنَ الْمَوْبِقَاتِ" رواه البخاري. وَقَالَ: "الْمَوْبِقَاتُ" الْمُهْلِكَاتُ

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Бу киши узоқ умр кўрганлар. Анас разияллоҳу анҳуни онаси, ёшлигида Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни олдиға олиб келиб, бу хизматкорингизни дуо қилинг, деганларида, умри баракотли бўлсин, моли баракотли бўлсин, фарзандлари баракотли бўлсин, Аллоҳ гуноҳини мағфират қилсин, деб, тўртта дуо қилдилар. Умрлари баракотли бўлди. Ҳажжож ибн Юсуф даврида ҳам, у киши яшаганлар. Моллари баракотли бўлди. Ҳаммани боғи бир марта ҳосил берса, у кишиники икки марта берарди. Фарзандлари баракотли бўлди. Баъзи ривоятларда, жамоатга чиқмоқчи бўлса, орқаларидан эргашган жамоани, орқаси кўринмасди, дейилган. Фарзандлар ва набиралар салоҳиятли, шунақа баракотли фарзандлар бўлди.

Ҳозирда ҳам кўп кишилар, фарзанди ва неваралари билан фахрланиши мумкин? Лекин, у мабодо бир гуноҳ ишга юрса, ҳамма фарзандлари эргашади. Мабодо бир ибодат тарафига юрса, ёлғиз қолиши мумкин?! Тўртинчи дуоларини, гуноҳларини мағфират қилинишлигини, охиратдан умид қиламан, дедилар. Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, сизлар бир амалларни қилаяпсизларки, бу амаллар сизларнинг наздингизда, қилдан ҳам ингичка. Бу ҳеч нарсамас, дейсизлар. Биз бу нарсани, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларида, ҳалок қилувчи нарсалардан санар эдик, дедилар.

Ҳозирги вақтда ҳам қулоққа чалиниб қолади. Намоз ўқинг, рўза тутинг, деса, мен нима гуноҳимга намоз ўқийман? дейди. Мени гуноҳим бўлмаса, дейди. Бировни ҳаққини емасам, дейди. У Аллоҳнинг ҳаққини поймол қилишликни, назарга илмайди. Чунки, Аллоҳга имон келтирмаган у. Ҳозирги одамлардан бир савол қилинса, анча гуноҳларини гуноҳмас, дейди. Сизларнинг наздингизда, қилдан ҳам ингичка амаллар бор. Биз бу нарсаларни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларида, ҳалок қилувчи нарсалардан санар эдик, дедилар, Анас разияллоҳу анҳу.

Ҳозирги вақтда ҳам Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам буюрган суннатларни, ҳеч нарсамас, деб, санаётган одамлар бор. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хушбўй нарсаларни яхши кўрганлар. Ва мулозамат қилганлар, бу нарсага. Бу нарсалар ҳеч нарсамас деса ҳам, озроқ нарса бўларди. Сассиқ нарсаларни ҳам, ҳеч нарсамас дейдиганлар бор. Масалан кашандаликни, ҳеч нарсамас, дейдиган кишилар бор, биродарлар. Анас разияллоҳу анҳунинг сўзлари, жуда илгари айтилинган сўз. Бу кишини, Сизларнинг наздингизда, қилдан ҳам ингичка амаллар, деганлари, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мулозамат қилган нарсалармас, бошқа амаллар бўлса керак, валлоҳу аълам. Шунга, шунча қаттиқ гапирган бўлсалар керак?! Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам буюрган нарсаларга, қаршилиқ қилишга, бизнинг ҳаққимиз йўқ, биродарлар. Модомики, Муҳаммадар Расулуллоҳ деб, имон келтирган бўлсак!

Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, эҳсон ҳақидаги сўзларини, қалбимизга жо қилмоғимиз керак. Эҳсон хоҳласак қиладиган ва хоҳласак қилмайдиган, мижозий масъала, бўлмаслиги керак. Эҳсонни Дин дедилар. Эҳсон, Аллоҳни кўриб тургандек, сиғинмоқлик. Ё Аллоҳ мени кўриб турибди, деган эътиқод билан, сиғинмоқлик, дедилар.

وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ خُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ ۚ وَذَلِكَ دِينُ الْقَيِّمَةِ

Баййина сураси 5 оят

Биз фақат Аллоҳга ибодат қилишликка маъмур бўлганимиз йўқ! Ибодатни фақат Аллоҳга қилишликка, яъни, Ибодатни холис Аллоҳга қилишликка, маъмур бўлдик. Ибодат ва ихлос иккови, бир бутун нарса бўлмоқлиги керак. Шундагина, Дин бутун бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга ҳам, Дин маъносини билишликка, тавфиқ берсин! Дин маъносини биз, мана шу ҳадис асосида, тушунтиришликка ҳаракат қилмоғимиз керак, биродарлар. Дин маъносини худди шундай, савол жавоб тариқасида, тушунтиришликка маъмурмиз. Мўмин кишилар ва мўмина аёллар, Дин маъносини шу ҳадис асосида, тушунтиришликка ҳаракат қилмоғимиз керак.

(Шу ерда, қисқа савол жавоблар бўлади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло биринчи келганларни, собитқадам қилсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, динни ҳақиқатини билиб, шу йўлда барқарор бўлиб, хизмат қилишликка, тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм ўқиётганларга, илмларига ривож берсин! Амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, гуноҳларимизни мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

49 дарс тугади.

50 Дарс

Намоз аҳкомлари ҳақида

(Бу дарс аввалида қисқача тавҳид эслатилади ва кейин, тавҳиддан кейинги улуғ фарз ва Дин устуни бўлмиш беш вақт намоз ўқишликка доир ҳукмларни, муфассал суратда тушунтирилади. Сафарда намоз ўқиш қойидалари ва касал одамлар намози баён этилади. Бенамозлик ва намозга бепарволик, оқибати аянчли бўлишлиги, хабари берилади. Гуноҳи кабиралар дарсида 4 катта гуноҳ, ҳам намозига бепарво бўлишлик экани гапирилган.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ер куррасида, Ўзининг халифаси бўлмиш, инсонни яратди. Ва бу инсонни ҳеч кимга бермаган ихтиёр сифати билан, мукаррам қилди. Инсондан бошқа бирор бир мавжудот, из ихтиёри билан яшамайди. Улар ўзларига берилган ғариза билан яшайди. Инсон эса, ўзи мукаррам бўлган ихтиёр сифати билан яшайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонга, шу ихтиёр сифатини бериб, баъзи нарсаларга буюрди. Ва баъзи нарсалардан қайтарди. Инсон буюрилган нарсалар ичидаги, энг асосий нарса, тавҳиддир. Такрор айтамыз, тавҳид, бу убудийятда, Аллоҳнинг Ўзига сиғинишликда, ваҳдониятини исботлашлиқдир. Мўминни мушриклардан ажратадиган асосий сифат, бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигагина ибодат қилишлиқдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қайтарган гуноҳларнинг энг каттаси, ширкдир. Ширк амалига гирифтор бўлган инсонни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кечирмайди. Унинг жойи жаҳаннамдир. Абдий жаҳаннамда қолади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ваҳдониятини исботлагандан кейин, яъни, яқка Ўзига ибодат қиладиган банда бўлгандан кейин, бошқача қилиб айтганда, Аллоҳни ягона Маъбуд эканлигини исботлагандан кейин, унга фарз бўлган амалларнинг энг биринчиси ва асосийси Намоздир! Намоз бошқа фарзларнинг устидаги асосидир.

Намоз ҳар бир мўмин кишига ва мўмина аёлга фарздир. Камолот ёшига етмаган болаларга, агарчи намоз фарз бўлмаса ҳам, уларни намоз ўқитишга, биз маъмурмиз. Ота оналар фарзандларини, намоз ўқишни ўргатмоқликка маъмур бўлишган. Аёллар фақат узрлик соатлардагина, намозни тўхтатишади. Намоз, узрлик аёллардан бошқа, эр киши ва аёл кишига, қари кишига ва ёшга ва бой бадавлат ва камбағал кишига, ҳаммага фарздир! Намоз фарз бўлган кишилардан, бирор дақиқа, намоз соқит бўлмайди, биродарлар.

Магар ухлаб қолган инсон, у ҳам турган вақтида, намозини қазосини ўқийди. Ундан ҳам соқит бўлмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни ҳисоб қиладиган амалларнинг биринчиси, намоздир. Шу намоз имтихонидан инсон, эсон омон ўтиб олса, иншааллоҳ, бошқа имтихонлари, Аллоҳнинг изни билан осон бўлади. Аммо, шу намоз имтихонидан ўтолмаса, унинг ҳоли ачинарлик бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандаларни намозга буюрди.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ

Бақара сураси 31 оят

Намозни барпо қилинглар. Закотни ўтанглар. Ва рукуъ қилувчилар билан бирга, рукуъ қилинглар! деди. Намозни барпо қилинглар, дегандан кейин, Ва рукуъ қилувчилар билан бирга, рукуъ қилинглар! деган сўз, бу намозни жамоат билан ўташликка далолат қилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло намозларида давомий бўлган бандаларини, қуръони каримда мақтади. Намозларида, хушуъ билан, тазарруъ билан, ўзини Аллоҳга муножот қилаётгандек, ҳис қилиб, намоз ўқувчи бандаларини мақтади. Намознинг вақтларини риоя қилган, мўмин бандаларини мақтаб, уларнинг нажот топганлигида, шак шубҳа йўқ, деди.

* قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ * الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ * وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ النَّغْوِ مُعْرِضُونَ * وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَاةِ فَاعِلُونَ

Муъминун сураси 1,2,3,4 оятлар.

Мана бу оятнинг биринчи сифатида, намозларида хушуъ қилувчи мўминларни, нажот топганлигида шак шубҳа йўқ, деди, Аллоҳу таоло. Қуръони каримда, қаерда намозга буюрилган бўлса, ундан кейин, закотга буюрилган. Лекин, мана шу сурада, намозни хушуъ билан ўқувчи кишилар нажот топганлиги айтилгандан кейин, закотни берувчилар деган сифати билан орасида, улар лағвдан юз ўгирувчи кишилардир, деган сифати, қўшиб кетилди. Бошқа ерда, қаерда намозни барпо қилинглар, деган бўлса, закотни зикри, ёнида келди. Бу сурада, намозида хушуъ билан турувчилар деганидан кейин, закотдан олдин, лағвдан юз ўгирувчи кишилар деган сифатини зикр қилинишини, муфассирлар, шарҳлаб, намозда хушуъ қилишлик учун, дунёда кераксиз лағв сўзлар ва нарсалардан юз ўгирган бўлмоқлиги шартдир, деганлар. Шунинг учун, хушуъ лафзини давомидир бу, лағвдан юз ўгиришлик, деганлар. Демак, бир киши, дину дунёга кераксиз бўлган сўз ва амаллардан саломат бўлолмаса, бу одам, намозни хушуъ билан, ўқиёлмайди, деган маънони билдиради, деганлар. Бу ерда ҳам, намоз билан закот, гўёинки, ёнма ён зикр қилинаяпти.

Ислом дини намозга, жуда катта эътибор берди. Намоз ўқишликни, қаттиқ талаб қилди. Тарк қилган одамга, ниҳоят даражада қаттиқ ваъид билдирди. Намоз Диннинг асоси, дедилар. Намоз жаннатнинг калити. Намоз амалларнинг энг яхшиси. Ва қиёмат куни ҳисоб қилинадиган амалнинг биринчиси, дейилди. Ҳаётдаги имтихонлар ҳам, бир неча саволларни ўз ичига олган бўлса ҳам, биттаси асосий бўлади. Асосий имтихондан ўтишлиги билан, бошқа саволларнинг жавоби, унчалик яхши бўлмагани, эътиборга олинмайдида, шу битта савол марказлаштирилади.

Қиёмат кунидаги энг марказий савол, биродарлар, намоздир! Шунинг учун, мўмин киши, қиёмат куни, намоз учун биринчи саволга рўбарў бўлишини, эсидан чиқармаслиги керак. Ҳар бир намозини, гўё, охиратда, ҳамма молу давлат, ота она, қариндошлар, ёру биродарлардан жудо бўлиб, намоз имтихонда турибман деб, ҳис қилиб, ўқимоқлиги керак. Шунинг учун, Али ибн Абу Толиб намоз ўқишдан олдин, ранглари ўзгарар экан. Сабабини сўрашганда, айтдиларки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло омонатни, тоққа, коиноту ерга кўндаланг қилди. Улар бу омонатни, мен кўтаролмайман деб, бош тортди. Аммо, инсон бу омонатни кўтарди. Мана шу омонат, Аллоҳ буюрган беш вақт намоз, деган эканлар.

Шу тоғлар ва коиноту ер кўтаролмаган омонатни, мен бажаришлик учун турибман. Бу омонатни ўтай оламанми йўқми, деб, ранглари ўзгарар экан. Иброҳим алайҳиссалом, Халилulloҳдек зот ҳам, намозни барпо қилувчилардан қилгин, деб, дуо қилишликка муҳтож бўлдилар. Намоз шундай нарсани, одам ўзи ва зурриётини намозни барпо қилувчилардан қилгин деб, Аллоҳдан сўраладиган нарсадир. Иброҳим алайҳиссалом

رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي
Иброҳим сураси 40 оят

Роббим мени ва зурриётини намозни барпо қилувчилардан қилгин, деб, дуо қилдилар. Мени ва зурриётимни намозни барпо қилувчилардан қилгин, дедилар. Шу дуоларини мақбул бўлишини сўраб, Аллоҳга ёлвордилар. Иброҳим алайҳиссалом яна дуо қилиб,

رَبَّنَا وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ
Иброҳим сураси 40 оят

Роббим дуоимни қабул қил, дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Мусо калимуллоҳга, бевосита Ўзи хитоб қилган, Мусо алайҳиссаломга, биринчи ваҳй келганда,

وَأَنَا اخْتَرْتُكَ فَاسْتَمِعْ لِمَا يُوحَى
Тоҳо сураси 13 оят
إِنِّي أَنَا اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدْنِي وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي
Тоҳо сураси 14 оят

Мен сени Пайғамбарликка танладим. Сенга ваҳй қилинаётган нарсага қулоқ тут. Мен Аллоҳман. Мендан ўзга Илоҳ йўқ! Бас, менгагина ибодат қил. Менинг зикрим учун, намозни адо қил! деб, буюрди.

Намоз, биринчи ваҳй келаётган вақтдаёқ, барпо қилишга буюрилган, улуғ ибодатдир, биродарлар. Исо алайҳиссалом бешиқда гапирган вақтларида, келажакда ўзларига намозни барпо қилиш ва закотни ўташлик, васият қилинганини хабарини бердилар.

وَجَعَلْنِي مَبَارَكًا أَيَّنَ مَا كُنْتُ وَأَوْصَانِي بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ مَا دُمْتُ حَيًّا
Марям сураси 31 оят

Намозга мени Роббим васият қилади, дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, қуръонни тиловат қилишга буюриб, бевосита намозни барпо қилишга буюрди.

أَتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ وَأَقِمِ الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ ۚ وَلَذِكْرُ اللَّهِ أَكْبَرُ ۗ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَصْنَعُونَ
Анкабут сураси 45 оят

Ислом дини, намозни муҳофаза қилишликка, кўп таъкидлаб буюрди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жанг майдонларида ҳам, намозни барпо қилишликка, муҳофаза қилишликка буюрди. Чунки, инсон ташвишли соатларда, намозни муҳофаза қилолмай қолади. Бизни давримизда, одамлар саломатлик ва хотиржамлик пайтида ҳам, намозни муҳофаза қилишмайди.

حُفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَىٰ وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ
Бақара сураси 238 оят

فَإِنْ خَفْتُمْ فِرْجَالًا أَوْ رُكْبَاتًا
Бақара сураси 239 оят

Намозни муҳофаза қилинглари. Хусусан ўрта намозни. Аксар муфассирлар ўрта намозни, аср намоз дейишган. Аср намози, инсон дунё ишини охирига етказиб қўяй, деган соатда бўлади. Бир йўла, шу ишни битказиб қўйиб, кейин аср ўқийман деб, шайтон алдайдиган соат. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўрта намозни муҳофаза қилинглари деб, алоҳида таъкид қилди. Ва қунут билан, тазарруъ билан туришликка, буюрди. Агар қўрқув соати бўлса, (жангда) юриб кетаётиб, ё маркабда туриб, намозни ўқинглари, деди. Яъни, жанг майдонида, маркабда турганда, намоз вақти бўлса, маркабдан тушмасдан туриб, намозни жамоат билан ўқилади, биродарлари.

Намоз, куфр билан имон орасини, ажратиб турувчи шиордир. Намоз билан инсонни мўминми, кофирми, ажратиб оласиз.

إِنَّ بَيْنَ الرَّجُلِ وَبَيْنَ الشِّرْكِ وَالْكُفْرِ تَرَكَ الصَّلَاةِ
الراوي : جابر بن عبدالله | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم
الصفحة أو الرقم: 82 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, киши билан, ширк ва куфр орасини ажратиб турувчи нарса, намозни тарк қилишдир, дедилар. Намозни тарк қилишлиги билан, ширк ва куфр тарафига, ўтиб кетади. Намозни барпо қилишлиги билан, ширк ва куфр тарафидан саломат бўлади.

العهد الذي بيننا وبينهم الصلاة فمن تركها فقد كفر
الراوي : بريدة بن الحصيب الأسلمي
خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح

Улар (кофирлар) билан бизни (мўминлар) ўртаминини ажратиб турувчи нарса, намоз, дедилар. Ким уни тарк қилса, кофир бўлади.

عن النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ ذَكَرَ الصَّلَاةَ يَوْمًا فَقَالَ مَنْ حَافِظٌ عَلَيْهَا كَانَتْ لَهُ نَوْرًا وَبُرْهَانًا وَنَجَاةً إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَمَنْ لَمْ يُحَافِظْ عَلَيْهَا لَمْ يَكُنْ لَهُ نَوْرٌ وَلَا بُرْهَانٌ وَلَا نَجَاةٌ وَكَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَعَ فِرْعَوْنَ وَهَامَانَ وَأَبِي بَنْدٍ
الراوي : عبدالله بن عمرو | المحدث : العراقي | المصدر : طرح التثريب
الصفحة أو الرقم: 2/147 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ким намозни муҳофаза қилса, унга намоз қиёмат куни, нур бўлади. Мўминлигига ҳужжат бўлади. Ва нажот бўлади. Ким муҳофаза қилмаса, уни нури бўлмайди. Мўминлигига ҳужжати ҳам бўлмайди. Нажот ҳам бўлмайди. Қиёмат куни Қорун билан бирга бўлади. Қорун, Мусо алайҳиссалом давридаги кофир. Фиръавн ва Ҳомон билан бўлади. Ҳомон Фиръавнни вазири. Ва Убай ибн Халаф билан бўлади, дедилар.

Бу ҳадисни шарҳида, уламолар шундай тавжиҳ қилишган эканлар.

،وإن شغله عن الصلاة المال والشهوات شابه قارون الذي خسف الله به وبداره الأرض بسبب كبره واشتغاله بالمال عن طاعة الله ورسوله

Ким моли сабабли намоздан машғул бўлса, уни Қорун билан жамлайди. Қорун бадавлат бой бўлган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг молдаги ҳаққини бермаган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни, ерга юттириб юборган. Молу дунёси билан. Намоздан инсонни молу давлати тўсган бўлса, Қорун билан бирга бўлади.

فمن شغلته عنها وهو مع فرعون

Кўп одамларни кўрасиз биродарлар, намоз ўқиб юради. Мана яқинда ҳаммамиз кўрдик. Намоз ўқийтувди. Лекин, мартабасини баланд бўлиши билан, намозни тарк қилиб юборди. Ким шу мулкига, мартабасига ишониб, намоздан бепарво бўлган бўлса, фиръавн билан бўлади. Чунки, Фиръанни шу мулки, ғурурлантириб, туғёнга солган эди. Нима учун инсон, озгина мартабаси ошишлиги билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога сиғинишдан бош тортади? Демак, уни Аллоҳга бўйсунушдан тўсган нарсаси шу мулкми? Фиръавн билан бўлсин!

Бошқа ерларга борсангиз, биродарлар, ёнингизда сиз билан бир сафда турган одам, катта бир пешво одам, уни билмайсиз кимлигини, Сиз билан бир сафда туриб, пешанасини саждага қўйиб, йиғлаб туради. Ўзим гувоҳ бўлдимки, бир масжидда намоз ўқийтсам, ҳамма одам намоз ўқияпти. Шу оддий мана шу масжиддаги каби, намоз ўқийтсапти. Дунёдаги ҳамма ерда, намоз бир хил, биродарлар. Шунда бир киши билан кўришдим. Менинг либосим бошқа бўлганлиги учун, меҳмонлигимни билиб, гаплашди. Бу одам, шу мамлакатдаги, энг катта лавозимдаги одамлардан экан.

Кўзим бир намландики, Ҳақиқий подшоҳларнинг подшоҳи Сан Парвардигоро! Эй Аллоҳ, Сенга мана шу подшоҳлар, сажда қилаяпти! Ҳақиқатда, ким ўзини таниган одам? Подшоҳларнинг подшоҳига, сажда қилган одамдир! Ана шу мулкни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло берган деб, эътиқод қилмоқлик керак. Бу мулкни, сажда қилгандан кейин, мана шу бандаларнинг манфаатига хизмат қилмоғим учун берган, деб, тушунади. Аммо, у шу ҳаётнинг ўзида, мусулмонлар, оддий одамлар олдидан, озроқ мартабага эришиб, бош торса, у Аллоҳнинг бандаларига, ҳеч қачон хизмат қилолмайди, биродарлар! Бу ҳадиснинг мазмунини, биз чуқур тушунайликки, кимнинг мулки, мартабаси намоздан тўсган бўлса, фиръавн билан бўлади. Чунки, Фиръанни ҳам, шу мулки, ғурурлантириб, туғёнга солган эди. Агар, у оддий бир кимса бўлганда, мумкин, у салоҳиятлик бўлиб ўтиб кетарди?!

Жуда кўп, ҳаётда кўрамизки, биродарлар, баъзи кишилар мартабаси оддий бўлганда, ибодатда бўлади. Ҳажга бориб келади. Аммо, озгина мартабаси ошса, у ибодатдан бош тортади? Нима учун? Чунки, унинг мулки, молу мансаб кибри, уни ибодатдан бош торттиради. Ана у, мулки сабаб, Аллоҳга ибодат қилишдан бош тортганлар билан, жаҳаннамда бирга бўлади.

ومن شغلته عنها رياسته

Ҳомон вазир бўлган эди. Кимни подшоҳ ёнида туришлиги, ибодатдан маън қилган бўлса, Ҳомон билан бирга бўлади, деб, уламолар тавжиҳ қилишган. Убай ибн Халаф мушрик савдогар эди. У савдогарлик қиларди ва динга қарши чиққанди. Кимни савдоси намоздан машғул қилиб қўйган бўлса,

وإن شغلته التجارة والبيع والشراء عن الصلاة شابّه أبي بن خلف تاجر أهل مكة من الكفرة الذي قتل يوم أحد

У Убай ибн Халаф билан, жаҳаннамда бирга бўлади. Биз, бу нарсани билиб қўймоқлигимиз керак. Инсонни ибодатдан тўсадиган нарсаларнинг ҳаммаси, зикр қилинди. Намоз, фақат тил билан айтиб, аъзолар билан ўталиб қўйиладиган, амал бўлиб қолмаслиги керак. Намозда, Аллоҳга хушў, тазарруъ топилиши керак. Намоздаги ҳаракатлар, чиройли суратда бажарилмоқлиги керак. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўқиганлари каби ўқимоқлик керак. Намозни бизга, у киши таълим берганлар. Ташқи кўриниши, чиройли бўлиши билан бирга, Намоз, дилнинг қувончи бўлиши керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога муножот қилиш вақти келаяпти деб, қувониш керак. Шу ибодат билан лаззатланиш керак. Фарз намозни вақтларига эътибор бермоқлик керак, биродарлар. Суннат намозини хоҳлаган киши, масжидда ўқисин. Хоҳлаган уйига бориб ўқисин.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам,

وجعلت قرّة عيني في الصلاة ؛ رواه الترمذي

Менинг кўзимни қувончи намозда қилинди, дедилар.

يا بلال أقم الصلاة، أرخنا بها -
الراوي : سالم بن أبي الجعد | المحدث : الألباني

Эй Билол, бизни, намоз билан роҳатлантиринг, дедилар. Азон айтишга у киши шошилиб қолар эканлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳга муножот қилувчиларнинг устозидир. У киши намоз билан роҳатланар эканлар. Намозни ўқиб, бир роҳатланай демас, эканлар. Биз биродарлар, намозни бир оғир вазифани бажараётгандек, ўқиймиз. Шунинча бажариб, қутулсам деб, турамыз. Мана шу намоз билан, жаннатга кирмоқчимиз, биродарлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Эй Билол, намоз билан, бизни роҳатлантиринг, дер эканлар.

أفضل الأعمال الصلّة لوقتها
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳга суюмли амаллар қайси? деб, сўралганда, вақтида ўқилган намоз, деб, жавоб берганлар. Шу ҳадисни ҳужжат қилиб, уламолар, хуфтон намозидан бошқа намозларни, вақтида ўқишга ҳаракат қилмоқлик керак, деганлар. Хуфтон намозини таъхир қилиш, афзал ҳисобланади. Демак, биз намозни вақтида ўқишликни, Аллоҳга суюмли амаллардан деб, билмоқчилигимиз керак!

عن عبد الله بن عمرو: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم كان يقول: «ثلاثة لا يقبل الله منهم صلاة: من تقدم قوماً وهم له كارهون ورجل أتى الصلاة دياراً والدبار أن يأتيها بعد أن تفوته. ورجل اعتد محرره». رواه أبو داود وابن ماجه

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Уч кишининг намозини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қабул қилмайди, дедилар. Биринчиси, Ўзи одамларга имом бўлиб оладию, одамлар уни ёқтирмайди. Иккинчиси, доим намозни, фавт бўлганидан кейин, кечиктириб ўқийди. Намозни вақтини ўтказиб ўқийди. Учинчи киши, ўзи озод қилган қули бор эди. Яна шунинча, озод қилмаганман деб, қайтиб, қул қилиб олди. Мана бу уччала одамнинг намозини, Аллоҳу таоло қабул қилмайди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам масжидда намозни ўқиб бўлиб, ўтирганларида, бир киши кириб, намоз ўқиб бошлади. У рукуъ ва сужудларни, худди бир қуш дон чўқигандек, тезда бажарди.

عن أبي عبد الله الأشعري، قال: صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ - بِأَصْحَابِهِ، ثُمَّ جَلَسَ فِي طَائِفَةٍ مِنْهُمْ، فَدَخَلَ رَجُلٌ، فَقَامَ يُصَلِّي، فَجَعَلَ يَرْكَعُ وَيَتَفَرَّقُ فِي سُجُودِهِ، فَقَالَ النَّبِيُّ: "أَتَرَوْنَ هَذَا، مَنْ مَاتَ عَلَى هَذَا، مَاتَ عَلَى غَيْرِ مِلَّةِ مُحَمَّدٍ، يَنْقُرُ صَلَاتَهُ كَمَا يَنْقُرُ الْغَرَابُ الدَّمَ، خَلَاةٌ حَكَمَ الْمَحْدَثُ: حَسَنٌ

Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам, мана буни кўряписизларми? дедилар, саҳобаларга, агар ким шундай намоз ўқиб, ўлиб кетса, Муҳаммад миллатидан (динида) бошқа миллатда ўлиб кетади, дедилар. Намозини худди, қарға қон чўқиётганидек, чўқиб ўқияпти, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўғриларнинг ёмони кимлигини ҳам, баён қилдилар.

أَسْأَلُ النَّاسَ سَرِقَةً الَّذِي يَسْرِقُ مِنْ صَلَاتِهِ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَكَيْفَ يَسْرِقُ مِنْ صَلَاتِهِ؟ قَالَ: لَا يَتِمُّ رُكُوعُهَا وَلَا سُجُودُهَا -أَوْ قَالَ: لَا يُقِيمُ صَلَاتَهُ فِي الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ.
 الراوي : أبو قتادة الحارث بن ربعي | المحدث : شعيب الأرنؤوط | المصدر : تخريج المسند
 الصفحة أو الرقم: 22642 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Одамларнинг ичида энг ёмон ўғри, намозидан ўғирлаган одам, дедилар. Ё Расулulloҳ одам намозидан қандай ўғирлайди? деб, сўрашди. Рукуъсини комил қилмайди. Саждасини комил қилмайди. Рукуъ ва саждадан турганда, белини тик қилмайди, дедилар. Тик турмасдан яна саждага кетаверади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сураи Марямда, келажакда жаҳаннамга кирадиган одамлар бўлишини айтиб, уларнинг сифатларини баён этган. Шуларнинг биринчи сифати, намозни зоеъ қилувчилар, экани айtilган.

فَخَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهَوَاتِ فَسُوفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا
 Марям сураси 59 оят

إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا
 Марям сураси 60 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Нуҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом ва бошқа пайғамбарларни зикр қилиб туриб, булардан кейин шундайлар келадики, булар намозни зойеъ қилишади. Ва шаҳавотларга эргашишади. Мана бу одамлар тез кунда, тўғри йўлдан бошқа йўлга, рубарў бўлишади. Намозни зойеъ қилишлик, тўғри йўлдан чиқишни, биринчи аломатидир, биродарлар.

Уламолар,

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ
 Бақара сураси 31 оят

Намозни барпо қилинглр. Закотни ўтанглр. Ва рукуъ қилувчилар билан бирга, рукуъ қилинглр! деган оятни, намозни жамоат билан ўқишликка буйруқ, деб, тушунишадилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам намозни жамоат билан, масжидда ўқишликка кўп, йўлланма бердилар. Агар кўп Масжидлар бузилган бўлса, аслида масжидлармас биродарлар, ичидаги одамлар бузилгандир. Масжидлар имоми бузилган бўлса, ихлоси бўлмаса, тавҳидни ва ширкни ажратиб билмаса, бу масжиднинг айбимас, биродарлар. Бу бизга, намозни масжидда, жамоат билан ўқимасликка, узр бўлолмайди.

بَشِّرِ الْمَشَانِينَ فِي الظُّلُمِ إِلَى الْمَسَاجِدِ، بِالنُّورِ التَّامِّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ
 خلاصة حكم المحدث : متواتر

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қоронғуда, Масжидга боровчи кишиларга, қиёмат кундаги, тўла нур билан, башорат беринглр, дедилар. Қанчалик масжидга жамоат билан ўқишга, келиш қийин бўлган сари, шунчалик унинг даражаси баланд бўлиб бораверади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам

صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ أَفْضَلُ مِنْ صَلَاةِ الْفَذِّ بِسَبْعٍ وَعَشْرِينَ دَرَجَةً -
 الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Жамоат билан ўталган намоз, ёлғиз ўқилган намоздан, даражаси йигирма етти марта баланд, дедилар. (Имоми Бухорий ривоятида йигирма беш дейилган) Ҳар қандай одамнинг молини, бир баробармас, одатда сотаётганидан ярим баробар, кўпроққа сотадиган ер, узоқ масофада бўлса, ҳамма молини шу ерга олиб боради. Шуни эшитиб туриб, у ерга олиб бормасдан, арзонроқ сотаётган одамни, мажнун дейишади, одамлар. Аммо, бу жамоат билан ўқилган намозини, йигирма етти баробар кўпроқ бўлишини билиб туриб, уйда ёлғиз ўқиётган одамни, ҳеч ким мажнун демайди, биродарлар.

Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки:

ما من ثلاثة فى قرية ولا بدو لا تقام فيهم الصلاة إلا قد استحوذ عليهم الشيطان. فعليك بالجماعة فإنما يأكل الذنب القاصية
الراوي : أبو الدرداء
خلاصة حكم المحدث : إسناده حسن

Уч намозхон бўлса бир қишлоқда, ёки бир саҳрода, ва шу ерда, жамоат намози барпо қилинмаган бўлса, шайтон уларга ғолиб бўлади. Сизлар жамоатни лозим тутинглар. Бўри ҳам, четда юрганни, еб кетади, дедилар. Яъни, Бўри шайтон. Четда юрганни олиб кетади, дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам,

وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ أَمَرَ بِحَطْبٍ فَيُحْطَبُ ثُمَّ أَمَرَ بِالصَّلَاةِ فَيُؤْتَنَ لَهَا ثُمَّ أَمَرَ رَجُلًا فَيُؤَمِّمُ النَّاسَ ثُمَّ أَخَالَفَ إِلَى رَجُلٍ فَأَحْرَقَ عَلَيْهِمْ
بُيُوتَهُمْ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْ يَعْلَمُ أَحَدُهُمْ أَنَّهُ يَجِدُ عَظْمًا سَمِينًا أَوْ مِرْمَاتَيْنِ حَسَنَتَيْنِ لَشَهِدَ الْعِشَاءَ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : ابن حبان
(Қори ака дарсда, бу ҳадисни ярмини ўқиганлар)

Руҳим қўлида бўлган зотга қасамки, ўтин беришга буюрсаму, ўтин терилса. Кейин, намозга буюрсам. Намозга азон айтилса, кейин, бир кишини имом бўлинг десаму, имом бўлиб берса, намозга ҳозир бўлмаган одамларнинг уйларини, ёндириб юборсам, дедилар. Жамоат намозини, шунақа эътиборга олиб айтдилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, етаклаб юрадиган кишиси йўқ бўлган аъмога, аввалда уйда ўқишга рухсат сўраганида, рухсат бердиларда, кейин чақириб. Азонни эшитасанми? дедилар. Ҳа, деди. Бўлмасам, азонга жавоб қил! дедилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки,

مَنْ سَمِعَ الْمُنَادِيَ فَلَمْ يَمْنَعْهُ اتِّبَاعَهُ عَذْرٌ - قَالُوا: مَا عَذْرٌ؟ قَالَ: خَوْفٌ أَوْ مَرَضٌ - لَمْ يَقْبَلِ اللَّهُ مِنْهُ تِلْكَ الصَّلَاةَ الَّتِي صَلَّاهَا -
الراوي : عبدالله بن عباس
خلاصة حكم المحدث : سكت عنه

Ким муаззинни эшитса, унга эргашишлиқдан, узр маън қилмаган бўлса, шунда узр нима? дейишди. Шунда, узр, қўрқув ташвиш ва касаллик, дедилар. Қаттиқ ташвиши бор ёки, касали бор. Шу узри бўлмаса, уйда ўқиган намози мақбул бўлмайди, деган эканлар. Шунинг учун биродарлар, жамоат билан намоз ўқишликка, эътибор бермоқлик керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, намоз ўқиб, дангасалик қилувчиларни, намозни умуман ўқимайдиганларнимас, ўқиб, дангасалик қилувчиларни, мунофиқлик белгиси эканини айтган.

إِنَّ الْمُنْفِقِينَ يُخَدِّعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَدِّعُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ قَامُوا كَسَالَى يُرَآءُونَ النَّاسَ وَلَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا
Нисо сураси 142 оят

Намозга туришса, дангаса бўлиб туришади. Мана бу нарсa, мунофиқлик белгисидир.

إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَعْتَادُ الْمَسَاجِدَ فَاشْهَدُوا لَهُ بِالْإِيمَانِ
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : ضعيف الجامع
الصفحة أو الرقم : 509 | خلاصة حكم المحدث : ضعيف
(Албоний бу ҳадисни заиф деган)

Абу Саид ал Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар. Агар бир кишини масжидга, намозга бораётганини кўрсанглар, унга имон билан, гувоҳлик беринглар.

Касал бўлган кишилар, фарз намозни тикка туриб ўқимоқлари керак. Деворга ёки асога суяниб бўлса ҳам, тикка туриб ўқимоққа ҳаракат қилмоқлари керак. Энди шунда ҳам, тикка туришга қодир бўлмаса, ўтириб ўқийди. Ўтириб ўқиганда, чордана қуриб, ўқигани афзалдир. Агар ўтириб ҳам, намоз ўқишга қодир бўлмаса, у қиблага қараган ҳолда, ёнбошлаб намоз ўқийди. Ўнг томонига ёнбошласа, афзал бўлади. Агар қиблага қарашга қодир бўлмаса, йўналиши қайси томонга бўлса ҳам, ёнбошлаб намоз ўқийди. Агар, ёнбошлаб ётиб ҳам, намоз ўқишга қодир бўлмаса, икки оёғини қиблага узатиб, чалқанча ётиб, намоз ўқийди. Шу вақтда, бошини тагига бир нарсa қўйиб, бошини қиблага қаратиб, сал кўтариб қўйишлик афзалроқдир. Агар икки оёғини қиблага узатишга ҳам қодир бўлмаса, у қандай ётган бўлса, шундай намоз ўқийди.

Касал одам ҳам, рукуъ ва сажда қилиб намоз ўқимоқлиги керак. Агар рукуъ ва сажда қилишга, қодир бўлмаса, боши билан имо қилиб ўқийди. Саждани рукуъдан кўра пастроқ қилади. Агар рукуъга қодир бўлиб, саждага қодир бўлмаса, рукуъни тўлиқ қилади ва саждада имо қилади. Агар саждага қодир бўлиб, рукуъга қодир бўлмаса, саждани тўлиқ қилади ва рукуъда имо қилади. Агар имо ишора қилишга ҳам, қодир бўлмаса, иккита кўзи билан, сажда ва рукуъга ишора қилади. Кўзини рукуъда чалароқ юмади ва саждада кўпроқ юмади. Аммо, бармоғи билан, сажда ва рукуъга ишора қилишлиги, бу дурустмас, биродарлар. Боши билан ва кўзи билан ҳам, имо ишора қилишга қодир бўлмаса, қалби билан намоз ўқийди. Такбир айтади, қироат қилади, рукуъни ва саждани ният қилади. Қиёмни ва ташаххудда ўтиришни ният қилади. Қалби билан бўлса ҳам, қироат қилади. Чунки, ҳадиси шарифда, ҳар бир кишига, ният қилган нарсаси бўлади, дейилган.

Касал одам ҳам, намозни вақтида ўқишлиги лозимдир. Лекин, оғир касалларга икки намозни жамлаб ўқишга рухсат бор. Такрор айтамиз, агар ҳар бир намозни вақтида ўқишлик, оғир бўладиган бўлса, пешин билан асрни, шом ва хуфтонни жамлаб ўқийди. Ё жамъи тақдим қилади ё жамъи таъхир қилади. Пешинни ўқиб ортидан асрни ўқиб олади. Шомни ўқиб, ортидан хуфтонни ўқиб олади. Бу жамъи тақдим. Пешинни вақтини ўтказиб, аср киргач, пешин ва асрни ўқийди. Хуфтон вақти киргач, аввал шом ва ортидан хуфтон ўқийди. Бу жамъи таъхир. Такрор айтамиз, агар намозни вақтида ўқиш имкони бўлмай қолган бўлса, жамлаб ўқилади. Аммо, бомдодни ўз вақтида ўқийди. Уни бошқа намозга жамламайди. Агар одам мусофир бўлса, намозни қаср ўқийди. Ўн беш кунлик сафарга чиққан одам, рухсатдан фойдаланиб, қаср қилиб ўқийди. Мусофир одам ҳам, соғ бўлса ҳам, касал бўлса ҳам, намозни қаср ўқийди.

Мен бу масала жавобини, китобларда кўрмадим. Агар одам нопок бир ўринга тушиб қолган бўлса. Ҳамма ёғи нопок бўлса, намозни нима қилади? Турибди, у ердан чиқолмайди. Тортиб оладиган одам ҳам йўқ. Ҳамма ёғи нопок. У шу ерда туриб, имо ишора қилиб, намоз ўқийди. Намоз ўқимаган одам, қиёмат куни нажот топмайди. Хотиржам бўлсин! Чунки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни, имтихон қилишликка ҳожати йўқ. Бунинг нимасини имтихон қилади?! Имтихон қилинадиган биринчи нарсa, намоз бўлса?!

У намозни чала ўқиган бўлса, имтихон бўлади. Умуман ўқимаган бўлса, имтихон йўқ. Имтихон қилинадиган нарсанинг, ўзи йўқ!

فَلَا تُقِيمُ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَزْنًا
Каҳф сураси 105 оят

Қиёмат куни биз, бу кофирларга вазн тарози қўймаймиз, деяпди, Аллоҳу таоло. Тарозига қўядиган нарса бўлса, тарози керак бўлади. Мусулмон бўлмаган одамни Ислом ўз ихтиёрига қўйиб қўяди. Исломга киришликка мажбур қилмайди. Хоҳласа мусулмон бўлиб, жаннатда, дунёю охират саодатига эришсин. Хоҳласа мусулмон бўлмасдан, жаҳаннамга ўтин бўлсин! Биз имонни даъво қилсак, намоз ўқишликка мажбурмиз. Исломда мажбурлаш йўқ! Бу дегани, исломга киришга мажбурлаш йўқ! Такрор айтамиз, Хоҳласа мусулмон бўлиб, жаннатга кирсин. Хоҳласа мусулмон бўлмасдан, жаҳаннамга ўтин бўлсин! Лекин, мусулмонман дегандан кейин, мажбур намоз ўқишга. Бўлмаса, мана

فَلَا تُقِيمُ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَزْنًا
Каҳф сураси 105 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёматда, уларга тарозу қўймаймиз, деяпди. Намоз убудийят сифатини, ўзимизда исботловчи шиоримиздир. Мен Аллоҳнинг қулиман, деган даъвоимизнинг исботи, биринчиси Намоздир, биродарлар. Аллоҳ буюрган амалларнинг энг биринчиси тавҳид. Аллоҳни ягона Мабуд деб, билиш. Ер куррасида ва коинотда, ҳеч сиғиниладиган Зот йўқ! Фақат ягона Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Мабуд деб, билиш. Аллоҳ қайтарган нарсаларнинг энг каттаси, ширкдир. Ширк келтирган одам, нажот топмайди. Агарчи, кечаси туриб, йиғлаган бўлса ҳам. Кундузи рўза тутган бўлса ҳам, нажот топмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا
Нисо сураси 116 оят

Шу имонга тавҳид билан киргандан кейинги, амалларнинг энг асосийси, қиёмат куни биринчи сўраладиган нарса, намоздир. Намоз ўқимаган одам, нажот топмаслигида, шак шубҳа йўқдир! Бунга баъзи кишилар, ғазабланишлиги мумкин?! Лекин, ғазабланса, ўзини томдан ташлаб юборса ҳам, барибир гап шу! Бошқа илож йўқ! Шунини ҳам эслатиб қўяйликки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло намоз ўқувчиларга катта мукофотлар эълон қилиши билан бирга, намозига бепарво бўлувчиларнинг ҳолига, вайл эълон қилди.

فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ، الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ، الَّذِينَ هُمْ يُرَاؤُونَ، وَيَتَذَكَّرُونَ الْمَاعُونَ
Моун сураси 4,5,6,7, оятлар

Намозига бепарво бўлувчи кишиларнинг ҳолига, вайл бўлсин, жаҳаннам бўлсин! деди. Намоз сайёраларда ва тайёраларда кетаётганда соқит бўлади, деганлар, буни эшитиб олсин. Намоз кўз қимирлолмай қолганда ҳам, қалб билан ўқиладиган амалдир. Мен бошимдан ўтган нарсани айтиб бераман. Узоқ мамлакатга борганимда, тоирада (самолётда) эрталабки намозни ўқишга тўғри келиб қолди. Азон айтдим. Биров иқтидо қилса, жамоат бўлайлик деб. Шунда бир киши менга, араб тилида, Осмонда намоз ўқияпсизми? деди. Мен унга қараб, қисқа қилиб, бир оят ўқиб қўйдим.

وَهُوَ الَّذِي فِي السَّمَاءِ إِلَهٌ وَفِي الْأَرْضِ إِلَهٌ ۚ وَهُوَ الْحَكِيمُ الْعَلِيمُ
Зухруф сураси 84 оят

Аллоҳ осмонда ҳам Илоҳдир ва ерда ҳам Илоҳдир, дедим. Шундан бошқа сўз айтмадим.

Нима учун биз осмонда, намозни тарк қиламиз. Аллоҳни Аллоҳлигига, ерда юргандагина унаймизми? Намозни соқит бўлади, деганлар, ҳаёлпараст одамлар. Намоз, ҳеч қачон соқит бўлмайди, биродарлар. Иброҳим алайҳиссаломдек зот,

رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ
Иброҳим сураси 40 оят

Роббим, мени намозни барпо қилувчи қилгин! деган эканлар.

وَمِنْ ذُرِّيَّتِي
Иброҳим сураси 40 оят

Ва зурриётимдан ҳам, намозни барпо қилувчилар қилгин, дедилар.

Мин калимасини келишини ўзи, инсонни бир сесканадиган сўздир. Инсон зурриётининг ҳаммаси ҳам, намозни барпо қилувчи бўлмайди. Мана кўриб турибсиз, ажойиб ҳофизи куръонлар, Ажойиб алломалар ўтган хонадонларида, бугун намоз қолмади, биродарлар. У ерда Динга қарши, курашувчилар қолди. Шунинг учун, Роббим, мени намозни барпо қилувчи қилгин! деганда, зурриётимдан ҳам, деган сўз, эсдан чиқмаслиги керак. Чунки, зурриёт нима бўлади, билмаймиз. Эртага, фалончи тулинг ўрнингиздан, деса. Мана сизни авлодингиз, деса. Қарасангиз, авлодингиз турса, биттаси масжид бузган, биттаси ибодат қилмаган. Биттаси диндорни қамаган. Биттаси динсиз одамлар бўлса, жуда кўп фарёд чекасиз. Мана шулар сизни авлодингиз деса, биз албатта, масъул бўлмаймиз. Лекин, тамоми башарийят олдида, шу ҳолатга тушсак, бу жуда оғир нарса бу, биродарлар.

Мана, ўзимиз яшаб турган еримизда, кўриб турибмизки, шундай покиза инсонлар хонадониди, намоз қолмади, биродарлар. Ажойиб хонадонлар бўлган. Шундай хонадонларда дин қолмади, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи сақласин, шундай бўлишлигидан. Номларини эшитсангиз, исломий номлар. Ҳаммаси дадаларининг улуғ зотлар бўлганига, далолат қилади. Исломга боғланган номлар. Мана шу номлар билан, исломни тушунмасдан яшашяпти. Шунинг учун, намозга биз, ҳеч қачон мураса қилмаслигимиз керак, биродарлар. Беш вақт намоз фарздир. Исломнинг устунидир. Диннинг асосидир.

(Шу ерда қисқа саволларга, қисқа жавоблар берилади.)

Кўплар дуо қилинг, дебдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло толиби илмларга, амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло касалларга шифо берсин! Фарзанд сўраб дуо қилинг, дебдилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло солиҳ ва солиҳа Фарзандлардан берсин! Ака опаларимга имон эътиқод сўраб дуо қилинг, дебдилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма оила аъзоларига, Ислом эътиқодини насиб қилсин! Қалби ҳақиқатга тескари бўлган одамларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тўғри қалб берсин! Тухмат қилиб юрган одамларга тўғри қалб берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тавба қилишликка улгурадиган қилсин, ана шуларни! Жаҳаннамга ўтин қилиб қўймасин, Аллоҳу таоло.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ
Таҳрим сураси 6 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, жаҳаннамнинг ўти одамлар ва тошлардан, деяпти. Имон келтирмаган, Динга қарши бўлган Аллоҳнинг йўлига қарши бўлган одамлар, ёқилади у ерда. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Жаҳаннамга ўтин бўлиб кетишдан сақласин! Ажойиб чиройли юзлар ва ажойиб чиройлик ақллар билан, жаҳаннамга кетишлик, жуда аламликдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шуларга тавфиқ берсин! Ҳидоят улуши бўлсин! Ўтган вақтлардаги намозга бепарволигимизни, Аллоҳ кечирсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, келажак ҳаётимизда, намозни барпо қилувчилардан қилсин!
Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

50 дарс тугади.

51 Дарс

Закот аҳкомлари ҳақида

(Бу дарсда аввалидан охиригача, имон ва намоздан кейинги, Ислом арконларидан бири бўлган закот беришлик ҳукмлари, муфассал суратда тушунтирилади. Уни кимлар беради ва кимларга беради ва қайси молдан, қачон берилади каби, саволларга жавоблар берилади. Закот беришлик фойдалари ва закот бермаслик оқибати, аянчли бўлишлиги, китобу суннат асосида баён қилинади. Гуноҳи кабиралар дарсида, закот бермаслик катта гуноҳ эканлиги қайта боз эслатилади)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ер куррасида, инсонни Ўзининг халифаси қилиб яратди.

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَأَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً
Бақара сураси 30 оят

Ва бу инсонга тавҳидни ихтиёр қилди. Ширкдан воз кечишликка буюрди. Ва шу тавҳид бўлишлиги билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, намозни фарз қилди. Намозни бирор вақт соқит бўлиши мумкинмаслиги ҳақида, биз ўтган дарсимизда ўрганган бўлдик. Намозни қазоси ҳақида, гап бўлишлиги мумкин эмас. Чунки, намозни тарк қилишликка, Ислом рухсат бермаган. Намозни қазоси ҳақида, ухлаб қолган вақтдагина савол бўлиши мумкин?! Агар бир киши ухлаб қолган бўлса, намоз вақти ўтиб кетгандан кейин турса, қазо ҳақида масала сўрашликка ҳаққи бор. Баъзи кишилар, бунга ҳам эътироз билдиришлари мумкинлиги учун, бунга ҳам тўхталиб ўтамыз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Аҳзоб жиҳоди вақтида, аср намозини ўқиёлмай қолдилар.

Ислом тарихидан бошлаб, Ислом душманлари, Исломни илдизи билан суғуриб ташлаймиз деб, ҳаракат қилиб келишган. Маккаю Мадинадаги қабилалар тўпланиб, Исломга қарши жанг қилишга келганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Салмони Форсий маслаҳати билан, Хандақ кавлатдилар. Шу Аҳзоб жангида, асҳоблар аср намозини ўқиёлмай қолдилар. Умар ибн Хаттоб Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, аср намозини ўқиёлмай қолганларини шикоят қилганларида, мен ҳам ўқиёлмадим. Кун ботиб кетди. Афзал намоздан бизни, кофирлар тўсишди. Аллоҳ уларни уйлари ва ерларини ўтга тўлдирсин, деб, дуои бад қилиб, аср намози шунда, таъхир қилинди. Кун ботгандан кейин, ўқилди.

إِنِّى أَنَا اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدْنِى وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِى
Тоҳо сураси 14 оят

Баъзилар, Намозни эсга тушган вақтда ўқинг! Оятини далил қилиб, бу аср намозини қазо бўлган эмасди, дейишган. Баъзилар, шу оятни далил қилиб, бир киши, ҳеч ҳаёлига келмаган ҳолда, намозни вақти ўтиб кетган бўлса, баъзилар қазосини ўқийди деган. Баъзилар қазо ўқимайди. Эсига тушганида ўқиб олаверади, деганлар. Инсонда шу ҳолат бўлиши мумкин. Аммо, қасд билан, намозни тарк қилишликка, йўл йўқдир, биродарлар. Бу ҳақида ўтган дарсда биз тушунтирдик. Иншааллоҳ бугунги дарсимизда, закот ҳақида суҳбат қиламиз. Қуръонда, қаерда намоз зикр қилинган бўлса, ёнида закот зикр қилинган.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ
Бақара сураси 43 оят

Намозни барпо қилинглр ва закотни ўтанглр!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳукмдорлик қилиб турган, Мадинадаги ислом ҳукмдорлигига, закот тўпланарди. Шу ердан закотга муҳтож бўлган, саккиз тоифа одамларга тақсим қилинарди. Шу билан бирга, муҳтож, ожиз, закотга муҳтож бўлган одамларга, бевосита ҳам, бериларди. Закотни тушунмаган ёки, ғаразгўй бўлган кишилар, закот одамларни текин томоқликка ўргатган деб, бизнинг закот низомимизни масҳара қилишади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Мадинада ҳукмдорлик қилиб турганларида, закот бир жойга тўпланиб, ўзининг муҳтож жойларига берилган. Бу билан одамлар текин томоқликка ўрганган бўлмайди.

Қайси одам, қайси низомда яшаётган бўлса, ўзи қилган хизмати муқобаласига маошларини олаётганда, текин томоқликка ўрганган бўлмайди, ҳеч қачон. Муҳтож бўлган одамдан сўрамасдан, унга закотни берганда, қария, гўдак, ожиз, шунингдек, муҳтож бўлган ўринларга закот берилса, улар текин томоқликка ўрганган бўлмайди.

Бир киши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан марҳамат сўраб келганида, уни куч қуввати борлиги учун, унга болта ва арқон бердиларда, унга ўтин қилиб, сотиб, тирикчилик қилишликка, йўлланма бердилар. Кейин, олдиларига келиб, қандай бўлганилигини хабар беришлигини ҳам, талаб қилдилар. Бирор бир қобилиятлик киши, марҳамат сўраса, уни қобилиятига яраша ишга йўллаб қўйишлик ҳам, Ислом ҳукмдорининг йўли эканига ишора қилдилар. Мисол қилиб айтганимизда, бир одам тикувчилик ҳунари бўлса, уни моли бўлмаса, унга шу тикувчилик асбобларини олиб, бир қатор дастмоя қилиб берилса, шу билан ўзининг ҳунарини, тиклаб олиши мумкин?! Закот моли, мана шу йўлларга сарф қилиниши билан, инсон текин томоқликка ўрганган бўлмайди, биродарлар. Бир киши закотга мустаҳиқ бўлса, закотни бевосита шуни қўлига беришликни, Ислом ўргатган.

Закотни, исломдаги улуғ фарзлардан бири деб, биламиз. Намоз инсоннинг баданидаги ҳақ бўлса, закот инсоннинг молидаги ҳақдир! Аллоҳ берган неъматни шукронасига ва Аллоҳнинг буйруғи бу деб, закотни ўташлиги, модомики, ким Исломни даъво қилса, мажбурдир. Закот Ислом асосларидандир. Қуръони каримда бир неча ўринда, намоз ёнида зикр қилинган. Закотнинг фарзлигига, мусулмонлар иттифоқ қилишган. Кимда ким закотни инкор қилса, исломдан чиққан кофир ҳисобланади. Закотни фарзлигини билиб, бахиллик қилиб бермаса, ёки, атайлаб кам берса, у золимлардан, Аллоҳнинг фарзини қилмаган кишилардан ҳисобланади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло,

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ
Бақара сураси 43 оят

Намозни барпо қилинглари ва закотни ўтанглари! деди. Бу оят закотнинг фарзлигига далилдир.

وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ خُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقَيِّمَةِ
Байина сураси 5 оят

Динни Аллоҳга холис қилишга, инсонлар маъмур бўлишди. Яъни, Тавҳид асосида ибодат қилишликка, ва намозни барпо қилишликка ва закотни ўташликка, маъмур бўлишди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامَ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَالْحَجِّ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ
البخاري ومسلم

Ислом беш асос устига, қурилди, деб, шу бештани ичида, закотни ҳам санаб ўтанглари. Закот Ислом биносининг бир томонидир. Унинг бир томони бўлмаса, уни уй дейилмайди, биродарлар. Уни айвон дейилади. Закотни бермаган бўлса, унинг бир девори йўқ, бўлади. Уни уй деб, айтган одам, хато қилган бўлади. У айвон солган бўлади.

بَعَثَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: إِنَّكَ تَأْتِي قَوْمًا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ، فَأَدْعُهُمْ إِلَى شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لَذَلِكَ، فَأَعْلِمُهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لَذَلِكَ، فَأَعْلِمُهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً تُؤْخَذُ مِنْ أَغْنِيَانِهِمْ فَنُفِّرُ فِي فَقَرَانِهِمْ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لَذَلِكَ، فَإِيَّاكُمْ وَكِرَانِمِ أَمْوَالِهِمْ، وَاتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ، فَإِنَّهُ لَيْسَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ..
وفي رواية: إِنَّكَ سَتَأْتِي قَوْمًا
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Маоз ибн Жабални Яманга, устоз қилиб жўнатганларида, у кишини, биринчи имонга буюришликка, улар қабул қилганларидан кейин, беш вақт намозни қабул қилишга буюришликка, агар улар намозни барпо қилишликка итоат қилишса, билдиринки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уларга фарз қилган, давлатмандларидан олиб, камбағалларига қайтариб бериладиган садақотни, билдиринг! дедилар. Демак, юқоридаги оятлар ва ҳадислар, закотнинг фарз эканлигини билдиради. Закот беришга етарлик моли бўлиб, закот бермаган одамни, биз биродаримиз, деб, атамаймиз. Чунки, қуръони каримда,

فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَعَاتُوا الزَّكَاةَ فَإِذَا هُمْ فِي الدِّينِ
Тавба сураси 11 оят

Агар тавба қилишса, илгариги ширкларидан тавба қилишса, тавба қилдим деган, билан иш битмайди. Тавба қилиб, ширк йўлидан қайтиб, намозни барпо қилишса, ва закотни ўташса, сизларнинг диндаги биродаринглари, деяпти, Аллоҳу таоло.

Демак, закотни ўтамаган кишилар, диндаги биродарлардан ҳисобланмайди. Агар закотни фарзлигини инкор қилса, кофир бўлади. Шунинг учун, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, намозни ўқиб, закотни бермаган кишилар билан, жанг қилдилар. Саҳобалар бунини тасдиқлашдилар. Закотни бермаган одам, намоз ўқиса ҳам, саҳобалар иттифоқи билан, Муслмон одам ҳисобланмайди. Закот беришлик жуда кўп, ҳикматларни ўз ичига олган. Бунда жуда кўп, манфаатлар бор. Биринчиси, закот берган одамни, Молини поклашлик бор. Шунингдек, у гуноҳлардан ҳам покланади. Руҳини ҳам разил ахлоқлардан поклайди. Бахилликдан покланади. Қайси бир одам закот бермаса, у ўзини ўйлайдиган махлуққа айланади. Ҳозирги кундаги закот бермайдиган одамларни текшириб кўрсангиз, ўзини ўйлайдиган махлуққа айланишган.

Буларнинг ҳисобсиз молу дунёлари бўлса ҳам, ўзининг яқин қариндошларига заррача раҳм шафқатлари бўлмайди. Хусусан намоз ўқимаган, рўза тутмаган, ислонда бўлмаган, молу давлат тўплаган одамларни кўрсангиз, уларнинг қанча моли борлиги, кейинчалик маълум бўлиб қолаяпти. (Ўлганидан кейин) Ўзининг яқинида яшаган камбағалларга ҳам, раҳмлари бўлмаган. Йиртқич ҳайвонлар ҳам, ўрмонда яшаб, топган ўлжаларини ўзининг яқинларига улашади. Закот бермаган одамларнинг, йиртқич ҳайвонлардан ҳам, баттар даражага тушиб кетишини кўриб, закот инсонни поклайди деган, қуръони каримнинг мўъжизасини, шундан биламиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Муҳаммад алайҳиссаломга,

خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِمْ بِهَا وَصَلَّ عَلَيْهِمْ إِنَّ صَلَاتَكَ سَكَنٌ لَهُمْ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

Тавба сураси 103 оят

Уларнинг молларидан садақот олинг, Эй Муҳаммад алайҳиссалом. У садақот, уларни поклайди. Ва озода қилади, деб буюрди.

تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِمْ

Бу ерда, иккита калима келаяпти. Закот инсонни ҳам, тоҳҳир ва ҳам музакко, қилади. Бу жуда кўп покланишларга ишорадир. Закот беришлик билан, жамият ҳам покланади. Камбағаллар билан давлатмандлар ўртасида, қарама қаршилиқ бўлмайди. Ҳозирги вақтда бир киши, ҳалол йўл билан давлатманд бўлса ҳам, одамлар қалбида унга нисбатан, адоват бўлишининг сири шундаки, ўртадаги закот низомини йўқ бўлиб кетганлигидадир. Ислоний жамиятда, одам бой бўлган сари, қалби уйғоқ бўлиб бораверади. Камбағалларнинг қалби, бойларга нисбатан, юмшаб бораверади. Бойлиги ошган сари, миқдори ошиб бораверади. У закотга қирқдан бирини беради. Масалан пули кўпайиб, бир милёнга борса, 25 минг сўм закот беради. Бу пулга жуда кўп, камбағалларнинг кўнглини олиш мумкин бўлади, иншааллоҳ. (Бу 1995 йилдаги пулга, нисбатан айтиляпти)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Муҳаммад алайҳиссаломга, уларнинг молларидан уларни поклайдиган ва озода қиладиган, садақотни олинг, деяпти. Ислон душманлари, Муҳаммад алайҳиссалом шаънига, қиёматгача бир нарса, айтишолмайдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган закот низоми, камбағалларнинг ҳаққи эди. Аммо, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ва у кишининг авлодларига, камбағала бўлсаларда, закот молидан садақа олиш, ҳаром бўлди. Закотни ўзлари учун йиғмадилар. Ҳаттоинки, набиралари, Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анҳумо, қайси бири, шу закот хурмолари йиғилган ерда, тушиб қолган бир хурмони, эмаклаб бориб оғзига солганида, ких ких деб, болага айтиладиган калимани айтиб, шу хурмони емоқчи бўлган, гўдак болани оғзидан олиб қўйдилар. Сизларнинг боболарингиз авлодига, қиёматгача закот ҳаром, дедилар. Ислон душманлари, бу закотларни ўзи учун тўплаган деган, сўзни, китобларни излаб ҳам топишолмасдан, доғда қолиб ўлиб кетишяпти. (Аҳли Байтга закот олиш ҳаром қилинган, камбағал бўлсалар ҳам)

Закот берган қалбда, ҳарислик (очкўзлик) бўлмайди, биродарлар. Камбағалларда ташналик, бўлмайди. Ҳали у чўнтагингиздаги пулни, ё уйингиздаги молни, ўғирлаб олиб кетишликмас, сиз ихтиёрингиз билан берадиган пулга, ҳарислик, очкўзлик бўлмайди. Чунки, у билади, бу пулни сиз, албатта берасиз. Ислон камбағалларга ҳожатларини таъминлаш ва уларни сўрашлик хорлигидан сақлашлик учун, закотни фарз қилди. Закот берувчи одам, уни оладиган камбағални кўрса, қувонади. Молини олишга лойиқ ўрин топганига, қувонади. Худди, ҳозирда, ўзимизнинг шахсий ҳожатимизга ишлатиб, қувониб турганимиздек. Мана закотимни ўрни турибди деб, мўлжалга олиб туради. Шунга бераман деб, қувониб туради. Ундан раҳмат эшитиш учунмас. Унинг қонини ичишлик, учунмас. Уни муҳтож тарафини кўриб, шуни таъминлашга ҳаракат қилади.

Давлатманд, закот берадиган киши, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан бунга тайин қилинган яхшиликка, ўтиб оладиган кўпригим деб, билади. Уни хорламайди. Мени молимни олдинг, демайди. Уни ҳурматлайди. Аллоҳнинг ҳузуридаги яхшиликка, мана шу камбағалсиз етолмайман деб, эътиқод қилади. Унда қандай қилиб, сўраш хорлиги бўлади? Бу тарқоқ қалбларни имон ва ислом асосида жамлаш бўлади, биродарлар. Закот низоми ҳукм сурган жамиятда, одамлар ниҳоят даражада, иттифоқ бўлишадилар. Закот берадиганлар моли кўпайган сари, закот миқдори кўпайиб бориб, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқ озайиб боради.

Мусофир бўлган мусулмонларга ёрдам беришлик. Бир мусофир бир диёрга келса, бу диёрда мурувват кўришлиги билан, бу диёрдаги баъзи айблар эсидан чиқиб, уни мақтови, бошқа диёрларга етиб боради. Ва жамиятлар ўртасида, иттифоқлик вужудга келади. Закот низомини жамиятдан йўқолишлиги, жамиятни оғир мусибатларга дучор қилди. Бу мусулмон закот берувчилар, тушунадиган сўзлар. Бу ҳикматни, бошқалар тушунишлиқдан маҳрум.

Закот беришлик билан, молнинг поклинишлиги, ва офатлардан муҳофаза қилинишлиги, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога итоат қилишлик ва Аллоҳнинг буйруғини улуғлашлик, ва Аллоҳнинг халқига яхшилик қилишлик, ҳаммасидан ҳам, молдаги баракот бўлишлигидир. Бу молдаги баракотни билишлик учун, мусулмон қалби очиқ, закот берувчилар, буни биладилар. Бошқалар маҳрумдирлар, буни билишдан.

Закот бериладиган моллар

Закот тўрт хил молдан вожиб бўлади.

Биринчи, ердан олинадиган маҳсулотлардан берилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَلَا تَيَمَّمُوا الْخَبِيثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ وَلَسْتُمْ بِآخِذِيهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ ۖ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ
Бақара сураси 267 оят

Имон келтирган кишиларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло хитоб қилиб, ўзинглар касб қилган нарсанинг покизаларидан сарф қилинглар. Ва ердан Биз сизларга чиқариб берган нарсалардан, инфоқ қилинглар. Бераётган вақтда, ёмонини мақсад қилманглар. Ўзингларга берилган вақтда, ёмонлаб оладиганидан берманглар. Албатта, сизга биров мевасини ёмонроғидан берса, шуни берибдими? деб, айблаб туриб оласиз. Демак, сизлар ҳам, ёмонини мақсад қилманглар. Яхшисини танлаб беринглар.

وَهُوَ الَّذِي أَنشَأَ جَنَّاتٍ مَعْرُوشَاتٍ وَغَيْرَ مَعْرُوشَاتٍ وَالنَّخْلَ وَالزَّرْعَ مُخْتَلِفًا أَكْلُهُ وَالرَّيثُونَ وَالرُّمَّانَ مُتَشَابِهًا وَغَيْرَ مُتَشَابِهٍ ۚ كُلُوا مِنْ ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَآتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ ۚ وَلَا تُسْرِفُوا ۚ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ
Анъом сураси 141 оят

وَآتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ

Ўрим кунида ҳаққини ўтанглар, деб, Аллоҳ буюряпди. Демак, биз закотни, ердан ундирилган нарсалардан, беришлигимиз вожиблигига, мана шу оятлар, далолат қилади. Булардан қанча миқдорда беришликни, мана ҳадиси шарифларда баён қилинган.

فِيمَا سَقَتِ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ أَوْ كَانَ عَثَرًا عُثْرًا، وَمَا سَقَى بِالنَّضْحِ نَصْفُ الْعُثْرِ
الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Осмон, яъни, ёмғир суви билан суғорилган ердан, ва ёки усрий бўлса, усрий дегани, ёмғир суви тўпланган жойдан, суғорилган ердан унган нарсалардан ўндан бири, агар сувни, пул сарфлаб, суғорилган бўлса, йигирмадан бири берилади, дедилар. Масалан, ҳозирги вақтда, сувни олиб келишга пул сарф қилинадиган бўлса, бу ерда ҳосил бўлган нарсалардан, йигирмадан бири берилади. Бу мевалар ва дон дунлар закотиридир. Бунда ушр, яъни ўндан бир ёки, нисфул ушр, йигирмадан бир бўлаги, берилади.

Иккинчи, закот, тилло, кумуш ва пуллардан берилади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларида, муомилотлар, тилло ва кумуш билан бўлганлиги учун, шунга қайд қилинган. Қоғоз пуллар, савдода айланиб турмаган бўлса, закот лозиммас, деган фикрлар бор. Бу тўғрима, биродарлар. Уларга нега бу қоғоз пулга закот лозим бўлмади? Десак, улар бу қоғозни ўзини аслида, қадр қиймати йўқ, дейишади. Бизнинг ҳужжатимиз шуки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Маоз ибн Жабални, Яманга жўнатганларида, у кишини биринчи имонга буюришликка, улар қабул қилганларидан кейин, беш вақт намозни қабул қилишга буюришликка, агар улар намозни барпо қилишликка итоат қилишса, билдирингки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, уларга фарз қилган, давлатмандларидан олиб, камбағалларига қайтариб бериладиган садақотни, уларга билдиринг! Дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, давлатмандларидан олиб, камбағалларига қайтариб бериладиган садақотни, уларга билдиринг! Дедилар. Тушуниш осон бўлиши учун мисол қилиб айтайлик, бир одамни бир милён қоғоз пули бор. Араб тилида, ғаний деб, бой одамни айтади. Фақир деб, камбағал одамни айтади. Мискин деб, бироз пули бўлган одамни айтади. Бир кунлик ёки шунга ўхшаган, жуда оз миқдордаги пули бор одамни мискин, дейди. Баъзилар, буни иккаласини аксига тушунтиради.

أَمَّا السَّفِينَةُ فَكَانَتْ لِمَسْكِينٍ يَعْمَلُونَ فِي الْبَحْرِ فَأَرَدْتُ أَنْ أَعِيبَهَا وَكَانَ وَرَاءَهُمْ مَلِكٌ يَأْخُذُ كُلَّ سَفِينَةٍ غَصْبًا

Каҳф сураси 79 оят

Қуръони каримда, мискинларни кемаси эди, денгизда ишлатиб юришарди, дейилган. Демак, мискинларда ҳам, кема бўлиши мумкинлигига ишора бўлаяпти. Тижоратига ишлатиб турадиган кемаси бор одамларни, қуръони карим, мискин деяпти. Демак, бу мискин калимасидан шуни тушунамизки, у фақирдан кўра, дурустроқ. Одамлар уч хил бўлади. Ё Ғани бўлади, бадавлат. Ё Мискин, ундан кўра камбағал. Ё фақир бўлади. Ҳеч нарсаси бўлмайди. Учовидан бошқа бўлмайди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, давлатмандларидан олиб, камбағалларига қайтариб бериладиган нарса, деяпти. Биз савол қиламизки, бир милён қоғози бор одамни, фақир деймизми? Мискин деймизми? Ё Ғани деймизми? У ўзини фақир ва мискин деб, билмайди. Албатта, ғани дейди. Агар Ғани десак, Ғанилардан олинадиган нарса, деб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтаяптилар. Демак, биз қоғоз пулларга, тижоратда турса ҳам, ишламай турган бўлса ҳам, закот беришлиги, фарз деймиз.

Учинчиси, тижорат матоларидан закот бериш вожиб бўлади.

Савдо ва тижорат учун олинган моллар ва ёки, ер бўлсин, ҳайвон бўлсин, таом бўлсин, ҳалол ичимликлар бўлсин, ё сайёралар бўлсин, ё бошқа моллар, шу молларни эгаси, бир йил айланиши билан, шуларни ўзи яшаб турган ердаги, нархга қўяди. Агар шу сотаман деб, олиб қўйган нарсаларининг нархи, нисобга етса, бир йил айланишлиги шарти билан, закот бериш вожиб бўлади. (Яъни, бир йил ичида, моли нисобдан камайиб кетмаса, закот беради)

Тўртинчиси, Туя, Мол Қўй, Эчки ва ҳаказолардан, закот беради.

Бу моллар савдо учунмас. Булар сут олишлик, насл олишлик ва жунини олишлик учун ва (гўштини ейишлик учун) боқиладиган бўлса, ва олти ойдан кўп муддат, яйловда (бепул) ўтлаши шарт билан, закот лозим бўлади. Агар шу ҳайвонлар сони, нисобга етса. Агар олти ой яйловда, бепул ўтламаган бўлса, закот лозим бўлади. Агар уйда боқилган бўлса, савдо учун боқилинмагани учун, закот лозим бўлмайди.

Закот молининг нисоб миқдори

Биринчи мевалар ва донлар нисоби. Биз, закот бериладиган моллар, ердан унадиган, дон дун ва мевалар, дедик, Бунинг нисоби араб тилида, беш васак дейилган. Икки юз килодан кўпроқ, валлоху аълам. Агар бир кишининг олаётган ҳосили, икки юз килодан кўпроқ бўлса, бепул сув билан суғорса, ўндан бир миқдорда, закот бериши лозим бўлади. Агар сувни пул билан олиб келса, йигирмадан бир миқдорда закот бериши лозим бўлади. Дон ва меваларга тегишли ҳукм бу. (Демак, икки юз килодан кам ҳосил олса, закот бермайди)

Иккинчи, тилло ва кумушлар нисоби. Тилло нисоби йигирма мисқол, бу саксон беш граммни ташкил қилади. Кумуш нисоби бўлса, икки юзта танга дейилган. (Энди бу олтин ва кумуш пуллар бугун йўқ. Қоғоз пуллардан закот берилади) Қоғоз пулларни, тилло ҳисобига тўғрилаб ҳисобланади. (85 грамм тиллони пули бор одам, моли нисобга етган бўлади) Дўконларда турган, олтинни, саксон беш граммига пули етадиган одамга, бир йил ичида пул миқдори, шу миқдордан камаймаса, закот лозим бўлади.

Учинчиси, Тижорат моллари нисоби. Бу моллар қиймати ҳаммаси, қоғоз пулда ўлчанади. Сотаман деб олиб қўйган моллари қиймати, шу саксон беш грамм олтинга етадиган пул бўлса, унга закот вожиб бўлади. (Яъни, молларнинг нарҳини, қўлидаги нақд пулига қўшиб, умумий ҳисобини чиқаради) Қирқдан бир улушини, Аллоҳ йўлида, камбағалларга берилади.

Тўртинчиси, ҳайвонларнинг нисоби. Қўйдаги нисоб, агар қўй сути, жуни ва насли учун боқилса, олти ойдан кўпроқ, яйловда бепул ўтлатилган бўлса, шулар сони қирқтага етган бўлса, шунда битта қўй закот бериши лозим бўлади. Туялар бизни диёримизда бўлмаса ҳам, айтиб ўтамиз. Туянинг нисоби бештадир. Кимда бешта туя бўлса, ҳали айтилган шартлар топилса, унга битта қўй, закот бериши лозим бўлади. Мол нисоби ўттизта. Ўттизта моли бўлган киши, бир ёшлик буқачани ёки ғунажинни закотга бериши, лозим бўлади.

Қўйлар, қирқтадан бир юз йигирмага етгунча, битта қўй лозим бўлаверади. Бир юз йигирмага етса, то икки юзга етгунча, иккитта қўй лозим бўлади. Қўйлар сони икки юздан ошса, учта қўй лозим бўлади. Кейин, ҳар юзтага биттадан қўй, қўшилиб бораверади.

Туялар, Бештадан то тўққизтагача, битта қўй лозим бўлади. Ўнта туядан то ўн тўрттагача, закот учун, Иккита қўй лозим бўлади. Ўн бешта туядан то ўн тўққизгача, учта қўй лозим бўлади. Йигирма туядан то йигирма тўрттагача, тўртта қўй лозим бўлади. Йигирма беш туядан, ўттиз беш туягача, бир ёшлик, битта урғочи туя бериши лозим бўлади. Ўттиз олтитадан то, қирқ бештагача, икки ёшлик, урғочи туя бериши лозим бўлади. Қирқ олтитадан то олтмиштагача, уч ёшлик урғочи туя бериши лозим бўлади. Олтмиш биттадан етмиш бештагача, тўрт ёшлик, урғочи туя бериши лозим бўлади. Етмиш олтидан то тўқсонгача, иккита, икки ёшлик, туя лозим бўлади. Тўқсон биттадан, бир юз йигирмагача, иккита, уч ёшлик туя лозим бўлади. Бир юз йигирмадан, қирқта туя ошган сари, битта, икки ёшлик туя ва туялар сони, бир юз етмишдан ошгандан кейин, ҳар элликта қўшилганда, битта уч ёшлик туя, қўшиб борилаверади.

Қорамоллар. Мол нисоби ўттизтадан то, ўттиз тўққизгача, битта буқа ё битта ғунажин бериши лозим. Қирқтадан эллик тўққизгача, икки ёшлик молни бериши лозим бўлади. Олтмиштадан кейин, иккита, бир ёшлик мол бериши лозим. Ҳар ўттизта молга ошганда, битта, икки ёшлик, мол қўшиб борилаверади. Қирқтага ошганда, битта икки ёшлик мол, қўшиб борилаверади.

Ҳайвонлардаги закот, агарчи бизнинг бу жамоа муҳтож бўлган масъала бўлмасада, биз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам йигирма уч йил давомида, закотни шунчалик аниқ ва муфассал баён қилиб ўтганликларини, билиб қўймоқлигимиз керак.

Шу закот аҳкомларини, ер куррасидаги қайси миллатга мансуб одам бўлсада, оқ танли, қора танли, миллатларнинг молларидаги муомилотнинг ҳаммасини, қисқа суҳбатларида, жуда озгина сўзлар билан, ифодалаб қўйганларки, бу қиёматгача ўзгармас қонун бўлиб қолган. Бошқаларнинг ҳаётини текшириб кўрсангиз, уларда мол ҳақидаги низомлари, тез тез ўзгараётганини ва бир жойда барқарор, ўрнаша олмаётганини кўрасиз. Мана шу исломнинг мўъжизасига одам, тан олиб, қойил қолади. Бу низом, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келганини билган одам, аслида ажабланмайди. Чунки, инсонларни яратган Зот, уларнинг ҳолатларини мукаммал билиб, уларнинг моллари ўртасидаги муомилани, шундай баён қилган.

Закот бериладиган ўринлар

فَمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَمِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمَوْلَاةِ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغُرْمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَبْنِ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

Тавба сураси 60 оят

Шу оятдаги садақотдан мурод, муфассирлар иттифоқи билан, фарз Закотдир. Шу оятда саккиз тоифани, закот олишликка ҳақдор эканлиги, айтилди.

1. Фуқаролар. Фақир деб, ҳеч нарсаси йўқ одамга айтилади.
2. Мискинлар. Мискинни юқорида ҳам, айтиб ўтдик.

أَمَّا السَّفِينَةُ فَكَانَتْ لِمَسْكِينٍ يَعْمَلُونَ فِي الْبَحْرِ فَأَرَدْتُ أَنْ أَعِيبَهَا وَكَانَ وَرَاءَهُمْ مَلِكٌ يَأْخُذُ كُلَّ سَفِينَةٍ غَصْبًا

Каҳф сураси 79 оят

Аммо, кема мискинларники бўлиб, денгизда иш қилишарди деган, Аллоҳу таоло. Демак, мискин, мол мулкга эга одам. Бу оят далолат қиладики, Мискинлар, фақирдан кўра, тузукроқ ҳолатда.

3. Закот устида ишловчи кишиларга. Закотни тўплаб келувчи кишиларга, ойлик маош сифатида, ёинки, йиллик маош сифатида, шу закотдан берилиши, буларга ҳалолдир. Агарчи, булар давлатманд бўлсалар ҳам. Чунки, булар шу закот йиғиш билан, шуғулланувчи кишилардир.

4. Қалбини исломга ошно қилишлик учун. Булар Исломни қабул қилмаган кишилардир. Лекин, закотни беришлик билан, таъсирланиши мумкинлигини умид қилсангиз, қалбларини ошно қилишлик учун, уларга закот молидан беришга, рухсатдир. Ёинки, имони заиф одам. Ўзи камбағалмас. Имони заиф одам. Шу закотни беришлик билан, имони қувватлик бўлиши мумкин? Ёки, мусулмонларга ёмонлик қилмоқчи бўлиб турган одам.

У закот пулини олиши билан, мусулмонларга ёмонлик қилишдан, тийилиб қолиши мумкин? Мана булар бари, муаллафати қулубиҳим, қалбларни улфат, ошно қилиш, турига киради.

5. Қулларни озод қилишликда сарфлашлик. Қулдорлик масаласида, биз жума маърузасида ҳам гапирганмиз. Ислом келган даврда. Ким қулдорликни йўқотилади деб ўйласа, нодон дейиладиган даврда, қулдорликни йўқотувчи низомни олиб келди. Лекин, нега ислом маст қилувчи ичимликни йўқотганидек, қулдорликни ҳам йўқотиб ташламади? деган савол бўлади. Бунга шундай қараладики, маст қилувчи ичимликни ичишликни ҳаром қилишлик, Исломнинг имкониятида бор масала эди. Қулдорлик, бу оламшумул масала эди. Кофирлар мусулмонлар билан жанг қилган вақтида, уларни қул қилиб олиб кетиб, хоҳлаган зулмини қиларди. Кофирлар жангда, мусулмонлар қўлига асир тушса, уларни қул қилмаслик, унинг имкониятида эмас эди. Мусулмонлар асир тушса, қул қилинсаю, улардан асир тушганлар, қул қилинмасдан, озод қилиб юборилса, бу ҳам адолатданмас. Бу иш, бутун олам, қулдорликни, таг туги билан олиб ташлашликка, ўзаро келишиб олишга боғлиқ масала эди.

Исломнинг имкониятидаги масала эмасди. Бундан ташқари, ҳуррият бировга бериладиган нарса эмас. Ҳуррият талаб қилиб олинсагина, фойда қилади. Агар инсон ичкари тарафидан ҳур бўлмас экан, озод бўлмас экан, уни озод қилишликни, ҳеч қандай манфаати бўлмайди. Башарийят тарихида имтихондан ўтганки, Америкада қуллар кўп бўлгани учун, Линколн деган биттаси, давлатга Раис бўлиши билан, қулдорликни бекор қилди. Қуллар қалбидан озодликка тайёр бўлмагани учун, улар буюрилган вазифани бажаришга одатланиб қолганлиги учун, улар бизнинг қуллигимиз яхши экан деб, қайтиб келишган. Нима учун?

Ҳуррият талаб қилиб олинсагина фойда қилади. Бировга берилса, фойда қилмайди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қулларни, озод қишилар билан, улфат қилдиларки, озодлик нима эканлигини, ўргансин деб. Ана шундай қилиб, кейин улар қулликдан, озод қилина бошландилар. Ислом кўп гуноҳларнинг каффоратини, қулларни озод қилишга боғлади. Бу билан Ислом, қулдорлик манбасини йўқота бошлади. Яна қулларни озод қилишлик, закот моли сарфланадиган ўриннинг биттаси бўлди. Қулларга мана бу миқдордаги пулни берсанг, озод бўласан дейишарди. Бу пулни топишга, у жуда қийналарди. Шунда, закот пули орқалик, улар озод бўларди. Такрор айтамыз, ислом келганида, қулдорлик, оламшумул масала эди. (Дунё аҳли бирга ҳал қиладиган, нарса эди)

6. Қарздорларга беришлик мумкин. Қарздорларга қарзи миқдорича, закот беришлик мумкин. Шаръий суратда қарз бўлган бўлса. Бир одам, шариатда ҳаром бўлган нарсаларни қилиб, мисол учун, қимор ўйнаб туриб, қарзга кириб қолиши мумкин? Бундайларга биз закот бермаймиз, биродарлар.

7. Аллоҳ йўлидагиларга сарфланади. Ким Аллоҳнинг йўлида юрган? Деган саволга, кўп маънолар беришган. Илм талабида юрганлар. Касб қилса, илм қолиб кетади. Шуларга берилади. Ва Аллоҳ йўлида (жиҳодда) юрган қишилар, камбағал бўладиган бўлсалар, шуларга берилади. Булар баъзи, давлатманд одам ҳам, бўлиши мумкин? Масалан сиз ўнта қуръон олиб, Аллоҳ йўлида тарқатдингиз. Шу китоб, кимни қўлига тушса, ҳам, давлатманд киши бўлса ҳам, савоби бўлаверади.

8. Мусофирларга берилади. Мусофирлар молу давлати бору, лекин, уйида қолган ва пулга зарур бўлиши мумкин? Булар уйига етиб олгунча миқдорда, закот пулидан олса, бўлаверади.

Закотни бермаган қишиларга, қаттиқ ваъидлар бор. Ҳадиси шарифлар мазмуни билан чекланамиз. Ким олтин қумушлардан закот бермаса, жаҳаннам ўтида қиздирилиб, пешанаси, елкаси ва орқасига босилиб, мана бу сизлар закотини бермаган молинлар деб, хитоб қилиб турилади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир кишига мол берган бўлсаю, у закотини бермаган бўлса, у кўз ойнаклик илон бўлиб, бўйнига ўралади. Ва икки жағидан ушлаб, мен сени закотини бермаган молингман, деб, унга азоб бериб туради, қиёмат куни. Туя, мол ва қўйлардан закотини бермаганларга, қиёмат куни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу молларини, энг шохлик ва қувватлик суратда олиб келиб, доим сузиб, унга азоб бериб туради. Бир чеккаси тугаши билан, иккинчи тарафи етиб келаверади.

Билиб қўйишимиз керакки, закот кофирга берилмайди. Аслий кофирга ва ёки, диндан қайтган муртад кофирга ҳам берилмайди. Баъзилар, закотни, намозни қасддан тарк қилган одамга ҳам, берилмайди, дейишган. Магар исломга кириши умид қилинган, кофирга берилади, дейишган. Давлатманд одамга ҳам, закот берилмайди. (Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авлодларига ҳам, закот берилмайди) Ва нафақаси вожиб бўлган одамларга ҳам, закот молидан берилмайди. Масалан, бир киши, закотини ота онасига ва фарзандларига ва аёлига бермайди. Лекин, аёли отасидан мерос олиб, ёки, касби билан давлатманд бўлган бўлса, у эрига, агар камбағал бўлса, закот берса бўлади. Чунки, эр киши, ота онасига ва фарзандига ва аёлига нафақа беришлиги лозим. Аёли эрига нафақа бериши вожиб эмас. Фарзандга отаси, камолот ёшига етгунча, нафақа беради. Камолот ёшига етгандан кейин, фарзанд ота онасига, нафақа беради. Ака укалар ва опа сингиллар камбағал бўлса, закот берилади. Закотни бир шаҳардан, иккинчисига олиб борилмайди. Агар очарчилик бўлса, олиб бориш мумкин!

Чунки, ҳар бир шаҳар ўзидаги мискинларни таъминлаб, хотиржам қилишлиги керак. Мабодо ўзининг шаҳарида камбағал қолмаган бўлса, ё у тарафда очлик бўлса, уларга берилади. Мабодо, бир кишига садақа берилса, у киши шу садақадан таом тайёрлаб келса, закот берувчи киши у билан бирга турганлиги учун, уни закот пулидан эканлигини билса, еса бўладими? деган савол бўлади. Жавоб шуки, еса бўлади. Унга берилгани, закот бўлади. Бунга берилгани, ҳадя бўлади.

Барира исмли чўрига закот берилган эди. У қозонда гўшти қайнатганди. Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қозондаги гўшдан олиб келинглари дедилар. У закот моли эди, дейишди. Шунда, бу Барирага закот ва бизга ҳадя, дедилар. Демак, биз бир камбағал одам билан, бирга турган бўлсак. Унга закот берилган бўлса, у шунга бир ейдиган нарсани қилган бўлса, биз давлатманд бўлсак ҳам, у билан бирга, ейишимиз мумкин,

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, шу закотни берадиган, кишилардан қилсин!

(Шу ерда кичик, савол жавоб бўлиб ўтган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дарсимизни давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, суннат йўлларига йўлласин!

اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ
Фотиҳа сураси 6,7 оятлар

اللهم أعز الإسلام والمسلمين وأذل الشرك والمشركين ودمر أعداء الدين وانصر عبادك الموحدين

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга зарар етказаётганларга кифоя қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

51 дарс тугади.

52 Дарс

Лаънат эълон қилинган тоифалар

(Бу дарсда, шу дарсларни нега душанба оқшомида, ўтказилиши сабаби айтилади, ва Мусулмон кишини сўкишлик, масхаралаш ва алдаш ва хиёнат қилишлик оқибатлари ҳақида қатор ҳадислар айтилади ва лаънат эълон қилинган тоифалар кимлиги баён қилинади. Дарсни охирида, ёши катта мусулмонларни ҳурматлаш ва ейиш, ичишда, сўзда ва юришда, муқаддам қилишлик ҳам, суннатдан экани тушунтирилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا ضَلِيلَ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонга, буюрган нарсанинг энг муҳими, тавҳид бўлиб, қайтарган нарсанинг энг зарурийси, ширқдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни яратар экан, қайси яхшилиқ бўлса, шунга йўллади. Қайси нарсани ёмонлик бўлса, шундан қайтарди. Буюрган нарсанинг энг муҳими тавҳиддир. Қайтарган нарсанинг энг ёмони, ширқдир. Модомики, инсон қалбида тавҳид барпо бўлмас экан, ширқдан сақланишлик барпо бўлмас экан, унинг ҳаётдаги қилган амалининг бирортасининг, эътибори бўлмайди, биродарлар. Биз билан сизнинг кўзимизга кўринган, ҳар қандай яхшилиқ деб, аталган нарсани, у Аллоҳнинг мезонида яхшилиқмас. Шунинг учун, тавҳид ақидасини қалбга ўрнатмоғимиз керак. Кейин, ширқдан саломат сақланмоғимиз керак. Ва имон асосларидан бўлган, Аллоҳ учун яхши кўришлик ва Аллоҳ учун ёмон кўришликни, қўлга келтирмоқлик керак. Мана бу, имон халқаларининг энг мустаҳкамидир.

أَوْثَقُ عَزَى الْإِيمَانِ الْحُبُّ فِي اللَّهِ وَالْبُغْضُ فِي اللَّهِ .

الراوي : عبدالله بن مسعود

(خلاصة حكم المحدث : إسناده ضعيف)

(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Шу нарсани биз ўзимизда мужассамлаштирганимиздан кейин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган фарзларнинг энг асосийси, намоздир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло намозни барпо қилишликка, буюрди. Намозни барпо қилганимиздан кейин, закотни ўташликка Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрди. Биз закотни ўташликка, мажбурмиз. Модомики, имонни даъво қилсак. Бугунги дарсимизда, бизга кўп саволлар бўлганлиги учун, дарсимизни мавзусини, ҳар хил бобларга ажратиб, ўтказамиз. Шу хилда дарс ўтишлигимиз, бизларни баъзи масалаларда маълумотга эга қиладида, шу билан саволлар ҳам, камайиб қолса ажабмас?!

Дарс қилишга, нега Душанба оқшоми танланди?

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг мадади билан, душанба кунлари, шу дарслар давом этаяпди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дарсларни, давомли қилсин! Бу душанба куни танланишининг сири, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

صحيح خرّجه مسلم في الصحيح تعرض الأعمال على الله يوم الإثنين والخميس، فيغفر لكل مسلم لا يشرك بالله شيئاً إلا رجل كانت بينه وبين أخيه شحناء فيقول الله دعوا هذين حتى يصطلحا.

Ҳар бир нарсани ҳаётда кўндаланг қилинадиган, кўрсатиладиган даври бўлади. Бозор куни одамлар, ўзларининг молини кўндаланг қилиб, кўрсатиб, ўтказишга ҳаракат қилади. Бу ҳар куни бўлавермайди. Ҳафтанинг маълум кунида, инсонлар ўзларининг касб қилган нарсаларини ва молларини кўрсатишади. Амалларнинг ҳам, кўрсатиладиган кунлари бор. Мўминлар ҳаётда амал қилишар экан, шу амаллар ҳар пайшанба ва душанба куни, кўндаланг қилинади. Амал, гўёинки, ўтадиган куни. Қўпол қилиб айтсак, амаллар бозори. Ҳар пайшанба ва ҳар душанба куни, амалларнинг яхшилари ва ёмонлари, кўндаланг қилинадиган кундир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳар пайшанба ва душанба куни, рўза тутардилар. Нима учун шу кунда рўза тутишликлари сўралганда, баъзи ривоятларда, душанба куни туғилдим, дедилар. Туғилган кунларида рўза тутдилар.

Биродарлар, ажнабий миллатларни қаранг, туғилган кунда шунақа ишлар қилишадик, шу туғилмаганда тузукроқ бўларди, дейсиз. Ислом тарбиясини қаранг, хурсандлик кунида, амалини мустаҳкамроқ қилади. Мана рамазони шарифда, қуръони карим нозил бўлган. Мўминлар, рамазонда, рўза тутишлик билан, Аллоҳнинг буйруғига, ўзларини муқайяд қилишлик билан, нишонлайдилар. Ийд кунини, гуноҳлар мағфират қилинадиган кунни, фитр садақасини камбағалларга беришлик билан, ўзларини покиза қилиб, ғусл қилишлик билан, қариндош уруғларга, силаи раҳм қилишлик билан, озода кийимлар кийишлик билан, нишонлашади. Қурбон ийдида, қурбонлик қилиб, камбағалларга тақсим қилишлик билан, нишонлашади. Шу хурсандликни, бою камбағалга баробар қилиб, нишонлашади.

Улар хурсандлик кунларида, Аллоҳнинг буйруғига, ўзларини муқайяд қилиб яшаши. Али ибн Абу Толибга бир киши, ўзингиздан кўра, ҳикматлироқ сўз айтган кишини кўрдингизми? деганларида, Айтдиларки, мен руҳбонлардан, аҳли китобларнинг тарки дунё қилиб, тоғу тошга чиқиб кетганларининг биттасидан, байраминглар қачон бўлади? деб сўраганимда,

كل يوم لا نعصي الله فيه

Аллоҳга осий бўлмаган кунимиз, бизнинг байрамимиздир, деганди. Шу сўзи менга таъсирлик бўлди, деган эканлар.

Амалларимиз душанба ва пайшанба кунлари, кўндаланг қилинади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, душанба ва пайшанба кунлари, нафл рўза тутаман. Амаллар кўндаланг қилинаётганда, рўзадор бўлиб туришни истайман, деган эканлар. Инсонлар, ўзининг касбини, бозорга олиб чиққанда, улар ҳар хил бўлади. Баъзилари яхши бўлмайди. Яхшироғи кўриниб турганда, шу билан бошқалари ҳам ўтиб кетиб қолади. Эртага бозор деган куни, биродарлар, ҳар кун бепарво бўлиб келаётган бўлса ҳам, шу куни, эртароқ ухлаб, саҳарроқ туриб, тайёргарлик кўра бошлайди. Мўмин киши ҳам, душанба ва пайшанба кунлари, амаллар кўндаланг қилинади деб, шу кунларида, яхши амалга ижтиҳод қилмоқлиги керак! Бизга бошқа фалсафалар таъсири кўп ўтганлигидан, моддий нарсаларни тушуниб,

маънавий нарсаларга, эътибор бермай қўйганмиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу кунда, Аллоҳга ҳеч бир нарсани шарик қилмаган одамларни, гуноҳини кечиради.

Магар бир мўмин билан, иккинчи бир мўмин орасида келишмовчилик бўлса, Аллоҳу таоло малоикаларга айтадики, қўйиб қўйинглар бу икковини, ўзлари бир келишгунча, гуноҳи кечирилмай турсин, дер экан. Демак, шу амаллар қабул бўладиган кунда, бир яхши ҳолатда бўлишлигимиз учун, дарсни шу кунга қилганмиз. Душанба кунига дарс қилишимизнинг сири шу, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи қабул қилсин!

Мўмин кишини сўкишлик ҳақида

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам мусулмон кишини сўкишлик ҳақида, қаттиқ ваъид айтдилар.

سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ، وَقِتَالُهُ كُفْرٌ
الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам. Мусулмон одамни сўкишлик, фискадир. У билан қаттиқ жанг қилишлик, куфрдир, дедилар. Яъни, ўлдиришгача борса, куфрдир.

الراوي : عن أبي ذر - رضي الله عنه - أنه سمع النبي - صلى الله عليه وسلم - يقول: «لا يَرْمِي رَجُلٌ رَجُلًا بِالْفُسُوقِ أَوْ الْكُفْرِ إِلَّا ارْتَدَّتْ عَلَيْهِ،
إِنْ لَمْ يَكُنْ صَاحِبَهُ كَذَلِكَ
المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Бир киши, иккинчи бир кишини ҳақорат қилиб, унга бўҳтон тошини отса, у одам шундай одам бўлмаса, бу фиску куфр, унга қайтиб келади, дедилар.

Яъни, бир киши бировни фосиқ ё, кофир деса, икковидан бири, кофир ё, фосиқ бўлади. Агар ҳақиқатда кофир ва фосиқ бўлса, шу айтгани, аммо, ҳақиқатда шундай бўлмаса, ўзи фосиқ ва кофир деган бўлса, кофир бўлади. Шунинг учун, бу калимани тилга олишдан эҳтиёт бўлмоқлик керак.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тирикларни эмас, ўликларни ҳам сўкишдан қайтардилар. Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар.

لَا تَسُبُّوا الْأَمْوَاتَ، فَإِنَّهُمْ قَدْ أَفْضَوْا إِلَى مَا قَدَّمُوا
الراوي : عائشة أم المؤمنين | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Ўликларни сўкманглар. Улар энди тақдим қилишган нарсаларига, етиб боришди. Агар улар тамоми залолатда бўлган бўлса, жаҳаннамга етиб боришди. Яхши одамлар бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларини мағфират қилган бўлса, бу сўкишлик, ёмонликни олиб келади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рози бўлганига, рози бўлмасликни олиб келади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга озор беришдан тийилишликни, исломнинг аломати дедилар.

عن عبدالله بن عمرو بن العاص - رضي الله عنهما - عن النبي - صلى الله عليه وسلم - قال: المسلم من سلم المسلمون من لسانه ويده،
والمهاجر من هجر ما نهى الله عنه ؛ متفق عليه

Мусулмонлар тили ва қўлидан саломат бўлган одам, мусулмондир. Биз тилдан саломат бўлишни, сўкишликдан сақланса деб тушунамиз. Қўлидан саломат бўлишликни, қўлидан зарба емаслик деб, тушунамиз. Бу нукта дақиқдир, биродарлар. Бир мусулмонни устидан, ёмон сўз ёзиш ҳам, қўлидан ёмонлик қилишдир, биродарлар. Баъзи мусулмонлар сўкмайди, урмайди. Лекин, қалами билан, тажассус қилиб, Мусулмонни айбини истаб, уни устидан ноҳақ бўҳтонлар қилиб, уни устидан шикоят қилади. Мана буни ҳам, қўлидан мусулмонлар саломат бўлмаган деб, тушунмоқлик керак. Ҳақиқий муҳожир ким? Аллоҳ қайтарган нарсадан, воз кечган одамдир, дедилар. Энди муҳожир деб, кимни айтамыз? Аллоҳ қайтарган нарсадан, воз кечган одам муҳожирдир!

Мўмин кишининг устидан кулишлик ҳақида

لا تظهر الشّماتة لأخيك فيرحمهُ الله ويبتليكَ
الراوي : واثلة بن الأسقع الليثي أبو فسيلة | المحدث : الألباني | المصدر : ضعيف الترمذي
الصفحة أو الرقم : 2506 | خلاصة حكم المحدث : ضعيف
(Бу ҳадисни муҳаддислар заиф дейишган)

Мусулмон биродарингни устидан кулишликни, ўзингда кўрсатмагин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни раҳматига олади ва сени шу балога гирифтор қилади, дедилар.

Мусулмон одамга кулган одамни, Шу балога ўзи гирифтор бўлишлиги, бордир. Буни ҳар бир одам, ўзининг ҳаётида кўп синаб кўрган. Кимнингдир устидан кулиб, ўзининг бошига ҳам, шу мусибат тушгандир.

Мўмин кишини алдашлик ҳақида

مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السِّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا، وَمَنْ غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا.
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Мўмин одамга силоҳ кўтарган одам, бизданмас, дедилар. Ва бизга ғашлик қилиб, соф муомила қилмаган одам, бизданмас, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам таом тўплаб қўйилган жойдан ўтдилар ва уни тагига қўлларини солиб кўрдилар. Таом дегани, ейдиган нарса. Бундан мурод овқатмас. Бармоқлари намга тегди. Яъни, пасти қисми ивиб қолганди. Таом эгасига бу нима бу? дедилар. Яъни, таги ивиб қолганку? дедилар. У ёмғир тегди, деди. Шу нам бўлган жойини, тепасига қўйиб қўймабсанда, дедилар. Одамлар кўриши учун, дедилар. Бизга холис муомила қилмаган одам, бизданмас, дедилар. Биз бир нарса сотсак, айбини айтиб қўймоғимиз керак. Баракотни йўқолишига, шу сабаб бўлади. Бизга ажнабий миллатлардан, шу иллат етиб келди, биродарлар. Бизнинг тарихимиз, соф муомилалар билан тўла. Ҳозир, кўп мусулмонлар, шунақа алдоқчи бўлиб кетган, дейишади. Бу ўз ўзидан бўлгани йўқ. Бу қаттиқ уюштирилган ҳаракат натижасида, мусулмонлар шу аҳволга тушиб қолишди.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ тўнфурушлик қилар эканлар. Ходимлари тўнни айбини айтмасдан, бир хил баҳода сотиб юборган. Шу айби бор тўнни ҳам, бошқалар қаторида сотилиб кетгани, маълум бўлиб қолгач, ўзи шундай бўлиб қолса, шу савдодан тушган фойдани, муҳтожларга бериб юборилади. Дастмоя ҳалол бўлаверади. Бу киши дастмояни ҳам қўшиб, бериб юборган эканлар. Ислон тарихи, соф муомилотлар билан тўла.

Лекин, ҳозирги даврдаги аҳвол, Ислом таъсирида бўлганмас. Исломга зид тарбиянинг таъсирида, шундай бўлиб қолди.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, нажшдан қайтардилар.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: لا تحاسنوا، ولا تتناجشوا، ولا تباغضوا، ولا تدابروا، ولا يبيع بعضكم على بيع بعض، وكونوا - عباد الله - إخواناً، المسلم أخو المسلم: لا يظلمه، ولا يخذله، ولا يكذبه، ولا يحقره، التقوى ها هنا - ويشير إلى صدره ثلاث مرات - بحسب امرئ من الشر أن يحقر أخاه المسلم، كل المسلم على المسلم حرام: دمه وماله وعرضه. رواه مسلم.

Нажш нима? Бир киши бир нарса сотиб турган бўлса, мисол қилиб айтсак, юз сўмга сотилаётган нарса бўлса, шуни юз эллик сўмга беринг, дейди. Ўзи олиш нияти йўқ. Унга йўқ дейди. У кетганидан кейин, бошқа биров, юз эллик сўмга беринг, дейди. У майли, бошқага бермадим, сизга бераман дейди. Бу сотувчи билан, ҳалиги одам келишиб олган. Нарсанинг нархини баланд қилиш учун. Матони баланд нархда сўрайди, унга бермайди, у кетганидан кейин, шу нархга бошқага сотади. У олган одам, бошқага бермаган нархга, менга сотди деб, қувониб кетаверади. Мана бу нажшдир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шу нажшдан қайтардилар.

Бир киши, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, баъйда кўп алданиб қолишидан шикоят қилди. Унга қачонки, баъй қилсанг, байъда алдаш йўқ, деб, қўйгин, дедилар.

Шунинг учун, савдода алданиб қолаётган одам, иншааллоҳ, шуни айтса, байъда алданмайди.

Мўминнинг оила аҳлига, хиёнат қилувчилар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«عن أبي هريرة - رضي الله عنه - مرفوعاً: «من خَبَبَ زوجة امرئٍ أو مملوكه فليس مِنَّا صحيح. - رواه أبو داود»

Ҳаёт бўлар экан, фасод йўлларда ҳам, алдайди одамлар. Ким бировни оиласини алдаб, бузиб, ўзи турмуш қилса, ёки, ўзи турмуш қилмасада, оилани бузиб, ажратиб юборди. Бошқа одам турмуш қилиб кетишига сабаб бўлди. Ким бировни оиласидаги ходимини алдаб, бузса, (Қулини ёки чўрисини) мана бу одам, бизданмас, деганлар.

Ҳозирги пайтда, бунақа ишлар, кўп қулоққа чалинади. Бировнинг қўлидаги хизмат қилиб турган, кишиларни алдаб кетиш, кўп учрайди. Ёки, бировни аёлини, кўнглини бузиб қўйишлик, шу билан кўнгли совиб, ажралиб кетишга сабаб бўладиган ишларни қилувчилар, бизданмас, дедилар. Мусулмон бўлмаганлар бу ишларни қилса, дейилмаяпди. Улар ўзи, шунақа ишларни қилиб ўтказади, умрини. Улар мусулмонмас. Лекин, мусулмонлар шундай ишларни қилса, улар бизданмас, деяпдилар. (Бизданмас дегани, мусулмонлардан эмас, деганидир. Валлоҳу аълам.)

Хиёнаткорлар ҳақида Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки:

وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ، وَابْنِ عُمَرَ، وَأَنَسٍ قَالُوا: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يُقَالُ: هَذِهِ غَدْرَةُ فُلَانٍ مَتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Ҳар бир хиёнатчининг қиёмат кунида, байроғи бўлади. Хиёнаткорлиги билиниб туради. Бу фалончининг хиёнати деб, турилади. Бошқа ривоятда,

وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ : أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءٌ عِنْدَ اسْتِنَةِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ، يُرْفَعُ لَهُ بِقَدْرِ غَدْرِهِ، أَلَا وَلَا غَادِرٌ أَكْثَمُ غَدْرًا مِنْ أَمِيرٍ عَامَّةٍ رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Қиёмат кунида хиёнатчининг орқасида, байроғи бўлади. Хиёнати миқдорича, байроғи кўтарилган бўлади. Огоҳ бўлинки, омманинг устида ҳукмдор бўлиб турган, Амирнинг хиёнатидан, катта хиёнат йўқ, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам хиёнатнинг каттасидан огоҳлантирдилар. Амирнинг хиёнати энг катта хиёнатдир. У хиёнат қилса, ҳамма ёқни, хиёнат босиб кетади.

ثَلَاثَةٌ لَا يَكْلِمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، وَلَا يُزَكِّيهِمْ ، وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ . قُلْتُ : مَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ ! قَدْ خَابُوا وَخَسِرُوا ؟ فَأَعَادَهَا ثَلَاثًا ، قُلْتُ : مَنْ هُمْ خَابُوا وَخَسِرُوا ؟ فَقَالَ : الْمَسْبِيُّ ، وَالْمَنَانُ ، وَالْمُنْفَقُ سِلْعَتُهُ بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ أَوْ الْفَاجِرِ الرَّاوي : أَبُو ذَرٍّ الْغَفَارِي | المحدث : أَبُو دَاوُدَ

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Уч тоифа борки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат кунида, улар билан гаплашмайди. Уларга қарамайди ва уларни покламайди ва уларга аламлантирувчи азоб бор.

Булар кимлар, ё Расулуллоҳ, булар дарҳақиқат зиёнкор бўлган муваффақиятсизликка учраганлар, кимлар? дедим. Шунда айтдилар: мусбил, ўзини кийимини, поччасидан пастга осилтириб, кибр қилиб киядиганлар, дедилар. Кибрга қайд қилдилар. Иккинчиси, миннат қилувчилар. Яхшилиқ қилмайдиганлармас. Яхшилиқ қиладую, миннат қиладиганлар. Учинчиси, ўзини молини бозорда, ёлғон қасам ичиб сотувчилар. Ўзини ўтмай турган нарсасини, ёлғон қасам ичиб, бозорда ўтказиб юборган одамлар. Бу уч тоифа билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат кунида, улар билан гаплашмайди, Уларга қарамайди ва уларни покламайди ва уларга аламлантирувчи азоб бор, дедилар.

Лаънат эълон қилинган тоифалар

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам баъзи кишиларга лаънат айтганлар. Лаънат айтилган одамлар, ниҳоятда разил бўлганлигидан, шуларга лаънат эълон қилинган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонда,

أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ
Худ сураси 18 оят

Аллоҳнинг лаънати бўлсин, золимларга, деди.

فَأَذَنُ مُؤَدَّنٌ بَيْنَهُمْ أَنْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ
Аъроф сураси 44 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аҳли жаннатни жаннатга ва аҳли жаҳаннамни, жаҳаннамга киргизгандан кейин, жаннатни кўриб, бир ҳавас қилишиб турганида, ўртада бир нидо қилувчи нидо қиладики, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, золимларга, дейди. Улар жаннатни кўришлиги, дунёда улар мусулмонларни масхара қилиб юришарди. Наҳотки, шулар кириб, биз қоламизми? дейишарди. Ана шу ҳолатни, аҳли жаннатни, Аллоҳу таоло уларга бир кўрсатади. Алам ва азоб зиёда бўлишлиги учун, кўрсатилади. Аллоҳнинг лаънати бўлсин, золимларга, деган хитоб билан, ўртаси бекилади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир неча ўринларда, лаънат айтганларки, биз буни билмоғимиз керак ва шу лаънат ўринларидан ўзимизни, четга олмоғимиз керак!

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам

لَعْنُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْوَاصِلَةَ وَالْمُسْتَوْصِلَةَ، وَالْوَاشِمَةَ وَالْمُسْتَوْشِمَةَ
الراوي : عبدالله بن عمر

Соч уловчи ва соч улатувчи аёлларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар.

Ўзи ўйлаб кўрганда, бу сочни улаш ва улаштиш қабиҳлиги маълумдир. Мабодо, уни ҳайвон жунидан олса, бу инсон шарафига паст нарсаси бу. Ҳайвон жунини, инсон бошига қўйса, бу инсон бўлганига, аттанг қилишдир. Инсон, бу соч билангина, инсон бўлмайди. Инсонни инсон қиладиган нарсаси, ундаги фазилат ва маънавийят бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бировни, бесоч яратгани йўқ. Кўпроқ буни аёллар қилгани учун, муаннас сиғасида келаяпти. Тириклар сочини қирқиб бермаса керак?! Албатта, ўлган одамни сочини олади. Ўлган одамни сочини улаш ва улатиш, бу нарсаси энди бу, ҳақиқий лаънатга сазовор эканлигини тушунамиз, халос. Агар бу ишни, яхши дейдиганлар бўлса, ўзларини оналари ўлганида, сочларини қирқиб сотишсин! Ёки, ўзлари васият қилишсинки, биз ўлганда, сочимизни, пул қилиб, сотинглар деб. Ҳеч ким, бу нарсани қилмайди. Демак, инсон тафаккур қилмаслик натижасида, соч улаш ва улатиш, вужудга келади.

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ لَعَنَ أَكَلَ الرِّبَا وَمُؤْكَلُهُ وَشَاهِدِيهِ وَكَاتِبَهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ، وَصَحَّحَهُ التِّرْمِذِيُّ

Судхурлик қилувчиларга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. (Ҳадисда, рибо ейувчиларга, ва едирувчиларга, ва гувоҳларга ва котиблик қилувчиларга лаънат эълон қилинган.)

Рибо инсонлар ўртасини бузиб ташлайди. Исломи бизга шарикликни ўргатди. Тижоратда ва зироатда шариклик. Синоъатда, ҳунармандчиликда шариклик. Рибо, бу доим бир киши фойда кўради. Шариклик бўлса, фойда ва зарарда шерик бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рибони ҳаром қилди. Муфоваза, шарикликни ҳалол қилди.

أَبِي جَحِيفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَعْنُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْوَاشِمَةَ وَالْمُسْتَوْشِمَةَ وَأَكَلَ الرِّبَا وَمُؤْكَلُهُ، وَنَهَى عَنْ ثَمَنِ الْكَلْبِ وَكَسْبِ الْبَغْيِ وَلَعْنُ الْمُصَوِّرِينَ.

Мусаввирларга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. (Ҳадисда, баданига чиздирувчиларга ва чизувчиларга ва рибо ейувчиларга ва едирувчиларга лаънат айtilди. Ва ит сотиб пулини ейишдан ва фоҳишабозлик қилиб пул топишдан қайтарилди ва сўнгида сурат чизувчиларга лаънат айtilди)

Жонлик нарсаларни суратини чизувчи кишиларга, лаънат айtdилар. Бу сурат чизувчи киши, ширк асосини вужудга келишига сабаб бўлади. У шу нарсани ўхшатдим, деб, даъво қилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган, жонлик махлуқига баробар нарсаси деб, даъво қилади. Рух. Фақат жонлик нарсаларга кирган. Агар суратга ишқивоз бўлса, дарахт ва бошқа жонсиз нарсаларни суратини чизишлик, шариатда маън қилинмаган, биродарлар.

الرسول ﷺ لعن من غير منار الأرض، لعن من ذبح لغير الله، ولعن من لعن والديه، ولعن من آوى محدثاً، ولعن من غير منار الأرض

Ернинг чегарасини ўзгартирган одамга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Яъни, бир киши билан иккинчи кишининг ўртасида, бир чегара бор эди. Шу чегарани ўзгартириб, ўзига бировнинг ҳаққини қўшиб олди. Мана бу нарсаси, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафидан, лаънат айтилган нарсасидир. Ҳозирги вақтдаги ҳамсоиялар ўртасидаги келишмовчиликни кўрсангиз, бир қисми шундан ташкил топгандир, биродарлар. Чунки, шайтон инсоннинг малъун бўлишини хоҳлайди. Ўзи малъун, бошқалар ҳам малъун бўлсин, дейдида, шунча ери бор одамни, шу ерга келганда, васваса қилиб, ўртада тортишув вужудга келади.

لعن الله السارق يسرق البيضة فنقطع يده ويسرق الحبل فنقطع يده
الراوي : - | المحدث : ابن حزم

Ўғри бу ерда музаккар сиғада келган. Чунки, тарихда аёллар ўғирлик қилмаган. Ҳозирги вақтда бўлса, аёл ўғрилар ҳам, кўпайиб кетган. Чунки, аёл кишида ўғирлик сифати топишилишлигини, тасаввур қилиб бўлмаган. Ундаги назокат ва қалбидаги меҳр шафқат борлиги учун, ўғирлик бу аёлга хос сифат бўлмаслиги керак эди. Ўғри киши ва ўғри аёлга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Тухумни ҳам ўғирлайди, дедилар. Арзимас нарсани ўғирлаб юради. Ҳақиқатда, ўғрини ўғирлаган нарсани кўрсангиз, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дейсиз. Бу ниҳоятда пасткашлиқдир. Бўлиб ҳам, покиза жойларда ўғирлик қилиб юрса, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дейсиз. У малъун бўланидан кейин, унга гап таъсир қилмайди, биродарлар. Магар қаттиқ тавба қилиб, ўзини ўнгласагина, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга, сўзларни таъсир қилдиради. Аллоҳнинг лаънати бўлсин, ўғрига!

ولعن الله مَنْ لعن والديه
المصدر : مسند أحمد
خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح

Ота онасига лаънат айтганга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Шунда, асҳоблар савол қилдиларки, ё Расулulloҳ, одам ўзини ота онасига лаънат айтадими? деб сўрашди. Бир кишини Ота онасига лаънат айтади ва у киши ҳам бунини, Ота онасига лаънат айтади, шу ўзини, Ота онасига лаънат айтганидир, дедилар.

من ذبح لغير الله
روى مسلم في صحيحه

Аллоҳдан бошқага атаб сўйганга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар.

Биродарлар, мана бу нарсани билайлик, ҳаммамиз, Аллоҳдан бошқа мазорларга, бутун турли хил нарсаларга атаб, сўйилаётган нарсаларгамас, сўяётганларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Бу одамлар, Исломи амал қиляпман деб, даъво қиладилар. Малъун бўлиб келишади. У аталаётган нарсалар, қора пашшани ҳам ярата олмайди. Бу сўйилаётган хайвонни Аллоҳ яратган. Аллоҳнинг номигагина аташликни, Аллоҳ буюрган.

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ
Анъом сураси 162 оят

لَا شَرِيكَ لَهُ يُحْيِي الْمَوْتَى وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ
Анъом сураси 163 оят

Намозим ва қурбонлигим, нусук деб, сўйилаётган нарсани айтади. Гўшти ҳалол бўлган ҳайвонни, Аллоҳ номига атаб сўймоқлик керак. Баъзилар сўраши мумкинки, мабодо, ҳайвонни Аллоҳ номига атаб, мазорга олиб бориб сўйсакчи, бўладими? деб, У ҳам дурустмас, биродарлар. Шу саволига, савол билан, жавоб берамиз. Шу билан сиз, мазордаги кишини, улуғлаб сўяяпсизми? Ҳа, деса, дурустмас. Йўқ, мен гўшт учун сўяяпман. Қаерда сўйишимни эътибори йўқ деса, у бошқа гап. Лекин, биров бундай демайди, биродарлар.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ, қабристонда қуръон ўқишни маън қилганлар. Нима учун? Қуръонни ўзи покиза ерда ўқишлик керак. Лекин, баъзи уламолар фатво беришганки, тиловат қилса бўлаверади, деб. Имоми Аъзам Қуръони каримни, қабристондан бошқа ерда, тиловат қилиниши керак, деганлар. Қироат ибодат бўлганлиги учун, қабристонда ўқилса, Аллоҳдан бошқага ибодат қилганни, бўйи келиб қолишидан эҳтиёт бўлганлар. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни, қаттиқ фикрлари бор. У киши Ҳажга борганда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни равзаларини олдида турганда, дуони қиблага қараб қилинади, деганлар. Имоми Молик қаёққа қараб турса ҳам бўлаверади, деганлар. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ, якка ўзлари шу фикрда турганлар. Яъни, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ўтган улмоларга, улар ширкни ўзимас, бўйи бўлиб қоладиган жойдан, эҳтиёт бўлишганлар. Халқни огоҳлантирганлар. Ўзлари ҳам шунда қаттиқ туришган. Имоми Абу Юсуф айтганларки, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни баъзи сўзларини, халққа айтишдан кўра, қилич билан чиқиш осонроқ бўлади, деган эканлар. Шунчалик қаттиқ турган эканлар, баъзи масъалаларда. Лекин, биздаги Ҳанафий мазҳабдамиз деган одамлар, бу сўзлардан бутунлай беҳабар, биродарлар. Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

فَمَنْ أَحَدَثَ فِيهَا حَدَثًا، أَوْ آوَى مُحَدِّثًا، فَلَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ
(Бу ерда ҳадисни ярми келган)

Имоми Бухорий ва Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадис.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар. Ким Мадинада бирор мункар ишни қилган бўлса, (баъзи ривоятда, ким Мадинада. Бидъат ишни қилган бўлса деб, шарҳлашган) ёки, қисос олинadиган жиноятни қилган одамни, уйига бекитган бўлса, Аллоҳнинг ва малоикаларнинг ва одамларнинг лаънати бўлсин шунга, деган эканлар. Ҳамма жойда ҳам, гуноҳ қаттиқ биродарлар, лекин, Мадинада туриб, гуноҳ иш қилиш, жуда ҳам қаттиқдир!

لَعَنَ اللَّهُ الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى، اتَّخَذُوا قُبُورَ أَنْبِيَائِهِمْ مَسَاجِدَ -
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, вафотларидан беш кун илгари, Яҳудларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, улар пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олишганлар, дедилар. Шунинг учун, қабристонда масжид қилмаслик керак. Биринчидан, лаънатдан эҳтиёт бўлишлик учун. Иккинчидан, улар бизга кўп жойларни ташлаб кетганидан кейин, уларга танглик қилмаслигимиз керак!

لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ، وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ
الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ўзини аёлларга ўхшатган эркакларга ва ўзини эркакларга ўхшатган аёлларга ҳам, лаънат айтганлар. Аёлни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аёл қилиб яратди. У эркакларга ўхшашни, орзу қилмасин. Эркакни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло эркак қилиб яратди. У аёлларга ўхшашни, орзу қилмасин. Шу лаънатга сазовор бўладиган ўринлардан эҳтиёт бўлишлик учун, мана бу нарсани ўқиб бердик, биродарлар.

Мусулмонларнинг ёши катталарнинг ҳурмат қилишлик ҳақида

أَرَانِي فِي الْمَنَامِ أَتَسَوَّكَ بِسِوَاكَ، فَجَذَبَنِي رَجُلَانِ، أَحَدُهُمَا أَكْبَرُ مِنَ الْآخَرِ، فَنَاقَلْتُ السَّوَاكَ الْأَصْغَرَ مِنْهُمَا، فَقِيلَ لِي: كَبِيرٌ، فَدَفَعْتُهُ إِلَى الْأَكْبَرِ.
الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, тушимда мисвок тутаяётган эдим. Икки киши келди. Биттаси иккинчисидан каттароқ. Мен мисвокни кичигига бергандим, менга каттасига беринг, дейилди. Шунда катталарига бердим.

(Қисқа изоҳ: Бу ҳадисни шарҳида, ёши каттароқларни муқаддам тутишлик одоби ўргатилган дейилади. Тушларида Жибрил алайҳиссалом у кишига, мисвокни каттасига беришни айтганлар. Бу муомила одоби бўлиб, ёши катталарни, таом беришда, салом беришда, ва бошқа муносабатларда муқаддам тутиш Ислом одобларидандир)

وعن أبي موسى قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّ مِنْ إِجْلَالِ اللَّهِ تَعَالَى: إِكْرَامَ ذِي الشَّيْبَةِ الْمُسْلِمِ، وَحَامِلِ الْقُرْآنِ غَيْرِ الْغَالِي فِيهِ وَالْجَافِي عَنْهُ،
وَإِكْرَامَ ذِي السُّلْطَانِ الْمُقْسِطِ حَدِيثٌ حَسَنٌ، رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ

Аллоҳу таолони улуғлашлик жумласидандир, мусулмон қарияни ҳурмат қилишлик. Исломда юрган қари мусулмон кишини ҳурматлашлик, Аллоҳу таолони ҳурматлашлик жумласидандир. Қуръонни кўтариб олган, (ёдлаган) ва ҳаддидан ошмаган ва ўзи қуръондан юз ўгирмаган (яъни, амал қилувчи) кишини ҳурматлашлик, Аллоҳу таолони ҳурматлашлик жумласидандир. Ва адолатлик, Исломий адолат билан иш юритган султонни ҳурматлашлик, Аллоҳу таолони ҳурматлашлик жумласидандир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам

ليس منا من لم يرحم صغيرنا ، ويوقر كبيرنا
الراوي : أنس بن مالك
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Кичкиналаримизга раҳм қилмаган ва катталаримизни ҳурматини қилмаган бизданмас, дедилар. Яъни, биродарлар баъзилари, фақатгина ўнг тарафни ўзи суннат деб, ўйлаб қолмасинларки, албатта, кўп нарсаларда ўнг тарафдан бўлишлиги, бу исломий кўрсатмадир. Мабодо бир таомларда, ва баъзи муомилотларда, ўнг тарафдан бўлмаслиги, хилофи суннат деб, тушуниб қолмаслигимиз керак, биродарлар. Чунки, ҳадисларнинг мазмуни бизга, икки томонни ҳам кўрсатади. Масалан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам намозда, елкаларни, бир бирига теккизардилар. Сафларни тўғриланглар ва ихтилоф қилманглар, дердилар. Фазилат эгалари, менинг ёнимда турсин, дердилар. Гарчи, биринчи сафни савобини кўп айтишларига қарамасдан, ўзларининг ёнларида, аҳли фазл одамлар туришига, тарғиб қилдилар. Намозга ўтишликда ҳам, Аллоҳнинг китобини тиловат қилишга, моҳир кишилар, муқаддам бўлишини ўргатдилар. Агар қироатда баробар бўлсалар, ҳижратни аввал қилган кишини ва ҳижратда ҳам баробар бўлсалар, ёши каттаси имом бўлишлигини, ўргатдилар.

Юқоридаги, мисвок ҳадисини шарҳида, Ибни Баттол раҳимахуллоҳ шуни ҳужжат қилиб айтадиларки: мисвокни ёши улуғ кишига муқаддам қилиб, бермоқликка далил бор. Албатта, Бунга таом емоқ, ичимлик, юрмоқ, гапирмоқ, бари шунга боғланади, дедилар. Бу ерда шундай тушуниш керакки, баъзи нарса, ўнг тарафдан бўлмай қолса, биз бу ерда суннатни тарк қилдик, деган қуруқ тушунчада бўлиб қолмаслигимиз керак.

Баъзи бир хатлар келган, мен умумий қилиб, айтаяпманки, биз суннат деган нарсани, шунақа, қуруқ тушуниб қолмаслигимиз керак, биродарлар.

Масжидга киришликда, биз ўнг оёқ билан киришимиз суннат. Бунда шак шубҳа йўқ. Таҳоратхонага киришликда, биз чап оёқ билан киришлигимиз суннат. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар, лекин, буюрмаганлар. Оёқ кийимларни кийишликда ва либосларни кийишликда ўнг тараф билан кийишлигимиз суннат. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар, лекин, буюрмаганлар. Аммо, таом ва шунга ўхшаган масалаларда, ўнг тарафдан бўлмай қолса, суннатга хилоф бўлди деб, тушунишлик ва бунга қаттиқ туриб, жанжал қилишлик, бу нотўғри биродарлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам икки киши тортишиб қолсалар, каттани муқаддам қилардилар. Ва каттани муқаддам қилинг, деб, қўярдилар.

(Шу ерда қатор фикҳий саволларга, жавоблар берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло касалларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм толибларига амаллик илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мазлумларга нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло фарзанди йўқларга, фарзанд берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Гуноҳларимизни мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дарсимизни, давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни тўғри йўлга йўлласин! Амал қилишликка, тавфиқ берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

52 дарс тугади.

53 Дарс

Қуръон Каримнинг фазилатлари ҳақида

(Бу дарсда, қуръони каримнинг ўқишлик ва маъноларини тадаббур қилишлик ва унга амал қилишлик мўминлар учун муҳимлиги ва бундай қилишлик фазилатлари тушунтирилади. Шунингдек, қуръони каримнинг оятлари қанчалиги ҳақида, унинг суралари тўртта қисмга ажратилиб номланиши, ва унинг турлича номлари ва унинг тиловати, қалб ва жасад касалига шифолиги ҳақида, кўплаб маълумотлар берилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло башарийятнинг отаси бўлган, Одам алайҳиссаломни яратиб, уни ва фарзандларини, ерга ворис қилгунча, пайғамбарлик бўлмасада, ундан кейинги авлодни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, пайғамбарлардан холи қилмади. Аксар уламоларнинг иттифоқи билан, аввалги пайғамбар Нух алайҳиссалом бўлсалар, ундан кейин ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, кўп пайғамбарлар жўнатди. Баъзиларини бизга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қисса қилиб берди. Баъзиларини, қисса қилиб бермади. Бу Пайғамбарларнинг баъзиларига, китоблар нозил қилди ва баъзиларига саҳифалар нозил қилди. Бу китобларда биз билганлари, мана, Таврот, Инжил, Забур, ва Қуръони каримдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган қуръони карим, қиёматгача, боқий бўлиб қолди.

Таврот, Мусо алайҳиссаломга нозил бўлди. Забур, Довуд алайҳиссаломга нозил бўлди. Инжил, Исо алайҳиссаломга нозил бўлди. Қуръони карим Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлди. Қуръони карим Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлиши билан, ўтган китоблар мансук бўлди. (Ҳукми амалдан тўхтади) Ўтган китобларни, халқлар ўзгартириб юборишди. Қуръони Каримни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўз ҳимоясига олди.

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

Ҳижр сураси 9 оят

Қуръони Каримни, душмани кўп бўлишига қарамасдан, бирор ҳарфига путур етмаган ҳолда, қиёматгача сақланиб қолишига, шак шубҳа йўқдир. Биз Қуръони Каримни, башарийятга нима мақсадда нозил қилингани ҳақида, аввалги дарсларимизда ўтганмиз. Бугунги дарсимизда, Қуръони Каримни, фазилати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги уммат, Қуръони Карим билан, тиловат орқалик ҳам, алоқасини йўқотиб бормоқда.

Баъзилар, қуръон билан, лаоқал охирги алоқаси бўлмиш, тиловат орқалик ҳам алоқа қилмасдан, бир кечаю кундузни ўтказиб юборадилар. Баъзиларда ҳафталар ва ойлар ўтиб кетади. Қуръон билан охирги алоқаси бўлмиш тиловатдан ҳам, ўз ихтиёри билан маҳрум бўлиб яшайди. Бизнинг қуръон билан биринчи алоқамиз, дуруст суратда тиловат қилишлик, бўлмоқлиги керак. Иккинчи, Биз қуръонни тушунмоқлигимиз керак. Жума кунидаги маърузалар, қуръонни тушунмоқликка ёрдам беради, бизнинг шу кичкина жамоамизга. Учинчи, асосий масала, тушунганимизга, амал қилмоқлигимиз керак! (Кейин, бошқаларга таълим бермоқлик керак) бу мақсадларга етишимиз учун, биринчи, тиловатни тўғри қилишимиз керак. Тўғри тиловат қилишлик, ҳарфларни махраждан чиқариб ўқимоқликдир. Мана шу тиловат ҳақида ва қуръон ўқишликнинг фазилатларига, бугунги дарсимизда тўхталиб ўтмоқчиманки, қуръон билан алоқамиз, яхшироқ бўлишлиги учун!

Қуръони Карим энг улуғ пайғамбар, Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг муқаддаси китобидир. Бу муқаддас китоб, Ислом умматига, нозил қилинган. Бу ислом уммати, башарийятнинг тарихида ўтган умматларнинг, энг афзали бўлди. Энг афзал пайғамбарга, энг афзал китобни нозил қилди. Энг афзал уммат учун, нозил қилинди. Бу китоб бизга энг афзал, комил шариат йўлини олиб келди. Гўёинки, умум башарийят қуръони карим нозил бўлгунча, гўдаклик босқичини босиб ўтди. Гўёинки, инсоннинг камолот ёшига етгани каби, умум башарийят ҳам, камолот ёшига етди. Шу вақтда, Аллоҳ тарафидан келган бу китоб, комил шариат ва йўлни олиб келди. Қуръони карим, энг улуғ ва амин бўлган, Жибрил алайҳиссалом воситасида, Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинди.

وَأَنَّهُ لَنَتَنَزِّلُ رَبِّ الْعَالَمِينَ (192) نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ (193) عَلَى قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنْذِرِينَ (194) بِلِسَانٍ عَرَبِيٍّ مُبِينٍ (195)
Шуаро сураси

Мана шу оятдаги, Рухул Амин, омонатлик Рух, Жибрил алайҳиссаломдир. Қуръони каримни Жибрил алайҳиссалом олиб келди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу Қуръони Каримни, умматга дастур қилиб туширди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатларига, ҳужжат бўлиб тушди. Қиёматгача, Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбарлигига, ҳужжат бўлиб қолди.

قُلْ لَّيْنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَى أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا
Исро сураси 88 оят

Айтинг, Эй Муҳаммад алайҳиссалом, агар инс ва жин ҳаммаси, шу қуръонга ўхшаган китобни олиб келишишга жамланса, улар қуръонга ўхшаган китобни олиб келишолмайди, агарчи, бир бирига ёрдамчи бўлишса ҳам.

Ер куррасидаги ҳамма инсонлар ва жинлар жамланса ҳам, бир бирларига ёрдамчи бўлишса ҳам. Улар қуръонга ўхшаган китобни олиб келишолмайди! Қуръони Карим биз мусулмонлар учун, нозил қилинди. Мусулмон киши, ҳар бир ҳарфи билан савобланади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир ҳарфига, ўн савоб берилади деганлар. Оятларни тафаккур билан ва амал қилишлик мақсадида, тиловатнинг ҳар бир ҳарфига, ўнтадан ҳасанот, китобат қилинади. Қуръонни тадаббур қилиш учун, нозил қилинганини, қуръоннинг ўзи, очиқ суратда, баён қилади.

كُتِبَ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبَارَكًا لَّيَذَّبَرُوا عَائِيَّتَهُ وَلِيَسْتَذَكَّرَ أُولُوا الْأَلْبَابِ
Сод сураси 29 оят

Биз сизга бу муборак китобни туширдик. Одамлар оятларни тадаббур қилишлари учун ва ақл эгалари тазаккур қилишлари учун.

Тадаббур маъноларини тушунишлик ва тазаккур бу маъноларни тушунганидан кейинги, таъсир аломатлари кўринишидир. Қуръони Карим амал қилиш учун, нозил қилинди. Қуръон ҳалол деганни, ҳалол деб, билмоқлик керак. Қуръон ҳаром деганни, ҳаром деб, билмоқлик керак. Қуръон ҳалол деганни, ҳалол деб, Қуръон ҳаром деганни, ҳаром деб, билмоқлик учун, маъноларини тушунишлик учун, тадаббур билан ўқишлик лозим бўлади. Агар шундай ўқилмаса, қуръонни ўқишлик, бизнинг зараримизга ҳужжат бўлиб қолади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган ҳадиси шарифлари, шунга далолат қилади.

وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَّكَ أَوْ عَلَيْكَ

أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ

(Бу катта ҳадиснинг бир қисми)

Қуръон сени фойданга ва зараринга ҳужжатдир. дедилар.

Агар, қуръон ҳаром деган нарсалар қўйилган мажлисларда, қуръонни тиловат қилиб, хорласак, қуръон бизни зараримизга ҳужжат бўлади. Буни янада очиқроқ қилиб айтсак, қимор мажлисларида, маст қилувчи ичимлик қўйилган мажлисларда ва қуръони карим поймол қилинган мажлисларда, биз қуръонни тиловат қилсак, қуръон бизни зараримизга ҳужжат бўлади, биродарлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонни ўқиб, амал қилган кишига, дунёда адашмасликни ва охиратда бадбахт бўлмасликни, ваъда қилди.

فَمَنْ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى

Тоҳо сураси 123 оят

Менинг ҳидоятимга ким эргашса, адашмайди ва бадбахт бўлмайди қиёматда, деди.

Адашмаслик бу дунёда. Ҳидоят ва залолат бу дунёда. Қиёматда, бахтлик ва бадбахтлик, иккита нарсаси бор. Дунёда қуръонга эргашган киши, адашмайди ва охиратда бадбахт бўлмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ваъдаси ҳақ! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонни Рух деди. Рух инсон танига кириб, унга ҳаёт бағишлайди. Қуръон Рухдир. Ҳақиқий инсон бўлиб яшайдиган, ҳаёт Рухдир. Кимни қалбига қуръон кирмаган бўлса, у ҳақиқий ҳаёт билан яшамайди.

وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا مَا كُنْتَ تَدْرِي مَا الْكِتَابُ وَلَا الْإِيمَانُ وَلَٰكِن جَعَلْنَاهُ نُورًا نَّهْدِي بِهِ مَن نَّشَاءُ مِنْ عِبَادِنَا وَإِنَّكَ لَتَهْدِي إِلَىٰ صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ

Шуро сураси 52 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, сизга Рухни ваҳй қилдик, деяпди. Ҳақиқий мусулмон киши ҳаётига, қуръон Рух бўлади. Такрор айтамыз, қалбига қуръон кирмаган одам, у ҳақиқий ҳаёт билан яшамайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана шу оятда, қуръонни Нур қилдик, деяпди. Йўлни топиш учун, ёруғликка муҳтож бўламиз. Аллоҳ тарафига борадиган йўлни топишлик, қуръон Нурига боғлиқдир. Қуръон Нури билан юрган киши, Аллоҳ тарафига борадиган йўлга, ҳидоятланади.

Қуръони Карим бир неча номлар билан номланган. Модомики, бу китоб бизга нозил қилинган экан. Буни ҳам билмоғимиз керак.

بِذَٰلِكَ هُوَ قُرْآنٌ مَّجِيدٌ

Буруж сураси 22 оят

Бу оятда, Қуръонул Мажид деб, номланди.

إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا
Исро сураси 9 оят

Бу ва бошқа оятларда бу китобни, Қуръон деб, номланди.

Баъзилар, қуръон сўзи, қараа ўқиш сўзидан олинган десалар, баъзилар, қиссалар, ҳукмлар, мавъизалар, ва насиҳатлар, бир бири билан аралашиб келганлиги учун, қуръон деб аталган дейишади. Яна Фурқон деб, номланган.

تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا
Фурқон сураси 1 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг бандасига, фурқонни туширди. Ҳақ билан ботилни ажратганлиги учун, Фурқон деб, номланди.

Дунёда, Ҳақ билан ботилни ажратадиган битта меъёр бор. У меъёр қуръондир! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси муборақлари, шу қуръоннинг тафсиридир, биродарлар. Шунинг учун, қуръон ҳақ деган нарса ҳақдир! Қуръон ботил деган нарса, ботил деб, билмоғимиз керак! Модомики, биз исломни даъво қиладиган бўлсак.

Яна, Китоб деб, номланди.

ذَلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ
Бақара сураси 2 оят

Китоб деб, аталишликка лойиқ бўлган нарса, қуръондир. Қуръони Каримни номларидан яна бири, Зикрдир.

وَإِنَّهُ لَذِكْرٌ لَّكَ وَلِقَوْمِكَ وَسَوْفَ تُسْأَلُونَ
Зухруф сураси 44 оят

Бу қуръон сизга ва сизга эргашган жамоангизга Зикрдир. Зикр бу шараф ва эслатма маъноларида келади. Улар келажақда сўралишади.

Қуръонга амал қилдингизми, йўқми? деган савол сўралади. Бу қуръон, ҳалол ва ҳаромни эслатувчи. Ҳақ ва ботилни эслатувчи, зикрдир. Бу нарсдан келажақда сўраласизлар, деяпди. Аллоҳу таоло.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Қуръони Каримни, Нур деди. Ҳидоят деди. Раҳмат деди. Шифо деди. Мавъиза деди. Азиз деди. Башорат берувчи, яъни, итоат этганларга, жаннат хабари билан хурсанд қилувчи деди, Назир деди. Яъни, қуръони каримга итоат этмаганларни, жаҳаннамга ўтин бўлишдан огоҳлантирувчи эканлиги ва шунга ўхшаган сифатлар билан сифатлади.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَشِفَاءٌ لِمَا فِي الصُّدُورِ
Юнус сураси 57 оят

Бу оятда, қуръонни мавъиза деб, сифатланди. Ва қалблардаги нарсага шифодир, дейилди. Қалблардаги куфр, ширк, нифок, бутун исломга зид бўлган ахлоқларга, шифо деди.

Демак, қуръонни мана шу сифатлар билан, сифатланганлиги, буни улуғ, муқаддас китоб эканлигига далолат қилади. Уламолар қуръонни ҳар бир оятига, сўзларига ва ҳатто ҳарфларига эътибор беришганлар. Улармолар қуръонни ўқиб, ўрганиб ва бунга амал қилиб, ҳатто, бошқа бир сирларига ҳам диққат қилганликларига, эътибор қаратамиз.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сураи Ҳижрда,

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ
Ҳижр сураси 9 оят

Биз сизга бу Зикрни туширдик. Ва Биз уни муҳофаза қиламиз, деди.

Қуръони Каримни душманлари сон саноқсиз бўлишига қарамасдан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни сақлади.

Қуръони Каримда бир юз ўн тўртта сура бор, биродарлар. Сураи Фотиҳа биринчи сура бўлса, охирги сура, Нос сурасидир. Маккадаги, Қўфадаги, Шомдаги ва Басрадаги уламолар, оятларнинг сонларини ҳам айтишганлар. Қуръони каримни оятлари аниқ ва сақланиб қолган. Лекин, сонларидаги ихтилофлар, баъзилар бир оятни, бир оят деса, баъзилар икки оятга ҳисоблашгани сабабли, ихтилофлар келиб чиққан. Мисол қилиб олсак, Сураи Фотиҳа етти оят. Муттафақун алайҳ.

Баъзилар,

صراطا الذين أنعمت عليهم

Бир оят ва

غيرالمغضوب عليهم ولا الضالين

Иккинчи оят деб, олишган.

Баъзилар, бу иккаласи бир оят, дейишган ва

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бир оят деб, ҳисоблашган. Шу билан бу сурани етти оят, дейишган.

Маккадаги уламолар, қуръон оятларини, Олти минг икки юз, ўн тўққиз оят, дейишади.

Қўфадаги уламолар, Олти минг икки юз, ўттиз олти, оят дейишади.

Басрадаги уламолар, Олти минг икки юз, тўрт оят дейишади.

Шомдаги уламолар, баъзилари, Олти минг икки юз, йигирма беш, оят дейишади.

Баъзилари, Олти минг икки юз, йигирма олти, оят дейишади.

Оятларнинг сонидagi фарқининг сабаби, ҳозир айтиб ўтганимиздек. Биронталари, оятларнинг калималарида ихтилоф қилмаганлар.

Қуръони Каримда, етмиш етти минг тўрт юз, ўттиз тўққизта калима, сўз, бор, дейишган. Ҳарфлар сони, уч юз қирқ минг, етти юз қирқта дейишган. Ҳамма уламолар, ҳарфини сонига иттифоқ қилишган. Қуръон ўттиз жузга бўлинган. Бу бўлинишлик, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари билан бўлган.

Қуръонни қанча ояти Маккада ва қанча ояти Мадинада нозил бўлганига қадар, уламолар санаб чиқишган. Аллоҳ рози бўлсин, ҳаммаларидан. Қуръони Каримда, Қўфадаги уламолар, Олти минг икки юз, ўттиз олти, оят бор, дейишади. Шундан тўрт минг тўрт юз етмиш беш оят, Маккада нозил бўлган. Қолган бир минг етти юз олтмиш бир оят, Мадинада нозил бўлган, дейишган.

Маккада, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, оятлар нозил бўлиб турган муддатни, Ўн икки йилу, беш ойу, ўн уч кун, дейишган. Мадинадаги оят нозил бўлиб турган вақт муддати, тўққиз йилу, тўққиз ойу, тўққиз кун, дейишади. Мана бу нарса, бизнинг аҳли ислом уламолар, Қуръони Каримни қанчалик дақиқ кузатганлигини кўрсатади. Ёзадиган жиҳозлар бўлмаган даврларда ҳам, мусулмонлар ўзларининг муқаддас китобларига қанчалик эътибор бериб, сақлаб қолишганига далолат қилади. Биз бу уламоларимизнинг, қуръонга, бу қадар дақиқ қарашлари билан, фахрланмоғимиз керак.

Қуръони Карим сураларини уламолар тўрт қисмга бўлишади:

1. السبع الطوال Сабъа Тивол. Еттита узун сура.

Бақара, Оли Имроон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Анфол суралари. (Баъзилар, Анфол билан Тавбани битта деб, ҳисоблашган)

2. المئين Миъин. Юз оятдан ортиқ бўлган суралар. (Юнус сурасидан (баъзилар наздида,) тавба сурасидан, Анкабут сурасигача)

3. المثاني Масоний. Юз оятга яқин ояти бўлган суралар. (Рум сурасидан Фатҳ сурасигача)

4. المفصل Муфассал. Ҳужурот сурасидан то Нос сурасигача, қисқа суралар, муфассал дейилади.

ما رواه الإمام أحمد في المسند بسند حسن، عن واثلة بن الأسقع ، أن رسول الله ﷺ قال: «أعطيْتُ مكان التوراة السبع، وأعطيْتُ مكان الزبور المئين، وأعطيْتُ مكان الإنجيل المثاني، وفُضِّلْتُ بالمفصل»

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Таврот ўрнига Сабъа Тивол берилди. Забур ўрнига, ал Миъин, берилди. Инжил ўрнига ал Масоний, берилди. Муфассал билан ортиқ қилиндим, дедилар.

Биз Қуръони Каримни, таҳоратлик ҳолда, қиблага қараган суратда, афзал вақтларда, тиловат қилишликка ҳаракат қилмоғимиз керак. Афзал вақтлар, Шомдан кейинги, ва тунги вақт ва бомдод намозидан кейинги вақтлардир.

إِنَّ نَاشِئَةَ اللَّيْلِ هِيَ أَشَدُّ وَطْأً وَأَقْوَمُ قِيلٌ
Муззаммил сураси 6 оят

Кечқурундаги қуръон тиловати қийинлигига ва ажри кўп эканлигига, мана бу оят ишора қилаяпти.

إِنَّ قُرْآنَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا
Исро сураси 78 оят

Субҳдан кейинги вақтдаги тиловатга, малоикалар ҳозир бўлишига ишора бўлаяпти. Ўзи қироат ҳар қандай соатда жоиздир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлганки,

لا حسدَ إلا على اثنتين رجل آتاه الله مالا فهو ينفقُ منه آتاء الليل وآتاء النهار ورجل آتاه الله القرآن فهو يقوم به آتاء الليل وآتاء النهار
الراوي : عبدالله بن عمر

Икки нарсани, ҳасад қилса бўлади. Бир кишига Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръон берган бўлса, у кечаю кундуз қуръон билан, қоим бўлса, яъни. Ҳам тиловатини, ҳам тадаббурини, ҳам амалини барпо қилган бўлса, иккинчиси, бир кишига Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мол берган бўлса, у кечаю кундуз инфоқ қилиб юрган бўлса, Аллоҳнинг йўлида.

مَنْ شَغَلَهُ الْقُرْآنُ عَنْ مَسْأَلَتِي أُعْطِيَتْهُ أَفْضَلُ مَا أُعْطِيَ السَّائِلِينَ
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني
خلاصة حكم المحدث : ضعيف جداً

(Бу ҳадисни муҳаддислар, жуда заиф дейишган)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳадиси қудсийда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан ривоят қилаяпдилар. Қуръон кимни Мендан сўрашлиқдан машғул қилиб қўйса, Мен унга сўровчи одамларга берадиган нарсанинг, афзалини бераман. (дейди, Аллоҳу таоло ҳадиси қудсийда)

وَفُضِّلَ كَلَامُ اللَّهِ عَلَى سَائِرِ الْكَلَامِ ، كَفَضَّلَ اللَّهُ عَلَى خَلْقِهِ
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني
خلاصة حكم المحدث : ضعيف جداً

(Бу ҳадисни муҳаддислар, жуда заиф дейишган)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳнинг каломининг бошқа сўзлардан ортиқлиги, Аллоҳнинг бошқа махлуқлардан ортиқлиги кабидир.

Ҳаммамизда ҳам, бепарволик борлиги учун, биродарлар, мен қуръонни фазилати ҳақида, дарс қилишга мажбур бўлаяпман. Чунки, қуръонга яқин бўлишлигимиз, бу қуръонни тўғри тиловат қилишлиқдир.

وَرَتَّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلاً

Муззаммил сураси 4 оят

Қуръонни тўғрилаб (тартил билан) ўқишликка, биз маъмур бўлаяпмиз.

ثبت أنه صحيح: رواه أحمد، وأبو داود، والنسائي، وابن ماجه، والدارمي، بإسنادٍ صحيحٍ عن البراء بن عازب: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قال: زَيِّتُوا الْقُرْآنَ بِأَصْوَاتِكُمْ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қуръонни овозинглар билан зийнатланглар, дедилар.

Чиройлик қилиб ўқишликка, маъмур бўлаяпмиз биз. Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. У кишидан Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хулқи ҳақида сўралди.

سُئِلَتْ عَائِشَةُ عَنْ خُلُقِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ: كَانَ خُلُقَهُ الْقُرْآنَ -
الراوي : عائشة أم المؤمنين
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Шунда, хулқлари қуръон эди, дедилар.

Нимага буюрган бўлса, қилардилар. Нимадан қайтарган бўлса, қайтардилар. Қуръон одоби билан, одобланардилар. Асҳоблар даврида, турмуш қураётганда, қуръоннинг баъзи сураларини, маҳр сифатида аёлга ўргатиш ҳам, одат бўлган. Яъни, қуръони каримнинг тиловати, тадаббур қилишлик ва амал қилишликни ўргатишлик, аёлни турмуш қуришдаги маҳри ҳам қилинди. Қуръонни ўрганишликка бўлган эътибор, шу даражада бўлдики, Қизларини эрга бераётган ота оналар, молу дунёнинг ўрнига, шу қуръондан сураларни қизига ўргатишликни, маҳр бўлишига, рози бўлишди. Қуръони каримда, Саҳобаларнинг шундай сифатлари зикр қилинади.

تَتَجَافَى جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ
Сажда сураси 16 оят

Улар Аллоҳнинг раҳматини умид қилиб, Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, кечалари ўриндиқларидан, ёнлари узоқ бўлади, деди, Аллоҳу таоло.

كَانُوا قَلِيلًا مِّنَ اللَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ وَبِالْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ
Зориёт сураси 17,18 оятлар

Кечалари кам ухлашади ва саҳарларда истиғфор айтишадилар, дейди, Аллоҳу таоло.

Бу нарсалар, аҳли жаннатларнинг сифатлари, зикр қилинганда келаяпти. Аллоҳу таоло шундай бандаларини мақтаяпти. Асҳобларнинг уйлари олдидан ўтган кишилар, худди асаларининг товуши каби, товушни эшитардилар. Қуръон тиловат қилишлари сабаблик. Масжидларда улар қуръон тиловат қилаётганларида, худди асаларининг товуши каби, товуш чиқиб турарди. Аллоҳу таоло шуни кўришни ҳам, (бизга) насиб қилди. Суннатга мувофиқ бўлган масжидларда бўлганимизда, жумъадан илгари келинганда, худди, асал ари учаётгандек товуш чиқиб, ҳамма қуръон тиловати билан оввора бўлиб турганини кўрдик, биродарлар.

Қуръонни ўқиб, амал қилган кишини, қуръон шафоат қилади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар.

اقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ
المصدر : صحيح مسلم

Қуръонни ўқинглар, қуръон қиёмат куни, соҳибини шафоат қилади, дедилар.

عن النّوأس بن سمعان -رضي الله عنه- قال: سمعتُ رسولَ الله -صلى الله عليه وسلم- يقول: «يُؤْتَى يومَ القيامةَ بالقرآنِ وأهله الذين كانوا يعملون به في الدنيا، تُقدَّمُ سورةُ البقرة وآلِ عمران، تُحَاجَّانِ عن صاحِبِهما

Имоми Муслим ривоят қилган. Киёмат кунда, аҳли қуръон олиб келинади. Аҳли қуръон ким? Қуръонни ўқиб, амал қилганлар, биродарлар. Баъзилар даъво қилиб қолмаслиги учун бўлса керак, валлоҳу аълам, мана бу ҳадиси шарифда аниқ айтиляпти? Аҳли қуръон ким?!

الذين كانوا يعملون به في الدنيا

Дунёда ўқиб, амал қилганлар, биродарлар. Шуларни олиб келишади. Сураи Бақара билан сураи Оли Имрон, буларни ҳимоя қилиб келади.

خيرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ
الراوي : عثمان بن عفان | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي

Шунинг учун, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизларнинг яхшиларинг, қуръонни ўрганиб, бошқага ўргатганинглар, дедилар.

Демак, одамларнинг яхшиси бўлмоқлик учун, қуръонни ўрганиб, бошқага ўргатмоқлик керак. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам,

من قرأ القرآن فاستظّهره فأحلّ حلاله وحرّم حرامه أدخله الله به الجنة وشقّعه في عشرة من أهل بيته كلّهم قد وجبت له النار
الراوي : علي بن أبي طالب | المحدث : الترمذي | المصدر : سنن الترمذي
الصفحة أو الرقم : 2905 | خلاصة حكم المحدث : غريب وليس إسناده بصحيح
(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Ким қуръонни қалбан ўқий олса, тўла қуръонни ўзига кўтарган бўлса, ҳалолини ҳалол деб, ҳаромини ҳаром деб, эътиқод қилса, Аллоҳу таоло уни жаннатга киргизади. Ва аҳли байтларидан ўн кишига, шафот қилишга изн берадики, бу ўн киши, имон билан ўлишгану, лекин, гуноҳлари кўплиги сабаблик, жаҳаннамга тушишлари муқаррар бўлган. Шуларни, шафоат қилишга, изн беради., дедилар.

فقد قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: من قرأ القرآن، وتعلمه، وعمل به، ألبس والداه يوم القيامة تاجا من نور، ضوءه مثل ضوء الشمس، ويكسى والداه حلتين لا تقوم بهما الدنيا! فيقولان: بم كسبنا؟! فيقال: بأخذ ولدكما القرآن. رواه الحاكم وقال: هذا حديث صحيح على شرط مسلم. وقال الألباني في صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Қуръонни ким ўқиса ва амал қилса, ота онасига қиёмат куни, нурдан бўлган тож кийдирилади. Унинг нури, қуёш нури кабидир.

(Қори ака, бу ҳадиснинг мазмунини, мавзуга тегишли бир қисминигина айтиб кетганлар. Ҳадис давомида, унинг ота онасига ҳуллалар кийдирилиши ҳам айтилган. Улар бу кийимлар нима сабабдан кийдирилди? Деб сўраганларида, сизларнинг фарзандингиз, қуръонни ёд олди, дейилади.)

Имоми Шотибий бу ҳадиснинг мазмунини, байт қилиб, айтганларки,

هَتَيْنَا مَرِيئاً وَالذَّكَ عَلَيْهِمَا ... مَلَأْسُنْ أَنْوَارِ مِنَ النَّجَّاحِ وَالْخُلَا -
فَمَا ظَنُّكُمْ بِالنَّجْلِ عِنْدَ جَزَائِهِ ... أَوْلَيْكَ أَهْلُ اللَّهِ وَالصَّفْوَةُ الْمَل -

Сенинг ота онанга, муборақдир, ҳадялар,
Қимматбаҳо ҳуллалар, бошларига нурдан тож!
Ҳузурида мукофот берса, надир гумонинг?,
Улар танлаб олинган, аҳлуллоҳдир, йўқ илож!
(Юқоридаги байтни мазмуни, Саҳвий таржимасида)

Яъни, мана шу маънони, байт қилиб жойлаганлар.

(Имоми Шотибий тажвид қондасини араб тилида, назмий шаклда китоб қилган шоир ва ҳофизул қуръон бўлган, дин уламолардан бири ҳисобланади. Бу ерда келтирилган икки байт, у кишининг «حرز الاماني ووجه التهاني في القراءات السبع» номлик назмий китобидан олинган. Бу китоб тажвид қоидалари, назмий шаклда баён қилинган, катта назмий китобдир.)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қуръонни ўрганишни ва ўқишни, фазилатини зикр қилиб айтадиларки:

ما اجتمع قوم في بيت من بيوت الله يتلون كتاب الله ، ويتدارسونه فيما بينهم إلا نزلت عليهم السكينة ، وغشيتهم الرحمة ، وحفتهم
الملائكة ، وذكرهم الله فيمن عنده

الراوي : أبو هريرة

خلاصة حكم المحدث : رواه مسلم وأبو داود بإسناد صحيح

Бир жамоа, бир киши демадилар. Бир жамоа, Аллоҳнинг уйларида бир уйда тўпланишиб, яъни, масжидда тўпланишиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилишса, ўзларининг орасида ўрганишса, ўрганишлик, биринчи тиловатни тузатишлик билан бўлади. Масалан бир киши ўқиса, иккинчи киши, шуни қайтариб ўқиса, Шу билан тузатиб олса, бу мудораса, иккинчи тадаббур, маъносини ўрганишлик, ва шунга қандай амал қиламиз деб, мудораса қилиб, ўрганишадиган бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан уларга биринчи мукофот бўлиб, сакина, ором, бир роҳат тушади. Иккинчи мукофот, уларга раҳмат ёғилади. Учунчи мукофот, Малоикалар, уларни ўраб олишади. Аллоҳу таоло буларни, Ўзининг ҳузуридаги Малоикаларга айтиб, фахрланади.

Мана шу тўртта мукофот, масжидда бўлган тиловатга айтилган. Биз буни мажбурмиз шундай, қайд қилиб айтишга. Бизга шу ҳадис кифоя қилади, биродарлар. Лекин, баъзи хабарларга қараганда, шу парвозга (Космосга) чиққан одамлар, ердан, баъзи ўринлардан нур кўтарилиб турганлигини кўришган. Шуни текширишса, булар тиловат бўлаётган масжидлар эканлиги, аниқланган. Улар шуни хабар беришяпти. Биз, шунинг учун тасдиқламаймиз бу ҳадиси шарифни. Биз буни, Расулимиз, содиқул амин, айтгани учун тасдиқлаймиз. Биз буларнинг кашфларига, қараб турмаймиз. Ана шунинг учун, биз масжиддаги қуръонни халқа бўлиб, мудораса қилишликни, йўқотмаслигимиз керак, биродарлар.

Мудораса деганда, бир киши оятни ўқиб, бошқа киши уни такрорлаб, ҳарфларни маҳражидан чиқариб, кейин, уни маъноларини ўрганиб, бир бирини камчиликларини тўғрилашлик ва унга амал қилишлик ҳақида, бир бирлари билан, мудораса қилишликдир.

Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга Жибрил алайҳиссалом оятларни ўқиб берганда, у киши қайтариб ўқирдилар. Имоми Бухорий ривоятида, Жибрил алайҳиссалом, Рамазон ойида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, қуръонни мудораса қилиш учун келардилар, деган. У кишининг тиловатидан кейин, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тиловат қилганлари, ривоят қилинади.

وإن هذا القرآن هو حبل الله، وهو النور المبين، والشفاء النافع، عصمة من تمسك به، ونجاة من تبعه، لا يعوج فيقوم، ولا يزيغ فيستعصب، ولا تنقضي عجائبه، ولا يخلق عن كثرة الرد، أتلهه فإن الله يأجركم على تلاوته بكل حرف عشر حسنات، أما إنني لا أقول: ب (ألم)، ولكن «بألف عشرًا، وبإلام عشرًا، وبالميم عشرًا»

صححه الحاكم، وضعفه الذهبي

(Бу ҳадисни иснодида, муҳаддислар ихтилоф қилишган, баъзилари заиф ва баъзилар саҳиҳ дейишган.)

Қуръон Аллоҳ билан, бандалар ўртасида, алоқа боғлаб, тортган арқонидир. Бу очиқ бир нурдир. Фойдалиқ шифодир. Қуръонни ушлаган одамни, сақловчидир. Эргашган одамга нажотдир. Қуръон эгри бўлмайдики, уни тўғрилашга ҳожати тушса. Қуръони карим ҳар хил фикрларга, эгилиб бурилиб кетмайди. Қуръоннинг ажойиботлари тугамайди. Қуръон кўп ўқилишлиги билан, эскирмайди.

Ҳар қандай мусиқа, куйларни, шеърларни, тарқатаётган ерларга, бу мусиқани чиқарган кишилар ва шеърларни ёзган кишилар, кўп қўйилмаслигини тавсия қилади. Нима учун? Ҳар қандай нарсa, кўп эшитилиши билан, ўзининг қадр қийматини йўқотади. Уни биров эътиборга, олмай қўяди. Мана буни мисоли, кўп жоҳилий куйларни, куйга солинган шеърларни, аввалда қизиқиб эшитиб, кейин, ҳамма туф деб, юборганига, ҳаммамиз гувоҳмиз, биродарлар.

Бу ҳолат, ўн, йигирма, ўттиз марта эшитишлик билан, вужудга келади. Баъзиларини, бир икки эшитган одам, бошқа эшитмасам экан, деб, қолади. Лекин, қуръони каримни, мана сураи Фотиҳани олиб кўрайлик. Эрталабки, намозда тўрт марта ўқийди. Тушда ўн марта ўқийди. Асрда тўрт марта ўқийди. Шомда уч марта ўқийди. Хуфтонда тўққиз марта ўқийди. Нафл намозларни қўшганда, ҳисобсиз бўлади. Лекин, ҳеч кимнинг хаёлига, яна сураи Фотиҳани ўқияпманми? деган хаёл келганмас, шу вақтгача. Агар шуни эслатмасангиз, ҳақиқатдан ҳам, бу хаёлимга келмаган экан, дейди. Шу хаёлига келмаганини ҳам, ўйлаб кўрмаганлар. Қуръоннинг мўъжизаси бу!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам

ولا يخلق عن كثرة الرد

Қуръон кўп ўқилишлиги билан, эскирмайди. дедилар. Бирор киши, яна сураи Фотиҳани ўқияпманми? деган гап, ҳеч хаёлига келганмас, биродарлар! Қуръоннинг мўъжизаси кўп. Мана бу қуръони каримнинг, биз тушунадиган, оддий мўъжизаларидан биридир. Қуръон, ҳужжатдир. Бурҳондир.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَأَنزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا

Нисо сураси 174 оят

Эй одамлар, Роббинглар тарафидан сизларга, ҳужжат келди. Ва сизларга очиқ ойдин, нурни туширдик!

Кўринг, умр бўйи қуръон билан курашиб, маош олиб яшаган. Суяги шу билан қотган. Фарзандларини ҳам, қуръонга билан курашда, суякларини қотираётган одамнинг, қуръон эшитиб тургандаги ҳолатига, бир қаранг! Шунда, уни қандайдир бир ҳайбат олиб, хомуш турганлигини, гувоҳи бўласиз. Ўзи қуръондан бирор калимани билмайди. Ўқиёлмайди ҳам. Ҳаёти бўйича, қуръонга қарши курашган. Суяги шу билан қотган. Қуръон ҳайбати, уни олаверади. Уламолардан бири, денгиз сафарида, йўлга чиққанлигини, ўзининг китобида, ҳикоя қилиб айтади. Жума намозига азон айтганларида, етти киши тўпланган. Шу кунни жума кунни экан. Жума ўқимоқчи бўлганида, кемада, ҳар хил миллатдан одамлар тўпланган. Намозхонлари етти киши экан.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَأَنزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا

Нисо сураси 174 оят

Эй инсонлар, дарҳақиқат сизларга Роббингиздан бурҳон келди. Ва сизларга Нурни нозил қилдик! Оятини, ҳақиқатда, қуръон одамлар устидаги ҳужжат эканлигини, ҳикоя қилиб айтади.

Қуръонда қандайдир ҳужжат борки, бунини ҳақиқатда, одам талаффуз билан айтиб бера олмайди. Жумадан олдин хутба ўқидим. Хутбада, баъзи оятларни ўқидим. Ва ҳадиси шарифлардан ҳам ўқидим, дейдилар. Шунда, арабчани мутлақо билмайдиган, умр бўйи, Ислом нима эканлигини билмаган, бир инглиз аёли, намоз ўқиб бўлганимиздан кейин, олдимга келиб, кўзи тўла ёш оққан ҳолатда, ҳозир нима қилдинглар? деди. Шу гапираётган вақтингизда, шундай гаплар айтдингизки, мен бирортасини билмайман бу сўзларни. Лекин, қалбга бир ором бўладиган, калималар айтилди, деди. Қуръони карим оятларига ишора қилиб айтган.

Бу оятда, эй имон келтирган кишилар, дейилмади.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَأَنزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا
Нисо сураси 174 оят

Эй одамлар, дейилди. Одам деб, аталадиган ҳамма махлуққа хитобки, сизларга Роббинглар тарафидан ҳужжат келди. Мана бу, қуръон Аллоҳ тарафидан ҳамма одамларга ҳужжат эканлигига, белгилардан баъзисидир.

عن عبد الله بن مسعود رضي الله عنه أنه قال:
من أراد العلم فعليه بالقرآن فإن فيه خير الأولين والآخرين"
تخريج هذه الروايات في كتاب الشاطبي – علوم القرآن

Қуръоннинг олими бўлган саҳобалардан бири, Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтган эканлар: Илм ўрганмоқчи бўлсанглар, қуръонни лозим тутинглар. Чунки, қуръонда, аввалигию, охиригиларнинг хабари бордир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ، قَالَ: «مَنْ جَمَعَ الْقُرْآنَ فَقَدْ حَمَلَ أَمْرًا عَظِيمًا، لَقَدْ أُدْرِجَتِ النَّبِيُّوَةُ بَيْنَ كَتَفَيْهِ غَيْرَ أَنَّهُ لَا يُوحَى إِلَيْهِ وَلَا يَنْبَغِي لِخَامِلِ الْقُرْآنِ أَنْ يَحْدُ مَعَ مَنْ يَحْدُ، وَلَا يَجْهَلُ مَعَ مَنْ يَجْهَلُ، لَأَنَّ الْقُرْآنَ فِي جَوْفِهِ

Абдуллоҳ ибн Умар айтдилар: Ким қуръонни жамласа, жуда катта нарсани, ўзига кўтариб олибди, деган эканлар.

(Қисқа изоҳ: Бу сўзни Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал Осс айтганлар. Қори ака бу сўзни, бошидан бир қисмини Абдуллоҳ ибн Умар номидан, айтиб ўтадилар. Бу иккита Абдуллоҳни баъзида адаштириб айтилиши нормал ҳолдир. Чунки, арабчада ёзилганда буларнинг номлари ва оталарининг номлари бир хил ёзилади. Алл Оссни қўшмаса, қайси Абдуллоҳ эканини билиш мушқилдир.)

Бунинг аксини ҳам билиб қўймоғимиз керак. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу, айтган эканлар:

إِنَّ الَّذِي لَيْسَ فِي جَوْفِهِ شَيْءٌ مِّنَ الْقُرْآنِ كَالْبَيْتِ الْخَرِبِ -
الراوي : عبد الله بن عباس | المحدث : الألباني | المصدر : ضعيف الترمذي
الصفحة أو الرقم : 2913 | خلاصة حكم المحدث : ضعيف

(Бу ҳадисни қори ака, имоми Муслим саҳиҳида келтирган, деб ўқидилар. Лекин, Термизий ривоятида шу ҳадисни, заиф дейилган. Муҳаддислар ҳам заиф дейишган.)

Ичида қуръондан бир нарса бўлмаган киши, хароб уйга ўхшайди, дедилар. Демак, биз қуръонни баъзи қисмини, ёд билмоғимиз керак.

Бақара сурасини ёд қилинглари, дедилар. Бақара сурасини ёдлаш баракотдир. Дангасалар бунга қодир бўлмайди, дедилар.

Асҳоблар Сураи Бақарани ўрганишга, ёдлашга, ҳаракат қилишар экан. Ўн оят ўрганиб, Шунга амал қилиб, кейин, яна ўн оят, ўрганишар эканлар. Абдуллоҳ ибн Умар Сураи Бақарани тўрт йилда ёд қилган эканлар. Дангасалик босқичидан чиқдим деб, хурсанд бўлган эканлар. Тўрт йилда ёдлаганини сири шуки, ҳар бир оятни ўрганиб, шунга амал қилиб, ўтган эканлар. Дангасалар бунга қодир бўлмайди, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам деб, шу дангасалик босқичидан чиқай деб, Сураи Бақарани тўрт йилда ёд қилган эканлар. Ўқиб, тадаббур қилиб, амал қилиб, ўрганлари учун, тўрт йилда, ёдлаганлар.

(Қисқа изох: Саҳобалар ичида шу ерда зикр қилинган тўртта Абдуллоҳ бор. Булар илмда моҳирлардан бўлишган. Шу тўртта Абдуллоҳнинг каттаси Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудир. (Ибн Умми Мактум ҳам дейишади.) Бу киши кибор саҳобалардандирлар. Қолган уч Абдуллоҳ нисбатан ёшроқ бўлиб, ўзаро тенгқурдирлар. Булар, Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу, Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу, Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал Осс разияллоҳу анҳудирлар. Бу тўрт Абдуллоҳ, саҳобалар ичидаги машҳур, қуръон ва ҳадис олимларидандирлар)

(Шу ерда қисқача шаклда, Румда асирга тушган саҳоба, Абдуллоҳ ибн Хузофа қиссаси айтилади ва баъзи фикҳий саволларга жавоблар берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, қуръонига бўлган муҳаббатимизни оширсин! Ва шу қироат илмига амал қилиб, ўқишга тавфиқ берсин! Тадаббур билан ўқишга, тавфиқ берсин! Ва қуръонни нозил бўлишлигидан асосий мақсад бўлган, амал қилишликка, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тавфиқ берсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни, давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

53 дарс тугади.

54 Дарс

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари ҳақида

(Бу дарс аввалида, Пайғамбарларга берилган мўъжизалар ҳақиқи ва Муҳаммад алайҳиссаломга берилган қуръон мўъжизаси, абадий эканлиги тушунтирилади. Кейин, у кишидан содир бўлган кўплаб мўъжизалар, ҳадисларга асосан келтирилади. Кейин, саҳобалардан содир бўлган баъзи кароматлар ва кейин, тобеъинлардан содир бўлган кароматлар айтилади. Дарс охирида, солиҳ бўлмаган кишилардан содир бўладиган одатдан ташқари ишларни, шайтоний ҳолатлар эканлиги тушунтирилади. Лекин, бу каромат кўрсатишлик, мўминнинг ҳаётдаги вазифаси эмаслиги ва истиқоматда бўлишлик унинг вазифаси экани уқтирилади)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا ضَلَلٌ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

ذَلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ
Бақара сураси 2.3 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримни, Ўзининг ҳузуридан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, нозил қилганига шак шубҳа йўқлигини баён қилиб, бу қуръони каримни, Аллоҳдан кўрққан муттақинларга хос, ҳидоят деб, ёд қилди. Бу муттақинларнинг биринчи сифати, ғайбга имон келтириш эканлигини, Ўзининг азалий китобида, ёд қилди.

Демак, ғайбга имон келтириш, Аллоҳдан кўрққан муттақинлар сифатларидир. Имон билан киши, куфр ва ширқдан саломат бўлса, бу имоннинг аввали, Аллоҳга имон келтиришлик бўлиб, бу ҳам, ғайбга имон келтириш, жумласидандир. Шунинг учун, ғайбга имон келтириш,

الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ

Аллоҳдан кўрққан, куфр ва ширқдан саломат бўлган муттақинларнинг, биринчи сифатларидир. Аслида, Аллоҳга бўлган имон ҳам, ғайбга бўлган имондир. Китобларга бўлган имон ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, Жибрил алайҳиссалом воситасида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, ва бошқа пайғамбарларга, ваҳй қилинган китобларни ҳам, инсон эшитиш орқалик билади. Бу ҳам, ғайбга имон келтиришни, бир қисмидир. Малоикаларга имон келтириш ҳам, ғайбга имон келтиришни, бир қисмидир. (Пайғамбарларга, тақдирга, қиёмат кунига, имон келтириш ҳам, ғайбга имон келтиришни, бир қисмидир.) Шунинг учун, ғайбга имон келтиришлик билан, мўминлар, бошқа мушрику, кофирлардан фарқ қилишади.

Балки, ғайбга имон келтириш, инсон билан ҳайвонни, ажратиб турадиган нарсадир. ғайбга имон келтиришлик билан, мўминлар, бошқа мушрику, кофирлардан фарқ қилганидек, ҳайвонлардан ҳам фарқ қилишади. Чунки, фақат ҳайвонларгина, кўзига кўринган нарсага ишонади. (Кофиру мушриклар, ҳайвонларданда, паст даражадаги махлуқлардир) Пайғамбарлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан бўлган илми, бирор хизмат ҳаққи сўрамасдан, олиб келишдилар. Биронталари, бунчалик қимматбаҳо бўлган илмга, одамлар тарафидан биронта, ҳақ сўрамадилар. Балки, бу мукофотни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беришини эълон қилиб, одамларни хотиржам қилиб қўйдилар.

قُلْ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا
Шўро сураси 23 оят

Мен сизлардан бирорта маош, ажр талаб қилмайман деб, айтинг! деб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бун эълон қилдириб қўйди. Бошқа йўлларда, одамлар, кишиларни жамласа, бирор йўл кўрсатмоқчи бўлса, бунга албатта, маош олишади, биродарлар. Ҳаттоинки, ҳозирги кундаги, ўзининг илмий баҳсини ўртага ташлаб, ўқиб берувчи кишилар ҳам, шу ишига, маош олишади. Илмий баҳсларни ҳам, бекорга беришмайди. Фақат Пайғамбарлар ва Пайғамбарларга эргашган кишиларгина, илмий нарсасига ва бошқа ишига, маош олмаслик билан, ажралиб туришади. Пайғамбарлар олиб келган илмлар, ғайбга имон келтирган кишиларгагина, манфаатлик бўлади.

Агар бир тамсил жоиз бўлса, Пайғамбарлар олиб келган илмлар мисоли, худди бир, дунё харитаси олдида турган кишига ўхшайди. Биз Пайғамбарлар олиб келган илмларни, қанчалик содда ва осон ва қимматбаҳо эканини, тамсил қилиб тушунтиряпмиз, халос. Дунёдаги океанлардан энг каттаси Тинч океани бўлиб, Унинг чуқурлиги, ўн километрдан кўпроқ дейилган бўлса, шуни дунё харитасига ёзиб қўйилган бўлса, дунёдаги ўрмонлар сони, маълум бир миқдорда кўрсатилган бўлса, дунёдаги тоғларнинг энг баланди, Жамолунгма чўққиси, саккиз километрдан кўпроқ экани, айтилган бўлса, булар бари, харитага ёзиб қўйилган бўлса, шунда бир киши айтсаки, мен бу Тинч океани чуқурлиги ўн километрдан ортиқлигига ишонмайман. Мени ўз ўлчов асбобим бор. Бу асбобим ўн чақиримча келади. Шу асбобим билан ўзим ўлчаб оламан, деса?!

Бу Жамолунгма чўққиси, саккиз километрдан кўпроқ эканини, мен қабул қилмайман. Бун ким ўлчаб қўйибди? Бун ким кўрибди бун?, деган одамни, ҳеч эшитганмисиз? Ё кўрганмисиз? (Бунақа одамни ҳамма, нодон одам, дейди.)

Шунчалик минглаб мактабларда, минг минглаб болалар ўқишига қарамасдан, мана шу маълумотлар, дунё харитасига ёзиб қўйилган бўлса, ҳамма уни сўзсиз қабул қилаверади. Унга ишонмаган одам, албатта, нодон ҳисобланади. Нима учун бунга ҳамма ишонади? Чунки, ишонарлик хабар билан етиб келган! Демак, маърифат сабабларидан биттаси, Хабар мутавотирдир. (Кўп одам тарафидан айтилган хабардир) Ростлигида шак шубҳа йўқ хабарни, хабари мутавотир, деймиз. Жуда кўп одамлардан етиб келган хабар бўлса, буларнинг ҳаммасини жамланиб, ёлғон гапиришга келишиб олиши, имконсиз бўлса, бу хабар илми ифодалайдида, биз шунга ишонамиз. Ҳаётнинг ҳамма иши, шунга боғланади, биродарлар.

Тажриба ҳам, илм асбобларидандир. Тажрибани мисол қилсак, бир табиб ўзининг билган маълумоти билан, баъзи кишиларни даволаган халос. Ўзи ҳеч киммас бўлмасам. У берган давони, баъзи кишилар олиб даволанишган халос. Агар биров келиб, ундан дори сўраса, ва унга берган пайти, бун нимадан тайёрлагансиз? Қаердан одингиз бун? Бунинг таркибида, нималар бор?! деган саволлар берса, шу вақтда табиб уни, ҳузуридан ҳайдаб чиқаради. (Яъни, ҳаётда одамлар, илми ўзида бўлмаган кўплаб нарсаларга ишонишга мажбур ва ишониб яшайди ҳам. Ўзи кўзи билан кўрмаган ва ўзи тажрибадан ўтказиб билмаган лекин, бошқалар қилган ва маълумот берганига ишониб, яшашади. Худди шунингдек, мўминлар ҳам, пайғамбарлар олиб келган ўзларига ғайб бўлган, маълумотларга, ишониб яшашади.)

Пайғамбарлар, Аллоҳнинг саловотию саломи бўлсин ҳаммасига, улар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, Пайғамбар бўлиб келдилар. Улар ҳаётларида бирор ёлғон сўз сўзламадилар. Улар ҳамма умматлар иттифоқи билан, энг омонатлик кишилар бўлишган. Биз моддий фалсафа ҳукмронлиги остида кўп яшаганимиз учун, ғайбга имон келтириш ҳақида, ва пайғамбарлар мўъжизаси ҳақида, кўп дарс эшитишликка муҳтожмиз. Шунинг учун, бугунги дарсимизда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбарлигига далолат қилувчи, ҳаётларида бўлган, баъзи мўъжизалари билан танишамиз. Булар бизга хабари мутавотир билан келган. Саҳобалар бизга хабар бериб, кўп ривоят қилишганлар. Бу хабарлар, баъзи ҳадис китобларида эшитилиб қолинса, моддий фалсафанинг таъсири остида, баъзилар бунга ҳайрон қолмасликлари керак! Агар бу хабарлар саҳиҳ хабарлар бўлса, буни тасдиқ қилмоқликлари керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга берган мўъжизотларнинг энг каттаси, қуръони каримдир. Қуръони карим, қиёмат кунигача абадий мўъжизадир. Қуръони карим, адабий тарафидан ҳам, инсонларни ожиз қилган мўъжизадир. Қуръони карим нозил бўлишидан илгариги пайтда, Араб халқи, фасоҳату балоғатда, энг юқори босқичга чиққан, давр бўлган. Буларнинг тарихида, шунгача ва ундан кейин ҳам, бу каби, фасоҳату балоғатда, бундай, юқори босқичга чиққан даври, бўлган эмас. Бунга уламолар иттифоқ қилишган. Шундай бўлишига қарамасдан, улар фасоҳату балоғатда, қуръонга баробар, бирор нарса келтиришга, қодир бўлмадилар.

Қуръони карим, уларга, агар сизлар, қуръонни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келганига шак шубҳада бўлсанглар, қуръонни бир кичкина сураси каби, сура олиб келинглари. Ёки, ўн оят миқдорида, бир нарса олиб келинглари. Ёинки, шу қуръонга ўхшаган, бир китоб олиб келинглари деб, хитоб қилди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам йигирма уч йил, ошкор яшадилар. Шу муддатда, уларнинг қуръонга ўхшаган бирор сурани, олиб келганлиги, тарихда ривоят қилинмаган.

Қуръони каримнинг, илмий кашфиётлари ҳам, мўъжизадир. Одамлар бугун кашф қилаётган илмий нарсалари, қуръонда бир минг тўрт юз йил илгари, айтиб қўйилган маълумотларнинг, баъзиси бўлиб қолаяпти. Бунга ҳасади бўлган олимлар унамаса ҳам, инсофи бўлган ва динга алоқаси бўлмаган олимлар, қуръон мукаммал кашфиётни олиб келган, деб, тан олишяпти. Қонун соҳасида, одиб ахлоқ ва бошқа соҳаларда, қуръон олиб келган йўллари, одамлар, агарчи, ўзлари исломни қабул қилишмаса ҳам, унинг қонунлари манфаатлик дейишяпти. Ҳаммасидан ҳам каттароқ мўъжизаси шуки, қуръони каримга душманлари кўп бўлишига қарамасдан, бирор ҳарфига ўзгариш киритилмасдан сақланиб келмоқда. Ва қиёматгача сақланиб қолади. Чунки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло,

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

Хижр сураси 9 оят

Қуръонни Биз туширганмиз ва Биз сақлаймиз, деган.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг олдинги пайғамбарларга берган мўъжизалари, уларнинг рисолатлари вақтинча бўлгани учун, мўъжизалари ҳам ҳиссий суратда бўлдида, тугади. Уларнинг йўллари ҳам, қуръон билан мансук бўлди. Қуръон, абадий мўъжиза бўлиб қолди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин, Пайғамбар чиқмайди. Динлари қиёматгача давом этади. Шунинг учун, мўъжизалари ҳам, қиёматгача қолди. Шу билан бирга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, бошқа мўъжизалар ҳам берди. Шулардан бири, Меърож ва Исроъ мўъжизасидир. Масжидул Ҳарамдан Масжидул Ақсога, кечаси, маълум бир соат ичида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло у кишини сайр қилдирди. Мана шу, Исроъ дейилади. Масжиду Ҳарамдан Масжидул Ақсога, бориб келишлик учун, ойлаб муддат керак эди.

Мана бу масофани, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, кечаси, Аллоҳнинг Ўзигагина маълум бўлган муддат ичида, бориб келдилар. Агар Исроъ мўъжизасини ким инкор қилса, имондан чиқади. Бу қуръони каримда собитдир.

سُبْحَنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنْ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ
Исро сураси 1 оят

Меърож деб, Масжидул Ақсодан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, Ўзи хоҳлаган ерга олиб чиқанлигига айтилади. Яъни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло осмонга, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, сайр қилдирди. У ерда кўп мўъжизотларни кўрдилар. Жибрил алайҳиссаломни, асл яратилган суратида кўрдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло у кишини, Сидратул Мунтаҳога олиб чиқди. Бу қуръони каримда, сураи Наҳмда собит. Бу мўъжизани мўминлар тасдиқлашади. Бу ғайбга имон келтиришади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда хабар бердилар. Бу кишининг хабарлари тўғри ва ҳақ! Мўминлар бунга имон келтиришади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, Аллоҳнинг изни билан, кўп мўъжизотлар бўлди.

Озгина таомни кўпайиб кетишлиги. Бундай воқеалар кўп бўлган. Биз Муттафақун алайҳ бўлган бир ҳадисни, келтириш билан кифояланамиз.

وعن جابر قَالَ: إِنَّا كُنَّا يَوْمَ الْخَنْدَقِ نَحْفِرُ، فَعَرَضَتْ كُذْيَةٌ شَدِيدَةً، فَجَاءُوا إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالُوا: هَذِهِ كُذْيَةٌ عَرَضَتْ فِي الْخَنْدَقِ، فَقَالَ: أَنَا نَازِلٌ، ثُمَّ قَامَ وَبَطْنُهُ مَعْصُوبٌ بِحَجَرٍ، وَلَبِثْنَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ لَا نَذُوقُ ذَوَاقًا، فَأَخَذَ النَّبِيُّ ﷺ الْمَعْوَلُ، فَضْرَبَ؛ فَعَادَ كَثِيرًا أَهِيلًا - أَوْ: أَهِيمًا - فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، انْزِلْ لِي إِلَى الْبَيْتِ، فَقُلْتُ لَأَمْرَأَتِي: رَأَيْتُ بِالنَّبِيِّ ﷺ شَيْئًا مَا فِي ذَلِكَ صَبْرٌ، فَعِنْدَكَ شَيْءٌ؟ فَقَالَتْ: عِنْدِي شَعِيرٌ وَعِنَاقٌ، فَذَبَحْتُ الْعِنَاقَ، وَطَحَنْتُ الشَّعِيرَ، حَتَّى جَعَلْنَا اللَّحْمَ فِي الْبُرْمَةِ، ثُمَّ جِئْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَالْعَجِينُ قَدْ انْكَسَرَ، وَالْبُرْمَةُ بَيْنَ الْأَتَافِي قَدْ كَادَتْ تَنْضَجُ، فَقُلْتُ: طَعِيمٌ لِي، فَقُمْ أَنْتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَرَجُلٌ أَوْ رَجُلَانِ، قَالَ: كَمْ هُوَ؟ فَذَكَرْتُ لَهُ، فَقَالَ: كَثِيرٌ طَيِّبٌ، قُلْ لَهَا: لَا تَنْزِعِ الْبُرْمَةَ وَلَا الْخُبْزَ مِنَ النَّوْرِ حَتَّى آتِي، فَقَالَ: قُومُوا، فَقَامَ الْمُهَاجِرُونَ وَالْأَنْصَارُ

فَدَخَلْتُ عَلَيْهَا فَقُلْتُ: وَيْحَكَ! جَاءَ النَّبِيُّ ﷺ وَالْمُهَاجِرُونَ وَالْأَنْصَارُ وَمِنْ مَعَهُمْ! قَالَتْ: هَلْ سَأَلْتُكَ؟ قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: ادْخُلُوا وَلَا تَضَاعَطُوا، فَجَعَلَ يَكْسِرُ الْخُبْزَ، وَيَجْعَلُ عَلَيْهِ اللَّحْمَ، وَيُخَمِّرُ الْبُرْمَةَ وَالنَّوْرَ إِذَا أَخَذَ مِنْهُ، وَيَقْرُبُ إِلَى أَصْحَابِهِ، ثُمَّ يَنْزِعُ، فَلَمْ يَزَلْ يَكْسِرُ وَيَغْرِفُ حَتَّى شَبِعُوا، وَبَقِيَ مِنْهُ، فَقَالَ: كُلِي هَذَا وَاهْدِي، فَإِنَّ النَّاسَ أَصَابَتْهُمْ مَجَاعَةٌ مَتَّفِقٌ عَلَيْهِ

(Бу ҳадис қори ака айтган ҳадисдан бошқаси, лекин шу мавзуда)

Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: Хандақ қазиётган кунларда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламда қаттиқ очлик борлигини кўрдим. Аёлимни олдига келиб, уйда ейдиган бирор нарса борми? деб сўрадим. Шунда бир халтада бир соъ, уч килоча арпани олиб чиқди. Ва бир кичкина қўзичоқни сўйдим. Аёлим шу арпани туйди. Гўшти қозонга солдик. Кейин, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдига келдим. Секин ўзларига, ё Расулulloҳ, мен бир қўзини сўйдим. Озгина арпани туйиб, таом таёрладик. Сиз ва яна бир икки киши, бирга борсангизлар дедим. Хандақ кавлашга, Мадинадаги ҳамма мусулмонлар чиққан эдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам туриб, Эй Хандақ аҳли, Жобир бир таом таёрлабди, ҳаммамиз уникига борамиз, деб, қичқирдилар. Жобирга қараб, қозонни туширманг ва хамирни тандирдан олманг, то мен боргунимча, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам келиб, хамирни ушлаб дуо қилдилар ва пуфладилар. Қозонни ушлаб дуо қилдилар ва пуфладилар. Кейин, нон қилувчини чақиргин, нонни қилаверсин. Қозонингдан бизга овқат қуйиб беравер, дедилар. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, дейдилар, аёллари, овқатни ҳамма келган одамлар ейишди. Нонни ҳаммага тақсимланди. Қозонимиз аввалгидек, қайнаб турарди. Хамиримиз камаймади. Нечта эдинглар? деганларида, минг киши эдик, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бундай мўъжизалари, кўп содир бўлган.

فَقَالَ: كُنَّا أَصْحَابَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعِدُ الْآيَاتِ بَرَكَةً وَأَنْتُمْ تَعْدُونَهَا تَخَوُّفًا، كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَقَلَّ الْمَاءُ فَقَالَ اطْلُبُوا فَضْلَةً مِنْ مَاءٍ فَجَاءُوا بِإِنَاءٍ فِيهِ مَاءٌ قَلِيلٌ، فَأَدْخَلَ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ ثُمَّ قَالَ: حَيَّ عَلَى الطُّهُورِ الْمُبَارَكِ وَالْبَرَكَةِ مِنَ اللَّهِ، فَلَقَدْ رَأَيْتُ الْمَاءَ يَنْبَعُ مِنْ بَيْنِ أَصَابِعِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَقَدْ كُنَّا نَسْمَعُ تَسْبِيحَ الطَّعَامِ وَهُوَ يُؤْكَلُ. البخاري

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтдилар: Биз саҳобалар, мўъжизани кўрсак, баракот деб, ҳисоблардик. Сизлар уни хавф деб, санаяпсизлар дедилар. Ҳақиқатда, одамлар ғайбдан бир нарсa келаётганини кўрса, кўрқиб, уйига кириб, эшикни бекитиб олишади. Биз бундай нарсаларни баракот санардик, дедилар. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда эдик. Сув озайди. Шунда, бир озгина сув топиб келинг, дедилар. Озгина сув олиб келишди. Шунда, бармоқларини сувга тикдилар. Айтдиларки, бу баракотлик сувга келинглaр, дедилар. Вал баракату мин Аллоҳ, баракот Аллоҳдандир, дедилар. Сувни кўрдим, дейдилар, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бармоқлари орасидан отилиб, чашма бўлиб чиқарди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, бирга пайтимиз, таом оз бўлиб қолса, олдиларига кўтариб келардик. Шунда, таомни тасбиҳ айтаётганини эшитардик, овқат еб турган ҳолатларида. Имоми Бухорий ривояти.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан биттаси, Суроқа ибн Молик деган киши, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни Абу Бакр билан бирга, Маккадан яширинча чиқиб кетганлигини эшитиб, уни ушлаб, Қурайшга топшириш учун, орқаларидан тушди. Буни сабаби, Қурайшликлар, ким Муҳаммаднинг бошини кесиб келса, юзта туя мукофот берамиз деб, эълон қилгандилар. Бутун оламга раҳмат бўлган зотдан, саййидул башардан, юзта туя афзал бўлиб қолди. Суроқа ибн Молик имон келтиргандан кейин, ўзи айтиб берган. Мен бир ерда ўтирганимда, шу атрофда кимдир юрганлигини хабарини эшитдим. Мен билдимки, бу Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр бўлса керак деб, ўйладимда, улар туяларини йўқотиб, излаб юрган одамлар деб, уларни (мушрикларни) чалғитиб, ўзим чиқиб кетдим, дейди. Шу мукофотни ўзим олай деб. Шерикларимга билдирмай чиқиб кетдим, дейди.

Шунда, Суроқа, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам орқасидан етиб келди. Келиб ҳужум қила бошлаши билан, оти чўка бошлади. Отини оёғи ерга кириб, қорни ерга тегиб қолди. Чўкадиган ермас у ер, биродарлар. Ҳажга борган кишилар кўрган, у ерни бир нарсa билан ўйсангиз ҳам, ўёлмайсиз. Суроқа қичқирди. Сизлар икковинг менга дуо бад қилдинглар. Энди дуо хайр қилинглaр. Қасам ичаманки, сизларни истаб келаётган одамларни, мен тадбирим билан қайтараман, деди. Ўлдиришлик учун келаётган Суроқа, ўлишига шубҳа қилиб қолди, бир дақиқада. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бу қасам ичганидан кейин, бунга дуои хайр қилдиларда, Аллоҳ сенга нажот берсин! дедилар.

Мен шу ерда зикр қилинмаган бўлса ҳам, бир сўз айтмоқчиман. Суроқа ўлдириш учун келаяпти. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни Абу Бакр билан бирга, заиф бўлиб қочиб кетаяпдилар. Ҳижрат, Аллоҳнинг буйруғи билан Мадинага кетишяпти. Шу пайтда, ер юзида энг кучлик, иккита мамлакат бор эди. Биттаси Форс ва биттаси Рум эди. Икковлари, зўравонликни даъво қилган эди. Икковини ичида, Форс ҳукмдорлиги, дунёдаги энг кучлик, ҳукмдор эди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Суроқага қараб, кўз олдингизга келтиринг, шунақа пайтда, Суроқага қараб, қандай бўлар эдинг, Кисрони билaк узиги қўлингда бўлса? дедилар. Суроқа ҳайрон бўлди, бу сўзга.

Яъни, менинг йўлим ғалаба қилади. Бунда шaк шубҳа йўқ, дедилар. Дунёнинг энг катта ҳукмдори Кисро деб, аталарди. Улар бир мамлакатнинг, бир йиллик хирожига тенг бўлган, билaк узукни, қўлларига тақиш одатлари бор эди. Шу Кисрони билaк узиги қўлингда бўлса, қандай бўлар эдинг? дедилар. Заиф бўлиб, саҳрода кўрқиб кетаётганида, ер юзидаги энг зўравоннинг билaк узугини, Суроқага ваъда қилиб кетдилар. Буни биродарлар, ақл билан англаб, олиб бўлмайди.

Умар ибн Хаттоб даврида, Форс ҳукмдорлиги мағлуб бўлди. Ғаниматлар келтирилди. Улар орасида, Кисронинг билак узуги ҳам, бор эди. Шунда, Суроқани чақирдилар. Мана бу сеники деб, қўлига тақиб қўйдилар. Бу мўъжизани воқеъда бўлмаганда, бошқалар тасдиқлай олмасди. Лекин, саҳобаларнинг имони шундай эдики, улар жазм билишардики, Форс ҳукмдори билак узуги, шу ерга келади. Буни Суроқа тақади, дердилар. У воқеъадан кейин, Суроқа имон келтирганди. Шу жангларда иштирок этганди. Бу сеники, сенга Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ваъда қилганлар деб, бердилар. Бу нарсаси, Исломининг адолатлигига далолат қилади. Халифаларнинг, Аллоҳ ва Расулига қанчалик муҳаббат қилганига далолат қилади. Шунинг учун ғалаба қилдилар. Шу нарсалар йўқолганлиги учун, мусулмонларнинг ишлари орқага кетган.

Ҳунайн маъракасида, мусулмонлар ортга чекиндилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан силжимадилар. Атрофларида, озроқ кишилар қолди. Улар кимлар эди? Улар Ҳудайбийяда, дарахт тагида, у кишига, молу жонимиз билан, сизни ҳимоя қиламиз деб, байъат қилган кишилар эдилар. Шунинг учун, булар шунчалик оғир жангда ҳам, чекинмадилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шу жангда, ердан бир сиқим тупроқ олиб, дуо қилиб, мушриклар томонга сепдилар. Муҳаммаднинг Роббига қасамки. Мағлуб бўлинглар! деб, шу майда тошлардан иборат бўлган, бир сиқим тупроқни отдилар. Ҳадисни ривоят қилган Аббос айтадики, Аллоҳга қасамки, шу тошларни отишлари билан, мушрикларнинг қиличи ўтмас бўлиб қолди. Ва улар чекинишдан бошқа иш қилолмай қолишди. Бундай мўъжизотлар кўп бўлди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларининг ижобатлиги ҳақида, сон саноксиз хабарлар бор, биродарлар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Онамни Исломга чақирардим. Онам мушрика эдилар. Бир куни онамни Исломга чақирсам, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, ҳақорат қилиб сўқди. Йиғлаган ҳолатда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, онамни сўкканини айтдим. Дуо қилинг, онамни Аллоҳ ҳидоят қилсин, дедилар. Шунда, Аллоҳуммаҳди умми Абу Ҳурайра деб, дуо қилдилар. Бу киши айтадилар, мен Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари мустажобдир деб, тўғри онамнинг олдига қараб юрдим. Уйга борсам, Жойингдан жилма, эй Абу Ҳурайра деган овоз чиқди. Шунда сувнинг товушини эшитдим. Онам ғусл қилиб, шошиб кийимларини кийиб чиқдида, Эй Абу Ҳурайра, Ашҳаду алла илоҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу деди. Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига яна йиғлаб, келдим. Аввалгиси ғамдан эди. Буниси қувончдан, дейдилар. Мана шундай, дуоларини ижобатлари ҳақида, жуда кўп ривоятлар келган. (Яъни, баъзи шахслар ҳақида қилган дуолари ижобат бўлган. Азалда имон насиб этмаганларга нисбатан, ижобат бўлмаган)

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Зулхалафа номлик ердаги, Каъбатул Ямома деб, номланган қисмида, Ҳафсан исмлики, Аллоҳу Расулига озор берган бир кофир одам турарди. Менга Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, шундан мени роҳатлантирмайсанми, ё Жарир? дедилар. Албатта, дедим. Лекин, мен отга минолмасдим. Шунини, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга айтдим.

أَنْ جَرِيرَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْبَجَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ شَكَاَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ لَا يَثْبُتُ عَلَى الْخَيْلِ، فَضَرَبَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ الْكَرِيمَةَ عَلَى صَدْرِهِ ثُمَّ دَعَا لَهُ فَقَالَ: (اللَّهُمَّ ثَبِّتْهُ، وَاجْعَلْهُ هَادِيًا مَهْدِيًا)

Шунда, мени кўксимга қўлларини қўйдилар, ҳатто, мен қўлларини тафтини кўксимда ҳис қилдим.

اللَّهُمَّ ثَبِّتْهُ، وَاجْعَلْهُ هَادِيًا مَهْدِيًا

Эй Аллоҳим, буни мустаҳкам қил. (отда мустаҳкам ўтирадиган қилгил) Уни ҳидоятловчи ва ҳидоятланганлардан қил! деб, дуо қилдилар.

Умрим бўйи, отга минсам аввалидек, қўрқувни ҳис қилмадим, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган вазифани, бажариб келдилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Мадинада қурғоқчилик бўлди. Шунда, жума намозига келган бир аъробий туриб, ё Расулуллоҳ, бу ҳамма ёқ, қирилиб кетди. Бола чақалар оч қолди. Бу қурғоқчиликдан жуда қийналдик. Дуо қилинг, Аллоҳ ёмғир ёғдирсин, деди. Минбарда турган ерида, қўлларини кўтардилар. Осмонда булут йўқ, қуёш чарақлаб турган ва ҳаво иссиқ эди. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, дейдилар, Анас разияллоҳу анҳу дуо қилишлари билан, осмонда тоғлар каби, булутлар пайдо бўлиб, ёмғир ёғиб бошлади. Масжид тепаси хурмо шохлари ва барги билан ёпилганди. Шу тушган ёмғир суви, соқолларини увитди, дедилар. Шу кундан бошланган ёмғир, жумаъ кунигача тўхтамади. Кейинги жумаъда, шу аъробий яна туриб, ё Расулуллоҳ бинолар йиқилияпти. Ҳамма ёқ сув босиб кетди. Дуо қилинг, Аллоҳ ёмғирни тўхтатсин, деди. Шунда, дуо қилдилар, Эй Аллоҳ атрофимизга ёғдиргин, устимизгамас, дедилар. Шунда, намозни ўқиб, чиқишлари билан, Мадина усти гумбазга ўхшаб, осмон кўриниб қолди. Мадина устида булут йўқ, атрофда булутлар бор эди, дейдилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларида, бир киши чап қўли билан таом еди. Ўнг қўлинг билан егин, дедилар.

أَنَّ رَجُلًا أَكَلَ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشِمَالِهِ، فَقَالَ: كُلْ بِيَمِينِكَ، قَالَ: لَا أَسْتَطِيعُ، قَالَ: لَا اسْتَطَعْتَ، مَا مَنَعَهُ إِلَّا الْكِبَرُ، قَالَ: فَمَا رَفَعَهَا إِلَى فِيهِ.
الراوي : سلمة بن الأكوع | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Ўнг қўли билан ея олардию, кибр сабаблик, буюриши билан қилишликка кибр қилиб, ўнг қўлим билан, ея олмайман, деди. Бўлмасам, ея олмагин ўнг қўлинг билан, дедилар. Ўнг қўлини умрини охиригача, оғзига олиб боролмасдан, ўлиб кетди.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, бирга ғазот қилдим. Сув чиқарадиган туяни миниб олгандим. У туя сув чиқаргани учун, ғазотга ярамай қолди. Менга Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам етиб келдилар. Туянга нима бўлди? дедилар. Мен, чарчади, дедим. Ҳаммани ўтказиб юбориб, туяни заҳр қилдилар. Юрмагандан кейин, дуо қилдилар. Кейин, шу туям билан ҳамманинг олдида юрдим, дейдилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам келиб, Туянг қалай? дедилар. Жуда яхши, дуоингизни баракоти етди, дедим. Шу туянгни бир уқияга сотасанми? дедилар. Сотдим, шу шарт биланки, Мадинага етиб олганимдан кейин, бераман, дедим. Мадинага келгач, Туяни олиб бордим. Бир уқия пулни олдим. Энди туяни ҳам олиб кетавер, дедилар.

Касални дуо қилганларида, тузалиб кетганлиги мўъжизалари ҳақида. Абдуллоҳ ибн Атични, Абу Рофеъ деган, ислом душманидан қутулишлик учун, жўнатдилар. Абдуллоҳ ибн Атич Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, вазифаларини жуда оғир шароитда бажардилар. Қайтиб келаётганида, баланд жойдан йиқилиб, оёқлари синди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, вазифани бажарганимни айтдим. Оёғимни кўриб, уни бир силаб қўйдилар. Шундан бери оёғим оғригани йўқ, дейдилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Хайбар ғазотида, мен байроқни эртага, бир кишига бераманки, уни Аллоҳ ва Расули яхши кўради. Ва у ҳам Аллоҳ ва Расулини яхши кўради. дедилар. Амир бўлишни орзу қилмайдиган саҳобалар, шу куни орзу қилишган. Чунки, Аллоҳ ва Расули яхши кўрадиган одам бўлишни эшитиб, орзу қилишган. Ҳаммалари рўбарўларида турдиларки, байроқни берсалар деб.

Шунда, Али ибн Абу Толиб қани? дедилар. У киши кўзи оғрияпди, дейишди. Чақиринг дедилар. Уни олиб келишди. Кўзларига пуфлаб қўйдилар, тузалиб кетди. (Байроқни унга бердилар. Али қўмондон бўлган қўшин, Хайбар қалъасини фатҳ қилди. Мусулдмонлар ғалаба қилдилар)

Яъло ибн Мурра ас Сақафий айтадилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, сафарда бирга эдик. Бир кудуқ ёнидан ўтдик. Бир аёл жин кириб, ақлдан озган боласини, кўтариб Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, кўрсатиш учун олиб келди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, унинг томоғидан ушлаб, ухруж фа инни Муҳмадур Расулulloҳ дедилар. Чиқ, мен Аллоҳнинг элчиси Муҳаммадман, дедилар. Кейин кетдик. Шунда, қайтишда ҳам, шу ердан ўтдик. Шунда, у аёлдан боласи ҳақида, сўрадилар. Боланг қалай? деганда, сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасам ичиб айтаманки, шу сиз дуо қилиб кетгандан кейин, боламда касаллик аломати қолмади, деди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг берган ғайбий хабарлари. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг исм ва сифатлари ва Малоикаларнинг сифатлари ҳақидаги хабарлари ва жинлар олаmidан ва жаннат ва жаҳаннамдан берган хабарлари, Одам, Нух, Солиҳ, Иброҳим, Мусо, Исо ва бошқа ўтган пайғамбарлар ҳақида берган хабарлари, бари ҒАЙБ хабарларига киради, биродарлар. (Буларга имон келтиришлик мўминлар учун фарздир)

تِلْكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِيهَا إِلَيْكَ مَا كُنْتَ تَعْلَمُهَا أَنْتَ وَلَا قَوْمُكَ مِنْ قَبْلِ هَذَا فَاصْبِرْ إِنَّ الْعَقِيبَ لِلْمُتَّقِينَ
Худ сураси 49 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ғайб хабарларини бизга билдирганлигини миннат қилиб, бу ғайб хабарлари, буни сиз ва қавмингиз билмасдингиз. Буни Биз сизга ваҳй қилиб, бирдирдик, деб, миннат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, бир киши тарих илмини умрбод ўрганса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам башарийят тарихида ўтган пайғамбарлар ҳақида, берган маълумотларни, бирор қисмини ҳам, мукаммал ўрганиб, бизга етказолмаган бўларди. Нух алайҳиссалом давридаги тўфон воқеъаси, худди кўриб турганимиздек, кўз олдимизга келтириб қўйилган каби, қуръонда баён қилинган. Бу қуръонни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилди. Бу қуръонда барча пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар, содда ва мукаммал баён қилинган. Такрор айтамыз, биз буларни, ҳеч нарса бермасдан қабул қилиб олдик, биродарлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам узоқ масофадаги бўлаётган баъзи воқеъаларни шу бўлаётган пайтида, хабарини бердилар. Яъни, бу ҳам у кишининг мўъжизаларидандир. Мутъа ғазотида, учта қўмондоннинг кетма кет шаҳид бўлаётганини хабарини бердилар. Улардан кейин, қўмондонликни Холид ибн Валид қўлига олганини, хабар бердилар. Ҳабашистон подшоҳи Нажошийни, вафот этганида, мазлум мусулмонларга ёрдам берган, Нажоший вафот қилди деб, унга ғойибона жаноза ўқидилар.

Анас разияллоҳу анҳу айтадилар, Бадр ғазотида, жангдан олдин одамларни чақирдилар. Бадрдаги чуқурликда, ҳар бир мушрикларнинг катталарини, йиқилиб ўладиган жойини кўрсатдилар. Анас разияллоҳу анҳу айтадилар, (Жангдан кейин) шу ўлганларни бориб текширдим. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган ўринда, ўлган эдилар.

Кисронинг айвонини фатҳ қилинишлигини хабарини бердилар. У вақтда, Кисронинг енгилишлиги, ақлга тўғри келмасди. Умар ибн Хаттоб даврида, саҳобалар Кисронинг айвонида тўпланиб туришдилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам уларга Форс ҳукмдорлиги сизларнинг кўлингизга ўтади деб, Кисронинг айвонини тасвирлаб берган эдилар. Саҳобалар шу айвонда туриб, буни эслашдилар. Лекин, у киши Кисронинг айвонига, бормаган эдилар. У ҳақида, бирор бир матбуотда ёзилмаган эди. Саҳобалар айвонни олдига келиб, мана Кисронинг айвони! Мана, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ваъдалари деб, Аллоҳга ҳамдлар айтишди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ансорларинг боғига кирдилар. У ерда бир туя турган эди. Наби саллоллоҳу алайҳи васалламни кўргандан кейин, туянинг кўзидан ёш оқди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам туянинг орқасини ўркачигача силадилар. Қулоқларини орқасини ҳам, силадилар. Шунда туя тинчланди. Ким бу туянинг эгаси? дедилар. Ансорлардан бир ёш йигит келди, ва меники ё Расулуллоҳ деди. Аллоҳдан кўрқмайсанми бу туя ҳақида? Аллоҳ сенга буни мулк қилиб берибди. Сени қодир қилиб қўйибди. Бу туя менга, сен уни оч қўйиб, қийнашлигинг ҳақида, шикоят қилди, дедилар.

Бу дарсимизда Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари ҳақида гапирар эканмиз, валийлар кароматлари ҳақида ҳам, икки оғиз айтиб ўтамиз. Аҳли сунна вал жамоа уламолари, авлиёларнинг кароматларини ҳақ деб, билишади. Аллоҳнинг дўстлари томонидан баъзи, одатдан ташқари бўлган кароматлар, уларга тақриман (иикросан яъни, ҳурматан) содир бўлиши мумкин! Бу кароматларни, илгариги умматлардан ҳам, Аллоҳнинг дўстларига бўлганлигини хабари, қуръонда келган. Шулар жумласидан, Марям бинти Имрон олдида, ёзда қиш меваларини бўлиши. Ёз меваларини қишда, олдида туришлигини, қуръонда хабари берилган.

كَلَّمَا دَخَلَ عَلَيْهَا زَكَرِيَّا الْمِحْرَابَ وَجَدَ عِنْدَهَا رُزْقًا قَالَتْ لِمَ يَمُرُّمَ أَنْتَ لِي هَذَا قَالَتْ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ۝

Оли Имрон сураси 137 оят

Асҳоби Каҳфнинг уч юз тўққиз йил, ухлаганликлари хабари берилган. Улар уч юз тўққиз йил ухлаган бўлсаларда, жасадларида, бирорта ўзгариш бўлмаганлигини ва ўзлари қанча ухлаганликларини билмаганликларини, қуръон бизга хабар беради. Мана булар Аллоҳнинг дўстлари бўлган одамлар эди. Аллоҳнинг ҳидоятда мустаҳкам туригани учун, подшоҳ уларни ўлдирмоқчи бўлганида, ғорга қочган, Аллоҳнинг улуғ бандалари эди. Мана буларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ухлатиб қўйди. Уйқу ташвиш вақтида, роҳат бўлади. Улар уч юз тўққиз йил, ухлаб қолишди. Мана булар Аллоҳнинг дўстларига бўлган кароматдир. Бу нарсани, динсизлар инкор қилишарди. Одам ҳам уч юз тўққиз йил ухлайдими? деб. Ўзларининг матбуотларида, йигирма тўққиз йил ухлаган одамни зикр қилишгандан кейин, ўйланиб қолишди. Ақлга тўғри келмасликда, уч юз тўққиз йил ухлаш билан, бир йилни фарқи йўқ, биродарлар.

Саҳобаларнинг баъзиларида содир бўлган кароматлардан Усайд ибн Хубайр ва Аббод ибн Бишр икковлари, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларида, бир ҳожат ҳақида гаплашиб, кеч қолишди. Қоронғу тушди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларидан чиқишди. Биттасини қўлида калтаги бор эди. Шу калтак икковларини йўлини ёритиб турди. Йўл ажраладиган ерга етганда, икковларини асолари, ёруғ бўлиб қолди. Икковлари уйларида келгунча, шу ҳолатда келдилар. Имоми Бухорий ривоят қилган.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу асҳоби суффадан уч кишини уйига меҳмонга олиб келдилар. Мадинада Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам масжидлари олдида, бир супа бор эди. Ҳозир ҳам, аломатлари бор. Борган одамлар кўриб келишади. Тупроқдан кўтарилган бир жой бўлиб, шу ерда маълум бир кишилар ўтиришарди. Жиходга эълон бўлса, шу ердан чиқиб кетишарди. Аллоҳ йўлида биров таълим олмоқчи бўлса, шу ерда ўтириб таълим беришардилар. Бу кишиларнинг ейдиган нарсалари йўқ эди. Булар оч қолганида ҳам, бирор кишидан бир нарса сўрамасдилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни, буларни овқатлантиришга тарғиб қилардилар. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, шу асҳоби суфадан уч кишини, уйларига меҳмонга олиб келдилар. Уларни уйига қўйиб, ўзлари Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди. Кечроқ қолиб келсалар, оилалари овқатни бермасдан турган эканлар. Меҳмонлар узоқ ўтиришди. Нега кеч келдингиз? деганда, ҳали ҳам, едирмадингми буларни? деди. Улар сиз келмагунча, овқат емаймиз деб, аҳд қилишди, деди. Абу Бакр Сиддиқ ғазаблари келдида, мен бу овқатни емайман, деб, қасам ичдилар. Аёли ҳам, емасликка қасам ичди. Меҳмонлар ҳам, емасликка қасам ичдилар. Абу Бакр Сиддиқ бу ҳолатни кўриб, бу қасам шайтоний қасам, деди. Таомни олиб келинглари деди. Овқатдан ейишди. Улар ҳам едилар. Луқмани олишган сари, луқма кўпайиб борарди. Шунда аёлларига. Бу нимаси бу? Овқат ҳеч камаймаяпдику? дедилар. Аёллари айтдики, бу мен солиб келганимдан ҳам, уч баробар кўп, деди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга бу овқатдан жўнатишди. У киши ҳам едилар. Биродарлар, бу уч кишилик овқат, бизнинг ҳозирги кундаги, уч кишилик овқат бўлмаган. Озгина овқат бўлган. Уни кўпайгани билинадиган бўлган. Мана бу, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг дўстларига марҳаматларидандир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг озод қилган қуллари бор эди. Сафина исмли. Мусулмонлар Румга борганида, бу киши, мусулмон лашкарларини йўқотиб қўйдилар. Баъзи ривоятда асир бўлиб қолдилар. Ва қочиб чиқиб кетдилар. Лашкарни излаб саҳрода келаётганда, олдидан бир йўлбарс чиқиб қолди. Ё Або Ҳорис, дедилар. Одатда йўлбарсни шунақа куния билан, чақиришган. Мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мавлосиман. Мен шундай шундай бўлдим деб, воқеъани гапирдилар. Йўлбарс думини ликкиллаптиб, ёнига келди. Бу киши қаерга келса, йўлбарс бирга келди. Қўқисдан бир хавф хатар товуши эшитилса, Йўлбарс югуриб бориб, келарди. То лашкарни олдига келгунча, Йўлбарс у кишини кўриқлаб бирга келди. Лашкар олдига келгач, ташлаб кетди. Мана бу баъзи бир саҳобаларда бўлган кароматлардандир.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Мадинадан бир ойлик масофага, Форсга қўшин жўнатган эдилар. Қўшин қўмондони Сория ибн Заним деган, киши эди. Улар тоғни тагида туришганда, душман уларни ғафлатда қўйиб, тоғни устига чиқиб келаётганди. Шунда, Мадинада жума куни, хутба ўқиб турган Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу

"يا سارية الجبل، الجبل، من استرعى الذئب الغنم فقد ظلم".

Деб, ҳайқирдиларда, яна хутбада давом этдилар. (Қуйида шу қиссани арабча матни тўлиқ илова қилинди)

كان سارية بن زعيم الدؤلي الكناني أحد قادة جيوش المسلمين في فتوحات بلاد بلاد فارس سنة 645 م/23هـ، وبينما كان يقاتل المشركين على أبواب نهاوند في بلاد الفرس تكاثرت عليه الأعداء. وفي نفس اليوم، كان أمير المؤمنين عمر بن الخطاب يخطب يوم الجمعة على منبر "رسول الله في المدينة، فإذا بعمر ينادي بأعلى صوته أثناء خطبته: "يا سارية الجبل، الجبل، من استرعى الذئب الغنم فقد ظلم". وبعد انتهاء الخطبة تقدم الناس نحو عمر بن الخطاب وسألوه عن هذا الكلام فقال: "والله ما ألقيت له بالأ، شيء أتى على لساني" ثم قالوا لأمير المؤمنين علي بن أبي طالب وكان حاضراً: "ما هذا الذي يقوله أمير المؤمنين؟ وأين سارية منا الآن؟" فقال: "ويحكم! دعوا عمر فإنه ما دخل في أمر إلا خرج منه". ثم ما لبث أن تبينت القصة فيما بعد، فقد قدم سارية على عمر في المدينة فقال: "يا أمير المؤمنين، تكاثرت العدو على جنود المسلمين وأصبحنا في خطر عظيم، فسمعت صوتاً ينادي: "يا سارية الجبل، الجبل، من استرعى الذئب الغنم فقد ظلم". عندئذ التجأت بأصحابي إلى سفح جبل واتخذت ذروته درعاً لنا يحمي مؤخرة الجيش، وواجهنا الفرس من جهة واحدة، فما كانت إلا ساعة حتى فتح الله علينا وانتصرنا عليهم".

تاريخ دمشق - الجزء 20 - الصفحة 25

Шунда, Сория ибн Заним қайтиб келгандан кейин, ундан сўрашганда, У айтдики, биз ғафлатда ўтирган эдик. Эй Сория тоққа қаранг, деган товуш эшитилди. Тоққа чиқиб қарасак, душман чиқиб келаётган экан. Ҳаммасини мағлубиятга учратдик, деди.

(Юқоридаги матнда айтиладики, хутбада, Умар ибн Хаттоб шу гапни айтиб юборганидан кейин, намоздан сўнг, саҳобалар ундан бу нима деганингиз? деб сўрашади. У мен бунга айтганимни билмай қолдим, деган экан. Яъни, беихтиёр Аллоҳу таоло унга, шу гапни айттирган эди. Ва уни овозини, Форсдаги мужоҳидларга етказганди.)

Мана булар саҳобаларда содир бўлган, кароматларнинг баъзиларидир. Аёллардан ҳам бирорта каромат бўлганми?, деган саволга, жавоб беришлик учун, саҳобийя аёллардан битта мисол келтирамиз. Умми Айман, Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб, чиққан эдилар.

(Умму Айман, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни отасидан мерос қолган чўрилари ва у кишини болаликдан тарбия қилган энагаси бўлади. Уни озод қилганлар ва турмушга чиқиб, Айман исмли фарзанд кўрган. Эри вафот этган. Ва ўғли Хунайн жангида шаҳид бўлган. Уни Зайд ибн Ҳорисага никоҳлаб берганлар. Ундан Усома ибн Зайд туғилган.)

Ёнларида ҳеч қандай озуқа сув, йўқ эди. Саҳрода чанқоқликдан ўлишга яқин бўлдилар. Мана чанқоқлик нималигини, Ҳажга борган кишилар, ҳозирги ором вақтида ҳам, яхши билишадилар. Шунда, рўза эканлар. Ифтор вақти экан. Ифтор қилишга, бир томчи сув йўқ эди. Шунда, тепадан товуш эшитилди. Бошларини кўтарсалар, пақирга ўхшаган нарсаси осилиб турибди. Шу сувдан ичдилар. Шу билан Мадинага келгунча, бошқа ривоятда, умрларининг охиригача, чанқамаган эканлар.

Бароъ ибн Молик, Эй Аллоҳ қасамки, бизга шу душманни мағлуб қилиб берасан, десалар, Аллоҳ у кишини, ёлғончи қилмас экан. Қачон душман қаттиқ жанг қилиб, Мусулмонлар аҳволи оғирлашиб қолса, эй Бароъ қасам ичинг дер, эканлар. Қодисийя жангида ва кўп жангларда, қасам ичишлари билан, душман мағлуб бўлаверар экан. Қодисийя жангида жуда қаттиқ жанг бўлган. Умар ибн Хаттоб, неччи кун, Мадина ташқарисига чиқиб, уйда ўтиролмаганлар. Мусулмонларнинг ҳоли нима бўлди экан? деб.

Хансо исмли бир аёл, жоҳилият даврида, бир акаси ўлганда, мажнуна бўлиб қолган. Усти бошини алмаштирмасликка ва ювинмасликка қасам ичган. Акасига аза тутишлик учун. Дарахтлар олдида бориб, эй дарахтлар. Акамнинг ўлганидан хабаринглар йўқми? Сизлар нега, чиройли бўлиб, кўкариб турибсизлар? деб, шеърлар битган, Хансо, Ислонни қабул қилгач, ҳаёти тубдан ўзгарган. Шу Қодисийя жангига, тўртта ўғлини жўнатган. Улар кетаётганда васият қилганки, ё ғалаба ё, шаҳодат билан қайтасизлар деган, экан. Хансога шу тўртта ўғлининг шаҳид бўлганини хабари келганда, Эй Аллоҳ, шу қурбонларни қабул қилгин! деб, сажда қилганлар. Шунчалик даражада, Ислон унинг дунёқарашини ўзгартириб ташлаганди. Мана шу маъракада Бароъ ибн Молик ҳам қатнашганди. Мусулмонлар енгилишга яқин бўлганда, эй Бароъ қасам ичинг, дейишди. Шунда, Ақсамту алайка ё Роббий,

فَقَالُوا لَهُ : يَا بَرَاءُ إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : " لَوْ أَقْسَمْتُ عَلَى رَبِّكَ لَأَبْرَكَ " , فَأَقْسَمَ عَلَى رَبِّكَ , فَقَالَ : أَقْسَمْتُ عَلَيْكَ يَا رَبِّ لَمَا مَنَحْتَنَا أَكْتَافَهُمْ , فَمُنَحُوا أَكْتَافَهُمْ , ثُمَّ التَفَّوْا عَلَى قَنْطَرَةِ السُّوسِ , فَأَوْجَعُوا فِي الْمُسْلِمِينَ فَقَالُوا : أَقْسِمُ يَا بَرَاءُ عَلَى رَبِّكَ عَزَّ وَجَلَّ , قَالَ : أَقْسِمُ عَلَيْكَ يَا رَبِّ لَمَا مَنَحْتَنَا أَكْتَافَهُمْ , وَأَلْحَقْتَنِي بِنَبِيِّكَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمُنَحُوا , أَكْتَافَهُمْ , وَقَتِلَ الْبَرَاءُ شَهِيدًا

Ё Роббим, бизга буларни елкасини кўрсатиб қўйгин. Ва мени биринчи шаҳид қилгин, деб, қасам ичдилар. Шундан кейин, форслар елкасини кўрсатиб, қоча бошлашди. Ва биринчи шаҳид бўлган, Бароъ ибн Молик бўлди. Саҳобаларда, мана шундай кароматлар содир бўлди, биродарлар.

Холид ибн Валид бир душман кўрғонини ихота қилганларида, биз таслим бўлмаймиз. Магар заҳар берамиз, шуни ичасиз. Агар сизга зарар қилмаса, шунда сизнинг йўлингизни ҳақлигига ишонамиз, таслим бўламиз, дейишди. Олиб келинлар дедилар. Заҳарни олиб келишди. Шунда, Бисмиллоҳ деб, ичдилар. У кишига, ҳеч қандай таъсир қилмади. Кейин, таслим бўлдилар.

Тобеъинлардан бўлган Ҳасанул Басрий ҳажда, Ҳожилардан ўзларини четга олдилар. Олти марта келиб, у кишини топишолмадилар. Аллоҳга дуо қилгандилар, мени ҳеч ким кўрмасин, бир ибодат қилай, деб. Олти марта келиб ҳам, У кишини топишолмадилар. Баъзи хаворижлар, булар диндан чиққан кишилар, бу кишига озор берган вақтда, уни дуои бад қилдилар. Шу вақтда ўлиб йиқилди.

Увайс ал Қараний, бу киши вафот қилганларида, ёнларидан, илгари бу кишида йўқ бўлган, бир неча кафанларни топдилар. Шу кафанга кафанлаб, дафн қилишга олиб борсалар, тошлик саҳро ерда, қабр ҳам кавланган тайёр турган экан. Шу ерга дафн қилдилар. Булар тобеъинларда бўлган, баъзи бир кароматлардир.

Абу Аъло ал Жузжоний кароматлар ҳақида, шундай деган эканлар.

قال ابو على الجوزجاني كن طالبا للاستقامة لا طالبا للكرامة فان نفسك منجبة على طلب الكرامة و ربك يطلب منك الاستقامة

Талабгор бўл, ҳамиша истиқомат,
Талабгор бўлмагил, ҳаргиз каромат.
Нафсинг истайди сендан кароматни,
Роббинг талаб қилар истиқоматни!

Абу Аъло ал Журжоний

(Арабчадан Саҳвий ўзбекчалаштирди)

Сен Аллоҳни йўлида тўғри йўлда юришни талаб қилувчи бўл! Кароматни талаб қилувчи бўлма! Нафсинг сенга кароматни талаб қилади. Роббинг сендан истиқоматда бўлишни, талаб қилади! деган эканлар.

Мана шу ерда ўтирган, ҳамма кишилар, бир каромат кўрсатсамда, ҳамма шу Исломга кирса, деб, орзу қилиб туради. Ёинки, бир душманни эзсам, дейди. Нафс доим кароматни талаб қилувчи қилиб, яратилган. Роббинг сендан истиқоматда бўлишни, талаб қилади! Роббингни сўзини қўйиб, нафсинг талаб қилган нарсани, изловчи бўлмагин! Дедилар, Абу Аъло ал Журжоний

Бу сўз ҳаммамизга, ибрат бўлмоғи керак. Биз авлиёларнинг кароматига имон келтирамиз. Лекин, шуни билиб қўймоқлик керакки, биз қиёматда, нимага каромат келтирмадинг? деб, сўралмаймиз, биродарлар. Лекин, кўп одамлар, ҳозирги кунда, кароматни ортидан қувиб, диндан чиқиб қолган одамларни ҳам, ҳурматлаб юришади. Ҳеч қачон одатдан ташқари ишларни содир бўлишлиги, у одамни улуғлигига далолат қилмайди, биродарлар!

Халифа Абдулмалик ибн Марвон даврида, Шомдан Хорисий Дамашкий деган, одам чиқди. Ҳар хил, одатдан ташқари нарсаларни кўрсатди ва пайғамбарликни даъво қилди. У кўрсатган одатдан ташқари ишлар, масалан, одамлар бу кишининг оёғига кишанлар соларди. У кишанлар ечилиб, чиқиб кетаверарди. Шамширлар билан уришарди, унга таъсир қилмасди. Одамларга, ҳавода учиб юрган одамларни кўрсатиб, булар малоикалар деб, қўярди. Халифа Абдулмалик ибн Марвон уни қатл қилишлик учун, одам жўнатди. Қатл қилишлик учун, шамширни урганда ҳам, унга таъсир қилмади. Агар шунақа одам чиқиб қолса ҳозир, одамлар ҳаммаси, орқасидан эргашиб кетади. Халифа Абдулмалик ибн Марвон Аллоҳнинг исмини айтиб уринлар деди. Аллоҳнинг исмини айтиб уриши билан. ўлди. (бу кимса, сеҳргар эди. Жинлар таъсирида, шунақа ишлар қиларди. Бундайлар тарихда кўп бўлган ва замонамизда ҳам йўқ эмас)

Дажжол ҳам, одатдан ташқари ишларни кўрсатиб, одамларни адаштиради. Демак, одатдан ташқари ишларни, биз шайтонийми, ё Раҳмонийми, билмоқлигимиз керак! Қандай биламиз? Тавҳид асосида яшаган, солиҳ кишидан содир бўлган, одатдан ташқари ишларни, каромат деймиз. Бўлмасам, биз уни шайтоний ҳолатлар, ёки, истидрож деймиз.

Такрор айтамизки, аҳли суннат вал жамоатдаги кишилар, валийларнинг кароматларини исбот қилишади. Қуръони каримдаги баён қилинган кароматларни, саҳиҳ деб, эътиқод қилишади. Саҳобалар тарафидан, хабари мутавотир билан келган кароматларни ҳақ деб, эътиқод қилишади. Тобеъинлардан келган кароматларни, саҳиҳ деб, эътиқод қилишади. Ва солиҳ, аҳли тавҳид кишилардан содир бўлган кароматларни ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларга тақриман бериши мумкин, деб, эътиқод қилишади. Аммо, улар солиҳ бўлмаган кишилардан содир бўлган ишларни, шайтони ҳолат деб, билишадилар.

Дарсимизни бошига қайтиб, айтамизки, ғайбга имон келтиришлик, муттақинларнинг биринчи сифати эканлигини, эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Моддий фалсафа таъсиридан, кўп одамлар, кароматларни, ақлга мувофиқ келтиришга ҳаракат қиладиган бўлиб қолганлар. Шунинг учун, биз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ хабар келган бўлса, уни тасдиқ қиладиган, аҳли суннат вал жамоатдаги кишилардан, бўлмоғимиз керак!

(шу ерда баъзи қисқа саволларга, қисқа жавоблар берилган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом беморларга, шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм талаб қилаётганларга, илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қарздорларга нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, Ҳақ йўлда, барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ислом ҳукмига амал қиладиган кишилардан қилсин! Суннатга амал қиладиган, кишилардан қилсин! Бидъат йўлларида сақланадиган, кишилардан қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

54 дарс тугади.

55 Дарс

Ширкнинг баъзи кўринишлари ҳақида

(Бу дарс аввалида, ширкнинг турлари ҳақида аввалги дарсларда ўтган маълумотлар, яна қайтарилади. Кейин, намозга эътиборсизликни ёмон оқибати ҳақида, қисқа гапирилади. Сўнгра, муסיқа масаласида берилган саволга, яна қайта муфассал жавоб берилади. Кейинги қисмида, Муовия ибн Абу Суфён Халифалик давридаги бўлган бир воқеъани, зикр қилиниб, дарс тугайди.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

ذَلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ

Бақара сураси 2.3 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган амаллар ичидаги энг буюк, биринчи амал, тавҳиддир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қайтарган гуноҳлар ичидаги, энг катта гуноҳ, ширкдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширк амалини, (тавба қилмай ўлса) кечирмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلًّا بَعِيدًا

Нисо сураси 116 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширк келтирган одамларни, мушрикларни,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا

Тавба сураси 28 оят

Мушриклар нажасдир, деди. Масжидул Ҳаромга яқинлашишмасин! деди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширк амалини қилган одамни, жаҳаннамда абадий қолишини, Ўзининг китобида баён қилди.

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ ۚ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ

Моида сураси 72 оят

Жаннат мушрикка ҳаромдир. Унинг жойи жаҳаннамдирдир. Бундай золимга ёрдам берувчилар йўқдир!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мушрика аёлни, (мўминлар билан) никоҳи дурустмас, деди.

وَلَا تَتَكَبَّرُوا لِلْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوا
Бақара сураси 221 оят

Мушрика аёллар билан турмуш қилманглар. То имон келтирмагунча, деди.

Ва мушрик кишиларни (муслима қизларинга) уйламанглар, то имон келтиргунча, деди.

وَلَا تَتَكَبَّرُوا لِلْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوا
Бақара сураси 221 оят

Ким ширк амалини қилган бўлса, гўёинки, осмондан тушиб, майда майда бўлиб, қушлар уни талаб кетганни мисолидек, қаттиқ мусибат етибди, хабар берди.

وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ السَّمَاءِ فَتُخَطِّفُهُ الْطَّيْرُ أَوْ تَهْوِي بِهِ أَلْرِّيحُ فِي مَكَانٍ سَحِيقٍ
Ҳаж сураси 31 оят

Кимда ким, ширк амалини қилса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аямаслигини ва амали ҳабата бўлишини айтиб, ҳатто, Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам, шундай хитоб қилди.

وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ
Зумар сураси 65 оят

Сизга ва сиздан илгари ўтган Пайғамбарларга, ваҳй қилиндики, Агар ширк амали сиздан содир бўлса, амалингизни ҳабата бўлишлигида, шак шубҳа йўқ! Ва зиён кўрувчилардан бўлишингизга шак шубҳа йўқ! деди.

Шунинг учун ҳам, биз дарсларимизни кўпини, ширк амали нима эканлигига бағишляпмиз, биродарлар. Нима учун ширк амали, бошқа гуноҳлардан қаттиқ?! Буни биз юқорида айтилган оятлардан ва ҳадиси шарифлардан биламиз. Яна ширкнинг ёмонлигига, бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Турли хил гуноҳ амаллар жиноятлар бўлади. Одамлар турли сабабларга кўра, бу жиноятларни қилишади. Баъзи одамлар, ўғирлик қилади. Баъзи одамлар, фису фужурларни қилади. Баъзи одамлар, намоз ўқимайди. Баъзи одамлар, рўза тутмайди. Баъзи одамлар, оила ҳуқуқларини тутмайди. Ота онасига яхшилик қилмайди. Шу амаллар ҳаммаси, гуноҳ ҳисобланади. Лекин, бу ширк амали Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кечирмайдиган амалдир. Бошқа гуноҳларни кечиришлиги мумкин, агар хоҳласа.

Буни мисол қилиб тушунсак. Ҳар бир подшоҳнинг, ўзига хос бир қонуни бўлади. Баъзи одамлар, шу қонунларни бузадида, шу подшоҳнинг жазосига рўбарў бўлади. Лекин, баъзи гуноҳларни, подшоҳ агар хоҳласа, кечириб юборишлиги мумкин? Аммо, подшоҳга ғалаён (исён) қилганни подшоҳ, ҳеч кечирмайди. Ширк, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ғалаён қилиш. Аллоҳга тенг, нима бўлсада, бир нарсани бор деб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога шарик қилишқидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ғаюрдир. Ширкни мутлақо кечирмайди. Саъд разияллоҳу анҳуга савол қилишган эдики, оилангиз билан бир бегона эркакни топсангиз, нима қиласиз? деганда, мен қатл қиламан, деди.

ال سَعْدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ: لَوْ رَأَيْتُ رَجُلًا مَعَ امْرَأَتِي لَضَرَبْتُهُ بِالسَّيْفِ غَيْرُ مُصَفِّحٍ عَنْهُ، فَبَلَغَ ذَلِكَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: اتَّعَجِبُونَ مِنْ غَيْرَةِ سَعْدٍ، فَوَاللَّهِ لَأَنَا أَغَيْرُ مِنْهُ، وَاللَّهُ أَغَيْرُ مِنِّي، مِنْ أَجْلِ غَيْرَةِ اللَّهِ حَرَّمَ الْفَوَاحِشَ، مَا ظَهَرَ مِنْهَا، وَمَا بَطَّنَ، وَلَا شَخْصَ أَغَيْرَ مِنَ اللَّهِ، وَلَا شَخْصَ أَحَبُّ إِلَيْهِ الْعَدُوِّ مِنَ اللَّهِ، مِنْ أَجْلِ ذَلِكَ بَعَثَ اللَّهُ الْمُرْسَلِينَ، مُبَشِّرِينَ وَمُنْذِرِينَ، وَلَا شَخْصَ أَحَبُّ إِلَيْهِ الْمَدْحَةُ مِنَ اللَّهِ، مِنْ أَجْلِ ذَلِكَ وَعَدَ اللَّهُ الْجَنَّةَ. [وفي رواية]: وَقَالَ: غَيْرُ مُصَفِّحٍ وَلَمْ يَقُلْ عَنْهُ.
 الراوي : المغيرة بن شعبة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Саъдни ғаюрлигига ажабландингларми? Аллоҳга қасамки, мен ундан кўра ғаюрроқман. Аллоҳ мендан кўра ғаюрроқдир. Шу ғаюрлиги учун, Аллоҳ ошкораю яширин, фаҳшни ҳаром қилди. Аллоҳдан кўра ғаюрроқ кимса йўқдир. Аллоҳдан кўра, Унга узр айтишни, кўпроқ хуш кўрувчи, кимса йўқдир. Шунинг учун, огоҳлантирувчи ва башорат берувчи қилиб, пайғамбарлар жўнатди. Аллоҳдан кўра, мақтовни яхши кўрувчи кимса йўқ, Шунинг учун жаннатни ваъда қилди. Имоми Муслим ривояти.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ғалаён қилиш, бу энг қаттиқ гуноҳлардандир. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширк амалини кечирмайди. Мен аввалги дарсларда, ширкнинг турларига кўп тўхталиб ўтдим. Бу дарсда ҳам, баъзи ширк турларига, тўхталиб ўтмоқчиман.

Ширк турлари

Биринчи, кофирларнинг, исломни йўқотишдан умидлари узилди. Аммо, уларнинг ақидаларига ширкни киргизиш ва амалларига бидъатларни киргизишга, муваффақ бўлишди. Нима учун? Ширк амали қилиши билан, улар диндан чиққан ҳисобига ўтади. Агарчи, Аллоҳни бор деб, билса ҳам, Аллоҳнинг баъзи сифатларини исбот қилишса ҳам, улар диндан чиққан ҳисобланади. Шу билан улар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг эътиборидан тушади. Шунинг учун улар, ширк амалини киргизишди. Бу ширк амалини, Исломи деб, қилиб юриши, бу мусулмонлар учун қаттиқ мусибатдир. Унданда мусибатлироқ тарафи шуки, Исломи билган, ширкни билган кишилар тушунтирган вақтда, уни диндан чиқди, деб, туҳматлашлик, бунданда мусибатдир.

Биринчи, Ширкнинг Исломи оламидаги бугунги кўринишларидан бири, Аллоҳдан бошқага дуо қилишликдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Мен унга бўйин томиридан ҳам яқинман, деди.

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ
 Қоф сураси 16 оят

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ ۖ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ ۖ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ
 Бақара сураси 186 оят

Агар бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен яқинман. Дуо қилишса, дуоларини ижобат қиламан, деган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони қўйиб, фойда ҳам, зарар ҳам етказмайдиган, тошлар, дарахтлар, булоқлар, мазорлар, Фаришталар, жинлар, ва кўзларига кўринган бошқа нарсаларга, фойда ҳам, зарар ҳам етказмайдиган нарсаларга, дуо қилишди. Агар шу дуоларини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қилишганда, шунчалик ихлос билан, дуо қилишганда, Аллоҳнинг дўстларига айланишарди. Одамларни масжидда, шунчалик ихлос билан дуо қилганини кўрмайсиз. Улар дарахтлар ва тошлар олдида турганидаги ихлосни, масжидда кўрмайсиз, биродарлар. Аллоҳдан бошқага дуо қилишлик, бу Ширкдир! Нима бўлишлигидан қатъий назар.

Иккинчи, масжидларда қабрлар қуриб, уларга муножот қилишлик, бу Ширкдир! Чунки, қабристонда масжид қурган кишиларга, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам лаънат эълон қилганлар.

عن عائشة - رضي الله عنها- قالت: قال رسول الله - صلى الله عليه وسلم- في مرضه الذي لم يقم منه: «لعن الله اليهود والنصارى؛ اتخذوا قبور أنبيائهم مساجد». قالت: ولولا ذلك لأبرر قبره؛ غير أنه خشي أن يتخذ مسجداً
Муттафақун алайҳ

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло лаънат қилсин яҳуд ва насороларни, пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олишган, дедилар.

Мана, бу масжидларда, солиҳ одамларнинг ёки, қандай бўлса ҳам, қабрлар қилишлик, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам лаънат эълон қилган, кишилардир.

Учинчи, назр қилишлик. Нима бўлишлигидан қатъий назар, Аллоҳдан бошқага назр қилишлик, бу Ширқдир! Чунки, назр ибодат. Бу ибодат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг фақат Ўзига бўлади.

Тўртинчи, шу қабрларга атаб, ҳайвонлар сўйишлик. Бу ширқдир, биродарлар! Мушриклар бутлари олдида сўйишарди. Улар ҳам, бу сўйишларни, Аллоҳга атаб сўйишарди.

لَعَنَ اللَّهُ مَنْ ذَبَحَ لغيرِ اللَّهِ
الراوي : علي بن أبي طالب | المحدث : ابن حزم

Бешинчи, қабрлар ва турхи хил зиёратгоҳларни тавоф қилишлик. Тавоф, фақат Каъбани тавоф қилишлик, машруъ бўлган. Каъбатуллоҳдан бошқа ерни, Исломда тавоф қилинмайди.

Олтинчи, қабрларга қараб намоз ўқишлик. Бу ширқларнинг туридандир.

لا تَجْلِسُوا عَلَى الْقُبُورِ، وَلَا تُصَلُّوا إِلَيْهَا. الراوي : أبو مرثد الغنوي المحدث : مسلم

Қабрлар устига ўтирманг ва унга қараб намоз ўқиманг, дедилар.

Еттинчи, Исломда, қасд қилиб зиёрат қилиш, уч жойга мумкин. Масжидул Ҳаром ва Масжидун Набавийя ва Масжидул Ақсо. Табаррук учун зиёрат қилинадиган жой, шу учтаси. Масжидул Ҳаромда ўқилган намоз, бошқа жойда ўқилган намоздан, юз минг баробар афзалдир. Масжидун Набавийяда ўқилган намоз, бошқа жойда ўқилган намоздан, минг баробар афзалдир. Масжидун Набавийяда ўқилган намоздан, Масжидул Ҳаромда ўқилган намоз, юз баробар афзалдир. Демак, оддий бошқа масжидларда ўқилган намоздан, юз минг баробар афзалдир.

لا تشد الرحال إلا إلى ثلاثة مساجد، المسجد الحرام ومسجدي هذا والمسجد الأقصى. متفق عليه

Уч масжидга қасд қилиб зиёрат учун борилади. Масжидул Ҳаром ва Масжидун Набавийя ва Масжидул Ақсо.

Саккизинчи, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло томонидан келган қуръони каримни, энди эскириб қолди. Бунга энди амал қилиб бўлмайди дейишлик, ширқдир, биродарлар. Қуръони каримнинг ҳукми ва лафзлари ҳам қиёматгача боқийдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримни, қиёматгача келадиган башарийятга, ҳаёт йўли қилиб туширди. Қуръони каримни, энди эскириб қолди. Бунга энди амал қилиб бўлмайди, дейишлик, ширқдир! Имондан чиқади бу одам. Қуръони карим ва ҳадиси шарифга зид ҳукми, ким бўлишлигидан қатъий назар, шу ҳукми қилса, уни қабул қилишлик, Ширқдир!

اتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ
Тавба сураси 31 оят

Яҳудлар ва насоролар ўзларининг олимларини, Аллоҳни қўйиб, ўзларига Робб қилиб олди, деяпди, Аллоҳу таоло.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Хотам Тойни ўғли, Ади келган вақтда, шу оятни ўқидилар. Адий ибн Хотим келишига сабаб, Хотамтойнинг қизи, асира бўлиб тушганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уни озод қилиб, кўп марҳаматлар қилиб, қабиласига жўнатиб юбордилар. Хотам Тойнинг қизи, акаси Адийга, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг макоримул ахлоқ эгаси эканлигини билдириб, бу киши ҳақиқий Пайғамбар деб, у кишининг олдиларига боришга тарғиб қилди. Хотам Тойни ўғли, Адий, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди. Адий ибн Хотимни бўйнида, кумушдан бути бор эди. Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мана шу оятни ўқидилар. Яҳудлар ва насоролар ўзларини олимларини, Аллоҳни қўйиб, ўзларига Робб қилиб олдилар, деган, оятни ўқидилар. Адий ибн Хотим, ё Расулulloҳ, улар Робб қилиб ибодат қилишганмасу?! деди. Йўқ, ибодат қилишган, дедилар. Ҳалолни ҳаром қилиб берса, қабул қилишган. Ҳаромни ҳалол қилишса, уни ҳам қабул қилишган. Мана шу ибодатлари, дедилар. Демак, қуръон ва ҳадисдаги Нассга зид бўлган ҳукми, ким тарафидан айтилсада, қабул қилишлик, бу ширки Итоадир.

لَا طَاعَةَ فِي مَعْصِيَةٍ، إِنَّمَا الطَّاعَةُ فِي الْمَعْرُوفِ
المصدر : صحيح البخاري

Маъсият ишларида ҳеч кимга итоат қилинмайди. Итоат яхши амаллардадир, дедилар.

(Қори ака дарсда
لَا طَاعَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ

Бу калимани айтганлар. Муҳаддислар бу калима ҳадисмас. Бу калима, юқоридаги ҳадисдан олинган шарият усулларидадир, дейишган)

Бу амаллар биродарлар, мен илгариги дарсларимизда тўхталиб ўтган, ширк турларидан баъзилари.

Намозга бепарво бўлишлик оқибати

Бу дарсимизда, мен тўхталиб ўтмоқчи бўлган, кўп гуноҳлар борки, баъзиларига бир эътибор бериб, шулардан сақлансак. Баъзиларига эътибор бермаймиз. Дин насиҳатдир, дедилар. Дин холис гапиришлиқдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган амалларнинг ичида, тавҳиддан кейингиси, намоздир. Ўтган дарсимизда, намоз ҳақида алоҳида дарс қилдик. Намозни тарк қилиш, катта гуноҳлиги ҳақида, баъзи сўзларни айтдик. Ҳозир яна шу дарсга илова қилмоқчиман. Намозни тарк қилган кишини, куфрга ҳукм қилинганлиги, сариҳ ҳадисларда бор. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло намозидан бепарво бўлган кишиларга, вайл эълон қилди.

فويل للمصلين 4 الذين هم عن صلاتهم ساهون 5 الذين هم يراعون 6 ويمنعون الماعون 7
Моун сураси

Намозидан бепарво бўлган намозхонларга, вайл бўлсин! деди.

وأخرج البزار وابن مردويه عن سعد بن أبي وقاص قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم " إن في النار حجراً يقال لها ويل يصعد عليه العرفاء وينزلون فيه

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Вайл жаҳаннамдаги бир водийки, агар тоғларни шу ерга қўйилса, иссиқнинг қаттиқлигидан, эриб кетади. дедилар.

Жаннат аҳли, жаҳаннамдаги кишилардан савол қилишади. Сизларни бу жаҳаннамга нима туширди? Деб,

في جنات يتساءلون عن المجرمين ما سلككم في سقر . قالوا لم نك من المصلين . ولم نك نطعم المسكين
Муддассир сураси 41,42,43,44 оятлар

Сизларни жаҳаннамга нима туширди? Деб сўрашади. Биринчи жавоби, намоз ўқучилардан бўлмабмиз, дейишади.

Демак, намоз ўқимаслик, жаҳаннамга тушишни биринчи сабабидир.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳоблардан сўрардилар, бугун ким туш кўрди? деб. Ҳеч ким туш кўрдим демади. Ўзлари туш кўрганликларини айтдилар. Бу тушда бир неча воқеалар бўлганини айтдилар. Шунини ичида айтдиларки, бир чалқанча ётган одамни кўрдим. Иккинчиси, бошида катта харсанг тош ушлаб турибди. Тураман деганда, бошига тош билан ураяпти. Тош юмалаб кетаяпти. Боши мажақланиб кетаяпти. Тошни олиб келгунча, боши яна битиб қолаяптида, кейин, яна шу иш, такрор бўлаяпти.

أَمَّا الرَّجُلُ الْأَوَّلُ الَّذِي أَتَيْتَ عَلَيْهِ يُتْلَعُ رَأْسُهُ بِالْحَجَرِ، فَإِنَّهُ الرَّجُلُ يَأْخُذُ الْقُرْآنَ فَيَرْفُضُهُ وَيَتَأَمَّ عَنِ الصَّلَاةِ الْمَكْتُوبَةِ
الراوي : سمرة بن جندب | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Боши ёрилаётган одам, қуръондан сура ёдлаб, кейин ўқимай ташлаб қўйган ва фарз намоздан ухлаган одам, дедилар.

Имоми Заҳабийнинг Кабоир китобларидаги нарсаси, ҳар биримизга ибрат бўлмоғи керак. У киши китобида, одамлар гапириб берган воқеани ёзганлар. Бир кишини синглиси вафот этади. Уни акаси дафн қилади. Шунда қабрга унинг қимматбаҳо нарсаси солинган китмони тушиб қолади. Китмони қабрда қолади. (китмон деб, қопчиқни айтади.) Шу эсига тушиб, қабрни очиб, китмонни олмоқчи бўлганда, қабрда ўтти кўради. У олмоқчи бўлган китмони ҳам, эсдан чиқади. Уйига бориб, эй она, мени синглим ҳаётда нима иш қилиб юрарди? деб, бўлган воқеани айтади. Она ҳам йиғлайди. Ва айтади, эй фарзанд, сени синглинг, намозга бепарво эди. Намозни вақтида таъхир қиларди. Имоми Заҳабий Кабоир китобларида шу нарсани ёзади. Намозни таъхир қилганни ҳоли шу бўлса, биродарлар, намозни тарк қилиб юрган, бизларнинг сингилларимиз, опаларимиз ҳоли нима бўлади? Агар бизда уларга меҳрибонлик бўладиган бўлса, уларни бир намозга таклиф қилиб қўймоқлигимиз керак. Бу намоз тавҳиддан кейинги, Аллоҳу таоло фарз қилган, энг улуғ амалдир. Буни тарк қилишлик, мана бу оқибатга олиб келади. Ўзимизнинг фарзандларимиз ва қизларимизга, бу меҳрибонликни қиляпмизми? Мана бу ҳақда ҳам, ўйлаб қўймоқлигимиз керак. Агар бир марта намозга чақирмаган бўлсак, биз уларга меҳрибонмасмиз, биродарлар.

Лекин, тўғри, бизни сўзимиз билан намоз ўқишганда, жуда кўп одам намозхон бўлиб кетарди. Лекин, барибир биз, уларга намозни тарк қилишлик, бу ҳали қиёматга бормасдан, қабрда азоби бошланадиган иш қиляётганини, эслатмоғимиз керак. Дин холис гапиришлиқдир! Биз эслатиб қўймоғимиз керак. Ҳозирги вақтда уйлардаги амаллар, намоз асосига қурилганмас. Овқатлар намоз вақтида пишади. Мусулмонман деган, оилаларни айтяпмиз биз. Ўзини мусулмонман деган, оилаларнинг қиляётган ишларининг ҳаммаси, намоз ўқимайдиган оилаларникидан фарқи йўқ. Намозга азон айтилса, уйларда қозонга ёғ солинади. Булар ҳаммаси бизга моддий фалсафанинг таъсири остида, кириб қолган биродарлар. Бизлар тавҳидни қабул қилгач, ҳамма ишларимиз, намоз асосида бўлмоқлиги керак!

إن أول ما يحاسب به العبد يوم القيامة من عمله صلاته، فإن صلحت فقد أفلح وأنجح، وإن فسدت فقد خاب وخسر، فإن انتقص من فريضته شيئاً. قال الرب تبارك وتعالى: انظروا هل لعبدي من تطوع فيكمل بها ما انتقص من الفريضة، ثم يكون سائر عمله على ذلك
حديث صحيح ثابت رواه الترمذي

Қиёмат куни банданинг биринчи сўраладиган нарсаси, намоздир. Агар намоз ўнганса, ҳамма амали ўнганлиб кетади. Агар намоз бузилса, бошқа ҳаммаси бузилиб кетади.

Дунё имтихонларида ҳам, битта асосий савол бўлади. Шу саволга имтихон марказлашади. Шу саволдан муваффақиятлик ўтиши билан, бошқа камчиликлари кечирилади.

مَنْ حَافَظَ عَلَيْهَا كَانَتْ لَهُ نُورًا وَبُرْهَانًا وَنَجَاةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَمَنْ لَمْ يَحَافِظْ عَلَيْهَا لَمْ يَكُنْ لَهُ نُورٌ وَلَا بُرْهَانٌ وَلَا نَجَاةٌ، وَكَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَعَ قَارُونَ وَفِرْعَوْنَ وَهَامَانَ وَأَبِي بَنْ خَلْفٍ.

Ким намозни муҳофаза қилса, намоз унга нур ва мўминлигига ҳужжат ва қиёмат куни нажот бўлади. Биродарлар, намоз ўқимаса дейилаётгани йўқ. Намоз ўқимагани ҳолига вой! Ким намозни муҳофаза қилмаса, намоз унга нур ҳам бўлмайди ва мўминлигига ҳужжат ҳам бўлмайди ва қиёмат куни, нажот ҳам бўлмайди. У қиёматда Қорун, Фиръавн, Ҳомон, Убай ибн Халаф билан, бирга бўлади. Буни уламолар шундай шарҳлашган. Кимни подшоҳлиги маст қилиб, намоз ўқимаган бўлса, Фиръавн билан бўлади. Бойлиги уни намоздан бепарво қилган бўлса, Қорун билан бирга бўлади. Мартабаси мансаби, намоздан бепарво қилган бўлса, Ҳомон билан бирга бўлади. Кимни тижорати ва касби, намоздан бепарво қилган бўлса, Убай ибн Халаф билан бирга бўлади, деган эканлар. Имоми Аҳмад ривоят қилган. Дин насиҳатдир, биродарлар. Мана шу насиҳатни, ҳар биримиз, ўзимиз яхши кўрган одамларга, етказмоқчилигимиз керак. Хоҳласин улар қабул қилсин, шу намозни ўқиб, нажот топсин. Хоҳласин қабул қилмасдан, жаҳаннамга ўтин бўлсин!

Муסיқа ҳақида

Ғино ҳақида, Муסיқа ҳақида менга саволлар тушган. Бу фалончилар қиладику? дейишади. Биз ҳал қилувчи сўз билан, тугатамиз бу мавзунини. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, айтади:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا ۚ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ
Луқмон сураси 6 оят

Одамларнинг баъзилари, лаҳвал ҳадисни сотиб олишади. Лаҳвал ҳадис, дину дунёга кераксиз бўлган нарсани, сотиб оладиган одамлар ҳам бор, дейди. Наҳотки одам, кераксиз нарсани сотиб олади? Масалан, бир ахлатни пулга сотиб олмайди, ҳеч ким биродарлар. Бу мени дунё ва динимга кераги йўқ, дейди. Лаҳвал ҳадис, динга ва дунёга фойдасиз сўз, сотиб олишни, тасаввур қилолмасди одамлар. Лекин, мана бу ҳозирги замон, кўп нарсани кўрсатяпти. Биз қуръонни салаф услубида тушамиз. Раъйимиз билан тушунмаймиз, биродарлар. Лаҳвал ҳадис, нима? Абдуллоҳ ибн Масъуд қасамёд қилиб айтган эканларки:

والله الذي لا إله غيره هو الغناء

Якка Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, бу ғино, яъни, муסיқа, дедилар. Нима учун сотиб олади? Одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштиришлик учун. Билмайди, бу Аллоҳнинг йўлидан адаштиришлигини. Буни миллатга салбий таъсирини кўрсангиз, бизни миллатдан бошқалар бунақамас, биродарлар. Бошқа мамлакатларда, маст қилувчи ичимликни, эълон номага берган одамга, жарима солинади. (Соғлиқка зарарли нарсаларни, реклама қилиш мумкинмаслиги айтиляпти) Кашандаликни эълон номага берган одамга жарима солинади.

Ислом мамлакатларида эмас биродарлар, куфр мамлакатларида?! Ўзининг миллатини, бу нарсаларнинг зараридан эҳтиёт қилишлик учун. Лахвул ҳадисни, сотиб олишади, деяпди. Мана шу билан, Аллоҳнинг йўлидан адаштиришликка олиб боради. Баъзилар дуруст дейишса, ажабланмасликка, мана бу ҳадис далолат қилади.

لَيَكُونَنَّ مِنْ أُمَّتِي أَقْوَامٌ، يَسْتَحِلُّونَ الْحِرَّ وَالْحَرِيرَ، وَالْخَمْرَ وَالْمَعَازِفَ
الراوي : [أبو مالك الأشعري] | المحدث : ابن باز | المصدر : مجموع فتاوى ابن باز
الصفحة أو الرقم : 167/21 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Менинг умматимдан, дедилар, яъни, бошқа умматданмас. Менинг умматимдан, зинони ҳалол санайдиган, ипакни эркак киши кийса бўлаверади, дейдиган, маст қилувчи ичимликни, ичса бўлаверади, дейдиган, мана ҳозирги вақтда ҳам бор. Нима бу, узумдан бўлганку, дейди. Асли узумдан бўлган дейди. Бир нарсани асliga қараладиган бўлса, жуда кўп нарсаларни асли тоза бўлади. Ўзи нажас бўлади, биродарлар. Инсоннинг бавли нимадан бўлади? Инсоннинг тезаги нимадан бўлади? Маозиф, бу мусиқа. Мана буларни ҳалол санайдиган кишилар бўлади, дедилар. Яҳуд ва насоролардан бўлади, демадилар. Менинг умматимдан, бўлади, дедилар. Мана бу ҳадис, бизни янада кўзимизни очишимизга далолат қилади.

يُمَسِّخُ قَوْمٌ مِنْ أُمَّتِي فِي آخِرِ الزَّمَانِ قُرْدَةً وَخَنَازِيرَ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ يَشْهَدُونَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَإِنَّكَ رَسُولُ اللَّهِ قَالَ نَعَمْ وَيَصْلُونَ وَيَصُومُونَ وَيَحْجُونَ قَالُوا فَمَا بِالْهَمِّ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ اتَّخَذُوا الْمَعَازِفَ وَالْقَيْنَاتِ وَالْدُفُوفَ وَيَشْرِبُونَ هَذِهِ الْأَشْرِبَةَ فَبَاتُوا عَلَى لُحُومٍ وَشَرَابِهِمْ فَاصْبَحُوا قُرْدَةً وَخَنَازِيرَ

الراوي : أبو هريرة | المحدث : ابن حزم | المصدر : المحلى
الصفحة أو الرقم : 9/58 | خلاصة حكم المحدث : [فيه] رجل لم يسم ولم يدر من هو
توضيح حكم المحدث : إشارة إلى ضعف إسناده

(Муҳаддислар бу ҳадисни, исноди заифлигига ишора қилишган)

Бу умматдан, яъни, ислом уммати деб, аталган умматдан, замон охирлашганда, бир тоифаси, маймун ва тўнғизларга айлантирилади, дедилар. Саҳобалар сўрашдиларки, ё Расулulloҳ. Улар Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ дейишмайдими? Ҳа, айтишади, рўза ҳам тутишади, намоз ҳам ўқишади ва Ҳажга ҳам боришади, дедилар. Ундай бўлса, нега булар маймун ва тўнғизларга айлантирилади, дедилар. Улар мусиқани, чолғу асбобларини ҳамма турини, маст қилувчи ичимлик ва ўйин кулгу билан, куйловчи аёллар, ҳаммаси бирга жамланишганда, эрталаб, маймун ва тўнғизларга айлантирилади, дедилар.

Инсон бир ажабланадики, баъзи вақтда, Ҳажга бориб келган кишилар, бемалол мана бундай нарсаларни қилганига, ажабланиб қолардим. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хабарларига, яна бир бор, имон келтирамизки, Улар, Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулulloҳ деган кишилар, маймун ва тўнғизларга айланиши қандай бўлади? деганларида, Ҳа, айтишади, рўза ҳам тутишади, намоз ҳам ўқишади ва Ҳажга ҳам боришади, дедилар. Намоз ўқиган, рўза тутган, Ҳожи ака бўлиб қолган кишиларни, бундай қилганликларини, ҳаётда кўргандан кейин, энди бунга ажабланмайсиз.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир минг тўрт юз йил илгари, айтган бу ҳадислари, бизни мажбур қилаяпди, буни дурустмас эканини айтишга. Улар қайси бир кигиз китобдан топишган, бу нарсаларни, билмайман. Лекин, турмуш тўйларида, қизлар, кичкина чилдирмача билан, ўзларининг ичида, шодиёна ўтказса, бу нарса, мумкин. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам рухсат берган нарса, будир, биродарлар. Шу нарсани биз ажратиб олмоғимиз керак. Саҳобаларнинг қиссаларидан айтиб бераётган эдик.

Муовия ибн Абу Суфён маноқиби

Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳу Халифалик вақтида, (У Дамашқда Халифа бўлиб ўтирган) икки кишини, Қўстантанияга бориб, у ердаги аҳволни билиб келишга жўнатдилар. Икковлари нотаниш одамга ўхшаган кийимлар кийиб, сафар қилишди. Рум пойтахтига етиб келишди. (Ҳозирги Истанбул, ўша пайтда, Рус Империяси пойтахти эди.) Рум аҳлига аралашиб яшашди. У ердаги хабарларни билишди. Улар бир бирларидан узоқроқ юришга келишиб олишганди. Мабодо, бирортамиз қўлга тушсак, иккинчимиз, хабарни, Хилофатга етказишимиз мумкин бўлади, дейишганди. Битталари, Рум подшоҳининг қасрига кириб, у ердаги зиёфатларда ҳам, иштирок этди. Шунда, у кишини мусулмон эканлиги билиниб, у кишини маҳбус қилиб қўйди. Иккинчилари, Халифага хабар беришлик учун, қайтиб келди. Қамалган мусулмонни ўғирлик қилди деб, тухматлашган эди. Рум подшоҳи уни чақириб, Халифа биздан нима истайди? Ўзларингни молу давлатларинг етмайдими? деди.

У киши айтдики, бизга сенинг молу давлатинг керакмас. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни бахтли қилган Исломни, сизларга илиниб келдик. Сизларга келган динни, ўзгартириб ташланганини, хабарини беришга келдик. Сизларни Ислом неъматидан, баҳраманд қилгани келдик, деди. Буларни эшитиб турган насороларнинг катталаридан бири, ўрнидан турдида, юзига қаттиқ урди. Ва уни қамаб қўйишга буюрди. Вақтлар ўтди. Муовия ибн Абу Суфён бошқа мамлакатлар билан асир алмашганда, шу асирни келтиришди. Уни бошқасига алмаштириб олишди.

Уни насороларнинг каттаси, бир шапалоқ урганини эшитгач, Муовия ибн Абу Суфён шуни қасосини олиб беришни ўзини вазифаси деб, билди. Овчилар кийимида, бир гуруҳни, Румга жўнатди. Шу насорони топиб, олиб келишликка. Улар Қўстантанияга келиб, шу насорони топиб, ушлаб, олиб келишди. Муовия ибн Абу Суфён Асир бўлган аскарни чақиртирди. Шу сени урган шуми? деди. Ҳа, деди. Марҳамат қисосингни ол деди. Мен шу қасосни олиб беришга маъмурман, деди. Асир бўлган аскар, унга қараб, мен уни кечирдим, деди. Халифа унга қараб, бор, ўзингни мамлакатинга кетавер, деди.

Исломни адолатини кўз олдингизга келтиринг! Халифа, ўзининг аскари еган бир шапалоқни, қасосини олиб беришни, ўзининг вазифаси деб, билди. Аммо, у кечиргандан кейин, унга жазо беришликка ҳаққим йўқ, деб, жавоб бериб юборди. Мана бу ислом адолатидан биттасидир. Бундай адолатлар фақат Исломда бўлган, биродарлар. Муовия ибн Абу Суфёнга, Аллоҳнинг ризоси бўлсин! Аллоҳ ризоси учун, бўлгани учун, бу иш мана, мусулмонлар ўртасида тарқалиб, бизгача етиб келди. Бу нарсa, мусулмонларнинг жамияти, қанчалик адолат билан яшаганига далолат қилади.

(Шу ерда фикҳий саволларга, қисқа жавоблар берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм талабидагиларга, фойдалиқ илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга зарар етказётганларга кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дарсимизни, давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

55 дарс тугади.

56 Дарс

Гуноҳларга тавба қилишлик ҳақида

(Бу дарс аввалида, мўмин кишилар гуноҳларига тавба қилишлиги зарурлиги ва тавба қилиш шартлари батафсил тушунтирилади. Кейин, саҳобалардан Каъб ибн Моликни тавба қилгани, қиссаси баён қилинади. Дарсни охирида, талоқ мавзусига тўхталиб, унинг бешта тури ҳақида маълумот берилади. Мўминнинг озғидан чиққан сўз, эътиборли экани уқтирилади. Ва Ҳурмузон қиссаси билан, дарс тугайди)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شُرُورِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

ذلك الكتاب لا ريب فيه هدى للمتقين الذين يؤمنون بالغيب
Бақара сураси 2.3 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, марҳамат қилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تُوبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُم جَنَّاتٍ تَجْرَىٰ مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يَوْمَ لَا يُخْزَىٰ اللَّهُ النَّبِيَّ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ نُورُهُمْ يَسْعَىٰ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَتِمِّمْ لَنَا نُورَنَا وَأَغْفِرْ لَنَا إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ
Таҳрим сураси 8 оят

وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Нур сураси 31 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وعن أنس بن مالك رضي الله عنه: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: كل بني آدم خطاء وخير الخطائين التوابون
رواه الترمذی

Инсон боласи борки, хатокордир. Кўп хато қилувчиларнинг яхшилари, кўп тавба қилувчилардир. дедилар.

قَالَ الْعُلَمَاءُ: التَّوْبَةُ وَاجِبَةٌ مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ

Шу оят ва ҳадисларни далил қилиб, уламолар, ҳамма гуноҳдан тавба қилиш вожибдир, дейишган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنِّي لَأَسْتَغْفِرُ اللَّهَ فِي الْيَوْمِ سَبْعِينَ مَرَّةً
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي

Аллоҳга қасамёд қилиб айтаманки, ҳар кунда, етмиш мартада кўпроқ Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қиламан, дедилар.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ، فَإِنِّي أَتُوبُ فِي الْيَوْمِ إِلَيْهِ مِائَةَ مَرَّةٍ
الراوي : الأغر المزني أبو مالك | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Эй одамлар, Аллоҳга тавба қилинглар, истиғфор айтинглар, мен ҳар куни юз бор истиғфор айтиб, тавба қиламан, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кимлар? Ўтган ва келажак гуноҳлари кечирилган Зотдирлар!

Демак, ҳар бир мўмин киши учун, гуноҳдан тавба қилиши вожибдир.

فَإِنْ كَانَتْ الْمَعْصِيَةُ بَيْنَ الْعَبْدِ وَبَيْنَ اللَّهِ تَعَالَى لَا تَتَعَلَّقُ بِحَقِّ آدَمِيٍّ، فَلَهَا ثَلَاثَةُ شُرُوطٍ
أَحَدُهَا: أَنْ يُقْلَعَ عَنِ الْمَعْصِيَةِ
وَالثَّانِي: أَنْ يَنْدَمَ عَلَى فِعْلِهَا
وَالثَّلَاثُ: أَنْ يَغْزِمَ أَنْ لَا يَعُودَ إِلَيْهَا أَبَدًا. فَإِنْ فَقَدَ أَحَدَ الثَّلَاثَةِ لَمْ تَصِحَّ تَوْبَتُهُ

Агар гуноҳи, Аллоҳ ва банданинг орасида бўлиб, инсонлар ҳаққига тааллуқ топмаса, бу тавбанинг уч шарти бор.

1. Шу маъсиятдан тийилишлиги.
2. Бу қилган гуноҳига надомат қилишлиги.
3. Бу гуноҳни қайтиб қилмасликка, қасд қилмоғи шарт.

Агар, шу учта шартдан биттаси топилмаса, тавбаси саҳиҳ бўлмайди, дейилган.

وَإِنْ كَانَتْ الْمَعْصِيَةُ تَتَعَلَّقُ بِآدَمِيٍّ فَشُرُوطُهَا أَرْبَعَةٌ: هَذِهِ الثَّلَاثَةُ، وَأَنْ يَبْرَأَ مِنْ حَقِّ صَاحِبِهَا

Агар бу гуноҳ одам ҳаққига тааллуқ топадиган бўлса, уни тавбасига тўртта шарти бор. Учаси юқорида айtilган шартлар ва тўртинчиси, шу одамни рози қилиб, ҳаққини беришлиқдир. Бу гуноҳ молга тааллуқли бўлса, шу молни қайтариб беришлиқдир.

Бировнинг молини тортиб олиб, тавба қилдим деб, саҳарда турганлиги, тавбаси мақбул бўлмайди, биродарлар. Ҳақни эгасига қайтариб беришлиги шартдир! Агар бу гуноҳ, бировнинг шаънига тухмат бўлса, масалан, покиза аёлнинг шаънига, нопоклик билан сўккан бўлса, унга нопокликни ифодаловчи сўзлар айтган бўлса, шариат уни саксон дарра уришликка ҳукм қилади. Мана шу саксон даррани уришга, мен тайёрман деб боришлик, ёки, авф этиб, кечирилишни талаб қилишлик, шартдир.

Агар ғийбат қилган бўлса, ғийбатни тухматдан алоҳида айтяпмиз. Бировнинг шаънида бир сўз айтилса, ва у сифат унда бўлмаса, бун тухмат дейди. Агар кишини айби айтилса, бу айб унда бўлса, лекин, у йўқлигида айтилса, бун ғийбат дейди. Агар ғийбат қилган бўлса, шу ғийбатни айтиб, Розилигини талаб қилишликдир. Мана бу гуноҳ, инсон ҳаққига тааллуқ топадиган бўлса, унинг тавбасининг тўртинчи шартидир.

Улуғ кишилардан бири айтган эканлар, агар мен ғийбат қилмоқчи бўлсам, онамни ғийбат қиламан. Чунки, ғийбат қилувчининг савоблари, ғийбат қилинувчига ўтиб кетади. Савоби бўлмаса, унинг гуноҳидан бунга юкланади. Савобим ўтса, онамга ўтсин деган, эканлар.

Бир одамни ёмон кўриб, душман тутсангиз, уни ғийбат қилишдан тийилиш керак. Уни ғийбат қилсангиз, савобингиз унга ўтиб кетиши ва ёки, унинг гуноҳи сизга ўтиб қолиши мумкин, биродарлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўминларни гуноҳларидан тавба қилишликка буюряпти.

وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

Нур сураси 31 оят

Шу тавбанинг нажотга сабаб эканлигини ҳам, ҳадиси шарифда баён қилинаяпти.

لَلَّهِ أَشَدُّ فَرَحًا بِتَوْبَةِ عَبْدِهِ حِينَ يَتُوبُ إِلَيْهِ، مِنْ أَحَدِكُمْ كَانَ عَلَى رَاحِلَتِهِ بِأَرْضِ فَلَاقَ، فَأَنْقَلَبَتْ مِنْهُ وَعَلَيْهَا طَعَامُهُ وَشَرَابُهُ، فَأَيَسَ مِنْهَا، فَأَتَى - شَجَرَةً، فَاضْطَجَعَ فِي ظِلِّهَا، قَدْ أَيَسَ مِنْ رَاحِلَتِهِ، فَبَيْنَا هُوَ كَذَلِكَ إِذَا هُوَ بِهَا، قَائِمَةً عِنْدَهُ، فَأَخَذَ بِخِطَامِهَا، ثُمَّ قَالَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ: اللَّهُمَّ أَنْتَ عَبْدِي وَأَنَا رَبُّكَ، أَخْطَأَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ.

الراوي : أنس بن مالك | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандасининг тавбасидан шунчалик хурсанд бўладики, сизларнинг битталаринг маркабига миниб, саҳрода кетаётганда, бир жойда тушиб турганда, маркаби қўлидан чиқиб кетди. Унда емоқ ичмоқ озукаси бор эди. Уни истаб, топишдан умиди узилди. Шунда бир дарахтнинг соясига келиб, ётди. Маркабидан умиди узилиб, ўлимани кутиб ётганида, тўсатдан емоқ ичмоғи билан туяси қайтиб келанида, тизгинини ушлаб, хурсандликдан, Аллоҳга миннатдорчилик билдираман деб, Эй Аллоҳ сен мени бандамсан. Мен сени роббингман деб, адашиб, айтиб юборди. Қувончи шу даражада бўлдики, ақлини йўқотиб қўядиган даражада бўлиб, шунақа деб, юборди. Аллоҳ сизларнинг шунақа бўлган битталарингдан ҳам, хурсанд бўлувчи, агар тавба қилсанглар, дедилар.

عن أبي موسى الأشعري رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: إن الله عز وجل يبسط يده بالليل ليتوب مسيء النهار، ويبسط يده بالنهار ليتوب مسيء الليل، حتى تطلع الشمس من مغربها رواه مسلم

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тунда қўлини очади, кундузи гуноҳ қилганлар тавба қилиб олсин деб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кундузи қўлини очади, тунда гуноҳ қилганлар тавба қилиб олсин деб, то кун Мағрибдан чиққунча шундай бўлади. Кун модомики Машриқдан чиқар экан, токи, жон ғарғарага келмас экан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тавба қилувчиларни, хоҳласа кечиради, дедилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

«عن عبد الله بن عمر -رضي الله عنهما- عن النبي -صلى الله عليه وسلم- قال: «إن الله -عز وجل- يقبل توبة العبد ما لم يغز غز الله -عز وجل- يقبل توبة العبد ما لم تصل الروح الحلقوم، فإذا وصلت الروح الحلقوم فلا توبة، ولقوله -تعالى-: {وَلَيْسَتِ التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ حَتَّى إِذَا حَضَرَ أَحَدُهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي تُبْتُ الْآنَ}»

Нисо сураси 18 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, Аллоҳ бандасини тавбасини қабул қилади, жони ғарғарага келмасдан олдин тавба қилса.

Ўлимни аниқ билганидан кейинги тавбаси қабул бўлмайди, биродарлар. Биз тавба деган билан, бўлмаслигини ва тавбанинг учта шарти борлигини билдик. Модомики, инсонлар ҳаққига тааллуқли бўлмаса, Агар инсонлар ҳаққига тааллуқли бўлса, тўртта шарти борлигини билдик. Яна бир шарт ҳам борки, бир инсон бир инсонга, бир жамоа ичида озор берган бўлса, шу озор берганига афсус надомат қилса, уйига бориб узр айтса, қабул қилмасликка ҳаққи бордир. Узрни қабул қилмаган одам, Исломдаги ёмон одам эканлигига қарамасдан, ошкора, халқ олдида озор бериб, махфий ҳолатда, узр айтса, қабул қилмасликка ҳаққи бордир.

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُّوا فَأُولَٰئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَّابُ الرَّحِيمُ
Бақара сураси 160 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тавба қилган, ва тавбадан кейин ўзини ўнглаган ва шундан кейин баййану, ўзини тавбасини баён қилган, эй одамлар, мен мана шу одамга озор берган эдим. Мен шунга тавба қилдим деган вақтида, узрини қабул қилмаса, у одам ёмон одам ҳисобланади. Аммо, озорни ошкора бериб, тавбани пинҳона қилса, озор етган одам, узрни қабул қилмасликка ҳаққи бордир.

Биз шуни яхши билайликки, аввал даҳрий бўлиб, Исломга душманлик қилиб, мусулмонларга озор бериб юрган одамлар, тавбани ошкор қилмоқлиги ва баъзи вақтларда, ўзининг тавбасини эълон қилмоқлиги керак. Тавбун насух, ҳақиқий тавба, мана шундай тавбадир, биродарлар. Ўзининг тавбасини, халқлар олдида ошкора гапирган кишилар, ўзимга ҳикоя қилиб беришганки, мен Исломни ҳақлигини энди билдим. Мен олдин тушунмаган эканман. Шунинг учун, тавбамни қабул бўлиши учун, ҳар куни неччи марта, қаерда исломга қарши гапирган бўлсам, шу ерга бориб, шунча марта, исломни ҳақ эканлигини гапириб келдим, деган, кишиларни кўрганман. Мана бу нарсa ҳақиқий тавбадир. Аллоҳ қабул қилсин, шуларнинг тавбасини.

Шунинг учун, масжидларга зарар етказган, масжидларни вайрон қилган, одамлар ҳам, шу масжидни вайрон қилган ўринда туриб, мени биласизлар, шу масжидни вайрон қилганман. Ўзимнинг кўлимдан келганча, шуни ислоҳ қиламан деб, тавба қилмоғи керак. Бировнинг ҳаққига тааллуқ топивчи гуноҳ ишлардан, тавба қилишлик, ошкора бўлмоқлиги керак, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло билан, банда ўртасидаги гуноҳни, Аллоҳ истаса кечиради ва истаса азоб беради. Лекин, ҳадисларнинг зоҳири, агар ихлос билан тавба қилиб, ўзини ўнғласа, албатта, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унинг тавбасини қабул қилади. Одамлар ҳаққига бўлган маъсиятдан, эҳтиёт бўлмоқлик керак, биродарлар.

Каъб ибн Молик воқеъаси

Бир ҳадисни мазмунини айтиб беришлик билан кифояланаман. Саҳобаларнинг қанчалик тавба қилганликларини ва ижтимоий гуноҳга нисбатан Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қанчалик қаттиқ турганликларини мана шу ҳадиси шарифдан билиб оламиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қаттиқ тавба қилган одамни кечиришлигини ва унга катта мукофотлар беришлигини, мана шу ҳадисдан тушуниб олсак бўлади. Бу ҳадис, Тавба қилган кишининг, ўз фарзандига ҳикоя қилиб берган шаклда, тасвирланади.

Саҳоба Каъб ибн Молик кўзи аъмо бўлгани учун, ўғли Абдуллоҳ уни етаклаб юрарди. Шу ўғиллари айтадики, Табук ғазотига бормасдан қолган воқеъларини, дадамнинг ўзларидан, эшитдим. Бу ҳадисни тушуниш учун, аввал, Табук ғазотини билиб олайлик, биродарлар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Мадинада турганда, Рум ҳукмдорлиги, Исломга қарши урушга таёргарлик кўраётганини хабари келди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотига, рамазони шарифда чиқиб кетдилар. Хурмо пишган вақти эди. Хурмо, Мадина аҳолисининг асосий иқтисодий манбаи эди. Баъзи одамлар савдо билан шуғулланишарди.

Шу хурмони сотиб, йил бўйи даромад қилишарди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана шу соатда, асҳобларни имтиҳон қилди. Шу соатда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотига чиқишга, асҳобларни даъват қилдилар. Каъб разияллоҳу анҳу айтадилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, бирор ғазотдан қолмагандим. Магар Табук ғазотидан қолдим. Бадр ғазотидан ҳам қолгандим. Лекин, унда бирор кишига дашном берилганмас. Унда жиҳод учун чиқишган эмасди. Унда мушрикларнинг савдо қарвони йўлига чиқишганди. Табук ғазотида ниҳоятда давлатманд ва қувватлик эдим. Табук ғазотидан илгари, ҳеч иккита туям бўлмаганди. Шу пайтда, иккита туям бор эди. Ҳеч қандай узрим йўқ эди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ғазотга чиқсалар, бекитардилар. Аммо, бу ғазотда ошкора айтдилар. Чунки, сафар узоқ эди. Рамазон ойи. Тайёргарлик кўриш учун, ҳаммага эълон қилдилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг алоҳида девонлари йўқ эдики, бирга кетадиган кишиларни ёзиб, рўйхат қиладиган. Агар бирор кишини чиқмай қолганлигига, ваҳй нозил бўлмаса, ё бирор киши ҳассослик билан, сезиб қолмаса, ҳеч ким билмай қолаверарди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар, тайёргарлик кўриб, чиқиб кетишди. Қисқароқ қилиб айтаман. Каъб ибн Молик айтадилар, мен ортларидан етиб бормоқчи ҳам бўлдим, лекин, шуни қилмадим. Қани эди, шуни қилганимда. Қолган кишиларни кўрсам, мунофиқлик табиати бўлган одамларгина қолибди. Буни кўриб кўп ғамгин бўлдим, дейдилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мени, то Табукка етгунча, эсга олмабдилар. Табук билан Мадина ораси, бир ойлик масофа эди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Табукда ўтирганларида, Каъб ибн Молик кўринмаяпдими? дедилар. Шунда, Бани Салама қабиласидан бир киши, уни тўни сақлаб қолдида деди. Пули кўпайиб қолдида, деганга ўхшаш сўз айтди. Маоз ибн Жабал унга, сен нотўғри сўз айтдинг, деди. Ё Расулulloҳ, қасамёд қилиб айтаманки, Каъб ибн Молик доим яхшилик билан танилган одам, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хомуш бўлдилар. Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳу айтадиларки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Табукдан, ҳеч қандай жангсиз қайтиб келдилар. Чунки, кофирлар, буларнинг келишини эшитиб, қайтиб кетишган эди.

(Қисқа изоҳ: Рум қўшинлари, мушрик араб қабилалари билан иттифоқ тузиб, мусулмонларга қарши, бирга жанг қилмоқчи эдилар. Лекин, мушриклар, Румликлар билан бирга жанг қилсак, улар кетгач, мусулмонлар бизни тинч қўядими? деб, жанга чиқишдан бош тортишди. Румликлар ўзлари жанга киришга ботинолмадилар ва қайтиб кетишга қарор қилдилар. Бу ғазотда жанг бўлмасада, мусулмонлар ғалаба қилган ҳисобланишди.)

Мен ғамгин бўла бошладим. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, қандай учрашаман деб, ўйланиб қолдим. Бирор бир ёлғон айтсаммикан? Шу билан у кишининг ғазабидан чиқсаммикан? деб, ўйлаб бошладим. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Мадинага етиб келдилар деган, хабарни эшитишлик билан, менинг қалбимдан ёлғон сўзни айтиш фикри йўқолди. Тўғри сўзни айтишга қарор қилдим. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам одати шарифалари, сафардан келсалар, масжидга кириб, икки ракат намоз ўқиб, одамларга қараб ўтирардилар. Шунда, ғазотдан қолганлар кириб, бу узрим бор эди, у узрим бор эди, деб, узр айта бошлашди. Саксонтадан кўпроқ киши келиб, узр айтди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам уларни зоҳирини қабул қилиб, қалбини Аллоҳга топширдилар.

Мен ҳам келиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга салом берсам, ғазабланувчи кишининг табассумига ўхшаган, табассум қилиб қўйдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб ўтирдим. Нимага қолдинг, маркаб сотиб олувдингку? дедилар.

Шунда айтдимки, ё Расулуллоҳ, сиздан бошқа бир дунё аҳлининг олдида ўтирганимда, мен бир йўл билан, унинг ғазабидан чиқиб кетардим. Менинг гапга усталик табиатим бор, дедим. Ҳозир ёлғон сўз айтсам, сиз мени зоҳиримга ишониб, рози бўласиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ваҳй туширса, кейин сиз менга ғазаб қиласиз. Тўғри гапни айтсам, ҳеч қандай узрим йўқ эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг менга қиладиган муомиласини кутаман, дедим. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу тўғри айтдилар. Тур ўрнингдан, Аллоҳ сени ҳақингда нима ҳукм қилгунча, биз кутамиз, дедилар. Шунда, Бани Салама қабиласидан бўлган бир неча киши етиб келиб, сен бирорта гуноҳ қилмаган эдинг, Исломда. Яхши ишлар билан ҳаётинг ўтганди. Сен ҳам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга узр айтганлар сафида узр айтганда, у киши сенга истиғфор айтардиларда, шу кифоя қиларди, деб, Айтишаверди, ҳаттоинки, бориб шундай қилсаммикан, деган ҳаёл ҳам келди.

Кейин, менга ўхшаб тўғрисини гапирган одамлар ҳам бўлдимки? деб, сўрадим. Иккита одам бор, дейишди. Кимлар десам, Мурора ибн Рабиъ ва Ҳилол ибн Умайя дейишди. (Бу иккаласи ва Каъб ибн Молик ҳам, Мадиналик ансорлардан эди) Булар Бадрда иштирок этган солиҳ кишилар эди. Мен доим буларга эргашиб юрардим. Шунда, айтдимки, мен ҳам шуларга эргашаман. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам узрсиз, фарз бўлган жиҳоддан қолиб кетган бу уч киши билан, гаплашишлиқдан одамларни қайтардилар. Одамлар биздан четланди. Одамлар бизга, бошқача бўлиб қолди. Гўёки, мен ер устида юрсам, бу ер илгариги, мен таниган ерга, ўхшамай қолди. Шу аҳволда биз, эллик кунча қолиб кетдик. Иккита биродарим, уйига кириб, йиғлашлиқдан бошқа иш қилмай қўйдилар. Аммо, мен ёшроқ ва қувватлироқ эдим. Намозга чиқиб, мусулмонлар билан бирга намоз ўқирдим. Бозорларда ҳам, айланиб юрардим. Ҳеч ким менга гапирмасди. Масжидга бориб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга салом берардим. У киши лабларини кимирлатиб, алик олдиларми йўқми, билолмасдим. Яқинроқ бориб, намоз ўқишга ҳаракат қилардим. Кўзим билан, ўғрича қараш қилардим. Мен қараб турганимда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам менга қарамасдилар. Бу ҳолат жуда узоқ, давом этди.

Шунда, Амакимни ўғли Абу Қатодани уйига бордим. У менинг энг яқин биродарим эди. Унга ассалому алейкум деб, салом берсам, жавоб бермади. Эй Абу Қатода, Аллоҳга қасам ичиб сўрайманки, сен Аллоҳу Расулини яхши кўришимни биласану? десам, индамади. Яна қайтариб шуни айтдим. Яна индамади. Яна қайтариб шуни айтдим. Яна индамади. Учинчисида, Аллоҳу ва Расули билувчироқ деди. Икки кўзимдан ёш оқиб кетди. Яна бир уйга кирдим. Шу нарсга такрорланди.

Мадина бозорига кетаётганимда, Шом аҳлидан бир деҳқон кўринди. У озиқ овқат олиб келиб, Мадинада сотарди. Деҳқон Каъб ибн Моликни ким менга кўрсатиб қўяди? деб, гапириб юрибди. Одамлар мени кўрсатиб қўйишди. У олдимга келиб, Ғассон подшоҳидан бир мактубни берди. Биродарлар, бировни биров билан, алоқаси бузилган вақтида, душман шу одамни ўзига хизматкор қилишга, ҳаракат қилади. Мактубни ўқисам, «Биродарингиз сизга кўп зулмлар қилибди. Бизга бу хабар етиб келди. Аллоҳу таоло сизни, хорлик ерида тургизмасин. Бизни олдимизга келинг, сизга ёрдам берамиз, деб, ёзилганди.

Шунда, бу ҳам имтихон дедимда, тандирга солиб, ёқиб юбордим. Қирқ кун ўтди. Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг одами келиб, сени Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аёлингдан четланишга буюрди, деди. Талоқ қилайми? дедим.

Биродарлар, бу итоатни қаранг, Расули тарафидан буйруқ келса, ўзи унга гапирмаётган бўлса, имон кишининг қалбида, мана шундай бўлиши керак! Талоқ қилайми? деди. Ҳозирги одамларга, исломдаги ҳукми айтсангиз, буни мен ўзимни пулимга тўй қилиб, уйланганман, дейди. Талоқ қилайми? деди. Йўқ, талоқ қилма, яқинлашмагин. Четлан! деди. Иккита биродаримга ҳам, шу элчи борди. Аёлимга айтдимки, ўзингни уйинга кетгин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳукми чиқаргунча, ўша ерда турасан, дедим. Ҳилол ибн Умайянинг аёли келиб, ё Расулulloҳ, Ҳилол ибн Умайя қариб қолган. Хизматкори йўқ. Мен хизмат қилиб, ёмоқ ичмоғини ҳозирлаб бериб турсам бўладими? деб, сўради. Аёл кишиларнинг, Расулунинг буйруғига бўйсунганини кўринг! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан бир буйруқ келса,

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ
Ҳашр сураси 7 оят

Аллоҳнинг Расули сизга нимани берса, олинглар ва нимадан қайтарса, қайтинглар, дейишарди.

Бунга амал қилишарди. Гап тамом! Фалончи пистончи деган, гап бўлмайди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Майли, хизмат қилавер. Лекин, сенга яқин келмасин, дедилар. Шунда аёли айтдики, у ўрнidan турмасдан йиғлаб ётибди халос, деди. Шунда, у биродаримга, аёли хизмат қилишга рухсат берганларидан кейин, мени аёлим келиб, сен ҳам сўрагин. Мен хизматингни қилиб турайин деганида, йўқ, изн сўрамайман. Сўрасам, нима жавоб қиладилар, билмайман, дедим. Ундан ташқари мен ёшман, дедим. Шундан кейин, яна ўн кун, шундай ҳолатда қолдик. Эллик кун бўлди. Ер юзи, бизга тор бўлиб кетди. Бирор инсон, биз билан гаплашмай қўйди.

Умрининг ҳаммасини, исломга хизмат қилган кишилар булар. Бир марта гуноҳи кабира қилган эди, булар. Мана бу тавбанинг қандай бўлишлигини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расули билан, яқин саҳобалари орасида, кўрсатишни ирода қилди. Эрталабки намозни уйимизни тепасида ўқидим, дейдилар, Каъб разияллоҳу анҳу. Қуръони каримда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу учовларига кенг ер юзи, тор бўлганини хабар беради Сураи Тавбада. Шунинг учун ҳам, бу суранинг номи, Тавба сураси, дейилади, биродарлар. Шу ҳолатда турганимда, ўзим танг бўлдим. Ер ҳам менга танг бўлди. Шунда. Тоғнинг тепасидан келган товушни эшитдим.

Эй, Каъб ибн Молик, хурсанд бўл! деган сўзни эшитдилар. Шу вақтда сажда қилдим. Билдимки, нажот келди, дедим. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам эрталабки намозни ўқиган вақтларида, одамларга, Аллоҳнинг булар ҳақида туширган оятини, эълон қилдилар. Одамлар бизларга муборакбод қилиб, башорат бергани чопишди. Баъзилар отда келди. Баъзилар югуриб келди. Баъзилар тоғни тепасидан қичқириб, эшиттирмоқчи бўлишди. Овоз пиёда келган ва отда келганлардан илгари эшитилган эди, менга. Шу тоғда қичқирган одам, кейин ўзи олдимга келганида, устимда иккита либосим бор эди. Шу икковини унга кийдириб қўйдим. Қасамёд қилиб айтаманки, бундан бошқа кийимим йўқ эди, мени. Бировни либосини сўраб олиб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келдим. Одамлар мени тўп тўп бўлиб, кутиб олиб, тавба муборак деб, табриклашарди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Атрофларида одамлар бор эди.

Талҳа ибн Убайдуллоҳ разияллоҳу анҳу чопганча югуриб келди. Қўлимни маҳкам сиқиб, муборакбод қилди. Муҳожирлардан бу кишидан бошқа ҳеч ким, мени муборакбод қилгани йўқ. Бу киши Мадиналик ансорлардан эди. Муҳожирлардан Талҳа ибн Убайдуллоҳ разияллоҳу анҳу муборакбод қилганларини эсларидан чиқармас эканлар, бу киши.

Эллик кун Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга салом берганимда, жавоб қилдими йўқми, деб, ўйланиб юрган зот, энди салом берганимда, юзлари хурсандликдан тўлин ойга ўхшаб кетган эди, дейдилар. Айтдиларки,

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَبْرُقُ وَجْهُهُ مِنَ السُّرُورِ: أَبَشِرْ بِخَيْرٍ يَوْمَ مَرَّ عَلَيْكَ مِنْذُ وَلَدْتِكَ أُمَّكَ

Туғилганингдан бери, ўтган кунларингни яхшиси билан хурсанд бўлгин! дедилар. Шунда, сўрадимки, сизни тарафингизданми бу тавба, ё Аллоҳ тарафиданми? дедим. Аллоҳ тарафидан, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хурсанд бўлганларида, юзлари гўёинки, тўлин ойга ўхшаб, нурли бўлиб кетардилар. Шундан биз қувониб турганликларини билардим. Шунда, олдиларида ўтириб айтдимки, тавбамнинг шукронасига, ҳамма молимни, Аллоҳу Расулига садақот қилиб бераман, дедим. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам баъзиларини олиб қолгин. Бу ўзинга яхши, дедилар. Бўлмасам, Хайбардаги улушимни олиб қоламан. Бошқа ҳамма молимни, садақот қиламан, дедим. Шунда айтдимки, Ё Расулulloҳ, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло менга, ростгўйлик билан ва тўғрилик билан, нажот берди. Энди мен, токи тирикман, тўғри муомиладан бошқасини қилмайман, дедим. Мусулмонлардан менга берилгандек, неъмат берилган, бошқа одамни билмайман, дедилар. Бу неъматни менга берди. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ер юзидаги ҳамма одамдан ажратиб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир кишининг тавбасини, ўзининг суюлик расулига ваҳй услубида, қуръони каримда, қиёматгача тиловат қилинадиган, бу тавбанинг қабул бўлишлигиданда, катта неъмат йўқдир!

Буни, Каъб ибн Моликка ўхшаган, қалбида яқин ҳосил қилган одамлар билади. Мана шу оят қиёматгача тиловат қилинади.

وَعَلَى الثَّلَاثَةِ الَّذِينَ خُلِفُوا حَتَّى إِذَا ضَاقَتْ عَلَيْهِمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ وَضَاقَتْ عَلَيْهِمْ أَنْفُسُهُمْ وَظَنُّوا أَنْ لَا مَلْجَأَ مِنَ اللَّهِ إِلَّا إِلَيْهِ ثُمَّ تَابَ عَلَيْهِمْ لِيَتُوبُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ
Тавба сураси 118 оят

Мана шу оят нозил бўлди.

Қуйида шу ерда мазмуни зикр қилинган узун ҳадисни арабчаси ҳам илова қилинди)

أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ كَعْبٍ بِنَ مَالِكٍ -وَكَانَ قَائِدَ كَعْبٍ مِنْ بَنِيهِ حِينَ عَمِيَ- قَالَ: سَمِعْتُ كَعْبَ بْنَ مَالِكٍ يُحَدِّثُ حِينَ تَخَلَّفَ عَنْ قِصَّةِ تَبُوكَ، قَالَ كَعْبٌ: لَمْ أَتَخَلَّفَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَزَاةٍ غَزَاهَا إِلَّا فِي غَزَاةِ تَبُوكَ، غَيْرَ أَنِّي كُنْتُ تَخَلَّفْتُ فِي غَزَاةٍ بَدْرَ، وَلَمْ يُعَاتِبْ أَحَدًا تَخَلَّفَ عَنْهَا، إِنَّمَا خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَرِيدُ عِيرَ قُرَيْشٍ، حَتَّى جَمَعَ اللَّهُ بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ عَدُوِّهِمْ عَلَى غَيْرِ مِيعَادٍ، وَلَقَدْ شَهِدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةَ الْعَقَبَةِ حِينَ تَوَاقَفْنَا عَلَى الْإِسْلَامِ، وَمَا أَحْبَبُّ أَنْ لِي بِهَا مِشْهَدٌ بَدْرَ، وَإِنْ كَانَتْ بَدْرَ أَذْكَرَ فِي النَّاسِ مِنْهَا، كَانَ مِنْ خَبَرِي: أَنِّي لَمْ أَكُنْ قَطُّ أَقْوَى وَلَا أَيْسَرَ حِينَ تَخَلَّفْتُ عَنْهُ فِي تِلْكَ الْغَزَاةِ، وَاللَّهِ مَا اجْتَمَعْتُ عِنْدِي قَبْلَهُ رَاحِلَتَانِ قَطُّ، حَتَّى جَمَعْتُهُمَا فِي تِلْكَ الْغَزَاةِ، وَلَمْ يَكُنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَرِيدُ غَزَاةَ إِلَّا وَرَى بَغِيرِهَا، حَتَّى كَانَتْ تِلْكَ الْغَزَاةُ، غَزَاهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَرِّ شَدِيدٍ، وَاسْتَقْبَلَ سَفَرًا بَعِيدًا وَمَقَارًا وَعَدُوًّا كَثِيرًا، فَجَلَّى لِلْمُسْلِمِينَ أَمْرَهُمْ؛ لِيَتَأَهَّبُوا أَهْبَةً غَزَوْهُمْ، فَأَخْبَرَهُمْ بِوَجْهِهِ الَّذِي يَرِيدُ، وَالْمُسْلِمُونَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَثِيرٌ، وَلَا يَجْمَعُهُمْ كِتَابٌ حَافِظٌ -يُرِيدُ الدِّيَّانَ- قَالَ كَعْبٌ: فَمَا رَجُلٌ يُرِيدُ أَنْ يَتَغَيَّبَ إِلَّا ظَنَّ أَنْ سَيُخْفَى لَهُ، مَا لَمْ يَنْزِلْ فِيهِ وَحْيُ اللَّهِ، وَغَزَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تِلْكَ الْغَزَاةَ حِينَ طَابَتِ الشَّمَارُ وَالظَّلَالُ، وَتَجَهَّزَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْمُسْلِمُونَ مَعَهُ، فَطَفَقْتُ أَغْدُو لِكَيْ أَتَجَهَّزَ مَعَهُمْ، فَارْجِعْ وَلَمْ أَقْضِ شَيْئًا، فَاقُولُ فِي نَفْسِي: إِنَّا قَادِرُونَ عَلَيْهِ، فَلَمْ يَزَلْ يَتِمَادَى بِي حَتَّى اسْتَدَّ بِالنَّاسِ الْجَدُّ، فَاصْبَحَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْمُسْلِمُونَ مَعَهُ، وَلَمْ أَقْضِ مِنْ جَهَازِي شَيْئًا، فَقُلْتُ: أَتَجَهَّزُ بَعْدَهُ بِيَوْمٍ أَوْ يَوْمَيْنِ، ثُمَّ أَلْحَقُهُمْ، فَعَدَوْتُ بَعْدَ أَنْ فَصَلُوا لَا تَجَهَّزْ، فَرَجَعْتُ وَلَمْ أَقْضِ شَيْئًا، ثُمَّ عَدَوْتُ، ثُمَّ رَجَعْتُ وَلَمْ أَقْضِ شَيْئًا، فَلَمْ يَزَلْ بِي حَتَّى اسْرِعُوا وَتَفَارَطَ الْغَزْوُ، وَهَمَمْتُ أَنْ أَرْتَحِلَ فَأُدْرِكُهُمْ، وَلَيْتَنِي فَعَلْتُ! فَلَمْ يَقْدِرْ لِي ذَلِكَ، فَكُنْتُ إِذَا خَرَجْتُ فِي النَّاسِ بَعْدَ خُرُوجِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَطَفْتُ فِيهِمْ، أَخْرَجْنِي أَنِّي لَا أَرَى إِلَّا رَجُلًا مَغْمُوصًا عَلَيْهِ الْتِفَاقُ -أَوْ رَجُلًا مَمَّنْ عَذَرَ اللَّهُ مِنَ الضُّعَفَاءِ- وَلَمْ يَذْكُرْنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى بَلَغَ تَبُوكَ، فَقَالَ وَهُوَ جَالِسٌ فِي الْقَوْمِ بِتَبُوكَ: مَا فَعَلَ كَعْبٌ؟ فَقَالَ رَجُلٌ مِنْ بَنِي سَلَمَةَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، حَبَسَهُ بَرْدَاهُ وَنَظَرُهُ فِي عَظْفِهِ، فَقَالَ مَعَادُ بْنُ جَبَلٍ: بَنَسَ مَا قُلْتُ، وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا عَلِمْنَا عَلَيْهِ إِلَّا خَيْرًا، فَسَكَتَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ كَعْبُ بْنُ مَالِكٍ: فَلَمَّا بَلَغْنِي أَنَّهُ تَوَجَّهَ قَافِلًا، حَضَرَنِي هَمِّي، وَطَفَقْتُ أَتَذَكَّرُ الْكَذِبَ، وَأَقُولُ: بِمَاذَا أَخْرَجَ مِنْ سَخَطِهِ غَدًا؟! وَاسْتَعْنْتُ عَلَى ذَلِكَ بِكُلِّ ذِي رَأْيٍ مِنْ أَهْلِي، فَلَمَّا قِيلَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أَظَلَّ قَادِمًا، رَاحَ عَنِّي الْبَاطِلُ، وَعَرَفْتُ أَنِّي لَنْ أَخْرَجَ مِنْهُ أَبَدًا بِشَيْءٍ فِيهِ كَذِبٌ، فَاجْمَعْتُ صَدَقَةً، وَاصْبَحَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَادِمًا، وَكَانَ إِذَا قَدِمَ مِنْ سَفَرٍ، بَدَأَ بِالْمَسْجِدِ، فَيَرْكُضُ فِيهِ رَكَعَتَيْنِ، ثُمَّ جَلَسَ لِلنَّاسِ، فَلَمَّا فَعَلَ ذَلِكَ جَاءَهُ الْمُخْلَفُونَ، فَطَفِقُوا يَغْتَذِرُونَ إِلَيْهِ وَيَخْلَفُونَ لَهُ، وَكَانُوا بِضَعَةِ وَثَمَانِينَ رَجُلًا، فَقَبِلَ مِنْهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَانِيَتَهُمْ، وَبَايَعَهُمْ وَاسْتَفْفَرَ لَهُمْ، وَوَكَّلَ سَرَارِيَهُمْ إِلَى اللَّهِ، فَجَنَّتْ، فَلَمَّا سَلِمْتُ عَلَيْهِ تَبَسَّمَ تَبَسُّمَ الْمُغْضَبِ، ثُمَّ قَالَ: تَعَالَى، فَجَنَّتْ أَمْشِي حَتَّى جَلَسْتُ بَيْنَ يَدَيْهِ، فَقَالَ لِي: مَا خَلَقَكَ؟ أَلَمْ تَكُنْ قَدْ ابْتِغَيْتَ ظَهْرَكَ؟ فَقُلْتُ: بَلَى، إِنِّي وَاللَّهِ لَوْ جَلَسْتُ عِنْدَ غَيْرِكَ مِنْ أَهْلِ الدُّنْيَا، لَرَأَيْتُ أَنْ سَأَخْرُجَ مِنْ سَخَطِهِ بَعْدَ، وَلَقَدْ أُعْطِيتُ جَدَلًا، وَلِكِنِّي وَاللَّهِ، لَقَدْ عَلِمْتُ لَيْنَ حَدِّثِكَ الْيَوْمَ حَدِيثَ كَذِبٍ تَرْضَى بِهِ عَنِّي، لِيُوشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَسْخَطَكَ

عَلَيَّ، وَلَنْ حَدَّثُكَ حَدِيثَ صَدَقَ تَجِدُ عَلَيَّ فِيهِ، إِنِّي لَأَرْجُو فِيهِ عَفْوُ اللَّهِ، لَا وَاللَّهِ، مَا كَانَ لِي مِنْ عَذْرٍ، وَاللَّهِ مَا كُنْتُ قَطُّ أَقْوَى، وَلَا أَيْسَرَ مِنِّي جِئْتُ تَخَلَّفْتُ عَنْكَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَمَّا هَذَا فَقَدْ صَدَقَ، فَقُمْتُ حَتَّى يَقْضِيَ اللَّهُ فِيكَ. فَقُمْتُ، وَثَارَ رِجَالٌ مِنْ بَنِي سُلَيْمَةَ فَاتَّبَعُونِي. فَقَالُوا لِي: وَاللَّهِ مَا عَلِمْنَاكَ كُنْتَ أَذْنَبْتَ ذَنْبًا قَبْلَ هَذَا، وَلَقَدْ عَجَزْتَ أَنْ لَا تَكُونَ اعْتَذَرْتَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَا اعْتَذَرَ إِلَيْهِ الْمُتَخَلِّفُونَ. قَدْ كَانَ كَافِيكَ ذَنْبِكَ اسْتِغْفَارَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَكَ، فَوَاللَّهِ مَا زَالُوا يُؤْتِيُونِي حَتَّى أَرُدْتَ أَنْ أَرْجِعَ فَأَكْذِبَ نَفْسِي، ثُمَّ قُلْتُ لَهُمْ: هَلْ لَقِيَ هَذَا مَعِيَ أَحَدٌ؟ قَالُوا: نَعَمْ، رَجُلَانِ قَالَا مِثْلَ مَا قُلْتُ، فَقِيلَ لِهَؤُلَاءِ مَا قِيلَ لَكَ، فَقُلْتُ: مَنْ هُمَا؟ قَالُوا: مُرَارَةُ بْنُ الرَّبِيعِ الْعُمَرِيُّ، وَهَلَالُ بْنُ أُمَيَّةَ الْوَاقِفِيُّ، فَذَكَرُوا لِي رَجُلَيْنِ صَالِحَيْنِ قَدْ شَهِدَا بِذُرِّ، فِيهِمَا أَسْوَةٌ، فَمَضَيْتُ حِينَ ذَكَرُوهُمَا لِي، وَنَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُسْلِمِينَ عَنْ كَلَامِنَا إِيَّاهُ الثَّلَاثَةَ مِنْ بَيْنِ مَنْ تَخَلَّفَ عَنْهُ، فَاجْتَنَبْنَا النَّاسَ، وَتَغَيَّرُوا لَنَا حَتَّى تَنَكَّرْتُ فِي نَفْسِي الْأَرْضَ، فَمَا هِيَ إِلَّيَّ أَعْرَفُ، فَلَبِثْنَا عَلَى ذَلِكَ خَمْسِينَ لَيْلَةً، فَأَمَّا صَاحِبَايَ فَاسْتَكْنَا وَقَعَدَا فِي بُيُوتِهِمَا بِيَكْيَانٍ، وَأَمَّا أَنَا، فَكُنْتُ أَشْبَى الْقَوْمِ وَأَجْلَدَهُمْ، فَكُنْتُ أَخْرُجُ فَاشْهَدُ الصَّلَاةَ مَعَ الْمُسْلِمِينَ، وَأَطُوفُ فِي الْأَسْوَاقِ وَلَا يُكَلِّمُنِي أَحَدٌ، وَآتَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاسْتَلَمَ عَلَيْهِ وَهُوَ فِي مَجْلِسِهِ بَعْدَ الصَّلَاةِ، فَأَقُولُ فِي نَفْسِي: هَلْ حَرَكْتُ شَفَتَيْهِ بِرَدِّ السَّلَامِ عَلَيَّ أَمْ لَا؟ ثُمَّ أَصْلَيْتُ قَرِيبًا مِنْهُ، فَاسَارَفُهُ النَّظَرُ، فَإِذَا أَقْبَلْتُ عَلَى صَلَاتِي أَقْبَلَ إِلَيَّ، وَإِذَا التَقْتُ نَحْوَهُ أَعْرَضَ عَنِّي، حَتَّى إِذَا طَالَ عَلَيَّ ذَلِكَ مِنْ جَفْوَةِ النَّاسِ، مَشَيْتُ حَتَّى تَسَوَّرْتُ جِدَارَ حَائِطِ أَبِي قَتَادَةَ، وَهُوَ ابْنُ عَمِّي وَأَحَبُّ النَّاسِ إِلَيَّ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَوَاللَّهِ مَا رَدَّ عَلَيَّ السَّلَامَ، فَقُلْتُ: يَا أَبَا قَتَادَةَ أَشَدُّكَ بِاللَّهِ، هَلْ تَعْلَمُنِي أَحَبُّ إِلَيَّ وَرَسُولُهُ؟ فَسَكَتَ، فَقَدْتُ لَهُ فَتَشَدَّدْتُ، فَسَكَتَ، فَقَدْتُ لَهُ فَتَشَدَّدْتُ، فَقَالَ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَفَاضَتْ عَيْنَايَ، وَتَوَلَّيْتُ حَتَّى تَسَوَّرْتُ الْجِدَارَ، قَالَ: فَبَيْنَا أَنَا أَمْشِي بِسُوقِ الْمَدِينَةِ، إِذَا نَبْطِي مِنْ أُنْبَاطِ أَهْلِ الشَّامِ، مِمَّنْ قَدِمَ بِالطَّعَامِ يَبِيعُهُ بِالْمَدِينَةِ، يَقُولُ: مَنْ يَدُلُّ عَلَيَّ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ؟ فَطُفِقَ النَّاسُ يُشِيرُونَ لَهُ، حَتَّى إِذَا جَاعَنِي دَفَعَ إِلَيَّ كِتَابًا مِنْ مَلِكِ غَسَّانَ، فَإِذَا فِيهِ: أَمَّا بَعْدُ؛ فَإِنَّهُ قَدْ بَلَغَنِي أَنَّ صَاحِبَكَ قَدْ جَفَاكَ، وَلَمْ يَجْعَلْكَ اللَّهُ بَذَارَ هَوَانٍ وَلَا مُضْيِعَةً، فَالْحَقْ بِنَا نَوَاسِكَ، فَقُلْتُ لَمَّا قَرَأْتَهَا: وَهَذَا أَيْضًا مِنَ الْبَلَاءِ، فَتَيَمَّمْتُ بِهَا التَّوَهُُّدَ فَسَجَرْتُهُ بِهَا، حَتَّى إِذَا مَضَتْ أَرْبَعُونَ لَيْلَةً مِنَ الْخَمْسِينَ، إِذَا رَسُولُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْتِينِي، فَقَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُكَ أَنْ تَعْتَزَلَ امْرَأَتَكَ، فَقُلْتُ: أَطْلُقُهَا أَمْ مَاذَا أَفْعَلُ؟ قَالَ: لَا، بَلْ اعْتَزَلْهَا وَلَا تَقْرُبْهَا. وَأَرْسَلَ إِلَيَّ صَاحِبِي مِثْلَ ذَلِكَ، فَقُلْتُ لَامْرَأَتِي: الْحَقِّي بِأَهْلِكَ، فَتَكُونِي عَنْدَهُمْ حَتَّى يَقْضِيَ اللَّهُ فِي هَذَا الْأَمْرِ، قَالَ كَعْبٌ: فَجَاعَتِ امْرَأَةٌ هَلَالُ بْنُ أُمَيَّةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ: إِنَّ هَلَالُ بْنُ أُمَيَّةَ شَيْخٌ ضَائِعٌ، لَيْسَ لَهُ خَادِمٌ، فَهَلْ تَكْرَهُ أَنْ أَخْذُمَهُ؟ قَالَ: لَا، وَلَكِنْ لَا يَفْرِيكَ. قَالَتْ: إِنَّهُ وَاللَّهِ مَا بِهِ حَرَكَةٌ إِلَى شَيْءٍ، وَاللَّهِ مَا زَالَ يَنْكِي مِنْذُ كَانَ مِنْ أَمْرِهِ مَا كَانَ إِلَى يَوْمِهِ هَذَا، فَقَالَ لِي بَعْضُ أَهْلِي: لَوْ اسْتَأْذَنْتَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي امْرَأَتِكَ كَمَا أَتَى لَامْرَأَةَ هَلَالُ بْنُ أُمَيَّةَ أَنْ تَخْذُمَهُ؟ فَقُلْتُ: وَاللَّهِ لَا اسْتَأْذَنْ فِيهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمَا يُذِرْنِي مَا يَقُولُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اسْتَأْذَنْتُهُ فِيهَا وَأَنَا رَجُلٌ شَابٌّ؟ فَلَبِثْتُ بَعْدَ ذَلِكَ عَشْرَ لَيَالٍ، حَتَّى كَمَلْتُ لَنَا خَمْسُونَ لَيْلَةً مِنْ جِئْنِي نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ كَلَامِنَا، فَلَمَّا صَلَّيْتُ صَلَاةَ الْفَجْرِ صَبَحَ خَمْسِينَ لَيْلَةً وَأَنَا عَلَى ظَهْرِ بَيْتٍ مِنْ بُيُوتِنَا، فَبَيْنَا أَنَا جَالِسٌ عَلَى الْحَالِ الَّتِي ذَكَرَ اللَّهُ؛ قَدْ ضَاقَتْ عَلَيَّ نَفْسِي، وَضَاقَتْ عَلَيَّ الْأَرْضُ بِمَا رَحِيتُ، سَمِعْتُ صَوْتَ صَارِخٍ، أَوْفَى عَلَى جَبَلٍ سَلَعَ بِأَعْلَى صَوْتِهِ: يَا كَعْبُ بْنُ مَالِكٍ، أَبْشِرْ، قَالَ: فَخَرَرْتُ سَاجِدًا، وَعَرَفْتُ أَنَّ قَدْ جَاءَ فَرَجٌ، وَأَتَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِتُوبَةِ اللَّهِ عَلَيْنَا جِئْنِي صَلَاةَ الْفَجْرِ، فَذَهَبَ النَّاسُ يُبَشِّرُونَنَا، وَذَهَبَ قَبْلَ صَاحِبِي مُبَشِّرُونَ، وَرَكَضَ إِلَيَّ رَجُلٌ فَرَسًا، وَسَعَى سَاعَ مِنْ أَسْلَمَ، فَأَوْفَى عَلَى الْجَبَلِ، وَكَانَ الصَّوْتُ أَسْرَعَ مِنَ الْفَرَسِ، فَلَمَّا جَاعَنِي الَّذِي سَمِعْتُ صَوْتَهُ يُبَشِّرُنِي، نَزَعْتُ لَهُ تُوبَةً، فَكَسَوْتُهُ إِيَّاهُمَا بِبِشْرَاهُ، وَاللَّهِ مَا أَمْلِكُ غَيْرَهُمَا يَوْمَئِذٍ، وَاسْتَعَزْتُ تُوبَتَيْنِ فَلَيْسَتْهُمَا، وَانْطَلَقْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَيَتَقَفَانِي النَّاسُ فَوْجًا فَوْجًا يُهَنُّونِي بِالتُّوبَةِ، يَقُولُونَ: لَيْتَ هَكَذَا تُوبَةُ اللَّهِ عَلَيْكَ، قَالَ كَعْبٌ: حَتَّى دَخَلْتُ الْمَسْجِدَ، فَإِذَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسٌ حَوْلَهُ النَّاسُ، فَقَامَ إِلَيَّ طَلْحَةُ بْنُ عُبَيْدٍ اللَّهُ يَهْزُلُونَ حَتَّى صَافَحَنِي وَهَنَانِي، وَاللَّهِ مَا قَامَ إِلَيَّ رَجُلٌ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ غَيْرُهُ، وَلَا انْشَاها لَطْلَحَةً، قَالَ كَعْبٌ: فَلَمَّا سَلَّمْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَبْزُقُ وَجْهَهُ مِنَ السَّرُورِ: أَبْشِرْ بِخَيْرٍ يَوْمَ مَرَّ عَلَيْكَ مِنْذُ وَلَدْتُكَ أُمُّكَ، قَالَ: قُلْتُ: أَمِنْ عِنْدَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَمْ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ؟ قَالَ: لَا، بَلْ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ. وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَرَّ اسْتَنْزَارَ وَجْهَهُ حَتَّى كَانَتْهُ قِطْعَةً قَمَرٍ، وَكُنَّا نَعْرِفُ ذَلِكَ مِنْهُ، فَلَمَّا جَلَسْتُ بَيْنَ يَدَيْهِ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ مِنْ تُوْبَتِي أَنْ أَتَخَلَّعَ مِنْ مَالِي صَدَقَةً إِلَى اللَّهِ وَإِلَى رَسُولِ اللَّهِ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَمْسِكْ عَلَيْكَ بَعْضَ مَالِكَ، فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ. قُلْتُ: فَإِنِّي أَمْسِكُ سَهْمِي الَّذِي بِخَيْرٍ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ اللَّهَ إِنَّمَا تَجَانِي بِالصَّدَقِ، وَإِنْ مِنْ تُوْبَتِي أَنْ لَا أَحْدَثَ إِلَّا صَدَقًا مَا يَقْبَلُ. فَوَاللَّهِ مَا أَعْلَمُ أَحَدًا مِنَ الْمُسْلِمِينَ أَيْلَاءَ اللَّهِ فِي صَدَقِ الْحَدِيثِ مِنْذُ ذَكَرْتُ ذَلِكَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَحْسَنَ مِمَّا أَتْلَايَ، مَا تَعَمَّدْتُ مِنْذُ ذَكَرْتُ ذَلِكَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى يَوْمِي هَذَا كَذِبًا، وَإِنِّي لَأَرْجُو أَنْ يَحْفَظَنِي اللَّهُ فِيمَا بَقِيتُ، وَأَنْزَلَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: {لَقَدْ تَابَ اللَّهُ عَلَى النَّبِيِّ وَالْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ} إِلَى قَوْلِهِ: {وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ} [التوبة: 117 - 119]، فَوَاللَّهِ مَا أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيَّ مِنْ نِعْمَةٍ قَطُّ بَعْدَ أَنْ هَدَانِي لِلْإِسْلَامِ، أَعْظَمَ فِي نَفْسِي مِنْ صَدَقِي لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَنْ لَا أَكُونَ كَذِبُهُ، فَأَهْلِكَ كَمَا هَلَكَ الَّذِينَ كَذَبُوا؛ فَإِنَّ اللَّهَ قَالَ لِلَّذِينَ كَذَبُوا -جِئْنِي أَنْزَلَ الْوَحْيَ- شَرًّا مَا قَالَ لِأَحَدٍ، فَقَالَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: {سَيَخْلِفُونَ بِاللَّهِ لَكُمْ إِذَا انْقَلَبْتُمْ} إِلَى قَوْلِهِ: {فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَرْضَى عَنِ الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ} [التوبة: 96]. قَالَ كَعْبٌ: وَكُنَّا تَخْلَفْنَا إِيَّاهُ الثَّلَاثَةَ عَنْ أَمْرِ أَوْلَيْكَ الَّذِينَ قَبِلَ مِنْهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ خَلَفُوا لَهُ، فَبَايَعَهُمْ وَاسْتَغْفَرَ لَهُمْ، وَأَرْجَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمْرَنَا حَتَّى قَضَى اللَّهُ فِيهِ، فَبِذَلِكَ قَالَ اللَّهُ: {وَعَلَى الثَّلَاثَةِ الَّذِينَ خَلَفُوا} [التوبة: 118]، وَلَيْسَ الَّذِي ذَكَرَ اللَّهُ مِمَّا خَلَفْنَا عَنِ الْعَزْوِ، إِنَّمَا هُوَ تَخْلِيفُهُ إِيَّانَا، وَإِرْجَاؤُهُ أَمْرَنَا عَنْ خَلْفٍ لَهُ. وَاعْتَذَرَ إِلَيْهِ فَقَبِلَ مِنْهُ.

الراوي : كعب بن مالك | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 4418 | خلاصة حكم المحدث [صحيح]

Шу оятдан кейин, биродарлар,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ
Тавба сураси 119 оят

Эй имон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва содиқлар билан бирга бўлинглар! деган оят нозил бўлди. Содиқлик, инсонни шу даражага олиб чиқади.

Маҳалланглар билан бирга бўлинглар демаяпди, Аллоҳу таоло. Ё Қариндошинглар билан бирга бўлинглар, демаяпди. Албатта, маҳалла билан ва қариндошлар билан бирга бўлишлик, яхшилигида шак шубҳа йўқ. Лекин, содиқ бўлса, бирга бўлиш керак! Содиқлар билан бирга бўлинглар деяпди, Аллоҳу таоло.

Агар ер юзида, биз танимаган битта содиқ бўлса, мана шу билан, бирга турмоғимиз керак! Мана шу одамнинг сўзи ҳақ деб, турмоғимиз керак! Аллоҳнинг буйруғи шундай! Аллоҳ шундай одамга, албатта нажот беради.

Каъб ибн Молик айтдиларки, ҳеч бир мусулмонга, шу ерда ёлғон сўзлаб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан қутулиб қолган одамга, нозил қилган ёмонликчалик, ёмонликни ҳам, нозил қилмаган. Ёлғон қасам ичиб, қутулиб қолганлар ҳақида мана бу оятлар нозил бўлганди.

سَيَخْلِفُونَ بِاللّٰهِ لَكُمْ إِذَا انْقَلَبْتُمْ إِلَيْهِمْ لِتُعْرِضُوا عَنْهُمْ فَأَعْرِضُوا عَنْهُمْ إِنَّهُمْ رَجِسٌ وَمَا وَهُمْ جَزَاءٌ بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ
Тавба сураси 95 оят

Аллоҳ номига қасам ичишади. Сиз булардан юз ўгиришлигингиз учун. Яъни., сиз уларга жазо бермаслигингиз учун, ёлғон қасам ичишади. Сиз улардан юз ўгиринг. Улар нопок инсонлар деди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир, улар касб қилган амаллари учун, деди.

يَخْلِفُونَ لَكُمْ لِتَرْضَوْا عَنْهُمْ فَإِنْ تَرْضَوْا عَنْهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَرْضَىٰ عَنِ الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ
Тавба сураси 96 оят

Сизларни рози қилишлик учун, қасам ичишади улар. Сизлар рози бўлсанглар ҳам, Аллоҳ бундай фосиқ одамлардан рози бўлмайди, деган оят тушди.

Мана бу ҳадисни биз бир ўйлаб кўрмоғимиз керак, биродарлар. Биринчидан, инсонга бериладиган неъмат, қанчалик катта бўлса, унинг устидаги имтихон ҳам, шунчалик қаттиқ бўлади. Каъб ибн Молик Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидаги, улуғ саҳобалардан эди. Бир гуноҳ қилгандилар, унинг тавбаси Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ваҳй бўлиб, Нозил бўлди. Ва қиёматгача, қуръони каримда тиловат қилиниб қолди, мана!

Шундан биз хулоса чиқарайликки, инсон бир хато қилганда, ўртага бошқалар тушиб бошлайди. Унга нисбатан зарар етказишликда, ундан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шу вақтда биз, тақвони қўлдан бермаслигимиз керак. Шу вақтда биз, имтихонни бошқа босқичи келаётганлигини, ҳис қилмоғимиз керак. Мана саҳобаларнинг қанчалик тавба қилганлигини, мана бу ҳадисдан, ўзимизга бир хулоса чиқариб олайлик!

Ҳозирги вақтда оилавий ҳаётимизда, жуда кўп ажралишликлар бўлаяпти. Бу гарчи, мусулмонлар оилаларида бўлаётган бўлса ҳам, бунинг масъулияти Исломнинг елкасига тушмайди. Чунки, ҳозирги оила қурган кишиларнинг ҳаммаси, Исломни ҳаётдан четлатган тузумда, яшаб келишди ва яшашмоқда. Шунинг учун, ҳаётда Исломнинг кўринмаслиги, ва аёллар тарбияси исломий бўлмаганлиги ва эрларнинг тарбияси исломий бўлмаганлиги натижасида, кўп жудоликлар вужудга келаяпти. Тавбага тааллуқли бўлганлиги учун, талоқ ҳақида, икки оғиз гапирмоқчиман.

Талоқ ҳақида

Талоқ нима? Талоқ, никоҳ боғловини ечиб ташлашликдир. Никоҳ, эр ва аёл ўртасидаги турмуш боғланишлигидир. Оила боғланишидир. Аёл тарафидан ўзини бағишлаш ва эр тарафидан қабул қилишлик билан, икки мўмин гувоҳлигида, оила боғланади. Ўртада албатта, маҳр шарт қилинади. Мабодо маҳр зикр қилинмаса, маҳр мисл лозим бўлади. (Урфда юриб турган, маҳрни бериш лозим бўлади) Шу никоҳ боғловини ечишни, талоқ дейилади. Талоқнинг турларига тўхталиб ўтмоқчиман.

1. Вожиб талоқ. (Қози тарафидан аёлга талоқ берилади ва эр хотин ажратиб юборилади)

Бу ийло қилишликда бўлади. (Ийло, эр аёлига яқинлашмасликка, қасам ичиб қўйишидир.)

لِّلَّذِينَ يُؤْلُونَ مِن نِّسَانِهِمْ تَرَبُّصُ أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ فَإِنْ فَاءُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ

Бақара сураси 226 оят

Аёлларидан ийло қилган кишилар, тўрт ой кутади. Агар қайтсалар, Бас. Аллоҳ кечирувчи ва Раҳмлидир.

Масалан эр аёлига. Мен сен билан яқинлашмайман умрбод деса, ёки, бошқа узун муддатни (беш йил ё ўн йил деб) айтса, ва шу муддат ичида, эр никоҳни давом эттиришдан бош тортса, Қози тарафидан бу аёлни талоқ хати ёзиб берилади. Тўрт ой ўтгач, талоқ бўлади. (идда ўтириб, кейин, бошқа эрга чиқиб кетаверади) Бу вақтда, тўрт ойдан илгари талоқ бўлмайди, деб, эрнинг айтишликка ҳаққи йўқдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аёлга зулмни раво кўрганмас. Шунинг учун, тўрт ойдан кейин, аёл талоқ бўлади.

Ёинки, баъзи уламолар фикрида, эр хотинни турмуши яхши бўлмаса, эр ва хотин тарафидан ҳакам тайинланади. Иккаласи шу ўртани, ислоҳ қилишликка ҳаракат қилади. Шунда, шу иккаласи ҳаракат қилишса ҳам, ораси ислоҳ бўлмаса, улар бу иккаласи бирга яшай олмайди, буларнинг бирга яшаши, бир бирига зулм бўлади деган, хулосага келсалар, унда, буларни Қози тарафидан ажратиб, юборилади.

وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَأَبْعَثُوا حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِ وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا إِصْلَاحًا يُوَفِّقِ اللَّهُ بَيْنَهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا خَبِيرًا

Нисо сураси 35 оят

Мана бу оятда, ҳакам тайин қилишликни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга таълим берди.

(Қисқа изоҳ: Қори ака вожиб талоққа доир мисолни, қисқа зикр қилиб ўтганлар. Бунга кирадиган бошқа ҳолатлар ҳам бор. Масалан, эрини ном нишонсиз кетиши. Ёки, асир бўлиб қолиши ва аёлини нафақасиз ташлаб кетиб қолиши ва шунга ўхшаш сабабларга кўра ҳам, Қози тарафидан аёлга талоқ берилиши мумкин.)

2. Мустаҳаб талоқ. Бу талоқ мустаҳаб, талоқ қилишлик яхшироқ ва савоблироқ бўлади.

Масалан, Аллоҳнинг ҳақларига аёл сусткашлик қилса, намоз, рўза ва бошқаларга сусткашлик қилса, бу аёлни мажбурлаш иложи йўқ бўлса, талоқ қилган яхши. Ёки, бу аёл шаръан покиза бўлмаса, яъни, ҳаёсиз бўлса, шаръан уни покиза деб, бўлмайди. Шундай пайтда ажралишлик, мустаҳаб ҳисобланади.

3. Мубоҳ талоқ. Бу рухсат берилган талоқ. Масалан, эрни хулқи аёлга нисбатан ёмон. Ёки, аёлни хулқи, эрга нисбатан ёмон. Бунда, хоҳласа ажрашади. Хоҳласа, сабр қилиб яшайди.

4. Макруҳ талоқ. Бесабаб, талоқ қилишлик. Баъзилар буни ҳаром дейишган. Баъзилар макруҳ дейишган.

5. Ҳаром талоқ. (Мамнуъ талоқ ёки бидъий талоқ) Бу (аёлни, ҳайзи келиб турган пайтида, тозаланмас олдин,) узрлик пайтида талоқ қилишлик. Аёлни узрлик ҳолатида талоқ қилишлик, ҳаромдир! Кимда ким, узрлик ҳолатида, аёлни талоқ қилса, Аллоҳга осий бўлди, дейишади. Талоқ қилишда, муддатни кутишлик шарт.

Ҳозирги вақтда, ниҳоятда тилига полвон бўлган кишилар, пайдо бўлган. Ота оналари ҳам, молу давлатига фахрланган. Бошқатдан уйлаб қўяман дейдиган. Мана булар билиб қўймоқликлари лозимки, узрлик ҳолатида, аёлни ким талоқ қилса, Аллоҳга осий бўлибди. Бу бидъий талоқ. Бидъат ишни қилибди. Талоқ қилмоқчи бўлса, ҳайздан покланишини кутиб туриши шарт. Покиза бўлгач, тегинмасдан туриб, талоқ қилади. Ислоннинг бу ҳукми биродарлар, жуда бир ҳассоски, Буни яхши тушунтиришга, одам муҳтож бўлади. Покиза бўлгунча кутиб туришлик билан, ўзининг тезлигидан тушиб қолади, одам. У покиза бўлиши билан, ўзини турмушини давом эттиришга, тайёр бўлади. Бу вақтда унинг фикри ўзгариб қолади. Агар поклангандан кейин, яқинлик қилса, талоқ қилиб бўлмайди. Яна узрлик ҳолат келгунча, кутиши керак. Кейин, узрлик ҳолатдан покланишини кутишлик керак. Шу позиция ҳолатида, қўшилмасдан туриб, талоқ қилишга мажбурдир. Агар, Ислоннинг ҳукмини қабул қиламан деса?! Агар шунга риоя қилса, талоқ қилишлик жуда кам бўлади, биродарлар.

Масжидимизга кўп киши, уч талоқ масаласини сўраб келишади. Уларга жавобимиз шуки, икки талоқча илмим етади. У ёғига илмим етмайди, деб, жавоб берамиз. Уч талоқдан кейин, аёл бошқа турмуш қуриб, у турмушида ҳаёт кечириб, у турмуши давом этмай ажралиб қолса, шунда яна, ўзининг аввалги эрига никоҳланиши мумкин!

Ўзларини олим санаган одамларнинг, талоқ ҳақида бир шубҳаси бор. Уларнинг шубҳаси шундан иборатки, аёл киши уйда покиза ўтирса, эрига ва фарзандларига овқатлар тайёрлаб турса, ё ҳомиладор бўлиб, яқинда фарзанд кўриши ҳақида фикрлаб турса, ёинки, туққан фарзандини боқишлик билан оввора бўлиб турсаю, эр кишининг оғзидан талоқ сўзи, унинг йўқлигида чиқиб кетган бўлса, ёки талоқ сўзи ёзилган бир хатни, биров олиб келсаю, шу билан уй бузилиб кетаверса, бу нарса буларнинг ақлига тўғри келмай қолаяпди. Наҳотки, шу билан шу оила бузилиб кетади, деб, шубҳа қилишяпти.

Биродарлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни яратди. Мўминнинг сўзини, ниҳоятда эътиборлик қилди. Мўминнинг оғзидан чиққан сўзини, ҳужжат деди. Уни мукаррам қилиб, ҳурматлади. Шунинг учун, иккита гувоҳ олдида, аёл тарафидан бўлган, ўзимни бағишладим, деган сўз, ва эр тарафидан, қабул қилдим деган, сўз билан, оила барпо бўлди деб, эътибор қилди.

Унинг бир оғиз сўзи билан, илгариги ҳаром бўлган эр ва аёл муносабатлари, Ҳалол бўлди. Оила вужудга келди. Мана шуни эътибор қилган Ислон, унинг оғзидан чиққан, талоқ сўзини ҳам эътибор қилди. Инсон оғзига нима келса, гапириб юрса, уни эътибори йўқ қилмади. Аввалги сўзини эътибори борлигини билармиди? Демак, ажралиш сўзини ҳам, эътибори борлигини яхши билсин! Бўлмасам, у оила қуратётгандаги қабул қилдим, деган сўзини ҳам, эътибога олмасин! Ундай қилмайди. Ислон, мўминнинг оғзидаги сўзни, ҳужжат деб, эътибор қилди. Уни ҳайвоннинг ортидан чиққан ел, демади. Кейин, ҳар куни уни талоқ қилиб, яна бирга яшаб юрган эрни олдида, яшашдан маъно нима?! Бунақа хорланиб яшашликни, Ислон аёлга раво кўрмади. Аёлни эзозлаган Ислон, уни хорланишига рози бўлмади.

Мана бошқаларда, эр билан хотин келиб, битта қоғозга қўл қўйса, битта чизиқни оила қурилди деб, эътибор қилиняпдию?! У бир чизиқ у! Керак бўлса, у қоғозни ҳожатхонада ишлатиб юборса ҳам, бўлаверади. Буни, шунчалик эътибори бўлаяпдию?! Демак, мўмин одамнинг оғзидан чиққан сўзни, Ислон шунақа эътиборлик қилди. Бунга бир мисол.

Умар ибн Хаттоб даврида, Форс лашкари қўмондони Ҳурмузонни асир қилиб, олиб келишди. Уни Форс лашкарининг энг катта қўмондони экани, маълум бўлсин деб, тожини кийдириб олиб келишди. Умар ибн Хаттоб қўлида дарраси билан, қумда ухлаб ётарди. Шунда, Ҳурмузон, Умар қани? Саройи қани? деди. Ҳов ану дарахт тагида ухлаётган киши, дейишди. Шунда, адолат қилибдики, бемалол ухляпди экан, деди.

Бу ҳам ақли билан билдики, бир одам, қумда, дарахт остида қўриқчисиз ухлашлик учун, ҳаёти бўйи адолат қилиб яшаши керак. Тушунсангиз бу катта роҳат. Бемалол дарахт тагида ухлашлик учун, бутун умри адолат қилганига яқин ишонч ҳосил қилган одамгина, ухлай олади. Шунда, унинг олдида Ҳурмузонни олиб келишди. Ҳурмузон қатл қилиниши керак эди. Чунки, у кўп мусулмонларни қатл қилганди. Шунда нима истайсан? деганда, сув сўради. Бир сопол идишда сув олиб келишди. Бу идишда ичмайман. Тузукроқ идишда ичайин деди. Хоҳлаган идишида сув беринглар дедилар. Сувни олиб келганда, қўлида сувни ушлаб, қалтиради. Шунда, Умар ибн Хаттоб шу сувни ичгунингча, сенга зарар етмайди, бемалол ичавер, дедилар. Шунда, Ҳурмузон қўлидаги идишни, сувини ичмасдан, ерга ташлаб юборди.

Шунда Умар ибн Хаттоб бошқа сув келтиринглар деди. У бўлди ичмайман. Ўлимдан қутулдим деди. Шунда, қандай қутуласан? Наҳотки, шунча мусулмонни қатл қилган киши, мендан қутуладими? дедилар. Бўлди, ўзинг омонлик бердингку, деди. Шу сувни ичгунингча сенга зарар етмайди, дединг. Мен у сувни ичмадим, деди. Мен қутулдим, деди. Умар ибн Хаттоб саҳобаларга қараб, мен шунга омонлик бердимми? дедилар. Шунда, саҳобалар, Ислоннинг ашаддий душманига, ҳа, омонлик бердингиз, дедилар.

Оғизларидан чиқиб кетган сўзни эътиборга олиб, қатл қилинишлиги муқаррар бўлган одамни, озод қилиб юбордилар. Мўмин кишининг оғзидан чиққан сўзни, Ислон шунчалик эътибор қилади, биродарлар. Агар оғзидан чиққан сўзнинг эътибори бўлмаса, Ислондан бошқаларнинг йўлида бўлади, биродарлар. Мўмин кишининг оғзидан чиққан сўзни, Ислон шунчалик эътибор қилади, биродарлар. Шунда айтдиларки, мен алданибман, энди мўминга алданай, дедилар. Шунда, у имон келтирди. Бу битта мисол бу. Бунга ўхшаган мисоллар, Ислон тарихида жуда кўп.

Шунинг учун ҳам, талоқ сўзини эътиборга олмаётган одамлар, инсоннинг сўзини эътибори бўлмаслигини, хоҳлаётган одамлардир. Йўқ, Ислон бунга рози бўлмайди! Ислон. Мўминларнинг сўзини, эътиборга олади. Бир одам, Ислонга душман бўлиб юрган бўлса, ўзининг ихтиёри билан келиб, ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадар Расулуллоҳ деса, бир умр душман бўлиб юрган одамларнинг, умрбод дўстига айланади, шу битта сўзи билан! Мана бу нарсани билиб қўймоғимиз керак, биродарлар!

(Шу ерда қисқа, савол жавоблар бўлган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм талабида юрганларга, фойдалиқ илм берсин!
Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга, тавбаи насуҳ қилишликка тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, гуноҳларимизни мағфират қилсин ва ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беморларга, шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни, давомли қилсин! Амал қилишликка тавфиқ берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

56 дарс тугади.

57 Дарс

Рамазон рўзаси ҳақида

(Бу дарсда Ислом асосларидан бўлган, Рамазон ойида рўза тутишлик мўминларга фарзлиги баён қилинади. Рўзанинг тутганларга бериладиган мукофотлар ва тутмаганларга бериладиган жазолар баён қилинади. Рамазонга қарши кимсалар иддаоларига раддиялар берилади. Рўза тутмасликка узри бор шахслар кимлиги тушунтирилади. Хуллас, рўзага доир ҳукмлар, муфассал баён қилинади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган махлуқларининг ичида инсон, ҳаммасидан энг мукаррами ҳисобланади. Уларнинг ичида, афзаллари мўминлардир. Мўминлар ичидан Набиларни танлади. Набилардан Расулларни танлади. Расуллар ичидан Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, афзалул русули вал анбиё қилиб, яратди. Ҳар нарсанинг афзалларини биз ўтган дарсларимизда, баён қилиб ўтдик. Шунингдек, ойларнинг ичида ҳам Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рамазон ойини, энг афзал ой қилиб, яратди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шаъбон ойи кирса, эй одамлар, сизларга бир ой келдики, у сизларга, бир ойни олиб келади. Бу ой рамазон ойи. Бу ой улуғ ой. Бу ойда бир кеча борки, минг ойдан афзалдир, деб, огоҳлантирардилар.

Биз ҳам, бугунги шаъбон ойида бўлаётган дарсимизда, рамазони шариф яқинлашиб қолгани муносабати билан, ҳаммани муборакбод қилиб, огоҳлантиришлик, дарсимизнинг мавзуси бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рамазонни ҳижратнинг иккинчи йилида фарз қилди. Намоздан кейин, Рамазони шариф фарз қилинди. Чунки, рўза тутишлик, инсондан кучлироқ имонни талаб қиларди. Емоқ, ичмоқ, ва шаҳватидан тийилмоқ учун, инсонда имоннинг мустаҳкам бўлишини талаб қилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рамазони шарифни рўзасини фарз қилишдан мақсадни, қуръони каримда, баён қилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

Бақара сураси 183 оят

Эй имон келтирган кишилар, сизларга рўза фарз қилинди, тақво ҳосил қилишларингиз учун!

Тақво, дунёю охиратнинг саодати бўлган ва инсонунинг жинни яратилишидан асосий мақсад бўлган, Ибодатни бажаришликка сабаб бўлувчи, энг кучли омилдир! Тақвони ҳосил қилишлик, мўмин кишининг дунёю охиратининг саодати бўлган, Ибодатни бажаришликка, қулай шароит яратиб беради. Бизнинг қалбимиздаги моддий фалсафа қолдирган заҳарлар, ҳали йўқолиб кетган эмас. Рамазони шарифдек, буюк ибодат ойини, моддий фалсафа, маъносиз бир нарса қилиб, кўрсатишга уринган.

Лекин, Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, мана шу ерда ўтирганлар, бир кун ҳам, Рамазони шариф мақталган жойда, таълим олишганмас. Аллоҳга шукрлар бўлсинки,

الحق يعطو ولا يعلى عليه، فالباطل لا يعطو على الحق أبدًا
(Бу бир мақол бўлиб, ҳадис дейилмаган)

Ҳақ ғолиб бўлади, ҳақ устига ботил ҳеч қачон олий бўлмайди.

Мана бу рўзанинг фарзлигини билиб туришлигимиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг катта неъматидир бу!

Рамазони шарифни масхара қилувчилар, ўзларининг ақлларича, ўзларининг деб айтаман, баъзи бир далилга ўхшаган, нарсалар келтиришга ҳаракат қилишади. Ғаразғўйлик билан гапиришади. Рамазони шарифни ва маълум бир муддат, емоқ, ичмоқ, ва шаҳватидан тийилмоқликни инсон жасадига, оғирлик қиладиган юк деб, исботламоқчи бўлишади. Хусусан табиблар, буни овқатланиш тартибини ва ухлаш тартибини бузишлик деб, тушунтирмоқчи бўлишади. Улар ё тушунишмайди, ё ғаразғўй одамлардир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаётдаги фазилатни, емоқ, ичмоқ, ва шаҳватидан тийилмоқлик ва мазза қилиб ухлашликнинг, қарама қаршиси асосига, барпо қилди. Ҳаётни текшириб кўрсангиз, ҳамма фазилат, инсон ўзининг жасадининг эҳтиёжига қарши чиқиши ҳисобига, вужудга келган. Одамларга кўп манфаат етказган кишиларнинг тарихини қаралса, ҳаммаси шу овқатланиш тартибини ва ухлаш тартибини бузган одамлардангина, содир бўлган. Аммо, ўзининг роҳатини ўйлаб, овқатланиш тартибини ва ухлаш тартибини бузмай яшаган одамлардан, бирор инсон фойда топган эмас. Ундан ташқари, сон саноксиз одамлар, оддий мақсадлар учун, ҳар куни, овқатланиш тартибини ва ухлаш тартибини бузиб яшайди. Биз буни табибни ўзини мисолида айтаман.

Агар у ўзини касби бўйича, одамларга манфаат етказмоқчи бўлса, овқатланиш ва ухлаш тартибини бузгандагина, бошқа одамларга манфаат етказа олади. Жарроҳлик курсида ўтирган бўлса, бу ҳам маълум бир вақтларни олади. Унинг овқатланиш вақти ўтиб кетади. Ухлаш вақтлари ҳам, ўтиб кетиши мумкин. Шундагина, у жарроҳликка муҳтож бемор учун, бир манфатлик иш, қила олади. Агар у овқатланиш ва ухлаш тартибини бузмайдиган бўлса, жарроҳлик амалиётини, овқат пайтида тўхтатишлиги керак бўлади. Сон саноксиз одамлар, уйку тартибини ҳар куни бузишади. Улар посбонлик ёки, кўриқчилик қиладиган жойда, ҳар ойда икки ё, уч марта, ухлаш тартибини бузиб туришади. Нима учун, бизга ўзларича меҳрибонлик қилаётган одамлар, фақат рамазони шарифда, ухлаш тартибини бузишга қарши бўлишади? Нима учун, фақат Рамазон ойидаги, овқатланиш тартибини бузишга қарши бўлишади? Улар сезмаган ҳолда, ўзлари ичиб олган даҳрийлик заҳарининг таъсиридангина, шу Рамазондаги ухлаш тартибини бузишга ва овқатланиш тартибини бузишга, қарши бўлишади. Ёинки, улар бу заҳарни, бошқага ҳам ичирмоқчи бўлиб, қаршилиқ қилишади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизнинг жасадимизни, мукаммал қилиб яратди. Инсонни, ухлаш тартибини бузиши билан, ногирон бўладиган қилиб яратмади. Овқатланиш тартибини бузиши билан, ногирон бўладиган қилиб яратмади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизнинг жасадимизни, Рух ғолиб бўлганда, роҳат қилиб яшайдиган ва ҳаётнинг ҳамма фазилатини, қўлга келтиришлик, жасад эҳтиёжига ғалаба қилишлик бўлгандагина, вужудга келадиган қилиб яратди. Ва бизга, рўзани фарз қилди. Шу билан биз, жасад эҳтиёжига ғалаба қилишликни ўрганамиз. Шу билан бирга, ўн бир ой ичида, бирор бир фазилатни қўлга келтириш билан, овқатланиш турган вақтида, ёки, бирор бир фазилатни қўлга келтириш билан, ухлашлик ва ёинки, жинсий шаҳват рўбарўмизда турган вақтда, биз бу фазилатни қийналмасдан қўлга келтирамиз. Жасад эҳтиётларига, ғолиб бўла оламиз. Чунки, биз рўзада, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга берган дарсини, ўтаб олган эдик.

Аммо, ўзларининг жасади эҳтиёжини, бировнинг манфаатидан устун кўрганлар, бошқа мавжудотларга ўхшаган бўлиб, бировнинг манфаатидан ўзларининг жасади эҳтиёжини, устун кўришади. Балки, бировга манфаат етказишликни, нодонлик деб, билишади. Даҳрийларнинг пешволари ҳам, бировларга ўзларича манфаат етказишлик учун, ўзларининг жасад эҳтиётларидан кечиб, шу ишларни қила олади. Ҳаётда, овқатланиш ва ухлаш тартибини бузмаган инсондан, инсониятга бирорта манфаат келган эмас.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни, шу жасадимизга қул бўлиб қолмаслигимиз учун, рўзани фарз қилган бўлса керак? Валлоҳу аълам! Биз бу келтирилган ақлий далилга суяниб, рўза тутмаймиз. Роббимиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан фарз қилинган амал деб, рўза тутамиз. Шайтоннинг инсонда юрадиган йўли қон йўлидир. Шу қон, ёмоқ ва ичмоқдан вужудга келади.

إِنَّ الشَّيْطَانَ يَجْرِي مِنَ ابْنِ آدَمَ مَجْرَى الدَّمِ
خلاصة حكم المحدث : صحيح | التخریج : أخرجه مسلم

Шайтон қон йўлида, жорий бўлади, (оқиб юради) дедилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Демак, ёмоқ ичмоқ, жасадга қон бўлади. Ҳадисдаги Жаро калимаси диққатга сазоворки, чопиб юради. Шайтон инсон фарзандининг, қони юрган йўлидан, ниҳоятда тез, жорий бўлиб юради. Демак, ёмоқ ичмоқдан, жасадда қон вужудга келар экан. Биз шайтоннинг чопиб юрадиган йўлни, жиндай торлаштириб қўймоғимиз керак! Маълум соат, ёмоқ ичмоқдан тийилишлик билан, шайтоннинг чопиб юрадиган йўли, торая бошлайди. Шайтон юриши қийинлаша бошлайди. Бизда тақво сифати пайдо бўладида, дунё ва охират саодатига сабаб бўладиган ибодатларни биз, қийналмасдан бажараверамиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандаларга, қийинчиликни раво кўрмайди.

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ ۚ فَمَن شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ ۖ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ ۗ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ
Бақара сураси 185 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу фарз амаллар билан, сизларга осонликни ирода қилади. Қийинчиликни ирода қилмайди. Бизга рамазонни фарз қилишлиги билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло енгилликни ирода қилди, машаққатнимас. Рўза тутган киши ҳаётда, эркин бўлиб яшайди. Жасадининг эҳтиёжига қул бўлмайди. Улар Рамазонда озиб кетишликни, бизга хужжат қилмоқчи бўлишади. Ҳар бир одам ўзининг дунёқарашидан келиб чиқиб, фикрлайди. Инсон ким? Исломиий дунёқарашда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган мукаррам махлуқдир. Нима учун яратилинган?

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ
Зориёт сураси 56 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсону жин тоифасини, Ўзигагина ибодат қилишлик учун, яратди.

Бу ибодатни бажариш учун, баъзи амалларни фарз қилган. (Фарз амални, холис Аллоҳ учун қилиш) Бу амалларни бажаришлик билан, мўмин одам, бутун ҳаётини ибодатга айлантириб олишлиги мумкин. Лекин, дунёга фақат семиришлик учун, келганмиз деган, дунёқараш эгасига, Рўза тутишлик, албатта нотўғри нарсаси, ҳисобланади. Ундан бошқа нарсалар ҳам, нотўғри бўлади. У бир холи жойга кириб, еб ётавериши тўғри бўлади, халос. Инсоннинг ҳаёти, дунёқараш асосига қурилган бўлади. Мўмин киши ўзининг ҳаётини, Исломи дунёқараш асосига қуради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга рўзаларни, суннатга мувофиқ тутишга тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу оят билан, рўза тутишликни фарз қилди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ
Бақара сураси 183 оят

Эй имон келтирган кишилар, сизларга рўза фарз қилинди. Сизлардан илгариги кишиларга фарз қилинганга ўхшаган, шоядки тақво қилсангизлар.

Бу умматга рўза тутиш фарз қилинди, худди, ўтган умматларга фарз қилинганга ўхшаган. Рамазондами ё, бошқа ойда, бу оятда, айтилмаган. Ўтган умматларга ҳам, рўза фарз бўлган, қайси ойда бўлса ҳам. Бу умматга Рамазонда рўза тутишлик фарз қилинди. Тақво ҳосил қилишингиз учун. Рамазон рўзаси ҳижратнинг иккинчи йилида фарз қилинди. Рўза тутиш рамазон ойида, фарз бўлди. Ким сафарда бўлса, ё касал бўлса, бошқа кунларга кўчиришга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рухсат берди. Рамазони шарифда, сафарда бўлиб қолса, шу кунларда рўза тутмасдан, бошқа кунларда тутишга рухсат берди. Касаллар ва ёки, қариб қолган кишиларга, (рўзани ҳар кунига) бир мискинни тўйдириш шарти билан, рўзани соқит қилди. То қувватга киргунча. (Ёки, касалдан тузалгунча) Лекин, рўзани тутганларнинг яхшироқдир деб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баён қилиб қўйди. Демак, бир киши, шайхи фоний, ёши улуг киши, рўзани тутишга қийналадиган бўлса, фидя беришлик билан, рўза ундан соқит бўлади. Агар ҳомила аёл, ўзининг ҳомиласидан қўрқса, рўзани бошқа вақтга кўчиришга рухсат берди.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

كُلُّ عَمَلِ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصَّوْمَ، فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ، وَلِخُلُوفِ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳу таолодан ривоят қилиб айтдилар: Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, рўзадан бошқа. Яъни, ўзи учун манфаати бор. Намозни кўп манфаати бор. Таҳорат қилиб, покиза бўлади. Ва бошқа манфаатлар кўп. Закот берса, закотни олган одамлар, ҳурмат қилади. Шунга ўхшаган манфаатлар бор. Рўзада, инсон емоқ, ичмоқ ва шаҳватидан ўзини тияди. Кўриниб турган нарсаси шу. Унинг ҳақиқати маълум бўлмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло банданинг бу амалини, сир қилиб қўйди.

كُلُّ عَمَلِ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصَّوْمَ، فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ

Рўза менинг учундир, деяпти, Аллоҳу таоло.

Инсоннинг бунда билишлик улуши йўқ, биродарлар. Рўзада, инсон емоқ, ичмоқ ва шаҳватидан ўзини тийишликни кўради. Бу бажарилаётган амал, Маъбуднинг буйруғи учун бўлади. Мана бу, ўзининг жасад муҳабатидан, Маъбуднинг муҳаббатини олий кўришликдир.

Жасад муҳабати, емоқ, ичмоқ ва шаҳватини қондирмоқликдан иборатдир. Бундан ҳосил бўлган рўзанинг ҳақиқати, бу сирлигича қолган.

كُلُّ عَمَلٍ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصَّوْمَ، فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ

Рўза менинг учундир ва унинг мукофотини Ўзим бераман, деяпди, Аллоҳу таоло.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم في الحديث الصحيح: (الصيام جُنَّةٌ؛ وإذا كان أحدكم صائماً فلا يرفث ولا يجهل، فإن امرؤ قاتله، أو شاتمه: فليقل: إني صائم، إني صائم).. رواه أبو هريرة كما في سنن أبي داود

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Рўза қалқон, дедилар. Жаҳаннам ўтидан қалқондир. Маъсиятлардан қалқондир. Рамазони шарифда, маъсият бозори касод бўлади. Рамазони шарифда, кофир жинлар ва шайтонлар кишанланади. Демак, бир киши рамазонда ҳам, гуноҳ ишни қилаётган бўлса, билинги, бунинг узри қолмади. Шайтон йўлдан урди, дея олмайди. Маъсиятга буюрадиган ёмон жинлар ва шайтонлар кишанланганда ҳам, гуноҳни қилаётган одам, энди ўзи қилаётган, ёмон одам ҳисобланади. Чунки, у шайтонга тўнкаёлмайди. Ўзини синаб кўринг. Рамазонда сиз гуноҳлардан тийилмадингизми? Демак, ўзингиз сабабчисиз, бу гуноҳларга! Рўза шайтоннинг ёмонларидан ҳам қалқондир.

وإذا كان أحدكم صائماً فلا يرفث ولا يجهل،

Сизлардан ким рўзадор бўлса, фаҳш сўзларни гапирмасин ва шовқин сурон қилмасин!

فإن امرؤ قاتله، أو شاتمه: فليقل: إني صائم، إني صائم

Агар биров у билан сўкишмоқчи ё, уришмоқчи бўлса, мен эрталаб, Роббимга аҳд қилиб, емоқ, ичмоқ, шаҳват, ва жасад шаҳвати, сўкиш ва уришдан, ўзимни тийишга аҳд берганман, денг. Мени узрим бор, денг. Рўзадор киши, емоқ, ичмоқ, шаҳват, ва жасад шаҳвати, сўкиш ва уришдан ўзини тийишга, Аллоҳга аҳд берган, кишидир. Буни қисқа қилиб, мен рўзадорман, десин.

قَوْلَاذِي نَفْسٍ مُّحَمَّدٍ بِيَدِهِ، لَخُلْفَةٌ فَمِ الصَّائِمِ، أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ.
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Рўзадор одам, емоқ, ичмоқдан ва кўп гапиришликдан ўзини тийишлиги сабаблик, ошқозон холи бўлиб қолгандан кейин, инсоннинг оғзида бўй пайдо бўлади. Мана шу бўй, Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот номига қасамки, деб айтдилар, рўзадорнинг оғзидан келадиган бўй, Аллоҳнинг наздида, мушки анбарнинг бўйидан яхшироқдир.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن أبي هريرة رضي الله عنه أن النبي صلى الله عليه وسلم، قال: (للصائم فرحتان: فرحة عند فطره، وفرحة عند لقاء ربه

Рўзадор учун иккита хурсандлик бордир. Бири ифторлик пайтида, бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати, иккинчиси, рўзанинг мукофотини олган пайтида. Аллоҳнинг олдида, мукофотни олиш учун учрашганда.

Саҳл ибн ас Соидий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

إِنَّ فِي الْجَنَّةِ بَابًا يُقَالُ لَهُ : الرِّيَّانُ يُقَالُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ : أَيْنَ الصَّائِمُونَ ؟ هَلْ لَكُمْ إِلَى الرِّيَّانِ ؟ مَنْ دَخَلَهُ لَمْ يَظْمَأْ أَبَدًا فَإِذَا دَخَلُوا أُغْلِقَ عَلَيْهِمْ ، فَلَمْ يَدْخُلْ فِيهِ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ .
الراوي : سهل بن سعد الساعدي | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح النسائي

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, жаннатда бир дарвоза борки, номи Райён дейилади. Райён, сероб қилувчи дегани. Рўзадорлар шу дарвозадан жаннатга киришади. Рўза тутмаганлар бу дарвозадан кирмайди. Рўзадорлар қани? деб, сўралади. Улар ўрнидан туришади. Бошқа одам тура олмайди. Улар киришганидан кейин, дарвоза бекилади, дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандасини, ўзини емоқ, ичмоқ ва шаҳватдан тийганлиги учун, жаннатда емоқ ва ичмоқ ва ҳури айнлар билан, зиёфат қилади. Ва инсон қалби нимани истаса, шу нарса билан меҳмон қилади.

Абу Саид ал Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

ما من عبد يصوم يوماً في سبيل الله عز وجل ، إلا بعد الله عز وجل بذلك اليوم وجهه عن النار ، سبعين خريفاً
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح النسائي

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, Баъзилар буни нафл рўза маъносида айтишганлар. Мўмин киши бир кун Аллоҳ йўлида рўза тутса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шу бир кун рўзанинг муқобаласига, унинг юзини жаҳаннам ўтидан, етмиш йиллик масофага узоқлаштиради.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

ففي "الصحيحين" عن أبي هريرة رضي الله عنه أن النبي صلى الله عليه وسلم، قال: (من صام رمضان إيماناً واحتساباً غفر له ما تقدم من ذنبه

Кимки, рўзани имон билан тутса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога имон келтирган киши, намоз ўқийди. Ва рўзани Аллоҳнинг фарзи деб, тутди. Бизда, баъзи одамлар, рўзада мусулмон бўладилар халос. Ифторга кирганда, хижолат бўлмаслик учун, рўза тутадиганлар бор. Кимки, рўзани имон билан тутса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло фарз қилган деб, тутса, бу билан бошқа мақсадда тутишликнинг, фарқи бор, биродарлар. Мана яқинда, жуда кўп одам, намоз ўқиди ва рўза тутди. Лекин, озгина, Аллоҳнинг йўлида юрганларга, ёмон қарашлик пайдо бўлиши билан, намозларни ташлаб юборишди. Рамазонни имонан тутган одам, Аллоҳ рухсат берган вақтдагина буни очади.

واحتساباً

Ажрини Аллоҳдан талаб қилса, кўпчилик тутганлиги учун, ё маҳалладаги ифторларда, хижолат бўлмаслик учунмас, Аллоҳдан ажрини талаб қилса, Райён жаннати мукофотини умид қилса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буни мукофотини ўзи беради деб, Умид қилиб, тутган бўлса, ўтган гуноҳлари, Мағфират қилинади, дедилар. Бу ўтган гуноҳларни, Мағфират қилиниши, бу жуда катта мукофотдир бу!

Такрор айтамыз, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти, рамазони шариф кириши билан, жаннат дарвозалари очилади. Жаҳаннам дарвозалари бекилади. Шайтонлар кишанланади.

Шайтон кишанланади, биродарлар. Шайтонлар кишанланади деган сўздан, ўзимизга хулоса чиқарайликки, Рамазонда гуноҳдан тийилмаган одам, у шайтондан баттар одамдир. Шайтонлар кишанланади, лекин, инсонни кишанлаб қўймайди, Аллоҳу таоло! Чунки, инсонга ихтиёр берилган. Шайтонлар кишанланади, деганидан билингики, маъсиятга гирифтор бўлган одамларнинг, ҳеч қандай узрлари йўқдир! Рамазонда рўза тутмаса ҳам, йўлни бўйида ўтириб, ошкора овқатланаётган кишилар, агарчи, улар тили билан айтмаса ҳам, «эй мусулмонлар, бизларни мусулмонлардан деб, ўйлаб юрган эдинглар. Мана энди, бизни мусулмонмаслигимизни билиб қўйинглар» дейишликдан, бошқа нарсамас бу! «Биз ўлиб қолсак, яна мусулмонларнинг қабристониغا кўмиб юрманглар,» дейишликдан, бошқа гапмас бу! Чунки, у шайтон васвасаси орқалик, маъсият қилганмас улар. Шунинг учун, шайтонлар кишанланади деган, сўздан, ўзимизга мана шундай, хулоса чиқариб олайлик! Гуноҳ тарафга қалбимиз мойил бўлаётганда, ниҳоят даражада осий бўлиб қолганлигимизни сезайлик!

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам одати шарифалари, Рамазони шарифда, кўп хайр ишларни қилардилар.

كان رسول الله صلى الله عليه وسلم أجود الناس بالخير ، وكان أجود ما يكون في شهر رمضان حتى ينسلخ ، فيأتيه جبريل فيعرض عليه القرآن ، فإذا لقيه جبريل كان رسول الله أجود بالخير من الريح المرسلة
الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : الألباني
التخريج : أخرجه البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Рамазони шарифда, одамларнинг энг сахийси бўлиб кетардилар. Жибрил алайҳиссалом билан рамазонда учрашганларида, жуда ҳам, саховатлари тутиб кетарди. Жибрил алайҳиссалом Рамазони шарифда, ҳар кечада, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан учрашардилар. Қуръонни ўрганардилар. Жибрил алайҳиссалом билан учрашганларида, бўрондан ҳам, тез бўлиб кетардилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам рамазоннинг охиригун куни қолганда, кечалари бедор бўлиб, аҳллари уйғотиб, белларини боғлардилар. Белларини боғлашликлари, икки нарсадан киноя. Ибодат қилиш учун ёки, оилалари билан яқинлашишдан ўзларини тиярдилар. Буларни Рамазондан илгари ўқиб беришликдан мақсад шуки, биз шунга таёргарлик кўрайлик. Анас разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар.

عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال: قال النبي صلى الله عليه وسلم: ((تَسَحَّرُوا؛ فَإِنَّ فِي السَّحُورِ بَرَكَةً))
التخريج : أخرجه البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, саҳарлик қилинглари, саҳарликда баракот бор, дедилар.

Саҳарлик қилинглари деган, буйруққа ажабланишлик мумкин? Буюрмасаям қиламизку, деган, фикр бўлиши мумкин?!

Саҳобалар аксарлари, саҳарлик қилмасдан, икки кун, уч кунга улаб, рўза тутишардилар. Шунинг учун саҳарликка буюрдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам, ўткарма рўза тутардилар. Асҳобларни, ўткарма рўза тутишдан қайтарардилар. Асҳоблар, ўзиз тутасизу? дейишганда,

فَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: (لَا تَوَاصِلُوا، قَالُوا: إِنَّكَ تَوَاصِلٌ؟ قَالَ: لَسْتُ كَأَحَدٍ مِنْكُمْ، إِنِّي أَطْعَمُ وَأَسْقَى، أَوْ إِنِّي أَبَيْتُ أَطْعَمَ وَأَسْقَى) رواه البخاري

Мен сизларга ўхшаганмасман. Мен Роббим тарафидан таомланаман ва суғориламан, дедилар.

Бу ҳадисни шарҳида уламолар, бу ейиш ва ичиш моддий шаклдамас, дейишади. Бу Аллоҳнинг ҳузурида кўриб тургандек, ибодат қилишлари билан, лаззатланиб, очликлари эсдан чиқиб кетишларидир. Албатта, ҳар бир одам, шундай лаззат топганда, унинг очлик ва чарчоқлари эсдан чиқиб кетади. Бўлиб ҳам, Робб таоло билан мулоқотда бўлиб, раҳматига дучор бўлишлик билан, ҳамма қийинчилигу очликлар эсдан чиқиб кетади. Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳарликка буюрдилар. Улар қулоқ солмай, ўткарма рўза тутаверишди. Шунда, бўпди, менга эргашсанглар деб, ўткарма рўза тутдилар. Шунда ой кўриниб қолди. Шунда, агар ой кўринмаса, сизлар беҳол бўлгунча тутардим, дедилар. Аччиқландилар яъни. Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳарликка буюрдилар. Валлоҳу аълам. Саҳарликда баракот бор, дедилар.

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

تَسَحَّرْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ قَمْنَا إِلَى الصَّلَاةِ قُلْتُ كَمْ بَيْنَهُمَا قَالَ قَدْرُ قِرَاءَةِ خَمْسِينَ آيَةً
الراوي : زيد بن ثابت | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح ابن ماجه

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам билан бирга саҳарлик қилдикда, кейин намозга турдик. Ораси қанча муддат бўлди? деганларида, эллик оят ўқиладиган муддатча бўлди, дедилар. Сураи Мулк биродарлар, ўттиз оят. Уч бетча миқдор, куръон ўқиладиган вақт бўлди, саҳарлик билан намозга туриладиган вақт орасида, дедилар. Рамазони шарифда, икки марта азон айтилларди. Бири саҳарликка туришга ва бири саҳарликни тўхтатиб, намозга туришга.

إِنَّ فَصْلَ مَا بَيْنَ صِيَامِنَا وَصِيَامِ أَهْلِ الْكِتَابِ ، أَكْلَةُ السَّحُورِ
الراوي : عمرو بن العاص | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح النسائي

Бизнинг рўзамиз билан, аҳли китоблар рўзаси ўртасидаги фарқ, саҳарлик ейишлиқдир, дедилар.

Аҳли китоблар кечкурун тўйиб ётишар ва саҳарликка туришмасди.

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَزَالُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا عَجَّلُوا الْفِطْرَ.
الراوي : سهل بن سعد الساعدي | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Одамлар яхшилиқда давом этишади, модомики, ифторни аввалида қилишса, дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳу таолодан ривоят қилиб, айтдилар:

وعن أبي هريرة - رضي الله عنه - قال: قال رسول الله - صلى الله عليه وسلم - قال الله - عز وجل -: أحبُّ عبادي إليَّ أعجلهم فطرًا ؛
رواه الترمذي

Бандаларимнинг менга энг суюмлиси, ифторни аввалги вақтида қилувчилар, деди.

Биз ифторни яхшиси аввалида эканлигини билмоғимиз керак.

ما يزال الدين ظاهراً ماعجل الناس الفطر ، إن اليهود والنصارى يؤخرون .
الراوي : أبو هريرة
التخريج : أخرجه أبو داود

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Дин зоҳир бўлиб, кўриниб, ғолиб бўлишда, давом этади, агар одамлар ифторни аввалги вақтда қилсалар, деган эканлар. Яҳуд ва насоролар ифторни таъхир қилишади, деган эканлар. Улар ўзларига хос рўза тутишганда, ифторни таъхир қилишади, дедилар.

Ифтор қилишлик одоблари ҳақида.

Салмон ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وَعَنْ سَلْمَانَ بْنِ عَامِرٍ الضَّبِّيِّ الصَّحَابِيِّ ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا أَفْطَرَ أَحَدُكُمْ، فَلْيَفْطِرْ عَلَى تَمْرٍ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ، فَلْيَفْطِرْ عَلَى مَاءٍ فَإِنَّهُ طَهُورٌ.
رواه أبو داود، والترمذي وقال: حديث حسن صحيح

Сизларнинг битталаринг ифторлик қилса, хурмо билан ифторлик қилсин. Агар хурмо тополмаса, сув билан ифтор қилсин, бу покдир, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам намоздан олдин, ифторлик қилардилар. Ифтор дегани биродарлар, дастурхондаги нарсаларни еб тугатишлик эмас.

Анас ибн Молик айтадилар:

كان رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم يَفْطِرُ عَلَى رَطْبَاتٍ قَبْلَ أَنْ يَصْلِيَ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ رَطْبَاتٍ فَتَمْرَاتٍ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَمْرَاتٍ حَسَا حَسَوَاتٍ مِنْ مَاءٍ
الراوي : أنس بن مالك
التخريج : أخرجه أبو داود

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Бир неча қуриган хурмо билан, ифторлик қилардилар. Агар у топилмаса, пишган хурмо билан қилардилар. Агар у ҳам топилмаса, сув билан ифторлик қилардилар. Сувни бир неча қултум ичиб, намозга турардилар.

Демак, ифторда узоқ ўтиришлик, бу суннатга хилофдир. Намозни таъхир қилишлиқдир. Бугунги дарсимиз, рамазони шарифни ҳаммасини, суннатга мувофиқ тутишга, ёрдам бермоғи керак, биродарлар.

Рўзадор одам, билмасдан, сув ичиб қўйса нима бўлади?

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

من نسي وهو صائم فأكل وشرب فليتم صومه ، فَإِذَا أَطْعَمَهُ اللَّهُ وَسَقَاهُ
الراوي : أبو هريرة
أخرجه البخاري و مسلم

Агар сизларнинг биттангиз эсидан чиқариб, битта нарса еб ё, ичиб қўйса, рўзасини тутаверсин. Чунки, уни Аллоҳ едириб, ичирибди, дедилар.

Яъни, Унинг рўзаси очилмайди, бу билан.

Рамазонда, таҳорат қилишда, бурунга ва оғизга сув олишда, эҳтиёт бўлишлик ҳақида, ҳадис бор.

وعن لُقَيْطِ بْنِ صَبْرَةَ ، قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَخْبِرْنِي عَنِ الْوُضُوءِ؟ قَالَ: أَسْبَغِ الْوُضُوءَ، وَخَلِّلْ بَيْنَ الْأَصَابِعِ، وَبَالَغْ فِي الاسْتِنْشَاقِ، إِلَّا أَنْ تَكُونَ صَائِمًا رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ، وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

Лақит ибн Собира разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Мен ё Расулulloҳ, таҳоратни айтиб беринг, дедим. Таҳоратни комил қилгин. Бармоқ орасини хилол қил. Яъни, бармоқ орасига бу бармоқларни олиб боргин. Бурунга сув олганда, истиншоқ (бурун ичига сувни нафас олиб киргизиб, яна қайтариб ташлаш) қилгин. Агар рўза бўлмасанг, дедилар. Яъни, рўзадорга бу мумкинмас. (Бурундан томоққа сув ўтиб кетиши мумкин)

Рўза пайтида, жунуб ҳолда, тонг отиб қолса, яъни, намоз вақти кирса, нима қилади?

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар.

«عن عائشة وأم سلمة رضي الله عنهما: «أن رسول الله صلى الله عليه وسلم كان يدركه الفجر وهو جنب من أهله ثم يغتسل ويصوم. رواه الشيخان: البخاري ومسلم رحمهما الله تعالى رحمة واسعة»

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳлидан жунуб бўлган ҳолда, тонг отиб қоларди. Кейин ғусл қилиб, рамазон рўзасини тутардилар. Муттафиқун алайҳ.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шаввал ойининг олти кунда, рўза тутишликка тарғиб қилдилар. Шаввал рамазондан кейинги ой. Ийд куни рўза тутилмайди.

”حديث أبي أيوب رضي الله عنه : |من صام رمضان ثم أتبعه ستاً من شوال، كان كصيام الدهر
[مسلم: 1164]

Абу Айюб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким рамазонда рўза тутса, кейин, шаввални олти кунини, тобеъ қилса, Ийд кунини тутмасдан, албатта, бу умрбод рўза тутганга ўхшаган бўлади.

Ҳадисни шарҳлаган уламолар, ҳасанотлар ўн баробар бўлади, ўттиз кун рамазонга, ўн баробар савоб, уч юз кунлик бўлади, олти кун ҳам ўн баробари, уч юз олтмиш кун бўлади, бутун йил бўйи рўза тутганни савобини олади, деб, тавжйҳ қилишган. (Эслатма: Ҳижрий ҳисобда, бир йил 354 кундир)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло насиб қилган бўлса, рамазони шариф келаяпди. Шундан илгари, шу масалаларни билиб олайлик деган, мақсадда, шуларни баён қилдик. Рамазонга ҳамма таёргарлик кўрмоқлиги керак. Рамазонда, тиловати қуръонга одатланмоқлиги керак. Ҳамма неъматга шукр қилишликни, ўзининг йўли бор. Мусулмонлар, бу одамларга ҳидоят ва раҳмат бўлиб тушган қуръони каримни, шукронасига, ўзларини Аллоҳнинг амрига муқайяд қилишлик билан, шукрларини ифодалашади. Шунинг учун, қуръонни кўп тиловат қилишлик, яхши амалларни кўп қилишлик, садақотларни кўп қилишлик, ифтор қилишлик, керак.

Ким рўзадорни ифтор қилдирса, ё ифторга борса, ўтган гуноҳлари каффорат қилинади, дедилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Демак, ифтор шиори Ислоом биродарлар. Муҳтож кишиларни ифтор қилдиришлик билан, рамазони шарифнинг келганини, эълон қилмоқлик керак!

Рамазонда дарсимиз тўхтаб турадида, Рамазондан кейинги кунларда, душанбадан дарсимизни давом эттирамиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни шу Рамазони шарифни, суннатга мувофиқ ўтказишга тавфиқ берсин!

(Шу ерда, саволларга қисқа жавоблар берилади)

Рамазони шарифни дарси, ҳаммамизга дарс бўлсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни шу рамазони шарифни, суннатга мувофиқ ўтказишга тавфиқ берсин! Аллоҳумма саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи васаллам ажмаъин! Қуйида қуръон ва ҳадислардан арабча дуолар ўқилаган.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ

اللهم قَرِّبْنَا مِمَّا فِيهِ مَرْضَاتُكَ، وَجَنِّبْنَا فِيهِ مِنْ سَخَطِكَ وَجَنِّبْنَا مِمَّا فِيهِ سَخَطُكَ

رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ

Юнус сураси 85 оят

وَنَجِّنَا بِرَحْمَتِكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ

Юнус сураси 86 оят

اللَّهُمَّ اقْسِمْ لَنَا مِنْ خَشْيَتِكَ مَا يَحُولُ بَيْنَنَا وَبَيْنَ مَعَاصِيكَ ، وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا تُبَلِّغُنَا بِهِ جَنَّاتِكَ ، وَمَنْ الْيَقِينُ مَا تَهْوَنُ بِهِ عَلَيْنَا مُصِيبَاتِ الدُّنْيَا ، وَمَتِّعْنَا بِأَسْمَاعِنَا وَأَبْصَارِنَا وَقُوَّتِنَا مَا أَحْبَبْتَ ، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنَّا ، وَاجْعَلْ ثَأْرَنَا عَلَى مَنْ ظَلَمَنَا ، وَانصُرْنَا عَلَى مَنْ عَادَانَا ، وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي دِينِنَا ، وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّنَا ، وَلَا تَبْلُغْ عَلِمَنَا ، وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحَمُنَا

رواه الترمذي وصححه الألباني

.....

57 дарс тугади.

58 Дарс

Тилнинг зарари ҳақида

(Бу дарсда инсон тили туфайли келадиган дунё ва охиратдаги бадбахтлик ва кабира гуноҳлар ҳақида, оят ва ҳадислардан ва ҳаётий қатор мисоллар билан тушунтирилади. Шунингдек, тилдан чиққан бир оғиз сўз кимнидир, жаннатий бўлишига сабаб бўлиши мумкинлиги уқтирилади. Ғийбатни катта гуноҳлиги айтилиб, ғийбатга рухсат берилган ўринлар ҳам гапирилади. Чақимчилик ҳам гуноҳи кабира экани тушунтирилади. Дарс мавзуси, мўмин кишилар тилга эҳтиёт бўлишлари ҳақидадир)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиффор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон аъзоларини бошқарувини, гўё бир мамлакатга ўхшаш қилиб яратган. Бу мамлакатда, яъни, инсон жасадидаги мамлакатда, бир ҳоким борки, унга ҳамма аъзолар бўйсунди. Ҳамма аъзолар унга ёлворади ва уни дуруст ҳолатда бўлишлигини талаб қилишади. Чунки, бу инсон жасадидаги мамлакат аъзоларини салоҳиятда бўлишлиги, бу мамлакатдаги ҳокимнинг салоҳиятлик бўлишига боғлиқдир. Абу Саид ал Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وعن أبي سعيد الخدري عن النبي ﷺ قال: إذا أصبح ابن آدم، فإن الأعضاء كلها تكثر اللسان، تقول: اتق الله فينا، فإتأ نحن بك؛ فإن استقممت استقمنا، وإن أعوججت أعوججنا رواه الترمذي

Одам фарзанди тонг оттиришлиги билан, ҳамма аъзолари, тилга ёлвора бошлашади. Бизни ҳаққимизда, Аллоҳдан кўрқин, дейишади. Яъни, эй ҳоким, биз сени аъзоингмиз. Бизни ҳаққимизда, Аллоҳдан кўрқин, дейишади. Биз сен билан биргамиз. Сен нима бўлсанг, биз ҳам шундай бўламиз. Агар тўғри бўлсанг, тўғримиз, агар эгри бўлсанг, биз ҳам, эгри бўламиз.

Маоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Мен, ё Расулуллоҳ, мени жаннатга олиб кирадиган ва дўзах ўтидан узоқ қиладиган, амал ҳақида хабар беринг, дедим.

عن معاذ بن جبل رضي الله عنه قال: قلت يا رسول الله أخبرني بعمل يدخلني الجنة ويباعدني عن النار؟ قال: لقد سألت عن عظيم وإنه ليسير على من يسره الله تعالى عليه: تعبد الله لا تشرك به شيئاً، وتقيم الصلاة، وتؤتي الزكاة، وتصوم رمضان، وتحج البيت، ثم قال: ألا أدلك على أبواب الخير؟ الصوم جنة، والصدقة تطفئ الخطيئة كما يطفئ الماء النار، وصلاة الرجل في جوف الليل، ثم تلا: ﴿تَنجَافِي جُنُوبَهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ﴾ حتى بلغ ﴿يَعْمَلُونَ﴾ ثم قال: ألا أخبرك برأس الأمر وعموده وذروة سنامه؟ قلت: بلى يا رسول الله، قال: رأس

الأمر الإسلام، وعموده الصلاة، وذروة سنامه الجهاد، ثم قال: ألا أخبرك بملاك ذلك كله؟ قلت: بلى يا رسول الله، فأخذ بلسانه، وقال: كف عليك هذا، قلت يا نبي الله وإنا لمؤاخذون بما نتكلم به؟ فقال ثكلتك أمك يا معاذ، وهل يكب الناس في النار على وجوههم أو قال: على مناخرهم إلا حصائد ألسنتهم؟". رواه الترمذي وقال: حديث حسن صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Сен жуда улуғ нарсани сўрадинг, дедилар.

Ҳақиқатдан ҳам, мўмин киши, ўзини жаннатга олиб кирадиган ва дўзах ўтидан узоқ қиладиган, амал ҳақида бош қотиради. Ҳаётнинг ҳам аслида, маъноси шу. Демак, катта нарсани сўрадинг, деб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизларни огоҳлантиряпдилар.

وإنه ليسير على من يسره الله تعالى عليه

Аммо, Аллоҳ осон қилган одамга, бу оғир нарсамас.

Жаннатга олиб кирадиган ва дўзах ўтидан узоқ қиладиган, амалнинг биринчиси,

تعبّد الله لا تشرك به شيئاً

Аллоҳга ибодат қиласан, Унга ҳеч нарсани шарик қилмаган ҳолда. Ундан кейин,

وتقيم الصلاة، وتؤتي الزكاة، وتصوم رمضان، وتحج البيت

Ислом асосларига ишора қилдилар. Аллоҳга ҳеч бир нарсани шарик қилмаган ҳолда, ибодат қиласиз, дедилар. Ширқдан пок бўлган ибодат, тавҳид маъносидир. Намозни барпо қиласиз, намозни ўқийсиз демадилар, Намозни барпо қиласиз, дедилар. Закотни ўтайсиз дедилар. Рамазонда рўза тутасиз ва Байтуллоҳни Ҳаж қиласиз, дедилар.

Мана шулар жаннатга олиб кирадиган ва дўзах ўтидан узоқ қиладиган, амал дедилар. Ислом динини содда тушунмоқлик керак. Ҳар бир амални ҳаётида қилаяпдими йўқми, эътибор қилмоқлиги керак.

ثم قال: ألا أدلك على أبواب الخير؟

Яна айтдиларки, сени яхшилик дарвозаларига йўллаб қўяйми? Дедилар.

Шу амалларни бажаришликка киришиш учун, дарвозадан кирмоқлик керак. Шу дарвозаларга йўллаб қўяйми?, дедилар.

الصوم جنة

Рўза қалқон, дедилар.

Бу энди нафл рўзага ишора қилиняпди. Аввалда рамазонда рўза тутишни фарзлигини айтдилар. У рўза жаннатга олиб кирадиган ва дўзах ўтидан узоқ қиладиган, амал, дедилар. Рўза қалқон, деганларида, нафл рўзага ишора қилдилар.

والصدقة تطفي الخطيئة كما يطفى الماء النار

Садақа хатони ўчиради, худди сув ўтни ўчиргандек, дедилар.

Садақотдан мурод бу ерда, нафл садақотлардир. Демак, садақалар хатони йўқолишига сабаб бўлади, худди, сув ўтни йўқолишига, сабаб бўлгандек.

وصلاة الرجل في جوف الليل

Юқорида, намозни барпо қилишлик, одамни жаннатга олиб кирадиган ва дўзах ўтидан узоқ қиладиган, амал дедилар. Энди нафл намозга ишора қилиб, кишининг кечқурунда ўқиган намози, дедилар.

Нафл намозларни умумий айтмадилар. Нафл намозлар савоблик эканлигида, шак шубҳа йўқ. Лекин, кечқурундаги намоз, яхшилик дарвозасидир. Демак, яхшилик қилмоқчи бўлган одам, нафл рўза, нафл садақа, ва кечқурундаги намоз, мана бу таҳажжуд намози, мана шулар, яхшилик дарвозаси деб, билмоқлиги керак.

Суратул муззаммилда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, кечанинг ярмида, ё ярмидан озроқ қисмида, бедор бўлишликка буюрди.

تَتَجَافَى جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ

Сажда сураси 16 оят

Бу оятда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиб, азобидан қўрқиб, ёнбоши тўшагидан узоқда бўладиган кишиларни, мақтаяпти. Уларни сифатлаб, Биз риқз қилиб берган нарсалардан, инфоқ қиладиганлар, деяпти.

Кечқурун ўрнидан турадиган одамлар кўп. Баъзилар касб учун. Баъзилар бошқа мақсадларда туради. Лекин, булар Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиб, азобидан қўрқиб, туради. Кечқурунда бедор бўлишлик билан бирга, нафл садақотлар ҳам, бўлишлиги шарт қилиняпти. Кимда шу нафл рўзалар ва нафл садақотлар ва кечқурунда бедор бўлишлик топилса, шу одам, яхшилик дарвозасидан кирибди.

Кейин айтдиларки,

ثم قال: ألا أخبرك برأس الأمر وعموده وذروة سنامه؟ قلت: بلى يا رسول الله، قال: رأس الأمر الإسلام، وعموده الصلاة، وذروة سنامه الجهاد،

Шуларнинг асосини, бошини айтайми? дедилар. Мен, ҳа, айтинг, ё Расулуллоҳ, дедим.

Ҳар бир нарсанинг боши бўлади. Боши йўқ инсонни тасаввур қилиб бўлмайди. Боши йўқ ҳайвонни ҳам, тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, Шуларнинг асосини, бошини айтайми? дедилар. Ва унинг амуди, устунини айтиб берайми? дедилар. Бу ишни ўрқачини энг юқори қисмини айтиб берайми? дедилар. Уч насага ишора қилдилар, ишнинг боши ва устунини ва иш туя бўлса, унинг ўрқачини бош қисмини айтиб берайми? дедилар. Ҳа, дедим.

Ишнинг боши Ислом, дедилар.

Одамлар ҳар қанча, яхшилик деб, топилган нарсаларни келишиб олиб, қилишсаю, Ислом бўлмаса, боши йўқ бир одамга ўхшаган бўлиб тураверади. Шунинг учун, Исломда бўлмаган одамнинг, ер юзидаги яхшилик деб, аталган нарсаларнинг қилишлигининг эътибори йўқ. Яхшилик демаймиз, биз уни, ҳеч қачон! У ишнинг бошидан беҳабар бўлган одамдир. Боши йўқ инсонни, инсон дейишмас, боши йўқ бир ҳайкални устидан ҳам, кулади одамлар. Исломни қабул қилмасдан яхшилик қилаётган одамнинг аҳволи ҳам, ачинарлик ва кулгулик ҳолатдадир.

وعموده الصلاة

Ислом устуни намоз, дедилар. Шариат устуни намоздир.

،وذروة سنامه الجهاد

Шариат ўрқачининг олий қисми, жиҳоддир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло йўлида, молию жони билан жиҳод қилишлик, бу шариат ўрқачининг чўққисидир.

ثم قال: ألا أخبرك بملك ذلك كله؟

Шунинг тутқичини айтиб берайми? дедилар. Шу ишнинг ҳаммасини вужудга келтирувчи нарсаси бор, дедилар.

قلت: بلى يا رسول الله

Айтиб беринг, дедим.

،فأخذ بلسانه

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам муборак тилларини ушладиларда, кейин

،وقال: كفّ عليك هذا

Мана бу нарсани тийгин, дедилар.

قلت يا نبي الله وإنا لمواخذون بما نتكلم به؟

Гапирган сўзлар учун ҳам, ҳисоб қилинамизми, жазоланамизми? деб, сўрадим.

فقال ثكلتك أمك يا معاذ، وهل يكب الناس في النار على وجوههم أو قال: على مناخرهم إلا حصائد ألسنتهم؟

Сакалатука уммик. Араб тилида нодон кишига хитоб қилинадиган калима. Онанг сени йўқотиб қўйсин, одамларни жаҳаннам ўтига улоқтирадиган нарсаси, тилларининг ҳосиласидан бошқа нарсаси эмас, дедилар. Одамларни жаҳаннам ўтига улоқтирадиган нарсаси, тилларининг ҳосиласи бўлади дедилар.

Тилдан содир бўладиган гуноҳлар

Мана бу ҳадиси шарифда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳамма яхшилиқнинг тутқичини, вужудга келиши асосини айтиб бердилар. Биздаги энг катта мусибат, тилни сақлашлик неъматидан маҳрумлигимиздир, биродарлар. Бунинг неъматлигини ҳам билмаймиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ғийбатни, энг ёмон нарсаси бўлади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَبَ بَـْـعُضُكُم بَـْـعُضًا ؕ أَن يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ ؕ وَاتَّقُوا اللَّهَ ؕ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ

Хужурот сураси 12 оят

Баъзинглар баъзингларни ғийбат қилмасин, деди. Сизларнинг битталаринг ўлган биродарини, ўлган суратда, гўштини ейишни яхши кўрадимизми? Деди.

Яъни, бировни ғийбат қилишликни, инсоннинг ўлган пайтида, гўштини ейишликка, баробар қилди. Буни албатта. Инсон ёқтирмайди. Ёқтирмаса, Аллоҳдан қўрқсин ғийбат қилишга! Ўтган ғийбатларига тавба қилсин! Чунки, Аллоҳ тавбани қабул қилувчи ва раҳмлик Зотдир.

Уламолардан биттаси шундай тамсил қилади. Сен маст қилувчи ичимликни ичмаганман ва маст қилувчи ичимлик турган мажлисда ўтирмаганман, маст қилувчи ичимликни тайёрлайдиган жойга кирмаганман, маст қилувчи ичимликни тайёрлайдиган одамларга, ёрдам бермаганман, маст қилувчи ичимликни, маст қилишлишлик ҳолатини мутлақо билмайман деб, даъво қиласан?! Лекин, мўмин одамни ғийбат қилинаётган вақтида, гўштини еб, қонини ичаётган вақтида, бирга ўтирдинг. Бу ундан ёмонроқмасми?!

Шундай тамсил қиладилар.

Шунчалик қаттиқ айтилишига қарамасдан, мўминлар жамоасида, шу тилни сақлаш неъматини йўқдир, биродарлар.

Аммо, замони саодатда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг раҳбарликлари остида, саҳобаларнинг ҳаммаларида, Исломининг бошқа рунклари мужассам бўлганга ўхшаган, тилни сақлашлик, хусусан ғийбатдан тийилишлик, шойеъ бўлгандир.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бу хусусда, кўп йўлланма берардилар.

، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمِتْ
رواه البخاري ومسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўз гапирсин ва бўлмаса, хомуш бўлсин! дедилар.

Демак, яхши сўзни гапирмаётган одам, гўёинки, қиёмат кунига имон келтирмаган одамдир?! Нима учун? У қиёматда тили билан гапирган сўзига ҳисоб бериши лозимлигини билгандан кейин, бунга имон келтиргандан кейин, гапирмаслиги керак эди. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўз гапирсин ва бўлмаса, хомуш бўлсин! Дедилар.

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

مَنْ يَضْمَنُ لِي مَا بَيْنَ لَحْيَيْهِ وَمَا بَيْنَ رَجْلَيْهِ، أَضْمَنَ لَهُ الْجَنَّةَ.
الراوي : سهل بن سعد الساعدي | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Ким икки жағи ва икки оёғи ўртасидаги нарсани, ҳаромдан сақлашга кафил бўлса, мен уни жаннатга киришига кафил бўламан, дедилар.

Демак, инсоннинг икки оёғи ўртасидаги нарса билан, ҳаромга юриб кетиши, қанчалик қаттиқ бўлса, тили билан ҳам, ҳаромга кириши, ғийбат, чақимчилик, тухмат, ёлғон сўз, каби гуноҳлар, ундан каммас, балки, унданда юқорига қўйиб, аввал зикр қилинди. Чунки, инсон жинсий аъзоси билан ҳаромдан сақланишлиги мумкин? Тили билан биродарлар, қалби очиқ одамларгина сақланади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ سَمْعَ النَّبِيِّ ﷺ يَقُولُ: إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَّبِعُ فِيهَا يَزِلُّ بِهَا إِلَى النَّارِ أَوْ يَبْعُدُ مِمَّا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Банда бир калима айтади, бир оғиз сўзни айтиб қўяди, уни ўйламасдан гапиради. Аммо, шу сўз билан банда, жаҳаннамнинг ичига, Мағриб билан Машриқча масофага кириб кетади.

Фақат битта сўз билан шундай бўлиб қолиши мумкин, деяпдилар. Бир сўз билан наҳотки, шунчалик бўлса, деб, ўйлаб қолишимиз мумкин? Бир сўз билан, бир инсоннинг ўлимига сабабчи бўлишингиз мумкин? Бир сўз билан, бир мўмин одам қилаётган бир яхши ишни, йўқ қилиб ташлашлик мумкин?! Бир сўз билан, мўминлар орасида адоват чиқариб, тамоми, фитнага гирифтор қилиб ташлашлик мумкин? Мана бу Исломининг зарарига ва мусулмонлар зарарига бўлган сўзлар, уни амалини ҳабата қилиб, жаҳаннамни ичига олиб кириб кетади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مِنْ رِضْوَانِ اللَّهِ، لَا يُلْقِي لَهَا بَالًا، يَرْفَعُهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَاتٍ، وَإِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مِنْ سَخَطِ اللَّهِ، لَا يُلْقِي لَهَا بَالًا، يَهْوِي بِهَا فِي جَهَنَّمَ.
الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Банда, Аллоҳнинг ризосига тааллуқли бир сўзни айтадида, унга эътибор бермайди. Ўзи унчалик эътибор бериб гапирилган сўз эмасу лекин, Аллоҳнинг ризосига тааллуқли бир сўз бўлади. Мана бу билан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни, баланд даражотларга кўтаради. Ҳадисни давомида, аввалги ҳадисдаги сўз такрорланяпдики, банда бир сўзни гапиради. Уни эътиборга олмайди. Аммо, бу сўз уни жаҳаннамни тўрига улоқтиради.

Ҳаётдаги катта фалокатларга, баъзи кишиларнинг оғзидан чиққан бир сўз, сабаб бўлган. Узоқ ва яқин тарихда, инсонлар орасида катта фитналарнинг чиқишида, шу бир оғиз сўз сабаб бўлган. Хоҳ яхшиликка бўлсин, хоҳ ёмонликка бўлсин, бир оғиз сўз сабаб бўлади.

Суфён ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

يا رسول الله حَدَّثَنِي بِأَمْرٍ أَعْتَصِمُ بِهِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (قُلْ: رَبِّيَ اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقِم) قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا أَكْثَرَ مَا تَخَافُ عَلَيَّ ؟ قَالَ: (هَذَا) وَأَشَارَ إِلَى لِسَانِهِ
الراوي : سفيان بن عبد الله الثقفي
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Ё расулуллоҳ, Менга бир сўз айтинг, мен шуни маҳкам ушлаб юрайин, дедим. Баъзи ривоятларда, мени эсимдан чиқиб қолади. Қисқа бўлсин, шуни ушлаб юрайин деганларида, Роббим Аллоҳ, денгда, кейин, шу сўзда истиқоматда қолинг! дедилар. Мен Ё расулуллоҳ, менинг устимда, сиз қўрқадиган нарсанинг энг қўрқинчлироғи нима? деб сўрадим. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тилларини ушлаб, сенинг устингда қўрқадиган нарсанинг, энг қўрқинчлиси шу, деган, эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳнинг зикрига тааллуқли бўлмаган кўп гапни, қалби қорайишига ва Аллоҳдан узоқ бўлишга сабаб дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

لَا تَكْثُرُوا الْكَلَامَ بِغَيْرِ ذِكْرِ اللَّهِ، فَإِنَّ كَثْرَةَ الْكَلَامِ بِغَيْرِ ذِكْرِ اللَّهِ قَسْوَةُ الْقَلْبِ، وَإِنَّ أَبْعَدَ النَّاسِ مِنَ اللَّهِ الْقَلْبُ الْقَاسِي -
الراوي : عبد الله بن عمر | المحدث : الألباني | المصدر : ضعيف الجامع
الصفحة أو الرقم : 6265 | خلاصة حكم المحدث : ضعيف
(Бу ҳадисни муҳаддислар заиф дейишган)

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг зикрига, тааллуқли бўлмаган сўзларни кўпайтирманглар дедилар. Чунки, Аллоҳнинг зикрига, тааллуқли бўлмаган сўзларни кўпайтириш қалбни қорайиб, қотишига сабаб бўлади, дедилар.

Одамларнинг Аллоҳдан энг узоқроғи, қалби қорайган ва қаттиқлашган одамдир, дедилар. Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Ё Расулуллоҳ, нажот нима? дедим.

عن عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ : قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، مَا النَّجَاةُ ؟ قَالَ : أَمْلِكُ عَلَيْكَ لِسَانَكَ ، وَلَيْسَعُكَ بَيْتُكَ ، وَأَبُكَ عَلَى خَطِيئَتِكَ
أَخْرَجَهُ أَحْمَدُ

Шунда, Учта сўз айтдилар. Шунинг ҳаммамиз яхши билиб олишимиз керак. Тилни ёнида, агар орасига кириб қолса, ғажиб ташлайдиган мустаҳкам тиш билан, ҳимоя қилиб қўйилган. Устидан лаб билан бекитилинган. Бу тилга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шундай имконият берганки, орасига тош кириб қолса, майдалаб ташлайдиган тишни ёнида, ниҳоят даражада тез ҳаракатланиб туради. Абу Бакр разияллоҳу анҳу оғизларига тош солиб юрар эканлар. Бир гап келиб қолса, фикрлар эканлар, агар шу гап, Аллоҳ ва Расулини рози қиладиган сўз бўлса, шу тошни олиб, гапирар эканлар. Гоҳида тилларини тишлаб қўяр эканлар.

فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ : إِنَّ هَذَا أوردني الموارد

Бу тил мени кўп ёмон ўринларга олиб келди, деб, қўяр эканлар. (Юқоридаги нажот нима? Деган, саволга берилган учта жавобнинг бири қуйида келади.)

أَمْسِكْ عَلَيْكَ لِسَانَكَ

1. Тилингизни тийинг, дедилар.

وَلَيْسَعُكَ بَيْتُكَ

2. Уйинг сени сиғдирсин, дедилар. (уйинг кенг бўлсин)

Уйинг сени сиғдирсин, деган сўз, нажотнинг асосий шартларидан бўлиб қолди, ҳозирги вақтда, биродарлар. Кўчага чиқишингиз билан, фисқу фужурга рўбарў бўласиз. Кўп кишиларнинг уйи, сиғдирмай қўйган. Уйида роҳат йўқ. Фарзандлар тутатиб туради. Ёинки, довдираб келади. Уйида роҳат йўқ. Ота онани ҳурмат қилмайди. Шунинг учун, уйи унга тор бўлиб қолган. Товуқнинг катагига сиғадию, уйига сиғмайди. Чунки, уй жаҳаннамнинг бир бўлагига, айланиб қолган. Аллоҳ ва Расулининг зикри йўқ. Аллоҳ ва Расулининг буйруғи бўлмайди. Фиисқ фужур тўла, шариат риоя қилинмаган уйлар, одамларнинг қариган вақтида, уйи сиғдирмай қолаяпти.

Уйинг сени сиғдирсин, деганда, нима учун уй одамни сиғдиради?

وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا
Фурқон сураси 74 оят

Эй Роббимиз бизларга, жуфтларимиздан ва фарзандларимиздан, кўзларимиз қувонадиганини бергин, деб дуо қилувчи кишилардир. (Бу дуони аёллар ҳам айтса бўлаверади) Мўмин кишининг кўзи қачон қувонади? Оиласини шариатга мувофиқ юришлигини, кўришлик билан қувонади. Аёллар турмуш ўртоғини, шариатга мувофиқ юришлигини, кўришлик билан қувонади. Ўғил қизларини ҳаммасини, шариатга мувофиқ юришлигини, кўришлик билан қувонади.

Уйида кўзининг қувончи бўлганлиги учун, уй уни сиғдиради. Уйинг сени сиғдирсин, дегани шудир. Ҳозир кўп кишиларнинг уйи, сиғдирмай қўйган.

Баъзи одамлар борки, улар шариатга зид бўлган ишлар ва одамлар билан ёзиладилар. (Мўминларгина уйига сиғмай қолишлари мумкин.) Агар одамларни уйи сиғдирса, бундай истроҳат қиладиган жойларга, иши тушмайди. Истироҳат қиладиган деб, мажоз билан айтса тўғри бўлади. Одам истироҳат қилмайди, у ерда. Истироҳат қиладиган деб, ёзиб қўйилган жойларда, мўмин одам ёзилолмайди, биродарлар. Чунки, Аллоҳга осий бўлинаётган ҳаётни кўрганда, у ҳеч қачон қувониб, хурсанд бўлмайди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шу сўзлари, агар ҳаётга татбиқ бўлганда, одамлар уйдан кўра, истироҳат қиладиган ерни, тополмай қолишган бўларди.

وَابْكِ عَلَى خَطِيئَتِكَ

3. Ўтган хатоларинга йиғла, дедилар.

Нажот шу дедилар. Учта нарсас. Ўтган хатоларга йиғлашлик, ниҳоятда муҳимдир, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мағфират қилдимикан? деган ташвишда бўлмоқлик керак! Бу тоғ каби хатолар билан, Аллоҳнинг олдида бориб қолинса, бу ниҳоятда бир ачинарлик ҳолат бўлади. Хатосига йиғлаб, ёш оққан кўзга, ўт тегмайди, биродарлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عَيْنَانِ لَا تَمْسَهُمَا النَّارُ : عَيْنٌ بَكَتْ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ ، وَعَيْنٌ بَاتَتْ تَحْرُسُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ
الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : الترمذي

Иккита кўзга ўт тегмайди. Аллоҳнинг азобидан кўрқиб, раҳматини умид қилиб йиғлаган, кўзга ва Аллоҳнинг йўлида қўриқчилик қилиб, бедор бўлган кўзга, ўт тегмайди.

Демак, хатосига йиғлаган одамнинг гуноҳи кечирилган бўлади. Холи ҳолда, хатога йиғлашликни, мана бу ҳадисда нажот деб, атаяпдилар.

Ғийбат ҳақида

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ҳажжатул вадоъда, Минода, явмун Наҳрда, инсонга муяссар бўлган соатнинг энг улуғида, шу сўзни айтиб, насиҳат қилдилар.

فَإِنَّ دِمَاعَكُمْ، وَأَمْوَالَكُمْ، وَأَعْرَاضَكُمْ، وَأَبْشَارَكُمْ، عَلَيْكُمْ حَرَامٌ، كَحُرْمَةِ يَوْمِكُمْ هَذَا، فِي شَهْرِكُمْ هَذَا، فِي بَلَدِكُمْ هَذَا،
أَلَا هَلْ بَلَغْتُ قُلْنَا: نَعَمْ، قَالَ: اللَّهُمَّ اشْهَدْ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Сизларни қонинглар, молинглар, обрўинглар, мўмин одамни. Қони, моли, ва обрўсини баробар қўйдилар. Бировнинг қонини тўкишлик қанчалик гуноҳ бўлса, унинг молини талон тарож қилишлик ҳам, обрўсини тўкишлик ҳам, шунчалик гуноҳдир.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бировни, қонини тўкишликни, молини талон тарож қилишликни ва обрўсини тўкишликни, ҳаром дедилар! Шу шахрул ҳаромда, Баладул ҳаромда, эҳромда турганда, шу ишларни қилишлик ҳаром эди. Худди, шунга ўхшаган ҳаром,

дедилар. Ва етказдимми, Аллоҳнинг ҳукмини? деб, қўйдилар. Бу сўз ниҳоятда муҳимлигидан, шуни етказдимми? дедилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. София бинти Хуяй разияллоҳу анҳони, бўйи пастлигига ишора қилиб, Оиша онамиз бир сўз айтдилар. (Унга рашк қилганлигидан) Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, агар денгизни сувига араштирса, етадиган бир сўз айтдингиз, дедилар.

Яъни, бир сўз айтдингизки, уни бадбўйлиги шунақаки, уни денгизга ташланса, шу денгизни ҳаммасини бадбўй қилишга етарди, дедилар. Ғийбатга ўзи, мана шу сўз етади, биродарлар. Агар шу сўз билан таъсирланмас эканмиз, биз бошқа сўз билан таъсирланмаймиз. Бўйининг пастлиги бор сифат эди. Буни қаттиқ ҳақорат қилиб айтганлари йўқ. Бўйининг пастлиги ўзи, кўнглингизни совушига етади, деган сўзни айтувдилар халос. Шу сўзни, агар денгизни сувига араштирса, етадиган бир сўз айтдингиз, дедилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن أنس بن مالك -رضي الله عنه- مرفوعاً: «لما عرج بي مررت بقوم لهم أظفار من نحاس يخمشون وجوههم وصدورهم فقلت: مَنْ هؤلاء يا جبريل؟ قال: هؤلاء الذين يأكلون لحوم الناس، ويقعون في أعراضهم!

Баъзи ривоятда, Меърожда бўлган. Мени Меърожга олиб чиқилганда, бир тоифа одамлар олдидан ўтдим, дедилар. Уларнинг мисдан тирноқлари бор эди. Юзлари ва кўксиларини таталарди. Эй Жибрил булар кимлар? Дедим. Булар, одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкадиган кишилардир, деди.

Демак, ғийбат қилиб, мўмин кишиларни обрўсини тўккан кишилар, агар тавба қилиб қолмаса, шу аҳволда охиратга бориб қолса, тирноқлари мисдан бўлиб, ўзларини тирнаб, азоб бериб туришади.

Ғийбат рухсат бўлган ўринлар

Ғийбатни мумкин бўлган ўринлари борми? деган савол бўлиши мумкин? Баъзи уламолар, рухсат бўлган ўринларига, қуйидагиларни айтишганлар.

Биринчи, бир зулм кўрган мазлум, бошқа бир, қасосини олиб беришга қодир одамнинг олдига бориб, менга шунақа қилди деб, бўлган воқеъани гапириб, бериб, қасосини олиши учун, мумкин. Чунки, золимдан ҳаққини олишлик учун, уни қилган ишларини айтишга мажбур бўлади. Фалончи, мана шу, мана шу ишлар билан, менга зулм қилди, дейди.

Иккинчи, мункар нарсани ўзгартиришда, бошқадан ёрдам талаб қилишликда, мумкин бўлади. Масалан, бир одам мункар ишни қилган бўлса, уни қайтаришга кучи етмаса, кучи етадиган одамни олдига бориб, мана шу одам, шу ишни қилаяпди, деб айтса бўлади. Шуни тийиб қўйинг деб айтса. Мақсади, шу мункарни йўқотишлик бўлса.

Учинчи, фатво сўрашлик учун ғийбат қилиш мумкин. Менга фалончи зулм қилди. Акам, укам ёки отам, зулм қилди деб. Аёл киши турмуш ўртоғим, шундай шундай қилди, деб, Фатво сўрашлик учун, гапирса рухсат дейишган.

Тўртинчи, Мусулмонларни бир одамнинг зараридан огоҳлантириб қўйишлик учун, айтишлик мумкин. Масалан, бир одам, ёмон одам. Зараркунанда. Шунини, шу одам шунақа, шундан эҳтиёт бўласиз деб, мусулмонларни ҳимоя қилиш мақсадида гапиришга рухсатдир.

Ҳадис илмида мана, ровийларни текширишиб, кимдир умрида бир марта ёлғон гапириб қўйган бўлса, уни ҳадисини қабул қилишмайди. У фалончи каззоб деб, қўяди. Шу битта ёлғонни учун. Чунки, бу шариатнинг ҳимояси учундир. Бир одам биров билан қуда бўлмоқчи бўлса, тижоратда шариклик қилмоқчи бўлса, ёки, бир омонат қўймоқчи бўлса, шунда маслаҳат сўраса бировдан,

وقد قال النبي صلى الله عليه وسلم: المستشار مؤتمن. رواه الترمذي

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, маслаҳат сўралган одам, омонатликдир, дедилар.

Тўғри маслаҳат бериши керак бўлади. Қуда бўлишлик бу жиддий масала бўлгани учун, унинг айби бўлса, тўғриси айтган маъқул бўлади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида Фотима бинти Қайс деган, аёл киши келиб,

وَعَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ قَيْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ، فَقُلْتُ: إِنَّ أَبَا الْجَهْمِ وَمُعَاوِيَةَ خَطْبَانِي؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَمَّا مُعَاوِيَةُ، فَصَلُّوْكَ لَا مَالَ لَهُ، وَأَمَّا أَبُو الْجَهْمِ فَلَا يَضِغُ الْعَصَا عَنْ عَاتِقِهِ مَتَّقْ عَلَيْهِ

Абу Жаҳм ва Муовия деган, кишилар, менга совчи бўлиб келишди. (Менга маслаҳат берсангиз деди.) Муовия қўлида моли йўқ, камбағал дедилар. Абу Жаҳм бўлса, елкасидан асо тушмайди, дедилар. Яъни, доим сафарда, асога бир нарсасини, илиб юраверади, дедилар.

Ёки, бирор тижорий ишда шариклик қилишда, маслаҳат сўраб қолади. Бундай пайтда, бўлади деб, айтишлик мумкинлигида ихтилоф йўқ. Лекин, бўлмайди деганда, нимага, деб сўраб қолади. Шунда, албатта, унинг камчилигини айтишлик керак бўлади. Бундай пайтда айтишликка рухсат бор. Чунки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

،عن أبي سعيد سعد بن سنان الخدري رضي الله عنه: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: لا ضرر ولا ضرار؛ حديث حسن رواه ابن ماجه

Мўмин одамга зарар етишини, мўмин одам раво кўрмаслиги керак.

Бешинчиси, Фисқи билан ошкор бўлган одам, ёки бидъатчи одам. Бидъатларни ошкора қилиб юрган одам. Маст қилувчи ичимликни, ичувчи одамни, бу одам, мана шундай одам деб, огоҳлантириб қўйишлик мумкин. Бидъатларни қилувчи одамни ҳам, бу билан, кўп яқин бўлмагин, деб, айтишлик жоиз.

Олтинчиси, Бир лақаб билан танилган кишини, танитиш учун лақабини айтиш. Бир киши бир лақаб билан, машхур бўлса, шуни айтмагунча, биров танимади уни. Шунақа пайтда, танитиш мақсадида, лақабини айтишга рухсат беришган. Лекин, бу ҳам камситиш мақсадида бўлмаслиги керак. Бу ўзи билан Аллоҳнинг ўртасида, сир бўлиб қолади.

Еттинчиси, оилавий ишларда, зарардан сақланишлик учун, бировнинг айбини гапиришлик мумкин. Бунга мисол қилиб шу ҳадисни келтиришган. Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар.

جاءت هند امرأة أبي سفيان إلى النبي صلى الله عليه وسلم فقالت: إنَّ أبا سفيان رجلاً شحيح فهل علي جناح أن أصيب من ماله فأنفق علي وعلى ولدي؟ فقال لها النبي الله صلى الله عليه وسلم: (لا حرج عليك أن تأخذي من مال أبي سفيان فتتفقيه عليك وعلى ولدك بالمعروف) الراوي : عائشة أم المؤمنين | المحدث : ابن حبان | المصدر : صحيح ابن حبان

Абу Суфённинг хотини Ҳинд Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, Абу Суфён жуда бахил одам. Менга ва оиламга етадиган, миқдорда унинг молидан олсам бўладими? деганда, ўзинга ва фарзандинга, ўртача миқдорда етадиган молидан олавер, дедилар.

Шунда, Абу Суфённи камситиб гапирди. Шуни Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам эшитиб турдиларми? демак, шу рухсатлигига далил бўлади, дейдилар. (Пайғамбарлар мункара амал бўлса, албатта қайтаришганлар)

Чақимчилик

Тилнинг гуноҳларидан мана, ғийбатдан ҳам ёмонроғи, чақимчиликдир.

مَرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى قَبْرَيْنِ فَقَالَ: (إِنَّهُمَا لِيُعَذَّبَانِ وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَبِيرٍ ثُمَّ قَالَ: بَلَى أَمَا أَحَدُهُمَا فَكَانَ يَسْعَى بِالنَّمِيمَةِ وَأَمَّا الْآخَرُ فَكَانَ لَا يَسْتَنْزِعُهُ مِنْ بَوْلِهِ) ثُمَّ أَخَذَ عَوْدًا فَكَسَرَهُ بَاتْنَيْنِ ثُمَّ غَرَزَ كُلَّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا عَلَى قَبْرِ ثُمَّ قَالَ: (لَعَلَّهُ يَخْفَفُ عَنْهُمَا الْعَذَابُ مَا لَمْ يَبْيَسَا)

الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : ابن حبان | المصدر : صحيح ابن حبان
(Муттафақун алайҳ ҳадис)

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам иккита қабрни олдидан ўтдилар. Ва икковлари ҳам азобланаяпди, дедилар. Кабира гуноҳлар учунмас. Ҳа, кабира гуноҳлар учун дедилар. Бирдан ваҳй келдида, ҳадисни шарҳида шундай дейилади. Гуноҳи кабираси деб, ўйлаган эканлар, чақимчилик ва сийдиқдан сақланмаслики. Йўқ, гуноҳи кабира, дедилар кейин. Биттаси одамлар ўртасида, чақимчилик қилиб юрарди. Иккинчиси, ўзининг бавлидан эҳтиёт бўлмасди, дедилар.

Ҳозирги ажнабий миллатларга ўхшаб, кийимига сачрашлигидан ва баданига сачрашлигидан эҳтиёт бўлмасди, дедилар. Бу ҳадис, бизга чуқур маънони эслатади. Ҳозирги пайтда жоҳил табиблар пайдо бўлган. Одамларга ўзининг бавлини ичишни тавсия қилаяпди. Бизга одам ўзини бавлини ичса бўладими? деган саволлар бериляпди. Мана бу яҳуд табиат бўлган, мусулмонларнинг зарарига ҳарис бўлган, ҳаром бўлган нарсани ичадиган даражада беҳаёликка етиб боришликни, ҳеч ким кутмаганди.

Чақимчиликни ёмонлигини ҳам биламиз. Оғизни чақимчиликдан эҳтиёт қилмаслиқни, инсон ўзини бавлидан эҳтиёт бўлмаганга ўхшатилади, бу ерда. Ажабмаски, чақимчиликдан эҳтиёт бўлмаган одам, бавлини истеъмол қилиб юрадиган даражага, чиқиб кетса?!

Чақимчилик ва бавлини истеъмол қилишдан эҳтиёт бўлмаслик, азоби қабри бошланишидир. Бу ҳадис, Азоби қабри инкор қилиш даражасига чиқиб қолган, баъзи бир тоифаларга ҳам, раддиядир бу! Чақимчилик қилувчиларга, қиёматга бормасдан туриб, қабрда унинг азоби бошланади. Бавлидан ўзини бекитмаган одам, ҳам, шу амали туфайли, қабрида азоби бошланади. Бизнинг бавлдан эҳтиёт бўлмоғимиз қанчалик зарур бўлса, чақимчиликдан ҳам, эҳтиёт бўлмоғимиз, шунчалик зарур бўлмоқлиги керак!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу дарсимизни қабул қилсин! Ҳозирги даврда илмга рағбатни йўқолиб бораётгани ҳам, қиёматнинг аломатларидандир, биродарлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن عبدالله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما قال: سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: إن الله لا يقبض العلم انتزاعاً ينتزعه من العباد، ولكن يقبض العلم بقبض العلماء، حتى إذا لم يبق عالماً اتخذ الناس رؤوساً جهالاً، فسئلوا، فأفتوا بغير علم، فضلوا وأضلوا؛ متفق عليه

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илмни бандаларининг қалбидан, шундай суғуриб олиб қўймайди. Яъни, олимлар эрта билан турса, илмсиз бўлиб қолмайди. Илмни уламоларни вафот топтиришлик билан олади. Бирорта олимни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қўймагандан кейин, одамлар ўзларига, жоҳилларни пешво қилиб олади. Улардан фатво сўрашади. Улар ҳам илмсизлик билан фатво бераверади. Ўзлари ҳам адашади ва бошқаларни ҳам адаштирадилар, дедилар.

Демак, одамлар бир тарафдан ўзлари ҳам айбдордир. Чунки, ўзларига жоҳил одамни пешво қилиб олишганига. Ҳозир уни акси бўлаяпди, биродарлар. Одамлар ўзларига, жоҳилларни пешво қилиб олишдан илгари, жоҳиллар ўзлари, пешво бўлиб олаяпди. Баъзи маҳаллаларни қарасангиз, мен аввалги даврини камситмоқчимасман. Лекин, Исломни билмаган, аввалги даврда, ёши улғайиб қолиб, маҳаллада одамларга гапи ўтадиган бўлгани учун, намозларга ҳам шу жоҳил одамни, имом бўлиб қолиши, бу мусибат бу, биродарлар. У одам айтиши керакки, биродарлар, мен намозга ўтишим мумкин эмас. Мени қироатим саҳиҳ эмас. Мен шариат илмларини билмайман. Бирорта бир, укалардан биладиганини танлайлик, деб, айтмоқлиги керак!

Улардан масалалар сўралса, илмсизлик билан фатво бераверади. Фатво бераверади. Билмайдиган нарсаси бўлмайди уни. Ўзлариям адашиб, бошқаларниям адаштиради. Мана бу қиёматнинг аломатларидан, дедилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

(Шу ерда, баъзи саволларга қисқача, жавоблар берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни рамазони шарифга етказсин. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рамазони шарифни, суннатга мувофиқ ўтказишликка тавфиқ берсин! Биродарлар, тил ҳақида дарс бўлди. Шу рамазони шарифда, дину дунёга керакмас, беҳуда сўзлардан тилимизни тийишликка, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни Фарзандларимизни ҳақ йўлга ҳидоят қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўтган аждодларимизни раҳмат қилсин! Гуноҳларини мағфират қилсин Қабрларини жаннат боғларидан бир боғчага айлантисин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, тилимизни нотўғри нарсалардан тийишликка, тавфиқ берсин! Уйимиз ҳаммамизни сиғдирсин! Хатоларимизга йиғлайдиган кишилардан бўлайлик! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

58 дарс тугади.

59 Дарс

Амру маъруф ва наҳий мункар ҳақида

(Бу дарс аввалида, ўтган рамазон ойи ҳақида қисқа гапирилиб, дуолар қилинади. Чунки, рамазонда бир ой дарс қилинмаганди. Кейин, дарс мавзусига ўтиб, амри маъруф ва наҳий мункар учун ўлчов, мезон шариат бўлишлиги ва буни қилишлик мўминлар зиммасидаги фарз эканлиги уқтирилади. Уни қилишлик шахсга ва жамиятга манфаати ва қилмасликни, жамиятга ҳалокатлик бўлиши, тушунтирилади. Ва даъват йўлидаги озорларга сабр қилиш лозимлиги уқтирилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ҳамдлар бўлсинки, Рамазони шарифда рўзалар тутиб, қиёмуллайларни, адо қилинган бўлди. Бизнинг бу Мадраса, Жомеъ Масжидимизда, эътикоф суннатини ҳам, адо қилган кишилар бўлди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу Рамазони шарифда тутган рўзаларимизни ва ибодатларимизни қабул қилсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ҳаммамизни охиратдаги даражотларимизни баланд бўлишига, сабабчи қилсин!

(Қисқа изоҳ: 1995 йил рамазон ойи, 31 январдан бошланди. 1 мартда тугади. 2 мартда хайит бўлди. Бу дарс 6 март 1995 йилда қилинган. Бундан ташқари 19 та дарс қилинган. Август ойининг 29 гача. Кейин у киши ва ҳамроҳи Рамазон Маткаримов, 3 рабиус сонида, сешанба куни 1416 ҳижрий йилда (29 август 1995 йилда) ИАК режими томонидан ўғирлаб йўқ қилинди. Аллоҳ шаҳодатларини қабул қилсин!)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида,

مَنْ صَامَ رَمَضَانَ، إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ.
الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Ким рамазонда, имон ва умид билан рўза тутса, ўтган гуноҳлари кечирилади, деганлар. Ва яна,

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ
رواه البخاري (37)، ومسلم (759)

Ким рамазонда, имон ва умид билан намоз ўқиса, ўтган гуноҳлари кечирилади, деганлар.
Ва яна бошқа ҳадисларда,

مَنْ قَامَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Ким рамазонда, имон ва умид билан Қадр кечаси намоз ўқиса, ўтган гуноҳлари кечирилади, деганлар.

Мана шу ҳадиси шарифлардаги айтилган мукофотларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дунёдаги ҳамма мусулмонлар қатори, бизнинг шу кичкина, жамоамиздаги мусулмонларга ҳам, насиб қилган бўлсин!

Дарсимиз рамазони шарифда тўхтатилган эди. Иншааллоҳ, бугундан бошлаб дарсни давом эттирамиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг мадади билан. Бугунги дарсимизда, ислом шиорларидан бўлган, ва мусулмонлар орасида, истисно суратида айтамиз, Ислом олимлари ўртасида ҳам тарк бўлган, Амри маъруф ва наҳй мункар шиори ҳақида, дарс юритамиз.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ислом умматини, бутун халқлар устида гувоҳ уммат қилди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ислом умматини, бошқа умматлардан яхши уммат қилди. Инсонларга чиқарилган умматлар ичидаги, энг яхши уммат қилди. Бу умматни, ўз ўзидан пайдо бўлиб қолган, демади. Бу уммат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан қасд билан чиқарилган уммат деди. Бу умматни, зироат, иқтисод, ёинки, бошқа бир соҳаларни ривожлантиришга хос бўлган уммат деб, атамади. Агарчи, ислом умматининг вужуди, зироат, иқтисод, ёки, бошқа бир соҳаларда, буюк уммат ва ҳамма соҳаларда инсонларга манфаат етказувчи уммат бўлса ҳам, шу соҳаларни ривожлантиришга хос бўлган, уммат деб, ёд қилмади. Бу уммат, инсонлар ҳидояти учун, инсонларни ҳақиқий инсон бўлишлиги учун, чиқарилган. Ўз ўзидан чиқиб қолганмас, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан чиқарилган уммат деб, ёд қилди. Бу умматни башарийят учун, чиқарилган умматлар ичидаги, энг яхшиси деб, ёд қилди. Одам алайҳиссаломдан тортиб, то Муҳаммад алайҳиссалом гача ўтган пайғамбарларга тобеъ бўлган, умматлар ичидаги, энг яхшиси деб, ёд қилди.

Бу яхши бўлишлигига сабаб, бу умматнинг маъруф ишга буюришлиги ва мункардан қайтаришлиги деб, ёд қилди. Бу яхши бўлишлигининг сири, зироатни ривожлантиргани учун, яхши уммат бўлган эмас. Ёинки, бир иқтисодий тармоқни ривожлантирганлиги учун, яхши уммат деб, ёд қилмади. Ёинки, ҳаётнинг бошқа тармоқларини, ривожлантирганлиги учун, яхши уммат деб, ёд қилмади. Балки, яхши уммат бўлишлиги учун, маъруф ишга буюришлиги ва мункардан қайтаришлигини, биринчи шарт қилди. Маъруф ишга буюришлик ва мункар ишдан қайтаришликни, ҳамма ҳам даъво қилиши мумкин. (Кофирлар ҳам) шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яхши уммат бўлишлиги учун, Аллоҳга бўлган имонни, шарт қилди. Моддага бўлган имонни эмас. Ё бир дарахтга, ё тоққа, ё булоққа, ё бошқа, ширк бўладиган амалларга бўлган, имонни эмас. Аллоҳга бўлган имонни шарт қилди.

كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ ۚ وَلَوْ آمَنَ أَهْلُ الْكِتَابِ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ
مِنْهُمْ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَاسِقُونَ

Оли Имрон сураси 110 оят

Ислом умматининг алоҳида имтиёзи, шу нарса бўлди. Биз шунинг учун, Маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтаришликни, Аллоҳга бўлган имон асосида бўлишлигини, ўзимизда мужассамлаштирар эканмиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гувоҳлик берган, энг яхши уммат бўла оламиз. Агар бу учта сифатни, ўзимизда мужассамлаштирмас эканмиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтган, яхши уммат бўла олмаймиз.

Дарсимиз вақти қисқа бўлса ҳам, бу амри маъруф ва наҳй мункар қилишлик, мўминлар орасида шойеъ бўлишлиги, қандай яхшиликларга сабаб бўлишигига ва амри маъруф ва наҳй мункарни тарк қилишлик, қандай ёмонликларга сабаб бўлишигига, бир ишора қилиб ўтамыз.

Маъруф калимаси, араб тилида, аниқ бўлган деган, маънони билдиради. Мункар калимаси, накр қиладиган, яъни, жирканадиган деган, маънони билдиради. Маъруф калимаси, бир амални яхшилиги, ҳаммага маълум деган, маънода. Мункар калимаси ҳам, ҳаммага бунинг жирканчилиги маълум деган, маънода.

Маъруф ва мункар нарсани, тайин қилишликда, урф, ўлчов асбоби бўлиши мумкинмас. Балки, шариат бўлмоқлиги керак. Шариат маъруф деган нарсаси, маъруф деб, тан олинишлиги керак, агарчи, ер юзидаги одамларга, бу нарсаси маъқул келмаса ҳам. Шариат мункар деган нарсаси, мункар деб, тан олинишлиги керак, мўмин кишилар эътиқодида, агарчи, ер юзидаги одамларга, бу нарсаси яхши кўринса ҳам. Яъни, бу мункар, жирканч нарсаси бўлмоқлиги керак. Одамлар уни, қандай яхши ном билан атасалар ҳам. Маданият дейдими, ё бошқа, ҳаказо номлар билан атаса ҳам. Демак, маъруф ва мункардаги эътибор, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг шариатида. Одамларнинг хоҳиши бўлмаслиги керак. Аллоҳнинг шариати ҳоким бўлишлиги керак. Чунки, одамларнинг хоҳиши, ҳар йилда, ойда, ҳафтада ва кунда ўзгариб тураверади.

Биз маъруф ва мункарни таъйин қилишликда, китобу суннатдан кейин, салафи солиҳинларнинг раъйи, хусусан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари дағи, маълум бўлган нарсаларга ҳам, мурожаат қиламиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари, ваҳй даврида яшаганликлари учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дақиқ тарбиялари остида бўлганликлари ва тобеъинларнинг уларга қаттиқ эргашганликлари сабаблик, улардан маълум бўлган нарсаларни ҳам, биз маъруф деймиз. (Яъни, манба сифатида уларга мурожаат қиламиз. Уларда бор бўлган амални қабул қиламиз.) Улар мункар деган нарсаларни, мункар деймиз. Шунинг учун, мусулмонлар саҳобаларнинг ижмоъсини, ҳужжат деб, эътибор қилишдилар. Имоми Молик, асри саодатда яшаган аҳли Мадинанинг амали ҳам, ҳужжат деб, эътибор қилдилар. Демак, Биз маъруф ва мункарни таъйин қилишликда, саҳобалар ва уларга эргашган тобеъинларнинг даврини оламиз. (Китобу суннатдан кейин) Чунки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло булардан рози бўлди.

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

Тавба сураси 100 оят

Муҳожир ва ансорлардан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рози бўлганлигини, Ўзининг каломидида ёд қилди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам,

فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ، عَصُوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِذِ، وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ، فَإِنَّ كُلَّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ». رواه أبو داود والترمذي، وقال: «حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ

Хулафои рошидинларнинг суннатига эргашишликни, очиқ насс билан баён қилдилар.

خيرُ القرونِ قرْنِي، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мана шу ҳадисда, тобеъинлар ва уларга эргашганлар даврини ҳам қайд қилиб ўтдилар. Биз маъруф ва мункарни таъйин қилишликда, мана шу нассларга асосан, амал қиламиз.

Амри маъруф ва наҳй мункар инсоният вужудининг лозимларидандир. Модомики, инсон мавжуд бўлар экан, у маъруфга буюриб, мункардан қайтаради. Ё мункарга буюриб, маъруфдан, қайтаради. Бундан бошқа бўлиши мумкинмас. Аниқроқ қилиб айтсак, агар инсон Аллоҳ ва Расули буюрган маъруфга буюрмас экан, Аллоҳ ва Расули қайтарган, мункардан қайтармас экан, албатта у, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган нарсалардан қайтариб қўйишдан, бошқа чораси қолмайди. Аллоҳ буюрган маъруфдан қайтариб, Аллоҳ қайтарган мункарга буюриб қўяди. Жамиятда муҳмал яшаши мумкинмас инсоннинг. Шунинг учун амри маъруф ва наҳй мункар, инсон вужудининг лозимларидан деб, эътибор қиламиз. (Яъни, инсон зоти истаса истамаса, бир нимага чақириб, бир нарсадан қайтариб яшайди. Шуни шариат мезонида қилса, тўғри қилган бўлади. Бўлмаса, нотўғри бўлсада, барибир шуни қилиб яшайди)

Қайси бир умматда, амри маъруф заифлашса, мункарга бўлган буйруқ кучаяди. Қайси бир умматда, мункардан қайтаришлик заифлашса, амри маъруфга буюришлик ҳам, заифлашиб бораверади. Жамият икки хилдан бошқача бўлмайди. Ё бузуқ жамият. Ё тўғри жамият. Бузуқ жамият, мункар нарса ғалаба қилган, жамиятдир. Мункар кучайиб бориб, ошкор бўлган. Мункар аҳлига ўзига хос иззат, ҳурмат ва тамкин бўлган жамиятдир. Агарчи, бу жамиятда, аҳли хайрлар, яхшиликка буюрадиган одамлар бўлса ҳам. Лекин, уларда заифлик бордир. Тўғри жамият, шариатда маъруф бўлган нарсалар ғолиб бўлган, жамиятдир. Маъруф аҳлига ўзига хос бир, иззат, ҳурмат ва эҳтиром бўлган жамиятдир. Агарчи, бу жамиятда ҳам, нопоклик ва нопокликка чақирувчи одамлар бўлса ҳам.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло иккала жамиятни ҳам, Ўзининг қуръонида ёд қилди.

Тўғри жамият

وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ
وَرَسُولَهُ ۚ أُولَٰئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

Тавба сураси 71 оят

Мўмин кишилар ва мўмина аёллар, улар бир бирларига дўст бўлган, кишилар ва аёллардир. Мўмин кишилар ва мўмина аёллар, яшаган жамият, улар бир бирларига ёрдамчи, авлиё, яъни, дўст бўлган кишилар жамиятидир. Улар маъруф ишга буюришади ва мункар ишдан қайтаришади ва бу маъруфнинг биринчи рамзи бўлган, намозни барпо қилишади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло намозни барпо қилган кишиларни, мадҳ қилган. Улар намозни барпо қилишади ва закотни ўташади. Намозга барпо қилиш, маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришдан кейин келишлигининг сири, валлоҳу аълам, маъруф нарса ҳукм сурганда, мункар хорланган вақтда, инсон маъруфнинг биринчи зоҳири бўлган, ва қуллик рамзи бўлган намозни барпо қилишни, кўрсатади. Агар маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш сифати инсонда топилмаса, ердаги тамкин бўлган, мутамаккин бўлган, жамиятдаги ҳукмрон бўлган тоифалар, убудийятни эсидан чиқариб қўяди. Аллоҳга қулликни, эсдан чиқариб қўяди. Фиравнга ўхшаган

فَقَالَ أَنَا رَبُّكُمُ الْأَعْلَى

Нозиёт сураси 24 оят

Мен сизларнинг олий Роббингизман, деворади.

Лекин, маъруфга буюрадиган ва мункар ишдан қайтарадиган жамиятдаги кишилар, убудийятнинг асоси бўлмиш, намозни барпо қилишади. Агар маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган жамият вужудга келмаса, фуқаролар ҳаққини ейишлик бошланади.

Лекин, маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган жамиятда, фуқароларнинг ҳаққи бўлган, закотни берилади.

وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ

Тавба сураси 71 оят

Закотни беришадилар.

وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ

Тавба сураси 71 оят

Ҳар бир нарсада, Аллоҳ ва Расулига эргашадилар. Ҳавога эргашмайдилар.

أُولَئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

Тавба сураси 71 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларнинг мукофотини ерда беришга ваъда қилмаяпди. Уларга келажақда, Аллоҳнинг раҳмати бўлишини, ваъда қилаяпди.

Бузуқ жамият

Бузуқ жамиятдаги, ғолиб бўлган эр ва аёлларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сифатларини келтириб, уларни мунофиқлар деб, ёд қилаяпди.

الْمُنْفِقُونَ وَالْمُنْفِقَاتُ بَعْضُهُمْ مِّنْ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَنكِرِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمَعْرُوفِ وَيَقْبِضُونَ أَيْدِيَهُمْ نَسُوا اللَّهَ فَنَسِيَهُمْ إِنَّ الْمُنْفِقِينَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

Тавба сураси 67 оят

Мунофиқ кишилар ва мунофиқа аёллар, бир бирига шундай, киришиб кетган. Улар мункарга буюришади. Шариатда жirkanч бўлган, нарсаларга буюришади. Маъруфдан қайтаришади. Улар қўлларини қабз қилишади. Закот беришлик, у ёқда турсин, бировларнинг ҳақларини бермайди. Қўлларини маҳкам ушлашиб олишади. Яъни, фуқаролар ҳаққини ўтамайдилар. Улар Аллоҳни эсдан чиқаришган. Ва Аллоҳ ҳам, уларни эсдан чиқарган. (Бу ерда киноя бор. Аллоҳ ҳеч нарсани эсдан чиқармайди. Бу сўзда, Аллоҳ уларни эсламайди, деган маъно бор) ҳақиқий Аллоҳнинг ҳудудидан чиққан фосиқлар, мунофиқлардир деб, Аллоҳу таоло баён қилди. Шу ерда мен арабий илмдан хабари бўлган кишиларга баъзи ишорани кўрсатиб ўтмоқчиман. Мўминларнинг сифатлари зикр қилинганда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ

Тавба сураси 71 оят

улар бир бирларига дўст бўлган, кишилар ва аёллардир. деб, сифатлади.

Аммо. Мунофиқларнинг сифатларида,

الْمُنْفِقُونَ وَالْمُنْفِقَاتُ بَعْضُهُمْ مِّنْ بَعْضٍ

Тавба сураси 67 оят

Улар бир бирларидандир деб, сифатлади.

Бу калима, валлоху аълам, мўминларнинг мўмин кишилар билан ва мўмина аёлларнинг мўмина аёллар билан, ўзаро дўстлиги, Аллоҳнинг юборган манҳажи, туширган шариати асосида, ақида асосидадир. Улар бир бирларига, эргашиб кетадиган кишилар эмас. Улар бир бирларига дўст. Бу дўстлиги, Аллоҳнинг манҳажи, шариати ва ақида асосидадир.

Мунофиқларнинг сифатларида, бир бирларига киришиб, кетганлиги, уларнинг бирлашадиган манҳажи йўқ. Улар ўзи эргашган одами, қайси фикрда бўлса, шунга кўр кўрона, тақлид қилиб эргашиб кетаверади. Мана бу

الْمُنْفِقُونَ وَالْمُنْفِقَاتُ بَعْضُهُمْ مِّنْ بَعْضٍ

Тавба сураси 67 оят

Қуръони каримнинг дақиқ ибораси, улар бир бирига шундай эргашиб кетаверади.

Мўминларнинг дўстлиги, Аллоҳнинг манҳажи, шариати ва ақида асосидадир. Агар ўттиз йил дўст бўлсалар, биттаси шариатдан чиқишлиги билан, дўстлик риштаси узилади, уларда. Мунофиқларчи, агар юз йил яшаса, қайси фикрда бўлса, бирига эргашиб кетаверади. Кўр кўрона эргашишликдан бошқа нарсамас.

Ҳақиқатдан ҳам, исломдан бошқа манҳажларни текширсангиз, ҳаммаси бир одамнинг фикрига эргашиб кетаверади. Исломда эса, Аллоҳнинг манҳажи, шариати ва ақида асосидаги дўстликдир. Дўстлик ҳам шу асосда, ажралишлик ҳам, шу асосда бўлмоқлиги керак! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам учун ўзларининг моллари ва жонларини фидо қилган киши, Абу Бакр ҳақида, агар бировни халил қилмоқчи бўлсам, Абу Бакрни қилардим, лекин, Исломдаги биродарлик етади, дедилар. Яъни, халил, фидоий дўст, содиқ, ухувват мартабасидан юқори туради. Унинг нима айтса, вужудига кириб кетишлик, бу Халил маъносидир. Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Исломий биродарлик кифоя қилади, дедилар. Мўминларда исломий биродарлик бор. Ислом асосида бирлашадилар. Исломдан ташқари бўлишлик билан, ажралишадилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам амри маъруфни тарк қилишлик, катта бир жаҳолат эканига, бир неча йўлланмалар бердилар.

عَنْ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ أُمِّ الْحَكَمِ رَبِّبِ بَنَاتِ جَحْشٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ عَلَيْهَا فَرَعَا يَقُولُ: «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَبِئْسَ لِلْعَرَبِ مِنْ شَرِّ قَدِ اقْتَرَبَ، فَتَحَ الْيَوْمَ مِنْ رَدْمٍ يَأْجُوجُ وَمَأْجُوجٌ مِّثْلَ هَذِهِ»، وَحَلَّقَ بِأَصْبَعِيهِ الْإِبْهَامَ وَالَّتِي تَلِيهَا، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَتَهْلِكُ وَفِينَا الصَّالِحُونَ؟ قَالَ: «نَعَمْ إِذَا كَثُرَ الْخَبَثُ» مَثَقَّقٌ عَلَيْهِ

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан, Зайнаб бинти Жаҳш разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, унинг хужрасига кўрққан ҳолда кирдилар. Ла илоҳа иллоллоҳ, дедилар. Арабларнинг ҳолига войки, яқинлашиб келаётган ёмонликдан, дедилар. Кейин,, бугун Яъжуж ва Маъжуж тўсиғидан шунча очилди, деб, бош бармоқлари билан, кўрсаткич бармоқларини халқа қилиб, кўрсатдилар. Зайнаб бинти Жаҳш разияллоҳу анҳо сўрадиларки, ё Расулulloҳ, ичимизда солиҳ кишилар бўлса ҳам, ҳалок бўламизми? дедилар. Шунда, ҳа, агар фасод кўпайиб кетса, дедилар.

Умар ибн Абдулазиздан келтирилган асарда, у киши айтадиларки:

وقال عمر بن عبد العزيز - رحمه الله-: (كان يقال: إن الله تعالى لا يعذب العامة بذنب الخاصة، ولكن إذا عمل المنكر جهاراً استحقوا كلهم العقوبة)

الموطأ رقم 1820

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло омма халқни, хос одамларни гуноҳи учун азобламайди. Лекин, мункар иш ошкор қилинса, маън қилинмаслиги сабаблик, ҳамма одам, азобга сазовор бўлади.

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

ما من قوم يعمل فيهم بالمعاصي ، هم أعزُّ و أكثر ممن يعمله ، ثم لم يغيروه ، إلا عَمَّهم الله تعالى منه بعقاب
الراوي : جرير بن عبد الله | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع | الصفحة أو الرقم : 5749 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Бир киши, бир жамоат ичида яшаса. Доим маъсият амалларни қилаверса, одамлар бунга ўзгартиришга қодир бўлсалару, лекин, ўзгартирмасдан қўйиб берсалар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шуларни ҳаммасини азоблайди.

Нима учун мункар қайтарилмаса, хатар бўлади? Бу мункар иш, урфга айланиб бораверадида, шариат мункар деган, нарсани, дуруст деган, фикр пайдо бўлади. Ҳозирги вақтдаги жуда кўп мункарни барпо бўлишлиги, аҳли илмлар, шу нарсани рад қилмагани натижасида барпо бўлиб қолган. Шунинг учун мункар нарсани инкор қилишлик, аҳли илмларга вожибдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарихда, бутун оламлардан афзал бўлган Бани Исроилни малъун бўлганлигини сабабини баён қилганда, маъруфга бўлган буйруқ ва мункарга бўлган қайтариқ, уларда йўқолганлиги сабаблик, малъун бўлганлигини баён қилди.

لُعِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ
كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ
Моида сураси 78,79 оятлар

Бани Исроилнинг кофирлари, Довуд ва Исо ибн Марям тили билан, лаънатланишди. Пайғамбарлар, биродарлар, бировга лаънат айтишган ўринлардан жуда пок бўлишганлар. Магар Аллоҳ лаънат айтган ўринларга, булар ҳам айтишган. Улар осий ва тажовузкор бўлгани сабаблик малъун бўлишган. Осий бўлишганини сабаби нимада? Ўрталарида, одамлар қилган мункар амалдан, бир бирларини қайтаришмаган. Уларнинг қайтаришмаган феъллари, қандай ҳам ёмон нарса? деб, Аллоҳу таоло хабар бераёпти. Шу сабаблик улар малъун бўлишган.

Баъзи саҳобалар, шу оятни,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْفُسَكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَنْ ضَلَّ إِذَا اهْتَدَيْتُمْ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ
Моида сураси 105 оят

Эй мўминлар, ўзингларни билинглар. Сизларга адашган одамларнинг зарари бўлмайди, агар ҳидоятда бўлсанглар, деган оятни зоҳирдан, амри маъруф биздан соқит бўлган. Ўзимизни ўнгласак бўлди, деб, тушунишиб қолган эканлар. Шундан хабардор бўлган, Абу Бакр Сиддиқ Халифалик даврларида,

قال أبو بكر ، بعد أن حمد الله وأثنى عليه : يا أَيُّهَا النَّاسُ ، إِنَّكُمْ تَقْرَعُونَ هَذِهِ الْآيَةَ ، وَتَضَعُونَهَا عَلَى غَيْرِ مَوْضِعِهَا عَلَيْكُمْ أَنْفُسَكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَنْ ضَلَّ إِذَا اهْتَدَيْتُمْ وَإِنَّا سَمِعْنَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : إِنَّ النَّاسَ إِذَا رَأَوْا الظَّالِمَ فَلَمْ يَأْخُذُوا عَلَى يَدَيْهِ أَوْشَكَ أَنْ يَعْتَمَهُمُ اللَّهُ بِعِقَابٍ وَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : مَا مِنْ قَوْمٍ يَعْمَلُ فِيهِمْ بِالْمَعَاصِي ، ثُمَّ يَقْدِرُونَ عَلَى أَنْ يُغَيِّرُوا ، ثُمَّ لَا يُغَيِّرُوا إِلَّا يَوْشِكُ أَنْ يَعْتَمَهُمُ اللَّهُ مِنْهُ بِعِقَابٍ
الراوي : قيس بن أبي حازم | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу минбардан одамларга хитоб қилиб, Эй Одамлар, сизлар бу оятни ўқиб, нотўғри маъно бераяпсизлар. Биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитганмизки, одамлар золимни зулм қилаётганини кўришса, ва қўлини ушлашмаса, Аллоҳу таоло ҳаммани баробар азоблайди, деганлар, дедилар.

Агар сизлар амри маъруф наҳй мункар қилганингиздан кейин ҳам, ўнганмаса, унда сизларга зарар қилмайди. Мазлумлар дуоси ижобат дейилган, ҳадиси шарифларда. Агарчи кофир бўлса ҳам. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи билан мазлум ўртасида, парда қилмади. Мазлум дуо қилса, албатта ёрдам бераман, деди. Лекин, шунча мазлум дуо қилса ҳам, ижобат бўлмайди, деб, ҳайрон бўлади. Ҳатто, аҳли илм кишилар ҳам, тушунолмадик дейди. Мана бу ҳадис бизга жавоб бўлади, биродарлар!

وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ أَوْ لَيُوشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عَذَابًا مِنْ عِنْدِهِ ثُمَّ لَتَدْعُنَّهُ فَلَا يُسْتَجَابُ لَكُمْ
الراوي : حذيفة بن اليمان

Хузайфа ибн ал Яманий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар. Рухим кўлида бўлган Зотга қасамёд қилиб айтаманки, маъруф ишга буюрасизлар ва мункар ишдан қайтарасизлар. Агар бу сифат сизларда бўлмаса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизларга азоб жўнатади. Кейин, дуо қиласизлар, ижобат қилмайди.

Амри маъруф, наҳй мункар тарк қилинган умматнинг, дуоси ижобат эмас! Мана бу ҳадис шунга далолат қилади.

رَوَى عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ أَنَّهُ قَالَ: لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ أَوْ لَيَسْلُطَنَّ اللَّهُ شَرَارَكُمْ عَلَى خَيْرِكُمْ فَيَدْعُو خَيْرَكُمْ فَلَا يُسْتَجَابُ لَهُمْ

Албатта, маъруф ишга буюрасизлар ва мункар ишдан қайтарасизлар. Агар бу сифат сизларда бўлмаса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизларга ёмонларингни яхшиларинг устига ҳоким қилиб қўяди. Яхшиларинг дуо қиладилар. Аллоҳ ижобат қилмайди.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мени олдимга кирдилар. Юзларида бир ташвишни кўрдимки, бир нарса бу кишини безовта қиларди. Ҳеч кимга гапирмадиларда, таҳорат қилиб, чиқиб кетдилар. Хужранинг деворига ёпишиб, нима айтар эканлар деб, қулоқ солиб турдим. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам минбарга кўтарилдилар.

عن عروة ، عن عائشة ، قالت : دخل علي النبي صلى الله عليه وسلم ، فعرفت في وجهه أن قد حضره شيء ، فتوضأ ، وما كلم أحدا ، ثم خرج ، فلصقت بالحجرة أسمع ما يقول ، ففقد علي المنبر ، فحمد الله وأثنى عليه ، ثم قال : يا أيها الناس ، إن الله تبارك وتعالى يقول لكم : مروا بالمعروف ، وانهوا عن المنكر ، قبل أن تدعوني ، فلا أجيبكم ، وتسالوني فلا أعطيكم ، وتستنصروني فلا أنصركم

Ва айтдиларки, Эй одамлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизларга айтадики, менга дуо қилишдан олдин, амри маъруф ва наҳй мункар қилинглари, агар шундай қилмасдан дуо қилсанглари, дуоларингни ижобат қилмайман, деяпди. Мендан сўрайсизлар, мен бермайман. Сизлар ёрдам сўрайсизлар. Мен ёрдам бермайман, деди, дедилар. Шу сўзни айтдиларда, минбардан тушиб кетдилар.

Мана бу ҳадиси шарифлар, бизнинг кўп хатоларимиз, қаерга жойлашганини кўрсатиб беради. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам амри маъруф ва наҳй мункарни такр қилган жамиятнинг, хароб бўлишига бир ажиб, тамсил бердилар.

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن النعمان بن بشير رضي الله عنهما عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: مثل القائم على حدود الله والواقع فيها، كمثل قوم استهموا على سفينة، فأصاب بعضهم أعلاها، وبعضهم أسفلها، فكان الذين في أسفلها إذا استقوا من الماء مروا على من فوقهم، فقالوا: لو أنا خرقنا في نصيبنا خرقاً ولم نؤذ من فوقنا؟ فإن يتركوهم وما أرادوا هلكوا جميعاً، وإن أخذوا على أيديهم نجوا ونجوا جميعاً
روى البخاري في كتاب الشركة

Аллоҳнинг ҳудудларида муроса қилган одамлар билан, бу ҳудудларга кириб қолган одамлар мисоли, яъни, Аллоҳ маън қилган нарсани, бир одам муроса қилди. Биров қилаётса, индамади. Бошқалар бўлса қилаяпди. Бошқа кимлардир ўзлари қилмаяпдилару, лекин, қайтармаяпдилар. Шуларнинг мисоли, чек ташлаб, бир кемага минган одамлар мисолига ўхшайди. Баъзилар чек ташлаб кеманинг юқорисида ва баъзилар пастидан жой олиб ўтиришган. Одатда кеманинг тепасига чиқиб, бирор бир идиш билан, пастдан сув олинадилар. Пастдаги кишилар сув олишга тепага чиққанида, юқоридагилар озорланишди. Улар буларга озор бермайлик дейишдида, болта олиб, биттаси кемани тагини теша бошлади. Пастдан тешик очсак, сувни олаверамиз деди. Яъни, нияти яхши эди. Жуда кўп фиску фуҷурдаги ишларни текширсангиз, ниятим яхши дейди. Яъни, мен тепага чиқиб, сув олсам, тепадагиларга озор бўлади, дейди. Яхши ният билан, инсон кўп мункар ишни содир қилади, дунёда. У кемани пастини ўя бошлади. Тепадагилар келиб, нима қилаяпсан? дейишди. У мен тепага чиқиб, сув олсам, сизлар озорландинглар. Шунга мен сизларга озор бермасдан, шу ерда сув олмоқчиман, деди. Сув олишим керак, деди. Агар шуни ўз ҳолига қўйиб қўйишса, ўзини ерини ўяяпди эканда, нима ишимиз бор? дейишса, шу кема ғарқ бўлади, тамом!

Жамият ҳозир, ҳаёт кемасида кетаяпди. Ҳамма охират сафарига чиққан. Бу жамиятда баъзилар, ҳаёт мартабасининг юқори қисмини ва баъзилар пастки қисмини эгаллаган. Ўрта қисмдаги одамлар муҳмал одамлар. Яхшилиқ ҳам муҳиммас. Ёмонлик ҳам муҳиммас. Юқоридаги одамларга, пастки қисмдаги одамлар муҳтож. Худди, кемадаги пастдагилар сув олишга муҳтож бўлгандек. Юқори табақада турганлар, пастдагилар кўрмаётган хавфу хатарларни кўра олишади улар. Улар катта тўлқинда кетаётганини ва бу жамият кемасини, пастдагиларнинг заррача ортиқча ҳаракати, бу кемани ҳалокат қилиши муқаррар эканлигини билади. Шунинг учун, улар кўриб турган нарсани, булар кўролмаётгани учун, огоҳлантиришлари зарур бўлади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу тамсиллари билан, қиёматгача бўлган ҳамма жамиятнинг аҳволини, жуда ўткир мисоллар билан тушунтирганлардир. Биродарлар, ҳозир биз буни, кема мисолида айтса, кулгули эканини тушунапмиз. У айтсаки, мен ўзимни ўрнимдан тешик тешаяпман. Буни сенга алоқаси бўлмаслиги керак, деса, буни хатолигини тушунапмиз.

Аммо, мен ўзимни пулимга олиб ичаяпман. Сени нима алоқанг бор? Мен ўзимни уйимда қилаяпман, бу ҳаром нарсани, Сени нима алоқанг бор? деса, буни тушунмаяпмиз. Бир маҳаллада бир кишидан содир бўлаётган фасоднинг, бутун жамиятга хавф солишини, юқорида турган одамлар тушунади. Пастки қатордаги одамлар, ўша қилаётган одамнинг табақасида ўйлайдиганлар, тўғри, бу ўзини уйида, ўзини пулига қилаяпди, деб, айтаверади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло амри маъруф ва наҳй мункарни тарк қилган умматларга, Ўзининг азобини жўнатишини ваъда қилди. Шулардан биттаси, ҳозир айтиб ўтганимиз, Бани Исроилнинг Пайғамбарлар тилидан, малъун бўлганлиги.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган ҳадисларида, қайси жамиятда, фиску фасод кўпаядиган бўлса, солиҳ кишилар ҳам қўшилиб, ҳалок бўлиб кетишини айтиб ўтганлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қайси жамиятда, амри маъруф ва наҳй мункар қиладиган кишилар бўлса, уларга нажот беришлигини, Ўзининг китобида ёд қилди.

وَإِذْ قَالَتْ أُمَةٌ مِنْهُمْ لِمَ تَعْطُونَ قَوْمًا يَكْفُرُونَ اللَّهُ بِهِمْ أَوْ مُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا قَالُوا مَعْذِرَةٌ إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ
Аъроф сураси 164 оят

فَلَمَّا نَسُوا مَا دُكِّرُوا بِهِ أَنْجَيْنَا الَّذِينَ يَنْهَوْنَ عَنِ السُّوءِ وَأَخَذْنَا الَّذِينَ ظَلَمُوا بِعَذَابٍ بَئِيسٍ بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ
Аъроф сураси 165 оят

فَلَمَّا عَتَوْا عَنْ مَا نُهُوا عَنْهُ قُلْنَا لَهُمْ كُونُوا قِرَدَةً خَاسِئِينَ
Аъроф сураси 166 оят

Мана, Бани исроилдан бўлган денгиз бўйида яшайдиган бир қавмни Аллоҳ имтихон қилди. Улар бир кун дам оламиз ва ибодат қиламиз, шу куни тирикчилик учун, иш қилмаймиз деб, Аллоҳдан сўрашган эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга, шанба кунини дам олиш куни, қилди. Улар денгиз бўйида яшаганлари учун, кўпроқ тирикчиликлари балиқ овлаш билан бўларди. Шанба куни балиқ тутишлари, ўзларининг ихтиёрлари билан, мумкинмас, эди. Улар шанба кунда, ариқларга кириб келаётган балиқларни кўришиб, эртага овлаймиз деб, кутишса, эртасига балиқлар йўқ бўлиб қоларди. (Денгизга қайтиб кетишарди) Улар бу балиқлар, бир ақллик одамдек ҳаракат қилаяпди, дейишдида, шанба куни балиқлар кирганда, уларни овламасдан, йўлини тўсиб қўйишди. (Денгизга қайтиб кетолмайдиган қилиб) Ариқлардаги балиқларни йўлини тўсиб қўйиб, Шанба куни овламасдан, эртасига овлашди. Уларнинг ичидаги маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган кишилар, уларга мавъиза қилишди.

Шунда баъзилар келиб, нима сизлар бу гапинглар таъсир қилмайдиган ва Аллоҳ уларни ҳалок қиладиган ёки, азоб юборадиган кишиларга гапиряпсизлар? дейишди. Айтишдиларки, биринчи, Роббимиз ҳузурида, узрни қоим қилишлик учун. Биз уларга айтганмиз, дейишлик учун. Иккинчидан, мумкин шу гапимиздан таъсирланиб, шулар ичида кимлардир, тақво ҳосил қилишлари учун, гапирамиз, дейишди.

Уларга эслатилган нарсага, булар қулоқ солишмади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ёмонликдан қайтарган кишиларга, нажот берди. Ва золимларини, Аллоҳнинг буйруғи эслатилганда, эсламаганларини ҳалок қилди. Улар тажовуз қилишганда, Сизлар маймун бўлиб кетинглар деган, Аллоҳнинг буйруғи билан, ҳаммаси маймунга айланиб кетишди. Ҳақиқий маймун, маймунлигига хафа бўлмайди. У маймун фитратида яшайверади. Аммо, гапириб турган инсоннинг, тили йўқ бўлиб қолса, у бу азобга чидамайди. Энди у, ўзи ичида инсон бўлиб, кўринишда маймун бўлишлиги, чиройлик бўлиб юрган инсон, ўзини маймун бўлиб қолганлигини кўришдан, катта даҳшат йўқ, биродарлар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қаттиқ азоб берди. Яъни, инсонлик хоссаларини, Аллоҳнинг буйруғига ишлатишни, хоҳлашмаганларидан кейин, бу хоссалар ишламайдиган, маймун бўлиб кетсин, деди.

Амри маъруф қилган кишиларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нажот бердик, деяпди. Амри маъруф қилишлик, шу қилувчиларни, оммавий келган ҳалокатдан сақлайди.

فَلَوْلَا كَانَ مِنَ الْقُرُونِ مِنْ قَبْلِكُمْ أُولُوا بَقِيَّةَ يَنْهَوْنَ عَنِ الْفَسَادِ فِي الْأَرْضِ إِلَّا قَلِيلًا مِمَّنْ أَنْجَيْنَا مِنْهُمْ ۚ وَاتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مَا أَتَوْا فِيهِ وَكَانُوا مُجْرِمِينَ
Худ сураси 116 оят

Сизлардан илгариги асрларда ўтган қавмларда ҳам, ер юзида Фасод қилишдан қайтарадиган кишилар бўлса бўлмасмиди?

Бўлди уларда, жуда озчиликлари, уларга Биз нажот берганмиз. Лекин, қавмнинг аксари золимларга эргашдилар ва мужримлардан бўлишди.

Қайси бир умматда, амри маъруф наҳй мункар қилувчи кишилар бўлса, буларга Аллоҳ нажот беради. Агар атрофида бўлаётган нарсани тамошо қилиб тураверса, ўзини атрофидагиларни қайтармаса, бирга қўшилиб ҳалок бўлиб кетаверади, агарчи солиҳ кишилардан бўлса ҳам!

Ҳар бир саҳобалар, ҳаётларида, Амри маъруф наҳй мункарни қилиб ўтишган. Ториқ ибн Шихоб ривоят қиладилар. Шариатга зид бўлган, оддий ишларни ҳам рад қилишган экан. Ийд кунида, биринчи марта, намоздан илгари хутба ўқиган киши, Марвон ибн Ҳакам бўлади. (Яъни, суннатга зид бўлган, бидъат амални бошлаб берган) Ийд намозидида, намоздан кейин, хутба ўқилади. (Жума намозидан олдин, хутба ўқилади) Марвон ибн Ҳакам намоздан олдин хутба ўқиди. Бир киши туриб,

اصلاة قبل الخطب

Намоз хутбадан олдин, деди. Марвон ибн Ҳакам унга эътибор қилмасдан, хутбада давом этди. (Марвон ибн Ҳакам Уммавийлардан тўртинчи Халифадир. У уммавий Халифалар ичида, қаттиққўл бўлган кишидир) Абу Саид ал Худрий бор эдилар.

عن أبي سعيد الخدري قال أخرج مروان المنبر في يوم عيد فبدأ بالخطبة قبل الصلاة فقال رجل يا مروان خالفت السنة أخرجت المنبر في يوم عيد ولم يكن يخرج فيه وبدأت بالخطبة قبل الصلاة فقال أبو سعيد الخدري من هذا قالوا فلان بن فلان فقال أما هذا فقد قضى ما عليه سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول من رأى منكراً فاستطاع أن يغيره فليغيره بيده فليغيره بيده فإن لم يستطع فبلسانه فإن لم يستطع فبقلبه وذلك أضعف الإيمان

الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود

Бу киши ўзини вазифасини ўтади. Тили билан мункарни қайтарди, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитганманки, ким бир мункарни кўрса, қўли билан қайтарсин, қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, қодир бўлмаса қалбида ёмон кўрсин. Аммо, бу энг заиф имон, деганлар, дедилар.

Қалби билан ёмон кўриш ҳам бўлмаса, буни ташқарисида, имон йўқ, дедилар. Инсоннинг имоннинг охириги риштасига осилиб қолишлиги, мункар нарсани кўрганда, қарих кўриб туришлигидир. Агарчи, тили билан айтолмаса ҳам.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ ۚ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

Оли Имрон сураси 104 оят

Сизлардан бир жамоа бўлсинки, яхшиликка чақирадиган ва маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган жамоа бўлсин. Ҳақиқий нажот топанлар ана шулар, деб, Аллоҳу таоло, каломидида ёд қилди.

Амри маъруф ва наҳй мункарни кимлар қилмоғлиги керак? Ўзи шу мункарни қилиб юрган бўлса, шундан бошқани қайтарса бўладими? Ўзи шу маъруф ишни қилмай юрган бўлса, шунга буюрса бўладими?

اتَّأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبِرِّ وَتَنْسَوْنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ نَتْلُونَ الْكِتَابَ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ

Бақара сураси 44 оят

Одамларни яхшиликка буюрасизми, ўзингларни эсдан чиқариб, Ўзинглар Аллоҳнинг китобини тиловат қилиб турсанглар. Ақлингларни ишлатмайсизларми? деган оят, ўзлари билиб туриб, амри маъруф қилмаган кишилар ҳақида, дейишган, баъзи уламолар.

Биз шуни билайликки, баъзи кишилар ўзи, унчалик илмни ўқимаган бўлса ҳам, илм олишга тарғиб қилишлиги, бу тўғри амалдир. Ўзи олим бўлмаса ҳам, маъруф нарсга буюришлиги, бу тўғридир. Ўзининг ҳаётини мункар ишлар билан ўтказганлигига афсус қилиб, сиз ҳам энди шунақа қилманг, деб, буюришлиги тўғридир. Шундай деб, буюрмоқлиги керак!

Маъруфга буюриш учун, ҳамма томондан тоза бўлишлик шарт бўлса, ким ўзини тозаман дея, олади?! Албатта, ҳеч ким айтолмайди! Шунинг учун, ўзини тозалашга ҳаракат қилаётган одам, Амри маъруф ва наҳй мункар қилишликка, ҳаққи бордир!

Лекин, ўзини маъруф ишлар қилиш нияти ҳам йўқ бўлиб, мункар ишни доим қилиб юрган одам, яна Амри маъруф ва наҳй мункар қилса, булар ҳаққида кўп ваъидлар бор.

يَجَاءُ بِالرَّجُلِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُلْقَى فِي النَّارِ ، فَيَتَذَلَّقُ أَقْتَابَهُ ، فَيَدُورُ بِهَا فِي النَّارِ ، كَمَا يَدُورُ الْحِمَارُ بِرَحَاهُ ، فَيُطِيفُ بِهِ أَهْلُ النَّارِ ، فَيَقُولُونَ : يَا فُلَانُ ! مَا أَصَابَكَ ؟ أَلَمْ تَكُنْ تَأْمُرُنَا بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَانَا عَنِ الْمُنْكَرِ ؟ فَيَقُولُ : بَلَى ، قَدْ كُنْتُ أَمُرُّكُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَلَا آتِيهِ ، وَأَنْهَأُكُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَآتِيهِ

الراوي : أسامة بن زيد | المحدث : الألباني
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Қиёмат куни бир кишини олиб келиб, ўтга улоқтирилади. Унинг ичаклари осилиб ётади. Худди эшак тегирмон тошини айлантираётгандек, ичаклари атрофида судраб айлантириб юради. Жаҳаннам аҳли, унинг устига тўпланиб, эй фалончи, нима бўлди сенга? Амри маъруф ва наҳй мункар қилардингу, дейишганда, мен маъруфга буюриб, ўзим мутлақо қилмасдим. Мункардан қайтариб, ўзим мункар ишларни қилаверардим, дейди. Амри маъруф ва наҳй мункарни ўйин қилиб олишнинг, жазосидир бу!

Амри маъруф ва наҳй мункар қиладиган одам, биринчи, қайси маъруф ва қайси иш мункар, шуни билмоқлиги керак! Шариат шу ишни қилишга буюрган бўлса, ўзи ҳам қилишга ҳаракат қилиб, бошқаларни ҳам ундамоғи керак! Мункарни билиб олиб, шариат шундай қайтарган бўлса, ўзи ҳам шундай қайтишга ҳаракат қилиб, бошқаларни ҳам, тийиб қўйишга ҳаракат қилмоқлиги керак! Амри маъруф ва наҳй мункар, тарк қилинмаслиги керак.

Мана шу иллат қайси миллатда пайдо бўлса, бу жамият хароб бўлади, ва ўлишидан олдин, шу дунёда Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга азобни кўрсатади. Ҳадисларнинг зоҳирий маъноси шудир, биродарлар!

Амри маъруф ва наҳй мункар қиладиган одам, биринчи, рифқ, мулойимлик билан тушунтириши керак. Адолат билан тушунтириши керак. Ўзининг шахсий ғаразини ўртага қўймаслиги керак! Ҳалимлик билан, сабр билан шунга чақирмоқлиги керак! Луқмонул Ҳаким ўғлига насиҳат қилганларида, шундай дедилар:

يُنَبِّئُ أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَأَنْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَصْبِرْ عَلَى مَا أَصَابَكَ إِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ
Луқмон сураси 17 оят

Эй ўғилчам, намозни барпо қилинг. Маъруфга буюринг ва мункардан қайтаринг. Бошингизга етган мусибатга сабр қилинг! деди. Бу ишларнинг мақсадга мувофиқроғидир, дедилар.

Амри маъруф ва наҳй мункар қиладиган одам, одамларнинг тухмат ўқиға нишона бўлади. Бу ишларнинг жиддийси ва каттасидир, деди. Бу иш ёқса қилиб, ёқмаса қайтиб, кўнглига тушса қилиб, бир ғайрати келса қилиб, бўлмаса, дам олиб юрадиган ишмас бу. Бу жиддий ишлардан ва ҳар ким ҳам, қилиши имконсиз ишлардан, деб, Луқмонул Ҳаким ўғлига насиҳат қилганлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Мусо алайҳиссалом ва укаси Ҳорун алайҳиссаломни, ер юзининг катта золими Фиръавннинг олдиға жўнатган вақтида,

فَقُولَا لَهُ قَوْلًا لَّيِّنًا لَّعَلَّهُ يَتَذَكَّرُ أَوْ يَخْشَى
Тоҳо сураси 44 оят

Икковинглар мулойим сўзни айтинглар. Мумкинки, у тушуниб қолса ва кўрқса?! деб, Аллоҳ буюрди, мана! Энг катта золимнинг олдиға жўнатаётган вақтда.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана шу шиорни ҳам, бизнинг кичкина жамоамизда, барпо бўлишлигини, насиб қилсин!

Амри маъруф шунчалик муҳим нарсa эдики, саҳобалар шунчалик эътиборға олишардилар эдики, жон таслим қиладиганларида, олдиларидан ёшроқ саҳобалардан биттаси, ўтиб қолди. Либоси ошиғининг пастига тушиб турган эди. Эй ғулом, дедилар. Буни кўтариб олгин, дедилар. Шунда, кийиминг ҳам покиза туради. Ва Роббинга тақволироқ бўласан, дедилар. Шу жон таслим қиладиганда ҳам, амри маъруфни, ўзларининг вазифалари деб, билдилар.

(Шу ерда саволларға жавоблар берилади)

Битта савол ва унга берилган жавобни, ёзишни лозим топдим.

Бу ерда сўрашибди, бизни масжиддан ҳайдаб юборишса, намозни уйда ўқиверсак бўладими? деб.

Масжиддан ҳайдашликка, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Мабодо бир одам, маст бўлиб кириб келса, уни ҳайдаб юборса, бўлади. Бу ер намоз ўқийдиган ер бу, деб. Лекин, намоз ўқишға келган одамни ҳайдаб, юборса, у одам энг катта золимдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтади:

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ مَنَعَ مَسْجِدَ اللَّهِ أَنْ يُذْكَرَ فِيهَا اسْمُهُ وَسَعَىٰ فِي خَرَابِهَا ۚ أُولَٰئِكَ مَا كَانَ لَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَائِفِينَ
لَهُمْ فِي الدُّنْيَا خِزْيٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ
Бақара сураси 114 оят

Билмайдиган бўлсалар, Аллоҳ уларға билдирсин, бу ишнинг хатолигини. Бунга ҳам сабр қилишлик керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолоға, шунақа бировларни масжиддан тўсадиган, одам бўлиб қолмаганиға, ҳамдлар айтишлик керак!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизға тавфиқ берсин шу Амри маъруф наҳй мункарни билиб, амал қилишликка! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизнинг, фарзандларимизни ҳақ йўлга ҳидоят қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўтган аждодларимизни раҳмат қилсин! Гуноҳларини мағфират қилсин Қабрларини жаннат боғларидан бир боғчаға айлантирсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

59 дарс тугади.

Хотима:

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, мана Душанба Дарслари туркумидаги, учинчи китоб ҳам, бугун Аллоҳнинг мадади ила, ниҳоясига етди. Аллоҳ берган имкону шароит ва мадад билан, бу туркумдаги учта китоб ёзилди. Иншааллоҳ, келажакда, яна бир китоб, охириги тўртинчи жилди ҳам, нашрга таёрлаб, чоп қилинади.

Агар шу ишга ҳам, Аллоҳу таоло тавфиқ берса, демак, Душанба Дарслари тўлиқ шаклда, тўрт жузълик китоб бўлади. Бу китоб муаллифи аллома, Абдували қоридир. У киши, иншааллоҳ золимлар зулми билан, Аллоҳнинг иродаси билан, шаҳидлик мартабасига эришганлар деб, умид қиламиз. У кишининг соф Иломий дарслари жамланган Душанба Дарслари, ва жума маърузаларидаги тафсирлари, ўзбек халқига у кишидан қолган бебаҳо илмий меросдир.

Бу меросни авайлаб асраш ва келажак авлодга етказишлик, уни ўқиб, амал қилишлик, бизнинг вазифамиздир. Бу китоб ҳам, шу мақсадда нашрга тайёрланди. Аллоҳу таоло, бу амалимни нуқсону хатоларини авф этиб, дунё ва охиратимиз учун манфаатлик қилсин! Китоб ҳақидаги фикр мулоҳазалар бўлса, менга Фаесбок орқалик жўнатишларингиз мумкин!

Саҳвий

16. 01. 2022

Учинчи китоб мундарижаси

41 Дарс -- 3 бет

Имон ҳаловатини топган уч тоифа ва Қиёмат кунида сояда турувчи етти тоифа ҳақида

(Бу дарс аавалида, имон ҳаловатини топган уч тоифа ва дарс охирида, қиёмат кунида сояда турувчи етти тоифа ҳақида сўз боради. Дарс охирида баъзи, фикҳий саволларга жавоблар берилади. Бу мавзудаги дарслар, олдинги дарсларда ҳам ўтгандир. (2 жуз 39 дарсда) Бу ерда яна такрорланади.)

42 Дарс -- 15 бет

Кабира гуноҳлар ҳақида

(Бу дарсда, катта гуноҳлар ҳақида қисқача дарс қилинади. Аммо, 60 дарсдан бошлаб, то 67 дарсгача, Имоми Заҳабийнинг Кабоир китобидан Кабира гуноҳлар ҳақида туркум дарслар

қилинган. Бу дарс ҳам ўша мавзудаги дарслар жумласидандир. Бу ерда қисқароқ баён қилинади. Банда гуноҳ қилмай иложи йўқ. Асосийси, гуноҳда давом этмаслик ва тавба қилиб, ўзини ўнглашликдир. Аллоҳнинг раҳматидан умид узиш куфрдир. Умидни ҳеч қон узмаслик ва доим қалбда хавф ва умид билан яшаб кетмоқлик керак. Бу дарс шу ҳақидадир.)

43 Дарс -- 24 бет

Шаръий ҳукмлар турлари

(Бу дарс, исломдаги шаръий ҳукмлар турлари, эътиқодий ва ахлоқий ва амалий ҳукмлар баён қилинади. Ва бандалар устидаги ҳақлар, Аллоҳнинг ҳаққи, бандаларнинг бир бири устидаги ҳақлари, инсоннинг жасадини ҳаққи ва бошқа ҳақлар тушунтирилади. Ва дарс охирида, ёмон хотимадан эҳтиёт бўлишга, даъват қилинади.)

44 Дарс-- 35 бет

Жоҳилий феъллар ҳақида

(Бу дарс аввалида, жоҳилийят давридаги одатлар зикр қилинади ва уларнинг бугунги кунда ҳам мавжудлиги, мисоллар билан тушунтирилади. Ва дарс охирида, вақф китобларини Жомеъ олдида сотиб ўтирилгани ҳақидаги саволга жавоб берилади. Шу жавобда, Қори ака ўзининг тутган манҳажини, зўравонлик йўли эмаслигини ва унинг иши одамларни динга чақиришдан иборатлигини ва шу йўлда мустаҳкам турганлигини мисоллар билан гапириб, ўша саволга жавоб беради. Ўша саволга жавоби, у кишининг умри давомида тутган мавқеъини кўрсатувчи ҳужжатдир)

45 Дарс-- 51 бет

Ғариблар ҳақида

(Бу дарс аввалида, ғариблар кимлиги ҳақида, бир неча ҳадислардан мисоллар келтирилиб, уларнинг сифатлари муфассал суратда шарҳланади. Ислом йўлидаги кишиларнинг, ғариб бўлишлиги ва бу улуғ даража эканлиги тушунтирилади. 34 дарс ҳам ғариблар мавзусида эди. Бу дарс уни янада тўлдиради ва мукаммаллаштиради. Иккала дарсни бирга ўқишлик тавсия қилинади. Иккинчи қисмда, Пайғамбар алайҳиссаломнинг васиятлари зикр қилинади.)

46 Дарс -- 64 бет

Саломлашиш тартиблари ҳақида

(Бу дарс аввалида, ҳар доимгидек, қисқача тавҳид ҳақида гапирилиб, мушрикларнинг айнан ақидада, нима хато қилганлиги ва пайғамбарлар улар билан нимада келишмаганлиги

тушунтирилади. Бу қисми, аввалги кўплаб ақидавий дарсларга мазмунда ўхшаш бўлиб, яна такрорланади. Кейин, мўминлар орасида ўзаро саломлашиш қоидалари ўргатилади. Саломнинг мусулмонлар ўртасидаги муҳим аҳамияти ва у ҳатто жаннатга киришга сабаб бўлувчи омиллардан бири эканлиги тушунтирилади. Дарснинг асосий мавзуси саломни фотиҳ қилишлик ҳақидадир.)

47 Дарс -- 74 бет

Жаноза намози ҳақида

(Бу дарс ҳам, тавҳидга чақириқ билан бошланади ва асосий мавзусига ўтади. Дарс мавзуси жаноза намози ҳақидадир. Дарсда жаноза намозини ўқишлик фазилати ва уни ўқишликни суннатда кўрсатилган шакллари ва дуолари, батафсил баён этилади. Шунингдек, вафот этган мўминларга нима қилса, манфаат етиши мумкинлиги, садақаи жория турлари, турли далиллар билан кўрсатилади.)

48 Дарс -- 84 бет

Аҳлус сунна вал жамоанинг ғариблиги ҳақида

(Дарс аввалида, Пайғамбар алайҳиссаломнинг даъват ишида ғариб бўлганлари зикр қилинади. Шунингдек, кейин ҳам, қиёматгача, у кишига эргашган суннатга амал қилувчи кишилар, шу каби, ғариб бўлишлари айтилади. Бу дарс 34 ва 44 дарсларни янада тўлдирувчи дарсдир. Ислолдаги амаллар ғариблиги ва замон ва макондаги ғарибликлар айтилади. Суннат аҳли бўлиш, тўғри йўл эканлиги ва айни дамда, шу йўлдагилар ғариблар эканлиги ўқитирилади.)

49 Дарс -- 95 бет

Дин ва Мувоқабат қилиш ҳақида

(Бу дарс аввалида, Жибрил ҳадиси деб, ном олган машҳур ҳадис келтирилади. Кейин, ундаги эҳсон калимасига тўхталиб, шуни кенг суратда шарҳланади. Шу мавзуга доир, бошқа ҳадислар ҳам илова қилинади. Аллоҳ мени кўриб турибди, деган фикрни мўмин кишида доимо бўлиши, ундаги амалларга катта таъсир қилиши қатор мисоллар билан тушунтирилади. Дарс мавзуси, мувоқабати муфасссал тушунтиришликдан иборатдир.)

50 Дарс -- 109 бет

Намоз аҳкомлари ҳақида

(Бу дарс аввалида қисқача тавҳид эслатилади ва кейин, тавҳиддан кейинги улуғ фарз ва Дин устунлиги бўлмиш беш вақт намоз ўқишликка доир ҳукмларни, муфасссал суратда

тушунтирилади. Сафарда намоз ўқиш қойидалари ва касал одамлар намози баён этилади. Бенамозлик ва намозга бепарволик, оқибати аянчли бўлишлиги, хабари берилади. Гуноҳи кабиралар дарсида 4 катта гуноҳ, ҳам намозига бепарво бўлишлик экани гапирилган.)

51 Дарс -- 121 бет

Закот аҳкомлари ҳақида

(Бу дарсда аввалидан охиригача, имон ва намоздан кейинги, Ислом арконларидан бири бўлган закот беришлик ҳукмлари, муфасссал суратда тушунтирилади. Уни кимлар беради ва кимларга беради ва қайси молдан, қачон берилади каби, саволларга жавоблар берилади. Закот беришлик фойдалари ва закот бермаслик оқибати, аянчли бўлишлиги, китобу суннат асосида баён қилинади. Гуноҳи кабиралар дарсида, закот бермаслик катта гуноҳ эканлиги қайта боз эслатилади)

52 Дарс -- 131 бет

Лаънат эълон қилинган тоифалар

(Бу дарсда, шу дарсларни нега душанба оқшомида, ўтказилиши сабаби айтилади, ва Мусулмон кишини сўқишлик, масхаралаш ва алдаш ва хиёнат қилишлик оқибатлари ҳақида қатор ҳадислар айтилади ва лаънат эълон қилинган тоифалар кимлиги баён қилинади. Дарсни охирида, ёши катта мусулмонларни ҳурматлаш ва ейиш, ичишда, сўзда ва юришда, муқаддам қилишлик ҳам, суннатдан экани тушунтирилади.)

53 Дарс -- 142 бет

Қуръон Каримнинг фазилатлари ҳақида

(Бу дарсда, қуръони каримнинг ўқишлик ва маъноларини тадаббур қилишлик ва унга амал қилишлик мўминлар учун муҳимлиги ва бундай қилишлик фазилатлари тушунтирилади. Шунингдек, қуръони каримнинг оятлари қанчалиги ҳақида, унинг суралари тўртта қисмга ажратилиб номланиши, ва унинг турлича номлари ва унинг тиловати, қалб ва жасад касалига шифолиги ҳақида, кўплаб маълумотлар берилади.)

54 Дарс -- 155 бет

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари ҳақида

(Бу дарс аввалида, Пайғамбарларга берилган мўъжизалар ҳақиқи ва Муҳаммад алайҳиссаломга берилган қуръон мўъжизаси, абадий эканлиги тушунтирилади. Кейин, у кишидан содир бўлган кўплаб мўъжизалар, ҳадисларга асосан келтирилади. Кейин, саҳобалардан содир бўлган баъзи кароматлар ва кейин, тобеъинлардан содир бўлган кароматлар айтилади. Дарс охирида, солиҳ бўлмаган кишилардан содир бўладиган одатдан ташқари ишларни, шайтоний ҳолатлар эканлиги тушунтирилади. Лекин, бу каромат

кўрсатишлик, мўминнинг ҳаётдаги вазифаси эмаслиги ва истиқоматда бўлишлик унинг вазифаси экани уқтирилади)

55 Дарс -- 168 бет

Ширкнинг баъзи кўринишлари ҳақида

(Бу дарс аввалида, ширкнинг турлари ҳақида аввалги дарсларда ўтган маълумотлар, яна қайтарилади. Кейин, намозга эътиборсизликни ёмон оқибати ҳақида, қисқа гапирилади. Сўнгра, мусиқа масаласида берилган саволга, яна қайта муфассал жавоб берилади. Кейинги қисмида, Муовия ибн Абу Суфён Халифалик давридаги бўлган бир воқеъани, зикр қилиниб, дарс тугайди.)

56 Дарс -- 177 бет

Гуноҳларга тавба қилишлик ҳақида

(Бу дарс аввалида, мўмин кишилар гуноҳларига тавба қилишлиги зарурлиги ва тавба қилиш шартлари батафсил тушунтирилади. Кейин, саҳобалардан Каъб ибн Моликни тавба қилгани, қиссаси баён қилинади. Дарсни охирида, талоқ мавзусига тўхталиб, унинг бешта тури ҳақида маълумот берилади. Мўминнинг озғидан чиққан сўз, эътиборли экани уқтирилади. Ва Ҳурмузон қиссаси билан, дарс тугайди)

57 Дарс -- 190 бет

Рамазон рўзаси ҳақида

(Бу дарсда Ислом асосларидан бўлган, Рамазон ойида рўза тутишлик мўминларга фарзлиги баён қилинади. Рўзанинг тутганларга бериладиган мукофотлар ва тутмаганларга бериладиган жазолар баён қилинади. Рамазонга қарши кимсалар иддаоларига раддиялар берилади. Рўза тутмасликка узри бор шахслар кимлиги тушунтирилади. Хуллас, рўзага доир ҳукмлар, муфассал баён қилинади.)

58 Дарс -- 201 бет

Тилнинг зарари ҳақида

(Бу дарсда инсон тили туфайли келадиган дунё ва охирадаги бадбахтлик ва кабира гуноҳлар ҳақида, оят ва ҳадислардан ва ҳаётий қатор мисоллар билан тушунтирилади. Шунингдек, тилдан чиққан бир оғиз сўз кимнидир, жаннатий бўлишига сабаб бўлиши мумкинлиги уқтирилади. Ғийбатни катта гуноҳлиги айтилиб, ғийбатга рухсат берилган ўринлар ҳам гапирилади. Чақимчилик ҳам гуноҳи кабира экани тушунтирилади. Дарс мавзуси, мўмин кишилар тилга эҳтиёт бўлишлари ҳақидадир)

Амру маъруф ва наҳий мункар ҳақида

(Бу дарс аввалида, ўтган рамазон ойи ҳақида қисқа гапирилиб, дуолар қилинади. Чунки, рамазонда бир ой дарс қилинмаганди. Кейин, дарс мавзусига ўтиб, амри маъруф ва наҳй мункар учун ўлчов, мезон шариат бўлишлиги ва буни қилишлик мўминлар зиммасидаги фарз эканлиги ўқтирилади. Уни қилишлик шахсга ва жамиятга манфаати ва қилмасликни, жамиятга ҳалокатлик бўлиши, тушунтирилади. Ва даъват йўлидаги озорларга сабр қилиш лозимлиги ўқтирилади.)